ЎЗБЕКИСТОН РЕСЪУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИАЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАДИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

5111400 – ХОРИЖИЙ ТИЛ ВА АДАБИЁТИ (ИНГЛИЗ ТИЛИ) ЙУНАЛИШЛАРИ I КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

2023-2024 укув йилига мўлжалланган

АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК

ФАНИДАН УКУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим сохаси	-	100 000 гуманитар соха
Таълим сохаси	-	110 000 педагогика
Таълим йуналиши	-	5111400 хорижий тиллар ва адабиёти (инглиз тили)

Тошкент - 2023

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг 2023 йил 14 август баённомаси билан тасдиқланган фан дастури, малакавий талаб, намунавий укув режа, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 мартдаги 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган УУМ тузиш буйича услубий курсатмалар, асосида тузилди

Тузувчи:

С.А. Содиқова – ЎзМу инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)

Тақризчилар:

И.К. Ўсаров – ЎзМу инглиз тили ва адабиёти кафедраси Филология фанлари номзоди досцент.
И.А. Жўраева – ЎзМу инглиз тили ва адабиёти кафедраси Филология фанлари номзоди досцент.

Ўқув -услубий мажмуа УзМУ Илмий Кенгашининг 2023 йил 26 августдаги 1 - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 4

Ўқув материаллари:

Маъруза материаллари..... 8

Семинар материаллари 99

Глоссатий 164

Илова:

Фан дастури 231

Ишчи ўқув дастури 239

Тестлар 261

Қўшимча материаллар .....[3] 270

СЎЗБОШИ

«Тилшунослик» фани 1-курс талабаларини тилга илмий ёндашиш асослари билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва тил илми билан боғлик барча назарий (назарий грамматика, лексикология, стилистика, матннинг лингвистик тахлили) курсларидан дастлабки сабоқ беришга мўлжаллангандир. «Тилшунослик» курсининг асосий эътибори аниқ мисоллар ёрдамида илмий лингвистик атамалардан фойдаланиб, тил ҳодисаларнинг мохиятини очиб беришга каратилади. Илмий адабиётдаги мавжуд турли методлар, юналишлар талабалар урганаётган хорижий тил нуктаи назаридан тахлил этилиб,уларнинг хозирги замон тилшунослик фанида тутган ўрнига бахо берилади.

Мазкур курсда маърузалар мазмуни тилшунослик ёки тил хақидаги билимларни аниқ фан сифатида шаклланганлигини асосли тарзда ёритиб беришга йўналтирилган бўлиб, талабаларга тилнинг келиб чикиши, тарихий тараккиёт жараёнлари ва конуниятларини илмий асосдаўрганиш зарурияти, тил луғат таркиби, фонетик тизими, грамматик қурилиши, лексик маъно хусусиятлари, тил тараккиёти юллари хамда кардош тилларга муносабати масалалари ҳақида уйгун холда зарурий маълумотлар беришга юналтирилган.Ушбу курсда тилшунослик ҳақидаги дастлабки маълумотлар содда, лўнда, тушунарли қилиб баён этилади. Бу эса талабалар дунёқарашига монандлашган.

Таълимий мақсади: Тил тараққиёти ва Тилшунослик фанининг ривожланиш босқичларини ўрганиш.
Тарбиявий мақсади: Тилшунослик асослари бўйича билимларини умумлаштириш ва устаҳкамлаш.

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСЪУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИАЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАДИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

С.А. СОДИҚОВА

АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК
ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР

5

Тошкент - 2023

1. ТИЛШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ, ЎРГАНИШ СОҲАСИ ВА МАВЗУЛАРИ

Р е ж а :

Тилшунослик фанининг объекти, предмети ва вазифалари. Тилшунослик курсининг мундарижаси. Тилнинг жамиятдаги ўрни ва асосий ҳамда ёндош функциялари ва структураси. Тилшунослик фанининг тармоқлари. Тилшунослик фанининг аспектлари. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Мавзу бўйича таянч иборалар: тил, тилнинг таърифи, тилни ўрганиш тармоқлари, экстралингвистика (социолингвистика, металингвистика), интралингвистика, компаративистика (қиёсий-тарихий, чоғиштирма, ареал, типологик) тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси, тилшунослик аспектлари, тилшунослик назарияси.

Тилшунослик фанининг объекти, предмети ва вазифалари.

Тил фақат кишилик жамияти маҳсулидир. Тилсиз ҳеч бир воқелик ва ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда тутган ўрни, жамият тараққиёти йўлларини билиш, ўрганиш мумкин эмас.

Тилшунослик ёки тил билими - лингвистика тил ҳақидаги мустақил ва аниқ фан бўлиб, тилнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт жараёнлари ва қонуниятларини илмий асосда ўрганади. Бу фан муайян ва умумий тилшунослик соҳаларидан иборат.

Муайян (хусусий) тилшунослик маълум бир тилнинг луғат таркиби, фонетик тизими ва грамматик қурилиши, тараққиёт йўллари ҳамда қардош тилларга муносабатини илмий асосда синчиклаб ўрганади ва шу йўл билан тилнинг луғат бойлиги, фонетикасини синчиклаб текширади, илмий грамматикасини яратиб беради.

Умумий тилшунослик эса умуман тилнинг келиб чиқиши, ижтимоий моҳиятини, жамиятдаги ўрни ва вазифасини, тараққиёт йўлини, тил билан тафаккурнинг бир-бирига узвий боғлиқлигини, тилнинг ўзаро муносабатини ўрганади ҳамда тилшуносликнинг тадқиқот усулларини яратади. Умумий тилшунослик айрим тилшуносликни, бир гуруҳ тиллар тилшунослигини ва қардош тиллар тилшунослигини ўрганиш, текшириш натижасида аниқланган тил ҳодисалари, тил далилларини умумлаштириб, илмий хулосалар чиқаради ва шу асосда тил қонуниятларини аниқлаб беради.

Кўринадики, тилшунослик инсон тилини ўрганадиган мустақил фандир. Тилшунослик дастлаб амалий аҳамиятгагина эга бўлган фан

сифатида юзага келган бўлса, ҳозир соф назарий характердаги фанга айланди.

Башарият XX аср билан хайрлашиб, учинчи минг йилликка қадам қўйди. Инсоният бугунги кунга келиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Одамзод ўзининг ақл-заковати ва меҳнати билан жуда кўп янгиликлар яратди.

Маънавий бойликлар орасида тилшунослик илмида тўпланган билимлар муҳим ўрин тутади. Ҳар бир даврнинг буюк тилшунослари бўлади. Улар ўз юрти ва халқининг тили ҳақидаги фикрларини ўртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи байроқ сифатида намоён бўладиган ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида тилшунослик билимлари катта аҳамият касб этади.

Тил ва унинг таърифи. Ҳозиргача тил турли олимларнинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб таърифланади.

«Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир» (Ф. де Соссюр).

«Тил – одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик ҳаракатидир» (Л.Блумфильд).

«Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (Б.Гроссе).

Бу таърифларнинг бирортаси тилнинг тўлиқ таърифи эмас, чунки улар тилнинг ижтимоий моҳиятини очиб беролмайди.

Олимлар тилнинг кишилик жамиятида тутган ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатиб, тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир, деб таърифлайдилар.

Тил асрлар давомида жамиятга хизмат қилади, уларнинг эҳтиёжларини тўла-тўкис бажаради, гарчанд, тил ўзгарувчан ҳодиса бўлса-да, у фақат ўзининг ички объектив қонунлари асосида ривожланади.

Тил ўзига хос **семиологик** тизим бўлиб, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш қуроли, жамият тафаккурининг ривожланишини таъминловчи, авлоддан-авлодга маданий-тарихий анъаналарни этказувчи восита хизматини ўтайди.

Тилшунослик курсининг мундарижаси ва мақсади

Биринчидан, тилшунослик курси тилнинг бошқа ҳодисалар ичида тутган ўрни, тузилиши ва тилнинг тараққий этиш қонуниятлари ҳақидаги, умуман тил ҳақидаги фаннинг асосий тушунчаларини ўрганади ва ўргатади. Бу курснинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, у тилшунослик фанида қўлланиладиган терминлар, тушунчалар тизими

билан таништиради. Шунинг учун бу курс умумий тилшуносликнинг дастлабки босқичи бўлиб, умуман мураккаб тил ҳодисаларини тўғри тушунишга, маълум бир тил ҳамда қардош тил гуруҳларини бир-бирига солиштириб, маълум тил ҳодисаларини, луғат таркиби, фонетик тизими ва грамматик қурилишини илмий асосда чуқур ўрганиш учун назарий ва амалий жиҳатдан замин яратиб беради.

Иккинчидан, тилшунослик курсини киритишдан асосий мақсад нималардан иборат деган саволга жавоб берайлик.

Ўқув режаси бўйича биз 1-4 курс давомида тилга тааллуқли, тилга дахлдор амалий ва назарий фанларни ўрганамиз. Ўқув жараёни бошиданоқ тилшунослик фанини киритишнинг асосий сабаби шундаки, тилшунослик фанида тилга оид мана шу амалий ва назарий фанларнинг асосий қонун-қоидалари ўрганилади.

Ўқув йили бошидан *амалий фонетика, амалий грамматика, амалий инглиз, немис, француз тиллари, рус тили дарслари* киритилади ҳамда бу амалий дарслар 4 курс охиригача давом этади. Биринчи курсдан бошлаб *роман-герман филологиясига кириш, кейинги курсларда эса чет эл адабиёти, чет тилларни ўқитиш методикаси, ўрганилаётган тиллар тарихи, лексикология, стилистика, назарий фонетика ва грамматика, чет ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси, таржима назарияси каби қатор назарий фанлар* ўқитилади. Шу амалий ҳамда назарий фанларнинг асосий бошланғич қонун-қоидаларини ўргатиш тилшунослик фанининг асосий мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

Тилнинг жамиятдаги ўрни ҳамда асосий ва ёндош функциялари ва структураси

1. Тилнинг жамиятдаги энг асосий функцияси коммуникативлик функцияси бўлиб, бу тилнинг кишилар ўртасида мулоқот воситаси, қуроли бўлишидек вазифасидир.

Тилнинг асосий вазифаси инсонлар ўртасида мулоқот воситаси бўлмокдир. Айнан тил орқали одамлар меҳнатда ва турмушда бир бирларини тушуниб етадилар. Тил орқали улар ўз фикрларини, туйғуларини, кайфиятларини ва хоҳишларини ўзгаларга маълум қиладилар. Албатта, одамлар ўзга мулоқот воситаларидан ҳам фойдаланадилар, жумладан, имо-ишоралар, турли сигналлар ва белгилардан (математик ишоралар, химик формулалар ва шунга ухшаш белгилар, кўча ҳаракат белгилари, денгиз сигналлари, морзе алифбоси ва бошқалар), товушларнинг мусиқий бирикмасидан, буёқлар ва уларнинг уйғун кўринишидан ва бошқалар. Лекин мулоқотнинг барча бу воситалари ягона универсал восита - сўзлашув тилига нисбатан атиги ёрдамчи восита ҳисобланади. Сирасини олганда, имо-ишоралар тили кишининг товушли нутқига нисбатан анча ожиз туюлади.

Ҳақиқатда ҳам мусиқа ифодалар, шаклланган тушунчалар ва фикрлар боғламини ифода эта олмайди - у тингловчида кўзғатиши мумкин бўлган ҳаяжон, инсон қалб қўзғалиши эвазига туйғу ва кайфиятни ифода этади. Тасвирий санъат ҳам худди шундай, унинг имкониятлари канчалар кудратли бўлмасин, мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилиш имкониятига кўра тил билан хеч қандай қиёсга кира олмайди: тасвирий санъат, мусиқа хеч қандай равшан тушунча, ҳукм ва хулосани ифода эта олмайди. Турли сигналлар ва белгиларга келсак, улар ҳам чекланган доирага эга. Колаверса, маълум кишилар доирасига мўлжалланган белгилар тизими ҳам ўзининг тугал маъносини тил орқали топади. Чунки белгилар тил иштирокисиз, тилга кўчирилмай туриб хеч қандай маъно касб этмайди. Мулоқотнинг оддий ёрдамчи воситаси бўлмиш белгилар ва сигналлар тил асосида у билан узвий боғлиқ равишда муваффақиятли қўлланиш кўламига эга бўлади.

2. ***<u>Тилнинг иккинчи асосий функцияси тилнинг номинативлик, нарса ва ҳодисаларни аташ функциясидир.</u>***

Шубҳасиз, тил кишилар, шу тилда сўзлашувчи жамоага нисбатан мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади. Шунингдек кишилар жамоасидан ташқари тил яна икки дунё - кишиларни қуршаб турган нарсалар, буюмлар ва ҳодисалар дунёси ва киши ифода этадиган тушунчалар, фикрлар ва туйғулар дунёси билан боғлиқ.

Объектив борликдаги нарсалар, предметлар тил орқали белгиланади, номланади. Номланиш сўзлар орқали руёбга чикади.

Нарсалар, предметлар ўз аксини сўзларда топади. Шу боис сўзлар белгилар ҳисобланади. Сўз шу тил жамоаси учун маълум ҳисобланиб, предмет билан ички мустахкам алоқа билан боғланади. Сўз маъноси предметни акс эттиради, Бинобарин, сўз оддий белги эмас, балки акс эттирувчи белги ҳисобланади. Тилнинг акс эттирувчи вазифаси шундан кўзга ташланади. Шу боис биз тилнинг предметлар ва ҳодисалар дунёсига нисбатан муҳим вазифаси сифатида унинг номлаб акс эттирувчи вазифаси ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Предмет ёки ҳодиса сўз билан мустаҳкам бирликда мавжуддир. Номсиз предмет ёки ҳодиса бўлмаганидек, предмет ёки ҳодисасиз ном бўлиши мумкин эмас.

3. ***<u>Тилнинг жамиятдаги учинчи энг асосий функцияси унинг информативлик функциясидир.</u>***

Бу тилнинг энг муҳим функцияларидан бири сифатида унинг информацияни сақлаш ва авлоддан авлодга, даврдан даврга етказиш функциясидир. Тилнинг жамиятдаги барча маълумотларни сақлаб, бизгача етказиб келиш вазифаси асосида биз авлодларимизнинг асарлари,

кашфиётлари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Маҳмуд Кошғарий, Уильям Шекспир, Низомий Ганжавий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, А.С.Пушкин, Исаак Ньютон каби мутафаккир олимлар мероси тилнинг айнан шу хосияти туфайлигина бизга етиб келди.

Бундан ташқари тилнинг ёндош функциялари сифатида унинг кундалик оғзаки нутқдаги иштироки, диалектал нутқдаги фаолияти, турли маросимларни ўтказишдаги амал қилиши каби функциялари ҳам мавжуддир.

Тил структураси ҳақидаги маълумотлар. Хозирги замон тилшунослигида "тил таркиби", структураси термини жуда кенг тарқалган. Амалий жиҳатдан нутқ тажрибаси ва тил билан мактабдаги танишув шундан далолат берадики, тил икки томондан уни ташкил этувчи маълум томонлар, бўлаклар ва қисмларга ажралади. Жумладан, маълумки, тилда сўзлар, товушлар, грамматик формалар мавжуд, грамматик қоидаларга биноан сўзлар сўз туркумларига гуруҳлашадилар, гапда эса гап бўлагига айланадилар, сўзлар, сўз бирикмаларига ва гапларга ташки жиҳатдан товуш томони, ички жиҳатдан маъно томони хос. Тилнинг ички тузилиши, таркиби, структураси ҳақида гапирганимизда, айнан ўшани назарда тутамиз.

Шу боис тил структураси, таркиби тушунчаси остида унинг томонларини, яъни фонетик, лексик, грамматик жиҳатларини ташкил этувчиларнинг яхлит тартибли, ягона мажмуасини, йиғиндисини тушунамиз. Тил таркибининг турли томонлари турли лингвистик фанлар томонидан тадқиқ этилади.

Лексикология (грек тилидан lexis - сўз ва logos-тушунча, таълимот) - тилнинг луғат состави ва унинг тарихий ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Фонетика (грек тилидан phonetikos - товушли, овозли) инсон нутқ товушлари ёки фонемалар, бўғинлар, нутқ бўлаклари ҳамда гарчи тўлиқ сўзлар ва гаплар билан узвий боғлансада, нутқда мустақил ажралмайдиган товуш ҳодисалари - урғу, оҳанг ҳақидаги фандир. Албатта фонетика товуш ва товуш ҳодисаларининг нафақат ҳозирги ҳолатини, балки уларнинг ривожланиб, шаклланиш ҳолатларини ҳам ўрганади. "Фонетика" термини бошқа маънога ҳам эга: у товушлар ва тилнинг товуш ҳодисалари мажмуасини англатади.

Грамматика (грек тилидан. gramma - ҳарф, таълимот) - сўзларнинг, гапларнинг қурилиши, ўзгариш воситалари ва усуллари ҳақидаги фандир. Ушбу термин бошқа бир маънода ҳам қўлланади. Мазкур термин асосида тилда объектив мавжуд бўлган сўзларнинг қурилиши ва ўзгариш воситалари ва усуллари ва гапларнинг қурилиш воситалари ва усуллари тизимини англатади.

"Фонетика", "Грамматика" ва шунга ухшаш терминлар қўлланишда икки хил маъно келишига барҳам бериш учун "фонетика" ва "тил фонетикаси",

"грамматика" ва "тил грамматикаси" деб айтиш маъкулрок бўлади. Тил грамматикасининг ички бўлинишига кўра грамматика икки қисмга ажралади: морфология (грек тилидан morphe - форма ва logos - тушунча, таълимот) ва синтаксис (грек тилидан - боғланиш).

Сўзларнинг қурилиши ва ўзгариш воситалари ва усуллари ҳақидаги фан морфология деб аталади. Гапларнинг қурилиш воситалари ва усуллари ҳақидаги фан синтаксис деб аталади. Сўз ясаш мавжуд сўзлардан янги сўзларни хосил этиш воситалари ва усуллари ҳақидаги фан. Семасиология (грек тилидан sema - белги, маъно ва logos - тушунча, таълимот) - сўзлар ва гаплар, сўз туркумлари ва гап бўлакларининг маъно томонлари ҳақидаги фандир. Стилистика (грек тилидан. stylos - ёзув таёқчаси) - тил услубиёти ҳақидаги фандир.

Тилшунослик фанининг тармоқлари. **Юқорида айтиб ўтилганидек, кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилни тилшунослик фани ўрганади. Унинг уч тармоғи мавжуд:**

1. *Экстралингвистика* **(экстра – ташқи, лингвистика – тилга хос) тилдан ташқарида, аммо бевосита тил билан боғлиқ бўлган хусусиятларни ўрганади. Экстралингвистика қуйидаги тармоқларга ажралади:**

A. *Социолингвистика***. Бунда тилнинг табиати ва ижтимоий вазифаси ўрганилади.**

B. *Металингвистика***. Бунда тил ва тафаккур, тилнинг мазмун томони, нутқ фаолияти, тил бирликларининг матн ва шароит билан алоқаси ўрганилади.**

2. *Интралингвистика***. Бунда тилнинг ички тизими, унинг бирликлари ва категориялари, тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қурилиши ўрганилади.**

3. *Компаративистика***. Бунда тиллар қиёсий тарзда ўрганилади. Бу соҳа учга бўлинади:**

A. *Қиёсий тилшунослик***. Бу соҳа ўз навбатида қиёсий-тарихий ва чоғиштирма тилшуносликка бўлинади.**

B. *Қиёсий-тарихий тилшунослик* **бир-бирига қариндош бўлган тилларни ўрганади. Турли тизимдаги тилларни қиёсий ўрганиш чоғиштирма тилшунослик объектидир.**

C. *Ареал (майдон) тилшунослик***. Тилнинг тарқалиш доираси, тиллар харитаси, мамлакатларда тарқалган тилларни тасвирлаш ареал тилшунослик предмети саналади.**

Д. ***Типологик тилшунослик***. Типология тилларнинг қурилишидаги умумий, универсал ҳолатларни текширади. Бунда барча тиллар, уларнинг қариндош ёки қариндош эмаслигидан қатъий назар ўрганилаверади.

Тилшунослик фанининг санаб ўтилган тармоқлари негизида турли назариялар пайдо бўлган.

1. *Тилшунослик фанининг аспектлари*. **Тилшунослик фани ҳам кўп аспектли фанлар қаторига киради. Унинг аниқ тил фактларига кўра бир неча тури мавжуд:**

Структурал тилшунослик.
Хусусий тилшунослик.
Умумий тилшунослик.
Амалий тилшунослик.
Назарий тилшунослик.

Тилшуносликда тил компонентларининг ички муносабатларини, ўзаро боғлиқлигини, тилнинг структура томонини ёритиш мақсад қилиб қўйилган йўналиши структурал тилшунослик деб аталади.

Хусусий (конкрет) тилшунослик ҳар бир конкрет тилнинг фонетик тизими, луғат таркиби, грамматик қурилиши ва уларнинг тараққиёт йўллари ҳамда бу тилнинг бошқа тилларга муносабатини ўрганади ва шу асосда конкрет тилнинг илмий грамматикасини яратишга интилади.

Умумий тилшунослик маълум бир тилнинг эмас, балки умуман тил қонунлари, тилнинг пайдо бўлиши, тилнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси каби масалаларни тадқиқ этади. Шунингдек, бу фанда конкрет тилларни, тил гуруҳларини, қардош тилларни ўрганиш натижасида аниқланган тил фактлари умумлаштирилиб, муҳим илмий-назарий хулосалар чиқарилади.

Умумий тилшунослик – инсон тилини илмий ўрганадиган фан бўлиб, унинг асосий мақсади тилшунослик фанининг предмети ва вазифалари, тилнинг моҳияти, тилнинг тузилиши, тил ва нутқ, тил ва тафаккур, тилдаги белгилар тизими, тил ва жамият, тил тараққиёти, тилшунослик мактаблари ва йўналишлари, тилларнң илмий тадқиқ этиш усуллари ҳақида маълумот беришдан иборат. Шу жараёнда тилнинг типологик белгилари аниқланади.

Умумий тилшунослик фани тилнинг табиати ва моҳияти, тилнинг жамият ва тафаккур билан муносабати, тилнинг структураси ва системалилик характери, тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёт қонунлари, тиллар типологияси ва таснифи, тилни ўрганиш методлари каби муаммоларни ўрганади.

Лингвистик фанларнинг серқирра томонларига йўл топиш учун, уларни ўрганишни фан компаси, йўл бошловчиси бўлмиш фандан бошлаш зарур. Бу фан умумий тилшунослик деб номланади, ушбу фан ҳақидаги муҳим маълумотларнинг оддий баёни тилшунослик асослари деб номланади.

Умумий тилшунослик нима билан шуғулланади? Тилда у нимани тадқиқ этади, ўрганади? Бошқача қилиб айтганда, унинг ўрганадиган предмети нима? Ушбу саволларга жавоб бериш учун турли тилларда умумий ҳисобланган ҳамда хар бир тил учун муҳим ва хос бўлган хусусиятлар

мавжуд эканини англаб етиш зарур. Жумладан, француз, немис, ўзбек, испан тилларининг ижтимоий вазифаси бир хилми ёки ҳар хилми? Шубҳасиз, бир хил: улар мулоқот қуроли сифатида хизмат қилади. Яна бир бошқа мисол: товушлар, сўзлар, гаплар мавжудлиги фақатгина ўзбек тилига хосми ёки бошқа тилларга ҳам хосми? Шубҳасиз, барча тилларга. Юқоридаги мисоллардан кўринади-ки, турли тиллар ичида умумий муҳим ҳисобланган ҳодисалар мавжуд.

Умумий тилшунослик айнан турли конкрет тиллар учун умумий ва муҳим ҳисобланган ҳодисаларни ўрганиш билан машғул. Маълум маънода ушбу фанни тил ҳақидаги, тилнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги фан деб аташ мумкин.

Ушбу фан қандай муҳим масалаларни ҳал этади?

1. Умумий тилшуносликнинг биринчи масаласи - бу тилшуносликка энг муҳим масала сифатида киритиладиган масала, тилнинг табиати ва моҳияти, тилнинг жамиятга ва тафаккурга муносабати масаласидир.
2. Иккинчи энг кенг масалалардан бири - бу тил қурилиши, структураси масаласидир. Бунга тил қурилишига алоқадор барча масалалар, жумладан, тилнинг товуш қурилиши, луғат таркиби, грамматик қурилиши каби масалалар киради.
3. Учинчи масала ўз ичига тил тизими, системаси билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Тил - бу бўлак-бўлак, айрим холда мавжудлашган товушлар, сўзлар, оҳанглар, гаплар, сўз туркумлари йиғиндиси эмас. Тил - бу қатъий таркиблашган тизим, қоида асосида мослашган томонлар, бўлаклар, бирликлар бирлиги бўлиб, бунда ҳар бир томон, бўлак, бирлик бошқа кўпгина томонлар, бўлаклар, бирликлар билан боғланган. Тилнинг бу қатъий тизимини, ички, конуний бирлигини умумий тилшунослик ўрганиб чикиши зарур.
4. Ушбу фаннинг тўрtинчи масаласи тилнинг кишилик жамияти билан боғлиқ ҳолда ривожланиш масаласидир.
5. Бешинчи масала - бу ёзувнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш масаласидир.
6. Олтинчи масалани тилларнинг типологияси деб номлаш мумкин.
7. Еттинчи масала - тилшунослик методлари масаласидир.
8. Саккизинчи масала - илмий билимларни амалиётга тадбиқ этиш масаласидир. Тилшунослик ва мактаб, тилшунослик ва таржима, тилшунослик ва илмий техник ахборот ва бошқалар шулар жумласига киради.
9. Тўққизинчи масала - тилшуносликнинг ўзга фанлар билан (тарих, мантиқ, психология, адбиётшунослик, математика, физика, информатика билан) алоқаси масаласидир.

Юқорида баён этилган масалалар ва бошқалар умумий тилшунослик муҳокама доирасига киради.

Тил ижтимоий ҳодисадир. Тил кишилик жамияти билан бирга ривожланади, равнақ топади. Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Бу унинг табиати ва моҳиятини акс эттиради. Тилдаги барча элементлар ижтимоий ахборот узатиш учун хизмат қилади. Шу боис улар ижтимоий ахборот ташувчи белгилар ҳисобланади. Тил - бу тарихий шаклланган ва ривожланадиган мулоқотнинг мураккаб механизмидир.

Тилшуносликнинг лингвистик масалаларини амалий йўл билан ўрганувчи соҳалари амалий тилшунослик саналади. Унинг экспериментал фонетика, лингвистик таҳлил, лексикография каби йўналишлари мавжуд.

Назарий тилшунослик – тилшуносликка доир асосий қарашлар, ғоялар, назариялар ҳақидаги тизимдир. Унда тил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар, қарашлар умумлаштирилади. Тилнинг асосий муаммолари ва долзарб масалалари ҳақидаги янги назариялар олға сурилади.

«Умумий тилшунослик» курсида тилларни ўрганиш соҳасида қуйидаги муаммолар доирасида мавжуд бўлган назариялар ҳақида маълумот берилади:

1. Тилшунослик тарихида мавжуд бўлган оқимлар ва мактабларда тил муаммоларининг ўрганилиши.
2. Тилшуносликдаги фалсафий йўналиш.
3. Тилнинг назарий масалалари. Тил ва нутқ. Тил ва тафаккур. Тилдаги белгининг табиати ҳақида. Мантиқий ва грамматик категориялар. Тил ва жамият. Тилда шакл ва мазмун.
4. Тил қурилиши масалалари. Тил қурилишида прагматика ва синтагматика. Тил фонологияси, лексикологияси, грамматикаси, сўз ясалиши. Лингвистик типология. Тилларнинг типологик ва генеологик таснифи.
5. Тилларни ўрганишдаги қиёсий-тарихий, чоғиштириш, тасвирий, математик, автоматлаштириш, жўғрофий методлар ва уларнинг моҳияти.

<u>6.Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси</u>. Тил тилшунослик фанининг объекти бўлиб, у инсоннинг бевосита кузатиши ва мустақил илмий изланишлари учун ҳам хизмат қилади.

Тилшунослик фани тил бўйича тадқиқот ишлари олиб борганда, бошқа фан материалларини ҳам ҳисобга олади. Жумладан:

1. Тилшунослик биринчи навбатда фалсафа билан чамбарчас боғлиқдир, чунки фалсафа тилшуносликнинг методологиясини белгилаб беради. Масалан, диалектика, тил ва тафаккур ҳақидаги таълимот тилшуносликнинг методологик асосларини ташкил этади.
2. Тилшунослик психология билан чамбарчас боғлиқдир. Тилшунослик билан психология ўртасида мавжуд бўлган муаммолар психолингвистикада ўрганилади.
3. Тилшунослик тарих билан ҳам ўзаро боғлиқ, чунки тилнинг луғат

таркиби, унинг иш кўриш доираси ва характери жамият тарихи билан узвий алоқададир.

4. Тилшунослик этнография билан ҳам боғлиқ. Этнография халқларнинг келиб чиқиши, таркиби, урф-одатлари, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини ўрганади. Тилшунослик фани у ёки бу тилни ўрганишда халқ этнографияси материалларидан фойдаланиб иш кўради.

5. Тилшунослик тафаккур қонунлари ва фикрлаш шакллари ҳақидаги фан бўлган мантиқ билан ҳам боғлиқ.

6. Маълумки, ижтимоий тузумга алоқадор, ҳаёт билан ва кишиларнинг жамиятдаги муносабатлари билан боғланган; ижтимоий жамиятнинг табақаларга бўлиниши, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш билан боғлиқ қонунларни социология фани ўрганади. Бу фан тилшунослик билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этади ҳамда шу асосда социолингвистика фани келиб чиқди.

7. Қадимий моддий-маданий ёдгорликлари асосида кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганувчи фан – археология ҳам тилшунослик билан боғликдир.

8. Тилшунослик адабиётшунослик билан узвий боғлангандир. Уларнинг алоқаси, стилистика, адабий тил тарихи, бадиий адабиёт муаммоларини ўрганишда яққол кўзга ташланади.

9. Гарчи тилшунослик фани ижтимоий фан бўлса-да, физика, кибернетика, математика, физиология каби табиий фанлар билан ҳам боғлиқ ҳолда ривожланади.

Нутқ товушлари хусусиятларини тасниф қилиш тамойилларини ўрганишда физика фанининг акустика бўлими тилшуносликка, унинг фонетика соҳасига катта ёрдам бермоқда.

Чет тилларни ўқитиш, машина ёрдамида таржима қилиш, турли типдаги луғатларни тузишда тилшунослик математик методларга ва кибернетика фани ютуқларига таянади.

Товушлар артикуляцияси ва эшитиш қобилиятини ўрганганда, нутқий қобилиятнинг бузилиш сабабларини текширганда тилшунослик физиология, тиббиёт сингари фанларнинг ютуқларига таяниб иш кўради.

Тилшуносликнинг турли фанлар билан алоқаси натижасида ҳар хил назариялар пайдо бўлди.

Тилшунослик тил ҳақидаги мустақил ижтимоий-тарихий фан бўлиб, унинг объекти бўлган тил тилшуносликдан ташқари бир неча фанлар томонидан ўрганишни талаб қиладиган мураккаб соҳа бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, ички тузилиши – тилнинг таснифи, уни таҳлил қилиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир.

Замонавий тилшуносликнинг асосий ғояси билан танишиш ундаги маълумотларнинг кўплигига кўра мураккаб вазифа хисобланади. Турли тилларнинг турли томонларини ўрганувчи катор фанлар тилшунослик таркибига киради. Бир неча фанлар тилнинг турли томонларини ўрганади: фонетика - уларнинг товуш томонини, лексикология - уларнинг луғат таркибини, грамматика - сўз ва гап қурилиш усуллари ва воситаларини, диалектология - шеваларни (диалектлар), лаҳжаларни ўрганади. Бундан ташқари тил ҳақидаги фан тилнинг қурилиши ва фаолият кўрсатишига кўра (ифодаланиши) ёки тилнинг замон ўзгаришига (ривожланиши) кўра фарқланади. Биринчи кўринишни тасвирий лингвистика, иккинчи кўринишни тарихий лингвистика деб юритилади. Тасвирий ва тарихий лингвистика ўзаро узвий боғланган ва яхлит бутунликни ташкил этади.

2. ТИЛ – АСОСИЙ АЛОҚА ВОСИТАСИ. ТИЛ ВА ТАФАККУР. ТИЛ ВА ЖАМИЯТ. ТИЛЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Режа:

Тилнинг ижтимоий моҳияти. Тил шаклланиши ва ривожининг ижтимоий шартланганлиги. Кишиларнинг тарихий бирликлари, шакли ва тил. Тил ва нутқ

Тил ва тафаккур. Социолингвистик назариянинг шаклланиши ва унинг объекти.

*Мавзу бўйича таянч иборалар: **с**труктурализм, тил, жамият, тилнинг ижтимоийлиги, тилда ўзгариш, нутқий фаолият даражалари, уруғ, қабила, қабила иттифоқи, ҳалқ, диалект, тил меъёри, назарий йўналишлар, вазифавий услублар, тил тизими ва қурилиши, тилнинг ижтимоий табақаланиши, социолингвистика, типология мезонлари, типологик тасниф.*

Тилнинг ижтимоий моҳияти. Тил шаклланиши ва ривожининг ижтимоий шартланганлиги.

XX асрнинг 30-йилларида майдонга келган структурализм тилни асосан бир томонлама ўрганишни, тилнинг тузилиши ва уни ташкил этувчи бирликлар орасидаги муносабатларни ўрганишни тилга оид бошқа масалалардан устун қилиб қўйди. Натижада тил бирликларига хос бўлган шакл ва маъно бирлигини рад этиб, фақат шаклни ўрганишга зўр берилди. Кўп ўтмай бу оқим инқирозга учраб, қўйилган мақсадларни узил-кесил ҳал

қила олмади. Тилнинг яшаши ва ривожланиши бу тилда гаплашувчи жамият билан узвий боғлиқ экани равшан бўлиб қолди. Натижада тилшунослик фанининг асосий муаммоларидан бўлмиш тил ва жамият масаласи яна кун тартибига қўйилди.

Тил жамиятнинг алоқа - аралашув қуроли сифатида жамият билан узвий алоқададир. Чунки жамиятда рўй берган ҳар бир ўзгариш шу жамиятнинг тилида ўзининг маълум изини қолдиради. Шунинг учун ҳам жамият тарихининг муайян жиҳатларини ёритишда тарихий ҳужжатлар, ёзма ёдгорликлар ожизлик қилиб қолган жойда лингвистик материаллар ёрдамга келиши мумкин. Тил ижтимоий характерга эга, чунки у жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келади. Тил фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий қуролдир. Тилнинг тақдири, унинг яшаши, ривожланиши фақат шу тилда гаплашувчи жамиятга боғлиқ.

Тилнинг ижтимоийлиги жамиятда бажарадиган вазифаси, роли ва бизнинг қандай эҳтиёжимизни бажариши билан белгиланади. В. фон Гумбольдт ва Гегель асарларида тил кишиларнинг жамиятдаги эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилиши ҳақида фикр билдирилган.

Тил ва жамият муаммосини турли хил дунёқараш асосида ёритиш Э.Сепир, Б.Уорф, В. фон Гумбольдт, Г. О. Винокур, Б. А. Ларин, Н. Я. Марр, Э. Д. Поливанов, Л. В. Щерба асарларида ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилигида тилнинг асосий вазифаси алоқа қуроли эканлиги алоҳида таъкидланади.

Жамият узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришда бўлгани каби, унинг тили тинимсиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишдадир. Шунинг учун ҳам тилшунослик тарихида тилни ўрганишда унинг тарихий тараққиётига турлича муносабатда бўлдилар. Тилнинг ижтимоий шартланганлиги асосида унинг ижтимоий вазифа бажариши аниқланади.

1

Кишиларнинг тарихий бирликлари, шакли ва тил.

Тил уруғ ва қабила, элат ва миллат тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун унда кишилик жамиятининг тарихи бевосита ўз аксини топади. Ҳар бир тилнинг пайдо бўлиши ва ҳозирги ҳолатига етгунга қадар уруғ, қабила, қабила иттифоқлари ва ҳалқ тиллари даражасига кўтарилиб, улардан алоқа воситаси ва кураш қуроли сифатида фойдаланиб келганлар. Жамиятнинг ўша тараққиёт даврларига қараб, бу тиллар аждодларимизнинг талабларини қондирган ва жамият тараққиёти ҳамда шароит талабларига кўра ўз ички тараққиёт қонунлари асосида аста-секинлик билан тараққий этиб келган. Ниҳоят, бизнинг ҳозирги алоқа воситамиз даражасига кўтарилган.

Ижтимоий жамоа тузуми даврида уруғ ва қабилаларнинг аъзолари учун тушунарли умумий тиллар бўлган. Ҳар бир қабиланинг айрим, ўзига хос диалекти бўлади. Қабила аслида диалект демакдир. Қадимги даврларда аждодларимиз қабила-қабила бўлиб ҳаёт кечирар эканлар, улар бошқа кабилалардан фарқ қилувчи ўз тилларига ҳам эга бўлганлар.

Ҳозирги вақтда ҳар бир тилда бир қанча диалект ва шевалар мавжуд бўлиб, улар ўзларига хос характерли хусусиятларини сақлаб келмоқда. Бу шеваларнинг сақланиб келиши феодал тарқоқлик даври билан боғланган бўлса ҳам, уларнинг пайдо бўлиш даври ва сақланиб келишининг асл сабабини жуда қадим замондан, ибтидоий жамоа тузуми ва ундан ҳам олдин бошланган деб изоҳлаш керак.

Диалект ва шевалар қадимги аждодларимизнинг ўзаро сўзлашадиган, алоқа боғлайдиган бирдан-бир ягона ва махсус тиллари бўлиб хизмат қилган. Уларнинг ҳар бири ўз даврига қараб ўзгариб, ривожланиб келган.

Туркий тилларнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги қуйидаги сўзлари муҳим аҳамият касб этади: «Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор, мен булардан асосини ёздим, шаҳобчаларини ташладим».

Жамиятнинг шундан сўнгги тараққиёт босқичида қабилалар бирлашиш жараёнини ўз бошидан кечира бошладилар. Ана шу кўп сонли туркий қабила ва қабила иттифоқларидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ҳалқлари ва уларнинг тиллари пайдо бўлган ва ривожланиб ҳозирги ҳолатига етиб келган. Феодал тарқоқлик емирилиши ва унинг ўрнига капиталистик тузумнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиёти билан ҳалқ ўртасида жонли алоқаларнинг йўлга қўйилиши талаб қилинади. Худди мана шундай шароитда ҳамма учун тушунарли бўлган ягона бир тил зарурияти туғилади. Буңдай тил ўтган даврларда мавжуд бўлган умумҳалқ тили базасида вужудга келиши жуда мураккаб ва ўзоқ вақт ўтиши билан бўлади. Бу тил ўзининг характерли хусусиятлари жиҳатидан миллий тил бўлиб миллатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади ва унинг учун алоқа воситаси сифатида хизмат қилади. Кишиларнинг тарихий бирликлари шакли қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг адабий тили ва меъёри мавжуд бўлган.

Жамият узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришда бўлгани каби унинг тили тинимсиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Ҳар бир ҳалқнинг тили турли хил ривожланиш босқичини ўтади. Шунинг натижасида тил луғат таркиби, семантикаси, морфологияси, синтаксисида турли ўзгаришлар юз беради.

Тил системасининг барча сатҳлари ҳам жамият тарихи билан бир хил боғланган эмас. Жамият ҳаётидаги турли хил янгиликлар шу жамият тилининг луғат таркибида ўз ифодасини топганлиги туфайли тил

системасининг лексик сатҳи бошқа сатҳ бирликларига нисбатан кўпроқ жамият тарихи билан боғлиқ бўлади.

Тилнинг лексик сатҳида жамиятнинг турмуш тарзи, ҳаётидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топганлиги туфайли сўзни таҳлил қилиш асосида шу тил эгаси бўлган жамият ҳаётига боғлиқ бўлган тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида туб сўз деб қаралувчи *ора, ўгит, ўйин, ўғил, адаш, ўша* сўзлари, *ола ип кесилди, думини ликиллатмоқ* фразеологизмларининг этимологиясига эътибор берайлик.

Тил ва нутқ. Тилшуносликда "тил" ва "нутқ" тушунчаси, гарчи махсус изоҳ ёки тасвир берилмасада, В. фон Гумбольдт, Г.Штейнталь, Г.Шухардт, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, Н.В.Крушевский, И.А.Бодуэн де Куртенэ ва бошқа йирик тилшунослар томонидан ажратилган. "Тил" ва "нутқ" тушунчаларининг фарқланиши назарий жиҳатдан Ф. де Соссюр ва Л.В.Щерба томонидан изоҳланган. В.фон Гумбольдт биринчи бўлиб ***тил ва нутқ*** ҳодисаларини алоҳида тадқиқ қилиш лозим деган фикрни келтирган бўлса, Ф. де Соссюр ***тил ва нутқ*** ҳодисаларини таърифлашда янада олдинга кетди. ***У тил ва нутқ ҳодисаларидан ташқари тилшуносликка нутқ фаолияти терминини ҳам киритиб, тил ва нутқ лингвистика ва психолингвистикада ўрганилса, нутқ фаолияти социолингвистика фанининг объектидир деган ғояни олдинга сурди.***

Кишилар ўртасида тил ёрдамида бўладиган мулоқот кузатуви шундан далолат берадики, турли ҳаётий вазиятларда ва ҳолатларда улар бир хил тил бирликларини турлича ишлатадилар. Одамлар томонидан *уй, йўл, билмоқ, яшамоқ, емоқ, ичмоқ, уй, ҳаёт* ва бошқа шу каби сўзлар миллион, балки миллиард маротаба қўлланган бўлса керак. Тил жамоаси отларнинг келишик ва сонда ўзгариш қоидаларини[1], сифатлар билан отларнинг, феъл билан равишнинг бирикиш қоидаларини миллион ва миллиард маротаба қўллаган бўлсалар керак. Бир хил грамматик схема буйича (эга + иккинчи даражали бўлак + кесим) миллион ва миллард маротаба гап тузган бўлсалар керак. Ушбу мисоллар шу нарсага ишонч хосил этишга асос бўладики, тил бирликлари (товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар ва бошқалар) тил жамоаси онгида конкрет сўзловчининг фикрлари ва туйғуларидан мавҳумлашган холда мавжудлашади. Тил - бу кишилар мулоқотига хизмат қилувчи ва конкрет фикрлар, туйғулар ҳамда кайфиятлардан мавҳумлашган ҳолда жамоа онгида акс этган моддий бирликлар тизимидир. Мабодо тил бирликлари бир хил маълум фикрларга ва туйғуларга доимий боғлаб қўйилгудек бўлганда, улар ҳар қандай фикрларни ифода этишга қодир мулоқотнинг универсал қуроли сифатида қўлланишга бутунлай ярамаган бўлур эди.

Тилнинг асосий бирликлари бўлиб сўзлар ҳисобланади. Улар умумхалк мулки бўлиб, ҳеч қандай конкрет текст ёки гапда "боғланмаган". Уларнинг замирида тарихий жиҳатдан маълум конкрет фикрлар ва туйғулар ётмайди, балки умумхалқ маънолари ётадики, улар бирика туриб, айрим одамларнинг конкрет фикрларини ва туйғуларини шакллантириш ва ифода этиш учун заминга эга бўлади. Шу боис агар биз бирон бир тилни ўрганмокчи бўлсак, грамматикага ва луғатларга мурожаат қилишимиз лозимки, уларда конкрет фикрлар ва туйғулардан мавҳумлашган тил бирликлари ҳақида илмий маълумотлар бор. Бу грамматика ва луғатларда тил бирликларининг конкрет қўлланиши ҳақида маълумот йўқ, деган маънони англатмайди: бундай маълумотлар тилни тушуниш учун ҳам зарур, чунки тил нутқда ёзма ва оғзаки тарзда ифода этилади, ўз имониятларини ифода ҳамда намоён этади.

Ҳақиқатда, одамларга сўзлар, грамматик формалар ва бошқа тил бирликлари конкрет фикрлар ва туйғуларни уларнинг ёрдамида ифода этиши учун зарур. Одамлар ўйлаб, тафаккур юритиб маълум бир бирликларни ўзларининг шахсий фикр ва туйғулари билан боғлайди. Натижада конкрет мазмун ифодаси учун қўллаш жараёнида нутқ ёки ҳаракатдаги тил вужудга келади.

Агар биз тилни тарихий шаклланган мулоқотнинг мураккаб механизми деб эътироф этсак, у ҳолда тил қонунларига кўра унинг "материалидан" шаклланган ва конкрет мазмун ифодаси (фикрлар, туйғулар, кайфиятлар, ирода ҳолати, хоҳиш ва бошқалар) тамойилларига кўра кўрилган тил белгилари изчиллигини нутқ деб айтамиз.

Тил ва нутқнинг ўзаро муносабати умумийлик ва хусусийлик муносабатига кўра аниқланади. Фанга "нутқ" терминининг киритилиши билан шу нарса эътироф этиладики, тил умумий ва якка, нутқ хусусий ва шу билан бирга турлидир. Ҳар қандай конкрет қўлланишдан мавҳумлаштирилган ҳолдаги мулоқот воситаларини тил деб атаймиз. Конкрет қўлланувчи, яъни конкрет мазмун билан алоқага киришувчи (фикрлар, туйғулар, кайфиятлар) ўша мулоқот воситаларининг ўзини нутқ деб атаймиз. Умумийлик (тил) хусусийликда (нутқ) ифода этилади, рўёбга чиқада. Хусусийлик (нутқ) - бу умумийликнинг (тил) кўпгина конкрет формаларидан бир кўринишидир.

Тил ва нутқни бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларнинг бирлиги ҳақида унутиб, қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Шу билан биргаликда уларнинг фарқини ҳам унутмаслик керак.

Тил жамиятда нутқий фаолият учун хизмат қилади. Нутқий фаолият эса кишиларнинг бир-бири билан алоқаси учун хизмат қилади. Нутқий фаолият қуйидаги даражалар билан белгиланади:

1. Мотивацион даража. Сўзловчи ва тингловчининг бир-бирини бир хил англаш даражаси.

2. Семантик даража. Нутқий фаолиятда маъноси мос ва тушунарли сўзларни танлаш даражаси.

3. Грамматик даража. Нутқда фикрни ифодалашга мос ва хос грамматик шаклларни танлаш даражаси.

4. Фонетик даража. Нутқий фаолиятда товушларни артикуляцион тўғри талаффуз қилиш даражаси.

Санаб ўтилган даражалар асосида нутқий фаолиятнинг ижтимоий табиати таъминланади.

Тил ва тафаккур. Тилнинг тафаккурга, онгга нисбатан вазифаси ҳақида ҳам сўз юритиш даркор. Тил фикрни ва туйғуни ифода этиш учун ҳам хизмат қилади. Демак, у фикр фаолиятини ифода этиш учун ҳам қўлланади.

Кишилар ўзаро мулоқотга тил орқали киришадилар. Ҳар бир инсон ўз фикрларини ўзгаларга тил орқали маълум қилади. Демак, тил ифода воситаларида, хусусан, сўзларда, сўз бирикмаларида, гапларда фикрлар моддийлашади. Бу нарса тил ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигидан далолат беради. Тафаккур, фикр ўз воқелигини тилда, сўзда топади. Демак, сўз фикрни мужассамлаштиради, моддий шаклга солиб, юзага чикаради. Тил тафаккурсиз бўлмаганидек, тафаккурсиз тил ҳам бўлмайди.

Тил қонунлари билан тафаккур қонунлари бир-биридан фарқ қилади. Тил қонунлари грамматикада, тафаккур қонунлари мантиқ фанида ўрганилади. Гарчи тил жамоаси аъзолари бир тилда сўзлашсаларда, турлича фикрлайдилар. Бу нарса тил ва тафаккурнинг бир-биридан фарқланишидан далолат беради. Тил ва тафаккур узвий боғланган ҳолда жамият тараққиётида бирга ривожланади.

Социолингвистик назариянинг шаклланиши ва унинг объекти

Тилнинг ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси социолингвистика деб аталади. Социология ва лингвистиканинг синтезидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси, экстралингвистик омиллар таъсирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар - радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари,

кенг ҳалқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.

Социолингвистика атамаси доирасида тил ва жамият ўртасидаги муносабат, унинг ривожланиши, ҳалқнинг ижтимоий табақаланиши билан боғлиқ ҳолда тилда вужудга келадиган фарқлар муаммоси ўрганилади. Социолингвистика тилнинг ўзгариш назариясига амал қилиб, тилнинг ижтимоий муҳитга кўра ўзгариш хусусиятларини ўрганади.

Социолингвистик нуқтаи назардан ҳам тилларнинг типологияси мавжуд бўлиб, у тилнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини инобатга олган ҳолда ўрганади.

Хуллас, жамиятга тил қанчалик зарур бўлса, тил учун жамиятнинг бўлиши шунчалик зарурдир. Тилсиз жамият бўлмаганидек, жамиятсиз тил ҳам бўлмайди. Унинг қонуниятларини социолингвистика ўрганади.

3.ТИЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Режа: Тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назария ва фаразлар. Адабий тил – тил мавжудлигининг олий кўриниши. Миллатлараро, халқаро алоқа тиллари, классик, сунъий ва аралаш тиллар

Мавзу бўйича таянч иборалар: тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назариялар, табиий товушларга тақлид, имо-ишоралар назарияси, ижтимоий келишув назарияси, меҳнат қийқириқлари ва хитоблари назарияси, адабий тил, лингвистик меъёр, стандарт тиллавр, классик тиллар, миллатлараро тиллар, халқаро тиллар, сунъий тиллар, аралаш тиллар

2

Юқорида таъкидланганидек, тил ижтимоий ҳодисадир. Тил кишилик жамияти билан бирга ривожланади, равнақ топади. Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Бу унинг табиати ва моҳиятини акс эттиради. Тилдаги барча элементлар ижтимоий ахборотни узатиш учун хизмат қилади. Шу боис улар ижтимоий ахборот ташувчи белгилар ҳисобланади. Тил - бу тарихий шаклланган ва ривожланадиган мулоқотнинг мураккаб механизмидир.

Тилнинг келиб чиқиши тўғрисида турлича назариялар, фаразлар мавжуд. XIX аср бошларигача тилнинг келиб чиқиши кўп ҳолларда фақатгина диний томондан изоҳланди. XIX аср бошларига келибгина тилнинг келиб чиқиши тўғрисида кўплаб файласуф ва тилшунос олимларнинг турлича фаразлари яратилди.

1. Жумладан, физик ва файласуф В.Лейбниц, тилшунос ва адабиётшунос Гердер ва В.

фон Гумбольдт, табиатшунос Ч.Дарвин, тилшунослар Г.Штейнталь ва рус олими А.А.Потебня каби олимлар тилнинг келиб чикишида **табиий товушларга таклид ва ундов назариясини** ёклайдилар. Уларнинг фикрича тил табиий товушлар ва оҳангларга тақлид қилиб ясалган сўзлар орқали пайдо бўлган. Тўғри, табиий товушлар, хайвонлар, ундовларга тақлид қилиб ясалган сўзлар тилларда анчагинани ташкил этади. *Шовулламоқ, қарсилламоқ, шилдирамоқ, вовулламоқ, чумчуқ, булбул, какку, қарсилламоқ* каби сўзлар айнан табиий товушларга тақлидан яратилган сўзлардир. Лекин улар фақат конкрет нарса ва ҳодисаларни ифода этганликлари учун ҳам тилларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлолмайди.

2. Файласуф олим Т.Вундт ва бошқаларнинг фикрича тил **имо-ишоралар бирлиги асосида пайдо бўлгандир.** Имо-ишоралар асосида яратилган сўзлар ҳам тилларнинг пайдо бўлишига тўла асос бўлолмайди. Чунки бундай тил бирликлари ҳам конкрет сўзларни ифодалаб, мавҳум тушунчаларни ифодалашга келганда оқсайди. Ҳар бир имо-ишора турли халқларда турлича ифодаланади. Улар ифода қилаётган сўз ва тушунчалар ҳам шу сабабли турлича маъно касб этиши мумкин.
3. Файласуф олимлар Ж.Ж,Руссо, Адам Смит ва Дю Белле каби олимлар **тилнинг пайдо бўлишида ижтимоий келишув назариясини** олға сурадилар. Шу назария асосида тилнинг ижтимоий шартланганлиги қонуни ётади. Бу олимлар тилдаги ҳар бир сўз ижтимоий келишув асосида яратилган деб таъкидлайдилар. Тўғри, ижтимоий келишув асосида яратилган сўзлар барча тилларда мавжуд, масалан, одамларнинг исмлари, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг номлари, терминлар ижтимоий келишувнинг натижаси сифатида амал қиладилар.
4. Л.Нуаре ва К.Блюхер каби олимлар тилнинг пайдо бўлишига асос бўлиб **меҳнат қийқириқлари** хизмат қилган деб исботламокчи бўладилар. Шу назария билан тилнинг пайдо бўлиши меҳнат жараёнига боғланмоқда, одамларнинг меҳнат жараёнида бир-бири билан мулоқот қилиш эҳтиёжи натижасида тил келиб чиқди, деган фикр олға сурилмоқда.
5. Бундан ташқари, 20-аср совет тилшунослигида анча давр сурган “Ёфас назарияси” (Яфетическая теория происхождения языков”) номли ғайри илмий бир назария ҳам мавжудки, бу назарияни совет тилшунос олими, академик Н.Я.Марр олға сурган. Бу назарияга кўра дунё тиллари 4 элементдан – сал, бер, йон, рош кабилардан келиб чиккан, қадимда пайдо бўлган тил Ёфас авлодларининг тили бўлган ҳамда шу тилдан барча бошқа тиллар пайдо бўлган, деб даво килинади.
6. Дунё тилларининг келиб чиқиши масаласида қатор диний фаразлар

ҳам мавжудки, булар Таврот, Инжил ва Қуръонда ўз аксини топган. Бунга кўра, масалан, Қуръонда “Тил инсонларга Аллоҳ томонидан берилган неъмат” деб таъриф берилади.

Лекин тилларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги энг ҳақиқатга яқин назария деб, **тил меҳнат жараёнида инсонларнинг бир-бири билан мулоқот қилиш эҳтиёжи туфайли келиб чиққан ижтимоий ҳодиса** деб ҳисоблаш мумкин.

2. *Адабий тил – тил мавжудлигининг олий кўриниши*

Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакли адабий тил ҳисобланади. Адабий тилнинг икки кўриниши бор: 1) ёзма кўриниш, 2) оғзаки кўриниш.

Адабий тил у тарқалган ҳудудда барча халқ учун тушунарли бўлади. Бу умумхалқ тилида шеваларга ва касб-ҳунарга хос сўзлар ҳам бўлади. Адабий тилда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Адабий тилни ёзма тилдан фарқлаш зарур. Адабий тил оғзаки ва ёзма шаклда бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шаклида унинг талаффуз нормаси ўз ифодасини топади. Адабий тилнинг ўз грамматикаси ва лексикаси мавжуд. Булар ҳам ўз адабий нормасига эга. Адабий тилда турли соҳаларга доир терминлар, диалектизмлар (шеваларга хос сўзлар), касб-ҳунар, маданий-маиший ва бошқа соҳаларга тегишли сўзлар мавжуд бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шакли ёзма шаклидан аввал ҳосил бўлиши мумкин. Адабий тилнинг шаклланиши ва ривожланишида буюк шоир ва адибларнинг хизмати жуда каттадир. Улар қўллаган сўз ва иборалар ва махсус услуб (стил) адабий тилнинг нуфузини таъминлайди. Адабий тил миллий тилнинг асосида шаклланади. Миллий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари унда сўзловчи халқ учун тушунарли ва умумий бўлган мезонларга эгадир. Шу сабабли уни давлат тили ёки расмий тил сифатида қабул қилинади. Давлат тили оммавий ахборотда, матбуотда, суд ва прокуратурада, барча давлат ташкилотлари, ўқув масканлари ва бошқа муассасаларда қўлланади. Тилни халқ яратган ва унинг адабий ва давлат тили сифатида қўлловчи ҳам халқдир. Давлат тилининг эркин ривожланишини ва унинг халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланишини таъминлаш тил сиёсатининг асосий вазифаси ҳисобланади. Адабий тилнинг маълум ситуацияда қўлланувчи варианти унинг функционал стили деб аталади. Функционал стиллар тилшуносликнинг ифодали воситаларини ўрганувчи бўлими бўлмиш стилистикада ўрганилади. Тилнинг функционал стиллари: расмий-иш стили, кундалик оғзаки нутқ стили, илмий-техник стил, диний стил, бадиий стил (у поэтик (назмий) стил, насрий стилни ўз ичига олади). Баъзан бадиий стилга нисбатан нейтрал стил фарқланади.

3.Миллатлараро, халқаро алоқа тиллари, классик, сунъий ва аралаш тиллар

Социолингвистик жиҳатдан жаҳон тилларининг қуйидаги типлари мавжуд:

1. Адабий тил меъёрига эга бўлган, жамиятда давлат тили, адабий тил сифатида хизмат қилувчи тиллар *стандарт тиллар* саналади. Масалан, ўзбек, рус, тожик, туркман, украин каби тиллар.

2. *Халқаро муносабатлар тиллари*. Ҳозирги кунда давлатлараро иктисодий, сиёсий муносабатлар, дипломатик алоқалар муайян тилларда олиб борилади. Бу вазият дунёдаги мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги жараёнини юзага келтирди. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтгандан буён қисқа тарихий даврда республиканинг суверен давлат сифатида қарор топиши, мустақил тараққиёт моделининг шаклланиши, демократик жамият қуриш йўлидаги улкан ишлари амалга ошиб келмоқда. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан Ўзбекистон расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Ўзбекистонда кўплаб хорижий давлатлар элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан, жаҳондаги энг обрўли, нуфузли ташкилотлар билан алоқа қилмоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятида муайян тиллардан фойдаланади. Бу тиллар ташкилотнинг расмий ва иш юритиш тиллари ҳисобланади. Ушбу тиллар қаторига инглиз, испан, француз, рус, хитой ва араб тиллари киради. Ушбу тилларда БМТ фаолиятига тааллуқли барча расмий ҳужжатлар юритилади.[2] Демак, юқорида қайд этилган тиллар халқаро тиллар мақомига эга дейиш мумкин.

3. Ёзувга эга бўлиб, ўз даврида мукаммал такомилига этган, буюк асарлар яратилган тиллар *классик тиллар* саналади. Классик тиллар ўз даври учунгина эмас, балки тилларнинг кейинги тараққиёти учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бундай тилларнинг адабий тиллардан фарқи шундаки, улар ўлик тиллардир. Масалан, лотин тили, санскрит тили, готт тили ва бошқалар.

4. Сон жиҳатидан кўп бўлмаган кичик халқларга хизмат қилувчи, ўз ёзувига эга бўлмаган тиллар *маҳаллий тиллар* саналади. Масалан, Америка маҳаллий ҳиндуларининг тили, Доғистондаги ўз ёзувига эга бўлмаган қатор тиллар.

5. Креол тиллари. Мустамлакачилик натижасида дунёнинг турли қитъаларида инглиз, француз, испан, португал тиллари элементлари аралашувидан ташкил топган тиллар. Масалан, Гаити, Аруба, Бонайре

ороллариda пайдо бўлган гатти, испан-наутал, папияменто тиллари креол тиллари жумласига киради.
6. *Пижин тиллари*. Маҳаллий тилларнинг Европа тиллари билан чатишуви натижасида юзага келган. Пижин тиллари креол тилларининг дастлабки босқичидир. Масалан, Россия-Хитой чегара районларида рус тилининг хитой диалекти асосида шаклланган, *кяхти* деб номланувчи тил пижин тилидир.
7. *Сунъий тиллар*. Махсус яратилган халқаро алоқа тиллари. Ҳозирги кунда табиий тиллар билан бир қаторда сунъий ёки ёрдамчи тилларни ҳам учратишимиз мумкин. Сунъий тиллар бу грамматик қурилиши ва луғат состави сунъий равишда ясалган махсус халқаро ёрдамчи тиллардир. Лотин тилининг халқаро аҳамияти камайиши муносабати билан XVII-XVIII асрларда халқаро сунъий тил яратиш ғояси пайдо бўлди. Биринчи бўлиб машҳур француз олими Р.Декарт 1629 йилда шундай тилнинг схемасини тузган. XIX асрда бир неча сунъий тиллар пайдо бўлди. Сунъий тиллар ичида энг машҳурлари И.И.Шлайермайер тузган воляпюк тили ва Л.Л.Заменгоф тузган эсперанто тили ҳисобланади.

1887 йилда Заменгоф томонидан тузилган графикаси лотин алфавити асосидаги эсперанто тили орфография қоидаси фонетик принцип асосида, лексикаси европа тиллари учун умумий. Эсперанто тили грамматикаси учун 16 та қатъий қоида танлаб олинган. Уларнинг ўзак-негизлари кўпгина Европа тиллари учун умумий лексикага асоланган. Бу тилнинг аффикслар системаси ўзак сўзлардан янги сўзлар ясашга имконият туғдиради. Ўрганиш қулай бўлганидан анча кенг таркалган. 100 йилдан ортиқ давр мобайнида оғзаки ва ёзма нутқларда, адабий таржималарда қўлланиб келмоқда. Дунёнинг кўп мамлакатларида эсперантони ўрганиш учун махсус курслар ва тўгараклар ташкил қилинган. Унинг луғат состави бойиб бормоқда, турли фанлар бўйича махсус терминология ва турғун бирикмалар яратилмоқда. Эсперанто тилига турли халқларнинг классик асарлари, жумладан, “Энеида”, “Гамлет”, “Фауст”, “Кароқчилар”, “Евгений Онегин” ва бошқалар таржима қилинган. Бу тилда бир қанча даврий нашрлар чиқарилади. Эсперанто туризм, радиоэшиттириш ва турли конгресслар ишларида ҳам қўлланади. Эсперантони билиш чет тилларини ўрганишни чеклаб қўймайди, балки ёрдамчи тил сифатида ҳинд-европа тилларини, айникса, роман тилларини ўзлаштиришга ёрдам беради. 1903 йилда яна латино-сине-флексионе, 1907 йилда эсперанто тилининг идо номли янги кўринишлари, 1922 йилда окциденталь (Э.Вал тузган), 1928 йилда новиаль (О.Есперсен тузган) каби сунъий тиллар пайдо бўлди. Сунъий тиллар тушунчаси бошқа сунъий тиллар системаларини ҳам, масалан машина таржимасида ишлатиладиган воситачи – ахборот тилини ҳам ўз ичига олади.

8.Маълум бир қабила, халқ, миллат таркибига кирувчи кичик ҳудудда тарқалган аҳоли тили *диалект*дир.

Хуллас, жамиятга тил қанчалик зарур бўлса, тил учун жамиятнинг бўлиши шунчалик зарурдир. Тилсиз жамият бўлмаганидек, жамиятсиз тил ҳам бўлмайди. Унинг қонуниятларини социолингвистика ўрганади.

4.Ф О Н Е Т И К А ВА ФОНОЛОГИЯ

Режа: Фонетика объекти. Товуш ва фонема, фонетика ва фонология
Нутқ аппарати ва товуш ҳосил бўлиши. Артикуляция, нутқ товушлари артикуляцияси ва классификацияси. Унли ва ундошлар. Бўғин ва урғу
Нутқ жараёнида товушларнинг функционал ўзгаришлари
Нутқ жараёнида товушларнинг комбинатор ва позицион ўзгаришлари
Транскрипция ва транслитерация. Орфоэпия

Таянч иборалар: *фонетик жараён, комбинатор ўзгариш, позицион ўзгариш, аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, диэреза, эпентеза, гаплология, протеза, метатеза, сингармонизм, прогрессив ассимиляция, регрессив ассимиляция, редукция, товуш ва фонема, фонологик ёки фарқлаш аломатлари*

Фонетика фанининг объекти. Фонетика тилшуносликнинг бўлими бўлиб, тилнинг товуш тизимини, нутқ товушларини ўрганади. Нутқ товушлари мураккаб ҳодисалар бўлиб, уларни физик, физиологик, лингвистик (ижтимоий) жиҳатдан ўрганилади. Шу боис акустик, артикуляцион, функционал фонетика фарқланади.[2]

Кишиларнинг товуши товуш пайчаларининг (пардаларининг) тебранишидан ҳосил бўлади. Товуш пайчаларининг тебраниш хусусиятига қараб овоз (ун) ёки шовқин пайдо бўлиши мумкин. Агар тебраниш бир маромда, бир хилда бўлса овоз ҳосил бўлади: а, о, у каби, агар тебраниш бир маромда, бир хилда бўлмаса, маром бузилса, шовқин пайдо бўлади: с, к, ш, ч каби.

Инсон нутқ аппарати қуйидаги таркибий қисмларга ажралади:

1. ўпка, кекиртак, бўғиз
2. кичик тил, тил, лаблар, юмшоқ ва қаттиқ танглай, тишлар
3. оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғи, товуш пайчалари

Нутқ товушларини ҳосил килишда иштирок этувчи қисмлар нутқ аъзолари дейилади. Нутқ аъзоларининг жами нутқ аппаратини ташкил этади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида иштирок этадиган аъзолар диафрагма (кўкрак қафаси билан қорин бўшлиғи ўртасидаги парда), ўпка, кекирдак,

овоз пайчалари, бўғиз, бўғиз копқоғи, кичик тил, танглай, тил, тиш ва лаб. Булар ичида овоз пайчалари (пардалари) тил, кичик тил, тиш, лаб, юмшоқ танглай, жағ нутқ товушларини ҳосил қилишда кўпроқ қатнашади.

Нутқ аъзоларининг товуш ҳосил килишдаги ҳаракати артикуляция деб аталади. Артикуляцияда икки ҳодиса муҳим роль уйнайди. Биринчиси артикуляция ўрни, иккинчиси - артикуляция усули. Товуш ҳосил килишда нутқ аъзоларининг ҳаракат этган қисми артикуляция ўрни дейилади. Масалан, д, т, з, с товушлари тил олд қисмининг устки тиш ва милкка тегиши ёки яқинлашиши билан ҳосил бўлади. Демак, бу товушларнинг артикуляция ўрни тил олдидир. Шунинг учун ҳам бундай товушлар артикуляция ўрнига қараб тил олди товушлари деб аталади.

Товуш ҳосил қилиш пайтида икки нутқ аъзосининг қандай ҳолатда ҳаракат қилиши (масалан, икки лабнинг жипслашиши ёки тор оралиқ ҳосил қилиши) артикуляция усули дейилади. Масалан, б, п товушларини ҳосил қилишда лаблар жипслашиб, ўпкадан чиққан ҳаво тўсиққа учрайди ва хаво кучининг зарби билан портлаб чиқади. Демак, бу товушлар портлаш йўли билан ҳосил бўлади. Шунинг учун ана шундай товушлар артикуляция усулига қараб портловчи товушлар деб аталади.

Нутқ товушлари овоз ва шовқиннинг иштирок этиши даражасига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади:

1. Унли товушлар.
2. Ундош товушлар.

Унли товушлар артикуляциясига кўра ундош товушлардан катта фарқ қилади. Унли товушлар талаффуз этилаётганда, биринчидан, ўпкадан чиқадиган ҳаво оғиз бўшлигида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, иккинчидан, нутқ аппаратининг (оғиз бўшлиги, лаб ва тил ҳолатларидан бошқа) ҳолати, асосан, бир хил бўлади, учинчидан, ҳаво оқими кучсизроқ бўлади. Умуман, унлилар овоз пайчаларининг тебраниши натижасида ҳосил бўлади.

Ундош товушлар оғиз бўшлиғида ҳосил бўлиб, уларни талаффуз этганда ўпкадан чиққан ҳаво турли тўсиқларга учрайди. Шунинг учун ундош товушларни талаффуз этганда ҳаво нисбатан анча кучли чиқади. Ундошларда асосан шовқин устун бўлиб, уларни талаффуз этганда ўпкадан чиқадиган ҳаво товуш пайчаларини баъзан титратиб ўтади. Дуч келган турли тўсиқлар натижасида ҳаво оқими портлаб ёки сирғалиб чиқади. Шунга кўра ундош товушлар бир неча турга бўлинади.

Тилдаги унлилар тизими вокализм дейилади. Унлилар талаффуз этилиш усулига кўра ундошлардан фарқ қилади. Унлилар акустик жиҳатдан овознинг устунлиги билан характерланса, физиологик томондан оғизнинг очилиши даражаси билан характерланади. Сўзларни аниқ ва равшан талаффуз этишда ҳамда уларнинг маъноларини яққол ажратиб беришда унлиларнинг роли катта. Масалан, ўзбек тили таркибида к ва л ундошлари

иштирок этган сўзларнинг ўзаро фарқини о, ў, у, и унлилари яққол ажратиб туради: қол, кўл, қул, қил.

Тил энг фаол нутқ аъзоси бўлиб, унинг горизонтал ва вертикал ҳолатига қараб унлилар тасниф этилади.

1. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлилар тил олди, тил ўрта ва тил орқа унлиларига бўлинади.

Тил олди унлиларининг талаффузида тил олдинга ҳаракат қилади, унинг учи пастки тишларга қадалади. Ўзбек тилида и,е,а, рус тилида и,э, француз тилида [i], [e], [E], немис ва инглиз тилида i, e, y унлилари тил олди унлиларидир.

Тил ўрта ёки аралаш қатор унлиларнинг талаффузида тилнинг бели ва учи бир оз юқорига кўтарилади ва тилнинг ўзи ясси ҳолатда бўлади. Рус тилидаги о ва а шунга мисолдир.

Тил орқа қатор унлиларининг артикуляциясида тил орқага ҳаракат қилиб, унинг орқа қисми юмшоқ танглай томон йўналади, тил учи пастки тишлардан узоқлашади. Ўзбек тилидаги о, у, у, ва рус тилидаги о, у тил орқа унлиларидир.

2. Тилнинг вертикал ҳаракати, яъни кўтарилиш даражасига кўра юқори, ўрта, қуйи кўтарилиш (ёки ёпиқ, ярим ёпиқ, ярим очиқ, очиқ) унлилар фарқланади. Рус тилидаги и,о,у унлилари юқори, е,э,о унлилари ўрта, а унлиси эса қуйи кўтарилиш унлисидир. Ўзбек тилида эса юқори кўтарилиш унлиларига и, у, ўрта кўтарилиш унлиларига е, э, у, қуйи кўтарилиш унлиларига а, о унлилари киради.

3. Унлилар талаффузида лабларнинг иштироки кузатилса лабланган, кузатилмаса - лабланмаган унлилар ажратилади. Ўзбек тилидаги у, у, рус тилидаги о,у лабланган унлилар ҳисобланади.

4. Юқорида кўрсатилган белгилар унлиларнинг сифат белгилари ҳисобланади. Бундан ташқари унлиларга миқдор белгиси ҳам хосдир. Талаффузда унлилар чўзиқ, ярим чўзиқ, қисқа бўлиши мумкин. Бу уларнинг микдор белгиси. Чўзиқ ва қисқа унлилар инглиз, немис, француз тилларига хос. Ўзбек ва рус тилида бу нарса кузатилмайди.

Унли товушлар монофтонглар, дифтонгларга ажралади.

Ўзбек адабий тили унлилари таснифи:

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларнинг иштирокига кўра
	олд қатор	орқа қатор	
Юқори (тор) унлилар	**и**		Лабланмаган
		у	Лабланган
Ўрта (ўрта кенг) унлилар	**э**		Лабланмаган
		ў	Лабланган
	а		Лабланмаган

Қуйи (кенг) унлилар		**о**	Лабланган

Ундош товушларни тасниф қилиш масаласи анча мураккаб. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош фонемалар сони 25 та: б,в,г,д,ж,ч (қоришиқ ж), з, й, к, л, м, н, н (нг), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.

Маълумки, ундош товушлар талаффуз қилинганда, нутқ аъзолари турли ҳолатда бўлади, ўпкадан келадиган ҳаво ҳар хил тўсиқларга дуч келиб, бундай тўсиқларни ёриб, ташқарига чиқади. Нутқ аъзоларининг ана шундай ҳаракати натижасида турли ундош товушлар ҳосил бўлади. Нутқ аъзоларининг баъзи қисмлари бир-бирларига яқинлашиб, тор оралиқни ҳосил қилганда, ўпкадан келадиган ҳаво оқими сиқилиб, ишқалиб чиқади. Бундай ҳолатда ҳосил бўлган з, с, ш, г, товушлари сирғалувчи (фрикатив) товушлар дейилади.

Айрим нутқ товушларини ҳосил қилишда нутқ аъзолари бир-бири билан жипслашиб, ҳаво йўлини бутунлай тўсиб олади, ўпкадан келадиган ҳаво эса тўсиқни ёриб чиқади. Бундай ҳолатда ҳосил бўладиган нутқ товушлари юмуқ товушлар дейилади. Масалан, б, п, д, т, ч кабилар.

Юмуқ ундош товушлар ўпкадан келадиган ҳавонинг тўсиқни енгиб ўтиши ҳолатига кўра куйидаги турларга бўлинади:

1. Портловчи ундошлар. Бундай товушлар ҳосил қилишда нутқ аъзолари жипслашиб тўсиқ ҳосил килади, ҳаво оқимининг зарби билан жипслашган аъзолар бирдан очилиб, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали портлаб чиқади. Масалан, б, п, д, т, к, к, г товушлари каби.

2. Сирғалувчи-юмуқ товушлар. Бундай товушлар талаффуз этилганда, бир-бири билан жипслашиб ёки бир-бирига яқинлашиб, тўсиқ ҳосил қилган аъзолар ўз-ўзидан очилиб, ўпкадан келган ҳаво оқими тез сирғалиб чиқади. Масалан, ж, ч каби.

3. Сирғалувчи товушлар. Бундай товушлар талаффуз этилганда, нутқ аъзолари бир-бирига жуда яқинлашади, ҳаво оқимининг чиқиши учун торгина оралиқ колади, ҳаво оқими ана шу тор оралиқдан ишқалиб, сирғалиб чиқади. Масалан, в, з, й, с, ф, х, ш, г, х каби товушлар.

4. Бурун товушлари. Бундай товушлар талаффуз этилганда, бир-бири билан жипслашган аъзолар ўз ҳолатида қолади, ўпкадан келадиган ҳаво оқими, асосан, бурун бўшлиғидан, қисман оғиздан чиқади. Масалан, м, н, нг товушлари.

5. Ён товушлар. Бундай товушлар талаффуз этилганда бир-бири билан жипслашган аъзолар ўз ҳолатида колади, тилнинг икки ёни эса пастга тушиб, ўпкадан келадиган ҳаво оқими тилнинг икки ён томонидан ўтади. Масалан л товуши.

6. Титроқ товушлар. Бундай товушлар талаффуз этилганда, жипслашган нутқ аъзолари тез-тез очилиб-ёпилиб, тебраниб туради, бу ҳолатда ҳаво оқими узилиб-узилиб ташқарига чиқади. Масалан, р товуши.

Ундошлар артикуляция ўрнига кўра қуйидаги турларига бўлинади:

1. Лаб ундошлари. Икки лабнинг бир бирига жипслашуви натижасида б, п, м, в, ф товушлари ҳосил бўлади.
2. Лаб-тиш ундошлари (лабиодентал). Бундай ундош лаб билан тишнинг бир бирига жипслашуви ёки бир бирига яқинлашуви натижасида ҳосил бўлади. Масалан, рус тилидаги ф, в товушлари.
3. Тил олди ундошлари. Бу товушлар тил учининг юқори тиш ёки милкка томон ҳаракат қилиб, уларга ёпишиши ёки яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, д, т, л, н, р, з, с, ч, ж товушлари.
4. Тил ўрта ундоши. Бу товуш асосан тил ўртасининг танглайга яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, й товуши.
5. Тил орқа ундошлари. Бу товушлар тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга яқинлашуви ёки жипслашуви натижасида ҳосил бўлади. Масалан к, г. Бундай товушлар дорсал товушлар дейилади.
6. Чуқур тил орқа ундошлари. Бундай товушлар чуқур тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга яқинлашуви ёки жипслашуви натижасида ҳосил бўлади. Масалан, қ, х, ғ товушлари.
7. Бўғиз товуши. Бу товушни талаффуз этганда ўпкадан келадиган ҳаво бўғиздан сирғалиб чиқади. Масалан, х товуши.

Бундан ташқари ундошлар жарангли (б,д,г,з) ва жарангсиз (п,т,к,қ,х,х), шовқинли (б,ф,г,х,х,г,ғ) ва сонор (м,н,л,р) товушларига ажралади. Ҳозирги замон ўзбек тилида 23 та ундош товуш бор: б,в,г,д,ж,з,й,к,л,м,н,п,р,с,т,ф,х,ц,ч,ш,қ,ғ,х.

Бўғин ва урғу. *Бўғин деб бир ҳаво зарби билан талаффуз қилинадиган товуш ёки товушлар бирикмасига айтилади*. Бўғин ҳосил бўлишининг асосий шарти унинг таркибида унли товушнинг мавжудлигидир.

Бўғиннинг унли товуш билан тугаган очиқ, ундош товуш билан тугаган ёпиқ ҳамда сўз ўзгариши асносида очиқ бўғинга айланувчи шартли ёпиқ бўғин турлари мавжуд. Шартли ёпиқ бўғин аксарият тилларда учрайдиган ҳодисадир.

Масалан, ўзбек тилида *иш – иш-и, боғ – боғ-и; рус тилида сдал – сда-ла, привет – при-ве-та,* немис тилида gut - gu-te, sagt - sag-en, Tag – Ta-ge ва бошқалар.

Сўз бир ёки бирнеча бўғиндан иборат бўлиши мумкин.

Урғу деб сўз, сўз бирикмаси ёки гапдаги маълум бир бўғин ёки бўлакнинг бошқаларидан ажратиб, кучлироқ талаффуз қилинишига айтилади. Гап урғуси амалий фонетика курсида ўтилишини ҳисобга олиб, биз фақат сўз урғусини таҳлил қиламиз.

Сўз урғуси лексик урғу деб аталади.

1. Талаффуз этилиш усулига кўра сўз урғуси кучли динамик, сокин ва мусиқий урғу турларига ажратилади.

А) Баъзи тилларда урғу кучли ва шиддат билан талаффуз қилинади. Бундай урғу динамик урғу деб аталади. Бундай урғу немис, корейс, япон, араб тилларига хосдир. Бунга сабаб шуки, бундай урғу талаффузида урғули бўғин талаффузи ўта кучли, урғусиз бўғин талаффузи эса нисбатан кучсизроқ бўлади, шунинг учун ушбу оралиқнинг катталиги ҳам талаффузда аниқ сезилиб туради.

В) Баъзи тилларда урғу талаффузи сокин, текис оҳангли бўлиб, бундай урғу инглиз, француз, рус, ўзбек тиллари каби қатор тилларга хосдир. Бундай талаффузда урғули ва урғусиз бўғинлар талаффузи орасидаги масофа қарийб бир хил бўлганлиги учун ҳам, оҳанг бир текисда бўлади.

С) Айрим тилларда, масалан, хитой, япон, серб ва литва тилларида тонал (мусиқий) урғу ҳам мавжуддир. Чунончи, хитой тилида **ма** сўзи тонал урғуга кўра талаффуз этилишига қараб турт маънони билдиради:

1. ма - она,
2. ма - от,
3. ма - кендир,
4. ма - ҳакорат қилиш ва бошкалар.

2.Талаффуз қилиниш ўрнига кўра урғу турғун ва эркин урғу турларига ажратилади.

А) Баъзи тилларда урғу доимо маълум бир аниқ бўғинда талаффуз қилинади. Бундай урғу **турғун урғу** деб юритилади. Француз, ўзбек, поляк, чех, япон тиллари учун бундай урғу хосдир. Масалан, ўзбек ҳамда француз тилларида сўз урғуси доимо охирги бўғинда талаффуз қилинади. Поляк тилида урғу охиргидан олдинги бўғинда талаффуз қилинади.

Б) Баъзи тилларда урғу турли сўзларда турли бўғинда талаффуз қилинади. Бундай урғу **эркин урғу** деб юритилади. Бундай урғу қатор Ҳинд-Европа тиллари ҳамда Ҳом-Сом тилларига хосдир. Рус, инглиз, немис, араб тиллари урғуси айнан шундай урғу турига киради.

Бу ҳолатда ҳатто урғунинг ўрни ўзгариши билан сўз маъноси ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Бу ҳолат урғунинг яна бир хусусиятини очиб бермоқда. Масалан, рус тилида урғунинг ўрни қуйидагича ўзгарганда шу сўзларнинг маъноси ҳам ўзгаради:

`мука – азоб-уқубат
му`ка - ун
`замок - қаср
за`мок - қулф
сто`ящий – тик турган

`стоящий – арзийдиган

Немис тилида ҳам урғу ўрни ўзгариши билан сўз маъноси ўзгаради:

über`setzen - таржима қилмоқ

`übersetzen - олиб ўтмоқ

`umgraben - қайта кўммоқ

um`graben - кўмиб қўймоқ

Бир нарсага эътибор бериш лозим. Чет тилларни ўрганаётган одам урғунинг талаффуз ўрнини албатта энг аввало луғат ёрдамида аниқлайди. Тил эгалари учун эса урғу талаффузи автоматик равишда амалга ошади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқарамиз: демак, турғун урғу ўрни шундай урғули тилларда қатъий белгиланган. Ўзгарувчи урғули тилларда ҳам урғу ўрни турли сўзларда турли бўғинларда талаффуз қилинишига қарамай, анъанавий тарзда, минглаб йиллардан бери юз бераётган ривожланиш ва ўзгаришлар туфайли доимо тегишли сўзда тегишли бўғинда талаффуз қилинади. Урғунинг ўрни тил эгалари томонидан ҳам, чет тилларни ўрганувчилар томонидан ҳам ўзгартирилиши кузатилмайди. Демак бундан кўриниб турибдики, урғу ўрни ҳар қандай тилда белгилаб бўлинган, бу ҳар бир тилнинг анъанавий талаффузидан келиб чиқиб ўрганилади.

Тилларда лексик урғудан ташқари гап урғуси ва мантиқий (логик) урғу ҳам мавжуд.

Гап урғуси инглиз, немис, француз тиллари амалий фонетикаси дарсларида ҳар томонлама ўрганиб чиқилади, қоида бўйича гап турларига қараб гап урғуси қайси гап бўлагида талаффуз қилиниши таҳлил қилинади.

Мантиқий ёки логик урғуда сўзловчининг максадига қараб, гапдаги бирор сўз ёки сўзлар гуруҳига алоҳида эътибор берилиб, уларни бошқа сўзларга караганда кучлирок оҳанг билан талаффуз қилинишидир ва бу билан тингловчининг диққати гапдаги ўша сўз ёки сўзларнинг маъносига жалб қилинади.

<u>Нутқ жараёнида товуш ўзгаришлари</u>

<u>Комбинатор ўзгаришлар</u>. Нутқ жараёнида товушлар якка ҳолда эмас, балки сўз таркибида маълум тартибда бириккан ҳолда келади.

Сўзларни талаффуз қилганимизда, ёнма-ён турган айрим товушлар ўзаро бир бирига таъсир килади, натижада товуш ўзгариши рўй беради. Масалан: **бир** саноқ сонига дона сон аффикси **-та** қўшилганда, **р** товуши аффиксдаги **т** ундошининг таъсири билан **т** товушига айланади (бир + та - битта); **ет** сўзига ўтган замон аффикси **-ди** кушилганда, негиздаги **т** ундошининг таъсири остида аффикснинг **д** ундоши **т** билан алмашинади (ет + ди - етти) ва хк.

<u>Нутқ жараёнида сўз составидаги товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсирига кўра ўзгариши комбинатор ўзгаришлар дейилади.</u>

Товушларнинг комбинатор ўзгаришлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ***ассимиляция, диссимиляция ва редукция***.

Ассимиляция ўхшашлик деган маънони англатади. Товушлардан бири иккинчисини ўзига ўхшаш товушга айлантирса, бундай ўзгариш ассимиляция дейилади.

Ассимиляция икки хил кўринишда бўлади: прогрессив ассимиляция ва регрессив ассимиляция. Олдинги товуш ўзидан кейинги товушни ўзига ўхшатиб олса, прогрессив ассимиляция ҳодисаси содир бўлади: ўтди - ўтти, айтдир - айттир, отдай - оттай ва б. Кейинги товуш ўзидан олдинги товушни ўзига ўхшатиб олса, регрессив ассимиляция ҳодисаси содир бўлади: бирта - битта, нонвой – новвой, немис тилида – sag*t, frag*t ва б.

Шунингдек, ассимиляция тўлиқ ва тўлиқсиз кўринишларда бўлиши мумкин. Бир товуш иккинчи товушни айнан ўзи каби товушга айлантирса, тўлиқ ассимиляция юзага келади: тикган - тиккан, кетди – кетти, немис тилида lie*gt, le*gt ва б. Бир товуш иккинчи товушни ўзига қисман ўхшатиб олса, тўлиқсиз ассимиляция содир бўлади: немис тилида das *Buch, das *Geld ва б.

Диссимиляция ноўхшашлик деган маънони англатиб, ассимиляция ҳодисасининг тескарисидир: агар ассимиляцияда ноўхшаш товушлар ўзаро ўхшаш товушга айланса, диссимиляцияда, аксинча, икки ўхшаш товушдан бири ўзгариб, бир-бирига нисбатан ноўхшаш бўлиб колади. Бу ўринда қуйидаги мисолларни келтирамиз: зарар - зарал, зарур - зарил, коридор - колидор ва б.

Редукция сўздаги унли ёки ундош товушларнинг ўз позицияларига қараб сифатини қисман ва тўла узгартириши ҳодисаси бўлиб, икки турли бўлади.

1. Жарангли товушларнинг сўз охирида жарангсизланиши ҳодисаси тўла редукцияга мисолдир. Масалан, ўзбек тилида боғ, тоғ, китоб; немис тилида Rad, Sand, Ştab, Grab, Krieg; рус тилида завод, овод, ГУЛАГ, друг ва б.
2. Унли сифатининг қисман ўзгариши сўз охиридаги ёки бошидаги урғусиз бўғинда содир бўлади. Масалан, ўзбек тилида китоб, билан, иқтидор, сифат; Немис тилида bekommen, lesen, beschreiben ва б.

Позицион ўзгаришлар. Комбинатор ўзгаришлардан ташқари нутқ жараёнида товушларнинг позицион ўзгаришлари ҳам мавжудки, улар сўз таркибидаги товушларнинг ўзаро ўрин алмашинуви орқали пайдо бўлади. ***Муайян товушнинг сўздаги ўрни товушнинг позицияси дейилади.*** Товушнинг сўздаги ўрни, мавқеи турличадир: сўзнинг бошида, охирида келиши; урғули, урғусиз бўғинда келиши ва б. Шуларга кўра товушлар турлича ўзгаради. Масалан, б ундоши сўз охирида п тарзида талаффуз этилади: боб - боп; урғусиз бўғиндаги унли товуш айрим сўзларда тушиб ҳам колиши мумкин: оғиз - оғзи, бўйин - бўйни, бағир - бағри.

Позицион ўзгаришларга метатеза, протеза, эпентеза, диэреза, гаплология, сингармонизм ҳодисалари киради.

1. Метатеза ҳодисаси сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашишини англатади: дарё - дайра, даря, аҳвол – авҳол, тупроқ, супра, арава, ёмғир, тўғрамоқ, рус. ведьмедь, нем. Teller - тарелка ва б.
2. Протеза ҳодисаси сўз бошида ёки охирида яна бир товуш орттириш, улаш ҳодисасидир. Бунинг сабаби шуки, ўзбек тилида сўз боши ёки охирида икки жарангсиз ундошнинг келиши кузатилмайди. Шу сабабли ҳам унли орттириб, ўз талаффузимизга мослаштирилади. Масалан, рус тилидан кирган справка, стакан, стол, стул, стадион, банк; бошқа тиллардан кирган қатор сўзларда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин: фикр, зикр, узр, сатр, қатл, васл, қадр, насл, вазн ва ҳоказо.
3. Эпентеза сўзда ортиқча унлининг пайдо бўлиши, қўшилишидир: кровать - к**а**равот, клубника - қ**у**лупнай, ишк**и**боз.
4. Диэреза сўз охири ва ўртасида талаффуз пайтида маълум товушларнинг тушиб қолиш ҳодисасидир: паст, рост, маст, гўшт, дўст, келсангчи, олма, бўлсин, счастливо, известно.
5. Диэреза ҳодисасининг яна бир тури гаплология дейилиб, бўғинларнинг ўхшаб ёки тушиб қолиш ҳодисасидир: морфо(фо)нология, сар(иғ)ёг, знамено(но)сец ва б.

   Ўзбек тили оғзаки нутқида гаплология ҳодисаси жуда кўп учрайди. Айниқса қатор киши исмларида гаплология ҳодисасига учраган сўзлар ҳатто орфографик нормага ҳам кирган. Масалан, Матчон, Мамасодиқ, Матназар, Мамазокир ва хк.
6. Бундан ташқари фақат туркий тилларга хос бўлган, тил орқа ва тил олди унлиларининг бир-бирига мослашиш, оҳангдошлик ҳодисаси борки, бу ҳодиса сингармонизм дейилади: муҳим - муҳум, буви - буву, Муқим – Муқум, муӷкин – мумкун, Амир Темур – Амур Темур каби.

Сингармонизм ҳодисаси ўзбек тилининг орфоэпик қоидаларига зид ҳодиса сифатида фақат оғзаки нутқдагина учраши мумкин. Расмий ахборот воситаларида сўзлар талаффузи қоида асосида бўлиши шарт.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридаги функционал ўзгаришлар аксарият ҳолларда фақатгина жонли нутқ жараёнида кузатилади. Орфография қонун-қоидаларига кўра эса ёзувда ҳарфий ўзгаришлар кузатилмайди. Фақат айрим ҳоллардагина, масалан, эпентеза ва гаплология ҳодисаларидагина товуш ўзгаришлари кўп йиллик такрорланишлар туфайли орфографик қоидага айланиши мумкин.

Транскрипция. Алфавитдаги ҳарфлар нутқимизнинг асосий товушларини кўрсатади, уларнинг турли-туман ўзгаришларини эса акс эттирмайди. Оғзаки нутқда товушларнинг турлича ўзгаришларини, уларнинг ҳар хил вариантда талаффуз этилишини ёзувда тасвирлаб кўрсатиш учун махсус белгилар

ишлатилади. Бундай ёзув фонетик ёзув ёки транскрипция дейилади. Бу ўринда француз тилига тухталиб утамиз. Француз тилида 35 та товуш бўлиб, уларнинг 15 таси унли, 17 таси ундош ва 3 таси ярим ундош (ёки ярим унли) товушлардир. Бу 35 та товуш ёзувда 26 та лотин ҳарфлари билан ифодаланади. Демак, ҳамма товушлар ҳам алоҳида ҳарф ифодасига эга бўлмай, баъзи товушлар ёзувда икки ва ҳатто уч ҳарф бирикмаси (eu, eau, ch . . .) орқали ифодаланиши мумкин. Баъзи ҳарфлар бутунлай ўқилмагани ҳолда (h, e), бошқалари (g,c,s . . .) турлича ўқилиш хусусиятига эга. Француз тилидаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ўқиш учун дастлаб фонетик алфавит, яъни транскрипцияни билиш лозим. Бу алфавит Халқаро Фонетика Ассоциацияси (IFA) томонидан лотин ҳарфлари ва бир неча махсус белгилар асосида тузилгандир. Фонетик алфавит сўзларни тўғри ўқиш имкониятини туғдиради. Бундай белгилар билан ёзиш эса транскрипция дейилади. Транскрипция ҳар қандай сўзни тўғри ўқий олиш учун тўла кўрсатма беради.

<u>Транслитерация</u> ҳодисаси чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар талаффузининг шу сўз ўзлаштирилган тилнинг ҳарфлари ёрдамида ифода этилишини акс эттиради. Китобларни чоп этиш ва газеталар нашри амалиёти кўпинча хорижий тиллардаги, жумладан, инглиз, итальян, француз ва бошқа тиллардаги сўзларни, кўпрок атоқли отларни она тилимиз ҳарфлари орқали ифода этишни тақозо этади. Бундай вазиятларда савол туғилади - қандай килса яхши чиқади?

Газеталаримиз ёш америкалик пианист фамилиясини баъзан Клиберн ёки Клайберн деб берганини эсга олайлик. Рус тили статистик луғатида америкалик тилшунос олимнинг фамилиясини уч хил вариантда учратиш мумкин - Жоссельсон, Йоссельсон, Джоссельсон; улардан кайси бири тўғрироқ? Францияниng пойтахтини биз Париж деб атаймиз. Аммо французларнинг ўзи эса Ƥaris деб ёзиб, «Пари» деб талаффуз этадилар. Бир тилнинг сўзини иккинчи бир тил ҳарфлари орқали беришда унчалар катъий бўлмасада, муайян қоида зарур. Ушбу қоида *транслитерация (лотинча, trans - орқали ва litera - ҳарф)* дейилади. Бинобарин, амалий транскрипция ва транслитерация бир-бирига кўмак беради. Шунингдек, француз тилидаги la Наuе, талаффузда “лаэ” деб айтилади, лекин ўзбек тилида Гаага деб олинган. Худди шунингдек Миср пойтахти Қоҳира француз тилида le Caire деб олинади. Талаффузда ушбу сўз “лекэғ” деб олинади.

Транслитерация қоидалари айниқса исм-шарифларни кўрсатишда муҳим аҳамиятга эгадир. Туғилганлик ҳақида гувоҳномалар, паспортларда жуда кўп носозликлар учрамоқдаки, бу масалани ҳал этиш учун бундай идора ходимларини транслитерация қоидаларига ўргатиш зарурга ўхшайди. Исм-шарифлардаги **<u>–yev, -yeva</u>** қўшимчалари, **<u>x</u>** ва **<u>h</u>** ҳарфларини ифодалашда кўп ҳолда хатолик кузатилади. Исм-шарифлар лотин графикасида қандай

ёзилган бўлса ўшандай паспортнинг инглиз тили томонига ўтказилиши, транслитерация қилиниши шарт.

Орфоэпия. Орфоэпия адабий талаффуз қоидалари тўпламидир. Адабий тилда тўғри ёзиш қанчалик аҳамиятли бўлса, тўғри талаффуз қилиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Талаффузни нормалаштириш радио эшиттириш, театр, айниқса ўқув юртларидаги ўқиш-ўқитиш ишларини ва умуман маданиятни тараққий қилдириш учун жуда ҳам зарурдир.

Орфоэпия миллий тиллар учун ягона талаффуз нормалари бўлишини талаб қилади. Бу нормалар тилларнинг товуш системаси асосида яратилади, яъни товушлар состави, уларнинг турли комбинатор ва позицион ўзгаришларини ҳисобга олиб, ҳар бир ҳолда талаффузнинг қандай бўлиши лозимлиги белгиланади. Бунда мавжуд талаффуз вариантларидан адабий тил анъаналарига, тилнинг тараққиёт аръаналарига мос келадиганлари танлаб олинади. Масалан, тубандаги сўзлар шевалараро ака - ока - ако, бала - бола, меҳмон – миҳмон - миймон, давлат - довлат, баҳор - боҳор ва б. каби талаффуз қилинса ҳам, аввалдан давом этиб келган анъанага ва ўзбек тилининг тараққиёт қонунига кўра адабий тилда ака, бола, меҳмон, давлат, баҳор деб талаффуз қилинади. Орфоэпия орфография билан узвий боғланган.

5. ЛЕКСИКА ВА ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Режа. Лексика ва лексикологиянинг тадқиқот объекти. Сўз, предмет ва тушунча орасидаги муносабатлар ҳамда лексик маънонинг келиб чиқиши. Лексик маъно турлари. Маъно кенгайиши ва торайиши. Маънолар кўчиши, метафора ва метонимия. Синекдоха. Фразеология. Фразеологик иборалар[3] классификацияси. Янгича фразеологик ва фразеографик концепция. Фразеография фан соҳаси сифатида. Лексикография. Ўзлаштирма лексика ва пуризм. Этимология, ономастика ва топонимика. Ижтимоий чегараланган лексика.

Тил луғат таркиби лексика (грекча lexis - суз) деб аталади. Лексикани, унинг тараққиётини ва нутқда ифода этилишини ўрганувчи фан лексикология деб аталади. Сўз лексиканинг бош бирлиги (яъни унинг энг кичик таркибий қисми) ҳисобланади. Шунинг учун сўз ҳақидаги таълимот лексикологияда муҳим ўрин тутади. Гарчи амалиётда ҳар бир киши учун сўз маълум бўлса-да, уни назарий жиҳатдан аниқлаш анча мураккаб.

Фанда сўзнинг қатор таърифлари мавжуд. Жумладан, " сўз - маънога эга товушлар мажмуаси", ёки " сўз - бу тушунчани ифода этувчи товушлар бирикмаси" ва бошқалар. Сўзнинг ўзга таърифларини изламасдан энг мақбул

вариантига тўхталамиз. У қуйидагича: "Сўз - бу гапларни қуриш учун нутқда эркин қўлланадиган тилнинг энг кичик маъноли бирлигидир".

Ушбу таърифни текшириб кўрайлик. Бунинг учун икки-учта сўзни оламиз, жумладан, ўтлоқ, мовий, куйламоқ. Уларнинг барчаси:

1. фонема ва бўғинлардан фарқ қилиб, тилнинг маъноли бирлиги ҳисобланади.
2. нутқда эркин қўлланади, яъни маълум ўзга бирликлар билан мажбурий боғланиш талаб этмайди, шу билан сўз эркин бўлмай, балки сўз таркибида мажбурий равишда боғланадиган, яъни ўзга бирликлар билан боғланишда морфемадан фарқ қилади.
3. нутқда эркин қўлланадиган энг кичик тил бирлиги ҳисобланиб, шу билан сўз бирикмасидан фарқ килади
4. гап қурилишида иштирок этади, яъни мулоқот мақсадида қўлланади.

Ҳар қандай тилдаги ҳар кайси сўз учта муносабатга (боғланишга) киритилади:

1. инсонни қуршаб турган борлиқ предметлари ва ҳодисаларига бўлган муносабатларга
2. инсон фикрлари, туйғулари ва хоҳишларига бўлган муносабатларга
3. тилнинг бошқа сўзларига бўлган муносабатларга

Агар ушбу муносабатлар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган бўлсак, сўз моҳиятини англаб етиш мумкин эмас.

Сўз ва предмет . Сўзнинг товушли қисми ўзи боғланган предмет билан зарурий, предмет сифати билан боғлиқ алоқага эга эмас. Шу боис ҳар хил предмет турли тилларда турлича айтилади: рус тилида - книга, венгерча - кеньв, лотинча - либер, хитойча - шу, японча - хон, немисча - бух, инглизча - бук, французча - ливр ва бошқалар. Сўзнинг товушли қисми шу сўзни ойнак каби акс эттиради дейиш ғянглишдир. Сўзнинг айтилиши - образ эмас, балки предмет белгиси. Лекин бу белги хаёт тажрибасидан бизга маълум бўлган бошқа белгилардан, мисол учун, денгиз сигнал белгиларидан, йўл белгиларидан, морзе ҳарфларидан фарқ килади. Барча шундай белгилар шартли ва ихтиёрийдир, яъни кишилар ўртасидаги шарт, аҳдлашувига кўра ўрнатилади, белгиланади ва уларнинг ихтиёрига кўра ўзгариши мумкин. Сўзнинг предмет белгиси сифатида айтилиши – доимо шартли эмас ва ихтиёрий эмас, у айрим кишиларнинг хоҳиши ва ихтиёридан қатъий назар намоён бўлади ва тилнинг тарихий тараққиёти ва унинг халқ нутқида ифода этилиши объектив мавжуд қоидаларга кўра ўзгаради. Жумладан, *муқовасоз* сўзи ўзига монанд маънони олганлиги сабаби шунда-ки, кимдир айнан шу товуш мажмуаси билан маълум касбни номлашга келишиб олганлигидан эмас, балки ушбу касбни номлаш эҳтиёжи туғилганда, тил жамоага янги сўз учун қурилиш материали ва уни қўллаш қоидаларини ҳавола этади. Шунинг

учун ҳам тилнинг тарихий тараққиёти давомида сўзларнинг бир неча хил кўринишлар касб этганлиги гувоҳи бўламиз.

Сўз маъноси предметга бошқача муносабатда булади. Ҳозирги замон фанида сўз маъноларининг табиатини тушунишда ягона фикр мавжуд эмас.

Бир хил олимлар фикрига кўра маъно – бу маълум товуш айтилишининг маълум предмет билан боғланиши, сўзнинг предметга муносабатидир. Бошқа бир хил олимлар фикрига кўра, маъно - бу сўзга бириктирилган предмет аксидир. Бу икки нуқтаи назардан ҳар қайсисининг ҳимоячилари ва муҳолифлари бор. Буни эсда тутган ҳолда, қуйидаги муҳим ҳолатга эътиборни қаратамиз. Онгимизда сўзнинг физик, моддий киёфаси, акси туширилади (муҳрланади), айнан онгимизда борликдаги предметнинг физик, моддий қиёфаси, акси намоён бўлади, акс эттирилади. Сўз қиёфасининг физик акси билан предмет акси ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиладики, икки акс (сўзнинг ва монанд предметнинг) яхлит бутунлигини ҳосил қилади. Ҳар сафар предмет онгимизга таъсир этганда унинг акси пайдо бўлади, унинг акси билан бирга эса монанд сўзнинг акси намоён бўлади. Аксинча, ҳар сафар сўзни эшитганимизда ёки ўқиганимизда онгда унинг акси намоён бўлади, у билан бирга эса шу сўзга монанд келувчи предмет акси намоён бўлади. Сўзнинг физик киёфаси ҳамда монанд келувчи предмет акслари бирлиги, боғланишини "маъно" деб атаймиз.

Сўз ва тушунча. Сўзнинг моддий томони тушунчани ифода этади ва номлайди. Шунинг учун сўзни тушунча белгиси деб эътироф этиш мумкин. Албатта, бу алоҳида туркумдаги белги. Бошқа белгилар эса (мисол учун, светофорнинг сариқ, қизил, кўк чироқлари, денгиз сигналидаги байроқчалар, йўл кўрсатувчи тош ёки шохча ва бошқалар) табиат ёки инсон томонидан яратилган материалдан қилинган бўлиб, мулоқот мақсадлари учун яратилмаган, ушбу материалдан қилинган "буюмлар" белги функцияси, табиатига кўра уларга хос эмас: қизил, сариқ ва кўк ранглар табиат ва инсон томонидан энг аввало белгилар сифатида қўлланмай, балки бутунлай бошқа функцияда қўлланади. Бинобарин, сўзнинг моддий томони (товушлар ёки ҳарфлар йиғиндиси) фақат белги мақсадига эга ва айнан мулоқот мақсади учун яратилади.

Бундан ташқари, бошқа белгилардан фарқли равишда, сўзнинг моддий томони физиологик жиҳатлари мажмуасига кўра унинг идеал томони (маъноси) ва онг ҳамда тафаккур фаолияти билан узвий боғланган. Агар сўзнинг моддий томони, гарчи алоҳида бўлсада, тушунча белгиси деб эътироф этилиши мумкин бўлса, у ҳолда бундан сўз маъносини тушунча белгиси деб ҳисоблаш мумкин деган хулоса келиб чикадими? Афтидан, бундай хулоса келиб чиқмайди. Чунки сўз маъноси - бу сўз ва предмет аксларининг яхлит бирлиги, алоқаси, маъно эса тушунчани ифода этмайди ва номламайди - у тушунчанинг шаклланишида замин, асос бўлиб, унинг

ривожланишида қурол, восита бўлиб хизмат қилади, фақатгина борлиқнинг иккинчи сигнал системаси (яъни сўз) камолотга эришган инсонга тафаккур жараёнининг таркибий элементлари бўлмиш тушунчалар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради. Лекин тафаккур ўз ичига борлиқнинг нафақат мантиқий, шунингдек, эмоционал, иродавий, эстетик ва бошқа аксларини олган онгнинг соҳаларидан, томонларидан биридир.

Шунинг учун ҳам тушунчалар эмоционал, ирода, эстетик ва бошқа қатламлар билан чатишиб кетган. Шу боис сўз маъноси тушунчани "қўзгар" экан, айни пайтда, одатда, эмоционал, ирода ва онгнинг бошқа аксларини чорлайдики, улар мураккаб семантиқ бирликда тушунчалар билан, сўзларнинг маънолари билан қўшилиб кетади. Фан ҳозирча маъно, тушунча ва онгнинг эмоционал-иродавий ҳолатларини қатъий чегаралаш имконини берадиган самарали усулларга эга эмас. Сўз маъноларини тасвирлай туриб, лексикологлар ва лексикографлар одатда айнан шундай тушунчаларни, онгнинг шундай эмоционал ва иродавий ҳолатларини кўрсатмоқдаларки, улар билан мазкур маъно боғланган, бириккан. Қолаверса, кўпинча айнан тушунчалар ва уларга ҳамроҳ бўлган борлиқнинг эмоционал ирода акслари сўз маънолари деган номни олади. Бундай қўлланишда "маъно" термини энди икки акс бирлиги ҳақида далолат бермай, балки онгнинг ҳолати, фаолияти ҳақида, онг ва тафаккур жараёнининг мантиқий, эмоционал, ирода ёки "қоришган" бирлиги ҳақида далолат беради. Айнан шу маънода сўз маънолари тушунчалар билан чегараланмайди, улар тушунчаларга нисбатан кенг, тушунчалар доирасидан ташқарига чиқади. Эркалатиш, кичрайтириш, нафратланиш, эъзозлаш (кўтаринкилик), қўполлик аломатларига эга сўзларни (берёзенька, рученька, жрать, читалка, девчушка, подлиза, городишко, очи, қўзичоқ, қўлча, қизча, кавшамоқ, сойча ва б.) эсга олишнинг ўзиёқ кифоя.

Тилларда шундай сўзлар борки, уларнинг маънолари эмоционал, ирода ва бошқа қатламлар билан мураккаблашмаган, фақат "соф" тушунчалар ривожини қўллайди. Бундай сўзлар терминлар (лотинча terminus - ниҳоя, чегара) деб аталади. Одатда, терминлар тафаккурнинг мантиқий бирлиги, яъни тушунчаларни англатади (кислород, планета, фонема, электрон, лазер ва б.). Шу билан биргаликда шундай сўзлар борки, уларнинг маънолари фақат ҳаяжонлар (вой! Ҳай-ҳай!ой-ой!, о-го-го!, ах!, ва б.) билан боғланган.

Шундай қилиб, сўзнинг маъноси ва тушунча ўртасида мураккаб ва турли типдаги муносабатлар мавжуд. Афтидан, тушунча маъно заминида ривожланади, лекин тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида шундай сўзлар вужудга келадики, уларда маъно тушунчаларга қоришиб кетади, предметнинг ва сўзнинг акслари бирлиги эса тушунчалар ва сўзлар бирлиги (жумладан, абстракт маъноли терминлар, мисол учун, муносабат, мавҳумлик, гипотеза ва б.) билан алмашади. Шундай килиб, агар сўзнинг

моддий томони - бу тушунча белгиси бўлса, у ҳолда сўзнинг маъноси - бу тушунча асоси ва тушунчани шакллантирувчи қуролдир: тушунчалар сўз заминида ва ёрдамида яратилади ва ишлаб чиқилади, сўз маъноси - бу шундай маъно "формаси"ки, унда тушунча вужудга келади, ривожланади ва яшайди.

ЛЕКСИК МАЪНО ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

Шу пайтгача сўз маъносини бўлмасдан, бутун ҳажми билан олдик. Сирасини олганда ундай эмас. Сўз маъноси типологик жиҳатдан бир хил эмас. Тилнинг турли томони, қурилишида сўзнинг иштирокига кўра, яъни унинг лексикаси, сўз ясаши, морфологияси ва синтаксиси ва, шунингдек, унинг услублар (стиллар) деб аталувчи кўринишларига кўра, тил ҳақидаги фан лексик, сўз ясовчи, грамматик (морфологик ва синтактик) ва стилистик маъноларини фарқлайди. Табиийки, лексикология, энг аввало, лексик маъноларни ўрганади.

Лексик маънолар сўзга нисбатан конкрет ва индивидуалдир: ҳар бир шундай маъно у ёки бу сўзга қарашлидир ва шу тарзда сўзлар лексик маънолари билан бир-биридан ажралиб туради: гапирмоқ, югурмоқ, шамол, ақлли, софдил ва б. Лекин, предметга нисбатан ҳар бир лексик маъно умумлашган бўлади. Китоб, йўналиш, шапка, деб ўқисак ёки айтсак, ушбу сўзлар воситасида ҳар қандай китобни, ҳар қандай йўналишни, ҳар қандай шапкани белгилаш, номлаш мумкин. Бу табиий, агар сўз маънолари тушунчаларни шакллантирувчи қурол ва асос эканини эсга олсак, тушунчалар доимо предметларнинг ва борлиқ ҳодисаларнинг муҳим томонларини, хусусиятларини умумлаштиради. Турли сўзларнинг лексик маънолари, предметлар, тушунчалар ва бир–бири билан ўзаро боғланиши турлича. Бу турли-туманлик лексик маънолар илмий таснифи (типологияси) асосида ётиши мумкин. Бу белгига кўра номинатив ва сигнал, тўғри ва кўчма, конкрет ва абстракт маънолар турларини ажратиш мумкин.

Номинатив маънолар сўзга предметни номлаш, белгилаш (лотин. nome - ном) имконини беради. Номинатив маъноли сўзни эшитиб ёки ўқиб, биз уша заҳотиёқ предметни таниб оламиз, кўрамиз, уни бошқалардан ажратамиз (қайинни чинордан, арчадан ва бошқадан).

Сигнал маънолар сўзга, предметга индивидуал ном бермасдан, фақат предметни номлаш, хабар бериш, уни кўрсатиш имконини беради (это, он, над, от, ой).

Кўчма маънолардан фарқли равишда тўғри маънолар сўз таркибидаги бошқа маънолар иштироки ва воситасидан узоқлашган ҳолда предметни бевосита акс эттириш имконини беради (дафтар, чироқ, китоб, қалам, майса, дала, тариқ). Кўчма маънолар предметни билвосита, сўз таркибидаги бошқа маънолар орқали акс эттириш имконини беради: қулфнинг калити (тўғри

маъно), атом сири калити (кўчма), инсон юзи (тўғри), театр юзи (кўчма), машина ўтаяпти (тўғри), вакт ўтаяпти (кўчма), ёрқин хона (тўғри), ёрқин фикр (кўчма), горячие угли (тўғри), горячая дружба (кўчма), глубокое озеро (тўғри), глубокий взгляд (кўчма). Кўчма маъно орқали доимо бошқа, тўғри маъно нурланиб кўриниб туради.

Маълум бир предметга сўзнинг мойиллиги ёки мойил бўла олмаслиги имкониятига кўра конкрет ва абстракт маънолар фарқланади. Кўргазма учун книга, картина, идти, плыть, голубой сўзларини обещание, производительность, планирование, руководить, логичный сўзларига таққослаб кўриш мумкин.

Лексик маъноларнинг онгга (энг аввало таффакурга) бўлган муносабатига кўра терминологик ва умумий, образсиз ва образли, эмоционал ва ноэмоционал маънолар ажратилади. Терминологик маънолар интеграл, диффуз, инерция ва бошқа шу каби маънолар билан қўшилишга мойиллик билдиради. Умумий маънолар тушунчани у ёки бу маъно қўшимчалари ва аломатлари билан ювиб ташлайди. Мас., *Мороз и солнце. День чудесный* (А.С.Пушкин). Образсиз ва образли маънолар предметнинг тасаввур (предметларнинг конкрет хис этиш акслари билан) лар билан алоқасига кўра фарқланади: образсиз маънолар ўз ҳажмидан тасуввурни чиқариб ташлайди, образли маънолар уларни киритади. Қиёслаб кўрайлик:

1. Маша наклонилась и сорвала прекрасную, свежую, с чистыми упругими лепестками ромашку.

2. Ромашка - род растений семейства сложноцветных.

Биринчи мисолда ромашка сўзи образли маънони ифода этади, чунки ромашка сўзи тушунча билан бирликда гулнинг конкрет-хиссий тасаввурини ифода этади ва қўзғайди. Иккинчи жумлада эса ўша сўзнинг ўзи ромашка ҳақида мавҳум, абстракт тушунчани ифода этиб, образсиз маънога эга.

Маънонинг инсон ҳаяжонлари ва иродаси билан боғланишига кўра эмоционал кўринишлари фарқланади. Батюшки! Ай-яй!, великолепно, наплевать, любушка сўзларини табурет, вода, стакан, лампа, корзина сўзлари билан қиёслаб кўриш мумкин.

Лексик маъноларнинг учинчи бўлиниши тил ичида уларнинг бир-бири билан алоқаси фарқига асосланади. Ушбу хусусият буйича синоним ва антоним, монолексик ва омоним, асоссиз ва асосли, ясовчи ва ясама маъноларни фарқлаш мумкин. Синонимик маънолар шунчалар яқин бўладики, аниқ мазмунларга кўра улар боғланган сўзларнинг ўзаро алмашиш имконини беради: вежливый, деликатный, тактичный, обходительный, корректный, храбрость, смелость, отвага, мужество. Бирок, ўхшаш синонимик маънолар одатда, бўлмайди ва шу боис сўзлар орқали борлиқ предметлари ва ҳодисаларини, шунингдек, улар ҳақидаги тушунчаларнинг нозик фарқларини номлаш имконини беради. Маълумки, синонимик маънолар билан боғланган сўзларни синонимлар (грек. synonymos - бир хил

номли) деб аталади. Синонимик маънолардан фарқли равишда антонимик маънолар мантиқий жиҳатдан ўта узоқлашган, ўз реал мазмунининг қарама-қаршилиги билан характерланади: совуқ ва иссиқ, ақлли ва ақлсиз, узоқ ва яқин, кирмок ва чиқмок, касаллик ва саломатлик. Шундай маънолар билан боғланган сўзлар антонимлар (грек. anti - тескари ва onoma - ном) деб аталади.

Омонимик маънолар бир товуш мажмуасида ифода этилади, лекин омонимик маънолар бир-бири билан ҳеч қандай маъно боғланишига эга эмас, улар мустақилдир. Шунинг учун бундай ҳолларда омонимлар (грек.homos - бир хил ва noma - ном) деб аталувчи турли сўзлар ҳақида сўз юритиш мумкин. Омонимларга мисол: балка - бревно ва балка - овраг, ключ - от замка ва ключ - родник.

Асоссиз ва асосли маънолар бир-биридан шуниси билан фарқ қиладики, асоссиз маънолар "ўз-ўзидан" англашилади, иккинчилари эса бошқа маъно иштироки асосида англашилади. Асоссиз маънолар бошқа маънолардан қатъий назар сўзда бирламчи маъно сифатида англашилади (книга, лето, день, теплый, хорошо). Асосли маъно бошқа олдинги маъно асосида изоҳланувчи иккиламчи маъно сифатида англашилади, асосли маънода манба маъно бор (лекция идет, город живет, молочный стол, ясная мысль ва б.). Асосланувчи ва асословчи маъно бир сўзнинг ўзида бирга мавжуд бўлади, ясовчи ва ясалувчи маънолар билан уларни чалкаштирмаслик учун буни яхши англаш зарур.

Ясовчи ва ясама маънолар бири иккинчисидан ясалган, тилдаги икки сўз боғланишига асосланади (луговой - луг сўзидан, учитель учить сўзидан, книжка - книга сўзидан, выбежать - бежать сўзидан, зачитать - читать сўзидан ва б.). Янги ҳосил бўлган сўз ясама сўз деб аталади. Янги сўз ясовчи - сўз ясовчи сўз деб, янги сўз ясаш усули қўлланган маъно ясовчи маъно деб аталади. Ҳар қайси ясама$_4$ маъно ясовчи маънога суянади ва у билан боғлиқ равишда англашилади.

Яна икки маъно кўринишига тўхталиш зарур. Булар эркин ва боғлик маънолардир. Ҳар бир эркин маъно алоҳида бир сўз воситасида ифода этилади (лампа, графин, река, бумага, газета). Ҳар бир боғлик маъно бир пайтнинг ўзида камида икки сўз орқали ифода этилади - уларнинг бири асосий бўлиб, иккинчиси ёрдамчи ҳисобланади (оказать уважение, принять участие, железная дорога, морской узел, бить баклуши ва б.). Мисоллар шуни кўрсатадики, боғлик маъно бир сўз воситасида ифода этилмайди, балки икки ва ундан ортиқ сўз воситасида ифода этилади.

Сўз маънолари турлари хусусидаги таълимот муносабати билан маънолар ва сўзларнинг қўлланишини фарқлаш зарур. Нутқда сўзларнинг вақтинча, маълум контекстлардагина кўзга ташланадиган маъноларини кузатиш мумкин. Бундай маънолар қўлланиш ёки нутқ маънолари деб аталади. Улар одатда сўзга биркитилган. Сўзларнинг одатдаги лисоний

маънолари тилда сўзлашувчи жамоага яхши маълум, уларни тил жамоаси нутқидан ташқари, нутқ занжиридан ташқарида ҳам биладилар. Нутқ маънолари эса тил жамоасига номаълум ва унинг маъноси ушбу сўз иштирок этаётган муайян сўзлар қуршовида очиб берилиши, англашилиши мумкин. Мисол учун "диск" сўзи "луна" маъносига эга эмас. Лекин А.Блокнинг "Незнакомка" шеърида ушбу сўз ой маъносини олади: Над озером скрипят уключины И раздается женский визг, А в небо, ко всему приученный, Бессмысленно кривится диск.

ЛЕКСИК МАЪНОЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. Сўзларнинг лексик маънолари ўзгаришсиз қолмайди - улар ривожланади. Ушбу ривожланиш сабабини тилда акс этган ҳаётдаги ўзгаришдан, инсон тафаккури ва онги ривожланиши, ва ниҳоят, тил ичида тилнинг кўп томонлама боғлиқлигидан излаш зурур. Ҳаётнинг ўзгариши, унда янги предметлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши сўз маъносинниг кўчиш заруриятини туғдиради, яъни унда янги маъно ривожланиши юзага келади. Қиёслаб кўрайлик: лист дерева, лист бумаги ва столный лист, идёт медведь, идёт поезд ва идёт лекция. Борлиқни янада чуқур, янада тўла, янада аниқ акс эттирувчи инсон тафаккури ривожи фанда кенг қўлланиладиган мавхум маъноларнинг ортиб боришига олиб келади: отношение - понятие, взаимодействие, выражение ва б. Тил ичида сўзларнинг ўзаро боғланиш натижаси улардаги лексик маънолар ривожланишида акс этади. Жумладан, рус тили тарихида қуйидаги маънолар яшайди: выбрать ва избрать, выгнать ва изгнать, выдавать ва издать ва б. Ушбу сўзларнинг ўзаро таъсири натижасида уларнинг маънолари аниқланади ва ажралади: выдать - издать бир хил эмаслигини аниқ сезамиз, выбрать ва избрать сўзлари ажралиб кетади. Машҳур испан лексикографи Х.Касареснинг "Введение в современную лексикографию" китобида ordo сўзи тараққиёти тасвирланган. Дастлаб ordo калаванинг учи, бошланиши маъносини, кейинчалик "қатор", кейинчалик "ранг, даража (ҳарбий унвон)", кейинчалик "орден" маъносини англатган, рус тилидаги орден сўзи шу сўздан келиб чиққан. Лекин маънолар тараққиётининг энг оддий натижалардан бири сўзнинг кўп маънолилиги (полисемия) ҳисобланади. Кўпинча сўзлар маънолари ривожланиши натижасида уларда биттадан 20 тагача маъно тўпланади. Жумладан, рус тилидаги *идти* сўзи 25 тадан ортиқ маънога эга. Худди шунингдек, француз тилидаги - aller - 50 тадан ортиқ, инглиз тилидаги do - (делать, выполнять) 16 тадан ортиқ, немисча *kommen* (приходить) - 6 тадан ортиқ ва бошқалар.

М А Ъ Н О Л А Р К Ў Ч И Ш И. Одатда янги маънолар маълум сўзнинг янги предметни ёки ҳодисани номлашга кўчиши натижасида пайдо бўлади. Жумладан, яқинда "спутник" сўзи унинг учун янги ҳисобланган предметни номлашга кўчирилди ва бу сўз одамлар томонидан ер атрофидаги орбитага

чиқарилган сунъий физик жисмни англата бошлади, олдинги маъносини сақлаган ҳолда ушбу маънони олди ва рус тилидан бошқа тилларга тарқалди. Худди шунингдек, сўзларнинг янги предметларни номлашга кўчиши окибатида янги маънолар пайдо бўлди: крыло - несущая плоскость самолёта, перо - металлический предмет для письма чернилами, стол - особенности пищи, принимаемой регулярно, золотой - дорогой, хороший, железный - стойкий, прочный ва б. Шундай йўл орқали юзага келган маъно кўчма маъно деб аталади. Уларнинг асосида одатда предметларнинг ўхшашлиги ёки уларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқаси ётади.

1. Шакл ва функция ўхшашлиги асосида маънонинг (номнинг) бир предметдан иккинчи предметга, бир ҳодисадан иккинчисига кўчиши ***метафора*** (грек. metaphora - силжиш, кўчиш) деб аталади. Метафора асосида қуйидагилар ётиши мумкин:

а) форма ўхшашлиги (крыло самолёта, нос лодки, самолётнинг қаноти, қайиқнинг бурни, бинонинг қаноти, деразанинг қаноти).

б) предметлар томонидан амалга ошириладиган функция, ҳаракат ўхшашлиги (перо гусиное ва перо стальное, спутник девушки ва спутник земли, ножка ребёнка ва ножка дивана, ер йўлдоши, диваннинг оёғи)

в) айтилишдаги ўхшашлик (барабанит солдат ва барабанит дождь, воет волк ва воет ветер, ёмғир тарақламоқда, шамол увиллаяпти)

г) предметлар таъсири остида шаклланган таассуротлар, мураккаб уйғунликлар ўхшашлиги (белая нить ва нить рассуждений, стальная цепь ва цепь выводов, зерно ржи ва зерно истины, фикрлар занжири, ҳақиқат уруғи)

2. Маънонинг (номнинг) бир предметларнинг иккинчисига, бир ҳодисадан иккинчисига мантиқий алоқа асосида кўчиши ***метонимия*** (грекча. metonymia - қайта номлаш) деб аталади. Метонимия асосида қуйидагилар ётиши мумкин:

а) форма (жойлаштирувчи) ва мазмун (жойлашувчи)орасидаги мантиқий боғлиқлик: синф - ўқувчилар гуруҳи ва синф - дарс ўтиш хонаси, завод – корхона ва завод - ишчилар жамоаси.

б) ҳаракат ва унинг натижаси ўртасидаги боғланиш, посылка, покупка, печенье, варенье, отчет, қовурма, силтама, пиширик, димлама.

в) материал ва ундан қилинган маҳсулот ўртасидаги мантиқий боғланиш: золото, серебро, мрамор, холст, шёлк, шерсть, тилла, кумуш, мармар, шойи, атлас.

г) муаллиф ва унинг асари ўртасидаги мантиқий боғланиш: Шолоховни ўқимоқ, Толстойни ўрганмоқ, слушать Шостаковича

Метонимиянинг алоҳида кўриниши сифатида яхлит пердмет ва унинг қисми ўртасидаги мантиқий боғланиш ***синекдоха*** (грек.synekdoche - "талкин урнида" яъни сўзни одатдагича тушуниш, изоҳи урнига) деб аталиб, бутуннинг қисмга ва қисмнинг бутунга мантиқий боғлиқлик алоқаси ҳисобланади: отряд в 20 штыков, йигирма найзадан иборат отряд, эскадра из

7 флагов, етти байроқдан ташкил топган эскадра, стадо в 200 голов, юз бошдан иборат пода, тирноққа зор, қўлини кесмоқ, эшикдан пахмоқ соч кириб келди.

Э Т И М О Л О Г И Я. Бизга "асосланувчи" ва “асословчи” маъно терминлари маълум. Ушбу маъноларни фарқлаш баъзан предмет номлари қандай юзага келишини англаб етиш имконини беради. Жумладан, рус тилидаги "читальная" сўзи шу сабабдан пайдо бўлган бўлса керак, чунки унда ўтириб ўқишади. Ҳар қайси қироатхона кўп томонларга ва аломатларга эга; лекин тил қироатхонани номлаш учун фақат бир аломатни танлаб олган - унда ўқишади. Предметни тўлалигича номловчи белгини акс эттирувчи маъно муайян сўздаги асословчи маъно ҳисобланади. Тилшуносликда бу маъно бошқа номга - сўз ички формаси номига эга. "Ички форма" термини мураккаб, тушуниш ва қўллаш учун оғир, лекин фан барибир уни қўллайди. Нима учун сўзнинг асословчи маъносини баъзан унинг "ички формаси" деб аташади? Чунки янги асосланувчи маъно илгари маълум бўлган асословчи маъно замирида ривожланиб, даставвал асословчи маъно кўринишида бўлади, унга “киритилгандек” туюлади. Рус тилидаги подснежник- баҳор гулини одамлар номлаган, улар унинг "под снегом" аломатини аниқ сезганлар ва "под снегом" маъноси ўша ички маъно формасига айланганки, унда янги маъно - подснежник маъноси ривожланиб, бу янги маъно гулнинг кўпгина аломатларини акс эттирувчи кўрсаткичга айланган.

Сўзларнинг ички формасини аниқлаш учун уларнинг тарихини ўрганиш зарур. Унутилган ва махсус тадқиқот ёрдамида аниқланадиган сўз ички формаси ***этимон*** (грекча. etimon - ҳақиқат) деб аталади. Этимонлар ва уларни ифода этган сўзларни ўрганувчи тил соҳасидаги фан ***этимология*** деб аталади. Унинг вазифасига сўзнинг қадимий, ҳозирда унутилган маъноси ва формаларини ўрганиш қиради. Ушбу масалаларни ҳал этишда олимлар тиллар қардошлиги ҳақидаги ва қадимда тилда мавжуд бўлган товуш қонуниятлари ҳақидаги билимларни қўллайдилар. Этимологларга мунтазам равишда тил тарихи ва кишилар ҳаёти билан иш олиб боришга тўғри келади. "Грамота" сўзи этимони gramma (грек) - ҳарф маъносидир. "Дитя" сўзи ўзаги dhena - соғин сигир (қадимги ҳинд тили), denion - сут (қадимги грек тили), dinum - эмаяпман (форс), daddjan - кўкраги билан боқмоқ (гот), сўзларида кузатилишини этимологлар эътироф этадилар. Дитя сўзи этимони - сут эмувчи, соғувчи.

Турли тиллардаги бир хил маъноли сўзлар ўхшаш бўлмаган этимонларга эга бўлиши мумкин: лотин тилидаги femina (аёл) сўзи эмизувчи этимонига эга, грек тилидаги potnia (аёл) уй бекаси этимонини англатади, инглиз тилидаги woman (аёл) ўйловчи этимонини акс эттиради, олмон тилидаги weib (аёл) этимологик жиҳатдан меҳнаткаш маъносини англатган, рус тилидаги женщина туғувчи этимони билан боғлиқ.

О Н О М А С Т И К А В А Т О П О Н И М И К А. Этимологияга яқин, лексикология таркибидаги хусусий, амалий аҳамият касб этувчи фанлар ономастика (грекча. onoma - ном) ва топонимика (грек. topos - жой) ҳисобланади.

Ономастика атоқли отлар - исмлар, фамилиялар, таҳаллуслар, лақаблар тарихини ўрганади.

Исмлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, турли даврлар таъсирида қўйилган турли исмлар учраб туради. Масалан, ўзбек тилида Октябрина, Эрнст, Октябрь, Январхон, Каналхон, Мирканал, Мэлс, Тельман, Вилен, Вилена, Канашвой. Лекин ўзбек исмларининг аксарияти араб ва форс тиллари асосидаги исмлардир.

Топонимика - географик атоқли отлар (номлар), дарёлар, кўллар, шаҳарлар, қишлоқлар, осмон жисмлари номлари ҳақидаги фан.

Бу соҳада жуда кўплаб қизиқ номларни учратиш мумкин. Масалан, рус тилида Владивосток, Владикавказ, ўзбек тилида жуда кўп топонимлар этимологияси яширин, “ўлик” ҳисобланади. Масалан, Чем, Чўжа, Андижон, Наманган, Моси, Тангатопди, Серкақирилди, Фарғона, Ҳакан. Аммо баъзи топонимларнинг маънолари аниқ кўриниб туради: Тошкент, Ойим, Қўқонқишлоқ, Булоқбоши, Марҳамат, Шаҳрисабз, Жалойир, Баҳрин, Сулдуз, Дўлан ва бошқалар.

Ономастика ва топонимика соҳалари тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ижтимоий келишув назариясининг тўла акс этишидир. Чунки ҳар бир исм ва жой ва жисмлар номлари одамлар томонидан қўйилган. Ҳар бир онома ва топоним этимологиясини аниқлаш учун албатта ҳам лингвистик, ҳам тарихий таҳлил зарур бўлади.

Ушбу соҳаларнинг маълумотлари жамиятни, маданият тарихини, тил тарихини қизиқтиради. Улар ўз тадбиқини тил назариясида топади. Бундан ташқари улар кенг инсонлар оммаси учун қизиқиш уйғотиши мумкин. Мисол учун, рус исми Кузьма косметика сўзи билан бир хил келиб чиқишга эга. Қадимги грек тилида kosmeo - бўянаман деган маънони англатади. Леонид исми қадимги грек тилидан leon - шер сўзидан келиб чиққан. Евгения - олижаноб (благородная), Галина (камгап, ювош) тихая ва бошқалар. Исмларнинг бундай таҳлилини ўзбек исмларида ҳам ўтказиш мумкин.

НЕОЛОГИЗМ ВА АРХАИЗМ. Тилда лексик гуруҳларнинг ажратилишига асос бўлиб ундаги мунтазам янгиланиб туриш жараёни хизмат қилади. Маълумки, луғат таркиби жамият ҳаётининг турли қирралари, ривожланиб турувчи инсон онги фаолиятининг турли томонлари билан узвий боғланган. Шунинг учун луғат таркиби ҳаётдаги барча янгидан-янги эҳтиёжларни

қондирган ҳолда тўхтовсиз янгиланиб туради. Бу янгиланиш уч асосий йуналишда содир бўлади:

а) янги сўзлар пайдо бўлади - радиолокация, атомник, радиотелескоп, космодром, межконтиненталный, веб-сайт, пайнет,сайт, инстаграм, фейсбук, одноклассники, лизинг, аутсорсинг, менежмент каби яқинда пайдо бўлган сўзларни эслаб кўрайлик;

б) кераксиз бўлиб қолган сўзлар нофаол заҳирага ўтиб кетади (губерния, уезд, буржуй, лакей, НЭП, мингбоши, амир, жаллод, мироҳур, девонбеги, ҳазрат, зоти олийлари, зоти шариф, қози ...);

в) сўзлар ўз маъноларини ўзгартирадилар (спутник, семилетка, поток, цепная реакция, элликбоши, ҳоким, раис).

Луғат таркибининг янгиланишидаги натижалардан бири - неологизмлар лексик гуруҳининг ва архаизмлар лексик гуруҳининг шаклланиши ҳисобланади. Неологизмлар (гекча. neos - янги ва logos - сўз) - бу янги лексика, яъни уларни қўллаган авлод хотирасида вужудга келган сўзлар. Жумладан, 50-60 йилларда фаннинг шавкатли ғалабаси муносабати билан янги (ёки янгиланган) сўзлар пайдо бўлди: спутник, космическая ракета, прилуниться, ер йўлдоши ва бошқалар; XX асрнинг 40-50 йилларида инсонлар кўз ўнгида юзлаб янги сўзлар пайдо бўлди, атомный котёл, синхрофазотрон, семилетка, поточный метод, космонавтика, школа-интернат, программирование ва бошқалар. Лексик неологизмлар билан семантиқ неологизмларни фарқлаш одат тусига кирган. Биринчилари - янги сўзлар (совнархоз, турбобур, экскаватор), иккинчилари - мавжуд сўзларнинг янги маънолари (спутник, поток, семилетка, ступени).

Ўз даврида совет, пионер, звено, вожатый ва бошқалар семантик неологизмлар ҳисобланган.

Неологизмларга қарама-қарши сўзлар - архаизмлардир (грекчадан archaios - қадимги). Бу нутқда фаол қўлланишдан чиқарилган, эскирган сўзлардир. XX асрнинг 50-йилларидаги архаизмлар қаторига рус тилидаги нафақат типун, боярин, гривна, конюший, стольник, шунингдек, НЭП, РКИ, шкраб, промфинплан, профинтерн ва бошқаларни киритиш мумкин.

Одатда сўзлар ҳаётдан чиқиб кетаётган предметлар ва ҳодисалар билан бирга тилдан чиқиб кетади; боярин, купец, лапти, соха, кадет, мингбоши, девон, девонбеги, сўқа, миршаб каби архаизмларни эсга олайлик. Бундай архаизмлар тарихий сўзлар (историзмлар) деб номланади, чунки улар предметлар, ҳаёт воқеликлари тарихини бевосита акс эттиради. Тарихий сўзлар эскиради, чунки улар номлайдиган фактлар ҳам эскиради. Бошқа бир хил сўзлар тилдан чиқариб юборилади, чунки предметларнинг эскирганидан эмас, гарчи улар номлайдиган предмет ҳаётда сақланиб турсада, балки тил муайян сўзни бошқа бири билан алмаштиради. Жумладан, школяр - ученик сўзи билан алмаштирилган, самокат - велосипед, аэроплан – самолёт. Яқин

даврдаги қуйидаги фактларни эсга олиб кўрайлик: нарком сўзи министр сўзи билан алмаштирилган, командир - офицер ва бошқалар.

ФАОЛ ВА НОФАОЛ ЛЕКСИКА. Ҳар бир тилнинг луғат таркибида фаол ва нофаол сўзлар учрайди. Фаол сўзларга кундалик эҳтиёж натижасида халқ ҳар доим ишлатадиган энг зарур сўзлар киради. Нофаол сўзлар қаторига эса кам исътемол қилинадиган сўзлар киради. Шу билан бирга сўзларнинг фаол ва нофаоллиги жамиятдаги турли гуруҳларга, турли касб ва турли соҳа эгаларига боғлиқ бўлади. Масалан, тиббиёт ходимларининг кундалик иш фаолиятида дори, термометр, операция, даволамоқ, касал, рецепт поликлиника каби тиббиёт соҳасига доир сўзлар жуда кўп учрайди. Шу сабабдан бу сўзлар, терминлар тиббиёт ходимлари учун фаол сўзлардир.

СИНОНИМЛАР. Фонетик жиҳатдан шакли ҳар хил, маъноси эса бир хил сўзлар синонимлар дейилади. Бир хил маъноли сўзларнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси синонимия дейилади: айланмоқ - кезмоқ - сайр этмоқ, виждон - номус - ор, дангаса - ялқов - ишёқмас - танбал - такасалтанг, номига - йўлига - иримига, хушбўй - хидли - муаттар ва б.

Синонимлар икки хил функция бажарадилар:

а) бир хил ҳодисанинг номини номлайди, бу ўринда бир синонимнинг бошқа бири билан алмашинуви ифодаланаётган фикр аломатларини алмаштиради: отличный, превосходный, прекрасный, изумительный, замечательный;

б) жуда яқин, ўхшаш ҳодисаларни номлайди, бу ўринда бир синонимнинг бошқа бири билан алмашинуви ифодаланаётган тушунчаларнинг хилма-хил шакл олишига олиб келади: вежливый, учтивый, обходительный, отзывчивый, деликатный.

Тилда ёлғиз, якка синонимлар бўлмайди. Улар доимо икки сўзли кўринишдан кўп сўзли кўринишгача бўлган таркибдан иборат қаторлар ҳосил қиладилар. Синонимлар қатори синонимик қатор деб аталади. Синонимик қаторда одатда умумий одатга кирган, энг кўп қўлланадиган, ўта нейтрал ҳисобланган сўз бўладики, уни синонимик қаторнинг асосий, етакчи, ***доминант сўзи*** деб айтилади. Синонимик қатордаги сўзлар маъно жиҳатдан маълум даражада ўзаро фарқланади: қизиқ - ғалати - ажойиб - аломат - антиқа; яхши - дуруст - тузук.

Баъзи ўринларда идеографик ва стилистик синонимлар фарқланади улар ўртасидаги тафовут эмоционал-экспрессивлик мавжудлигига кўра ажратилади.

АНТОНИМЛАР. Ўзаро қарама-қарши маъноли сўзлар антонимлар дейилади. Сўзларнинг бундай муносабатда бўлиш ҳодисаси антонимия дейилади: яхши - ёмон, баланд - паст, ёз - қиш, хурсанд - хафа, олмоқ -

бермоқ, келмоқ - кетмоқ; верх - вниз, вперёд - назад, нагревать - остужать; entrer - sortir, aller venir, monter - dessendre, large - etroit. Сўзларнинг ўзаро антонимик муносабат ҳосил қилиши маънодаги зидлик асосида содир бўлар экан, бу ҳодиса фақат бир сўз туркумига оид сўзлар доирасида кузатилади: кун - тун, қиш - ёз, дўст - душман, катта - кичик, узоқ - яқин, тез - секин ва б.

ОМОНИМЛАР. Айтилиши бир хил бўлган турли маъноли сўзлар омонимлар дейилади. Сўзларнинг шундай муносабатда бўлиш ҳодисаси омонимия дейилади: la mer (денгиз) - le mere (она); der See (кўл)– die See (денгиз); ўт (майса, гиёҳ) - ўт (олов) - ўт (ўтмоқ феълининг буйруқ шакли) - ўт (тана аъзоси); ключ (қулф калити) - ключ (булоқ огзи). Худди шунингдек ўзбек тилидаги қуйидаги сўзлар ҳам омонимлар ҳисобланади: куя (хашаротнинг номи) куя (қозоннинг қораси).

Омонимлар омофонларга ва омографларга ажралади. Фонетик структурасида маълум товуши фарқли, лекин талаффузи бир хил сўзлар ***омофонлар*** дейилади: туб -туп, ёд - ёт, боб - боп, мард - март. Ёзилиши бир хил бўлган сўзлар ***омографлар*** дейилади: боғ (бойлам) - боғ (мевазор, гулзор).

Бундан ташқари ***паронимлар*** ҳам фарқланади. Фонетик структураси бошқа-бошқа, талаффузда ўхшаш, яқин бўлиб қоладиган сўзлар паронимлар дейилади. Сўзларниг ўзаро бундай муносабатда бўлиш ҳодисаси ***паронимия*** дейилади: факт - пакт, афзал - абзал, амр - амир ва б.

БОШҚА ТИЛЛАРДАН КИРИБ КЕЛГАН СЎЗЛАР (ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР). Жамият тараққиёти билан тил ҳам тенг ривожланиб боради. Халқаро алоқалар, савдо-сотиқ муносабатлари, давлатлар ўртасидаги алоқалар тиллар ўртасидаги алоқаларга кенг йўл очади. Бу вазият бир тилдан иккинчи бир тилга ёки бўлмаса иккинчи тил орқали учинчи бир тилга сўзларнинг кириб келишига имконият туғдиради. Одатда, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар муайян тил луғат бойлигини бойитувчи манба ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир тил луғат таркибида ўз сўзлари билан бир қаторда четдан кириб келган сўзлар кузатилади. Айнан шу хусусиятга кўра лексикологияда ўз ва ўзлашган сўзлар қатлами ажратилади. Жумладан, ўзбек тилида ўз сўзлари билан бир қаторда форс-тожик, араб ва интернационал сўзлар ажратилади. Ўзбек тилидаги ўз сўзлари таркибига *тош, тоғ, ер, бош, сув, тил, кул, киши, бола, оқ, қора, қизил, кўк, бир, икки, уч, беш, мен, сен, у, биз, кел, ол, бор, илдам, илгари* ва бошқаларни киритиш мумкин. Форс-тожик сўзларига эса *осмон, офтоб, баҳор, барг, дарахт, хона, шамол, сероб, ширин, мард, камтар, меҳрибон, жонажон* ва бошқаларни киритиш мумкин. Араб тилидан кириб ўзлашиб кетган сўзлар эса жўда кўпчиликни ташкил этади: *китоб, дарс, қалам, муаллим, талаба, толиба, жадвал, жадид, дафтар, ва, ҳатто, вақт, само, ҳамд, Аллоҳ;*

Интернационал сўзларга *театр, кино, концерт, фильм, композитор, шашка, физика, математика, волейбол, бокс* ва кўплаб бошқа сўзларни киритиш мумкин. Худди шундай ҳолатни француз тили мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан, француз тилида ўз сўзлари билан бир қаторда шарқ тилларидан олинган сўзлар кузатилади. Хусусан, alcool, elixir, sirop, zero, algebre, abricot. Итальян тилидан олинган сўзлар canon, bataillon, cantine, soldat. Немис тилидан олинган сўзлар accordeon, sabre, schlague. Инглиз тилидан олинган сўзлар sport, box, clown, football, tennis. Шуни алоҳида илова қилиш лозимки, француз тилида инглиз тилидан олинган сўзлар кўплаб кузатилади.

Ўзга тиллардан кириб келган сўзлар бевосита ва билвосита йўл тутиши мумкин. Жумладан, фольксваген, рейхстаг, бундестаг, крахмал сўзлари бевосита кириб келган сўзлар таркибига киради. Билвосита кириб келган сўзлар қаторига лак деган сўзни олиш мумкин. Лак сўзи қадимги ҳинд тилида қизил рангдан олинган бўёқни англатиб lakha деб аталган. У араб тили орқали итальян тилига, сўнгра немис ва голланд тилига, кейинчалик эса рус ва бошқа тилларга ёйилган.

Кейинги пайтларда ўзбек кураши терминлари дунёнинг бошқа тилларига тўғри транслитерация билан ўзлаштирилди – кураш, ёнбош, чала, тўла, ғирром ва ҳоказо. Ўзбек тилига эса чет тиллардан бевосита сўз ўзлаштирилиши кенгайиб бормоқда – саммит, аутсорсинг, пайнет, сайт, веб-сайт, аккаунт, менежмент, менеджер, лизинг ва бошқалар.

Ўзлаштирма сўзлар икки хил усул билан - айнан ўзини ёки калькалаштириб олиниши мумкин. Ўзбек тилидаги тожикча, арабча, интернационал сўзлар деярли ўзи олинган (юқоридаги мисолларга қаранг).

Калькалаштириб олишда эса сўзнинг ўзи эмас, балки унинг маъноси ўзлаштирилади. Бунда ўзга тил сўзига хос маъно ўз тил материали асосида янги сўз ясаш орқали берилади. Жумладан, қатнашчи - участник, дарслик - учебник, дунёқараш - мировоззрение, спортчи - спортсмен. Шунингдек, француз тилидан рус тилига қуйидаги сўзлар кирган: актёр, антракт, бюро, блиндаж, бомонд, ваза, варьете, велюр, вестибюль, галета, галоп, кадет, каламбур, камуфляж, канал, канитель ва бошқалар. Немис тилидан эса аксельбант, аншлаг, боцман, бухгалтер, валторна, вентиль, гастроль, гейзер, декан, диктант, капельдинер, кегли, ландшафт, лейтмотив ва бошқалар.

Немис тилига француз тилидан қуйидаги сўзлар ўзлаштирилган: Turnier, Lanze, Visier, Banner; баъзи суффикслар - Partei, Malerei, hausieren, stolzieren, halbieren; mancherlei, vielerlei, allerlei; Abenteuer, Palast, Turm; Monsieur, Madame, Mademoiselle; Mode, Matresse, Kavallier, gallant, Pläsier, Kompliment, Reputation, Pöpel (Volksmenge), Ball, Balett, Maskerade, amüsieren, Promenade; Balkon, Terasse, Bassin, Grotte, Galerie, Loge, Niscue; Kostüm, Korsette, Perücke, Pomade, Friseur, Parfüm; Serviette, Rogaut, Omlette, Souce, marinieren, Kompott, Konfiture, Marmelade, Torte, Bisquitt, Limonade, servieren, Frikasse;

Anarchist, Bürokratie, Emigrant, Jakobiner, Koalition, Komitee, Konstitution, Monarchist, Propaganda, Reaktion, Abgeordneter, Wahlmann, abstimmen, einstimmig, Stimmenmehrheit, Nationalversammlung, Fraktion, Veto.

XIV-XVI асрларда жанубий Германия вилоятлари билан юқори Италия орасидаги савдо-сотиқ, мусиқа ва ҳарбий алоқалари асосида ушбу соҳага оид қатор сўзлар ўзлаштирилди: Lombard, Bank, Konto, Kredit, Kasse, Brutto, Kapital, Bilanz, Muster, Bankerott; Capitan, Kanone, Kavalerie, Alarm, Granate, Arsenal, Artillerie, Kommando, Kapelle, Sonata, Arie, Bariton, Konzert, Oper, Mandoline, Solo.

Немис тилига инглиз тилидан Export, Import, Trust, Konzern; Sport, Trainer, Outsiker, Finisch, Favorit, Tip, Tennis, Match, Team, Champion, Record, Fusball, Hockey, Polo, Golf, Smoking, Shorts, Schlips, Pullover, Sweater, Cape; Beefsteak, Roastbeef, Pudding, Keks, Toast, Drink; Юқорида кўрсатиб ўтилган тиллардан ташқари қатор бошқа тиллардан ҳам немис тилига сўзлар ўзлаштирилган. Булар асосан ўзлашмалар олинаётган тилларнинг ўзига хос реалиялари, предмет ва ҳодисаларини ифода қилувчи сўзлардир. М.: турк тилидан ўзлашган сўзлар: Kelim (Teppich), Pallasch (krummer Türkensäbel), Kaffee, Ulan (junger Mann, Leichter Reiter); араб тилидан олинган сўзлар: Algebra, Alkohol, Almanach, Atlas, Banane, Gambit (im Schahspiel), Harem, Magazin, Papagei; форс тилидан олинган сўзлар: Basar, Divan (vorerst Amtszimmer, dann Polsterbank), Karavane, Schah, Orange ва б.

Ҳинд, япон, баъзи Африка тилларидан ҳам немис тилига ўзлаштирилган сўзлар мавжуд. М.: Dshungel, Mandarin, Punsch, Kimono, Terno, Zebra, Giraff, Schimpanse ва б.

ПУРИЗМ (PURISMUS). Тилларга бошқа тиллардан ҳаддан ташқари кўплаб керакли- кераксиз сўзларнинг кириб келиши, чет тили экспансияси, кириб келган сўзларнинг маълум тил учун қандай амалий аҳамиятга эга эканлиги масалаларини ўрганиш эҳтиёжи ҳамда ушбу экспансияга қаршилик қилиш йўналиши сифатида Европада XVI асрдаёқ **пуризм** ҳаракати пайдо бўлди. Пуризм лотинча “purus” - rein – тоза сўзидан олинган бўлиб, тилни ёт, кераксиз элементлардан тозалаш демакдир. Ушбу ҳаракатнинг пайдо бўлиши бежиз эмас ҳамда жуда кўп тиллар учун характерли ҳодиса бўлиб, миллатлар, халқлар ва умуммиллий тилнинг шаклланиши, ривожи билан боғлиқдир. Ушбу даврдан бошлаб, масалан, Франция академияси француз тилига лотин ва итальян тиллари элементларининг хаддан ташқари кўп кириб келишига қарши кураш бошлади. Бу тўғрида аввало олим ва ёзувчилар бонг урдилар. Бундай безовталик Россияда ҳам сезиларли даражада кўзга ташланди. Рус пуристларидан А.С.Шишков (1754-1841) ҳатто барча чет тилидан кирган сўзларни чиқариб ташлаб, ўрнига русча сўзлар ишлатиш, янги русча сўзлар ихтиро қилиш таклифи билан чиққан. Масалан, у «фортепиано» ўрнига «тихогром», «карнизы» ўрнига «прилепы»,

«зеркало» ўрнига «сверкальцо», «галош» ўрнига «мокроступы» сўзларини ишлатишни таклиф қилган.[1]

Пуризм тарихида икки йўналиш мавжуд - биринчи йўналиш ижобий, прогрессив пуризм, иккинчиси эса агрессив, салбий, жанговар пуризм (Ultrapurismus).

Агрессив ёки ультрапуристлар ўзлаштирилган сўзларни улар керакми ёки йўқми, маъно кўлами кенгми ёки торми, уларни янги сўзлар билан алмаштириш имконияти борми ёки йўқми, бундан қатъий назар, тил луғат таркибидан таг-томири билан чиқариб ташлаш ғояси билан чиқдилар ҳамда уларни бошқа эквивалентлар билан алмаштиришга уриндилар.

Немис янги давр поэзияси санъати асосчиси, “Buch von der teutschen Poeterie” (Немис поэзияси китоби) муаллифи Мартин Опитц (1597-1639) ашаддий пуристларнинг машҳур намояндаларидан эди. Ушбу асарда у бу масалада ўз ғояларини баён қилди ҳамда чет тиллардан сўз ўзлаштиришга қарши курашди. XVII аср бошларидан бошлаб бутун Германия ҳудудида пуристлар жамиятлари ташкил этилиб, пуристлар немис тилини хорижий элементлардан тозалаш учун кураш бошладилар, бир қатор хорижий сўзларни маънолари яқин бўлган сўзлар билан алмаштиришни таклиф қилдилар.

M.: Kompanie - Gesellschaft
Qualität - Eigenschaft
konstatieren - feststellen
Bouillion - Fleischbrühe

Албатта, ўзлаштирма сўзлар маъноларини немисча сўзлар тўла акс эттира олмайдилар. Масалан, Kompanie – Gesellschaft сўзлари тўла эквивалент бўлолмайдилар. Бундай ҳолларда пуристлар хорижий сўзни таржима қилишни таклиф қилганлар. M,: Visitenkarte – Besuchskarte, Bankerott – Bankbruch, patriotisch – vaţerländisch.

Ашаддий пуристлардан яна бири Филипп Цезен (1719-1789) эса ўзлаштирма сўзларни умуман немис тилидан чиқариб ташлаб, ўрнига кўпинча тушуниш қийин бўлган сўзларни қўллашни таклиф қилди. Лекин бундай сўзлар тил меъёрларига тўғри келмади ва истеъмолдан тушиб қолди.

M.: Imperativ - Gebrauchsweise
Mantel - Windfang
Fenster - Tageleuchter
Natur - Zeugenmutter aller Dinge
Nase - Löschhorn

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Цезен томонидан таклиф қилинган ва ҳозирда ҳам ишлатиб келинаётган айрим сўзлар унинг ашаддий пурист эканлигини юмшатмайди.

---

[1] **A.Iskos, A.Lenkowa. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S.111**

М.: Moment - Augenblick
Armee - Heer
Autor - Verfasser ва хк.

Цезен давомчиларидан бири ашаддий пурист Иоахим Хайнрих Кампе (1746-1818) барча «чет» сўзларни немис тилидан чиқариб ташлаб, немисчалаштиришни тарғиб қилди. Ўзининг 1801 йилда чоп этилган “Wörterbuch zur Erklärung und Verdeutschung der unserer Sprache aufgedrangenen fremden Ausdrücke” (Braunschweig, 1801) луғатида ўзидан аввал немисчалаштирилган сўзларни келтириб, ўзи ҳам қатор сўзларни қўшди.

1807-1812 йилларда чоп этилган “Wörterbuch der deutschen Sprache” луғати тўла пуризм таъсири остида чиққан. Унда қатор немисчалаштирилган сўзлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми ҳозирда ҳам муомалада.

М.: Arrest - Haft
Kuvert - Umschlag
Grad - Stufe
Harmonie - Übereinstimmung, Einklang
Vis a vise - gegenüber ва хк.

Кампе барча қўллаб келаётган, тил нормасига ўзлашиб кетган баъзи сўзларни, хатто ой номларини ҳам немисчалаштиришни таклиф этган.

М.: Januar - Neujahrsmonat
März - Frühlingsmonat
April - Wandelmonat
August - Sommermonat
September - Herbsmonat
Oktober - Weinmonat
Nǫvember - Reifmonat
Dezember - Wintermonat

Ультрапуристларнинг бундай ашаддий немисчалаштириш ҳаракатларига қарши прогрессив, ижобий пуризм вакиллари ўз нуқтаи назарларини эълон қилишди. Уларнинг ҳаракати 1617 йилда Ваймар шаҳрида ташкил этилган “Die fruchtbringende Gesellschaft” ҳамда “Palmenorden” тил жамияти фаолияти билан боғлиқ. Бу жамият фаоллари немис илм-фани, прогрессив адабиёти намояндалари эдилар. Жамият қисқа вақт ичида ўз тарафдорларини топди. Унинг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири машҳур тилшунос Юстус Георг Шоттелиус (1612-1676) бўлиб, немис тили грамматикасига қатор янги терминларни киритди. Мўътадил пуристларнинг фикрича, чет тиллардан кириб келган сўзлар қуйидаги талабларга жавоб берса, немис тилида сақланиб қолиши муқаррар:

а) Агар чет тилдан кирган сўзнинг немис тилида муқобил варианти бўлмаса ҳамда уни фақат изоҳлаш (Umschreibung) орқали ифодалаш мумкин бўлса.

b) Агар чет тилдан кириб келган сўз ҳатто шу чет тилини билмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлса.
c) Агар чет тилдан кириб келган сўз немис тили қонун-қоидаларига мос келса. М.: Text, Kollege, Doktor, Post ва бошқа қатор сўзлар то шу кунгача немис тили нормаларида мавжуд. Ашаддий пуристлар шундай сўзларни ҳам немисчалаштириш учун курашганлар.
Шу билан бир қаторда прогрессив пуристлар қатор ўзлаштирма сўзларни немисчалаштирдилар, натижада тил луғат таркиби бойишига ҳисса қўшдилар.

М.: Dialekt - Mundart
Fontaine - Springbrunnen
Numerus - Zahl
Zentrum - Mittelpunkt
Orthographie – Rechtschreibung

Прогрессив пуристлар ғоясини қувватлаган олимлардан бири машҳур файласуф Вильгельм Лейбниц ҳис-ҳаяжон, эмоцияни ифодалайдиган сўзлар ўзлаштирилишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим, лекин илм-фан, сиёсат билан боғлиқ сўзларни четлаб ўтиш мумкин эмас деган фикрни баён қилади.

Тилшунослардан Якоб Гримм (1785-1863), Лессинг, Гёте ва Шиллер каби немис адабиёти классиклари прогрессив пуристлар ғояларини қўллаб-қувватлаган. Гётенинг “Briefe an Riemer” рисоласида унинг бу борадаги фикрлари ифода этилган: “Die Muttersprache reinigen und bereichern sei das Geschäft des besten Köpfe, Reinigung ohne Bereicherung aber sei oft geistlos”.

XIX-XX асрларда ҳам немис тилида ашаддий пуристлар жиддий из қолдирди. Уларнинг шиори шундай бўлган: “Kein Fremdwort für das, was ebensogut deutsch gesagt werden kann!” Ушбу мақсадда бу даврларда ҳам қатор сўзлар немисчалаштирилди.

М.: telegraphieren - drahten
Telegrammadresse - Drahtanschrift
Billet - Fahrkare
Perron - Bahnsteig
Kondukteur - Schaffner
Publikum - Zuschauer
Redakteur - Schriftleiter
Telefon - Fernsprecher
Fakt - Tatsache

Бундай ҳаракатни ўзбек халқи тарихида ҳам кузатиш мумкин. XX асрнинг 20-йилларида Абдурауф Фитрат, Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Мунавварқори Абдурашидхонов каби миллатпарварлар ташаббуси билан

«Чиғатой гурунги» ташкилоти тузилиб, у ўзбек тилининг софлиги учун фаол ҳаракат олиб борган. Ташкилот аъзолари ўзбек тилига кириб келаётган русча-байналминал сўзларни «таржима» қилиш билан ҳам шуғулланганлар ҳамда ***поездни оташарава, велосипедни шайтонарава, пионерни кашшоф, партияни фирқа, самолётни учоқ*** деб аташган. Лекин, давр ўз ишини қилди, улар юзлаб сўзларни таржима қилиш билан банд бўлиб турганларида, бошқа минглаб сўзлар ўзбек тилига қонуний равишда ўзлашиб, луғат таркибидан ўрин олди: машина, автомобиль, ручка, парта, стол, стул, диван, шкаф, электр, ток, радио ва ҳоказо.

Айнан шундай ҳаракат 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида ҳам кузатилди ҳамда ўша даврда ўзбек тилига кириб ўзлашиб қолган сўзларни бошқасига алмаштириш ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатнинг прогрессив ва регрессив томонлари кўзга ташланади:

1. Прогрессив ёндошув туфайли *гуруҳ, туман, вилоят, дастурлаш, муҳаррир, ҳайъат, девонхона, вазирлик* каби янги бирликлар юзага келди.
2. Регрессив ёндошув натижасида эса *радиони - овознигор, транспортни - нақлиёт, самолётни - тайёра, журналны - мажалла, газетани - жарида* каби сўзлар билан алмаштиришга ҳаракат қилинди, бироқ мазкур лексемалар ўзбек тили лексикасидан мустаҳкам ўрин ололмагани боис уларнинг уринишлари зое кетди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тилнинг луғат бойлигини кўпайтиришда ўзлаштирма сўзларнинг аҳамияти катта, лекин сўз ўзлаштириш меъёрида, зарурий ҳолатдагина амалга оширилиши зарур. Акс ҳолда тилларнинг ўзига хослиги йўқолиб боради, грамматик структура сақланиб қолган бўлса-да, тилнинг тарихий, миллий хусусиятларини ифода қилувчи сўзлар истеъмолдан четлашади. Буюк Алишер Навоийнинг туркий тиллар тозалиги, бойлигини сақлаш борасида қилган сайъ-ҳаракатларини биз энди тушуниб етаётганга ўхшаймиз.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, туркий тиллар мутахассислари олдида кўндаланг турган вазифалардан бири тилимизда ҳозирги кунда қанча араб, форс, хитой, рус ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, қанча соф туркий сўзлар сақланиб қолганлиги таҳлили эканлиги бўлиши лозим.

УМУМХАЛҚ ИШЛАТАДИГАН СЎЗЛАР. Илм-фан, техниканинг жадал суратлар билан ривожланиши натижасида тилшуносликнинг янгидан-янги йўналишлари пайдо бўлмоқда. Психолингвистика, нейролингвистика, математик лингвистика, социолингвистика, ареал лингвистика каби янги фан тармоқлари пайдо бўлди. Булар ичидан эътиборимизни социалингвистика фани ўзига тортади.

Одамлар ҳаётда ўзларининг касб-корлари, қизиқишлари, машғулотлари билан алоҳида синфларни, тоифаларни ташкил қиладилар. Мазкур гуруҳлар ичида фақат уларнинг ўзигагина тегишли бўлган, тор доирада ишлатилувчи

сўзлар қатлами юзага келган. Шу билан биргаликда барча қатламларда бирдек ишлатиладиган сўзлар ҳам тилимизда кўплаб учрайди. Шулар асосида ўзбек тилида ишлатиладиган сўзларни истеъмол доирасига кўра тенг иккига бўлиш мумкин.

2. Истеъмол доираси чегараланмаган лексика.
3. Истеъмол доираси чегаралланган лексика.

Маъноси ҳаммага тушунарли бўлган, истеъмолчилар, яъни тил соҳиблари томонидан тез-тез қўлланилиб турувчи сўзларга умумхалқ истеъмолидаги сўзлар дейилади. Улар нейтрал лексика деб ҳам юритилади.

Умумхалқ ишлатадиган сўзларда аниқлик ва лўндалик, адабий тилга хослик, ҳудудий ва соҳалараро чегараланмаганлик каби хусусиятлар бўлади. Масалан: дарё, сув, тоғ, кўл, бош, мард, сахий, гуллади, келмоқ, уч, мен, бор, ҳамма, у каби сўзларнинг маъноси ҳаммага тушунарли. Уларга ҳар куни дуч келамиз. Кундалик ҳаётимизда мазкур сўзларни фаол ишлатамиз.

Чегараланган лексика нейтрал лексикага қарама-қарши қўйилади. Уларда ҳудудий чекланганлик, семантиқ ўзига хослик, функционал жиҳатдан чегараланганлик сингари хусусиятлар мавжуд бўлади.

Чегараланган лексика ўз навбатида бир қанча турларга ажралиб кетади.

1. Терминологик лексика: васл, тиргак товуш, сонет, туюқ (адабиётшуносликка оид атамалар).

Ҳар бир фан тармоғининг ўз атамалари мавжуд бўлади.

2. Профессионал лексика - касб-ҳунарга оид сўзлар: сув, занжир, кизак, пилта, жияк (дўппидўзлик атамалари)

3. Диалектал лексика (шевага хос сўзлар): дўппи - адабий-орфографик шакли), тўппи (Наманган), қалпоқ (Самарқанд-Бухоро), каллапўш (Қашқадарё), тақя (Хоразм)

4. Арго ва жаргонлар[5]: хит, мент, хитламоқ, лой, якан (ўғрилар тилида)

Умуман олганда, сўзларни истеъмол доирасига кўра иккига ажратиш, яъни нейтрал лексика ва чегараланган лексика сифатида талқин этишнинг илмий амалий асослари мавжуд.

ЎЗБЕК АТАМАШУНОСЛИГИ МУАММОЛАРИ. Маълум бўлишича, ер юзида 500 га яқин фан тармоғи мавжуд бўлиб, фақат шу соҳалардагина ишлатиладиган махсус сўз ва сўз бирикмалари мавжуд бўлади. Фанда уларга атама (термин) деб қаралади.

Илм-фан, техника, санъат соҳасида ишлатиладиган бир маъноли сўзларга термин (атама) дейилади. Атамалар билан шуғулланувчи тилшуносликнинг бўлимига терминология дейилади.

«Терминлар махсус лексикага киради» деган қарашлар ҳам мавжуд.

Терминларни истеъмол доирасига кўра иккига бўлиб юбориш мумкин. 1. Умумхалқ ишлатадиган атамалар. 2. Маълум бир фан соҳасидагина тор доирада ишлатиладиган сўзлар.

Масалан, табобат атамалари ичида ҳаммага тушунарли бўлган врач, жарроҳ, дори, бемор, укол сингари сўзлар учрагани ҳолда фақат врачларнинг номини англатувчи нейролог, уролог, окулист, онколог, травматолог каби атамалар ҳам учрайди.

Шундай атамалар ҳам бўладики, уларни фақат шу соҳа вакилларигина тушунадилар. Уларни ишлатиш, қўллаш учун махсус фан тайёргарлиги талаб этилади. Мисол учун фонема, графика, грамматика, лексика атамаларини ҳар бир тилчи тушунгани ҳолда эвфемизм, дисфемизм, сигнификат. референт, прагматика, синтагматика, парадигматика каби лингвистик атамаларни фақат филолог олимларгина англайдилар.

Термин (атама) да қуйидаги хусусиятлар мавжуд бўлиши даркор.

1. Атама (термин) аниқ, конкрет тушунчани ифодаламоқ керак: ўзак, от, сифат, сон, олмош, феъл каби (тилшунослик атамалари)

2. Атама (термин) лар эмоционал-экспрессивликдан, услубий бўёқдорликдан ҳоли бўлишлари лозим: кислород, водород, азот, симоб, ишқор, кукун каби.

3. Термин номинатив (аташ) вазифасини бажаради: босим, тезлик, бирикма, айлана, ишқаланиш, кўпайтириш сингари.

4. Термин бир маънога эга бўлади: ўғитлагич, судралувчилар, микроорганизм, ультрабинафша нурлар ва ҳоказо.

5. Атамалар маълум бир соҳа вакиллари томонидан расмийлаштирилган ва меъёрий қолипларга солинган бўлади. Мисол учун: ричаг, квант, анод, оптика, магнит майдони каби.

Атамалар икки хил йўл билан ясалади. 1. Ички имкониятлар асосида: зиддият, макон, замон, сичқонча, текислик каби. Улар ичида сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган лексемалар ҳам учрайди: гулхайридошлар, ўғитлагич, зиркгуллилар, кемасоз, компьютерчи каби. 2. Ташқи имконият. Бу усул билан атамалар ясалганда бошқа тиллардан сўз ўзлаштирилади: ядро, нейтрон, лицей, қоллеж, бакалавр, магистр, микроб каби. Улар ичида ультра, микро, анти, авиа билан ясалган атамалар учрайди. Антибиотик, микрокимё, ультрафильтр, антиоксидловчи сингари.

Бугунга келиб атамашунослик ўзбек тилининг энг долзарб муаммосига айланди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, тилимизнинг бошқа тиллар билан тўғридан-тўғри контактга киришиши тилимизга минглаб янги атамаларнинг кириб келишига сабабчи бўлмоқда. Масалан: мониторинг, маркетинг, инженеринг, менеджер каби. Бу атамаларнинг аксарияти иқтисодиёт соҳасига тааллуқлидир.

Уларнинг ичидан айримлари атамалик бўёғини йўқотиб ҳаммага тушунарли сўзга айланди. Бу ҳодисага детерминизация дейилади. Мисол учун дилер, қоллеж, лицей, дастурлаш, кичик корхона, қўшма корхона, фермер, ширкат хўжалиги сингари.

ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БЎЁҚСИЗ ВА БЎЁҚДОР СЎЗЛАР. Тил ва нутқ ҳамиша бир-биридан фарқланади, иккаласи бир-бирига қарама-қарши ҳолда яшайди. Тилнинг бутун имкониятлари нутқ орқали юзага чиқади, реаллашади. Шунга кўра нутқ бир неча турга бўлиниб кетади.

Инсон ер юзининг сарвари, коинотнинг гултожи сифатида ўзининг атрофидаги воқеа-ҳодисаларга, жараёнларга муносабат билдиради. Бошқалар билан муомалага киришган пайтида ўзининг дилидаги ҳис-туйғуларини, шодлик ва қувончларини, орзу-умидларини, ғазаб ва нафратларини айрим лексемалар ёрдамида юзага чиқаради. Масалан, чиройли, гўзал лексик бирликлари ўрнида зебо, барно, башанг, қўҳлик каби лексемалар қўлланилади. Бунда ифодаланаётган объектнинг ниҳоятда ортиқ белгига эга эканлиги кўрсатиляпти.

Шу асосда тилдаги сўзлар эмоционал-экспрессив бўёқдор ва бўёқсиз сўзларга бўлинади.

Эмоционал-экспрессив бўёқсиз сўзларда ижобий ёки салбий баҳо, яъни сўзловчининг муносабати ифода этилмайди. Кўпроқ нейтрал қатламга оид бўлган сўзларда бу ҳолатни кузатиш мумкин. Мисол учун китоб, мактаб, ер, сув, ота, она билан, ёрдам, кел, бор, мен, сен, у, доимо, бугун, кеча, ва, ҳамда, фақат каби сўзлар ҳеч қандай бўёқсиз ҳолда тилда ишлатилади.

Эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзларда эса объектга баҳо берилаётганда, албатта, махсус муносабат билдирилади. Унинг белгиларидан бири кучайтирилади, ифодада бўёқ, ранг-баранглик юзага келтирилади, нутқнинг таъсирчанлиги оширилади. Масалан, кетди дейиш ўрнига ғизиллади, еди дейиш ўрнига чимчилади, паққос туширди деб айтсак, ифода кучайяпти, ўзига хос тасвир пайдо бўляпти.

Тилдаги эмоционал-экспрессив бўёқ тўрт хил йўл билан амалга оширилади.

1. Лексик усул. Лексеманинг ўзи ёрдамида бўёқдорлик ифодаланади: сатанг, санқи, даҳо, раҳнамо, валакисаланг.

Улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. а) ижобий: тамтам, малаксиймо, гулбадан, ҳассос, дўндирмоқ, сўлқилдоқ; б) салбий: маккор, кўрнамак, мишиқи, муртад, тирранча.

Бўёқдор сўзлар асосан оғзаки ва бадиий услубда фаол ишлатилади. Мисол учун Ж.Боккаччонинг “Декамерон” асарини таржима қилган Қ.Мирмуҳаммедов шундай ёзади: «Дилнавоз хонимлар! Одамзот тахайюл қилган ҳар қандай иш жамики мавжудотнинг ибтидосини бунёд этган

Парвардигорнинг йўлида бажарилмоғи керак, Зеро, унинг номи пуркаромат ва муқаддасдир».

Парчадаги дилнавоз, тахайюл, Парвардигор, пуркаромат сўзларида бўёқдорлик мавжуд.

Шу асарда аёлларга мурожаатда *дилрабо, шоиста, малоҳатли, мафтункор, жозибадор, пуршафқат, пурлатофат, соҳибилтифот, навниҳол, лобар, лазиза* каби сўзлар ҳам ишлатилган ва улар ўзига хос бўёқдорликни ташкил этган.

2.Метафорик усул. Бу усулда сўзнинг кўчган маъносидан усталик билан фойдаланилади.

Вакилламоқ, акилламоқ, вишилламоқ, эшак, ит, тўнғиз каби сўзлар кўчма маънода ишлатилади.

Ичиб олган бу эшак! (Ў.Ҳошимов)

3. Аффикслар орқали. Бу усулда -хон, -жон, -ой, -гина, -кино, -вой, -лоқ, -кай қўшимчалари ўзакка қўшилиб келади. Масалан: Тоҳиржон, бувигинам, Оқилахон, бўталоқ, дўндиқча, болакай, қизгина каби.

4. Контекстуал усул. Нейтрал лексикага оид бўлган сўз матн ичида бўёққа эга бўлиб қолиши мумкин.

Масалан: Ҳа, *шер*, ваъдага вафо қилмадилар-ку!

КИТОБИЙ ЛЕКСИКА ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХОССАЛАРИ. Тил кишилар ўртасидаги асосий алоқа воситаси, коммуникация тури сифатида асрлар давомида шаклланиб, функционал жиҳатдан алоҳида услубларда ишлатилиш учун хосланиб қолган. Бунда бир услубда ишлатиш эмас кўринади. Масалан: расмий услубда - ўқитувчи, оғзаки сўзлашув услубида - домла, муаллим, публицистик услубда қалб меъмори, киши руҳининг инженери ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, ҳар бир услуб ўзининг ифода воситаларига, имкониятларига эга. Шунга кўра ўзбек тилидаги сўзлар икки гуруҳга бўлиниб кетади.[6]

1. Услубий хосланмаган (стилларарo, нейтрал) лексика. Барча услубларда бир хил ишлатилаверадиган ватан, бола, уй, юрмоқ, беш, олти, биз, равшан каби сўзлар нейтрал қатламни ташкил қилади.

2. Услубий хосланган (стилистик) лексика эса ўз чегарасига, доирасига эга бўлади. У уч (баъзан бешга бўлиб юборишади) тургa бўлинади.

а) Китобий лексика. Услубий хосланган лексиканинг бу тури ёзма нутқ ва орфографик меъёрлар билан чамбарчас боғланган бўлади. Ўз навбатида у ҳам учга бўлиниб кетади.

-публицистик услубга оид сўзлар: сарлавҳа, мақола, сайловолди, дўндирмоқ, адо қилмоқ, илғор.

-илмий услубга оид сўзлар: тенглама, магний, оксидланиш, ренгент каби. Айтиб ўтиш жоизки, илм-фаннинг ҳар бир йўналиши ўз терминологиясига эга.

-расмий услубга оид сўзлар: кўчирма, ариза, қарор, қонун, ижро, озод қилмоқ, банд этмоқ.

Китобий сўзларда қатъийлик, аниқ бир меъёрга солинганлик, шунингдек, ижобий ва салбий бўёқдорлик мавжуд бўлади.

ОҒЗАКИ СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ. Бадиий услуб. Оғзаки сўзлашув услуби ўзининг эвфемизмларга, дисфемизмларга, вульгар сўзларга бойлиги, диалектизмлардан кўплаб фойдаланилиши каби хусусиятлари билан услубий хосланган лексика ичида алоҳида ажралиб туради. Унга тегишли бўлган сўзлар табиий, ишлов берилмаган, маълум бир меъёрга солинмаган бўлади. Масалан, жужук, чурвақа, пўнғилламоқ, бобилламоқ, чипта, шайтон арава, ҳосилот ва шу каби.

Оғзаки сўзлашув услуби лексикасида эркаклар нутқи, аёллар нутқи ва болалар нутқи алоҳида ажралиб туради. Масалан, аёллар нутқига хос бўлган кеккаймажон, пошшахон, таламоқ, юмдаламоқ, вакилламоқ, эркаклар нутқида аканг герой, гарткам, улфат, ока, ўғил бола гап каби сўзлар мавжуд.

Сўзлашув нутқида ҳам ўзбек тилига ўзлашиб улгурмаган мамашка, папашка, мушайт қилмоқ, трезвий каби лексик бирликлар ҳам учрайди.

Қақажон, жўжахўроз, муллажиринг, кўки каби сўзлар ҳам оғзаки сўзлашув услубига хос лексемалар саналади.

Бадиий услуб ҳам ўзига хос лексик бирликларга эга бўлади. Бахш этмоқ, диёрим, оҳужон, ғам-ғусса каби сўзлар бунга мисол бўла олади.

Бадиий услубга хос сўзлар ўзининг таъсирчанлиги, поэтик жўшқинликка эгалиги, бўёқдорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Турли хил троплар, метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ирония, антифраза, сарказм, перифраз, оксюморон, литота, аллегория ва бошқа тасвир воситаларидан бадиий услубда кенг фойдаланилади.

қора олтин (нефть), мўйқалам соҳиблари (рассомлар), дала маликаси (маккажўхори) каби тасвирий ифодаларга ҳам бадиий услубда дуч келамиз.

Бадиий услубга хос бўлган лексика ичида шеърий асарларда ишлатилган сўзлар алоҳида диққатга сазовор. Масалан, Р.Парфининг қуйидаги шеърига эътибор беринг.

Ёшлик - зангор фасл, кечди, сарғарди,
Тўкилди у хазон билмас баргрезон,
Қора совуқларга отиб юборди,
Шамоллар пойида синмоқда хазон.
Ёшлик - зангор фасл, кечди, сарғарди...

Бу парчадаги *зангор фасл, сарғарди, баргрезон, қора совуқ* сўзлари бадиий услубга хос бўлган хоссаларни ўзида мужассам этган, яъни кўчма маъноларда ишлатиляпти.

Бадиий услубга хос сўзларнинг хусусиятлари жуда кўп. Уларни тадқиқ қилиш, таснифлаш ўзбек тилининг чексиз ифода имкониятларини намоён қилади, унинг очилмаган қирраларини бизга очиб беради.

ДИАЛЕКТАЛ ЛЕКСИКА (ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАР) ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ. Ўзбек халқи тарихан 92 та қабиладан ташкил топган. Бу қабилалар ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда бир-бирига яқин, бир хил бўлгани ҳолда айрим жузъий фарқлар билан битта уюшмага - ўзбек халқи бирлашмасига бирлашганлар. Улардаги жузъий фарқлар тилда ҳам ўз аксини топган. Бу фарқларни биз тилимиздаги шевага хос сўзлар мисолида кўришимиз мумкин.

Масалан: Фарғона водийси шевалаларида чумоли, Самарқанд, Бухорода мўрча, Хоразмда қаринджа; Андижонда ая, буви, Наманганда аба, ача, Тошкентда ойи, қипчоқ шеваларида опа, опача тарзида ишлатилиши диалектал сўзларга яққол мисол бўла олади.

Ифода планига кўра маълум бир ҳудуддагина ишлатиладиган сўзларга шевага хос сўзлар ёки диалектизмлар дейилади. Уларнинг йиғиндиси диалектал лексикани ташкил қилади.

Маълумки, ўзбек тилида шевалар ниҳоятда кўп ва ранг-баранг. Улар ўзларининг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятларига кўра йирик гуруҳларга бирлашиши мумкин. Шевалар йиғиндисига лаҳжа деб аталади. Ўзбек тилида учта лаҳжа мавжуд. 1. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, 2. Қипчоқ лаҳжаси. 3. Ўғуз лаҳжаси. Буларнинг ичидан қорлуқ группа шевалари адабий тилга таянч саналади.

Шевалар ва уларнинг[6] хусусиятларини ўрганувчи тилшуносликнинг бўлимига диалектология дейилади. Унинг ўрнида шевашунослик атамаси ҳам ишлатилади. Диалектология мутахассисисига диалектолог ёки шевашунос дейилади.

Қарлуқ лаҳжасида ишлатиладиган сўзлар кўпроқ адабий тилга тегишли бўлади, лекин унга кирувчи айрим шевларда ҳам йирик лексик фарқлар учрайди. Масалан:

Тошкентда	Самарқандда	Фарғонада
духоба	бахмал	бархит
ўргимчай	тартанак	ўрманчик
чўпчай	матал	эртак

Ўғуз шевалари лексик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, йумурта (тухум), ортиқ (невара), қумри (мусича), қаринджа (чумоли), ёп (канал), чўрак (нон) каби сўзлар бунга мисол бўла олади.

Худди шу ҳолатни қипчоқ шеваларида ҳам кузатиш мумкин: дарғат (тўғон), қулун (бир ёшгача бўлган от), калтатой (бир ёшдан икки ёшгача бўлган от), ғўнан (икки ёшдан уч ёшгача бўлган от), дўнан (уч ёшдан тўрт ёшгача бўлган от) сўзлари қипчоқ шевларида фаол ишлатилади.

Умуман олганимизда, диалектал лексика адабий тил учун битмас-туганмас манба саналади.

ИЖТИМОИЙ ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИКА

Касб-ҳунарга оид сўзлар. Ўзбек халқи азалдан сон-саноқсиз касб-корлар билан шуғулланиб келади. Пахтачилик, пиллачилик, темирчилик, боғдорчилик, новвойлик, каштачилик каби касб-ҳунарлар ота-боболаримиз томонидан пухта ўзлаштириб олинган. Юзаки олиб қараганимизда, мазкур касб-корларнинг тилшунослик фанига ҳеч қандай алоқаси йўққа ўхшайди. Чуқурроқ ёндашилса, ҳар бир касб-кор остида сон-саноқсиз лексик бирликларнинг ётганлигини кўришимиз мумкин.

Муайян касб-ҳунарга тегишли бўлган истеъмол доираси чегараланган сўзларга касб-ҳунарга оид сўзлар ёки профессионализмлар дейилади. Профессионализмлар (профессионал сўзлар) ҳам худди термин (атама) лар сингари махсус лексикага киради. Уларнинг ишлатилишида қатъий чегара бўлади. Мисол учун дўппидўзлар атамасида сув, занжир, гул, пилтакачлаш, пресслаш каби сўзлар учрайдики, улар нейтрал лексикада бошқа бир маънода ишлатилади.

Ўзбек тилида касб-ҳунар лексикаси борасида жуда кўп ишлар қилинган. Айниқса, С.Иброҳимов [6]«Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси» бўйича узоқ йиллар давомида фундаментал текширишлар олиб борган ҳамда темирчилар, рихтагарлар, пичоқчилар, тунукасозлар лексикасидан 2,5 мингга яқин профессионал сўзларни тўплаб, уларга изоҳлар берган.

Касб-ҳунарга оид сўзлар атамалардан қуйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилиб туради.

1. Атамалар илм-фан, техниканинг муайян бир соҳасига тегишли бўлади. Шу боис илм-фан, техника янгиликлари мунтазам равишда уларда ўз аксини топиб боради. Профессионал сўзлар эса маълум тоифа кишилари тилидагина ишлатилади. Улар кўп асрлар давомида яратилади.

2. Атамалар расман қабул қилинади ва улар мутахассислар ҳамда атамашунослик қўмиталари томонидан доимий равишда назорат қилиб турилади. Мисол учун 1989 йилнинг 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг атамаларни тартибга солиш ҳамда

меъёрлаштириш масалалари билан шуғулланувчи атамашунослик қўмитаси тузилди.

Профессионализмларни эса ҳеч ким тартибга солиб турмайди. Улар муайян касб-ҳунар эгалари томонидан авлоддан авлодга ўтказилади.

Мисол учун пахтачиликда квадрат уялиб экиш, плёнка остига чигит экиш, Тошкент–1, фермер хўжалиги, жамоа хўжалиги каби янги атамалар пайдо бўлди.

Касб-кор нуқтаи назаридан эса кетмон, чопиқ, сувчи, ягана каби сўзлар ҳамон ўз маъносида ишлатилиб келинмоқда.

3. Атамалар аниқ бир маънони ифодаловчи сўзлар сифатида ёзма нутқда пайдо бўлади. Касб-ҳунарга оид сўзлар эса шу касб-кор билан шуғулланувчи кишиларнинг оғзаки нутқида яшайди.

4. Терминларнинг ишлатилиш доираси кенг бўлади. Айрим атамалар умумжаҳон аҳамиятига эга бўлади. Профессионализмлар эса тор доирада қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, профессионал сўзларнинг бизга маълум бўлмаган хоссалари ниҳоятда кўп. Уларни тўплаш, таснифлаш ва хулосалар қилиш бизга ўзбек тилининг лексикасидаги очилмаган қирраларни тавсифлашда қўл келиши мумкин.

АРГО ВА УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ. Арголар тарбияси бузуқ, қўли эгри шахсларнинг нутқида ишлатиладиган махсус сўзлар ва сўз бирикмалари саналади. Аслида арго сўзи французча argot - лаҳжа сўзидан олинган бўлиб, ўта тор доирада ишлатиладиган лексик бирликларни англатади.

Урушдан кейинги йилларда Л.Троицкая деган олима Фарғона водийси артистлари ва қизиқчилари тилида 250 га яқин арготизмларни ёзиб олган ҳамда «Арго - тайный язык цеха артистов и музыкантов» номли китобини нашр эттирган. Тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, арготизмларни бир неча гуруҳларга бўлиб юбориш мумкин.

1. Ўғри ва киссавурлар, бандитлар тилида ишлатиладиган сўзлар: хит (милиционер), хитламоқ (сезиб қолмоқ), хата (яшаш жойи), замри (қот, қимирлама), атамри (қимирлайвер), атанда (қочдик) ва ҳоказо.

2. Савдогарлар, пул билан ишловчилар тилида ишлатиладиган лексик бирликлар: қайчи (ревизор), шапка (устига бериладиган пул), лой (пул), бир думалоқ (минг сўм), бир лимон (бир миллион), босс (бошлиқ).

3. Солдатлар, талабалар, вагон назоратчилари тилида ишлатиладиган сўзлар: дед, пахан (хизматнинг охирги даврини ўтаётган солдатлар), салага (хизматни бошлаган аскар), танк (талабанинг ишонган киши си), колхоз (проводникларнинг қўшимча йўловчиси) ва ҳоказо.

Арголар ўткинчи ҳодиса саналади. Улар ичида историзмга айланганлари ёки янги пайдо бўлганлари ҳам учраб туради. Масалан, милиция ходимларини легавый, мент деб аташ, қорадорини опиум, оқ кукунни гашиш дейиш, гиёҳвандликнинг ҳаддан ошган ҳолатини игнага ўтирди деб аташ бунга мисол бўлади. Калонпо, салотагир, сўкки каби арголар эса аллақачон эскирди.

Долларни кўк, қоғоз, “Дамас” автомашинасини бўлка машина, “Нексия”ни ўзбечка дейиш ҳам ўзига хос арго саналади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖАРГОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Жаргон сўзи французча jargon сўзидан олинган бўлиб, у ҳам лаҳжа деган маънони англатади.

Бирор касб-кор ёки ижтимоий табақа нутқида ишлатиладиган, адабий тилда кам учрайдиган сўзлар ёки сўз бирикмаларига жаргон сўзлар дейилади. Жаргонизмлар синфий диалектларга хос сўзлар саналади..

Жаргонлар барча тилларда учрайди. Масалан, рус тилида оқсуяк зодагонлар ўз тилини авом тилидан ажратиб кўрсатиш учун французча сўз ҳамда сўз бирикмаларини аралаштириб ўзига хос жаргонни яратганлар.

Ўзбек тилида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Подшо, вазир ва уларнинг атрофидагилар нутқида арабча ҳамда форсча-тожикча сўзлар ҳисобига жаргонизмлар юзага келган. Масалан, подшоҳи олам, вазири бузруквор, амирул муслимун, етти иқлимнинг тожи, қадамларига ҳасанот, қадам ранжида қилмоқ каби лексик бирликлар ўзбек оқсуяклари тилида фаол ишлатилган. Бу ҳолни саидлар, тўралар, хўжалар тилида ҳам учратиш мумкин. Мисол учун тўра дада, тўразода, пошшохон, саидзода, қорача сингари сўзлар уларга хос жаргонизмлар саналади.

Халқ тилида фаол ишлатиладиган гапни қийиб қўймоқ, ишлар михдек бўлмоқ, асфалософилинга жўнатмоқ каби лексик бирликлар ҳам аслида жаргон ҳисобланади

Жаргонизм хусусиятлари фразеологик бирикмаларга ҳам ўтган. Масалан, бир чўқишда қочирмоқ, ошиғи олчи бўлмоқ, оғзини мойламоқ каби фраземалар бунга мисол бўла олади.

Жаргонлар ўтмишда ҳам фаол ишлатилган. Ҳозирда синфий тенгсизликларнинг тугатилиши муносабати билан жаргонларга эҳтиёж қолгани йўқ, лекин ўтмиш ҳаётини ифодалаш учун бадиий асарларда шеъриятда, драматургияда жаргонлардан кўп фойдаланилади.

Масалан А.Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романида парвардигори олам, аркони давлат, фақир қулингиз, завжа каби сўзларни ишлатилган.

Чегараланган лексикага вульгаризмлар ҳам киради. Қўпол, дағал сўзларга вульгар сўзлар дейилади. Итвачча, даюс, лаънати, ҳароми, валади зино каби сўзлар вульгаризм саналади.

Умуман олганда, арго, жаргон ва вульгар сўзлар ҳам тилнинг ўзига хос қирраларидан бири саналади. Улардан унумли фойдаланиш тилнинг ифода имкониятларини кенгайтиради, уни янада бойитади.

ФРАЗЕОЛОГИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ. Лексикологияда одатда фразоелогизмлар деб аталмиш сўзларнинг турғун, қотма бирикмалари ҳақида маълумотлар берилади.

Бу ўринда сўз нима ҳақида бораётганини янада аниқроқ тасаввур қилишимиз учун қуйидаги мисолларни жуфтлигига кўра қиёслаб кўрамиз: тишини қайрамоқ ва пичоқни қайрамоқ, лясы точить ва точить ножницы, боши қоронғу ва бошини қашимоқ, бежать сломя голову ва побрить голову.

Биринчи ўриндаги мисолларда ажратилган сўзлар ўзларининг хусусий, алоҳида маъноларига эга эмас: қайрамоқ ва точить «ўткирламоқ» деган маънони англатмайди, бош ва голова эса тана аъзоси маъносида эмас. Бундан ташқари биринчи мисоллардаги ажратилган сўзларнинг ҳар қайсиси ўзининг хусусий маъносига эга бўлмай, қатъий белгиланган сўзлар билан туташишга эҳтиёж ва зарурият сезади, унинг оқибатида яхлит, ажралмас, бутун бирикма учун ягона ҳисобланган маъноларни ифодаловчи сўзларнинг турғун бирикмалари шаклланади: тишини қайрамоқ - қарши бўлмоқ, қасдланмоқ, ҳезланмоқ; лясы точить - бездельничать, пустословить - ялқовлик қилмоқ, бекор юрмоқ; боши қоронғу - иккиқат, оғироёқ, маълум бир нарсани хушламоқ (анорга боши қоронғу); сломя голову - стремительно - жуда тез, ўқдек, яшиндек, шамолдек ва бошқалар.

Юқорида келтирилган мисолларимиз (тишини қайрамоқ, лясы точить, боши коронғу, сломя голову) маъноларнинг яхлитликка, бутунликка мойиллигини, ажралмас эканини кўрсатади; бошқача айтганда фразеологизмда ташқи, формал жиҳатдан сўзларга бўлиниш билан маъноларнинг икки бирлиги, яхлитлиги ўртасида монандлик йўқ: Фразеологизм маъноси унинг ташқи шаклига монанд қисмларга, элементларга бўлинмайди. Қолаверса, фразеологизмнинг яхлит маъноси алоҳида сўзлар маъноларининг йиғиндисидан иборат эмас: «қасдланмоқ, ҳезланмоқ, қарши турмоқ» ва «бездельничать, пустословить» маъноларига тишини қайрамоқ, точить лясы қандай алоқаси бор эканини тушуниб ета олмаймиз. Агар сломить ва голова сўзлари бириктириб боғланса, «стремительно» маъноси қаёқдан пайдо бўлганини тушунмаймиз.

Фразеологизмнинг формал томондан бўлиниши билан улар ифодалаган маънонинг бутунлиги, яхлитлиги ўртасидаги номонандлик шунга олиб келадики, фразеологизмни шакллантирувчи турғун сўз бирикмалари юзага келади: Тилда алоҳида сўзлар воситаси эмас, балки фразеологизмлар орқали ифодаланадиган маънолар ифодасига эхтиёж сезган чоғимизда тилнинг ўзи ҳавола этадиган тайёр сўз бирикмаларини, жумладан, тишини қайрамоқ, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, капалаги учмоқ, ковушини тўғрилаб қўймоқ;

лясы точить, слонов гонять, баклуши бить, собаку съесть, водить за нос, воду лить (пустословить); filer a l'anglaise, rire jaune, chercher noise, faire la grace matinee ва б. қўллашга мажбур бўламиз. «Тишини қайрамоқ» турғун бирикмаси билан ёнма-ён турган пичоғини қайрамоқ сўзлари эркин бирикмасини энди эсга олайлик. Одатдаги сўзлар бирикмаси (лексикологияда эркин бирикма дейилади) фразеологизмдан нимаси билан ажралиб туради? Эркин бирикмалар бўлаклари – сўзлар ҳар қайсиси ўз маъносига эга: қайрамоқ ва точить, ножницы ва пичоқ. Сўнгра сўзлар, яъни эркин бирикмалар бўлаклари сўзловчининг эркин танловига кўра нафақат бир-бири билан, шунингдек, тилдаги бошқа кўпгина сўзлар билан бирикиши мумкин. Хусусан, агар биз қайрамоқ билан пичоқ сўзларини алоҳида ажратиб олгудек бўлсак, ҳеч қандай қийинчиликсиз янги эркин бирикмалар ясаймиз: ўроқни, қайчини, тешани қайрамоқ; янги, ўткир, зангламас, қимматбаҳо, ҳошияли пичоқ ва б. Эркин сўз бирикмаларида бўлаклар (алоҳида сўзлар) маънолари сўзловчи томонидан ҳосил этилади, мужассамлаштирилади, сўз бирикмаларининг умумий маъноси эса сўз бирикмаси таркибида боғланаётган бўлакларнинг маъноларидан ҳосил бўлади. Эркин сўз бирикмаларида шаклнинг бўлиниши билан мазмуннинг, маънонинг бўлиниши ўртасида монандлик кўзга ташланиб туради; бу вазият бундай сўз бирикмаларида сўзларнинг эркин ажралиши ва бирикишини акс эттирувчи етакчи омил ҳисобланади. Маълум маънода фразеологизм алоҳида тўла маъноли сўзга ўхшайди, шу боисдан кўпинча фразеологизмларнинг сўзга эквивалентлиги, тенглиги, монандлиги хусусида сўз юритадилар. Ушбу эквивалентлик ва монандлик формал бўлмай, балки маънолилик ва функционаллик касб этади; бу шуни англатадики, фразеологизм нутқимизда тўла маъноли сўз бажарган функцияни бажаради. Фразеологизм нутқимизга тилнинг тайёр элементи сифатида киради. У сўзловчи томонидан тайёрланмасдан, балки қўлланади ҳолос. Сўзларнинг эркин бирикмасига келсак, у нутқда тил қонунлари ва ифодаланиши лозим бўлган фикрлар, туйғулар ва кайфиятлар талабига биноан ҳосил килинади. Бу шуни англатадики, агар биз насиба, улуш, хисса маъносини ифода этишимиз лозим бўлса биз тилдаги унинг тайёр элементи – «ҳамир учидан патир» фразеологизмидан фойдаланишимизга тўғри келади. Агар бизга дарахт ҳақидаги фикрни ифодалашга тўғри келса у ҳолда биз мақсад ва муддаоимиздан келиб чиқиб турли сўзлар эркин бирикмасини тузишимиз мумкин: баланд дарахт, кўм-кўк дарахт, сершох дарахт, улкан дарахт, кўкарган дарахт ва б. Шубхасиз шундай ва шунга ўхшаш сўз бирикмаларининг мазмуни улар тасвирлаётган борлиқ мазмунига монанд келиши керак.

Демак, фразеологизмлар (тил фразеологик бирликлари) бутунлиги, маънонинг бўлинмаслиги, сўзлар ўртасидаги алоқанинг мажбурийлиги ва

нутқда айтилиш яхлитлиги билан тавсифланувчи сўзларнинг турғун бирикмасидир.

ФРАЗЕЛОГИЗМЛАР ТАСНИФИ. Фразеология тилшунослик фанининг гуркираб ривожланиб келаётган соҳаларидан бири. Француз тилшуноси Ш.Балли ва рус олими В.В.Виноградов турли тиллар фразеологиясини ўрганиш хусусидаги фан таълимотига кўп янгиликлар киритдилар. Хусусан, ушбу олимларнинг ишлари фразеологизмлар типологияси ёки таснифи хусусидаги таълимотга асосли замин бўлиб кирди. Эндиликда турли тиллар фразеологияларининг бир неча типологиясини (таснифини) яратиш имконияти туғилди; ушбу типологиялар турли аломатларга кўра (формал, мазмун, функционал жиҳатдан) руёбга чиқадиган фразеологик бирликларнинг туркумларга, типларга, гуруҳларга, турларга ажралишини акс эттиради. Шу муносабат билан фразеологизмнинг яхлит маъноси ва фразеологизм таркибига мансуб алоҳида сўзлар маънолари (лексик маънолар) боғланишига асосланган фразеологизмлар типологияси хусусида қисқача маълумотларга тўхталиб ўтамиз.

Тиллардаги фразеологизмларнинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, улар миллий тиллар руҳиятидан далолат берадилар. Намуна сифатида қуйидаги фразеологизмларни келтириб утамиз.

Ўзбек тили: қўй оғзидан чўп олмаган, оғзи қулогида, юрагига қил сиғмайди, дўпписи яримта, икки гапнинг бирида, сиркаси сув кўтармайди, бино қўймоқ, ўтакаси ёрилмоқ, аравани қуруқ олиб қочмоқ, ковушини тўғрилаб қўймоқ, сичқоннинг ини минг танга, томдан тараша тушгандай, ноғорасига ўйнамоқ, капалаги учиб кетмоқ, ёнини олмоқ, кўнгли бўш, жиғига тегмоқ, ади-бади айтишмоқ, энка-тенкасини чиқариб юбормоқ, кўз очиб юмгунча, қулинг ўргулсин;

Немис тили: im Dreck ẞitzen - пулга муҳтож бўлмоқ, муҳтожлик сезмоқ, Schon d(a)ran sein - мушкул ахволга тушмоқ, оғир ахволда бўлмоқ;

Инглиз тили: have a drop in one’s eye - кайф таъсирида бўлмоқ, make good - сўзини устидан чиқмоқ.

Ушбу боғланишлардаги фарқларга кўра тилда фразеологизмларнинг тўрт типи, тури ажратилади:

1. **Идиомалар** - абсолют ажралмас сўзлар бирикмаси; идиоманинг фразеологик маъноси унинг элементлари бўлмиш сўзлар маънолари билан асосланмайди. Қолаверса, идиомалардаги баъзи сўзлар маъноси умуман англашилмайди, уларнинг маъноси унутилади. Тарвузи қўлтиғидан тушди, ошиғи олчи бўлди, баклуши бить - бездельничать - дангасалик қилмоқ, бекор юрмоқ, волынку тянуть - ишни чўзмоқ;

2. **Фразеологик чатишмалар**. Булар шундай фразеологизмларки, уларнинг элементлари алоҳида олинганда тушунарли. Лекин фразеологик маъно чатишмага кирган сўзлар маъноларидан шаклланмайди; ўсма қўяман

деб қошини чиқармоқ, юрагини ҳовучлаб, водить за нос - алдамоқ; дело в шляпе - ҳамма ёқ яхши, ишлар яхши;

3. **Фразеологик бирликлар**. Булар шундай фразеологизмларки, унинг таркибидаги элементлар алоҳида олинганда тушунарли ва фразеологик маъно улардаги тўғри маъно асосида шаклланган кўчма маънолардир: бошини айлантирмоқ, қони қайнамоқ, қора совуқ, альфа и омега - аввали ва охири, белены обьесться - эсини еб қўймоқ, жинни бўлмоқ.

4. **Фразеологик бирикмалар**. Булар шундай фразеологизмларки, таркибидаги элементлар тушунарли ва биргаликда умумий мантиқий мазмунни ифода этади: ҳурмат кўрсатмоқ, эҳтиром билдирмоқ, ёрдам қўлини чўзмоқ, оказывать помошь - ёрдам кўрсатмоқ, принимать участие - иштирок этмоқ.

Юқорида ҳавола этилган фразеологизмлар тўрт типга ажратилиши умуман олганда, гарчи уларнинг кўриниши ўзгартирилган бўлсада баъзи ўринларда, кўпгина дарсликларда В.В.Виноградов нуқтаи назарига монанд келади. Ҳар бир миллий тилда ўзига хос оригинал фразеология мавжуд. Фразеологизмларнинг бир тилдан иккинчи бир тилга таржимаси анча мураккаб кечади, чунки, одатда, фразеологизмлар сўзма-сўз таржима қилинмайди. Шу боисдан кўпинча таржима жараёнида фразеологизм мазмунига монанд хос кўринишни топиш лозим. Жумладан, немис тилидаги im Dreck sitzen сўзма-сўз «лойқада ўтирмоқ» деб таржима қилинсада, лекин «муҳтож бўлмоқ, пулга муҳтож бўлмоқ» деб таржима килиниши лозим.

Нутқимизда фразеологиянинг роли улкан. Ўринли қўлланган фразеологизмлар нутқимизни, шунингдек, бадиий асарни жонлантиради, ўйноқи, таъсирчан қилади ва безайди. Бундай фразеологизмларни тил истеъмолига энг аввало халқнинг ўзи, қолаверса буюк ижодкор адиблар киритганлар. Фразеологик бирликлар сифатида нафақат турғун сўз бирикмалари, шунингдек$_6$ бир қатор турғун гаплар - мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар киришини эътиборга олсак фразеологиянинг ролини тушуниб етиш янада ойдинлашади. Муайян кенг маънода фразеология таркибига гапларни ҳам киритиш лозим: Оз - оз ўрганиб олим бўлур, тома-тома кўл бўлур; кўз қўрқоқ, қўл ботир; ўрганган олим, ўрганмаган ўзига золим; ученье - свет, неученье - тьма; без труда не вынешь и рыбку из пруда; ласковое слово, что весенний день.

ФРАЗЕОЛОГИК СИСТЕМАНИНГ МАРКАЗИ ВА ПЕРИФЕРИЯСИ[2].

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўпчилик олимлар томонидан фразеологиянинг систем характерга эга эканлиги эътироф этилган. Лекин фразеологик системани системлашган элементлар орасидаги парадигматик, тематик муносабатлар мавжудлиги билан асослаш етарли бўлармикин?

[2] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: М.И.Умарходжаев. Основы фразеографии. Т., 1983, с. 21, А.М.Бушуй. О фразеологической и фразеографической концепции проф. Мухтара Умарходжаева, Андижан, 2009

Албатта, ушбу семантиқ оппозициялар маълум даражада фразеологик системанинг систем характерга эга эканлигини тасдиқлайди, лекин уларнинг тарқоқ ҳолда исбот тариқасида келтирилиши системанинг аниқ шаклланганлиги ҳақида тўла тасаввур бермайди. Дарвоқе, «система», «систем муносабатлар» каби сўзларга эркин муносабатда бўлишнинг ўзи фразеологиянинг систем характерга эгалигини исботламайди. Бизнинг назаримизда фразеологик системанинг систем характери, фразеологик бирликларнинг системали равишда ташкил топиши тўла очиб берилмаган. Шунинг учун бизни фақатгина система мавжудлигигина эмас, балки маълум бирликлар муносабатлари, уларнинг системалилик даражаси қизиқтиради.[3]

Сўнгги пайтларда тилнинг систем характерини янада яққолроқ очиб бериш мақсадида тил қуйи системаларининг ҳам систем характерда эканлигини исботловчи бошқа қатор фактлар келтирилмоқда.

Тилнинг ана шундай шаклланишидаги универсал принциплар, система яратувчи факторлардан бири тилнинг қуйи системаларидаги ҳам марказий, ҳам периферик элементларнинг мавжудлигидир.[4]

Дарҳақиқат, маълум системанинг марказий ва периферик элементларини аниқлаш уларнинг бошқа система элементлари билан ўзаро алоқа муносабатларини тиклаш, нафақат ўша қуйи системанинг система эканлиги, балки тилнинг ўзи тўла систем характерга эга эканлигини ёритиш учун хизмат қилади. Тил ушбу тарзда ёндашиш орқали нафақат статик, балки динамик кўринишда ҳам ўрганилади. Чунки бир системанинг марказий бирликлари тил ривожи натижасида перифериядга ўтиб қолиши, ёки бошқа система элементига айланиши, яъни ўзгача функционал маъно касб этиши мумкин. Бу борада биз учун фразеологик ва лексик системаларнинг ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки фразеологик система элементлари, ибораларнинг ресурслари лексик система манбасидан олинади, яъни нафақат лексик бирликлар, балки сўзларнинг баъзи бир маъноларини системалараро доимий ўзаро ўзлаштириш процесси мавжуд, лекин ўзлаштирилган сўз ёки маъно фразеологик система принципларига бўйсунади.

Лексик ва фразеологик системаларнинг ўзаро чуқур алоқаларини исботловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, архаик, историк компонентларга эга бўлган фразеологизмлар фразеологик системанинг ядросини ташкил этса, худди шу компонентлар лексик система нуқтаи назаридан периферияда жойлашади. Ёки кўп маъноли сўзларнинг баъзи маънолари лексик системанинг перифериясида бўлса, ушбу периферик

---

[3] Виноградов В.В. Всегда ли система система? В кн.: Система и уровни языка. М., 1969, с.250

[4] Бу ҳақда қаранг: Daniel F. The Relation of Centere and Periphery as a Language Universali; Vachsen J. Les Problem du center et de la peripherie du systeme de la langue; Filipes J. Probleme des Sprachzentrums und der Sprachperipherie im Wortvorratssystem; Travaux linguistiques de Prague les probleme de center et de la peripherie du systeme de la langue. Akademie Prague, 1966; Живов В.М., Успенский Б.А. Центр и периферия в языке в свете языковых универсалий. ВЯ., 1973, №5

маъно фразеологик системанинг марказий элементларини шакллантиришда иштирок этади.

Лексик ҳамда фразеологик системаларнинг марказий ва периферик элементларини аниқлаш мақсадида биз уларнинг аҳамиятли белгиларига асосий эътиборни қаратдик. Бу борадаги дастлабки тезисимиз – фразеологик сатҳда фразеологик системанинг марказий ҳамда периферик элементлари мавжудлигидир.

Марказий ва периферик элементларни аниқлашда турли критерийлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, элементларнинг интеграция даражаси, тилдаги функционал вазифаси ҳамда қўлланиш частотаси ва б. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, биринчидан, фразеологик системанинг марказий ва периферик қисмларини ажратишда асосий критерий фразеологизмларни ташкил қилувчи компонентларнинг интеграция даражаси бўлса, иккинчидан, компонентлар лексик маъноларининг қай даражада йўқолиш (сўниш) даражасига боғлиқдир.[5]

Биринчи критерий орқали фразеологик иборанинг шаклланишида иштирок этган сўзларнинг «сўзлик» хусусияти сақланиб қолганми ёки йўқми деган саволга жавоб аниқланади, чунки маълум ҳолларда сўзнинг индивидуаллиги сақланиб қолиши кузатилади, баъзан эса индивидуал маъно «йўқотилади».

КОМПОНЕНТ МАЪНОСИНИНГ ЙЎҚОТИЛИШИ. Фразеологизм компонентлари «сўзми» ёки «сўз эмасми» деган саволга жавоб топиш нафақат фразеология учун, балки фразеография учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу ерда масала шундаки, фразеологизм компонентлари ўзининг номинатив, асосий ёки кўчма маъносини ибора таркибида сақлаб қололганми ёки маъноларнинг «сўниши», йўқотилиши юз берганми деган муаммо ечими ёритилиши лозим. Гап бунда компонентлар маъносининг кўчиши ҳақида эмас, балки маъноларнинг «сақланиши» ёки «йўқотилиши» ҳақида кетмоқда. Чунки умумий кўчма маъно асосида эса фразеологизм юзага келади, аниқ бир десигнатга эга бўлади, компонентлар эса ўз номинатив функцияларини йўқотади, маъно «сўниши» юзага келади, натижада маъноси йўқотилган компонентга ҳеч қандай десигнат тўғри келмайди, шу билан бирга компонент янги маънога ҳам эга бўлмайди, улар грамматик, парадигматик ва бошқа хусусиятларини йўқотадилар. Маъно йўқотилиши даражаси турли фразеологизмларда турлича кечади. Шундай қилиб, тилдаги «кўп маънолилик» тушунчаси билан «маъно йўқотилиши»

[5] Рус тилида ёзилган ишларимизда «опустошение компонента» термини орқали фразеологизм таркибида иштирок этган сўзлар лексик маъноларининг қай даражада «йўқолиш», «сўниш» даражасини номлаган эдик. Қаранг: М.И.Умарходжаев. Основы фразеографии. Автореф.докт.дисс. М., 1981. Основы фразеографии. Монография. Т., 1983.

тушунчаларини аниқлаш зарурияти туғилади. Маъно йўқотилиши жараёнида сўзнинг десигнатини маъно белгисидан ажратиб олиш қийин. Десигнат сўзининг маъноси тарқоқ, аниқланиши қийин, кўп ҳолатларда мазмунга эга эмас.

Эркин сўз бирикмаларида эса бу ҳолат ўзгача, масалан, “Ein guter Morgen” синтагмасида “Morgen” ва “gut” сўзларининг десигнати алоҳида-алоҳида, ажралган ҳолда мавжуд. Турғун сўз бирикмаларида бундай ҳолат кузатилмайди. Десигнат яхлит, бўлинмайдиган характерга эга. Масалан, “Guten Morgen” фразасида фақат ибора миқёсида десигнат боғлиқлиги аниқланиши мумкин, чунки фраза компонентлари ўз десигнатларидан узоқлашган. Ҳаттоки ушбу ибора кундалик оғзаки нутқда “N’ Mojen” шаклида ҳам келиши кузатилади. Биринчи ҳолатда эркин сўз бирикмаси таркибида “gut” сўзи ўзининг «яхши, чиройли, гўзал» маънолаирда келса, иккинчи ҳолатда турғун сўз бирикмасида “gut” сўзи қайси маънода келганлигини аниқлаш қийин, чунки сўзнинг конкрет лексик маъноси «сўнган», умумифода маъносига қоришиб кетган. Эркин сўз бирикмасида кўпмаънолилик йўқолади, кўп маъноли сўзнинг маълум маъноси конкретлашади, икки хил тушуниш йўққа чиқади.

Турғун бирликларда эса сўзнинг сўнган, йўқотилган маъноси иборанинг умумфразеологик маъносига сингиб, қоришиб кетган. Образли ўхшатиш қилсак, ёнғоқнинг «шакли, танаси» сақланган ҳолда, «мағзи» пуч.

Фразеологизмлар компонентларининг семантиқ «пуч»лиги даражасини аниқлаш, бир томондан, ўша сўзнинг эркин маъноси билан фразеологик ибора ичидаги маъноларининг қай даражада узоқ ва яқинлигини аниқлашга ёрдам қилса, иккинчи томондан ушбу бирликнинг бошқа бирликлар қаторида қай даражада бирикканлигини кўрсатади.

Ушбу қоиданинг исботини “abschneiden” феъли мисолида кўришимиз мумкин. «Ҳозирги замон$_7$ немис тили луғати»да[6] ушбу феълнинг қуйидаги маънолари ажратилган:

1. etw. schneidend abtrennen
2. den Weg verkürzen
3. jmdm. von etw. abtrennen
4. etw. (bereits) Begonnenes vereiten

Ушбу маънолар конкрет характерга эга. Бундан кейин метафорик характерга эга маънолар ажратилади:

а) j-m die Flucht, den Rückzug, den Weg (zur Tür) abschneiden

б) j-m das Wort, die Rede abschneiden

---

[6] Ruth Klappenbach, Wolfgang Steinitz. Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache. Bn.2, Berlin, 1968, S.58

Ушбу феълнинг фразеологик ибораларни шакллантиришдаги маъно иштироки ажратилади:

bei etw. gut abschneiden (etw. mit einem guten Resultat
abschliessen); da kann mancher (andere) eine Scheibe abschneiden
(ein Beispiel nehmen).

Ушбу иборалар таркибидаги “abschneiden” феълининг қандай десигнатга тааллуқлилигини, десигнатнинг релевант белгиларини аниқлаш қийин, чунки иккала иборада ҳам мазкур фразеологизм ўзининг яхлит десигнатига эга. Шунинг учун ҳам фразеологизмни шакллантиришда иштирок этган компонент кўп маънога эгами ёки маъноси йўқотилган сўзми, деган саволга, албатта, «маъно йўқотилган» деган жавоб беришимиз табиий.

Фразеологик системанинг марказий ҳамда периферик қисмларини аниқлашда биз компонентлар интеграцияси билан бир қаторда компонентлар маъноларининг «сўниш» даражасини асос қилиб олдик. Чунки тилнинг фразеологик фондида маъноларини турли даражада йўқотган компонентли фразеологизмлар мавжуд.

Шундай қилиб, фразеологик системанинг марказий қисмида компонентлари ўзларининг лексик маъноларидан максимал даражада узоқлашган ва юқори даражада маъно интеграциясига эга бўлган турғун бирликлар жойлашади. Бундай бирликларнинг фразеологизация даражаси яққол намоён бўлиб, фразеологик системанинг бошқа бирликлари учун эталон, намуна вазифасини ўтайди. Марказнинг намунавий белгиларга эга бўлган ядроси мавжуд. Масалан, j-m den Garaus machen, auf den Kien sein, den Drehwurm haben, mit Kind und Kegel, ein Brett vor dem Kopf haben, einen Narren an j-n gefressen haben; ўзбек тилида солиштиринг – дили сиёҳ, бой бермоқ, тан олмоқ, алмисоқдан қолган, истараси иссиқ, сўхтаси совуқ, бир ёқадан бош чиқармоқ ва б.

Бундай иборалар тилда фақат фразеологик маъноси билан мавжуд, эркин сўз бирикмаси сифатида учрамайди, компонентларнинг баъзилари архаик маънога эга. Марказнинг ядросида фразеологизация процесси тугалланган турғун сўз бирликлари жойлашган. Марказнинг ўзида юқорида кўрсатилган барча фразеологизмларнинг характеристикасига эга бўлган аксарият турғун сўз бирикмалари жойлашган бўлиб, улар ядрода жойлашган фразеологизмлардан эркин сўз бирикмаси прототипи мавжудлиги билан фарқ қилади. Улар фразеологик маънога эга бўлиш билан бир қаторда баъзан компонентларнинг лексик маъноси туфайли эркин сўз бирикмаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, *eine reine Weste haben* – доғ тушмаган обрў, ҳурматга сазовор бўлмоқ, эркин сўз бирикмаси сифатида эса «камзули тоза бўлмоқ», худди шу каби *in den Eimer gucken, einen Korb geben*, u.a. Ўзбек тилида тақкосланг: оғзига талқон солмоқ, суяги йўқ, рад қилмоқ ва б.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологизмлар ўзларининг прототиплари – эркин сўз бирикмаларидан қатор хусусиятлари билан фарқланади.

Биринчидан, фразеологизмлар тилда эркин сўз бирикмаларидан кўра кўпроқ қўлланади. Қиёсланг: *bei Wasser und Brot sitzen* ибораси икки маънода, ўзбек тилидаги бир ёстиққа бош қўймоқ - икки маънода ишлатилиши мумкин.

Иккинчидан, фразеологизм ўз структурасида (баъзи вариантларни ҳисобга олмаганда) модификацияга йўл қўймайди. Масалан, *sie gab ihm einen Korb* фразеологик ибораси эркин сўз бирикмаси тарзида хоҳлаганча ўзгариши мумкин: Sie gab (reichte, übergab) ihm zwei (drei grosse, schöne) Körbe.

Эркин сўз бирлигида фразеологик маъно пайдо бўлиши билан бирликнинг тўғри маъноси иккинчи планга ўтади ҳамда фразеологик маъно асосий, кўп қўлланадиган ва типик маънога айланади.

Структурасига кўра марказий иборалар турли бўлади. Бир қатор феъл компонентли фразеологик бирликлар билан бир қаторда субстантив, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, ундов компонентли, маъноси «сўнган» иборалар фразеологик бирликлар таркибига киради. Масалан, *dicke Luft, totgeborenes Kind, da liegt der Hund begraben, einem geschenktem Gaul, sieht man nicht ins Maul, wo druckt der Schuh?* u.a.

Шундай қилиб, фразеологик системанинг ядро ҳамда марказида қуйидаги турғун сўз бирликлари жойлашади:

1. Камида икки компонентдан ташкил топган, структура жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гап шаклидаги турғун бирликлар
2. Компонентларининг маъно структураси ўзгарган, натижада лексик маъноси йўқотилган бирликлар
3. Баъзилари фақат фразеологизм шакли ва мазмуни билан мавжуд (ядро), баъзилари эркин сўз бирикмаси прототипига эга бўлган бирликлар (марказ)
4. Монолит маънога эга, турғун структурали, лексик таркибда тайёр ҳолда қўлланниладиган бирликлар.
5. Юқори эмоционал-экспрессив жозибага, баҳоловчи ва модал характерга эга бирликлар.

Юқорида қўлланилган критерийлар асосида фразеологик системанинг периферик бирликларини ҳам ажратиб олиш мумкин. Буларга биринчи навбатда ўз лексик маъносида ҳамда фразеологик боғлиқ феъл элементлари билан келадиган субстантив турғун бирликлар киради. Масалан, *in Schrecken (ver)setzen, zur Kenntnis bringen, ausser Kraft setzen, ins Rolle bringen*.

Ушбу турғун бирликларда феъл ўзининг маълум маъносига эга, маъно тўла йўқотилган эмас.

Қатор боғланишли турғун сўз бирликлари ҳам периферияда жойлашади. Масалан, *blinder Hass, Zorn; blinde Wut, Gier*.

Бундай гуруҳларда кўчма маънога эга бўлган компонентлардан бири бир қатор сўзлар билан боғланиб келади. Бу ерда маъно «пуч»лиги сезилмайди, балки кўп маъноли сўзнинг маъноларидан бири иштирок этади.

Периферик гуруҳга яна ўзларининг лексик маъноларидан узоқлашган, кўчма маъно бўлса, ундан ҳам узоқлашган, асосий маъно билан алоқа узилиши натижасида маъно пучлиги сезилмайдиган турғун компонентли иборалар киради. Бундай ибораларнинг умумий маъносини уларни ташкил қилувчи компонентлар лексик маъносидан осонлик билан фарқлаш мумкин. Масалан, *weiss wie Schnee, schlau wie ein Fuchs*.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган, ягона боғланиш орқали юзага келган иборалар ҳам периферидан жой олади.

Масалан, *blutiger Anfänger, grüner Neid, blinder Passagier*.

Бу ерда blutiger, grüner, blinder сўзлари маълум отлар билан қўшилиб ишлатилиши натижасида ўзларининг лексик маъноларидан ўзоқлашган ва маъно йўқотиш даражасига яқинлашган.

Фразеологик системанинг энг чекка қисмида ўз лексик маъноларини йўқотмаган мақол ва ҳикматли сўзлар жойлашади, уларнинг компонентлари ўз номинатив маъносини сақлаб қолган. Масалан, *besser spät als nie*, ўзбек тилида «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда».

Хулоса қилиб айтганда, тил фразеологик системасида марказий ҳамда периферик элементлар бирликлари фаолият кўрсатади. Ушбу бирликларда марказга интилиш (Zentrifugal) ва марказдан қочиш (Zentripedal) хусусиятлари мавжуддир. Периферик элементлар бир томондан лексема сатҳи томон интилсалар, иккинчи томондан гап сатҳи томон интилади. Мақолларнинг бир гуруҳи марказ томон интилса, иккинчи гуруҳи периферия томон яқинлашади.

Дарвоқе, компонентлари ўз лексик маънолари асосида қўлланган мақоллар периферияга интилса, компонент маънолари йўқотилган мақоллар марказ томон яқинлашади.

Марказга интилувчи куч яхлит фразеологик маънонинг бевосита номинациясини шакллантирса, яъни фразеологизмнинг ички умум контекстини денотатга йўналтирса, марказдан қочувчи куч компонентларнинг маълум маъно мустақиллигини сақлаш учун хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, бир томондан, марказ билан периферия элементларини аниқ фарқлаш қийин бўлса, иккинчи томондан периферик гуруҳларнинг ўзини ички томондан фарқлаш мушкул, чунки улар доимо ривожда ҳамда бири иккинчисига ўтиб туриши мумкин.

Шундай қилиб, фразеологик иборалар лингвистик эҳтиёж натижасида юзага келган бирликлардир. Улар тилда етишмаётган номинатив ва

коммуникатив воситалар бўлиб, табиий борлиқдаги турли ҳодиса ва мураккаб экстралингвистик ҳолатларни ифодалаш учун хизмат қилади. Фразеологик система бирликлари сўзлардан ташкил топган иккинчи даражали элементлар эмас. Улар барча лингвистик бирликлар қаторида ҳар бир тил учун аҳамиятлидир.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ. Лексикология ва фразеология

лексикография (грекча - lexis сўз ва grapho - ёзаяпман) билан узвий боғланган.

Лексикография - ҳозирги замон тилшунослигига мансуб амалий фанлардан бири. Бу турли тил луғатларини тузиш назарияси ва амалиёти, демак, бу луғатлар ҳақидаги фан, уларни қандай килиб самарали тузиш, шу билан бир қаторда бу луғатларни тузиш амалиёти ҳамдир.

Шу нарса аёнки, сўзнинг ўзи нима, у қандай яшайди ва нутқимизда қандай фаолият кўрсатади, деганларни англаб етмай туриб луғатларни тузиш мумкин эмас. Лекин биз биламизки, сўзлар лексикологияда ўрганилади. Шу боисдан ҳам лексикография лексикология билан жуда узвий боғланган ва унга боғлиқ. Айни чоғда, луғат тузувчилар сўзлар, уларнинг маънолари, уларнинг нутқдаги "хулқи" ҳақида ўйлаб кўриб сўз ҳақидаги фанни янги кузатувлар ва умумлаштирувлар билан бойитмоқдалар. Бу шу маънони англатади-ки, нафақат лексикография лексикологияга боғлиқ, шунингдек, лексикология ҳам лексикографияга боғлиқ. Бу икки фан бир-бирини тақозо этади.

Лексикографлар (луғат тузувчилар) нима билан шуғулланишини тўла ва тўғри тушуниб етиш учун уларнинг меҳнати намуналари, яъни луғатлар билан танишиш лозим.

ТУШУНЧАЛАР ВА ЛЕКСИКОНЛАР ЛУҒАТИ. Барча луғатлар энциклопедик ва линвистик луғатларга ажратилиши мумкин.

Биринчи туркумдаги луғатларни (тушунчалар луғатлари) кўпинча, гарчи унча аниқ булмасада, энциклопедик луғатлар деб номланади. Энциклопедия - тушунча луғатларининг кўринишларидан бири ҳолос. Тушунча луғатлари лексиконлар луғатидан қандай фарқ килади? Энг аввало шу билан фарқ киладики, тушунча луғатларда сўзларга изоҳ берилмайди, балки улар ифода этган илмий, ишлаб чиқариш, сиёсий, адабий ва бошқа тушунчалар ва улар замирида ётган борлиқ пердметлар, ҳодиса ва воқеалар мазмунига изоҳ берилади. Мисол учун, фалсафа луғатида китобхон фалсафа, мантиқ, сабаб, оқибат, макон, замон, диалектика ва бошқа тушунчаларга изоҳ топади. Ушбу терминларни изоҳловчи луғат мақолаларида ушбу терминлар мазмунига бўлган қарашлар, ушбу мазмунни илмий ўрганиш тарихи, фанда ўзаро кураш олиб бораётган илмий тахминлар ва бошқалар

баён қилинади. Қисқа килиб айтганда, тушунча луғатлари илмий маълумотларни сўз ҳақида эмас, балки сўзлар ифода этган тушунчалар ва тушунчаларда аксини топган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва шахслар ҳақида беради. Тушунча луғатларининг энг маълум тури икки хил кўринишда маълум бўлган энциклопедик луғатлар ҳисобланади:

а) универсал энциклопедия - жамият ва фаннинг турли тармоқлар, турли соҳаларида тўпланган илм мажмуасини китобхонга етказади;

б) махсус ёки тармоқ энциклопедияси - фан, техника, ишлаб чиқариш ёки маданиятнинг бир тармоғи бўйича (медицина энциклопедияси, математик энциклопедия, мусиқа энциклопедияси) китобхонга тизимлашган билимлар мажмуасини баён қилади. Ўзбек тилида ва бошқа тилларда чиқарилган энциклопедиялар бунга мисол бўла олади.

Тушунча луғатлари (ёки биз уларни номлаганимиздек, энциклопедик луғатлар) -нинг тилшуносликнинг амалий соҳаси бўлмиш лексикографияга билвосита алоқаси бор.

Собиқ Иттифоқ даврида Тошкентда «Ўзбек совет энциклопедияси» нашр қилинди. У 14 томдан иборат эди. Шунингдек, «Тошкент энциклопедияси», «Саломатлик энциклопедияси», «Болалар энциклопедияси» (3 том), «Уй-рўзғор энциклопедияси» каби қимматли луғатлар нашр этилди. Булар бизнинг маданий ҳаётимизда улкан воқеа саналади. Сабаби улардаги маълумотлар турли фан соҳаларининг етук олимлари - академиклар, профессорлар томонидан мақола тарзида ёзилган бўлиб, биз ўзимиз учун керакли бўлган маълумотларни мазкур типдаги луғатлардан олишимиз мумкин. Мисол учун «Тошкент» энциклопедиясида шаҳарнинг қадимий ва замонавий қиёфаси, унинг тарихий кўчалари, даҳалари, дарбозалари, тошкентлик машҳур шахслар, унда жойлашган маданий ҳамда саноат объектлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу типдаги луғатларда давр руҳи акс этган бўлади. «Ўзбек совет энциклопедияси» мазмун моҳияти билан бугун эскирди. Ундаги луғат мақолаларини янгилаш эҳтиёжи туғилди. Буни чин дилдан ҳис қилган Республика ҳукумати Миллий Энциклопедия Бош редакциясини тузиш ҳақида махсус фармон чиқарди. Шунга кўра жуда катта муаллифлар гуруҳи «Ўзбек Миллий Энциклопедияси» ни яратиш устида унумли иш олиб бормоқдалар. Унинг қатор жилдлари ўқувчилар қўлига бориб етди.

Лексикографларни энг аввало тушунчалар луғати эмас, балки филологик луғатлар қизиктиради. Ҳар қайси тил лексиконининг вазифаси - сўзлар англатадиган предметлар ёки фан-техника, ишлаб чиқариш ва маданият тушунчалари эмас, балки бевосита сўзлар изоҳи ва талқинидир. Тил луғатида (лексиконида) китобхон, масалан, юлдуз (звезда) сўзининг турли маънолари ҳақида, унинг грамматик формалари ва хусусиятлари ҳақида, унинг урғуси ва ёзилиши ва бошқалар ҳақида маълумот топади. Юлдуз

сўзининг ўзи энциклопедик луғатда мақоланинг сарлавҳаси бўлиб, унда юлдузлар ҳақида илмий маълумотлар - у таркиб топган моддалар, ёруғлиги, ҳарорати, ер билан қуёшгача масофаси ва бошқалар ҳақида баён этилади.

ЛЕКСИКОНЛАР ТУРЛАРИ. Мабодо биз кўпгина турли лексиконлар билан (тил луғатлари билан) танишгудек бўлсак, у ҳолда биз шунинг гувоҳи бўламизки, лексикогорафия уларнинг бир-биридан йуналиши билан фарқ киладиган, шунингдек, луғат мақолалари, яъни лексиконда бериладиган изоҳлов текстлари мазмуни ва қурилишига кўра бир-биридан фарқ киладиган бир неча турларини яратди.
Жумладан, замонавий лексикография бир тилли ва икки тилли (ёки таржима) луғатларини фарқлайди. Бир тилли луғатларда маълумотлар бир тилнинг ўзида - одатда маълумотлар баён этилган тилда - берилади. Таржима луғатларида бир тилдаги сўз бошқа тилдаги сўз билан қиёсланади, ўзга тилга таржима килинади. Бундай луғатлар китобхонларга маълум, жумладан, мисол учун, инглизча-русча, инглизча-ўзбекча, немисча -русча, немисча-ўзбекча, французча-русча, французча-ўзбекча, итальянча-русча ва бошқалар.
Бир тилли луғатлар мўлжалланишига, шунингдек, луғат мақолалари мазмуни ва тузилишига кўра изоҳли ва тарихий, тўла ва қисқа, умумий ва хусусий (дифференциал), адабий ва шева, фразеологик ва терминологик, орфоэпик ва орфографик ва бошқа турларга ажралади.
Изоҳли луғатларда сўзлар ҳақида, уларнинг муайян даврда тилда қўлланадиган маънолари ҳақида маълумотлар мужассамлашган.
Бу одатда замонавий адабий тиллар луғатларидир. Бундай луғатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: В.И.Даль."Толковый словарь живого великорусского языка", "Толковый словарь русского языка" (Д.Н.Ушаков тахрири остида чиққан 4-томли).
1981 йилда Москвадаги «Русский язык» нашриётида чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2 томлик), А.Ҳожиевнинг 1995 йилда чоп қилинган «Имло луғати», русча-ўзбекча ёки ўзбекча русча луғатлар умумий луғатларга яққол далил саналади.
Изоҳли луғатнинг бош вазифаси - сўзлар маъноларини ва уларни нутқда қўллашни талқин этиш, тўғрини нотўғридан ажратиш, сўзларнинг тил услубиёти билан алоқасини кўрсатиб бериш, сўзнинг келишик, род, тус, даража ва бошқа грамматик формалари хусусиятлари ҳақида китобхонга маълумот бериш, йўл-йўлакай сўзнинг қандай ёзилиши ва талаффуз этилишини кўрсатиб беришдир. Изоҳли луғатлар одатда норматив бўлади, яъни адабий тил нормалари талабларига монанд равишда сўзларни изоҳловчи луғатлардир. Тилда тадбиқига кўра ***норма*** - бу адабиёт иштирокида ишлаб чиқилган ва сўзнинг нутқда қўлланиши, унинг ёзуви, талаффузи ва урғусини кўрсатиб берувчи, жамият томонидан қабул килинган мажбурий қоидалар мажмуидир.

Тарихий луғатлар тарихга, яъни муайян тил сўзлари тараққиётига алоқадор маълумотларга эга. И.И.Срезневскийнинг "Материалы для словаря древнорусского языка" (уч томли) луғати тарихий луғатнинг алоҳида кўриниши сифатида хизмат килади. Тарихий луғатларнинг алоҳида кўринишларини этимологик луғатлар ташкил этади, уларни тузувчи муаллифлар турли сўзларнинг энг қадимги маънолари ва формалари ҳақида маълумотларни китобхонга беришдек ўта мураккаб вазифани ҳал этадилар. А.Преображенскийнинг "Этимологический словарь русского языка" луғати китобхонга яхши маълум. Албатта, бошқа тарихий, хусусан, этимологик луғатлар мавжуд. Мисол учун, М.Фасмернинг "Этимологический словарь"(уч томли) нашрдан чиқди. Москва Давлат университети олимлари томонидан тайёрланиб, Н.М.Шанский таҳрири остида этимологик луғат чоп этилди. Инглиз, немис, француз, итальян, поляк ва бошқа тилларнинг яхши тарихий ва этимологик луғатлари мавжуд.

Маълум даражада луғатларни тўлиқ ва қисқа турларига ажратиш шартлидир. Адабий тил ва унинг шевалари бутун лексикасини имкон борича қамраб олган луғатлар тўлиқ луғатлар деб аталади. Тўлиқ луғатга 17 томли "Словарь современного русского литературного языка" мисол бўла олади. Адабий тилнинг қисқа луғатига С.И.Ожеговнинг бир томли луғати мисол була олади. Бу луғат 52872 сўз изоҳига эга.

Бир томли ёки "қисқа" луғатлар нутқда энг фаол, яъни энг зурур ва энг кўп қўлланувчи сўзлар изоҳини беради.

Тўла ва қисқа луғатлардан ташқари "ўртача" - уч, беш томли луғатлар маълум бўлиб, улар ижтимоий ва илмий эътирофга сазовор бўлган луғатлардир. Бундай луғатлар қаторига фанда оммалашган Д.Н.Ушаков тахрири остида чиққан "Толковый словарь русского языка" киради. Умумий луғатлар лексиканинг бўлинишидан қатъий назар тўла кўринишни уз ичига олади. Аксинча, хусусий (дифференциал) луғатлар аломати - барча сўзларни бир лаҳжага, касбга, услубга, сўз туркумига мойиллиги бўйича ажратади.

Одатда луғатларда адабий тил лексикаси тўпланади ва изоҳланади. Лекин шевалар луғатлари ҳам мавжуд, уларда бир ёки бир неча шеваларга мансуб сўзлар тўпланган ва изоҳланган.

Махсус луғатлар илм-фан, техника ёки санъатнинг бирор соҳаси билан чегараланган бўлади. Масалан, шу кунгача ўзбек тилида математика, физика, кимё, мусиқа, ботаника, биология, тарих, топонимика соҳаларига оид луғатлар нашр қилинди.

Махсус луғатлар ичида омонимларнинг изоҳига бағишланган (Ш.Раҳматуллаев), этимологик луғат (ТошДУ олимлари), диалектал луғат (А.Ишаев) каби луғатлар мавжуд.

Лексиокография фразеологик, синонимлар, тўғри талаффуз ва урғу луғатларига алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир саводхон киши учун орфографик луғатлар яхши маълум.

Тилнинг образли ифода воситалари - метафора, эпитетлар луғатлари тузилмокда. Янги сўзларнинг ҳосил бўлиши қандай содир бўлишини акс эттирувчи лексиконларни тузиш вазифалари янада ривожланмокда. Ҳозирги пайтда фан ва техниканинг турли соҳаларини акс эттирувчи ва белгиловчи турли терминологик луғатлар алоҳида эътиборга моликдир.

Лексикография - ҳаракатда, у халқ тилини янада тўла тасвирлаш учун янги ва асосли услубларни изламокда.

Сунгги йилларда лексикографлар ёзувчилар луғатларига янада қизиқиш билан қарамокдалар. Адабий тил деб аталмиш соҳа, яъни бадиий ижод, сўз санъатига хизмат қилувчи услуб қандай равожланаётганини тўла ва тўғри англаб етиш учун бундай луғатлар жуда зарур. Энг аввало маданият тараққиётида илмий аҳамият касб этган энг йирик ёзувчилар ва шоирлар асарлари бўйича луғатлар тузилмокда. Хорижда Шекспир, Гёте ва бошқа ёзувчиларнинг луғатлари тузилган. Рус тилда 4 томли "Словарь языка Пушкина" мавжуд. Ўзбек тилида «Навоий асарлари изоҳли луғати» чоп этилган.

Фан луғатларнинг кутилмаган турларини асослаб яратмокда. Жумладан, яқиндан буён лексикографлар инверсион ёки "тескари" луғатларни ярата бошладилар-ки, бунда сўз охирида жойлашган ҳарфлар алфавит тартибида жойлаштирилган. Демак, бошланишда -а га тугаган, кейин -ба га тугаган, сунг -ва га ва -га га тугаган сўзлар келади. Бундай луғат лексикограф кўнгил ҳуши бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бундай эмас. Бундай луғат тилни ўқитишда жуда фойдали, хусусан, сўз ясалишини, морфологиясини ўрганишда зарур. Жумладан, -ка, -тель, -ение суффикслари билан туговчи сўзлар бир жойга мужассам қилинган.

Тилни ўрганишнинг математик, энг аввало, статистик методлари частотали луғатларни вужудга келтирди, ушбу луғатларда сўзлар миқдорий, статистик кўрсаткичларига эга бўлади, яъни тилдаги маълум сўз қай даражада кўп қўлланиши ҳақида рақамли маълумотлар берилади. Бундай луғатлар вақтлар келиб нафақат тилшунос олим учун, шунингдек, мактаб ўқитувчиси учун жиддий таянчга айланади.

Бундай луғатлар қаторига Э.А.Штейнфельдтнинг "Частотный словарь современного русского языка", Х.Жоссельсоннинг "Подсчёт русских слов", О.Каденинг "Частотный словарь немецкого языка", Х.Итоннинг "Сравнителный частотный список первой тысячи слов английского, французкого, немецкого и испанского языков", Е.Торндайкнинг "Ўқув луғати" (инглиз тили) киради.

6.ГРАММАТИКА

Режа: Тил грамматик қурилиши тўғрисида умумий тушунча.
Грамматик маъно. Грамматик маъноларнинг моддий ифодаланиши. Грамматик категориялар.

Тил грамматик қурилиши тўғрисида умумий тушунча. Грамматика термини (грекчадан grammatike techne - ёзув санъати) фанда кўпинча икки хил маънода қўлланади.

Биринчидан, ушбу термин тилда мавжуд бўлган маълум сўзларни ўзга бир хил сўзларга бир хилда солиштириш, турли сўзларнинг бир хил ўзгариши ва турли гапларни бир хилда кўриш (яъни, сўзларнинг ўзгариш қоидалари ва гапларнинг қурилиш қоидалари) усулларини ва воситаларини англатади. Ушбу маънода грамматика «грамматик қурилиш» ёки «тил грамматикаси» тушунчаларига монанд келади.

Иккинчидан, грамматик қурилишни, ундаги мавжуд усуллар ва воситаларни ўрганувчи фанни грамматика деб аталадики, ушбу усуллар ва воситалар эвазига тил нутқнинг шаклланиши жараёнида сўзларнинг солиштирилишини, уларнинг ўзгаришини ва гаплар қурилишини қолипга солади.

Тил грамматикасини тушунишда мураккаблик ва қийинчилик туғдирувчи муҳим аломатлардан бири унинг мавҳумлиги, абстрактлиги ҳисобланади. Грамматика изланади ва хусусийликдан умумийликни, ранг-барангликдан бир хилликни, ўзгарувчанликдан барқарорликни топади.

Грамматиканинг ушбу аломати билан танишув грамматик маъно хусусида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Грамматик маъно. Бизга лексик ва сўз ясовчи маънолар таниш. Лексик маъно сўзга нисбатан индивидуалдир, яъни ҳар бир лексик маъно бир, муайян сўзга қарайди. Сўз ясовчи маъно типлашган, у бир хилдаги сўз ясовчи сўзлар гуруҳига қарашли бўлади. Грамматик маъно-чи? У умумий қолиплашган бўлиб, бир хил сўзлар туркумига ёки бутун бир сўз формаларига (келишик, род кўринишлари, шакл ўзгариши) қарайди.

Кузатув учун қуйидаги сўзлар қаторини олиб кўрамиз: а) баҳор, дарё, қир, адир, ўтлоқ, ўрмон, нон, дарахт; весна, река, пчела, ручка, монета, булка, берёза; б) оқ, қора, қизил, кўк, майин, нафис; добрый, зеленый, горячий, массовый, прямой, золотой; в) гапирмоқ, юрмоқ, турмоқ, чиқмоқ, кулмоқ, ҳаяжонланмоқ, мағрурланмоқ, уйланмоқ; идти, плыть, петь, лететь, играть, читать, думать, пить; г) баланд, паст, секин, тез, оҳиста, яна; высоко, тепло, хорошо, издавна, вновь, прямо, отрадно. Барча сўзлар - турличадир. Уларнинг ҳар бирига алоҳида индивидуаллик хос, яъни лексик маъно ва унинг индивидуал жарангги, товуши. Шу билан биргаликда маълумки, ҳар бир қатор доирада сўзлар қандайдир умумий, қолиплашган, сўзларда такрорланувчи маъно ва формал аломатларга эга.

Жумладан, а) қатордаги барча сўзлар предметнинг бир хил маъносини англатади; б) қатори эса предметнинг сифат, хусусиятини акс эттиради; в) қатори эса ҳаракатни англатади; г) қатори иш ҳаракатнинг сифати, белгиларини англатади.

Баъзан айтишадики, грамматик маънолар лексик маъноларга зид равишда формал ҳисобланади, лексик маънолар эса - моддий ёки реал. Ушбу фикрни, афтидан, қуйидагича тушунуш керак: лексик маънолар реал предметлар ва ҳодисалар, «нарсалар» оламини акс эттиради, грамматик маънолар эса ушбу оламни акс эттирмайди, уларни доимо фақат тартибга солади, тил формаларини мослаштиради. Лекин бу нотўғри фикр.

Грамматик маънолар лексик маъноларнинг умумлашувини ва уларнинг мавҳумлашувини акс эттиради. Бу шуни англатадики, тил ривожланишда ва тўхтовсиз мулоқотда кишилар эҳтиёжини қондириб, турли сўзларда турли ва кўпгина янги умумий аломатларни топади. Албатта, сўзларнинг умумий маъно аломатлари ва хусусиятлари замирида сўзлар англатган нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий аломатлари ва хусусияти ётади. Хуллас, грамматик маънолар лексик маънолар каби реал ҳисобланади. Агар лексик маънолар алоҳида предметларни ва ҳодисаларни акс эттирса, фарқласа, грамматик маънолар предмет ва ҳодисаларнинг бутун туркумини, улар ўртасидаги алоқаларни фарқлайди.

Шубҳасиз, барча ҳолларда грамматик маънонинг борлиқ билан бевосита ва аниқ алоқасини излашнинг хожати йўқ. Бу алоқа кўпинча бевосита ва аниқ бўлмайди. Мисол учун, рус тилида сўзлар нима учун учта родга - мужской, женский среднийга ажралишини тушуниш қийин. Бундай ҳолларда грамматик маъно формал кўрсаткичга айланади: у фақатгина сўзларнинг маълум туркумга мансуб эканини кўрсатади. Тил тарихи грамматик формалардан уларнинг реал мазмунини «чиқариб» ташлаган.

Агар тилда «формал» грамматик маънолар мавжуд бўлса, у ҳолда, афтидан, «формал» ва «реал» маънолар ўртасида ўтишлар мавжуд. Бошқача килиб айтганда, грамматик маънолар доимо ҳам ўзининг реал асоси ҳақида маълумот бермайди. Грамматик маънолар, инсон учун одат тусига кириб қолган кундалик ҳаёт мантиқи бўйича эмас, балки тил грамматик қонунлари бўйича ривожланади. Шунинг учун ҳам объектив борлиқни грамматика ажратиши, тақсимлаши билан инсон хулқи, мантиқи тақсимлаши ўртасида номутаносиблик ва фарқ кузатилади. Мисол учун, грамматикада предмет тушунчаси инсоннинг турмушдаги предмет тушунчаси билан қисман мос келади. Грамматика учун, палка, гвоздь предмет ҳисобланиб қолмасдан, шунингдек, честность, красота, чтение, бег, думание ҳам предмет ҳисобланади.

Грамматик маъноларнинг моддий ифодаланиши. Грамматик маънолар ифода воситалари орқали ўз аксини топади. Тил ҳақидаги фаннинг бош вазифаларидан бири қандай, қайси ифода воситалари орқали грамматик

маъно моддий ифода этилади, ушбу ифода воситаларининг қайси кўринишларидан турли тиллар фойдаланадилар, шулардан англаб етишдир.
Илгари айтиб ўтилганидек, лексик маънонинг асосий ифода воситаси сўз ўзаги ва уни ҳосил этувчи морфемалар ҳисобланади.
Грамматик маънонинг асосий ифода воситаси (хусусан, рус, инглиз, француз, турк, ўзбек ва бошқа тилларда) ўзак эмас, балки форма ясовчи аффикслар ҳисобланади. Жумладан, рус тиида феълнинг грамматик маънолари қўшимчалар ва форма ясовчи суффикслар орқали ифода этилади: -л ва -ть: чита-ю, чита-ешь, чита-ет, чита-л, чита-л-а, чита-л-о, чита-л, чита-ть ва бошқалар. Қўшимчалар орқали инглиз, француз, немис, итальян, испан ва кўпгина бошқа тиллар феълларининг грамматик маънолари ифода этилади. Албатта, бу қўшимчалар негизга қўшилганда грамматик маъно ифода этадилар.
Грамматик маъно ҳар бир сўзда фақат аффикс билан эмас, балки морфеманинг бутун таркиби билан ифода этилади (разговаривать, разговаривали ва б.). Бу табиий, чунки грамматик маъно лексик маъно билан қўшилган ва лексик маънодан ажралиб мавжудлашмайди.

Грамматик маънолар ёрдамчи сўзлар (предлоглар, боғловчилар, артикллар, юкламалар) орқали ифода этилади. Грамматик маъно ифода воситалари қаторида уларнинг ўрни кўзга кўринарли, баъзи тилларда эса жуда катта. Бизга таниш бўлган Ҳинд-Европа тилларида, хусусан славян тилларида предлоглар ва боғловчилар грамматик маънони гап қурилишида ифода этадилар. Мисол учун, кўпинча келишик маънолари ўзгариши предлоглар иштирокисиз булмайди. (Қиёсланг: *книга ученика* ва *книга для ученика*; *подошёл к дому* ва *вошёл в дом*). Инглиз ва француз тилларида келишик маънолари деярли сақланиб қолмаган ва предлоглар ёрдамида ифода этилувчи маънолар билан алмашади.

Грамматик маънолар ифода воситаларига сўз тартибини ҳам киритиш мумкин. Албатта, турли тилларда сўз тартибининг роли турлича. Рус тилида у нисбатан унча катта эмас. *Мальчик диктант пишет. Диктант пишет мальчик. Пишет мальчик диктант* ва б. Бунда гапда сўзларнинг роли ва грамматик маъноси узгармайди.

Рус тилида сўз тартиби роли грамматик эмас, стилистикдир. Аксинча, инглиз ва немис тилларида унинг роли сезиларлидир.
Грамматик маъно ифодаси учун оҳанг ҳам (интонация) хизмат қилиши мумкин.
Грамматик маъно ифодаси учун урғу ҳам хизмат килади. Мабодо, *руки* ва *руки, окна* ва *окна, дома* ва *дома, города* ва *города* сўзларини солиштириб кўрсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Худди шунингдек, *кружки* ва *кружки*, *пары* ва *пары*, *замок* ва *замок*.
Баъзи тилларда грамматик маъно ифодаси учун редупликация (лот.т.-reduplicare - иккилантириш) қўлланилади. Жумладан, арман тилида такрор

кўплик сони маъносини ифода этиши мумкин (rund - полик ва rund rund - кўпгина), худди шунингдек, япон, малай, индонез, шумер тилларида ҳамда ўзбек тилида ноаниқлик ва интенсивлик маъноси учун редупликация ишлатилади: нон-пон; қип-қизил.

Грамматик маънолар ўзакдаги товушларнинг алмашиши орқали ифода этилиши мумкин. Мисол учун: *наладить - налаживать, упросить - упрашивать, пересмотреть - пересматривать* ва б. Бу ҳодиса инглиз, араб, қадимги яхудий тилларига хос.

Сўзларнинг синтактик боғланиши ҳам грамматик маънони ифода этади. Мисол учун, *радио передало важную новость, все внимательно слушали радио, в деревне не оказалось радио.*

Грамматик категориялар. Шундай қилиб нафақат лексик маънолар, шунингдек, грамматик маънолар ҳам ташқи моддий ифода воситасига эга. Лексик маънолар сўз ўзагини ташкил этган морфемалар мажмуаси билан ифода этилади (форма ҳосил этувчи аффикслар нинг билвосита иштирокида), грамматик маъно форма ҳосил этувчи аффикслар (ўзакнинг билвосита иштирокида), шунингдек, бошқа воситалар орқали ҳам ифода этилади. На лексик маъно, на грамматик маъно тилда ўзининг кўрсаткичисиз ёки ифодаловчисисиз мавжуд булмайди. Сўз ҳақида сўз юритган чоғимизда эса, биз энг аввало лексик маъно ва унинг моддий ифода воситаси - реал тил бирлигини назарда тутамиз. Худди шунга ўхшаб грамматик маъно ҳам реал ҳисобланади, яъни тилда доимо ўз ифода воситаси билан, моддий кўрсаткичи билан бирликда бўлади. Тил ҳақидаги фан грамматик маъно ва унинг формал кўрсаткичлари бирлигини номлаш учун махсус терминга эга. Бу термин **грамматик категориядир.**

Грамматик категория - бу грамматик маъно ва унинг моддий ифода воситаси, реал тил бирлигидир. Демак, агар биз «келишик» терминини учратсак, тилга хос бўлган келишик маънолари ва уларни ифода этувчи кўрсаткичларни - қўшимчалар, предлоглар ва бошқаларни тасаввур этишимиз лозим. Агар «замон категориясини» қўлласак, биз замон грамматик маъноларини ва ушбу грамматик маънони ифода этувчи грамматик кўрсаткичларни назарда тутамиз.

Грамматик категориялар ҳар хил бўлиб, тил ичида ва турли тилларда турлича бўлади. Бу ранг-баранглик, турли-туманлик уларнинг муносиб таснифини излаш имконини беради.

Грамматик категорияларнинг тўрт турини ажратиш мумкин:

1. Сўзларнинг грамматик категориялари. Ушбу категориялар сўзларнинг катта туркумини умумий белги асосида умумлаштириш имконини беради. Жумладан, умумий маъно ва умумий формал кўрсаткичлар бўйича предметларни номловчи сўзлар (отлар) умумлашади, бошқа умумий маъно ва умумий кўрсаткичларга кўра ҳаракатларни номловчи сўзлар бирлашади,

(феъллар), учинчи бир умумий грамматик маъно ва формал кўрсаткичларга биноан ҳаракатлар белгисини номловчи сўзлар (равишлар) умумлашади ва хоказо. Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, сўзларнинг грамматик категорияларига энг аввало бизга дарслардан маълум бўлган сўз туркумларини киритиш мумкин.

2. **Сўз формалари грамматик категориялари**. Ушбу категориялар умумий белгига кўра сўз формаларининг катта туркумларини умумлаштиради, яъни бунга келишик, род, замон ва б. сўз шаклини ўзгартирувчи сўз формалари киради. Жумладан, тилда умумий маъно ва умумий кўрсаткичларга биноан бирлик ва кўплик сони, ўтган, ҳозирги, келаси замон фарқланади.

3. **Сўзлар позицияси грамматик категорияси**. Бу категориялар умумий маънога кўра гапда бир хилдаги жойни эгалловчи тўла маъноли сўзларни умумлаштиради. Бунга «эга», «кесим», «тўлдирувчи» ва б. киради.

4. Сўзлар қурилмалари грамматик категориялари. Ушбу категориялар маълум умумий маънога кўра турли гапларни умумлаштиради. Бундай умумий белги бўлиб нутқ жараёнида гапларнинг қолиплашган қурилиш схемаси юзага чиқади. Бунга дарак, сўроқ, ундов, мураккаб гап тизмалари киради.

Морфология - сўз грамматик категориялари ва сўз формалари грамматик категориялари мажмуаси ва тизимидир. Тил синтаксиси - сўзлар позициялари грамматик категориялари ва сўзлар қурилмалари грамматик категориялари мажмуаси ва тизимидир.
Грамматик форма, сўз грамматик формаси - бу сўзнинг морфема таркиби хусусиятлари билан характерланувчи морфологик вариантларидан бири.
Тил ҳақидаги фанда грамматик категория ва грамматик форма парадигма тушунчаси билан боғлиқ (грек. т. paradeigma-мисол, намуна); Ушбу термин орқали сўз формаларининг маълум изчилликдаги кўринишга эга бўлган сўз формалари йиғиндисини белгилаш қабул қилинган.

ТИЛ МОРФОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Морфология ва синтаксис элементи сифатидаги сўз ҳақида. Сўз туркумлари ва уларнинг таснифи ҳақида. Айрим сўз туркумлари структураси хусусида. От. Род категорияси. Сон категорияси. Келишик категорияси. Феъл. Феълнинг шахсли ва шахссиз формалари.

Тил морфологиясини ўрганувчи фан турли масалаларни ҳал этади. Шубхасиз, тилшунослик асослари билан таниша туриб, бу масалаларни тўла

англаб етиш мумкин эмас, морфологик қурилишнинг муҳим ҳодисаларини тушуниб етиш, энг муҳимларини танлаб олиш зарур. Айнан шундай масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

а) сўз морфология элементи сифатида синтаксис элементи сифатидаги сўздан қандай фарқ килади;

б) сўз туркумлари мазмунига кўра нимадан иборат ва уларнинг илмий таснифи асоси қандай;

в) алоҳида сўз туркумларининг туғилиши қандай;

г) турли тилларда сўз туркумлари аломатлари нимадан иборат;

д) морфологик категорияларнинг бутун хилма-хиллигини тўла илмий акс эттириш учун «сўз туркумларини» тушуниб етиш етарлими;

е) морфологик категориялар билан мантиқий категориялар қандай муносабатда ва б.

МОРФОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТИ ВА СИНТАКСИС ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДАГИ СЎЗ ҲАҚИДА. Мураккаблик шундан иборатки, бир сўзнинг ўзини ҳам морфологик ҳодиса (феъл, от, равиш ва б.), ҳам синтактик ҳодиса (эга, кесим, тулдирувчи ва б.) сифатида кузатишга тўғри келади. Мисол учун Березў вновь зазеленели; Бола яна йиглади гапида ҳар бир сўзни морфологик терминлар - от, равиш, феъл билан номлашимиз мумкин. Демак, бир сўзнинг ўзида морфологик ва синтактик аломатлар бирга мавжудлашиши мумкин, бир сўзнинг ўзи бир пайтнинг ўзида ҳам морфологик ҳам синтактик категориялар киритилган бўлиши мумкин.

Илгари кўрсатиб ўтилганидек, морфологик категориялар - бу сўз ва сўз формалари категориялари, синтактик категориялар эса - сўз позициялари ва сўз конструкциялари категорияларидир. Бошқача қилиб айтганда, морфологик категориялар$_8$сўзларнинг гапдаги ўрнидан қатъий назар сўзларга боғланган категориялардир: хоҳиш сўзи гапда эга, кесим ёки тулдирувчи вазифасида бўладими йўқми, отлигича қолади. Синтактик категорияларга келсак, улар сўзлар гап элементларига айланган чоғдагина ўша сўзларда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда синтактик категориялар сўзларга боғланмаган ва сўзларнинг гапдаги «ўрни»га кўра уша сўзларда намоён бўлади. Сўзларнинг морфологик белгилари ва аломатлари гапдан ташқарида сўзнинг ўзигагина хос (шу боисдан ҳам луғатларда кўпинча сўзнинг кўпгина морфологик аломатлари кўрсатиб берилади); сўз гапдан ажратиб олинган синтактик аломатларга эга эмас.

Албатта, айтилганлардан сўзнинг ҳар қандай морфологик аломати, мисол учун, ҳар қандай келишик маъноси маълум бир сўзнинг бошқа бир сўз билан боғланишидан ташқарида аниқ ифода этилиши мумкин деган маъно келиб чиқмайди. Лекин сўзнинг бошқа сўз билан алоқаси морфологияда фақатгина сўзда мавжуд бўлган унинг морфологик маъноларини (қаратқич

келишигининг турли маънолари, даражанинг турли маънолари) ифодалаш ва ажратиш учун зарур. Жумладан, лётчиқ, бошлиқ сўзларининг бошқа сўзлар билан боғланиши ёрдамида қаратқич келишигининг турли маъноларини ифода этишимиз мумкин: распоряжение лётчика, бошлиқниг кўрсатмаси (фаолияти маъноси), чествование лётчиқа, бошлиқнинг табриги (обеъкт маъноси), перчатка лётчиқа, бошлиқнинг машинаси (қарашлилик, эгалик маъноси), цветы для лётчиқа, бошлиқ учун хат (манба маъноси) ва б. Лекин ҳеч бир боғланиш лётчик сўзининг қаратқич келишигида мустаҳкамланмаган бошқа маъносини шакллантира олмайди. Мисол учун, замон, фикр объекти маъноси ва б. Агар сўз назарда тутилмаса, фақатгина унинг нутқда қўлланиши, ифодаланиши назарда тутилса, морфологик маънолар (ва бошқа морфологик аломатлар) сўз учун доимий ҳисобланади. Сўзнинг синтактик аломатларига келсак, ушбу аломатлар сўзларда ўзгарувчандир, улар сўзнинг яхлит жумла бўлаги сифатидаги муносабатига кўра ўзгаради, уларнинг ҳеч бири сўзга мустаҳкам ўрнашмаган ва айнан шунинг учун луғатларда берилмайди.

Ҳар бир сўз ўзининг морфологик маънолар «мажмуасига» эга ва ҳар бири алоҳида маънони муайян морфологик контекстда ифода этади, яъни морфологик факт сифатида намоён бўлувчи сўзларнинг муайян морфологик боғланишида намоён бўлади. Ҳеч бир сўз (жумладан, рус, инглиз, итальян, татар, фин ва б.) нутқда шаклланувчи гапларгагина хос бўлган синтактик маънолар «мажмуасига» эга эмас.

Сўз туркумлари ва уларнинг таснифи ҳақида. Замонавий мактаб маълумотига эга ҳар бир киши учун маълумки, тилда сўз туркумлари мавжуд. Лекин сўз туркуми нима, уларнинг табиати қандай - бу саволларга ҳатто тилшунос мутахассислар ишларида ҳам ягона жавоб йўқ.

Бир хил олимларнинг айтишича, сўз туркумлари - бу сўзларнинг лексик разрядлари; шу тарзда ҷўз туркумлари лексик асосда шаклланади, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бирларининг ўйлашича, сўз туркумлари - бу сўзларнинг грамматик туркуми ва сўзлар грамматик аломатлари асосида шаклланади; бу нуқтаи назар сўз туркумларини грамматик категориялар деб аташ имконини беради.

Учинчи бирлари эса сўз туркумларида лексик ва грамматик аломатлар чатишиб кетган, деб сўзларнинг лексик–грамматик гуруҳларини кўради.

Балким бу хилма-хил карашлар кўпрок терминологик характерга эга, яъни бир хилда англашиладиган ҳодисаларнинг турлича номланиши билан боғликдир.

Афтидан, кўпчилик шунга рози бўладики, сўз туркумлари хақиқатда ҳам, тилда ўта катта сўзлар синфи бўлиб, ҳар бир синф ичида улар грамматик маъно ва унинг формал кўрсаткичлари асосида бирлашади. Грамматик маъно ва унинг формал кўрсаткичлари бирлигини биз грамматик категория,

деб юритамиз. Бу сўз туркумларини ўта кенг морфологик категориялар билан номлаш имконини беради.

Жумладан, от предметлилик грамматик маъноси умумийлиги бўйича мужассамлашган ва бу маънони род, сон, келишик формал кўрсаткичлари билан ифодаловчи ифода воситалари умумийлиги асосида мужассамлашган сўзлар синфини акс эттиради. Хуллас, айтиш мумкинки, от - бу предметлик категорияси асосида умумлашган сўзлар синфи. Метонимия қонунини қўллаб (бутунни қисм бўйича ва қисмни бутун бўйича номлаш имконини берувчи), биз отни предметлик морфологик категорияси деб номлаймиз.

Афтидан, сифат - бу сифат категорияси билан умумийлашган сўзлар синфи; феъл - ҳаракат категорияси билан умумлашган сўзлар синфи ва б.

«Сўз туркумлари - бу сўзларнинг лексик гуруҳлари» деган нуқтаи назарни асосли деб ҳисоблаш мумкинми? Афтидан, йўқ, ҳар бир сўз туркуми сўзлар умумлашувини акс эттиради. Лекин бу бундай умумлашувнинг асосини лексик асос ташкил этади, деган маънони англатмайди. Биз биламизки, сўзнинг лексик маъноси ва лексик формаси индивидуалдир; бир сўз туркумининг ичида сўзлар лексик жиҳатдан хилма-хилдир; мисол учун, отлар ичида предметлар ва буюмларни англатувчи отлар мавжуд (тош, ўтлоқ, челак), одамлар ва хайвонларни англатувчи сўзлар (бола, артист, ишчи, шер, тулки, сигир), ҳаракат ва ҳолатни англатувчи сўзлар бор (ўқиш, юриш, савдо, уйқу, ғам, ҳаёт), сифат ва хусусиятни англатувчи сўзлар бор (гўзаллик, ақл, виждонлилик, эпчиллик, юмшоқлик, кўм-кўклик), миқдорни англатувчи сўзлар бор (икки, уч, ўнларча, юзларча).

Кўриниб турибдики, отлар лексик маъносига кўра (гўзаллик ва бешлик, ўқиш ва иштиёқ, қуён ва катталик) бир-биридан анча узоқ туради. Ушбу мулоҳазалар сўз туркумлари лексик асосга эга деган фикрдан воз кечиш имконини беради. Сўз туркумларини сўзларнинг лексик-грамматик разряди деб ҳам айтиб булмайди, Бундай номланишда лексик-грамматик термини нимани англатиши мумкин? Ё ҳар бир сўз туркуми грамматик жиҳатдан лексикани умумлаштиради (яъни сўзни). Лекин ҳар қандай грамматик категория лексика билан шундай иш кўради, мисол учун тус, даража, род, келишик ва б. Бунда барча грамматик категорияларни лексик-грамматик категориялар деб номлашга тўғри келарди. Лекин буни ҳеч ким таклиф этмайди. Ёки «лексик-грамматик» таъриф сўз туркумлари табиатининг «нософ», аралаш, грамматик ва лексик маъносига ишора қилиши мумкин. Лекин бу ҳам нотўғри. Лексиканинг аралашуви билан келишик, замон каби соф грамматик категориялар табиати сўз туркумларида мураккаблашади, ифлосланади. Ҳар бир грамматик категория лексикадан мавҳумлашган мазмун моҳияти ва ўзида озми ёки кўпми унинг таъсирини сезади. Сўзнинг грамматик ва лексик моментлари ўзаро муносабати, ўзаро киришуви тилшуносликнинг энг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири. Тилда шундай категориялар мавжудки, уларни тўлалигича лексик-грамматик

категориялар, деб номлаш мумкин, чунки улар ўзаро ўтиб туриш хусусиятига эга: буларда лексика сезиларли даражада грамматикага таъсир ўтказади, грамматика эса одатдагидан кўра камроқ абстракт ҳисобланади. Бундай лексик–грамматик категорияларга мисол бўлиб отлардаги ашёвийлик, миқдорийлик ва мавҳумлик хизмат қилади. Ашёвий отлар гуруҳига (жумладан, ун, гуруч, буғдой, ёғ, шакар, асал, қанд; пшено, масло, молоко, песок, вино, сахар, мёд, сливки, чернила, белила ва б.) бир хил лексика - «ашё» маъносидаги сўзлар умумлашади. Бу сўзлар аниқ ифодаланган грамматик аломат - грамматик соннинг жуфт формаларини ҳосил қила олмаслик хусусиятига эга.

Жамловчи отлар ҳам, мавҳум отлар ҳам шу маънода лексик асосга эгаки, улардан ҳар бири лексик жиҳатдан бир хил сўзларни бирлаштиради. Шу билан бир қаторда бу гуруҳлар грамматик ҳам ҳисобланади - биринчидан улар сўз туркумларига нисбатан ажратилади (улар от ичида бўлади, ундан ташқарига чиқа олмайди), иккинчидан эса улар аниқ грамматик хусусиятга эга - соннинг жуфт формаларини ола олмайдилар, яъни рус киши шундай деб айтмайди: молодёжи хорошо работают ва доброты учителя радуют окружающих.

Хуллас, шу нарса якқол сезиладики, сўз туркумлари – бу сўзлар грамматик (лексик ҳам эмас, лексик-грамматик ҳам эмас) синфи ёки, худди шунингдек, ҳар бир тилда сўзлар грамматик категорияларидир.

Энди эса сўз туркумларининг илмий таснифи асослари ва тамойиллари ҳақидаги масала юзага келади. Бу шуни англатадики, сўз туркумларининг илмий таснифи ўта тўғри, ўта тўлиқ ва тил фаолиятини аниқ акс эттирувчи бўлиши учун, сўз туркумларининг айнан қайси томонлари ва аломатлари эътиборга олиниши зарур эканини билишимиз лозим.

Фан тарихида мазкур масалалар ўрами кўпгина хилма-хил ечимларини топди. Мисол учун, сўз ҭуркумлари таснифини мантиқий асосда килишга уринишлар бўлган, яъни сўз ва тушунчалар ўртасидаги мавжуд алоқалар ҳисоби асосида. Бу уринишлар муваффақиятли чиқмади, чунки сўз туркумлари грамматик маънолари сўзлар ифода этган тушунчаларга ва ушбу тушунчаларнинг мантиқий умумлашувига тенг келмайди. Сўз туркумлари таснифини формал асосларда амалга оширишга уринишлар бўлди, яъни сўзлар ўртасидаги формал, моддий фарқлар ҳисоби асосида. Ушбу уринишлар ҳам муваффақиятга эришмади, чунки бир сўз туркумидаги сўзлар кўпинча турли формал аломатларга эга бўлади.

Тил ҳақидаги замонавий фанда сўз туркумларини комплекс ажратиш ва тасвирлаш тамойили кенг эътироф қозондики, бу тамойил олимлардан сўзнинг ички ва ташқи аломатларини мужассамлаштиришни талаб этди. Бу табиий. Агар сўз туркумлари сўзлар грамматик синфи ёки сўзлар грамматик категориялари ҳисобланса, ҳар қайси грамматик категория грамматик маъно ва уни ифодаловчи формал воситалар бўлса, у ҳолда сўз туркумларининг

илмий тасвирида ва талқинида сўзнинг икки томони бирлигининг умумийлигини назарда тутиш лозим. Афтидан, шуни унутмаслик лозимки, грамматик маъно лексик маънолар йиғиндисидан чиқарилган ўртача арифметик тенглама ҳам эмас, алоҳида сўзлар воситасида ифодаланадиган тушунчалар мантиқий умумлашуви ҳам эмас. Грамматик маъно хусусий, алоҳида тил тарихи яратган ва мантиқий ҳодисалар билан ҳам, инсон индивидуал руҳияти ҳодисалари билан ҳам боғланмайдиган тил маъноси сифатида ўрганилиши лозим.

Тил ҳақидаги замонавий фан ушбу талабни қабул қилади ва уни тарихан доим чекланган имкониятлари даражасида амалга оширади.

Турли сўзларни турли сўз туркумларига киритиш учун, шу билан бирга сўз туркумлари миқдори ва улар ўртасидаги чегарани аниқлаш учун, сўз туркумларидаги фарқларни, улар ўртасидаги тафовутлар ва ўзаро алоқаларни англаб етиш учун энг аввало:

а) кузатиш ва тил факти таҳлили методикаси ёрдамида грамматик маъно умумийлигига кўра сўзларнинг бир синфга мансублигини аниқлаш;

б) ажратилган сўзлар синфида (муайян методика ёрдамида) формал грамматик кўрсаткичлар умумийлиги мавжуд эканини аниқлаш керак бўлади.

Бу икки операция сўз туркумларини дастлабки босқичда тасвирлашда етарли. Бу асосий операциялар тадқиқотчи томонидан қай тартибда амалга оширилади, бу қатор сабабларга боғлиқ, хусусан, тадқиқотчи танлаган кузатиш ва тил факти таҳлили методига боғлиқ. Сирасини олганда эса, яъни тадқиқот ишида ва таълимида, бу операциялар кўпинча биргаликда бир-бирини тўлдирган ҳолда олиб борилади. Грамматик маъно умумийлиги ва формал грамматик кўрсаткичлар умумийлигини аниқлаш билангина кифояланмаслик зарур. Одатда сўз туркумлари сўзларнинг ҳар бирига хос синтактик вазифанинг умумийлиги, асосий сўз ясаш аломатларининг умумийлиги ва бошқа баъзи аломатлари билан характерланади ва фарқланади. Мисол учун, гапда барча отлар эга ёки тўлдирувчи вазифасида келади, сифатлар - аниқловчи вазифасида, феъллар - кесим вазифасида.Ҳозирги замон рус тилидаги отларга суффиксал сўз ясаш ва асослар қўшилиши асосидаги сўз ясаш хос, феълларга - префиксал сўз ясаш ва хк. Лекин синтактик ёки сўз ясаш тавсифи сўзнинг маълум сўз туркумига мойил эканини аниқлаш учун етарли эмас. Ҳозирги замон тилшунослик фанида эътибор кўпроқ сўз туркумларини тасвирлаш ва анализ қилишга, сўзлар бирикувига, яъни сўзларнинг бошқа бир морфологик характердаги сўзлар билан боғланиш имкониятига қаратилмоқда. Рус тилидаги ҳар бир от ўзига сифат ва феълни тобелаштириб боғлай олади; ҳар бир феъл отга тобелашади ва отларни ҳамда равишларни ўзига тобе қила олади; ҳар бир сифат отга тобелаша олади ва б. Бирикувларни ўрганиш фанга кўпгина янгиликларни беради.

Таржима машинасининг пайдо бўлиши ва тараққиёти билан ҳамда матнни автоматик ўрганиш муносабати билан фаннинг сўзларнинг соф «формал» таснифига, хусусан, сўз туркумларининг формал тасвирига эътибори кучайди. Бундай тасвир грамматик маъно ва унинг материал ифода воситалари бирлиги асосида эмас, балки сўзлар ва уларнинг формаларини бир хил формал кўрсаткичлар асосидаги гуруҳлашувига кўра қурилади. Келишик, тус, род ва грамматик формалар таснифи натижасида бўлинган, майда характердаги тасниф юзага келади. Рус тилидаги олтита келишик ўрнида кўпгина гуруҳлар, майда гуруҳчалар пайдо бўладики, уларнинг ҳар қайсиси аффикслар ва асос тугал қисмларининг ўхшашлигига кўра формаларни умумлаштиради. Бошқа категориялар тасвирида ҳам худди шу нарса кузатилади.

Бундай тасвир мақсадга мувофиқми? Ха, маълум доирада, маълум вазифаларни хал этишда у мақсадга мувофиқ. Шубҳасиз, формал тасниф мулоқот воситаси сифатида мунтазам фаолият кўрсатувчи тил тасвирида кутилган аниқликни бермайди ва бера олмайди, у сўзловчи ва тингловчи кўра билган реал тил картинани майдалаб юбориши ва бузиб кўрсатиши мумкин. Лекин бундай формал тасвирлар машина таржимаси ва матн ҳақида матндан машина ёрдамида автоматик ахборот олиш учун керак. Бундан ташқари формал тасвир сўз туркумлари ҳақидаги мавжуд илмий тасаввурларни аниқлаштириш имконини берувчи қўшимча материал беради.

Айрим сўз туркумлари структураси хусусида. Маълумки, сўз туркумлари бир хил эмас; улар грамматик маънолари, уларнинг формал ифода воситаларига кўра фарқланадилар. Бир сўз билан айтганда ўзининг ички структурасига кўра ҳар бир сўз туркуми таркибий элементлари мужассамлашган ва бирлашган яхлитликка эга.

Сўз туркумлари «элементлари» нима? Уларнинг таркиб «топиши» нима?

Сўз туркумлари элементҷари - бу энг аввало ҳар бир сўз туркуми ичида ажратиладиган грамматик категориялар, «бирга келувчи» ёки «хусусий» категориялар деб номланади. Рус тилидаги отда бу род, келишик, сон, турланиш ва б. категориялардир. Сифатда - род, сон, келишик, сифат даражалари, аслийлик ва нисбийлик ва б. категориялар. Феълда - тус, даража, майл, замон, тусланиш ва б. Элементларнинг «таркиблашуви» - бу улар ичидаги ва ўртасидаги мавжуд алоқалар, муносабатлар ва ўзаро боғланишлар.

Мисол учун, ҳозирги замон рус тилида тус категорияси билан ҳозирги замон муайян маънода боғланган бўлиб, ушбу боғланишнинг кўринишларидан бири совершенний вид билан ҳозирги замоннинг бирга кела олмаслигидир. Маълум даражада тус категорияси замон категориясига боғланган. Жумладан, совершенний вид ҳаракатнинг чегараланганлиги ва давомлилик ҳамда такрорнинг сезиларли бўлмаган, кучсиз ифодаси билан характерланса, несовершенний вид ҳаракат чегараси йўқлиги, давомлилик ва такрорланиб

ифода этилганлиги билан характерланади. Ҳозирги замон ўтган ва келаси замон билан боғланган: биринчи замон феъл англатаётган ҳаракатнинг нутқ моментига киритилган бўлагини акс эттиради, иккинчи ва учинчиси нутқ моментидан феъл ифода этаётган ҳаракатни чиқариб ташлайди, яъни оддий айтганда нутқ моменти феъл англатаётган ҳаракатдан олдин ёки кейин келади.

Шуни яхши англаб етиш лозимки, ҳар қандай тил структураси элементи ўзаро фарқ қилади ва шу билан бирга бир-бири билан узвий муносабатда бўлади; муносабат ва фарқ тил структураси элементларининг ҳаёт ҳодисаларини номлаш ва инсон фикрлари ва туйғусини ифода этишдек ўзининг асосий вазифасини бажариши учун зарур. Ҳаёт ҳодисаларини номлашнинг ўзи - бу энг аввало уларни фарқлаш демак. Лекин фарқлаш мумкин, табиийки, тилнинг фарқланувчи элементлари фарқлана туриб, доимо боғланган, ўзаро муносабатда бўлади, яъни маънода ва моддий ифодада бир-бирига боғлиқ маълум бир умумийликка эга бўлади. Фақатгина сўз туркумлари структураси элементларининг боғлиқлиги, ўзаро муносабати сўз туркумларини тарқоқ сўзлар тўпламига айлантирмай, балки ягона таркиблашган, ички яхлит тил структураси ҳодисасига айлантиради. Сўз туркумлари структурасига кўра ҳатто бир тилнинг ўзида ҳам бир хил эмас.

От. От сўзларни асосий грамматик маъно - предметлиликка умумлаштиради. Бу маъно род, сон, келишик формал кўрсаткичлари, энг аввало, қўшимчалар орқали ифода этилади. Отни англаб етиш учун муҳим формал кўрсаткичлардан бири сифат ва феълни ўзига боғлай олиш имконияти ҳисобланади; барча отлар шу имкониятга эга. Бу амалий жиҳатдан отларнинг муҳим формал кўрсаткичи бўлиб, уларнинг ким? ва нима? олмошлари билан муносабатда бўлишидир (мактаб методик қоидасини эсга олайлик: отлар «ким? ёки нима?» сўрокларига жавоб бўлади). Моҳиятига кўра, отлар сифатларни ва феълларни ўзига боғлай олиши ҳамда ким? ва нима? олмошлари билан боғлана олиши - формал кўрсаткич эмас. Масала шундаки, бу имконият сифатлар, феъллар ва олмошлар формал кўрсаткичларини отларнинг грамматик категорияси кўрсаткичига айлантиради. Жумладан, мисол учун «Деразанинг ойнасини артдим» ҳолатида қаратқич келишиги ифода этилади. «Кушлар учиб кетдилар» жумласи олинганда эса феъл қўшимчаси отнинг сон категориясидан далолат беради; «Увидели кого? Зайца» кўринишида кого? олмоши «заяц» сўзининг жонлилик категориясини ифода этади.

От учун асосий ҳисобланган предметлик маъноси мантиқий эмас, грамматик маънодир. Юқорида берилган мисоллар бу ҳақда ишонч ҳосил килишимизга асос яратади, предметлик маъноси билан мантиқан ўхшаш бўлмаган тушунчаларни, масалан билим, иссиқлик, ҳаёт, маънавият, ватанпарварлик, қадрият бир синфга мужассамлаштиради.

Савол туғилади: грамматикада предметлик нима? Афтидан, онгимиз сифат, хусусият, ҳолат аломатларини қўшиши мумкин бўлган барча нарсани грамматика предмет деб эътироф этади. Сирасини олганда гўзаллик - бу сифат, предмет белгиси. Лекин тилда бу предмет, яъни белгини (сифат ва ҳаракат) ўзида акс эттира олиш имкониятига эга аллақандай нарса, гўзаллик сўзи сифат ва феълни ўзига эркин боғлай олади (жозибали гўзаллик, мафтункор гўзаллик, гўзаллик хайратга солди ва гўзаллик мафтун этди). Шу боисдан ҳам предметлик грамматик маъноси билан реал предметлар ва буюмлар олами ўртасида тўлиқ монандликни излашга хожат йўқ. Грамматик умумлаштириш мантиқий умумлаштиришга нисбатан чексиз кенгликка эга. Маълумки, грамматик предметлик реал манбага эга - бу борлиқ нарсалари ва предметлари, нарса ва предметларни англатувчи сўзлар отнинг маъно марказини ташкил этади. Бу шуни англатадики, отлардаги предметлик реал ҳаётга боғлиқ бўлмай, ўзига хосдир, уни бевосита бўлмаган йўлда, йўналишда акс эттиради.

Предметликнинг асосий маъноси грамматик жиҳатдан отда бирга келадиган грамматик категориялар - род, сон, келишик ва б. – орқали ифода этилади. Предметлик маъносининг ифода этилиши айнан шу категориялар формал ифодасида намоён бўлади.

Род категорияси. Айтиб ўтилганидек, род категорияси формаллашган бўлиб, унинг грамматик маъноси сўз ва предмет муносабати билан асосланмаган. Қайси куч бизни бир хил отларни мужский родга, бошқаларини средний родга, учинчиларини женский родга киритишимизга таъсир этишини билмаймиз. Бу куч - анъана ва фақат анъана. Отларни родлар бўйича ажратиш предметлар ва ҳаёт ҳодисаларининг реал йўналишига жавоб бермайди. Мустасно тарзида фақатгина инсонлар исмлари ва кенгрок қилиб олганда жонли мавжудотлар номлари мисол бўла олади. Бу ҳолатда отларнинг роддаги фарқлари эркак ва аёл жинслари лексик фарқлари кўмагида кучайтирилади. Мужский, женский, средний род сўзлари ташқи жиҳатдан турланиш қўшимчалари хусусиятлари билан аниқ фарқланади. Бу шу нарсага олиб келадики, род маъноси ҳар бир конкрет отни рус тилида учта род гуруҳидан, француз тилида учта род гуруҳидан, немис тилида учта род гуруҳидан бирига киритиш имконини беради. Отнинг роди - бу унинг формал белгиси бўлиб, шу белги бўйича отнинг қайси гуруҳда жойлашганини, бинобарин, рус ва немис тилларида қандай ўзгариш содир бўлганини аниқлаб оламиз. Француз тилида эса род кўрсаткичлари кўпроқ артиклларда, от билан мослашадиган сифатларда ўз аксини топади: Une grande salle, une longe promenade, la belle chanson.

Сон категорияси. Бу категория реал асосланган. У бир предметнинг кўпгина бошқа предметларга таққосланишини (бирлик формасини - кўпликка) англатади. Таққослашни акс эттирмайдиган бундай предметларни номловчи отларда сон категорияси намоён бўлмайди (теплота, пшено,

храбрость, жизненность). Лекин бундай отларда сон формаси борми? Ха, бор. Нота ва теплота, окно ва пшено, вывески ва мячики сўзларини солиштириб кўриб, биз бунга ишонч ҳосил киламиз. Нота сўзи (шубҳасиз, бирликда) худди теплота сўзи каби турланишда ўзгаришини осонгина сезамиз. Окно сўзи (шубҳасиз, у ҳам бирлик формасида) худди пшено сўзи каби ўзгаради. Вывески сўзи ҳам деярли мячик сўзи кўплиги каби ўзгаради; бундан шу маъно келиб чиқадики, юқоридаги отлар сон формасига эга. Лекин сон маъноси, демакки, сон категорияси, уларда ҳар ҳолда йўқ. Нима учун, қай маънода? Чунки сон категорияси бирлик ва кўплик сон формаларининг таққосланишини назарда тутади. Формалар таққосланиши йўқ дегани категория йўқ дегани. Сон категорияси мавжуд бўлмаган чоғда сон формасининг мавжудлигини қандай изоҳлаш мумкин? Буни шундай изоҳлаш мумкинки, от учун сон категорияси тўла хос ва зарур. У мустаҳкам ўрнашган ва аниқ ифодасини топган. Шуниг учун ҳам ҳар қандай от келишиклар бўйича ўзгарганда ё бирлик сони либосини ё кўплик сони либосини танлаб олишга мажбур бўлади. Бу шунга олиб келадики, сон категориясидан махрум бўлган сўзлар формал жиҳатдан ҳар ҳолда бир предметни кўпга таққослаш тил ифодасида иштирок этади.

Келишик категорияси. Бу категория ҳам реал асосланган. У олти хил турдаги предметнинг предметга ёки предметнинг жараёнга муносабатларини (олтита келишик формасининг фарқланиши ва муносабати орқали) номлайди. Бош келишик предметнинг грамматик мустақиллигини англатади, барча қолган келишиклар унинг грамматик тобелигини белгилайди. Предмет тобелигининг келишиклар орқали ифода этилиш масаласи шу билан мураккаблашадики, бу тобелик - грамматикдир, яъни грамматика томонидан «акс эттирилади» ва умумлаштирилади. «Окна настежь нами отворены» жумласида аниқ равшанки, бош келишик орқали аниқ тобе предмет номланади, творительный келишиги орқали - реал тобе бўлмаган предмет номланади. Лекин бу грамматикани кам безовта қилади. Ҳоким ва тобе, мустақил ва тобе тушунчаларини аниқлашда у ўз ўлчовига эга. Реаллик билан боғланган келишик маъноларини тасвирламоқчи бўлсак, бу ҳақда унутмаслигимиз лозим.

Феъл. Предметнинг иш-ҳаракатини ифодалайдиган мустақил сўзлар феъл дейилади: Деҳконлар ишламоқда. Раис келди.

Феъл ҳолат, белгининг юзага келиши, ўзгариши каби жараёнларни ҳам ҳаракат сифатида англатади: Кўчат кўкарди. Бола ухлаяпти. Япроқлар сарғайди. Юртимни севаман каби.

Тилларда феъл соф феъл кўринишида (масалан, aller - бормоқ, prendre - олмоқ, faire - килмоқ, avoir- эга бўлмоқ) ва семантик доираси кенг феъл билан артиклсиз қўлланган отдан таркиб топган турғун феъл бирикмалари кўринишида намоён бўлади. Бу хилдаги феъл бирикмалари яхлит тушунча англатиши билан бирга, феъл функциясини утайди.

Масалан:

avoir faim	қорин очмоқ
avoir besoin	муҳтож бўлмоқ
faire peur	қурқитмоқ
faire plaisir	хурсанд бўлмоқ
prendre froid	совқотмоқ

Истеъмолда қўлланаётган феъллар туб ва ясама кўринишлар касб этади. Бир узакдан ясалган феъллар туб феъллар ҳисобланади. Масалан: lire, dire, prendre etc.

Префикс қўшиш йўли билан туб феълдан ясама феъл ҳосил қилинади, лекин янги ҳосил қилинган феълнинг маъноси ўзгаради:

prendre	олмоқ
apprendre	ўрганмоқ
lire	ўкимоқ
elire	сайламоқ

Баъзи от ёки сифатга суффикс қўшиш йўли билан ҳам ясама феъл ҳосил қилиш мумкин.

Масалан:

le travail - иш
travailler - ишламоқ
le chant - кўйлак
chanter - куйламоқ
rouge - қизил
rougir - қизармоқ

Лексик-грамматик хусусиятларига кўра феъллар одатда мустақил ва ёрдамчи феълларга ажратилади. Мустақил феъллар бир қатор хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради: ҳаракатни билдиради ва гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади, маълум бир сўзни бошқариб келади, объектга муайян муносабатда бўлади.

Масалан, Акрам мактабни аъло баҳоларга битирди.
Ўқувчи уй вазифасини бажарди.
Ўқувчилар сайрга чиқдилар.

Ёрдамчи феъллар ҳаракатни билдирмайди, чунки улар мустақил маънога эга эмас. Улар турли грамматик маънолар ифодасида иштирок этадилар. Жумладан, ёрдамчи феъллар сўз ясаш жараёнида хизмат қилувчи қўшимча маъноларни ифодалайди, шунингдек, бир қатор ёрдамчи вазифаларни бажаради: хабар қилмоқ, хурсанд бўлмоқ, тасдиқдан ўтмоқ, ўқиб чиқмоқ, ухлаб қолмоқ, бўлган эмиш, ёзган экан ва хоказо.

Морфологик хусусиятига кўра феъллар ўтимли - ўтимсизлик, бўлишли - бўлишсизлик, нисбат, шахс-сон, майл, замон каби грамматик категорияларга эга.

Шахс иш-ҳаракатни бажарувчи субъектнинг сўзловчига бўлган муносабатини кўрсатади.

Сон категорияси феъл формалари орқали эганинг бирлик ва кўпликда эканлигини кўрсатади:

	Бирлик	Кўплик
I шахс	Je marche	Nous marchons
II шасх	Tu marches	Vous marchez
III шахс	Il (elle) marche	Ils (elle) marchent

Майл феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини англатади ҳамда иш- ҳаракатнинг ҳақиқатдан бажарилганини (реал бўлганини), бажариш ҳақида буйруқни, бажарилиши шарт ёки бажарилиши мажбур эканлигини ифодалайди:

Аниқлик майли	Буйрук майли	Шарт майли	Истак майли
У юриб кетаяпти	Юринг !	У юрарди	Юрсин
Il marche	Marchez!	Il marcherait	Qu’il marche

Замон маъноси иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабатини ифодалайди ва ҳаракат сўзланиб турган пайтдан олдин, у билан бир вақтда, ундан кейин бажарилишини кўрсатади.

Ҳозирги замон	Ўтган замон	Келаси замон
Elle chante	Elle a chante	Elle chantera

Нисбат иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) билан предмети (объекти) орасидаги муносабатни кўрсатади:

Le maitre explique cette regle. Cette regle est expliquee par le maitre.

Ўқитувчи бу қоидани тушунтиряпти. (аниқ нисбат)

Бу қоида ўқитувчи томонидан тушунтириляпти. (мажҳул нисбат)

Je me lave a l’eau froide. Мен совуқ сувда ювинаман. (Ўзлик нисбат).

Феълнинг шахсли ва шахссиз формалари. Феъл формаларининг ҳаммаси ҳам шахс категориясига эга бўлавермайди, шунга кўра феълнинг шахсли ва шахссиз формалари мавжуддир. Феълларнинг шахсли формалари шахсга кўра ўзгариб, гапдаги кесим ёки от кесимда боғловчи феъл вазифасини бажаради:

Il travaille a l’usine.	Elle parle bien francais.
У заводда ишлайди.	У француз тилида яхши гаплашади.
Il est ecolier.	Elle est devenue professeur.
У ўқувчи.	У ўқувчи бўлиб етишди.

Феълларнинг шахссиз формаларига инфинитив, сифатдошлар ва равишдошлар киради.

Феълларнинг шахссиз формалари шахсларга кўра ўзгармайди, улар гапда турли гап бўлаклари вазифасида келиши мумкин:

Il pense partir. Je repete les regles etudiees. Nous marchons en causant.

ТИЛ СИНТАКСИСИ ҲАҚИДА

Тил структураси ҳақида. Тенг ва тобе боғланиш. Сўз бирикмалари. Гап. Гап бўлаклари. Синтагма. Гап ва унинг актуал бўлиниши. Гап турлари. Турли тилларда гап турлари.

Тил инсонларга фикрлари, туйғулари ва хоҳишлари мазмунини бир-бирига тушунарли тарзда баён қилишлари учун зарур. Агар алоҳида якка товушларни, морфемаларни, сўзлар ёки уларнинг грамматик формалари қўлланилса, ушбу вазифани амалга ошириб бўлмайди. Шу нарса маълумки, ўзгаларга баён қилиниши лозим бўлган конкрет мазмун ҳажми ва мураккаблигига кўра нутқ амалиётида кишилар сўзларни гапда бир-бирига боғлайдилар, алоҳида гаплардан уларнинг изчил кўринишини ҳосил этадилар. Кўпинча шундай туюладики, сўзларнинг ҳар қандай бирлашуви - синтактик факт, чунки кўз ўнгимизда алоҳида сўзлар эмас, балки уларнинг бирлашуви туради.

Лекин шуни айтиш керакки, тил оламида сўз боғланишининг ҳаммаси ҳам синтаксис ҳодисаларига киравермайди. Жумладан, мисол учун весенняя заря, по лугу бежали ёки чтение книги каби икки сўз боғланишлари фонетик, лексик, морфологик, синтактик, интонацион томонлардан кузатилиши мумкин. Фонетистни кейинги товуш таркибининг олдингисига таъсири қизиқтирса, лексикологни қўшни сўзлар лексик маънолари фаолияти ва ўзаро ҳамкорлиги, морфология бўйича мутахассисни сўзлар ўртасидаги морфологик муносабатлар спецификаси, интонация бўйича мутахассисни икки сўзнинг боғланишига даҳлдор аломатлар, синтаксис бўйича мутахассисни сўзлар ўртасидаги синтактик муносабатлар қизиқтиради.

Шундай қилиб, сўзларнинг нафақат гапдаги синтактик боғланиши ҳақида, шунингдек, уларнинг фонетик, морфологик, лексик ва интонацион боғланишлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Табиийки, фан сифатида синтаксисда фақат синтактик алоқалар ва сўзлар ҳамда гаплар ўртасидаги муносабатлар ўрганилади. Лекин бу синтактик муносабатлар муайян маънолар ва уларнинг формал ифода воситалари билан характерлангани учун, синтаксис синтактик-грамматик категориялар - сўз позициялари категориялари ва конструкциялари категориялари - ҳақидаги фан ҳисобланади. Шундай қилиб, алоҳида конкрет сўзлар ва алоҳида конкрет гаплар синтаксисга алоқадор ҳисобланади, чунки улар синтактик категориялар ифодаловчиси ҳисобланади.

Тил ҳақидаги фан асосларини ўргана туриб, албатта, замонавий синтаксис назариясининг барча қирраларини қамраб олиш мумкин эмас. Тил синтактик структурасининг умумий тушунилиши учун муҳим бўлган энг муҳим категориялар билан чегараланишга тўғри келади. Бундай категориялар қаторига одатда тобе, эргаш боғланиш, тенг боғланиш, сўз бирикмаси, синтагма, гап ва унинг бўлаклари киритилади.

Тенг ва тобе боғланиш ҳақида. Мактабдаёқ биз тилда тенг ва тобе боғланиш мавжудлиги ҳақида биламиз. Бу тарихий шаклланган сўзлар ва тил синтактик структурасидаги гаплар ўртасидаги боғланишнинг икки асосий туридир. Шундай ҳам деб айтиш мумкин: тенг ва тобе боғланиш - гаплар ва уларнинг бўлаклари ўртасидаги икки асосий синтактик алоқа. Улар бир-биридан бўлакларнинг грамматик боғлиқлиги тенг ёки тобе экани билан фарқланади. Баъзан шундай туюладики, сўзларнинг (ёки гапларнинг) тенг боғланишида улар грамматик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмайди, тобе боғланишда эса боғлиқ бўлади. Масаланинг моҳияти бу билан боғлиқ эмас. Тенг боғланишда ҳам, тобе боғланишда ҳам улар боғлиқ (тобе) бўлади: ветер и вьюга, читали, но не поняли, иду на завод, чтение журнала, новая звезда. Бир хил ҳолларда боғлиқлик тенг ҳуқуқли, яъни грамматик ҳокимлик ва грамматик тобелик йўқ: ясень и береза, велосипед или мотоцикл, неразговорчивый, но добрый, бошқа ҳолларда эса боғлиқлик тенг ҳуқуқли эмас, яъни бир сўз (гап) грамматик жиҳатдан бошқасидан устун, ҳоким бўлиб келади, Лекин "ҳокимлик" тобеликни тақозо этади: ехали весело, великолепные луга, чтение книги, пошли быстрее, потому что накрапывал дождь, говорили, что приезжает известный певец.

Грамматик тенглик шунда билинадики, бир сўз (гап) бошқа бир сўз белгиси сифатида англашилмайди ва шу боисдан ҳам бошқа бир сўзга грамматик савол қўйилмайди, грамматик ҳокимлик ва тобелик шунда билинадики, тобе сўз ҳоқим сўзнинг белгиси сифатида англашилади ва шу боисдан ҳоким сўздан тобе сўзга нисбатан бўлган грамматик саволга йўл қўйилади: чтение (чего?) книги, поехали (куда?) в города, говорили (о чем?), что весна будет ранней.

Сўзлар ва гапларнинг тобе ва тенг боғланиши жуда кўп тилларда маълум. Лекин, афтидан, бу икки синтактик муносабат тури тил структураси тараққиётининг маълум босқичидагина бир-бирига таққосланади. Тенг боғланиш ва тобе боғланиш аниқ фарқ қилмаган тилларнинг мавжудлиги ҳам шубҳасиз.

Ташқи жиҳатдан синтактик муносабатлар турли тилларда турли воситалар - боғловчилар ва боғловчи сўзлар, предлоглар, кўмакчилар, сўз ва гап тартиби, мослашув, бошқарув, битишув, интонация ва б. орқали ифода этилади.

Тенг боғланишнинг формал кўрсаткичлари ва ифода воситалари бир мураккаб яхлитликка бир неча сўзларни бирлаштирувчи сигналлар сифатида

қўлланади, бунда қатор тенг боғланган бўлаклар кўпинча давом этиши мумкин, бинобарин, у грамматик жиҳатдан очиқ бўлиши мумкин, сирасини олганда учта тенг боғланган сўзга нима учун тўртинчисини боғлаш мумкин эмас, масалан, берёзы, дубы и ясени, ёки берёзы, дубы, ясени и клёны ва хк.

Шундай қилиб, янги ва янги бўлаклар бири иккинчисига тенг боғловчи ип орқали улашиб кетаверади. Тобе боғланишда формал кўрсаткичлар (ифода воситалари) бир сўзнинг (гапнинг) бошқасига ёйилишига тарихий жиҳатдан мослашган бўлиб, бунда тобе боғланиш орқали боғланган қатор бўлаклар давом эта олмайдилар, улар грамматик жиҳатдан берк ҳисобланади: тобе боғланиш асосида боғланган икки сўзга, мисол учун, чтение книги, бир тобе боғланиш ипига улаш учун яна бир сўзни қўшиш мумкин эмас, янги сўзлар билан бир қаторда янги тобеланиш "иплари" намоён бўлади - громкое чтение книги, чтение интересной книги, чтение книги из библиотеки, чтение книги и журнала, чтение книги для детей ва б.

Синтактик муносабатлар ифодасида кўпгина тилларда мослашув, бошқарув ва битишув каби сўзларнинг гапдаги тобе синтактик боғланиш турлари деб аталмиш муносабатлар кенг қўлланади. Афтидан, мослашув, бошқарув, битишувларни бошқачароқ номлаш - мисол учун тобе боғланишни ифода этувчи сўзларнинг морфологик боғланиш турлари - дейилса бўлур эди. Чунки сўзлар ўзларининг синтактик хусусиятларига кўра эмас, балки морфологик аломатларига кўра мослашади, бошқарувга ва битишувга киришади.

Мослашув - бу морфологик жиҳатдан бир сўзни бошқа бир сўзга ўхшатиш демакдир (зеленая трава, зеленой травой, зеленой травы, зелеными травами, зеленых травах, зеленое озеро, зеленые озера ва б.).

Бошқарув - бу ҳоким сўзнинг морфологик хусусиятига кўра тобе сўзнинг келишик кўрсаткичларидан бирини танлаш хусусиятидир - петь громко, бежать взапуски, начали играть, ехали разговаривая, чтение вслух. Албатта конкрет гапларда сўзлар лексик маъноларига кўра битишув асосида боғланади. Гапларда мослашув ҳам, бошқарув ҳам, битишув ҳам синтаксисга хизмат килади, яъни сўз бирикмалари ва гаплардаги сўзлар ўртасидаги синтактик муносабатларни ифода этиш учун қўлланади.

Сўз бирикмалари хусусида. Тилдаги гаплар одатда икки сўзли ёки кўп сўзли бўлади. Демак, алоҳида сўзлар гапларда заруратга кўра боғланадилар, ифода этилаётган конкрет мазмун талабига кўра, тил қоидалари бўйича бир-бирлари билан бирлашадилар, яъни ўзгалар учун маълум килиниши зарур бўлган фикрлар, туйғулар, кайфиятлар ва хоҳишлар бўйича.

Албатта, гапда ифода этилаётган конкрет мазмун - бу сўз боғланиши боғлиқ бўлган синтаксисга нисбатан ташқи ҳисобланади.

Ифодаланиши зарур бўлган фикрлар ва туйғулар сўзлар танловини аниқлайди, лекин қандай қилиб айнан шу сўзлар грамматик жиҳатдан

боғланган бўлади - бу энг аввало тилга боғлиқ. Тил эса, маълумки, сўзларни ўзининг алоҳида қонунлари бўйича боғлайди.

Жумладан, рус тили феълга сифатни, олмош феълларга винительный падеждаги отни қўшишга руҳсат этмайди, жуда кам ҳолларда отга равишни қўшиш ҳолларига йўл қўяди. Эътироф этилишича, тил сўзларнинг бир-бирлари билан боғланишига кескин ва жуда нозик чекловлар белгилайди. Биз ҳозиргина морфологик чекловлар мисолини кўрдик. Ушбу чекловлар синтактик, лексик, ва бошқача бўлиши мумкин. Хусусан, агар кўз ўнгимизда (рус тилида) феъллар бўлиб, ушбу феълларни эга позициясини эгаллаши лозим бўлган от билан боғламоқчи бўлсак, ушбу от винительный падежда берилмаслиги керак ёки яна бир мисол - қуйидаги сўзларни лексик жиҳатдан боғлаб бўлмайди, еловая берёза, теплый холод, плыть по кожаной мостовой на велосипеде ва б.

Шундай қилиб, сўз бирикмаларига " руҳсат берувчи" ва "тақиқловчи" сўз бирикмалари турлари ва шартларини ўрганиш юзага келади. Бу вазифа ҳозирда муваффақият билан ривожланаётган сўз бирикмалари назариясида ҳал этилади. Тўғри, сўз бирикмалари табиатини тушунишда олимлар ҳали қоникарли даражадаги қарашлар бирлигига эришганларича йўқ. Шунинг учун мавжуд таърифлардан, гарчи у эътирофга сазовор бўлмасада, лекин ўқув мақсади учун фойдали ҳисобланадиган бирини танлаб олишга тўғри келади.

Бир синтактик боғланиш билан умумлашган икки ёки бир неча тўла маъноли сўзларни сўз бирикмаси деб номлаймиз: видеть птиц, встречать товарища, чтение журнала, полёт к луне, идти вперед, петь весело, читать и думать, новый и дорогой, зеленые, синие и розовые, петь, кричать и разговаривать ва бошқалар.

Тобе боғланиш ёпиқ, тенг боғланиш эса - кўпинча очиқ эканини эслаб кўрайлик. Шунинг учуң ҳам бир тобе боғланиш бир сўз бирикмаси таркибида икки тўла маъноли сўзни, тенг боғланиш эса - икки ва ундан кўпроқ сўзни бирлаштиради. Чтение книги мальчиком, бежать весело на каток ҳолатида сўз бирикмаларининг бирлашган кўринишига дуч келамиз. Бир грамматик ҳоким сўзнинг ўзида икки ёки бир неча грамматик тобе сўз бўлган чоғда ёки сўз тобеликнинг изчил занжирини ҳосил қилган чоғда сўз бирикмалари бирлашмаси юзага келади. Читали изданную в нашем городе книгу гапи «читали книгу», «изданную книгу», «изданную в городе», «в нашем городе» сўз бирикмаларини бирлаштиради. Сўз бирикмаларининг таснифий бўлиниши ҳам тўла маълум эмас. Энг аввало тобе боғланишда сўз бирикмалари ажратилади. Сўнгра тобе боғланишдаги сўз бирикмалари ҳоким ва тобе сўзлар морфологик қарама-қаршилигига, зидлашувига кўра ажратилади (отлашган, феълли, равишли ва б.). Лекин сўз бирикмалари таснифи ҳақидаги бутун масала уларнинг структурасига гапнинг аралашуви билан мураккаблашади. Масала шундаки, гап бирикмаларни қайта

шакллантиради, мисол учун, уларни предикатив кўринишга айлантиради: птицы поют, день солнечный, директор в цехах. Бундай сўз бирикмаларини гапдан ташқарида кузатиб булмайди, чунки улар гапнинг грамматик марказини ташкил этади. В.В.Виноградов сўз бирикмаси бир ажралган тушунчани ифода этишини ўринли қилиб кўрсатиб ўтади; лекин эга ва кесимнинг бирлашуви энди бир ажралган тушунчани ифода этмайди, балки муайян бошқа бир нарса - икки тушунчанинг бир ҳукмга бирлашганини акс эттиради. Ҳақиқатда ҳам "белая берёза" сўз бирикмаси белая сифати билан олинган берёза тушунчасини ифода этади. Лекин, "берёза зазеленела" берёза ҳақидаги бир ҳукмга икки тушунчанинг бирлашгани ҳақидаги жараённинг ўзини акс эттаради. "Белая берёза" сўз бирикмаси илгари бўлинган тушунчанинг тайёр натижасини ифода этади, "берёза зазеленела" сўз бирикмасидаги "зазеленела" берёза сўзининг ҳукмда ўз ифодасини топган "зазеленела" белгисини "очиб бериш" хусусида ахборот беради. Шундай қилиб, сўз бирикмаларини тенг боғланган ва тобе боғланган кўринишларга ажратиб, фикр фаолиятига турли сўз бирикмаларининг ҳар хил муносабати оқибатида юзага келган қийинчиликларга дуч келамиз. Уйлаймизки, бу қийинчиликни бартараф этса бўлади: сўз бирикмаларининг иккита эмас, учта асосий тури ҳақида - нопредикатив тенг боғланган, тобе боғланган ва предикатив тобе боғланган турлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Турларнинг ҳар қайсиси нафақат грамматик аломатлари билан, балки шу билан бир қаторда инсон тафаккурига бўлган муносабати билан ҳам характерланади: тенг боғланган сўз бирикмалари маълум маънода бир хил тушунчалар қаторини ифода этади, нопредикатив тобе боғланган сўз бирикмалари ҳар қайсиси бир тушунчани ифода этади, предикатив сўз бирикмалари ҳукмларни шакллантириш учун тушунчалар бирлашмасини маълум қилади, узатади.

Сўз бирикмаси ичида морфология, лексика ва синтаксис ўртасида мураккаб кураш юзага келади. Жумладан, морфология равишни феълга қўшиш имконини беради, лекин лексика читать вплавь ёки говорить вприпрышку деб айтишга йўл бермайди, морфология одатда равишни отга боғлашга руҳсат этмайди, синтаксис эса буни амалга оширади (директор наверху); морфологиянинг кўрсатмаларига зид равишда синтаксис кўпинча отларни боғлашга рухсат этади (учитель в отпуске, Иванов в работе, артисты в отъезде).

Ушбу масалаларнинг барчасини муфассал кўриб чиқишга ҳозирча тўхталмаймиз, фақатгина шуни айтиш лозимки, турли тилларда сўз бирикмалари турлича кўрилади ва турли морфологик материаллардан ясалади. Йўл-йўлакай яна бир изоҳни бериб ўтиш лозим: сирасини олганда, сўз бирикмаси морфологиядан синтаксисга ўтиш ҳодисаси ҳисобланади, бунда сўз бирикмаси морфологик хусусият касб этади, чунки унда сўзнинг бошқа сўзни ўзига боғлаш ёки унга боғланишдек морфологик хусусияти

намоён бўлади; сўз бирикмаси синтактик хусусият касб этади, чунки бунда морфологияга хос бўлмаган алоқа ва муносабатлар шаклланадики, уларнинг асосида гап бўлаклари, ажратиб кўрсатиш, синтактик уюшиқ бўлаклар ва бошқа синтактик ҳодисалар шаклланади.

Гап хусусида. Синтаксис фанида марказий ўринни гап эгаллайди. Чунки гап тилнинг бош синтактик бирлиги ва бош синтактик категориясидир. Гап бизга маълум бўлган бошқа тил бирликларидан нимаси билан фарқ килади, деган савол келиб чиқади. Бундай саволга жавоб бера олмаслигимиз мумкиндек бўлиб туюлар: маълумки, гап бошқа тил бирликларидан кўпгина турли аломатларига кўра фарқ килади ва биз уларнинг қандай эканини билмаймиз; агар биз буни билганимизда эди, гап ҳақидаги таълимот билан танишишимизга ҳожат қолмасди. Ҳар ҳолда савол қўйилди, гапнинг аломатлари доирасидан энг кўзга кўринган, тилнинг бошқа бирликларига хос бўлмаган бир аломатни ажратиб олсак, афтидан, бу саволга жавоб бера оламиз. Бу аломат - коммуникатив мустақилликдир (communicatio - лотин тилида «хабар, алоқа»). Биз биламизки, тилнинг бош ижтимоий мўлжалланганлиги - кишилар ўртасида алоқа воситаси, тилнинг бош функцияси – коммуникативлик функциясидир. На фонема, на морфема, на алоҳида сўзлар, на сўз бирикмаси гапдан ташқарида коммуникация ҳаракатини амалга ошира олмайди, яъни ўз-ўзидан бу тил бирликлари коммуникативлик воситаларидир. Содда қилиб айтганда, биз гапларсиз мулоқот қила олмаймиз, фикр, туйғу, кайфият ва хоҳишларни ифода эта олмаймиз ва тушуна олмаймиз. Фақат гап мустақил коммуникативдир, яъни алоҳида фикр ифодаси ва узатиш учун "четдан ёрдамга" муҳтож эмас. Кўпинча айтадиларки, гап тугал фикр ифода этади. Бу жуда ноаниқ; биз гапнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлиги ҳақида объектив кўрсаткичга эга эмасмиз;[1] кўпгина гаплар мантиқан тугалланмаган бўлади. (Приехали вчера; Он опять не в духе; А кому ты подарил?).

Гап алоҳида фикрни ифода этади, яъни у билан қўшни бўлган, формал жиҳатдан ажралган ва бир коммуникация фаолиятида узатилиши мумкин бўлган фикрни ифода этади. Гап алоҳида фикрни ифода этиши шартми? Йўқ шарт эмас. Пошли! Ай-ай-ай! Вот так штука! Т-шшш! Ого! каби гаплар фикрларни эмас, онгнинг бошқа фаолият кўринишларини – эмоционал, иродавий ва бошқаларни ифода этади. Бу эса, хусусан, шуни англатадики, гапнинг тафаккурга ва онгга бўлган муносабатига суяниб гапни аниқлаш мумкин эмас.

Биз қуйидаги дастлабки гап таърифини қабул киламиз - **тилнинг энг кичик коммуникатив бирлиги гапдир**. Агар биз нутқнинг маълум бир қисмида бир неча коммуникатив бирликка дуч келсак, бу шуни англатадики, нутқнинг бу қисми гапларнинг маълум миқдоридан ташкил топади. Тил бирликлари қайта ҳосил бўлиш хусусиятига эга, яъни улардан ҳар қайсиси

яна ва яна қайта тузилиши ва янги–янги фикрлар, туйғулар ифодаси учун қўлланиши мумкин. Нутқда фонемалар, морфемалар, сўз бирикмалари схемалари қайта шаклланиши мукин. Гап- чи? Гап бу хусусиятга эгами? У ҳам қайта шакллана оладими?

Мана биз ҳозирги замон синтактис назариясининг нозик масаласига келиб тўхтадик: нимани биз гап деб айтамиз - маълум сўзлар билан тўлдирилган маълум синтактик моделни, конструкцияними? Бошқача айтганда: Солнце согревает землю; Мальчик читает книжку; Инженер проектирует ракету; Ветер носит облака; роща даёт прохладу – кўз ўнгимизда бешта гапми ёки биттами? Ҳозирги замон фанида тил бирликлари билан монанд нутқ бирликларини фарқлаш тенденцияси кучли - тилдаги сўз (лексема) ва нутқдаги сўз, фонема (тилда) ва нутқ товуши ва б. Мисолларимизга қайтайлик. Бешта гапми ёки биттами? Конструкция, схема битта, реал гаплар эса - бешта. Жумла билан гапни фарқлаш мақбул эмасми? Бунда ҳеч ким илмий "йўқотиш" га дуч келмайди. Кўпроқ илмий "ютуқ" амалга ошади: биз ўзимизга гапни янада аниқроқ ва тўлароқ тасаввур этамиз. Тилда бу бир хил, нутқда эса бироз бошқача. Тилда - маълум грамматик конструкция, модель - эга, кесим, воситасиз тўлдирувчи, нутқда эса - маълум сўзлар билан тўлдирилган шу моделнинг ўзи. Гап тил бирлиги сифатида қайта шаклланиши мумкин, у нутқда ўзгарувчан лексик тўлдирувчилар билан такрорланади. Нутқдаги гап эса нутқ бирлиги сифатида янги маъно ифодаси учун қайта шакллана олмайди: бунга грамматик конструкцияни тўлдирган маълум сўзлар халақит беради. Натижада шу нарса кўзга ташланадики, нутқ гапнинг нутқий вариантларидан биридир. Гап нутқдаги гап формасида реал ифодага киришади. Гап нутқдаги кўпгина гаплардан, хабарлардан мавҳумлашган шундай умумий қатламки, у янги ва янги жумлалар тузишда бир хилда яхши иштирок этади. Агарда гап билан нутқдаги гапни (хабарни) бир-биридан ажратилмаса, турли лексик таркибга эга ва турли мазмунни ифода этувчи, хусусий кўринишдаги турли гаплар грамматика тассарруфига ўтиб қолишини англаб етиш қийин. Чунки грамматика тилдаги хусусий ҳодисаларнинг умумий аломатлари ва хусусиятлари билан иш кўради. Гапда грамматикани "модел", "жадвал", "конструкция" қизиқтириб, ушбу конструкцияни реал лексик тўлатмаси унинг эътиборига кирмайди.

Гап ўзининг грамматик табиатини ифода этувчи коммуникативлик, модаллик ва предикативлик каби синтактик категорияларга эга. Ушбу категориялардан ҳар қайсиси ўзининг ички (маъно) ва ташқи (формал кўрсаткичлари) томонларига эга. Коммуникативлилик категориясининг грамматик маъноси қандай? Бу категория нутқ авторининг коммуникатив мақсадини узатади, яъни у бошқа одамларга маълум бир нарса ҳақида хабар бериш нияти, бошқача қилиб айтганда - гапнинг коммуникатив кўрсатмаси. Бу кўрсатма тингловчи ёки ўқувчи гапга эътибор бериши, у билан рози бўлиши ёки рози бўлмаслиги учун зарур. Коммуникатив кўрсатмадан,

бинобарин, коммуникативлик категориясидан махрум бўлган бирон‌та гап бўлмаса керак. Ушбу категориянинг ташқи кўрсаткичи бўлиб, энг аввало, интонация хизмат қилади. Оҳанг бизга гап руёбга чиқдими ёки йўқми, нутқ авторининг коммуникатив муддаоси уз мақсадига эришдими ёки йўқми, билдиради.

Ўз маъноси билан модаллик категорияси инсон онггининг гап мазмунига, гап замирида сирасини олганда нима ётишига нисбатан ўта умумий фарқларни ифода этади. Бу мазмун тасдиқланиши ёки инкор этилиши мумкин, у хоҳланиши, тахмин этилиши, талаб этилиши, сўралиши мумкин. Шундан модаллик категорияси маъносига кўра гаплар бўлишли ва инкор, дарак, сўроқ, буйруқ, ундов ва бошқа кўринишларга ажралади. Весна наступила, Девочка - черноглазая, Икки карра саккиз ўн олти - бўлишли дарак гаплар. Урок не выучен, Подруга не пришла, Пять не делится на два без остатка – инкор дарак гап. Принеси мне воды, пусть они войдут, хорошо бы поехать к теплому морю - ундалма ва хоҳиш англатувчи гаплар. Как хорошо! Что за чудак! Как вам не стыдно!? - буйруқ гаплар. Где же мальчик? Как мне пройти к вокзалу? Что нового в газетах? - сўроқ гаплар ва б. Бир неча модал маънолар бир гапнинг ўзида мужассамлашуви мумкин - дарак ва хоҳиш англатувчи, буйруқ ва ундов ва б. Ташқи жиҳатдан модаллик интонация фарқлари билан ва сўз қурилмаларининг баъзи кўринишлари билан ифодаланади - сўроқ ва ундов сўзлар, юкламалар ва хоказо. Турли тилларда модаллик турлича ифода этилади.

Предикативлик категорияси ҳақида кўп айтилган ва ёзилган. Гарчи ушбу категория жуда яхши маълум бўлсада ва ўрта мактабларда ўрганилсада, хали фан бу категория хусусида ягона қарашни ишлаб чиқмаган: кесимнинг эга билан боғланиши орқали ифода этиладиган категория шу-ку. Баъзан уни кесимлик категорияси деб ҳам атайдилар. Унинг маъноси қандай?

Афтидан, ҳинд-европа,ı фин-угор, туркий ва бошқа тилларда бу категория гапнинг эга номланган предметдаги мавжудлик аломати ажратиб кўрсатилишини номлайди. Мавжудлик аломати нима? У мавжуд эмаслик аломатидан қандай фарқ қилади?.

Қуйидаги жумлаларни солиштириб кўрайлик. *Выдался солнечный день* ва *этот день - солнечный*; *Работали новые электронные машины* ва *электронные машины - новые.* Албатта, *солнечный* ва *новые* сўзлари ҳар бир гапда предмет белгисини номлайди. Лекин ушбу аломатлар гап структурасида ҳам, гап орқали ифода этилган фикрлар таркибида ҳам бир хил эмас. Жумладан, биринчи жумлада *солнечный* сўзи куннинг мавжудлиги, барқарорлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайдиган белгини англатади, куннинг ушбу аломати бизнинг онгимизда замондан ташқарида берилган онгнинг ушбу предметга муносабати ифода этилмаган. Иккинчи жумладаги *солнечный* сўзи бизга куннинг мавжудлиги ҳақида маълум қилади, унинг барқарор эканини, куннинг мавжудлик хусусиятини очиб

беради, предметда ушбу аломатнинг мавжудлигини онг тасдиқлайди. Худди шунингдек *новые* сўзи белги сифатида икки бошқа гапда бошқача фарқланади.

"Кесим эга ҳақида айтилаётганни" англатади, деган нарсани мактаб бизнинг ишончимизга сингдирган. Гапнинг кўпгина сўзларида "эга ҳақида гапирилади". Мисол учун, высокие зелёные липы, раскинувшие свои пышные кроны, не шелохнутся жумласида эга ҳақида улар баланд экани, кўм-кўк экани, қимирламаётганлиги ҳақида гапирилади. Шундай бўлса-да, предикативлик муносабати билан икки гап бўлаги ўзаро боғланган – «липы» ва «не шелохнутся». Чунки бу муносабат мавжудлик белгисининг предмет билан боғланишини ифода этади.

Предикативлик категориясининг ташқи ифода воситаси ва кўрсаткичи бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, кесим билан эганинг боғланиши ҳисобланади. Агар гап бир бўлакли бўлса-чи?

Бир бўлакли гапларда предикативлик категориясининг ифодаловчиси бўлиб гапнинг бош бўлаги хизмат қилади.

Гапнинг уч категорияси - коммуникативлик, модаллик ва предикативлик - назарий жиҳатдангина ажратилади; реал гапларда эса улар мужассам, қоришган, чунки улардан биронтаси ҳам алоҳида, бир биридан ажралган ҳолда ифода этилмайди. Чунки учала категориядан ҳар қайсисининг асосий ифода воситаси бўлиб интонация ҳисобланадики, уни кўпинча "ёпиқлик" ёки "тугаллик интонацияси" деб номлайдилар. Коммуникативлик ва модаллик ҳар қандай гап учун мажбурий ҳисобланади, предикативлик мавжудлик аломатининг предмет билан боғланишини ифода этмайдиган гаплар учун мажбурий эмас, масалан, жуда зўр!, э-ҳе!, ана буни қара! ва бошқалар.

Гап бўлаклари хусусида. Мактаб ўқувчилари гапнинг гап бўлакларига - эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол - ажралишини билади. Нима учун ажратилади ва нима учун улар ҳаммаси бўлиб бешта?, деган саволга жавоб йўқ. Балки бу анъанавий илмий фикрни қайта куриб чиқиш лозимдир? Илмий журналларда, тўпламларда, илмий анжуманларда гап бўлаклари ҳақидаги анъанавий таълимот эскирганлиги ҳақида кўп марта гапирилган. Эски анъанавий таълимотни сақлаб туриш зарурми?

Ҳа, зарур. Ҳозирча у ишонарли кўринади. Биз биламизки, грамматика сўзларнинг грамматик аломатларини, жумладан, келишик, сон, майл, тус, замон ва бошқаларни алоҳида конкрет сўзлар маъноларидан узоқлаштириб, мувҳумлаштириб юборади. Ўз навбатида синтаксис абстрактлаштирувчи иш олиб боради - у энди ўз аломатларини алоҳида конкрет сўзлардан эмас, балки уларнинг морфологик турлари ва майда турлари, сўз бирикмасига кирган сўзлар ўртасидаги морфологик муносабатлардан йироқлаштиради. Шундай қилиб, синтаксис предметнинг предметга, предметнинг жараёнга бўлган муносабатлари мавжудлигига ва ифодаланишига бефарқ бўлиб

қолади: синтаксис фақатгина мустақил ва тобе муносабатларни фарқлайди; агар сўз предметнинг бирор нарсага муносабатини гапдаги синтактик боғланиш эвазига маълум қилса, бу сўз эгага айланади, агар тобе бўлса - тўлдирувчи ва б. Гап конструкциясида предметлар ва уларнинг белгилари ўртасидаги ўта умумий муносабатлар сақланади ва фарқланади. Бу муносабатлар қуйидагича:

а) предметнинг бирор нарсага, одатда, белгига бўлган мустақил муносабати, чунки маълум кўламда синтаксис от, сифат, феъл ўртасидаги фарқларни бартараф этгандек туюлади - мисол учун, агар улар кесим позициясини эгалласа ва у билан тенглашса;

б) предметнинг бирор нарсага тобе муносабати - одатда ҳаракатга ёки предметга;

в) белгининг предметга ярим тобе муносабати;

г) белгининг предметга тобе муносабати;

д) белгининг белгига тобе муносабати;

а) ҳолатида тил эгага эга бўлади,

б) ҳолатида тўлдирувчига,

в) ҳолатида - кесимга,

г) ҳолатида - аниқловчи ва

д) ҳолатида - ҳол.

Бундан гап бўлакларига монанд таърифлар юзага келади: эга гап предметини англатувчи, гапнинг грамматик мустақил бўлаги; тўлдирувчи - предметни англатувчи гапнинг грамматик тобе бўлаги; кесим - гапнинг грамматик ярим тобе бўлаги, чунки у фақат эгага боғлиқ, гапнинг мавжудлик аломатини англатади; аниқловчи гапнинг предмет белгисини англатувчи грамматик тобе бўлаги, ҳол гапнинг бошқа бир белгининг аломатини англатувчи грамматик тобе бўлаги, яъни, ҳаракат, хусусият, сифат.

Маълумки, бу қатъий ҷадвал айрим ҳолатларда жонли тил тарихи, нутқда тил бирликларининг ифодаланиши асосида бузилиши мумкин. Жадвал синтактик ибораларда ривожланувчи муносабатларни қамраб олган морфология таъсири остида ўзгариб туради. Шундай бўлсада, у яшаб келмоқда ва гап бўлаклари ҳақидаги анъанавий тасаввурнинг яшашига имкон беради.

Гап бўлакларини бош бўлаклар ва анъанавий бўлакларга ажратиш анъанавий ва эътиборга лойиқдир. Жумла кўринишида ва унда ташқи борлиқнинг акс этишида бош бўлаклар билан иккинчи даражали бўлаклар ўртасида қатъий сифатлов мавжуд. Эга ва кесимнинг бирлашуви борлиқнинг маълум "бўлаги" ҳақида маълумот бериш учун етарлидир - *птица летит, день - морозный, страна - наша! лошадь - животное*.

Иккинчи даражали гап бўлакларининг бирлашуви бирор нарса ҳақида ахборот бериш учун етарли эмас, *в морозный день, интересуются новыми*

науками, лимонов с острым запахом, в высшей степени неудовлетворительно, пробегая по бетонной дорожке.

Бизни тўлиқ бўлмаган гаплар янглиштирмаслиги зарур, чунки уларда бош бўлаклар бўлмаслиги мумкин: *куда ты идёшь? - в школу, где же вы были? - на реке*. ва бош. Тўлиқ бўлмаган гаплар "ишлайди", чунки улар тўлиқ ва тушунарли реал ҳолат билан боғлиққи, уларни тўла номлашнинг сўзловчига ҳожати йўқ, акс ҳолда бош бўлакларни қўллашга тўғри келади. *Куда? - В школу*.

Шундай қилиб, хабарни баён қилиш учун бош бўлаклар орқали ифода этиладиган мазмун зарур. Шунинг учун бош бўлаклар формал жиҳатдан грамматик маъносига кўра гап структурасининг марказига айланди. Уларсиз гап қурилмайди. Гарчи мулоқот эҳтиёжи бизни гапни ёйишга ундасада, яъни бош бўлакларни маълум иккинчи даражали бўлаклар билан мураккаблаштиришни талаб этсада, иккинчи даражали бўлакларсиз ҳам гап шаклланаверади.

Синтагма хусусида. Синтагма термини (грекча syntagma - боғланган) ҳозирги замон тилшунослигида кенг ёйилган. Лекин у, афсуски, бир хил маънода қўлланмайди, турли лингвистик ишлар унинг турли қўлланишидан дарак беради. Жумладан, бу термин Ф. де Соссюр таълимотига кўра тилда парадигматик ва синтагматик муносабатларни - (грекча paradeigma - мисол, наъмуна) чегаралашда қўлланади. Парадигма отларнинг келишик формалари ҳамда феълнинг замон формалари ўртасидаги муносабатлар бўлиб, сўздаги морфемалар, гапдаги сўзлар ўртасидаги муносабатлар учун хизмат қилади. Мисол учун, А.А.Реформатский фикрига кўра, синтагма - бу икки бўлакнинг тенг ҳуқуқли йўналишда бўлмаган муносабати билан боғланган бирикма.

Сўздаги морфемалар ва мураккаб гаплар таркибидаги гаплар бирикувида маълум маънода умумийлик бор экани ҳақидаги фикр устида тортишиш ноўрин бўлса керак. Лекин бу ерда бизни ўта нозик абстракция эмас, балки гапнинг синтактик структураси билан унинг реал мазмуни бўлмиш мантиқий, психологик, эстетик мазмунлар ўзаро боғланиши натижасида гапда вужудга келадиган муносабат қизиқтиради. Бундай ўзаро боғланишларнинг натижаларидан бири бўлиб Л.В.Щерба ва унинг шогирдлари синтагмалар деб атаган гапнинг бўлакларга ажратилиши ҳисобланади. Маълумки, бундай ҳолатда "синтагма" термини юқорида кўрсатилганидек қўлланишга эга бўлади. Бизнинг эътиборимиз айнан шунга қаратилади. Л.В.Щербанинг кўрсатишича, гап одатда (семантик-синтактик ва интонацион жиҳатдан) айрим сўзлар ёки сўз бирикмаларига монанд келадиган "бўлак"ка, "қисм"га бўлинади. Бундай бўлинишга икки-уч мисол:

6. В безмолвии садов - весной – в мгле ночей - поет над розою восточной соловей.

Но роза милая - не чувствует - не внемлет - и под влюбленный гимн - қолеблется и дремлет (А.С.Пушкин).

7. Путь знакомый и прежде недлинный - в это утро кремнист и тяжел. Я вступаю на берег пустынный - где остался мой дом и осёл (А.Блок).

3. В июльские вечера и ночи - уже не кричат нережла и коростели - не поют в лесных балочках соловьи - не пахнет цветами, но степь все ещё прекрасна - и полна жизни (Чехов).

Ҳар учала гап оҳанг жиҳатидан (оҳангнинг ўзгариши ва пауза билан) бизнинг мисолларимизда тире орқали ажратилган, бўлакларга ажралганини алоҳида исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ташқи жиҳатдан, товушли кўриниши бўйича, бу бўлаклар нутқ тактларига мос тушади. Аммо биз учун энди гап бўлакларининг ташқи томони, товушли кўриниши эмас балки уларнинг структуравий, синтактик ва семантиқ томони муҳим. Бўлакларга ажратиш тўғри келган жойдан эмас, балки гап мазмуни ва уларнинг грамматик тузилиши талаб этган жойларда ажралганини сезиш унча қийин эмас. Гапнинг грамматик структураси унинг бўлакларга бир неча жойларда ажралишига имкон беради, синтактик қурилмадан жой олган конкрет мазмун эса бўлиниш имкониятларидан бир неча ёки ичидан мулоқот вазифаларига ўта монанд келадиган фақат биттасини танлайди. Шуни унутмаслик керакки, гапнинг конкрет мазмуни борлиқнинг маълум ҳодисаларини экс эттириши натижасидагина шаклланмасдан, балки сўзловчининг унга бўлган муносабати натижасида ҳам шаклланади. Гаплар ёзувда уз аксини топган чоғда, борлиқни акс эттирган гапларга муаллифлар муносабатини китобхон талқин этади ва маълум қилади, чунончи, бир текстнинг ўзи турли китобхонлар томонидан бир хил англашилмайди ва талқин этилмайди, шу боисдан ҳам бир гапнинг ўзини синтагмаларга турлича ажратиш имконияти юзага келади, бадиий ўқиш соҳиблари бу имкониятни қўллаб иш ıкўрадилар, маълум бадиий асарга ўзгача қиёфа бағишлайдилар, унга турли талқин берадилар. Нотўғри гап структураси ва музмунига монанд келмайдиган синтагмаларга бўлиниш нутқ хатоси ёки айтилаётганни атайлаб бузиб кўрсатиш қабилида англашилади. Мисол учун қуйидагича айтиш мумкин эмас:

Вчера // вечером она // со своей // приятельницей Машей // Петровой ходила // на концерт оркестра народных // инатрументов, приехавший // из Москвы.

Демак, синтагма - бу икки ёнма-ён жойлашган пауза ўртасидаги гап бўлаги бўлиб, у гапда ўз аксини топган борлиқ ва сўзловчининг унга бўлган муносабатига мувофиқ гап мазмуни ва синтактик структураси бўлишини акс эттиради. Шундай қилиб, гапларнинг синтагматик бўлинишлари масаласи сўз бирикмалари ва гап бўлаклари ҳақидаги масалалар билан боғланади, Лекин шу билан бир қаторда ўзининг назарий ва амалий мустақиллигини йўқотмайди. Дадил илмий изланишларни ва янги илмий ечимларни тақозо

этувчи нутқнинг синтагматик бўлиниш назарияси зарурий тараққиёт погонасига чиқса, нутқ маданияти, саҳна нутқи, нотиқлик санъати, бадиий асарларни ўқиш ва тушунишдаги кўпгина масалалар тўғри ҳал қилинган бўларди.

Гап ва гапнинг актуал бўлиниши. Синтагма назарияси тафаккур бирликлари билан (тушунчалар, ҳукмлар ва хулосалар) гап бирликлари орасидаги муносабатлар хусусидаги жуда эски масалани таҳлил этишдаги янгича уринишлар билан боғланади. Ушбу масалани мукаммал белгилаб шу тарика ёритиш бизнинг қўлимиздан келади деган уйга ҳозирча бормай турамиз. Фақатгина унинг моҳиятини англаб етишга уриниб кўрамиз. Ҳукм қурилиши билан гап структураси тўла монанд келади, хулосага (яъни мураккаб ҳукмга) - мураккаб гап. Лекин шуниси аниқ бўлдики, бундай монандликнинг бўлиши мумкин, аммо бутунлай мажбурий эмас. Оддий ҳолларда, жумладан, «берёза – дерево» ва «мальчиқ бежит», ҳақиқатда ҳам гап структураси гапда ўз аксини топган ҳукм қурилишига монанд келади. Лекин содда ёйиқ гапга ўтиш билан монандликдаги аниқлик йўқолади, чунки ҳукмнинг қайси элементи билан турли иккинчи даражали бўлакларни боғлаш номаълум бўлиб қолади. Бир гапнинг ўзи бир неча ҳукмни ифода этиши билан ахвол мураккаблашади. Одатда гапларда ифода этилувчи ҳукмлар сони миқдор жиҳатдан тўла маъноли гап бўлаклари сонига тенг. Жумладан: *Инженер завтра утром вылетает в Москву,* гапи бешта ҳукмни ифода этиши мумкин.

1. Эртага эрталаб учиб кетадиган кимса - инженер
2. Инженер Москвага эрталаб учиб кетаётган кун - эртага
3. Инженер Москвага учиб кетадиган куннинг вақти – эрталаб
4. Эртага эрталаб инженер фойдаланадиган Москвага бориш - учиш
5. Эртага эрталаб инженер учиб кетадиган жой – Москва

Гапнинг бир структурасида ифода этилган ҳукмларнинг ҳар қайсиси ўз субъекти ва предикатига эга: ҳукмлардаги фарқ гапдаги мантиқий урғунинг силжиши билан ифода этилади.

Гап - бу инсон фикри яшайдиган ва ривожланадиган тил формаси. Форма камҳаракат, ушбу формага киритилган фикр - ўзгарувчан ва динамик. Шунинг учун ҳам гапнинг синтактик ва мазмуний бўлиниши ҳар доим барча кўринишлардан бирига мос келавермайди. Айнан шунинг учун ҳам фанни кўпроқ сўзловчи фикр фаолиятини акс эттирувчи гапнинг мазмун бўлиниши қизиқтиради. Чех тилшунос олими В.Матезиус таклиф этган терминологияга кўра бундай бўлиниш гапнинг актуал бўлиниши номини олди. Бундай бўлиниш моҳиятини рус тилшунос олими К.Г.Крушельницкая кўрсатиб ўтди. Ушбу бўлиниш нима ҳақида хабар берилаяпти ва берилаётган хабарга ажратилади. Гапнинг «нима ҳақида хабар берилаяпти» қисми "маълум эски хабар" термини билан (Матезиус термини бўйича "гап асоси"), "берилаётган

хабар" қисми "янги" термини билан (Матезиус термини бўйича "гап ядроси") деб, Крушельницкая ушбу актуал бўлинишни номлайди.

К.Г.Крушельницкаянинг фикрига кўра маълум ва янги (номаълум) бирикувда коммуникациянинг энг асосини кўриш лозим. Афтидан бу фикрни маъқул деб ҳисоблаш лозим. Ахир биз тингловчи ёки ўқувчига бир нарсани маълум қилиш учун гапирамиз ва ёзамиз. Гапнинг "маълум" ва "янги" қисмларга бўлинишини акс эттирувчи мана бир неча оддий мисоллар:

1. Космонавт Николаев // прибыл в Индонезию
2. Сильные морозы // продержатся еще две недели.
3. Мы едем на юг // завтра утром.
4. Причина его успехов // в его трудолюбии.
5. Литератор пишет свои книга // не ради славы, а ради людей.

Ушбу мисоллар содда. Лекин улар лингвистиканинг янги муаммоси анча мураккаб экани ҳақида тасаввур бера олади. Шу билан бир қаторда бу ҳақдаги билим тил ва тафаккур муносабатини англаб етиш учун фан уринишлари билан боғлиқ масалаларнинг доираси кенг ва мураккаблигини янада кенгроқ очиб беради.

Гап турлари ҳақида. Гаплар қурилиши бир хил эмас. Гапларда ифода этилаётган грамматик маънолар ҳам турлича. Бу она тилини ўрганишда, хорижий тилларни ўзлаштиришда, дарсликларни самарали тузишда, ҳозирги кунда эса машина таржимасига матнни автоматик тарзда ишлаб чиқишга ёрдам берувчи гап турлари ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда асос бўлиб хизмат килади. Фан гапларнинг қайси аломатларини уларнинг типологияси ёки таснифи учун асос қилиб олади? Уларнинг структурасиними ёки модаллигиними?

Структурасига кўра турли тилларда содда ва мураккаб гаплар ажратилади, содда гаплар гап бўла $_1$оладиган қисмларга ажрала олмайди - *Летит самолет, по улице слона водили, как видно, напоказ*. Мураккаб гаплар қисмларга ажрала олади ва уларнинг ҳар қайсиси алоҳида гап бўла олади - *Гремела атака, и пули звенели, и ровно строчил пулемет, пускай утопал я в болотах, пускай замерзать мне снова, я снова всё это пройду*. Албатта, мураккаб гапнинг қисми бўлган гаплар маълум даражада ўзининг коммуникатив мустақиллигини ва коммуникатив тугаллигини йўқотади.

Структуравий аломатларига кўра содда гаплар икки составли ва бир составли, йиғиқ ва ёйиқ, шахсли, номаълум шахсли, умумлашган шахсли ва шахссиз гапларга ажралади. Мураккб гаплар ўз навбатида боғловчили ва боғловчисиз, тенг боғланган ва эргаш боғланган гапларга ажралади. Мураккаб эргаш гаплар тенг эргашиб боғланган гаплар ва изчил боғланган эргаш гапларга, тенг эргашиб боғланганларга ва уюшмай тенг эргашиб боғланганларга, шунингдек, бир бўлакли ва турли бўлаклиларга ажралади.

Эргашиш турларига кўра (тўлдирувчи, аниқловчи ва бош.) мураккаб эргаш гаплар фарқланади.

Ҳозир гапларнинг юқорида номланган турларининг ҳар қайсисини алоҳида синчиклаб ўрганмаймиз – бу конкрет тиллар синтаксиси ўтилганда ўрганилади. Дастлабки танишувимизда гапларнинг структуравий типлари хилма-хил ва ранг-баранг экани ҳақида фикр юритамиз ҳолос.

Гап структуравий типологиясини яратишда улар структурасининг асосий аломатлари ёки унинг "иккинчи даражали" хусусиятлари қай даражада ҳисобга олинишига кўп нарса боғлиқ. Мисол учун, "эга + кесим" ва "эга + кесим + тўлдирувчи" схемасига эга бўлган гаплар бир хил структурвий типга ёки ҳар хил структуравий типга киради ми? Ушбу мисол шундан далолат беради ки, ҳозирги пайтда фанда қабул қилинган гаплар типологияси янада майдалашуви, уларнинг структуравий типлари миқдори ҳамда хилма хиллиги орта бориши мумкин. Гап структураси ҳақидаги илмий тасаввурларни бу хилда муфассаллашувидан, мисол учун, машина таржимаси ва нутқни автоматик ўзлаштиришнинг бошқа соҳалари манфаатдор.

Модаллик хусусиятига кўра (ёки гап мақсадига кўра) гаплар дарак, сўроқ ва буйруқ-истак гапларга ажралади. Лекин бу бўлиниш икки бошқаси билан ҳам қатламлашади - гап мантиқий мазмунининг тасдиқланиши ёки инкор этилиши хусусияти ҳамда гапнинг эмоционал баҳо билан бирга келиш хусусияти.

Қиёслаб кўрайлик: *Артист поёт* (дарак, тасдиқ, буйруқ эмас). *Артист не поёт* (дарак, инкор, нобуйруқ). *Артист поёт!* (дарак, тасдиқ, ундов). *Артист не поет!* (дарак, инкор, буйруқ). Худди шунингдек: *Артист поёт? Артист не поёт?!* Худди шунингдек: *Пусть артист поет!* (буйруқ,тасдиқ,ундов), *Пусть артист не поет!* (ундаш, инкор, ундов).

Шундай қилиб гапларнинг асосий модаллигини назарда тутмасдан (гап мақсади), шунингдек, бирга келадигани ҳам назарда тутилса (тасдиқ, инкор ва ноундов-ундов) гапларнинг ўн икки турли схемаси шаклланади. Бу схема гапларни дарак, сўроқ, ундов кўринишларига ажратиш бир томонлама, мукаммал эмаслигини кўрсатади.

Турли тилларда гап турлари. Турли замонавий тилларда гаплар структуравий типологияси асосий, энг умумий йўналишларида бир-бирига монанд келади. Жумладан, барча ривожланган тилларда содда ва мураккаб гаплар бор, ёзувга эга ва адабиётга хизмат қиладиган тилларда мураккаб гапларнинг боғловчили ва боғловчисиз, тенг боғланган ва эргаш боғланган гапларга бўлиниши мавжуд. Шу билан бир қаторда кўпгина тиллар гап структураларида сезиларли ўзига хос томонлар бор ва уларнинг структуравий типологиясида ҳам шу нарса кузатилади. Икки-уч мисол келтирамиз, рус тилида сўз тартиби гап бўлаклари ўртасидаги муносабатга деярли таъсир килмайди:

«Мальчик читает книгу ва *книгу читает мальчик»* гаплари гап бўлакларининг бир хил таркибига эга. Бу шундан далолат берадики, рус тилида гап структураси гап бўлакларининг ўзаро эркин бирлашувига эга. Бундай хусусиятга барча тиллар ҳам эга бўлавермайди. Жумладан, ҳозирги замон инглиз тилида гап структураси рус тилидагидан фарқли равишда гап бўлакларининг ўзаро қатъий жойлашуви билан ажралиб туради, биринчи ўринда, одатда, эга туради, иккинчи ўринда - кесим, учинчи – ўринда тўлдирувчи, тўртинчи ўринда - ҳол, агар гап таркибида тўлдирувчи биттадан ортиқ бўлса, у ҳолда уларнинг ўрни ҳам қатъий белгиланган: дастлаб предлогсиз воситали тўлдирувчи, сўнгра воситасиз тўлдирувчи ва учинчи ўринда предлогли воситали тўлдирувчи келади, аниқловчи, одатда, аниқланмиш от олдидан келади.

Немис тилидаги гап структураси хусусиятларидан бири рамкали конструкция ҳисобланади. У ўзаро узвий боғланган грамматик элементларнинг ажралишини, орқага силжишини шакллантиради, мисол учун, артикль ва отни - das Bild ёки кесим - von dem Maler Repin geschaffenes Bild (картина, созданная художником Репиным), Novikow hat früher in einer grossen Stadt gelebt (Новиков жил раньше в большом городе).

Яна бир нарсага эътиборни қаратиш керакки, немис тилидаги гап структурасида инкорнинг рус тилидаги каби такрорий қўлланишига йўл қўйилмайди - Мы ещё никуда не ходили.

ТИЛ СТРУКТУРАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Тилнинг структуравийлиги хусусида. Тилнинг ифодаланиши ва тараққиётини фарқлаш хусусида. Парадигматик ва синтагматик муносабатлар хусусида. Тилда икки хил бўлиниш. Ифода плани ва мазмун плани.

Тилнинг структуравийлиги хусусида. Ҳозирги замон тилшунослигида “структура” ва “система” (тизим) терминлари кўп қўлланади. Ҳатто баъзан тилшунослик соҳасидаги ишларда ушбу тушунчалар ўзаро бир-бирини алмаштириб келади, яъни бир хил ёки мантиқан яқин мазмунда бири иккинчиси ўрнида қўлланади; бошқача айтганда “структура” ва “система” терминлари шу жиҳатдан синонимик хусусият касб этади. Шу билан бир қаторда тил структурасини тил системасидан фарқлашга уринишлар бўлмоқдаки, бу ҳолат анча мантиқий асос касб этади.

Тил структураси ҳақида сўз кетганда, энг аввало, унинг барча бирликлари ва категорияларининг ўзаро фарқланиши, ўзаро алоқаси ва бири иккинчисига боғлиқ экани назарда тутилади. Агар тил бирликлари ва категориялари фарқланмаганда эди, улар борлиқ ва онг элементларини фарқлай олмаган бўларди ва мулоқот мақсадларига хизмат қилишга қодир бўлмаган бўлур эди.

Лекин, фарқланган ҳолда тил бирликлари ва категориялари мужассам ҳолда қатъий ва бежирим яхлит кўриниш касб этади, чунки улар бир-бирлари билан алоқага киришади ва бир-бирига боғлиқ бўлади.

Тил бирликлари ва категорияларининг ўзаро боғланиши тушунчаси остида шу нарса англашиладики, улар бир хил ҳолатларига кўра фарқланиб, бошқа аломатларига кўра$_1$ ўхшаш бўладилар. Мисол учун, тиллардаги барча унлилар тембри ва баланд-пастлигига кўра турлича бўлса-да, лекин улар ўхшаш бўлади, чунки уларнинг барчаси оҳанглашган, тонлашган бўлиб, айтилишнинг маълум оҳанг даражасини акс эттиради. Барча замон формалари грамматик маънолар ва уларни ифодаловчи формал кўрсаткичларга кўра турлича бўлади; лекин улар ўхшаш ҳамдир, чунки улар бошқа грамматик категорияларга зидлашган ҳолда замон маъносини ифода этади. Эга ва кесим турличадир, чунки улар турли формал кўрсаткичлар воситаси орқали турли маъноларни узатади, ифода этади; лекин улар ўхшаш ҳамдир, чунки иккинчи даражали бўлакларга қарама-қарши ҳолда гапнинг коммуникатив вазифасини ифода этади.

Тил бирликлари ва категорияларининг бир-бирига боғлиқ экани тарих орқали белгиланади ва кўпгина линиялар бўйича тилдаги кўпгина йўналишларда намоён бўлади. Шу боисдан “боғлиқлик” тушунчасини ягона элементар мантиқий кўринишга боғлашнинг иложи йўқ. Сирасини айтганда,

тил бирликлари ва категорияларининг бир-бирига боғлиқлиги назарияси ҳали яратилмаган. Шу боисдан ҳозирча баъзи мулоҳазаларни айтиш ва баъзи намуналарни кўрсатиш мумкин.

Боғлиқлик моддий ва семантиқ, функционал ва генетик, икки томонлама ва бир томонлама, элементар ва мураккаб, бир элементли ва кўп элементли ва хк. бўлади.

Жумладан, нутқда товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиш ҳодисасига дуч келган чоғимизда (ассимиляция, диссимиляция, редукция ва б.), кўз ўнгимизда моддий боғлиқлик намоён бўлади; “яёв келмоқ” да “яқинлашув” маъноси “оёқлар ёрдамида ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ” маъносига боғлиқ бўлган чоғда, кўз ўнгимизда семантиқ боғлиқлик намоён бўлади. Француз тилидаги herbe, devoir, voir сўзлари лотин тилидаги herbe, debere, vedere сўзларидан шаклланганини эсга олсак, кўз ўнгимизда генетик боғлиқлик намоён бўлади. Агар биз “китобни” сўзидаги келишик формасининг “олмоқ” феълига гапда тобелашувини кузатсак, кўз ўнгимизда функционал боғлиқлик содир бўлганига гувоҳ бўламиз. Бола ва болакай, берёза ва берёзенька сўзларини солиштириб, таққослаб шу нарсага ишонч ҳосил қиламизки, иккинчи ўриндаги сўзлар (болакай, берёзенька) биринчи ўриндаги сўзларга (бола, берёза) ҳам генетик, ҳам функционал жиҳатдан боғлиқ, тобе бўлади, биринчи ўриндагилар эса иккинчи ўриндагиларга боғлиқлиги сезилмайди; бу бир томонлама боғлиқлик мисоли. “Кулдилар ва яйрадилар”, “инжиқ, лекин зукко”, “маккор” кўринишидаги ҳолатларда тил бирликларининг икки томонлама боғлиқлиги кузатилади. Агар боғлиқлик тил структурасининг бир сатҳи доирасида содир бўлса, товушлар ўртасидаги боғлиқлик, гап бўлаклари ўртасидаги боғлиқлик ва бошқа типлар кўрилади.

Агар тилнинг икки бирлиги ёки категориялари ўртасидаги боғлиқлик бир неча структуравий қаватларда, сатҳларда содир бўлса, у мураккаб боғлиқликка айланади, жумладан, “ҳайдамоқ” ва “ҳайдаш” сўзлари лексик, сўз ясаш ва морфологик жиҳатдан боғланган. Одатда, тил бирликлари ва категориялари “жуфтлашиш” хусусиятига кўра боғлиқлашади, яъни бир товушнинг иккинчисига, бир морфеманинг бошқа бирига, бир сўзнинг бошқа бир сўзга боғлиқ экани аниқ. Лекин баъзан тил шундай боғлиқликни намоён этадики, унда тилнинг кўпгина бирликлари ягона таъсир этувчи бирликнинг ўзи билан боғлиқ ҳисобланади. Мисол учун, “иш” оти бутун бир ясама сўз туркумининг шаклланишига таъсир ўтказади, масалан, ишчи, ишчан, ишли, ишсиз, ишламоқ, ишлатмоқ, беиш ва б. Рус тилида: идти, перейти, выйти, найти, дойти, сойти, пойти, найтись, разойтись, пройтись, доходить, подходить, находить, заходить, выходить ва б. Француз тилида: attacher, detacher, rattacher, attachable ва б. Ушбу мисоллар бир элементли ва кўп элементли боғлиқлик ўртасидаги фарқни акс эттиради.

Тил бирликлари ва категориялар ўртасидаги реал боғлиқликларнинг барча бойлигини, Ельмслев ва унинг издошларига ўхшаб, фақат

интердепенденция (икки томонлама боғлиқлик), детерминация (бир томонлама), коммутация ва субституция (маънолар ва уларнинг моддий ифодалари ўртасидаги боғлиқликнинг икки кўриниши) билан боғлаш маъқулрок бўларди.

Шундай қилиб, тил муносабатлари ва боғлиқликларининг ягона яхлит мажмуасидагина уюшган, тилга тегишли бирликлар ва категориялар йиғиндисини тил структураси деб атаса бўлади.

Аммо структура термини воситасида тилга хос бирликлар ва категориялар мажмуасини номлаш мумкин. Тил муносабатлари ва боғлиқликларининг мажмуасини эса система деб аташ мумкин. Бундай вазиятда тил бизнинг назаримизда бир-бирини тақозо қилувчи ва бири иккинчисига таъсир ўтказувчи структура ва система бирлиги сифатида кўринади. Тил тараққиёти ҳам, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда унинг қўлланиши ҳам структура ва системанинг мунтазам тарзда ўзаро муносабатга киришувини, ўз "ҳаракат инерцияси"га кўра, шунингдек, жамоа коммуникатив вазифасига кўра, структура ва ситеманинг мунтазам тарзда ўз-ўзидан тартиблашувини тақозо этади.

Тилнинг ифодаланишини ва тараққиётини фарқлаш хусусида. Тил структураси узлуксиз равишда ҳаракатда бўлади, ишлайди, ифодаланади. Ифодаланар экан, у тўхтовсиз ривожланиб боради.

Тилга тааллуқли бўлмаган белгилар системаси (Морзе алифбоси, денгиз сигнали, светофор белгилари ва б.) ҳам ифодада бўлади, Лекин ифодаланиш жараёнида ўзини-ўзи ривожлантиришга эришмайди.

Тил нафақат ифодаланувчи, шунингдек, ривожланувчи структура сифатида бошқа барча сунъий белгилар тизимидан тубдан фарқ қилади ва шу боис уларга ўхшамайди.

Тилнинг ифодаланиши ва тараққиётини назарий жиҳатдан ажратиш тилшунослик фанининг муваффақиятли ҳаракати учун бутунлай зарур. Нима учун? Шунинг учунки, ифода планида англашилувчи тил структураси ва тараққий этиш планида англашилувчи ўша структуранинг ўзи бир-бири билан фақат қисман монанд келади.

Ифода планида тил бирликлари ва категориялари биргаликда мавжудлашади, тараққий этиш планида эса улар замонда бирин-кетин келади, бунда нутқ эмас, балки тил назарда тутилади. Ифода планида тил бирликлари ва категориялари бир-бирига таъсир ўтказади, уларни тил жамоаси томонидан қўллаш жараёнида бир-бири билан ўзаро боғланади.

Тил бирликлари ва категорияларининг тараққиёти планида бири иккинчисини алмаштиради, бири бошқа бири воситасида шаклланади, шаклланиш жараёнида бири иккинчиси билан ўзаро боғланади.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар қандай тил бирлиги ёки категорияси мавжудлашувнинг ҳар қандай дақиқасида ифодаланади ҳам, ривожланади

ҳам, яъни алоқалар ва муносабатларнинг функционал ва генетик икки типига киритилади.

Тил ифодаланиши тадқиқоти мураккаб тил механизми қандай ишлайди, ишлаш жараёнида унинг бўлаклари ўзаро қандай боғланади, қандай ўрин алмаштиради, деган вазифаларни англаб етишга йўналтирилади.

Мисол учун, нима учун ва қайси нутқ шароитларида бош келишик ёки тушум келишиги қўлланади, нима учун ва қайси шароитларда ҳозирги ва ўтган замон қўлланади, қайси чизмага кўра ва қайси сўзлардан муайян сўз бирикмалари таркиб топади, қайси морфемалардан қайси қоидаларга кўра янги сўзлар ясалади ва б. тилнинг ифодаланишини ўрганиш, тил структурасида объектив "ўрнашган" ва тил бирликлари ҳамда унинг грамматик категорияларидан нутқ шаклланиши жараёнида ўзини сездирувчи ифодаланиш қонуниятларини ўрнатишга йўналтирилгандир.

Тил тараққиёти тадқиқоти вазифаси ўзгача - қайси шароитларда ва қайси йўналишлар бўйича тилнинг бир хил сифат ҳолатларининг бошқаси билан алмашинуви, бир хил бирликлар ва категорияларнинг бошқаси билан, бир хил ифодаланиш қоидаларининг бошқаси билан алмашинуви содир бўлади, деган масала юзага келади.

Мисол учун, бош ва тушум келишиклари формалари ва маънолари, ҳозирги ва ўтган замонлар формалари ва маънолари, сўз бирикмалари чизмалари ва уларнинг лексик ва морфологик тўлатмалари илгари қандай эди ва ҳозир қандай кўриниш касб этади, шулар ўрганилади, демак, табиийки, тадқиқотчи томонидан кузатилган ўзгаришлар содир бўлган шарт-шароитлар ўрганилади. Тил тараққиётини ўрганиш тил структурасида объектив жойлашган бир хил тил бирликлари ва категорияларининг бошқа бирлари билан тўхтовсиз алмашинуви хусусида далолат берувчи тараққиёт қонуниятларини ўрнатишга йўналтирилган.

Ифодаланиш ва тараққиёт бир-бирини тақозо этади: тил бирликлари ва категориялари тараққиёти уларнинг ифодаланишини ҳам ўзгартиради, ифодаланиш жараёнида тил бирликлари ва категориялари ўзгариши юзага келади.

Тараққиёт нима билан аниқланади - ифодаланиш орқалими ёки ифодаланиш тараққиёти орқалими - деган мунозара самарасиз бўлганидек, олдин тараққиёт турадими ёки ифодаланиш, деган мунозара ҳам самара бермайди. Бундан шу маъно келиб чиқадики, тил тараққиётини ўрганмай туриб тил ифодаланишини англаб етиш мушкул; худди шунингдек, тил ифодаланишини ўрганмай туриб, тил тараққиётини тўла англаб етиб бўлмайди. Умуман олганда фан унисини ҳам, бунисини ҳам ўрганиши лозим. Лекин тил ҳақидаги фан унисини ҳам, бунисини ҳам бир пайтнинг ўзида ўрганиш учун хали шундай методларга эга эмас. Фан ифодаланишнинг маълум доирасида тараққиётдан ва тараққиёт доирасида ифодаланишдан чекиниб туришга мажбур. Тил ифодаланиши хусусидаги фаннинг мавжуд

экани мунозарани тақозо этмайдиган факт. Тил тараққиёти хусусидаги фан мавжудлиги ҳам факт ҳисобланади. Жамият, унинг фанга талаблари, одамларга нима зарурроқ - ифодаланишни ўрганишми ёки тараққиётни ўрганишми, деган масалани хал этади. Фаннинг ўз ҳолати бошқа масалани ҳал этади: фан томонидан нима кўпроқ тайёрланган - тараққиётни ўрганишми ёки ифодаланишними?

Афтидан, қайси фанлар ривожланиши ва тақдирланиши лозим - - ифодаланиш ҳақидаги фанми (улар тасвирий ёки синхрон деб ноаниқ номланади) ёки тараққиёт ҳақидаги фанми (улар тарихий ёки диахроник деб ноаниқ номланади), деган мунозара ҳеч қандай рационал мағизга эга эмас.

Жамиятнинг она тили ва хорижий тилларни ўрганишга бўлган кенг эҳтиёжи, машина таржимаси ва матнни автоматик ишлаб чиқиш тил ифодаланиш тадқиқотини ўта интенсив тарзда талаб этади. Бу, шубҳасиз, тил тараққиёти қонуниятларини ўрнатишга йўналтирилган саъй--ҳаракатларни тўхтатиш ёки сусайтириш лозим, деган маънони, оз даражада бўлсада, англатмайди. Бироқ, бу ўринда шуни унутмаслик лозимки, тараққиётга қараганда ифодаланиш фаннинг ҳозирги ҳолатига кўра тўлароқ ва чуқурроқ ўрганилиши мумкин; бу нафақат тил ўтмишини ўрганиш номукаммаллиги билан изоҳланади, шунингдек, бир неча юзлаб тилларда уларнинг ёзувлари бўлмаганлиги сабабли уларнинг ўтмиши битикларда ўз аксини топмаганлиги билан ҳам изоҳланади.

Тил ифодаланишининг икки формаси - парадигматика ва синтагматика хусусида.

Бизга “парадигма” ва “синтагма” терминлари олдиндан маълум. “Парадигматика” ва “синтагматика” терминлари уларни эслатсада, маъно жиҳатдан ўхшаш эмас. Ушбу терминлар воситасида тил структураси бирликларидан ва категорияларидан ҳар қайсисининг ифода этилиш икки формаси ва икки кўриниши номланади. Нуткда ифодаланар экан, ҳар қайси фонема ва морфема, ҳар қайси сўз ва гап ўз вариантларини ўзгартирадилар, бу, биринчидан, бошқа фонемалар ва морфемалар, сўзлар ва гаплар билан алоқада намоён бўлади, иккинчидан, бир парадигманинг ўзидаги бўлаклар маълум ўзгармас қийматнинг, бутунликнинг (инвариантнинг) у билан “ўзгармаслиги”, “барқарорлиги”, “турғунлигига” кўра боғланган вариантлари сифатида бир-бирига муносабатда бўлади: ўзбек тилидаги дарахт отининг бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ушбу отнинг келишик категорияси вариантлари ҳисобланади. *Мен боряпман, сен боряпсан, у боряпти* - бормоқ феълининг шахс-сон категорияси ҳисобланади; *бола хатни ёзмоқда, хатни бола ёзмоқда, хатни ёзмоқда бола* - бир гапнинг вариантлари; *этик, берк* сўзларида [э] товуши вариантлари ўз аксини топган; *поезд ўтмоқда, бола ўтмоқда ва мажлис ўтмоқда* - ўтмоқ феълининг семантик вариантларидир.

Сўзловчи ёки ёзувчи коммуникатив вазифалар ва парадигманинг структуравий аломатларига кўра парадигма бўлакларини саралаб олади. Тил структурасида парадигма бўлаклари биргаликда мавжудлашади ва нутқ оқимида бир пайтнинг ўзида бир жойнинг ўзини эгаллай олмайди; нутқ структураси ёйилиб бориб, ўз ҳаракати ҳар қадамида муайян парадигманинг бўлакларидан бирини ажратиб олади. Шу билан бир қаторда тилнинг ҳар қайси бирлиги (фонема, морфема, сўз, гап ва б.) нутқни шакллантиришда иштирок этиб, ўзининг бирикув имкониятини намоён этган ҳолда ўша сатҳга тааллуқли бошқа тил бирликлари билан албатта алоқага киришади (фонема фонема билан, морфема морфема билан, сўз сўз билан ва б.). Жумладан, [з] фонемаси ўзбек тилида унлилар билан эркин бирикади (зарур, зор, зўр, Зуҳро, зикр, зеро), ундошлар билан эса бир хилда эркин бирикмайди. Ўт - ўзак морфемаси лоқ, -ов, -ли суффиксал морфемалари билан бирикади, Лекин -гай, -зар, -кор морфемалари билан бирикмайди. Сўз ва гапларнинг бирика олиши ёки олмаслиги янада равшан кўзга ташланади.

Шундай қилиб, тил парадигмаси - бу тил бирликлари ва категорияларининг нутқда ифодаланиши жараёнидаги қонуний хилма-хиллашувлар асосидаги ўзгаришлар тизимидир.

Синтагматика - бу тил бирликлари ва категорияларининг нутқдаги ифодаланиши жараёнидаги қонуний бирикмалари, занжирланиши, бирикиши, тизимидир.

Парадигматикани тил морфологияси билан, синтагматикани тил синтаксиси билан чалкаштирмаслик лозим. Морфологик категориялар (энг аввало, сўз туркумлари) синтагматикасини ва синтактик категориялар (энг аввало, гаплар ва уларнинг бўлаклари) парадигматикасини кўра билишга ўрганиш зарур. Сирасини айтганда, сўз туркумлари, мисол учун, от ёки феъл ўзининг алоҳида бирикув қонуниятларига, бошқа сўз туркумлари билан ва бир-бири билан боғланиш қонуниятларига эга, гаплар ва гап бўлаклари эса хилма-хиллашув ўзгаришлари қонуниятларига итоат этади.

Демак, тилнинг барча структуравий сатҳларидаги бирликлари ва категориялари ҳам парадигматик, ҳам синтагматик аломатлар ва хусусиятларга эга ҳамда хилма-хиллашиб ўзгариш қонуниятларига, шунингдек, нутқ шаклланиши жараёнида бир-бири билан бирикиш қонуниятларига итоат этади.

7.ЁЗУВ

Режа: Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари ва аҳамияти. Ёзувнинг кишилик жамияти тараққиётидаги ўрни. Пиктография. Идеография. Фонография
Ёзув тараққиёти. Алфавит. Графика. Орфография. Орфография тамойиллари
Ёзувнинг махсуслашган тизимлари хусусида

Инсон товушли тили сунгги минг йилликларда ёзув тарихи ва ёзув билан боғлиқ.

Ёзув олдин қандай бўлган ва эндиликда қандай кўриниш касб этгани ҳақидаги илк танишувни терминлардан бошлаш қулайроқ.

Тил ҳақидаги замонавий фан «товушли нутқни белгилаб кўрсатиш учун қўлланадиган чизма белгилар тизимини» ёзув деб атайди. Хат билан ёзувни фарқлаш лозим, иккинчи термин муайян ёзув кўриниши ёрдамида бажарилган қўлёзма ва босма шаклдаги асарлар, ҳужжатлар мажмуасини англатади.

Товушли тилга караганда ёзув нисбатан ёш: унинг пайдо бўлганига 400-500 минг йил бўлган деб тахмин қилинса, тилнинг пайдо бўлиши бир ярим миллион йил олдин бошланган деб тахмин қилинади.

Кишилардаги замон ва макон жиҳатидан олис, масофавий мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ёзув пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу нарса аниқки, товушли нутқ, агар махсус чизма белгилар (яъни ёзув ёрдамида) маълум бир материалда ўз аксини топмаса, замонда мулоқот воситаси бўла олмайди. Мисол учун, кета туриб оғзаки кўрсатма бериш ва кўрсатма бир йилдан сунг эълон этилиши ва бажарилиши лозим, деб айтиш мумкин эмас; лекин ушбу вазифанинг ўзи, мабодо ёзиб қўйилган ва конвертга жойлаб қўйилган бўлса, ушбу конверт муаллиф жўнаб кетгач бир йилдан сўнг хат йўналтирилган шахс - адресат тамонидан очилса, осонгина ҳал бўлади.

Шунингдек, хабарни оғзаки тарзда масофадан туриб, айтайлик, беш километр узоқликдан айтиб бўлмайди: агар сўзловчи ва тингловчи бир-биридан шунчалар олисда жойлашган бўлса, товушли нутқ ҳатто жуда баланд овозда айтилса ҳам, эшитилмаслиги, мазмун моҳияти етиб бормаслиги, тушунарли бўлиши мумкин эмас.(Телефон, радио ва алоқа техник воситаларини, албатта, назарда тутмаяпмиз).

Шундай бўлсада, меҳнат фаолиятининг тўхтовсиз мураккаблашуви, денгизда сузиш ва савдо тараққиёти, давлатлараро муносабатларнинг мураккаблашуви - буларнинг ҳаммаси замон ва макондаги масофавий мулоқотга бўлган одамлар эҳтиёжини кучайтирди. Ушбу кучли эҳтиёжга жавоб тарзида ёзув яратилди.

Фан тарихий жиҳатдан бир-бирини алмаштириб келган (алоҳида конкрет тиллар
эмас, балки бутун тил тараққиёти жараёни назарда тутилади) ёзувнинг учта турини билади. **Пиктография.** Термин лотин тилидан олинган pictus (шакли чизилган) сўзидан ва грекча grapho (ёзаяпман) сўзидан ҳосил бўлган. Ушбу термин воситасида, белгилар (улар пиктограммалар деб аталади) борлиқдаги предметлар ва ҳодисаларни (инсон, қуш, балиқ, дарахт, уй расми ва б.) кўргазмали акс эттирувчи чизмали расмларни намоён этувчи ёзув деб

номланиб, белгиларнинг турли бирикмалари, ушбу белгилар воситасида тасвирланган буюмлар ва ҳодисалар ҳақидаги турли маълумотларни баён этган.

Пиктографик хатлар билан алмашишга қадар яшаган икки замонавий дўстларни тасаввур қилайлик. Улардан бири осмоннинг қоронғу қисмига ярим ой, кўтарилиб келаётган қуёш, одам ўтирган қайиқ, балиқ ва қармоқ суратларини чизди. Жавоб хати қуйидаги суратларда ифода этилди: уфққа туташган қуёш, қоронғуликдаги ярим ой, уларнинг бири ёнида турган одам, Москва Кремли қуббаси, вагонни куёш тасвири билан бирлаштирувчи чизиқ. Афтидан, биринчи хат қуйидагиларни англатади: «Эртага эрталаб балик овлашга дарёга бораман». Иккинчи хат қуйидагини англатади: «Бугун кечқурун поездда мен Москвага кетяпман».

Мисолимиз 3 тўла шартли маъно касб этади. Лекин у пиктографик ёзув хусусиятлари тўғрисида етарли аниқ тасаввур бермайди. Ушбу аломатлар қаторида нима учун пиктография вақт утиши билан анча мукаммал ёзув билан алмашганлигини англаб етиш учун ниҳоят муҳим икки аломат мавжуд - мана ушбу аломатлар:

а) пиктограмма бирикмаси гап мазмунини ҳар ҳолда тўла баён этади, Лекин унинг (гапнинг) тил структурасини англатмайди (сўзлар, уларнинг шакллари, уларнинг айтилиш изчиллиги);

б) гапнинг мазмуни қанчалик мавҳумлашса, уни пиктограммалар тўплами воситасида «тасаввур этиш» шунчалик мураккаб бўлади; мавҳум тушунчалар ифодаси учун пиктограммалар ожизлик қилади, ярамайди.

<u>Идеография</u>. Термин грекча idea (ғоя, тушунча) ва grapho (ёзяпман) сўзларидан келиб чиққан. Ушбу термин кўпинча бошқа термин - логография (грекча logos – сўз, grapho) билан алмаштирилади. Идеографик ёзув белгилари идеограммалар[1] деб аталади (ёки бошқачасига логограммалар).

Миср		**Хитой**	
Логограмма	**Унинг маъноси**	**Логограмма**	**Унинг маъноси**
	“Миср”		***“Асир”***
	“Тун”		***“Ёруг”***
	“Эшкак эшмок”		***“Тепада”***
	“Бормок”		***“Пастда”***

	“Жанубий”		***“Усмок”***

Символик идеограммалар (логограммалар) намуналари

Агар пиктограмма предметни тасвирласа, идеограмма эса (логограмма) сўз мазмуни, маъносини номлайди. Пиктограммада, албатта, предмет суратини чизиш лозим. Идеограмма муайян бир предмет билан албатта ўхшаш бўлиши шарт эмас, у предметнинг бевосита тасвири бўлишдек хусусиятини йўқотиб, сўз маъносининг шартли белгисига айланади. Идеограмма (логограмма) моҳиятини янада аниқрок тасаввур этиш учун, замонавий рақамлар ва арифметик белгиларга (кўпайтириш, бўлиш, айириш ва баробар) мурожаат қиламиз. Ушбу белгилар идеограммаларга қараганда анча мукаммал. Улардан ҳар қайсиси ҳеч қайси томони билан тасвирланаётган «предметни» эслатмайди: 3 рақами уч сўзи воситасида англатиладиган реал миқдорга ҳеч қандай ўхшамайди, « : » бўлиш белгиси бўлиш феъли воситасида номланадиган реал ҳаракатга ҳеч бир томони билан ўхшамайди. Шундан идеографиянинг пиктографиядан шубҳасиз ва равшан устунлиги келиб чиқади:

а) идеографик ёзув ҳар қандай сўзли хабарнинг унинг конкретлик ёки абстрактлик даражасидан қатъий назар мазмунини етарли даражада тўлиқ ва аниқ баён этади;

б) ушбу ёзув (гарчи тўла бўлмасада) гап структураси элементларини (жумладан, сўз тартиби, сўз таркиби, грамматик формаларнинг баъзи элементлари) ифода этади;

в) ушбу ёзув чизма шаклига кўра қатъий белгиланган, барқарор белгилар мажмуасидан фойдаланади.

Идеография (логография) ривожланиб борган сари, у нафақат тўлиқ сўзларни, шунингдек, уларнинг бўлакларини, морфемаларни ифода этиш учун анча мослашган ҳисобланади. Мисол учун, хитой ёзуви худди шунақа. Ҳатто сўз товуш бўлакларини ёки сўзлар ўртасидаги товушли фарқларни англатувчи идеограммалар вужудга келмокдаки, бу идеографик ёзувнинг ўзида уни фонографик ёзувга айлантирувчи элементлар пишиб етилганлигидан далолат беради.

Идеографиянинг алоҳида кўриниши бўлиб идеографика деб аталувчи ёзув, мисол учун, Қадимги Мисрда ва Қадимги Шарқдаги бошқа мамлакатларда ҳамда ҳозирги Хитойда қўлланувчи ёзув ҳисобланади. Иероглифлар (грекча hieroglyphoi – сўзма-сўз «илоҳий ўйма», «илоҳий ёзув», «руҳонийлар ўймаси») - бу шундай идеографик белгиларки, уларнинг чизмасида тасвирланаётган предмет билан шакл ўртасидаги баъзи алоқа ҳеч бўлмаганда символик жиҳатдан сақланади, мисол учун, миср ёзувида

оёқларнинг чизма тасвири «бормоқ» ни англатган, ўртасида нуқта бор доира «қуёш» ни, қушларнинг чизма расми «учмоқ» ни англатган ва б.

Миср		**Шумер**		**Хитой**	
Логограм ма	Унинг маъноси	Логограмма	Унинг маъноси	Логограмм а	Унинг маъноси
	“Оғиз”		***“Куз”***		***“Қуёш”***
	“Уй”		***“Ўрмон”***		***“Ит”***
	“Тоғ”		***“Тоғлар”***		***“Инсон “***
	“Сув”		***“Ёй”***		***“Куз”***
	“Пальма барги”		***“Қайиқ”***		***“Тоғ”***

Тасвирий идеограммалар (логограммалар) намуналари.

Идеография (логография) анча барқарор ёзув тизимига айланди ва у баъзи халқларда ҳануз (хитой ёзуви) мавжуд. Маълум маънода бу шу билан изоҳланадики, идеографик ёзув уни алмаштирган фонографик ёзув олдида баъзи устунликка эга. Ушбу устунликлардан бири шуки, бир хилдаги идеограммалар ёрдамида турли тилларда сўзлашувчи ва ўз суҳбатдошларининг тилини билмайдиган кишилар ўзаро мулоқот юритишлари мумкин.

Идеография сўзнинг товушли қисмини, сўз маъносини ифода этади. Арифметиканинг рақамларини ва элементар белгиларини яна бир карра ёдга олайлик: 5 +9=14 арифметик ёзуви рус, инглиз, немис, ҳинд ва япон учун бир хилда тушунарли бўлади. Агарда шу мазмуннинг ўзини товушли тил воситасида ифода этилса, ўзаро бир-бирини тушуниш бузилади: русча «пять плюс девять равняется четырнадцати» деб айтишга, инглизча «файв энд найн из фотин» деб айтишга, немисча «фюнф унд нойн ист фирцен» деб айтишга тўғри келади ва б. Идеографиянинг бошқа устунлиги ёзувнинг

ихчамлигидадир. Бир белги воситасида бутун бир сўз англашилади, уни номлаш учун фонографик тизимдаги ёзувда бир неча белги талаб этилади. Лекин ушбу устунликларни фонографиянинг афзалликлари билан қиёслаб бўлмайдиган даражага етиб борди, фонография пайдо бўлгандан сўнг идеография билан бўлган курашда ишончли ғалабага эришмокда.

Фонография. Термин phone (товуш) ва grapho (ёзаман) каби грек сўзларидан ҳосил бўлган. Ушбу ёзув белгилари (уларни фонограммалар деб атайдилар) сўзнинг товуш элементларини, яъни, бўғинларни ёки товушларни (фонемаларни) номлайди; шунга кўра фонографиянинг икки хил кўринишини фарқлаш қабул қилинган - бўғинли ёзув ва ҳарфли ёзув; бўғинли ёзувга мисол бўлиб ҳинд ёзуви хизмат килади, ҳарфли ёзувга мисол қилиб - немис, француз, ўзбек, рус ва бошқа тилларни кўрсатиш мумкин.

Фонография идеография олдида якқол устунликка эга ва қолаверса пиктографияга нисбатан унда қўлланаётган белгилар миқдори юзлаб карра қисқаради. Ёзувнинг яхши ривожланган идеографик тизими одатда бир неча минг белгини ўз ичига олади. Ёзувнинг замонавий тараққий этган фонографик тизими бор йўғи белгиларнинг (ҳарфларнинг) бир неча ўнлигини ўз ичига олади. Шундай қилиб, аҳоли саводхонликка эришиш учун сарф этаётган куч ва вақтнинг улкан тежамкорлигига эришади. Идеография олдидаги фонографиянинг бу устунлиги ҳал қилувчи устунлик ҳисобланади. Албатта, шунинг ўзигина эмас, бошқа устунлиги ҳам бор. Фонография нафақат гап мазмунини аниқ ва қатъий белгилашни таъмин этади, шунингдек унинг барча структураси, «қават»ларининг товуш таркиби, лексик-семантиқ таркиби, морфологик элементлари ва формалари, синтактик аломатларини аниқ ва қатъий белгилашни таъмин этади. Шу тарзда ёзувчи нутқининг мазмуни ва формаси хусусида ўқувчи ахборотининг янада тўлиқ ва ишонарли чиқишига эришилади.

Ёзув турлари билан таниша туриб, уларнинг орасида пўлат деворлар мавжуд, деган ўйга бориб бўлмайди. Учала турдан бирортаси ҳам «соф кўринишда» маълум эмас, улардан ҳар қайсиси бошқаларидан ўтган қоришмаларга эга.

Пиктография ўзида идеография куртагини олиб юради. Идеография пиктографиянинг кўп сонли изини сақлайди ва фонография элементларини вужудга келтиради. Фонография ўтмиш қолдиқларидан бутунлай қутулган бўлса-да, лекин у ёзма ҳужжатларда ва асарларда рақамлар, математик белгилар, химия ва физика фанлари символикалари билан бирга мужассамлашади.

Ёзув тараққиёти. Энг биринчи ёзув - пиктографик ёзув, афтидан, неолит даврида, яъни эрамиздан олдин пайдо бўлган деб фараз қилинади. Тилшунос олим В.А.Истрин қуйидагиларни ёзади: «... қабилалар ва қабилалар уюшмаси жуда кенг худудларга ёйилган, қабила ичида меҳнат тақсимоти аста-секин ортиб борди ва шу муносабат билан баъзан ёзув шаклида

мустаҳкамланган меҳнат маҳсулотларини айирбошлаш вужудга келди; даставвал қабила мулки, сўнгра хусусий мулк ривожланиб, уни белгилаш учун тамға типидаги белгилар зарур бўлиб қолди; авлоддан авлодга ўтадиган барқарор одат ва удумлар шаклланди; қабила руҳонийлари, бошлиқлар, раҳнамолари, даҳолари ажралиб кўзга ташландики, уларнинг фаолияти ҳам авлодлар хотирасида ўрнаб қолишни такозо этди; айнан шу сабабли ҳам халқ оғзаки ижодига эҳтиёж сезилди. Қабилалар ва қабилалар уюшмаси ўртасида ҳам турли савдо-сотиқ алмашинуви, ҳарбий ва бошқа алоқалар ривожланди. Бу нарсаларнинг барчаси натижасида неолит даврида оғзаки нутқни энг қулай мустаҳкамловчи ва уни катта масофаларга етказувчи восита сифатида ёзувга бўлган эҳтиёж пишиб етилди».

Пиктография манбалари. Пиктографиядан олдин ёзув бўлмаган. Лекин унинг ўз «белги» манбалари бўлган. Улардан бири қадимги қабилаларнинг тошларга, деворларга туширган суратлари бўлган. Иккинчи манба сифатида турли, анча содда, предметли мулоқот тизимини эътироф этиш лозим. Меҳнат жараёнида табиатга таъсир ўтказган ҳолда бизнинг аждодларимиз бир предметга қараб бошқа бир предмет хусусида мушоҳада этиш мумкинлигини сеза бошладалар: ёввойи ҳайвон изига кўра - ёввойи ҳайвоннинг ўзи ҳақида ва унинг ҳаракатланиш йўли ҳақида; қичқириққа кўра - ким қичқираётгани ва қаёқдан келаётгани тўғрисида; сув устидаги кўпикка кўра - унинг тубидаги балиқ ҳақида ва б. мушоҳада этиш мумкин бўлган. Тажриба ва ақл одамларга предметлар, нарсаларни маълум бир нарса ҳақида маълумот бериш учун қўллаш имконияти борлигини аён этади. Предметлар ёрдамидаги мулоқот баъзи қабилаларда ҳатто XIX ва XX асрларда ҳам сақланиб қолган. Жумладан, душманнинг пайдо бўлиши ёки ғалаба ҳақидаги хабар гулхан тутуни ёки барабан овози орқали маълум этилган. Америкалик ҳиндуларда дарахтга боғлаб қўйилган ёй ўқи юриш мумкин бўлган йўлни, йўналишни англатган. Душман қабилалари вакилларининг навбатма-навбат трубка чекиши ярашув ва дўстлик нишонаси бўлган. Юнон тарихчиси Геродот скифлар томонидан форс султони Дорога юборилган ўзига хос предметли «хат» ҳақидаги хикоя килади. Бу хат бақалардан, сичқонлардан, қушлардан ва ёй ўқлари боғламидан иборат эди. Уни тахминан қуйидагича ўқиш мумкин: «Агар сизлар, форслар, қушлар каби учар бўлмасангиз, ботқоқда бақалардек сакрай олмасаларинг, сичқонлар каби ерда яширина олмасаларинг - сизларни бизнинг ёй ўқларимиздан ўлим кутмокда».

Қадимги славянлар ўйма белгилардан - турли эслатма белгилар вазифасини ўтовчи, таёқларга ўйиб, чопиб туширилган нишонлардан кенг фойдаланганлар.

Ирокезлар, гуронлар ва Американинг ҳинду қабилалари вампумалардан - белга тақилган рангли чиғаноқлар қоришмасидан

фойдаланганлар. Чиғаноқларнинг сони, жойлашиши ва рангига кўра вампумалар турли хабарларни баён этган.

Перудаги инклар қабиласи предметли мулоқотнинг алоҳида тизими - кипудан фойдаланган. Бу ўзига хос тўқилган, осилиб турувчи ипларга эга йўғон арқон бўлиб, ушбу иплар, тугунлар ва тўқималар аниқ маъноларга эга бўлган. Хабарларни маълум қилиш учун тугунлар, тўқималардаги миқдорий фарқлар, жойлашувдаги ва рангдаги фарқлар хизмат қилган.

Пиктография пайдо бўлгандан сўнг бой имкониятларга эришди, хабарларни макон ва замондаги олис масофаларга етказиш борасида қулай ва тушунарли килиб қайд этувчи белгилар тизимига айланди.

Идеография тараққиёти. Жамиятнинг ёзма мулоқотга тез ортиб бораётган талаби пиктографиянинг номукаммаллигини кўрсатди. Унинг ичида идеография элементлари аста етиша борди ва эрамиздан аввалги IV-II минг йилликларга келибоқ идеографиянинг (логографиянинг) бир неча кўринишлари мавжудлашди.

Эрамиздан олдинги III-II минг йилликлардаги Миср ёзуви пиктографиядан идеографияга (логографияга) ўтиш даври учун яхши намуна бўлиб хизмат қилади. Унда расмли белгилар ва логограмма белгилари мужассам аксини топди; бунда логограмма белгилари нафақат идеографик белгилар ҳисобланган, шунингдек фонетик белгилар ҳам.

Кучли идеография элементларига эга ўтиш даври ёзуви эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб маълум бўлган шумерлар ёзуви ҳисобланади. Улар Тигр ва Евфрат дарёлари водийсида, Месопотамияда яшаган. Эрамиздан олдинги II минг йилликдаёқ Хитой ёзуви яхши тараққий этган идеографиянинг барча аломатларига эга ёзув ҳисобланган. Идеография (логография) ривожланиб боргани сари, унда сўзлар, уларнинг маъноларини фарқлашнинг янада аниқ воситалари пайдо бўла боради. Асосий белгига нибатан қўшимча детерминатлар - белгилар, маъно фарқловчи аломатлар, мисол учун, бир хилда айтилувчи турли сўзларни фарқловчи белгилар - пайдо бўла бошлади. Мураккаб сўзлар маъноларини ифода этиш учун белгилар бирикмаси пайдо бўлди. Фонетик идеограммалар вужудга кела бошлади, уларнинг вазифаси сўз ёки сўз бўлаклари айтилишини, товушли кўринишини белгилашдан иборат эди. Идеографик ёзув замирида аста-секин бўғинли ёзув, яъни янги типдаги ёзув элементлари ривожлана бошлади.

Фонография тараққиёти. Идеограммаларнинг фонограммаларга ўзгаришида ёзув тарихида баъзи ҳолатлар таъсир кўрсатди, уларнинг орасида:

а) тилдаги бир бўғинли сўзларнинг мавжудлиги; бундай сўзнинг идеографик белгиси сўзнинг маъно белгиси сифатида эмас, балки унинг товуш белгиси сифатида тушунила бошлади; жумладан шумер тилида «камон ўқи» сўзи (стрела) шумерча ti бўғинини - [ti] англата бошлади;

б) Ёзувда атоқли отларни номлаш зарурияти; бунинг учун эса идеограммалар кам яроқли бўлиб қолди, чунки атоқли от тушунча маъносини йўқота бошлади; атоқли отлар айтилишига кўра ва жуда ҳам кам даражада маъносига кўра - тўғрироғи, олдинги маъно изларига кўра фарқланади, шу боисдан идеограммаларнинг фонограммаларга ўзгаришида атоқли отлар таъсири тушунарлидир;

в) тилларда омоним сўзларнинг мавжудлиги: улар канча кўп бўлса, шунча кўп қўлланади, ёзувчини уларни алоҳида идеограммалар билан боғлашга кучлирок ундайди;

г) тилларда синоним сўзларнинг мавжудлиги: бир неча синонимлар учун кўпинча бир идеограмманинг ўзи қўлланилган синонимлар ўртасидаги фарқларни англаб етиш аниқловчи белгиларни вужудга келтирдики, ушбу белгилар ёзувчи онгида синонимларнинг товушли фарқлари билан осонгина боғланди;

д) тилларда аффиксларнинг мавжудлиги: улардан баъзиларини номлаш учун аффикс унинг маъноси абстрактлашуви оқибатида товуш кўриниши билан осонгина боғланадиган алоҳида идеограммалар яратилди;

е) идеограммаларни бир тилдан бошқа бир тилга ўзлаштириш, уларнинг ўзлашиш жараёнида белги, унинг маъно билан муносабатига кўра эмас, балки монанд сўзнинг товуш томони билан алоқасига кўра англашилуви мумкин бўлган. Ёзувнинг турли қадимги тизимларида фонограммалар шаклланиши турли йўллар билан амалга ошган. Лекин натижа бир хил бўлган - ёзувнинг эскиси янгиси билан алмашган.

Энг қадимги бўғинли ёзув кечки давр шумер ёзуви бўлган (тахминан эрамиздан аввалги 2000 йил); унга яқин бўлган ассурий - вавилон ёзуви. Шумер ёзувида ҳам, ассурий - вавилон ёзувида ҳам бўғинли фонограммалар кўп сонли идеограммалар билан бир тизимда бирлашган. Бўғинли ёзувнинг бошқа бир бешиги Ўрта$_1$ Ер денгизидаги Крит ва Кипр ороллари бўлган. Крит ва Кипр ёзуви тарихи унча маълум эмас.

Қадимги Ҳинд ёзуви тараққиётида ҳам кўпгина моментлар унча маълум эмас. Умуман олганда шу нарса аниқ маълумки, эрамиздан олдинги III-аср ўрталарида Ҳиндистонда икки бўғинли тизим - браҳми ва кҳарошти мавжуд бўлган. Бу тизимларнинг ҳар иккиси ҳам (шунингдек, эрамизнинг XIII асрига келиб шаклланган девонагири тизими) идеография изларига эга эмас. Бу ушбу ёзувларнинг юқорида тасвирлаб ўтилган тараққиёт йўлидан фарқ қилувчи, алоҳида йўли бўлган, деган фикрга ундайди.

Девонагири - етарли даражада тараққий этган ва мукаммал ёзув. Дастлаб у санскрит тили учун хизмат килган. Ҳозирги пайтда у Ҳиндистоннинг давлат ёзуви ҳисобланади ва ҳиндий, бенгал ва бошқа тиллар учун хизмат килади.

Бўғинли тизимдаги ёзувлар қаторига Эфиопия бўғинли ёзуви, катакана ва хирагана каби икки хил кўринишдаги япон «кана» ёзуви (хитой ёзуви

асосида эрамизнинг VIII асрида шаклланган) киради; турли кўринишдаги ушбу ёзувлар белгилар миқдори ва товуш қимматига кўра ўзаро монанд келади, Лекин ўзларининг чизмаларидаги, формаларидаги баъзи хусусиятларига кўра улар ўзаро фарқланади.

Эрамизнинг XIV асрида корейс товушли лигатура ёзуви (лигатура икки ёки бир неча биттага бирлашган белгилар) вужудга келади.

Ҳарф-товуш ёзуви тараққиёти. Биринчи ҳарф-товуш ёзуви финикийлар ёзуви бўлган. Ушбу ёзув X-XI асрдан бошлаб маълум бўлган. Унинг белгилари, ҳарфлари финикий сўзларининг айрим товушларини англатади, хусусан, ундошлар номланган; унлиларнинг ёзувдаги номланиши мавжуд бўлмаган. Ҳаммаси бўлиб 22 та алфавит тартибида жойлаштирилган, яъни жойлашувнинг маълум тартибига эга ҳарфлар бўлган. Ҳарфлар ўз номларига эга бўлган (b-«bet», d-«dalet», w«waw» ва б.). Лекин ҳарфларнинг номлари ҳақида финикийларнинг ўзидан эмас, балки анча кейинги ҳужжатлардан биламиз.

Финикий ёзувининг пайдо бўлиши унча аниқ ўрганилмаган. Унинг пайдо бўлиши хусусида уч хил гипотеза бор - миср, ассирий-вавилон ва крит-микен. Ҳар уччаласи ўз тарафдорларига, ёқловчиларига эга. Финикий ҳарфли ёзувининг мустақил тараққиётини тахмин қилувчи омиллар бор. Финикий ёзувини илк миср ёзуви билан боғловчи гипотеза ҳозирча анча исботланган гипотеза ҳисобланади.

Яҳудий, форс, сурия ва араб ёзувлари оромий ёзуви орқали финикий ёзувига бориб туташади. Ушбу манбанинг ўзи қадимда энг тараққий этган юнон ёзувида (эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда) ҳам кузатилади. Қадимги юнон ёзуви товушларни ифодалаш учун (17 ундош ва 7 унли) 24 та ҳарфга эга. Ҳарфлар тизими қадимги юнон фонемалари тизимига қатъий монандлашади. Ҳарфлар горизонтал қаторларда жойлашади. Юнонлар ёзув йўналишини ўзгартирдилар, ўнгдан чап томонга қараб эмас, балки бурилиш ёзув босқичини босиб ўтиб, чап томондан ўнгга қараб ёза бошладилар (бир қатор бир томонга қараб, иккинчи қатор бошқа томонга қараб ёзилиши; қаторларнинг бундай йўналиши юнонларда «бустрофедон» деб номланган. Бустрофедон - юнонча bus - буқа, strepho-буриламан, яъни бустрофедон - ерни шудгорлаш чоғидаги марзалар қайрилиши).

Юнон ёзуви асосида, ўз навбатида замонавий европа алфавитлари манбаига асосланган лотин ёзуви қадимги Римда шаклланди. Юнон ёзуви асосида рус алфавитида Кирилл ёзуви вужудга келди; Лотин алфавитига ўхшаб, рус алфавити кўпчилик алфавитлар - ҳозирги болгар, серб, украин, белорус, чуваш, бошқирд, татар, ўзбек, ёқут ва бошқа тиллар алфавити асоси сифатида қабул қилинди.

Алфавит. Муайян тартибда жойлашган ҳарф - товуш ёзув белгилари мажмуаси алфавит дейилади.

Ҳарфларнинг алфавит тартибида жойлаштирилиши эса амалий ишда, чунончи, кутубхона ишида, луғатларни тузиш ва ундан фойдаланишда ва шу каби бир қатор ишларда қулайлик туғдиради.

Ўзбек тилига қабул қилинган интернационал сўзларни тўғри ёзиш мақсадида рус тилидан айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари ҳам қабул қилинди. Бу белгилар махсус товушни ифодаламайди. Улар бўғинларни айириш ва айрим ундош товушларнинг юмшоқлигини англатиш учун хизмат қилади.

Ўзбек тилининг баъзи специфик товушларини белгилаш учун мавжуд ҳарфларга алоҳида белги куйилди (к, г, х, у - қ, ғ, ҳ, ў).

Ж ҳарфи ҳозирги ёзувда икки хил вазифани бажаради, яъни тил олди сирғалувчи товушни (журнал, аждар каби) ҳамда потрловчи қоришик товушни (жиян, жун, жўра, жавоб, жўжа каби) ифодалайди. Рус тилидан кириб келган ц товуши иштирок этувчи сўзларда рус ёзувидаги ц ҳарфининг ўзи ишлатилади.

Амалдаги графикамиздаги ўзбекча о товуши ҳам икки вазифани бажариб келмокда. У, бир томондан, ўзбекча лаблашмаган, кенг тил орқа (о) фонемаси вазифасини бажарса, иккинчи томондан, рус тили орқали кабул килинган интернационал сўзларда лаблашган тил ўрта о (ў) фонемасининг вазифасини бажаради. Ё - лашган ё, я қўшалоқ товушлари ҳам о фонемаси каби икки хил вазифани бажаради.

Ўзбек шеваларининг кўпчилигида унлилар сони тўққизта, айримларида саккиз - тўққизта. Бирок, шунга карамай, ўзбек алфавитида унлилар олти ҳарф билан ифодаланади. Чунончи, а ҳарфи тил олди, лаблашмаган, кенг унли товушни ифодалайди. О ҳарфи тил орқа, кенг, лаблашмаган унлини ифодалайди. Бу унли аксарият бир бўғинли сўзларда, кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида, айрим ҳолларда эса иккинчи ва учинчи бўғинларда ҳам ишлатилади.

Составида тил ўрта й ундоши бўлган ё-лашган унлилар деб юритилувчи товуш бирикмалари худди рус ёзувидаги каби ё, е, ю, я ҳарфлари билан берилади.

1989 йилдан бошлаб ҳозирги даврда 29 ҳарф символидан иборат лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш амалга оширилмоқда. Бироқ лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувига ўтиш жуда узоқ даврдан бери тўла амалга ошмаяпти. Бундан ташқари янги ёзувимизда анчагина баҳсталаб ўринлар ҳам мавжудки, бу масала тезроқ ҳал қилиниши керак бўлган муаммодир. Масалан, чет тиллардан кириб келган Ц харфли сўзларнинг “тс” тарзида эмас, “с” тарзида берилиши, бизнингча, тўғри эмас.

Графика. Термин юнонча сўз graphikos - ёзилган, сурати солинган, тасвирланган маънони англатувчи сўздан ҳосил бўлган. Ушбу термин воситасида ҳарфлар чизмаси ва ҳарфлар ҳамда товушлар ўртасидаги

муносабатни ўрганувчи фаннинг бўлими номланади. Графика деб, шунингдек, ҳарфларнинг чизмаси ва ушбу ҳарфларнинг товушлар билан боғланиш аломатларини назарда тутувчи турли тиллар алфавити номланади. Графикани таълимот сифатида чизмаларига кўра ҳарфлар, уларнинг формаларига кўра типлари, товуш маъноларига кўра ҳарфлар типлари, яъни қайси товушлар қайси шароитда муайян ҳарф билан номланиши қизиқтиради. Чизма шаклдаги аломатларига кўра, мисол учун, қадимги Шарқ мамалакатларининг (миср, ассурий-вавилон, сурия ва б.) устунли ёзуви, арабларнинг безакли мураккаб ёзуви, Юнон ҳарфларининг қатъий аниқ чизмалари, лотин ҳарфларининг ўртача доиралашган формалари, эгилган доирали тўғри бурчакларга эга, тўғри чизиқларга эга бўлмаган грузин ёзуви белгилари ўзаро бир-биридан фарқ қилади, ҳатто бир алфавитнинг ўзидаги ҳарфлар ҳам бир неча хил кўринишларга эга бўлади. Русча ёзувдаги ва босмадаги бош ҳарфларни, қаторлардаги ёзма ва босма ҳарфларни эсга олайлик; улар бир-биридан сезиларли даражада фарқ килади, мисол учун, Д,д, Б,б, А,а *Д,д, Б,б, А,а* ва б. Товушлар билан боғланишига кўра бир тилнинг ўзида ҳарфлар бир хил эмас ва, қолаверса, турли тилларда ҳам бу манзара кузатилади.

Ҳарфларнинг бизга таниш бўлган рус тили фактлари асосидаги, уларнинг товушли маъносига кўра баъзи фарқли аломатлари билан танишиб чиқамиз. Тилимизда бир маъноли ҳарфлар мавжуд, яъни турли ҳолатларда фақатгина бир товушни ифодалаш учун қўлланиладиган ҳарфлар. Бу, мисол учун, ц ва ч ҳарфлари. Биз ушбу ҳарфларни қандай вазиятларга қўймайлик (яъни, уларнинг ҳарф қуршовини қанчалар ўзгартирмайлик), улардан бири доимо юмшоқ, туташ, тил олди бир товушни [ч], бошқаси эса - қаттиқ, туташ, тил олди [ц] товушини англатади. Бошқа товуш маъноларига ушбу белгилар эга эмас. Д, в, о сингари ҳарфларда бошқача ҳолат кузатилади. Уларнинг ҳар қайсиси кўп маъноли. Жумладан, д ҳарфи турли ҳолатдарда сўзда тўртта товушни [д],[д’], [т],[т’] - дом, идём, плод, сядь - ифода этади. Бинобарин, в ҳарфи тўрт товушни ифодалаши мумкин - [В], [В’], [ф], ва [ф’]: вал, вёл, коров, любовь. О ҳарфи камида икки маъноли: у [о] ва [а] товушларини ифода этади: вол, волу (адабий «а» лашган талаффуз назарда тутилмокда). Рус алфавитида ҳар қайсиси бир пайтнинг ўзида икки товушни англатувчи ҳарфлар бор, бу е, я, ю, ё ҳарфлари: яблоко, поехали, подьём, юноша.

Биринчи қарашда товуш маъноларидан махрум ҳарфлар бор: тилимиздаги қаттиқ ва юмшоқ белгилар (ь, ъ) ҳеч қандай алоҳида товушни ифода этмайди, Лекин шунга қарамасдан, бошқа белгилар билан бирга ҳарфли ифодаларда иштирок этади. Шундай қилиб, графика, одатда, ўйлаганимиздан кўра ҳам анча мураккаб ҳисобланади. Қолаверса, шуни айтиш лозим-ки, биз шунчаки кўз югуртириб чиққан рус графикаси энг мураккаб графикалар қаторига кирмайди. Бу соҳада француз, инглиз, немис графикаси ва кўпгина графиканинг бошқа тизимлари ундан устун келади.

Сўзсиз, графиканинг соддалиги ва мураккаблиги элементар саводхонликни ўрганишда ўзини сездиради: графика қанча мураккаб бўлса, тўғри ёзиш қоидалари шунча мураккабдир.

Орфография. Термин юнонча orphos - тўғри, бехато ва grapho - ёзаман сўзларидан ҳосил бўлган. Баъзан «тўғри ёзув» синонимик термини қўлланади. Сўзлар ёзилишининг бир хиллигини таъминловчи қоидалар мажмуи орфография деб аталади. Ёзув тараққиётининг илк босқичларида, умуман, бундай қоидалар бўлмаган: ҳар қайси ҳаттот ўз билганича, идроки-заковати даражасида ҳарфлар билан сўзларни ифодалаган. Лекин аста-секин мактаблар орқали ёйилган, адабиёт ёрдамида қўллаб қувватланган, жамият ва давлат томонидан ҳимояланган, анча қатъий тўғри ёзиш қоидалари шаклланди. Ушбу қоидалар шаклланиб ўз ифодасини топиши боиси шундан иборат-ки, улар одамларга, жамиятга зарур. Нима учун? Шунинг учун-ки, ёзма нутқ орқали руёбга чиқаётган инсонларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши қийинлашмасин. Айтайлик, бир сўзнинг ўзи турли хил ёзилгудек бўлса, одамларнинг бир-бирини ўзаро тушунишига халакит беради, уларнинг кайфиятини бузади, меҳнат жараёни ўзанини бузиб юборади. Айнан шунинг учун ёзуви мавжуд барча халқларда эрта ё кеч орфографик қоидалар ишлаб чиқилади. Одатда ушбу қоидалар миллий тиллардан келиб чиқувчи эҳтиёжлар таъсири остида ва чоп этилувчи сўзларнинг кучли таъсири остида ўрнатилади. Турли тиллардаги мавжуд амалдаги барча қирралари нисбатан озгина асосий талабларга ёки тил ҳақидаги фанда айтилиши қабул қилинганидек тамойилларга бўйсунади.

Орфографиянинг фонетик тамойили. Энг кучли тамойиллар фонетик ва морфологик тамойиллардир. Биринчи тамойил сўзлар ва уларнинг маъноли қисмлари ушбу сўзларнинг талаффузига биноан ёзилишини талаб этади. Ўзбек тилида ҳам фонетик тамойил ўзига хос ўрин тутади. Талаффузда бошқача кўринишда бўлишига карамай, ёзувда сўзлар меъёрлашган талаб асосида берилади. Қиёсланг: мазкур, тутдек, тошган ва б. Гарчи сўз охирида келадиган баъзи ундошлар талаффузда тушириб қолдирилса-да, ёзувда улар сақланади: хурсанд, баҳраманд, қасд, паст, гўшт, Тошкент, Самарқанд ва б. Талаффузда «и» унлиси кучли ва кучсиз, тил олди ва тил орқа кўринишларидан қатъий назар, ягона и ҳарфи орқали берилади: киши, қилиқ, билан, бироқ, шира, қизил, тушлик ва б. Ушбу тамойилга кўра рус тилида з лашган приставкалар қуйидагича ёзилади: разделить (бўлмоқ, ажратмоқ), расписать, истопить, избежать, воспеть, возделать; ушбу тамойилнинг ўзига кўра суффикслардаги унлилар сирғалувчи ундошлардан кейин, урғу остида ёзилади: бельчонок, мальчонка, девчонка, ноженка, снежок, пушок, крючочек ва б.; ушбу ёзувлар билан қуйидаги сўзларни солиштириб кўрайлик; замочек, овражек, горожек, ва б. Фонетик тамойил устун бўлган

орфографиялар ҳам мавжуд, - шундайлардан мисол учун, белорус орфографияси. Лекин, кўпинча фонетик тамойил бошқа тамойиллар билан уларга жой бўшатган ҳолда биргаликда мавжудлашади. Кўпинча савол туғилади, нима учун, ушбу тамойилни ягона ҳолатга келтириш мумкин эмас, ҳеч бўлмаса рус орфографиясида? Қанчалар содда ва осон бўларди: сўз товушига қулоқ тут ва ёз. Лекин масала шундан иборатки, катта мамлакатнинг турли жойларида бир сўзнинг ўзи турлича талаффуз этилади: бир жойда[в'еду], бошқа бир жойда - [в'иду], учинчи жойда - [в'аду]. Агар талаффуздаги барча чекинишлар сўз ёзилишида акс этса, бу енгиллик келтирмайди, аксинча, кўпгина тушунмовчилик ҳолатларини юзага келтиради ва орфография ислоҳоти талабини вужудга келтиради.

Орфографиянинг морфологик тамойили. Энг кучли тамойиллардан иккинчиси морфологик тамойил. Ҳозирги ўзбек орфографиясида морфологик тамойил асосий ва етакчи тамойиллардан бири сифатида эътироф этилади. Форма ясовчи аффикслар нинг ёзилиши бундан далолат беради. Бинобарин, аффикслар нинг ҳаммаси морфологик тамойил асосида ёзилади. Хусусан, эгалик аффикслари: - м (-им), -нг (-инг), -си (-и), -миз (-имиз), нгиз(-ингиз); келишик аффикслари: - нинг, -ни, -да, -дан; кесимлик аффикслари: -ман, -сан, -миз, -сиз; инфинитив асосий формаси - моқ ва б. Француз тилида «present» (ҳозирги замон) замонидаги феъл ўзагига қўшилувчи шахс-сон қўшимчалари талаффузда сезилмасада, албатта, ёзувда берилади. Je traverse, tu traverses, ils traversent. ***Ушбу тамойил бир морфеманинг ўзини бир хилда, амалдаги товуш қонуниятлари юзага келтирган, унинг айтилишидаги ўзгаришлардан қатъий назар бир хилда ёзилишини талаб этади***. Мисол учун, плоду формасидаги плод морфемаси [а] товушини олади ва сўзнинг дастлабки формасидаги [д] товуши [о] ва [т] товушлари ўрнига келади, Плодоводство сўзидаги ўша морфеманинг ўзи [о] товуши ўрнига қисқарган орқа қатор товушини олади. Лекин, ушбу товуш ўзгаришлари ёзувга таъсирини ўтказмайди: морфема турғун «плод» номланишига эга. Морфологик тамойилга ёзувда икки қўшни сўзни қўшиб юбормасликни тақозо этувчи маъно фарқловчи ёзув тамойили итоат этади, мисол учун: не юкламаси ва феъл ёки от, равиш ва сифат ва бошқалар.

Орфографиянинг тарихий (ёки анъанавий) тамойили. Учинчи мустақил тамойил - тарихий (ёки анъанавий) тамойил. Ушбу тамойил сўзларни олдин, ўтмишда қандай ёзиш қабул қилинган бўлса, гарчи, бундай ёзиш сўзнинг товуш ва морфема таркиби хусусидаги замонавий жонли тасаввурга зид бўлсада, шундай ёзишни талаб этади. Ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги луғат таркибида шундай сўзлар учрайдики, улар ёзувда қадимдан сақланиб қолган ҳолда, анъанага кўра берилади. Сўзларнинг ҳозирги талаффуз меъёрига мос келмайдиган, илгаридан сақланиб қолган ёзилиш формаси орқали ёзувда акс этиши тарихий, анъанавий тамойилга бўйсунади.

Жумладан, -гил -ғил (боргил - борғил); -гали, -ғали, -қали, -кали, (кўргали, очғали, таққали, чопқали); -ур (қилурман) ва б. Француз тилида herbe, habit сўзларида биринчи ҳарф, tapis, puis сўзларида охирги ҳарф ўқилмайди, compter да эса сўз ўртасидаги р ўқилмайди. Aujourd'hui сўзи ёзувида эса тўла тарихий тамойил сақланган. Худди шундай ҳодиса немис тилидаги Tisch (стол), Deutsch (немис тили), инглиз тилида to live, to work (яшамоқ, ишламоқ) сўзларида ҳам кузатилади. Турли тиллар орфографияси юқорида тасвирланган учта тамойилни турли усулда мужассамлаштиради. Бир хил тилларда фонетик тамойил устун келса, бошқа бир тилларда морфологик, учинчи бир тилларда тарихий-анъанавий тамойил устунроқ туради. Инглиз орфографияси, мисол учун, анча анъанавийлашган хусусият касб этади. Шу боисдан у жуда мураккаб, рус, чех ва бошқа тилларга караганда мураккаблиги беқиёсдир. Вақти-вақти билан орфография ислоҳ этилади, унинг сифати яхшиланади, кўпроқ жонли тилга монандлаштирилади. Лекин тез ўтказиладиган ислоҳотлар эътиборга молик эмас, чунки орфографиядаги ҳар қандай жиддий бузилишлар жамият учун кўнгилсиз бўлган кўпгина оқибатларни келтириб чиқаради.

Ёзувнинг махсуслашган тизимлари хусусида. Умум қўлланишдагиларидан ташқари касбий эҳтиёжга хизмат килувчи махсуслашган ёзув тизимлари маълум. Бундай махсуслашган тизимлар қаторига қўлланишига кўра кенг маълум бўлган стенография ва «тор» доира учун маълум бўлган транскрипция ва транслитерация киради. Транскрипция ва транслитерация бўйича маърузаларнинг фонетика қисмида тўла маълумот берилганлиги учун биз фақат қуйидаги махсус ёзув турлари тўғрисида маълумот бериб ўтамиз.

Стенография. Термин юнонча "stenos - тор, ва grapho ёзаман" дан ҳосил бўлган. Бу жонли нутқ ёзма ифодасининг тезлаштирилган жараёнини назарда тутувчи, касбий қўлланишдаги ёзувнинг махсус тизимидир. Стенографик ёзув белгилари амалиётда ҳарфли белгилар ёки уларнинг элементларини шакли ўзгарган кўринишда акс эттиради. Улар ё тўлиқ сўзлар ва ҳатто уларнинг бирикмалари маъноларини ифодаловчи идеограммалар сифатида, ё фонограммалар сифатида қўлланади, лекин одатда тўлиқ бўғинларни ёки ҳатто бўғинлар бирикмасини ифода этади. Ёзувда сўзларнинг ва уларнинг маъноли қисмларини бир хил тарзда ёзилишини тартибга солувчи махсус «орфографик» қоидалр мавжуд. Стенография товушли нутқни ёзиш жараёнини бир неча марта тезлаштиради. У билан муфассал танишув олий таълим амалиётида ҳам, ақлий меҳнатнинг кўпгина соҳаларида ҳам фойдали бўлган бўлур эди.

Бундан ташқари ёзувнинг махсус турларига **Брайл алфавити** ни ҳам киритиш мумкин. Бу кўзи ожизлар учун махсус ёзув тури ҳисобланиб, кўзи

ожизлар жамиятлари кутубхоналарида Брайл алфавитида яратилган бадиий ва илмий адабиётлар жамият аъзолари хизматига берилган.

8.ДУНЁ ТИЛЛАРИ ТАСНИФИ

Режа: Дунё тиллари таснифи тамойиллари. Дунё тилларининг генеологик таснифи. Дунё тилларининг морфологик (типологик) таснифи. Дунё тилларининг ареал ёки худудий таснифи. Халқаро муносабатлар тиллари. Умумжаҳон сунъий тиллари яратиш ҳақида

Ҳар қайси фан ўрганаётган фактларининг асосли таснифини яратишга интилади. Мабодо фан исботли, асосли таснифни қўлга киритгудек бўлса, демак у ўрганаётган ҳодисаларининг муҳим аломатлари ва хусусиятларини кўришга ва тушуниб етишга муяссар бўлади: тасниф умумлашувга суянади, умумлашув эса, ўз навбатида, кўпгина алоҳида ва турли предметларда ҳамда ҳодисаларда уларга хос муҳим аломатлар ва хусусиятларни ажратишга асосланади.

Тил ҳақидаги фан ҳам тил фактлари таснифини, типологиясини излайди. У қатор тиллар, қатор тиллар структурасининг таснифини ҳам излайди. Ҳозирча тилларнинг генеологик, морфологик ва ареал таснифи (гарчи кўпроқ тасниф таклиф этилган бўлсада) кенг илмий эътирофга сазовор бўлган.

Бу таснифлар моҳиятининг қисқа баёнига тўхтаб ўтамиз.

Генеалогик тасниф. Ушбу тасниф тилларнинг қиёсий-тарихий метод ёрдамида очиб бериладиган тарихий қардошлигига асосланади.

Тарихий қардошлик хўсусиятига кўра тиллар одатда оила деб аталмиш бир неча йирик гуруҳларга ажралади. Бир оила ичида тиллар яқин ёки узоқ “қариндошлик муносабатлари” билан боғланади, бу эса шуни кўрсатадики, уларнинг структураларида умумий қирралари бор бўлиб, уларни барча ушбу структуралар маълум бобо тилга, асос тилга бориб туташади, деган фикрга суяниб, изоҳласа бўлади.

Турли оилаларга мансуб тиллар тарихий қардошлик аломатларини намоён этмайди: уларда умумий келиб чиқишга эга бўлган сўзлар ва формалар йўқ (албатта, бир манбадан қардош ва қардош бўлмаган тилларга ўтиб қолиши мумкин бўлган ўзлашган сўзлардан ташқари). Ҳар қайси тиллар оиласи бир неча тилларни ўз ичига олади. Бу ўринда тиллар оилалари айрим тилларнинг оила ичидаги фарқлари ва яқинликларини намоён этади. Бошқача айтганда, оила ичидаги бир хил тиллар бошқа тилларга нисбатан бир-бирларига анча яқин туради. Оила ичида тиллар гуруҳланиши одатда шохлар (гуруҳлар) деб номланади. Бир шохдаги тиллар иккинчи шохдаги

тилларга қараганда бир-бирига яқин туради. Мисол учун, славян тиллари ҳинд-европа тиллари оиласининг алоҳида шохини ташкил этади. Улар рус ва француз, поляк ва испан, чех ва итальян тилларига нисбатан бир-бирига яқинроқ туради. Француз, испан, итальян бошқа тиллар шохи - роман тилларига мансуб.

Шох, яъни кичиқ гуруҳ ичида ҳам тиллар яқинлиги бир хил даражада бўлмаслиги мумкин. Шу боисдан баъзи шохлар гуруҳларга (кичиқ гуруҳларга) ажралади. Славян тилларини бизга маълум жанубий славян, шарқий славян, ғарбий славян тилларига бўлинишини эсга олиш кифоя.

“Таснифдан ташқари” тиллар бўлиши ҳам мумкин, уларда қардош тиллар кузатилмайди. Тилларнинг генеологик таснифи қуйидагича кўриниш касб этади:

I. Ҳинд-европа тиллари оиласи.

1. Ҳинд тиллари группаси. Бу группага қуйидаги тиллар киради:

Жонли тиллар: ҳинд ва урду тиллари, бенгал тили, панжоб тили, лахндо тили, сингх тили, ражастоний тили, гужарат тили, маратҳи тили, сингаль тили, непал тили, биҳар тили, орий тили, ассам тили, кашмир тили, лўлилар тили. Ўлик тиллар: санскрит - қадимий ҳинд адабий тили, пали, прокрит.

2. Эрон тиллари группаси. Форс тили, пушту тили, дарий тили, тожик тили, курд тили, осетин тили, балучи тили, толиш тили, сўғдийлар тили, помир тили. Ёзувга эга бўлмаган Помир тиллари - скиф, паҳлавий, хоразмий, қадимги форс, парфян каби тиллар ўлик тиллар ҳисобланади.

3. Славян тиллари группаси. Рус тили, украин тили, белорус тили, болгар тили, македон тили, серб-хорват тили, словен тили, чех тили, словак тили, поляк тили, кашуб тили, сорб тили, серболуж тили.

Ўлик тиллар: қадимги славян, полаб, помор тиллари.

4. Болтиқ тиллари группаси. Литва ва латвия тиллари тиллари киради. Ўлик тил: прусс тили.

5. Герман тиллари группаси. Дания тили, швед тили, норвег тили, исланд тили, инглиз тили, голланд тили, фриз тили, немис тили. Ўлик тиллар: вестгот ва остгот тиллари.

6. Роман тиллари группаси. Француз тили, итальян тили, испан тили, португал тили, румин тили, молдован тили, провонсал тили, сардин тили, каталан, рето-роман тиллари. Ўлик тил: лотин тили, оскумбр тили.

7. Кельт тиллари группаси. Ирланд тили, шотланд тили, бретон тили, уэльс (валли) тили. Ўлик тил: галл тили ва корнуэл тили.

8. Грек тиллари группаси. Грек тили. Ўлик тил: қадимги грек, ўрта грек ёки Византия тиллари.

9. Албан тили.

10. Арман тили. Ўлик тил: қадимги арман тили.

II. Хом-сом тиллари оиласи.

1. Аккад тиллари, ханнан ва оромий тиллар группаси, араб ва амҳар тиллари, қадимги Миср тили, копт тили, бербер тили, кушит тили.

III. Кавказ тиллари оиласи.

1. Абхаз, кабардин, черкас, адигей, чечен, ингуш, бацбий, авар, даргин, лезгин, лак, табасарий каби ёзуви бор тиллар ҳамда андий, каратин, тиндин, чамолин, багауль, ахвах, бутлих, гадоберин, цез, бететин каби ёзуви йўқ тиллар киради.

IV. Угор-фин тиллари оиласи.

1. венгер (можор) тили, мансий тили, хантий тили, фин, саам, эстон, карель, коми, удмурт, марий, мордва, ненец, энец, селькум тиллари.

V. Тунгус-манчжур тиллари оиласи.

1. Эвенк, манчжур, нанай, удей, ульг, орог тиллари.

VI. Хитой-тибет тиллари оиласи.

1. Хитой тили, дунган тили, вьетнам тили, тай тили, лаос тили, тибет тили, бирма тили.

VII. Дравид тиллари оиласи.

1. Тамил, малалаям, телугу, каннар, тулу, бархун, гонди тиллари.

VIII. Малая-полинезия тиллари оиласи.

1. Малая, Ява, даяк, тагаль, батак, аге, бали, мадур, ториги, буғий тиллари.

IX. Австралия тиллари оиласи.

1. Аранта тили.

X. Папуа тиллари оиласи.

1. Папуас тили.

XI. Африка тиллари оиласи.

1. Бубе, лунду, фанг, конго, рунди, ганда, потто, игала, луба, бемба, субийя, суахили, санга, шамбала, зулу, сото, венда, лунда, занда, банда, кома, кунама, корадофан, мильту тиллари.

XII. Палеосиё тиллари оиласи.

1. Чукот, коряк, одуль, нивх тиллари.

XIII. Эскимос тиллари оиласи.

1. Эскимос тили.

XIV. Шимолий Америка тиллари оиласи.

1. Ҳиндулар тили.

XV. Мўғул тиллари оиласи.

1. Халха-мўғул тили, бурят тили, қалмоқ тили.

XVI. Туркий тиллар оиласи

1. Ўзбек, қарачай, озарбайжон, балқар, қозоқ, караим, туркман, гагауз, турк, қрим-татар, қирғиз, қорақалпоқ, нўғой, татар, шор, уйғур, хакас, бошқирд, ўрхун, чуваш, печенег, ёқут, қипчоқ, тува, қадимги уйғур, олтой, булғор, қўмиқ, ҳазар.

XVII. Судан тиллари.

1. Нил-чад, нил-эфиоп, нил-экватор, кардофан, нил-конго, убанг, шор, нигер-чад, нигер-камерун, қуйи нигер, дагомей, нигер-латгал, либери, сенегал-гвиней гуруҳлари.

XVIII. Банту тиллари.

1. Теке, сонго, суахель, конде, макуа, сотко тиллари.

XIX. Аустрал-Осиё тиллари оиласи.

1. Мон-кхмер, бунда, малакка, марказий ва жанубий шарқий тиллар гуруҳлари.

XX. Узоқ Шарқ тиллари.

1.Япон тили, рюкю тили, қурия (корея) тили, айн тили.

ТИЛШУНОЛИКДА ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг пайдо бўлиши асосий тамойиллари. Ф.Бопп, Р.Раск, А.Х.Востоков, Я.Гримм. Вильгельм фон Гумбольдт илмий тилшунослик назариётчиси сифатида

Қиёсий-тарихий методни юзага келтирувчи омиллар. XIX асрдан анча илгариёк баъзи тиллар ўхшашлиги хусусида айтиб утилган эди. Лекин, бир неча асрлар давомида олимлар ушбу фактларни изоҳлаб бера олмадилар. XIX аср бошида ҳар қандай ҳодисанинг тарихий ривожи ҳақидаги ғоялар тантанаси санскрит тили билан танишув, ўз халқи ва тили тарихи мазмунини англаб етишга бўлган беқиёс интилиш турли мамлакатлар тилшуносларини шундай хулосага олиб келадики, бир неча тилларнинг ўхшашлиги фақат уларнинг қардошлиги билан, уларнинг қадимги бобо тилдан пайдо бўлгани билан ва кейинчалик мустақил ривожланиши билан изоҳланиши мумкин, шунда алоҳида тилларнинг аломатлари пайдо бўлади. Ушбу тилларни қиёслай туриб, қардош ҳодисаларни ўзаро боғланишда ва тарихий изчилликда ўргана бориб, туб ҳодисаларни ва янгиликларни оча бориб, қардош тиллар тарихий тараққиёт йўлини анча тўла кўринишда қайта тиклаш мумкин. Ушбу асосда алоҳида тиллар оилалари қиёсий грамматикаси шакллана бошлади: энг аввало ҳинд-европа тиллари, кейин семит, финн-угор, кейинчалик турк тиллари ва бошқалар.

Тилларни ўрганишнинг ***қиёсий-тарихий номини олган янги методи*** яратилиши тилшунослик ривожида ҳал қилувчи даврга айланди. Ушбу метод учун ***қ и ё с л а ш*** тил материалини системага солиш воситаси бўлди. Тилга тарихий ёндошиш эса тадқиқотнинг асосий тамойили бўлди. Қиёслаш қатъий тартиб асосида олиб борилди ва тил тарихини тадқиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйди. Тилларни бундай тарихий-қиёсий ўрганиш маълум вақтдан кейин умумий тилшуносликнинг вужудга келишига материал ва шароит ҳозирлади. Қиёсий-тарихий метод кашф этилиш билан

тилшунослик қатъий текширилган ва тартибга солинган ҳолга келди ва тарихий мулоҳазалардан ажралиб мустақил ўринни эгаллади.

Ранг-баранг, юз йиллар давомида тўпланган тил материалига энди тилшунослар қандай муносабатда бўлишни билардилар. Тил қонунлари ва қонунлардан ташқарида ётган ҳодисалар аниқ тарихий изоҳга эга бўлди, бир тил ва унинг ҳодисалари унга қардош бўлган тиллар фактлари асосида изоҳлана бошлади.

Қиёсий-тарихий тилшунослик Ф.Бопп, Я.Гримм (Германия), Р.Раск (Дания), А.Х.Востоков (Россия) фаолияти билан боғикдир.

ФРАНЦ БОПП (1791-1867). Санскрит тили билан европа тилларининг яқинлиги асосида қиёсий грамматика яратишга киришган биринчи олим немис Франц Боппдир. Ўша даврда шарқшунослик маркази бўлган Парижда санскрит тили билан танишиб қайтгач, 1816 йили Ф.Бопп 25 ёшида Франкфурт-Майн шаҳрида ўзининг биринчи иши - "Санскрит тили тусланиш системасини грек, лотин, форс ва герман тилларикики билан қиёслаш ҳақида" ("Über das Konjugationssystem der Sanskritsprache in Vergleichung mit jenem der griechischen, lateinischen, persischen und germanischen Sprachen") асарини яратди. Ушбу ишда у тил грамматик қурилишининг фақат бир томонини - феъл флексиясини кузатади: сарлавҳада берилган тиллар формаларини қиёслаш орқали Бопп кўрсатадики, бу формалар асосан ўхшаш бўлиб, уларнинг умумий бир тилдан келиб чиққанлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, 1816 йил қиёсий-тарихий грамматиканинг вужудга келиш йили деб номланиши мумкин. Боппгача ҳам шу нарса маълум эдики, ҳинд-европа тиллари (ушбу терминни истеъмолга Бопп киритган) бир бобо тил асосида пайдо бўлган қардош тиллар оиласини ташкил этади. Буни декларатив равишда В.Джонс ва Ф.Шлегель маълум килган. Лекин, Боппнинг хизмати шундаки, у қардош тиллар материаллари асосида умумий назария яратишга муваффақ бўлди. Феъл қўшимчаларини қиёслай туриб, у шу нарсани изоҳлаб бердики, ҳинд-еврора тилларида нафақат айрим ўхшаш ҳодисалар мавжуд, шунингдек, монандликнинг тўлиқ бир тизими, грамматик тизим бирлиги кузатилади. Унинг мақсади - форманинг қадимги, дастлабки кўринишини ишлаб чиқиб, бир тил ҳодисасини иккинчи бир тил фактлари билан изоҳлаш бўлди. Бу қиёсий-тарихий методни яратишда янги ва ҳал қилувчи нарсага айланди.

Ҳинд грамматистларига қўшилган ҳолда у шундай тахминдан келиб чиқдики, сўзлар дастлаб бир бўғинли ўзаклардан пайдо бўлган. Бир хил ўзаклар феъл ўзаклари ҳисобланиб: as - "урамоқ", tan - "чўзмоқ", бошқа бирлари олмош ўзаклари ҳисобланган: to - "ўша", ma - "менинг" ва бошқалар. Унинг фикрига кўра, биринчиларидан феъл ва от ҳосил бўлган, иккинчиларидан олмошлар ва юкламалар. Бопп фикрига кўра, келишик қўшимчалари ва феълларнинг шахс-сон қўшимчалари ҳам даставвал олмош ўзаклари бўлган, улар вақт утиши билан мустақил от ва феъл ўзаклари билан

қўшилишга, яъни агглютинацияга юз тутган. Лотин тилидаги перфект суффикси amakі - "мен севганман" ни у bhu ўзагидан ҳосил бўлган сўз сифатида лотин тилининг fui сўзи билан изоҳлайди. Бопп санскрит тилини ҳинд-европа тилларининг энг қадимийси деб баҳолашда хатога йўл қўйган. Ҳинд-европа бобо тили емирилишидан кейинги ўзгаришларни Бопп мунтазам йўқотиш сифатида баҳолаган.

Шундай қилиб, А.Мейе изоҳига кўра, Колумб Ҳиндистонга бўлган йўлни излаб, Американи очгани каби, ҳинд-европа бобо тилини излаб, Бопп қиёсий грамматикани очди.

1821 йили Берлин университети профессори бўлган Бопп ўз тадқиқотларини давом эттирди. 1833-1852 йиллари у уч томдан иборат ***"Санскрит, зенд, арман, грек, лотин, қадимги славян, гот ва немис тиллари қиёсий грамматикаси"*** ни чоп эттирди. У тадқиқотига янги-янги тилларни кирита бошлади: форс тили ўрнида анча қадимий зенд тилини (Авесто тили) учратамиз, литва тили грамматикасининг пайдо бўлиши ва славян филологиясининг тараққиёти литва тили ва қадимги славян тилларини қўшиш имконини беради, арман тили ва кельт ва албан тиллари материаллари аллақачон қўлланилган эди. Хетт, тоҳар ва бошқа баъзи тиллар анча кейироқ очилди. Ҳинд-европа тилларининг индонезия ва кавказ тиллари билан қардошлигини исбот этишга интилиб, Бопп хатога йўл қўйгани рост.

Боппнинг ҳинд-европа флексиялари таҳлилига мурожаати қиёсий-тарихий тилшунослик учун муҳим аҳамият касб этди. Бопп деярли фақат морфология билан, хусусан, сўз ўзгаришлари билан шуғулланган, Лекин фонетик эволюция ва унинг қонунларини ўрганишни инкор килган. У на форма қурилишини ва на гап структурасини тадқиқ этган.

РАСМУС РАСК (1787-1832). Бопп билан бир даврда, лекин унга боғлиқ бўлмаган ҳолда Даниялиқ тилшунос Расмус Христиан Раск ҳинд-европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганишни бошлаган. 1811 йили у ўзининг биринчи иши - "Исланд тили юзасидан кўрсатма" китобини чоп эттирди, бу китобда у мантиқий грамматикага қарши чиқди. "Грамматиканинг вазифаси сўз қандай ҳосил этилиши керак, деб кўрсатма бериш эмас, балки сўз қандай ҳосил бўлади ва ўзгаради, деб тасвирлашдир", деб ёзади у.

1816-1823 йиллари Раск Осиё бўйлаб саёҳат килди, Ҳиндистон ва Россияда бўлиб қайтди. Лекин у ўз ишларида санскрит тили маълумотларини қўлламади. 1823 йилдан то бевақт вафотига қадар Раск Копенгагенда профессор бўлган. Раск "Қадимги шимол тили соҳасидаги тадқиқот ёки исланд тилининг пайдо бўлиши" номли катта ишини 1814 йили ёзиб тугатди ва 1818 йили чоп эттирди. Ушбу ишнинг иккинчи қисми немис тилида 1822 йили "Фракий тил синфи ҳақида" номи остида чоп этилди.

Раск герман тилларини грек, лотин ва болтиқ-славян тиллари билан ўхшашлигини очди ва ҳозирги кунда ҳам актуал ҳисобланган кўпгина

қоидаларни баён этди. Унинг ҳисоблашича, узоқ ўтмишдаги халқлар ва уларнинг қардошлик алоқаларини билишнинг бирорта воситаси ҳам тарих биздан узоқлашаётган чоғда тилчалик муҳим бўла олмайди. Тилларни қиёслаш чоғида у лексика билан грамматиканинг аниқ фарқларини таклиф этди ва грамматик монандликларнинг ва энг зурур тушунчалар, ҳодисалар, предметлар билан боғланган лексиканинг биринчи даражали аҳамиятини кўрсатиб берди.

Расknинг ҳисоблашича, тилларнинг қардошлиги ёки келиб чиқиши умумийлигидаги ишончли аломат бўлиб, грамматик монандликлар ҳисобланади, чунки тилларнинг ўзаро алоқасида тил жуда кам ёки ҳеч қачон турланиш ва тусланиш формаларини қабул килмайди, аксинча, ўз хусусий формаларини йўқота боради. Раск сўз маъносини ўзгартириш мумкинлигига эътибор қаратди, тилдаги асл ва ўзга тиллардан кириб келган сўзлар фарқлари аломатларини кўрсатиб ўтди, тадқиқот чоғида сўзни синчковлик билан морфологик таҳлил қилишни тавсия этди, "ўзакнинг ўзини ажратмаслик ва унга тегмаслик"ни тавсия этди, этимологик таҳлилда "маънодан ўзга ёрдам воситаси йўқ эканини" адолатли равишда эътироф этиб, қардош тиллар ўртасида фонетик монандликлар учун қоидалар аниқлашни таклиф этди. Айнан шунинг учун Раск этимологияни оқлаб чиққан, деб ҳисоблайдилар. Раск, Бопп каби ўз олдига ушалмайдиган генетик вазифаларни қўймайди. У скандинав тилларининг бошқа ҳинд-европа тиллари билан алоқаларини тадқиқ этади ва бунда қиёсланаётган тилларнинг дастлабки формаларини қайта тиклашга интилмайди. У уз тадқиқотини исланд тилидан бошлаб, уни яқин "атлантик тиллар" бўлмиш гренланд, кельт, баск, фин тиллари билан қиёслайди, улардаги қардошлик хусусиятларини рад этади. (Кельт тиллари хусусида у кейинчалик ўз фикрини ўзгартиради). Кейинчалик Раск исланд тилини яқин қардош тил - норвег тили билан, кейиң бошқа скандинав тиллари - швед, дания тиллари билан қиёслайди. Ушбу тиллар бошқа герман тиллари билан қиёсланади. Нихоят, бутун герман тиллари гуруҳи ва унинг аломати грек ва лотин тиллари билан қиёсланиб, Раск грек ва лотин тилларини "фракий" тиллари деб номлайди. Натижада, Раск шундай хулосага келадики, скандинав ва герман тиллари яқин шохлар ҳисобланиб, славян ва болтиқ тиллари гуруҳлари билан "қадимги фракий" тилида ўз манбаига эгаки, ушбу тушунча остида ўтиб кетган бобо тил ёки жанубий-шарқий Европадаги тарихий даврга ча бўлган тил англашилади. Чунки, унинг фикрича, грек ва лотин тиллари энг қадимий ва ўша тилнинг ягона қолдиклари ҳисобланади ҳамда шу грек, лотин тиллари исланд тили манбаи сифатида кузатилиши зурур.

А.Х.ВОСТОКОВ (1781-1864). Александр Христофорович Востоков славян тили материали асосидаги қиёсий-тарихий метод асосчиларига киради. Востоковнинг асосий ишлари "Славян тили ҳақида мулоҳазалар" (1820), "Рус тили грамматикаси" (1831),"Улуғ рус тили вилоят луғати

тажрибаси" (1852), "Славян черков тили луғати" (1858-1861) кабилардир. Унинг шогирди И.И.Срезневский "А.Х.Востоковнинг филологик кузатув китоби»да А.Х.Востоковнинг филологик ишлари, асосан палеография ва тарих бўйича, славян ёзуви айрим ёдгорликлари тарихи бўйича ишларини 1825 йили чоп эттирди. 1826 йилдан А.Х.Востоков Россия Академияси аъзоси ва Фанлар Академияси мухбир аъзоси, 1834 йили академик бўлиб сайланди. 1820 йили "Россия ҳаваскор сўз усталари жамияти ишлари" да чоп этилган А.Х.Востоковнинг кичик "Славян тили ҳақида мулоҳаза" иши катта аҳамият касб этди. Ушбу ишни олим славян тиллари тасвиридан бошлайди, Добровскийнинг шарқий ва ғарбий славян тиллари таснифини такрорлайди, лекин асосий эътиборни қадимги славян тили жойини аниқлашга ва унинг рус, серб ва бошқа тилларга муносабатига қаратади. Жонли славян тиллари ўзаклари ва грамматик формаларини қадимги славян тили фактлари билан таққослаб А.Х.Востоков ўзига қадар ноаниқ бўлган қадимги славян ёдгорликлари фактларини аниқлаб олди. Энг аввало, қатор қадимги славян сўзларини бурун товушини сақлаб қолган поляк тили билан чоғиштириб, у катта ва кичиқ "юс" лар товуш қимматини аниқлади. Ўлик тиллар фактларини жонли тиллар ва диалектлар фактлари билан бундай қиёслаш янгилик бўлди ва кейинчалик қиёсий грамматика мулкига айланди. А,Х.Востоков тушунчасига кўра, қадимги славян бобо тили диалектларга бўлинган, улар ўз навбатида алоҳида тилларга айлангунча грамматик фарқлари кўпайиб, мунтазам фарқланиб борган. Бурун товушлари, олд қатор унлилари олдида қадимги славян тили ti, di ва kt товуш бирикмаларининг ривожланиш мисолида Востоков қардош тиллардаги товушларнинг монандлик ҳаракатини очиб берган.

ЯКОБ ГРИММ (1785-1863). Славян тилларини тадқиқ этган А.Х.Востоковга ўхшаб, Я.Гримм қиёсий-тарихий метод ёрдамида бир тиллар гуруҳи - герман тилларӣни тадқиқ этди. Унинг 4 томли "Немис тили грамматикаси" (Deutsche Grammatik) муҳим аҳамият касб этади. Бу немис тилининг бошқа герман тиллари билан биринчи ёзма ёдгорликлардан бошлаб кенг миқёсдаги қиёсини ўз ичига олган грамматикадир. Ушбу ишнинг биринчи томи 1819 йили чиқди. Герман тилларининг тарихий фонетикасини, жумладан, герман тилларида ундошларнинг силжиш қонунини ўз ичига олган, тубдан қайта ишланган иккинчи томи 1822 йили чоп этилди. Барча 4 та том 1837 йили тугалланган. "Немис тили тарихи" (Geschichte der deutschen Sprache) 1848 йил пайдо бўлди. Ўзининг катта "Немис тили луғатида" Я.Гримм немис тили луғат таркибини Лютердан бошлаб то Гётегача қамраб олишга интилган. Биринчи том 1854 йили чиқди, сўнгиси фақат юз йилдан кейин - 1960 йили чиқди.

Ҳинд-европа товушлари bh, dh, gh герман тилида b, d, g га ўзгарди, ҳинд-европа b, d, g товушлари герман тилидаги p, t, k товушларига, ҳинд-европа p,

t, k товушлари герман тилидаги ph, th, kh товушларига ўзгарди. (лот. pater - нем, Vater, лот.corki - нем. Horn, лот. duo - нем. zwei).

Бу фонетик қонунларнинг биринчи намунаси бўлиб, унинг эътироф этилиши асосида ҳар қандай тилнинг замонавий тарихи қурилади.

Тил фактларини ўрганишга амалий ёндошувга кўра, Гриммнинг иши айрим ҳинд-европа тиллари тарихини юзага келтиришга алоҳида таъсир кўрсатди. "Немис тили грамматикаси" да Гримм умумий тилшунослик назарияларини ёки дадил таклифларни олға суриш билан шуғулланмайди, у қардош тилларни ўрганишда тарихий ёндошувни амалга оширади ва герман тилларидаги грамматик формаларнинг ҳақиқий силжишини баён этади. Шубҳасиз, кўпгина тадқиқотчиларга Гриммнинг "Бизнинг тилимиз - бизнинг тарихимиз ҳам" деб айтган тезиси маъқул тушган эдики, у буни амалиётда маҳорат билан амалга оширди.

Гриммнинг яна бир принципи - тил фактларини синчковлик билан ўрганишга интилиш эди. У айтган эди: "Грамматикада мен умуммантиқий тушунчалардан йироқман. Улар, афтидан, таърифларга қатъийлик ва аниқликни олиб кирадилар. Лекин улар кузатувга халакит беради, кузатувни эса мен тил тадқиқотининг қалби, деб ҳисоблайман". Ушбу принципга амал қилиш Гриммга катта материал асосида Раск ва бошқа даниялик тилшунос Я.Бредедорф айтиб ўтган ундошларнинг биринчи герман силжишини исботлаш ва асослаш имконини бердики, бу қонунга биноан барча герман тиллари ёпиқ ундошлари системаси бир поғонага силжиди.

Хуллас, қиёсий-тарихий методнинг пайдо бўлиши дунё тилларини таснифлаш имконини туғдирди ва натижада тилларни турли нуқтаи назардан таснифлаш бошланди. Юқорида сўз юритилган тилларнинг генеалогик таснифи ва қуйида келтирилган тилларнинг морфологик (типологик) таснифи айнан қиёсий-тарихий тилшуносликнинг юзага келиши билан боғлиқдир.

1

Дунё тилларининг морфологик таснифи. XIX-XX асрлар мобайнида тил ҳақидаги фан морфологик (ёки типологик) деган номни олган иккинчи таснифни яратди. Фаннинг ушбу соҳасида олиб борилган изланишлар ҳақидаги муфассал шарҳни ўқувчи эътиборига А.А.Реформатский ҳавола этади. У ишончли тарзда фан ҳали тиллар морфологик типларини очиб бериш борасидаги кўп уринишларида тўла қониқарли натижаларни қўлга кирита олмаганлигини кўрсатиб беради.

Типологик тасниф кўп тилшунос олимлар томонидан турлича амалга оширилган. В. фон Гумбольдт тилларни тўрт типга бўлса, А.Шлейхер уч типга бўлади.

Шундай бўлсада, баъзи натижалар қўлга киритилган ва эътироф қозонган. Гарчи ўта қатъий бўлмасада, дунё тилларининг кўпчилигини бирлаштирувчи тўртта морфологик типнинг мавжуд экани хусусида сўз юритиш мумкин.

Бир хилдаги типга тиллар қайси аломатга кўра бирлашади деган савол туғилиши табиий - сўз морфологик қурилишида муайян тил учун хос бўлган қатъий аломатларга кўра бирлашади.

Флектив тиллар. Баъзи тиллардаги сўзлар морфологик структурасида флексия роли улкан ҳисобланади. Флексия бир сўзнинг ичида, унинг грамматик формалари доирасидаги турли грамматик шакл ўзгаришларини ифода этади. Шу боис бундай тилларда флексия - сўз морфологик структурасининг барқарор ва муҳим аломати. Ушбу аломатга эга тиллар бир морфологик типни - флектив тиллар типини ташкил этади. Ушбу типга энг аввало ички флексияга эга ҳинд-европа тиллари ва сўнгра семит-ҳамит тиллари киради; бироқ семит-ҳамит тилларига кенг қамровли аглютинативлик аломатлари ҳам хос; шу боисдан академик Ф.Ф.Фортунатов ушбу тилларда асосли тарзда оралиқ типни кўради.

Агглютинатив тиллар. Бир қатор тилларга агглютинативлик хусусияти, яъни ҳар қайсиси бир грамматик маъно ифодаловчи ўзак асосга изчил тарзда қўшилувчи, ёпишувчи алоҳида аффиксли тилларга хос. Бундай аффикслар сўз морфологик структурасининг барқарор ва муҳим аломати бўлиб хизмат қилади. Ана шундай аломатга эга тиллар агглютинативликни, иккинчи морфологик типни ташкил қилади. Ушбу типга турк, угор-фин, мўғул, дравид тиллари, банту, япон тиллари киради. Табиийки, агглютинация даражаси ва аниқлиги юқорида қайд этиб ўтилган барча тилларда бир хил эмас.

Ажратувчи (ўзак) тиллар. Узоқ вақтлар ушбу типдаги тиллар грамматик (аниқроғи морфологик) формадан махрум деб ҳисобланиб, аморф тиллар деган ном билан юритилади. Лекин шундай бўлиб чиқдики, аморф тилларнинг ўзи бутунлай бўлмас экан. Агар тилга грамматик қурилиш хос бўлса (ҳозирда мавжуд тиллар грамматик қурилишдан маҳрум бўлиши мумкин эмас), унинг сўзларига ҳам муайян грамматик жиҳоз ва “форма” албатта хос, улар биз учун одатий ёки ноодатий бўлиши мумкин. Европаликлар учун хитой тили грамматик формалари ноодатий туюлган, шу боисдан, эҳтимол, хитой тили узоқ вақт морфологик формасиз, ҳатто сўз туркумларига ҳам эга бўлмаган тил деб қаралган. Бунинг ҳаммаси нотўғри бўлиб чиқди.

Ўзакли тиллардаги сўз морфологик структураси қандай барқарор ва муҳим аломатлари билан тавсифланади? Йўл-йўлакай биз бу ҳақда гапириб ўтганмиз. Бундай тилларда форма ясовчи аффикслар йўқ, албатта, бундай сўзнинг аффикслар билан боғлиқ грамматик ўзгаришлари йўқ. Шунинг учун сўз асосга (ўзакка) тенглашади. Бундай тилларнинг номланишидан бири шундан. Флектив ва агглютинатив тилларни ўзакли тилларга таққослаб солиштирган ҳолда уларни аффиксал тиллар деб аташ мумкин. Форма ясовчи аффиксларнинг мавжуд эмаслиги сўзлар ўртасидаги боғланишлар ифодасига таъсир этади. Ўзакли тилларда ушбу боғланиш аффиксли

тилларга қараганда кам формал, кам грамматиклашган, анча эркин ва семантиқлашган. Ўзакли тилларнинг иккинчи номланиши шундан келиб чиқади - уларни кўпинча ажратувчи тиллар деб атайдилар. Ушбу тилларда сўзлар ўзаро боғлиқликнинг аффиксал кўрсаткичларидан маҳрумдир. Ўзакли тиллар қаторига хитой, таи, бирма ва бошқа Жанубий Осиёдаги тиллар киради.

Полисинтетик (инкорпоратив) тиллар. Инкорпорация ҳодисаси Америка ҳиндулари ва Осиёнинг палеосиё тилларига (чукот, коряк, камчадал ва б.) хос. Ушбу тиллардаги сўз морфологик структурасининг барқарор ва уларга хос аломати унинг тугалланмаганлиги, "нотугаллиги" ҳисобланади: сўз фақат гап таркибида ўзига хос структура касб этади. Гапнинг грамматик қурилиши айни пайтда сўз грамматик қурилишининг якунланиши, тугаллиги ҳисобланади. Қолаверса, бу ўринда шуни илова қилиш лозимки, инкорпорация хусусидаги бизнинг тасаввуримиз хали барқарор ва аниқ эмас. Афтидан, бу ҳодиса қабул қилинган талқинга қараганда бошқача талқинни тақазо этади. Албатта, бир хил типдаги тилларнинг барча сўзларида ва формаларида флексия, агглютинация, ноаффикслашув каби типлашган аломатлар намоён бўлади, деб ўйлаш ожиз, оддий фикр юритишдир. Одатда типлашган аломат фақатгина муайян даражада сўзларда учрайдиган, лекин уларнинг ҳар қайсиси учун мажбурий бўлмаган аломат.

Рус тилида, мисол учун, флективлик - ушбу тил учун барқарор ва муҳим кўрсаткич, Лекин ушбу тилга агглютинация ҳодисаси, гарчи ўзига хос тарзда намоён бўлсада, бегона эмас, мисол учун, ўтган замон формаларида (чита-л, говори-л-а, дума-л-и), буйруқ майли формаларида (вез-и-те, ид-и-те, пиш-и-те), аниқ даражадаги феъллардан мажхул феълларнинг ҳосил бўлишида (читать - читать-ся, протирать - протирать-ся, накупать - накупать-ся). Рус тили учун "ажратувчилик" элементлари ҳам бегона эмас: иду вот быстро домой; пел, конечно, долго и не отдыхая; рано вечером здесь значительно теплее, чем днем ва б. Ушбу гаплардаги ажратилган сўзлар нофлектив ва ноагглютинатив сўзлар бўлиб, улар юқорида қайд этилган аломатлар мавжудлашмаган чоғда ўзакли тилларда қўлланувчи сўзларни эслатади. Шундай қилиб, тилларнинг морфологик таснифи нуқтаи назаридан типлашган устунлик бўлмаганидек, "соф" тиллар йўқ: вақт ўтиши билан бир типдаги тил бошқа типга ўзгариши мумкин, мисол учун, ҳозирги замон инглиз тилида флективлик аломати йўқолиб бормоқда ва ўзак аломатлари тез кучайиб бормоқда.

Одатда, тилнинг морфологик таснифи ҳақида маълумотлар баён қилинаётганда, тилларнинг аналитик ва синтетик фарқлари ҳақида ҳам гапирадилар. Сирасини олганда синтетизм ва аналитизмнинг морфологик таснифга бевосита алоқаси йўқ. Синтетизм - бу сўзларнинг бир-бири билан боғланишини кўрсатувчи, шундай формал кўрсаткичларга эга тўла маъноли сўзлар мавжудлиги. Флексия - шундай кўрсаткичлардан бири. Аналитизм -

бу тўла маъноли сўзларда уларнинг бир-бирлари билан боғланишини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги, шу боисдан бундай сўзлар бошқа, ёрдамчи сўзлар кўмагига мурожаат этади ва уларга боғланиш кўрсаткичлари функциясини беради.

Бироқ, агар “соф” морфологик типлар бўлмас экан, ундай бўлса, соф аналитик ва синтетик тиллар ҳам бўлмайди. Шу боисдан, уларнинг синтетик ва аналитик тиллар бўлиши ҳам ўта шартли, бу шуни англатадики, анъанага биноан рус тилида синтетизм аналитизмга қараганда кучлироқ, инглиз тилида эса аксинча. Француз тилида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Гарчи буни маълум қатъий метод ёрдамида текшириш лозим бўлса ҳам, балки, шундай ҳамдир.

Балким, тил таснифларининг бошқа кўринишларини яратиш хусусидаги масала ҳақида бош қотириш фойдали бўлармиди. Афтидан, бунинг иложи бор. Бошқача таснифлар яратишга уринишлар бўлган. Шундайлардан бири Н.Я.Маррга алоқадор бўлиб, у тараққиёт босқичларига кўра тилларни типларга ажратиш мумкинлаги ҳақида ўйлаган. Аммо бу уриниш фанга фойда бермади, чунки у заминга, асосга эга эмас эди. Афтидан, бошқа таснифлар тилларнинг фонетик, сўз ясаш, семантик-лексик ва синтактик структуралари барқарор ва муҳим аломатлари асосида қурилиши мумкин. Хусусан, ҳозирги пайтда тилларнинг типологик таснифи деб аталмиш тасниф шаклланган. Унинг асосида турли тилларнинг муҳим структуравий аломатларига хос ўхшаш ва фарқли хусусиятлар ётади.

Ареал ёки худудий тасниф. Бу хил тасниф маълум бир худудда муомалада бўлган тилларни уларнинг қариндошлиги, морфологик типидан қатъий назар, тавсифлайди.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга тилнинг пайдо бўлиши, тилларнинг шакл-ланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотлар бериш орқали таянч билимларни эгаллашишига кўмаклашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги асосий фаразлар.
2. Тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши.
3. Фарқланиш ва мужассамлашув.
4. Субстрат ва суперстрат ҳодисаси.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.
Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида қандай фаразларни биласиз?
- Товушга тақлид, ундов, меҳнат қийқириқлари ва ижтимоий келишув фаразларининг ижобий ва салбий томонларини асослай оласизми?
- Бугунги кундаги глобаллашув жараёни тиллар тараққиётига қандай таъсир ўтказмоқда.

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух

- Тилнинг товушга тақлид назарияси.
- Тилни илмий ўрганиш жараёнидаги энг муҳим хусусиятларни айтинг.
- Тилшунослик соҳаларини тушунтиринг.

2 - гурух

- Тилнинг меҳнат қийқириқлари назарияси.
- Тил қандай ҳодиса ҳисобланади. Фикрингизни асосланг.
- Субстрат ва суперстрат ҳодисаларни тушунтиринг.

3-гурух

- Тилнинг ундов назарияси.
- Одам ва тилнинг пайдо бўлишидаги сабаблар.

- Тилга берилган таърифларга муносабат билдиринг.

4-гурух

- Тилнинг пайдо бўлишида диний назария.
- Фаразларнинг ижобий ва салбий томонларини асосланг.
- Аномалистлар ва аналогистлар тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг.

Ўқув материали:

Тил кишилар ўртасидаги муносабатнинг энг муҳим қуроли бўлиб , жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ва умуминсоний манфаатларга ҳизмат қилади . Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши инсоният жамияти билан мустаҳкам боғлиқ . Тил инсоният тарихи қадар қадимийдир . Ҳалқ қардош қабилалар иттифоқи сифатида шаклланган мураккаб тарихий уюшмадир. Халқнинг асосий белгилари: умумий тил , умумий ҳудуд , маданият ва маънавият муҳитнинг умумийлигидир . Тилнинг пайдо бўлиши масаласи – тил қачон ва қаерда пайдо бўлган , дастлаб нечта тил бўлган , у ёки бу тиллар қандай тўзилишда бўлган ва шу каби саволларга ҳали илмий асосланган мукаммал жавоб топилган эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, тил тахминан беш юз минг йиллар илгари пайдо бўлган . Маълумки, тил бошқа нарса ва ҳодисалар сингари ўзгарувчандир. Шундай экан , беш юз минг йил ичида тилларда қандай ўзгариш содир бўлганини тасаввур қилиш , уни илмий , ҳам амалий , ҳам назарий нуқтайи назардан ўрганиш мумкин эмас . Тил тараққиётининг ёзув пайдо бўлишидан аввалги ҳолати биз учун қоронғидир . Биз фақат ёзув пайдо бўлгандан кейинги даврда рўй берган тил тараққиёти тўғрисида ёзма ёдгорликлардан фойдаланиб , фикр юритишимиз мумкин . Лекин ёзув тилни ўрганиш, тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги муаммони ёритишга тўлиқ имкон бермайди. Шундай бўлса ҳам , баъзи олимлар бу масалага ўз муносабатларини , фикрларини билдириб ўтишган. Қадимги Юнонистонда файласуфлар тилнинг қай тарзда келиб чиққанлиги устида ўзоқ давр қизғин баҳс олиб борганлар. Тилшунослик тарихидан маълумки , бу масалада грек файласуфлари бир-бирига зид икки хил фаразни ўртага ташлашган. Демокрит ва бошқалар тилда нарса номи билан нарса орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ , бу номлар мазкур тилда гаплашувчи одамлар томонидан яратилган , демак , тил инсон томонидан яратилган, деган фикрни илгари суришган . Бу гуруҳ олимлар ***аномалистлар*** деб ном олган. Платон бошлиқ бошқа бир гуруҳ олимлар “нарса билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиққан ва бу боғланиш илоҳий куч томонидан ўрнатилган” деган фикрни илгари суришган . Тарихда бу оқим ***анологистлар*** деб ном олган.

Ҳозирги тилшунослик нуқтайи назаридан қаралса, нарсалар билан уларнинг номи орасида , умуман олганда ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бу кўпчилик олимлар томонидан қайд этилган. Чунки нарса билан унинг номи орасида боғлиқлик бўлганда тилларнинг сони 5000 дан ортиб кетмасди . Шуни айтиб ўтиш керакки , айрим тилларнинг келиб чиқишини, масалан ўзбек , рус , ҳинд , тожик ва бошқа тилларнинг қачон пайдо бўлганини , қандай таркиб топганлигини аниқ билиш мумкин. Аммо, бирор бир аниқ тилнинг келиб чиқиши масаласини умуман тилнинг , инсонлар нутқининг пайдо бўлиши масаласи билан тенглаштириб бўлмайди . Ҳозир дунёда мавжуд бўлган жонли тилларнинг ҳам , баъзи бир ўлик тилларнинг ҳам келиб чиқиш тарихини ўрганиш у қадар қийин масала эмас. Анчагина тилларнинг қачон пайдо бўлганлиги , қачон таркиб топганлиги аниқланган . Бироқ, ер юзида умуман инсониятга хос тилнинг қачон пайдо бўлганлиги , дастлабки тилларда қандай

сўзлар бўлганлиги , унинг грамматик хусусиятлари нималардан иборат эканлиги ҳал қилинган эмас ва ҳал қилиниши ҳам мумкин эмас . Чунки бундан бир неча юз минг йиллар бурун пайдо бўлиб, кейинчалик ном – нишонсиз йўқолиб кетган тиллар ҳам бўлган.

Бундан бир неча юз минг йил бурун пайдо бўлган тилларнинг фонетик тизими, сўз бойлиги , грамматикаси ва бошқа муайян хусусиятларидан қатъи назар , умуман тилнинг келиб чиқиши ўрганилар экан, энг аввало , тилнинг келиб чиқиши-даги шарт – шароитларни тадқиқ қилиш, яъни инсонлар қандай шароитда сўзлай бошлаганликларини ўрганиш ва бу масалани умуман тилнинг келиб чиқиши масаласи билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиб, хулоса чиқариш лозим .

Тилнинг келиб чиқиши масаласини аниқлашдаги қийинчилик шундан иборатки, биринчидан, ҳозирги тил тарихи фани дунёда умуман тилнинг қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай далилларга эга эмас . Чунки ҳозир бизга маълум тилларнинг ёзув тарихи 10 -15 минг йилдан ошмайди . Олимларнинг фараз қилишича , инсон бундан бир неча юз минг йил аввал сўзлаша бошлаган . Аммо, ўша даврдаги тиллар тўғрисида ҳозирги вақтда ҳеч қандай маълумот йўқ . Шунинг учун ҳам тилшунослик фани бу масалани тўғридан – тўғри ўрганиш имкониятига эга эмас. Дунёда энг аввал пайдо бўлган тилнинг фонетик тўзилиши , сўз бойлиги қандай эканлигини , грамматик шакллари нималардан иборатлигини билиш мумкин эмас. Умуман, тилнинг қандай шароитларда пайдо бўлиши масаласини илмий фаразларга асосланиб ўрганиш мумкин бўлади. Тилшунослик илми бир – бирига яқин бўлган психология , физиология , этнография , археология , тарих ва шунга ўхшаҳ фанларнинг далилларига суяниб , тилнинг келиб чиқиши масаласига ёндашиши мумкин . Турли нутқ товушларини бириктириб , сўзлар ҳосил қилиш ва сўзлар воситасида гап тўзиб , истак ва мақсадни ифодалаш кишилик жамиятининг бошланғич даврларида яшаган одамларни ўйлантириб келган . Шунинг учун тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида қадимги кишилар турли ривоятларни тўқиганлар. Бу ривоятларнинг баъзиларида тил маъбудлар, баъзиларида Аллоҳ томонидан яратилиб , кишиларга тақдим қилинганлиги , айримларида эса тилни ажойиб бир донишманд яратганлиги талқин қилинган .

Юқорида таъкидланганидек, антик замонлардан бери тилнинг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча назариялар яратилган . Антик файласуфлар тилнинг келиб чиқишини бир – бирига қарама – қарши бўлган икки хил назария билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар . Баъзи файласуфлар тил табиий йўл билан пайдо бўлган , яъни сўз ва предметлар ўртасида тўғ ридан – тўғри табиий боғланиш бўлганлиги учун кишилар предмет ва нарсаларни табиий ҳолда билиб олишган , деб исботламоқчи бўлганлар . Баъзи файласуфлар эса тил кишиларнинг бир-бири билан ўзаро келишиҳси натижасида вужудга келган , деб ҳисоблаганлар , Ана шу бир-бирига қарама – қарши икки назариянинг ўзаро кўраши натижасида яна бир қанча назариялар вужудга келган.

Фанда тилнинг келиб чиқиши тўғрисида бир-бирига қарама-қарши назариялар мавжуд бўлиб , улар бир-бири билан кўрашиб келмоқда . Бу назарияларнинг баъзилари тил инсонларнинг бир-бири билан муносабатда бўлиши эҳтиёжи натижасида келиб чиққан деб ҳисобласа , бошқалари айрим шахсларнинг ўз фикрини аввал ўзи учун , кейин бошқалар учун билдириши натижасида келиб чиққан , деб ҳисоблайди . Шу тариқа тилнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида турлича қарашлар , назариялар , фаразлар яратилди . Ушбу назариялар танқидий таҳлил асосида ўрганилиши лозим . Бу назариялар асосан 4 та :

Овозга тақлид назарияси кишиларнинг ўз атрофидаги предметларнинг чиқарган овозига тақлид қилиши натижасида дастлабки сўзлар , предметларнинг номлари пайдо бўлган, деб ҳисоблайди .

Бу назария қадимги Юнонистонда - Демоқрит ва Платон даврида ўртага ташланган бўлиб , унга кўра ибтидоий одамлар ё онгли , ё онгсиз тарзда турли – туман товушлар , яъни ҳайвонларнинг бақириқлари , қушларнинг сайраши , шамол ва шаршараларнинг овозларига тақлид қилишга ҳаракат қилишган . Масалан : *чумчуқ , каклик , қарға , шир-шир , тақ-туқ , кук-ку , гумбур-гумбур* кабилар. Аммо бу сўзлар ҳамма тилда мавжуд бўлса ҳам , улар жуда озчиликни ташқил қилади . Табиатда товуш чиқармайдиган нарсалардан товуш чиқарадиганлари кам . Шундай экан , товуш чиқармайдиган нарсаларнинг номи қандай шаклланган, деган савол туғилади . Бу назария тўғри бўлса , унда ибтидоий жамиятда яшаган қабилалар тилида бундай усулда ясалган сўзлар сони фан ва техникаси ривожланган халқлар тилидагига нисбатан кўпроқ бўлиши керак . Лекин сўнгги йилларда Жанубий Америка ва Австралияда топилган, ибтидоий тўзумни бошидан кечираётган қабилалар тилида ўтказилган тажрибалар бу тилларда товушга тақлид қилиш йўли билан ясалган сўзлар ривожланган тиллардагига қараганда бирмунча камчиликни ташқил қилади . Ундан ташқари, табиатдаги товушларга тақлид қилиш учун нутқ органларининг ўта ривожланган бўлиши ҳам аниқланган. Шунинг учун тақлидий сўзлар тилнинг пайдо бўлиши масаласини ҳал қилишда асосли аҳамиятга эга эмас. Демак , овозга тақлид назарияси тилнинг келиб чиқиши масаласини тўғри ҳал қилиб беролмайди.

Ундовлар назарияси ҳам тилнинг пайдо бўлиши масаласини талқин қилувчи назариялардан бири бўлиб , бу назария тарафдорлари тилдаги барча сўзлар кишиларнинг ички туйғулари, қаҳр-ғазаблари, ҳис-ҳаяжонлари, ихтиёрсиз бақиришлари натижасида пайдо бўлган , деб даъво қиладилар . Бу назария ҳам қадимий бўлиб, унинг асосида ҳам ҳайвонларнинг бақириқ-чақириқлари ётади. Мазкур назария асосчиларининг фикрича, ибтидоий одамлар ҳайвонларнинг бақириқ-чақириқларини ўрганиб , улар орқали ўзларининг ички кечинмалари , ғам-аламларини ифодалашган: *оҳ , уҳ , жой, инг* каби сўзлар бунга мисол қилиб кўрсатилади. Тилдаги бошқа сўзлар эса ана шундай сўзларнинг бирикувидан келиб чиққан , деб тушунтирилади . Таниқли франсўз олими Ж.Ж.Руссо ҳам шу фикрни қувватлаган.

Дунёдаги барча тилларда бундай бирликлар мавжуд. лекин бундай сўзларнинг миқдори шу қадар камки , тилдек мураккаб ҳодиса ана шу йўл билан пайдо бўлган , дейиш бу масалани жуда соддалаштириб юборган бўлар эди .

Маълумки , тилнинг асосий вазифаси кишилар орасида фикр алмашинувини таъминлашдир . Бинобарин , мазкур назарияни қабул қилиш тилнинг асосий вазифасини , тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини рад этишга олиб келади . Ички кечинмаларни изҳор қилиш доимо ҳам жамиятнинг бўлишини тақозо қилмайди . Тилнинг яшаши ва ривожланиши эса жамият билан ўзвий боғлиқ : жамият бор жойдагина тил бор , тил бор жойда жамият бор .

Демак , бу назария ҳам тилнинг келиб чиқиш масаласини тўғри ёритишга ожизлик қилади .

Меҳнат ҳайқириқлари назарияси тарафдорлари тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида меҳнат қилишга ундайдиган Ихтиёрсиз қийқиришлар натижасида пайдо бўлган , деб даъво қиладилар .

Бу назарияни ХИХ асрнинг 70 – йилларида франсўз файласуфи Л. Нуаре яратди . Унинг қайд қилишича , тил инстинктив ҳайқириқлардан пайдо бўлган. Немис олими Карл Бюхер ҳам ушбу назарияни қувватлайди.

Бу назария бир қарашда ҳақиқатга бирмунча яқин назариядек кўринса ҳам , мантиқ жиҳатдан асоссиздир . Чунки меҳнат қилишдаги қийқириқлар , ҳайқириқлар меҳнат жараёнидаги бир маромга , бир қолипга солиш учун бир восита бўлган , холос . ***уй , оҳ , воҳ , виқ , оҳо, эҳе*** каби ҳайқириқлар кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлганлиги эҳтимол.

Меҳнат ҳайқириқлари ундов назариясига ўхшаб кетади . Лекин бу назария ҳам тилнинг келиб чиқиш сабабларини , тилнинг пайдо бўлишини жамиятнинг пайдо бўлиши , сўзлаш ва фикр юритиш қобилиятига эга бўлган инсониятнинг пайдо бўлиши билан ўзвий боғлай олмайди .

Ижтимоий келишув назарияси. Бу назария ХИХ асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб , уни илгари сурувчи олимлар баъзида бир-бирига зид хулосаларга келишган , уларнинг тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги асосий фикрлари бир хил. Бу назарияга асосан, нарсаларни қандай аташни одамларнинг ўзлари келишиб олишган. Бирор нарсани номлашда келишиб олиш учун , табиийки , келишув воситаси , яъни тил керак бўлади . Ушбу назария тилнинг пайдо бўлишини эмас , балки тил ривожланишининг бир йўналишини ёритиши мумкин . Ҳозирги вақтга келиб у ёки бу фанга тааллуқли атамалар ёки сўзлар ўзаро келишиб олинади . Лекин бунинг тил шаклланишига алоқаси йўқ.Юқорида кўрсатиб ўтилган назарияларнинг ҳаммаси ҳам тилнинг келиб чиқиши масаласини тўғри ёритишга ожизлик қилади . Чунки бу назариялар тилнинг келиб чиқиши масаласини инсониятнинг пайдо бўлиши , дастлабки кишилар жамоасининг вужудга келиши масаласидан ажратиб олган ҳолда қарайди . Жамиятдан ташқарида яшаган инсон боласи қанча умр кўрмасин , у гапирмайди . Чунки тил наслдан наслга , авлоддан авлодга ўтмайди , яъни уни ирсиятга бўлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Ирсият қонунига биноан , боланинг биологик , антропологик хусусиятлари авлоддан авлодга ўтади , лекин ўзбек оиласида туғилган бола фақат ўзбек тилида гапиради дейиш нотўғридир. У қайси тилда гапира бошлаши қайси оила , қайси ижтимоий муҳитда тарбияланишига боғлиқ.Қайд этилган назарияларда, биринчидан , тил гўё жамият тарихи тараққиётидан четда , ўз ҳолича тараққий этадиган ҳодиса, деб қаралган. Шунинг учун ҳам тилнинг келиб чиқиши масаласи ибтидоий даврдаги кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ажратилган ҳолда қаралган. Иккинчидан, бу назарияларда тилнинг келиб чиқиши масаласи тафаккурнинг пайдо бўлиш масаласи билан биргаликда , ўзаро боғланган ҳолда эмас , балки ажратилган ҳолда ҳалқин қилинган. Учинчидан , одамнинг пайдо бўлиши жараёнидаги барча биологик асослар ҳисобга олинмаган.Шарқ тилшунослигида ҳам тилнинг пайдо бўлишига оид мулоҳазалар билдурилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асари муқаддимасида ўша давр дунёқарашига мос бўлган тилнинг пайдо бўлишига доир қарашлар баён қилинган. Алишер Навоий тилнинг пайдо бўлишини Нуҳ алайҳиссалом авлодларига боғлайди

3-босқич:
Якуний - 10 мин.

Мавзуга доир адабиётлар

1. М.Э. Умархўжаев. Умумий тилшунослик. Андижон, 2010.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.
3. Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1979.
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик. -Тошкент, 2005.
5. ШерматовА., Чориев Б. «Умумий тилшунослик» курсидан мустақил ишлар. - Тошкент,1989.

6. Мадвалиев А., Тўхлиева Г. Қиёсий тарихий тилшунослик// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-том, 638-639-бетлар.

Тилшунослик фани 2-3 семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 4 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Фонетика ва фонология*

Дарснинг мақсади: Талабаларга фонетика ва фонологиянинг ўрганиш объектлари, бугунги кундаги долзарб муаммолари ҳақида батафсил маълумот бериш орқали билим малакаларини ошириш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Фонетика ва фонологиянинг ўрганиш объекти.
2. Нутқ аппарати.
3. Нутқ товушларининг артикуляцияси.
4. Нутқ товушларининг таснифи.
5. Урғу ва унинг турлари.
6. Нутқ товушларининг ўзгариши.
7. Бошқа фонетик жараёнлар.
8. Фонема.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.
Тезкор сўров (Блиц-сўров)
- *Фонетика нимани ўрганади?*
- *Умумий ва хусусий фонетиканинг фарқи нимада?*
- *Фонетика жиҳатидан нутқ қандай бирликларга бўлинади?*
- *Фонология қандай масалалар билан шуғулланади?*

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух
- Нутқ аппаратини ёритиб беради.
- Овоз пайчаларидан пастки қисм аъзоларига қайси органлар киради?
- Бўғизда ҳосил бўлувчи товуш ҳақида маълумот беринг.

2 - гурух
- Нутқ артикуляцияси нима? Товуш ҳосил бўлишида нутқий аъзоларнинг ҳаракатини кўзатинг ва хулосалар чиқаринг.

- Барча тилларда нутқ артикуляцияси бир хилми?
- Тил иштирок этадиган товушлардан ўнтасини сананг.

3-гурух

- Товушларнинг фарқловчи ва бириктирувчи белгилари деганда нимани тушунасиз?
- Нима учун ўзбек тили унлиларида қатор белгиси фонологик фарқланиш белгиси бўла олмайди?
- Коррелятив зиддиятли муносабатларга мисоллар келтиринг.
- Бинар зиддиятли муносабатларга мисоллар келтиринг.

Ўқув материали:

Ф О Н Е Т И К А О Б Ъ Е К Т И . Фонетика тилшуносликнинг бўлими бўлиб, тилнинг товуш тизимини, Нутқ товушларини ўрганади.

Нутқ товушлари мураккаб ҳодисалар бўлиб, уларни физик, физиологик, лингвистик (ижтимоий) жиҳатдан ўрганилади. Шу боис акустик, артикуляцион, функционал фонетика фарқланади.Кишиларнинг товуши товуш пайчаларининг (пардаларининг) тебранишидан хосил бўлади. Товуш пайчаларининг тебраниш хусусиятига караб овоз (ун) ёки шовқин пайдо бўлиши мумкин. Агар тебраниш бир маромда, бир хилда бўлса овоз хосил бўлади: а, о, у каби агар тебраниш бир маромда, бир хилда бўлмаса, маром бўзилса, шовқин пайдо бўлади: с, к, ш, ч каби.

Инсон нутқ аппарати бешта таркибий қисмга ажралади:

1. нафас олиш аппарати
2. кекиртак, бўғиз
3. оғиз бўшлиги ва бурун бўшлиғини ўз ичига олган товуш пайчалари устки қисми
4. талаффўз органлари
5. бош мия, инсоннинг олий нерв системаси.

Нутқ товушларини хосил қилишда иштирок этувчи кисмлар Нутқ аъзолари дейилади. Нутқ аъзоларининг жами нутқ аппаратини ташқил этади.

Нутқ товушларининг хосил булишида иштирок этадиган аъзолар диафрагма (кукрак кафаси билан корин бушлиги ўртасидаги парда), упка, кекирдак, овоз пайчалари, бўғиз, бўғиз қопқоғи, кичик тил, танглай, тил, тиш ва лаб. Бўлар ичида овоз пайчалари (пардалари) тил, кичик тил, тиш, лаб, юмшок танглай, ташки жағ нутқ товушларини хосил қилишда кўпроқ қатнашади.Нутқ аъзоларининг товуш хосил қилишдаги ҳаракати артикуляция деб аталади. Артикуляцияда икки ҳодиса муҳим роль уйнайди. Биринчиси артикуляция ўрни, иккинчиси - артикуляция усули. Товуш хосил қилишда нутқ аъзоларининг ҳаракат этган кисми артикуляция ўрни дейилади. Масалан, д, т, з, с товушлари тил олд кисмининг устки тиш ва милкка тегиши ёки якинлашиши билан хосил бўлади. Демак бу товушларнинг артикуляция урни тил олдидир. Шунинг учун хам бундай товушлар артикуляция урнига караб тил олди товушлари деб аталади.

Товуш хосил қилиш пайтида икки Нутқ аъзосининг қандай холатда ҳаракат қилиши (масалан, икки лабнинг жипслашиши ёки тор оралиқ хосил қилиши) артикуляция усули дейилади. Масалан, б,п товушларини хосил қилишда лаблар жипслашиб, ўпкадан чиққан хаво тўсиққа учрайди, Лекин хаво кучининг зарби билан портлаб чиқади. Демак, бу товушлар портлаш йўли билан ҳосил бўлади. Шунинг учун ана шундай товушлар артикуляция усулига караб портловчи товушлар деб аталади.

Нутқ товшулари овоз ва шовкиннинг иштирок этиши даражасига кўра икки асосий гурухга бўлинади:

1. Унли товушлар.
2. Ундош товушлар.

Унли товушлар артикуляциясига кўра ундош товушлардан катта фарқ қилади. Унли товушлар талаффўз этилаётганда, биринчидан, ўпкадан чиқадаган хаво оғиз бўшлиғида хеч қандай тўсиққа учрамайди, иккинчидан, Нутқ аппаратининг (оғиз бўшлиги, лаб ва тил холатларидан бошқа) холати, асосан, бир хил бўлади, учинчидан, хаво оқими кучсизроқ бўлади. Умуман, унлилар овоз пайчаларининг тебраниши натижасида хосил бўлади.

Тилдаги унлилар тизими вокализм дейилади. Унлилар талаффўз этилиш усулига кўра ундошлардан фарқ қилади. Унлилар акустик жиҳатдан овознинг устунлиги билан ҳарактерланса, физиологик томондан огизнинг очилиши даражаси билан ҳарактерланади. Сўзларни аниқ ва равшан талаффўз этишда хамда уларнинг маъноларини яккол ажратиб беришда унлиларнинг роли катта. Масалан, Ўзбек тили таркибида к ва л ундошлари иштирок эиган сўзларнинг ўзаро фарқини о, у, у, и унлилари яккол ажратиб туради: кол, кул, кул, қил.

Тил энг фаол Нутқ аъзоси бўлиб, унинг горизонтал ва вертикал холатига караб унлилар тасниф этилади.

1. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлилар тил олди, тил урта ва тил орка унлиларига булинади.

Тил олди унлиларининг талаффўзида тил олдинга ҳаракат қилади, унинг учи пастки тишларга кадалади. Ўзбек тилида и,е,а, рус тилида и,э, француз тилида [i], [t], [E], [a], немис тилида I, e, y унлилари тил олди унлиларидир.

Тил урта ёки аралаш қатор унлиларнинг талаффўзида тилнинг бели ва учи бир оз юкорига кутарилади ва тилнинг ўзи ясси холатда бўлади. Рус тилидаги о ва а шунга мисолдир.

Тил орка қатор унлиларининг артикуляциясида тил оркага ҳаракат қилиб, унинг орка кисми юмшок танглай томон йуналади, тил учи пастки тишлардан ўзоклашади. Ўзбек тилидаги о, у, у, ва рус тилидаги о, у тил орка унлиларидир. 2. Тилнинг вертикал ҳаракати, яъни кутарилиш даражасига кўра юкори, урта, куйи кутарилиш (ёки епик, ярим епик, ярим очик, очик) унлилар фарқланади. Рус тилидаги и,о,у унлилари юкори, е,э,о унлилари урта, а унлиси эса куйи кутарилиш унлисидир. Ўзбек тилида эса юкори кутарилиш унлиларига и, у, урта кутарилиш унлиларига е, э, у, куйи кутарилиш унлиларига а, о унлилари киради. 3. Унлилар талаффўзида лабларнинг иштироки кўзатилса лабланган, кўзатилмаса - лабланмаган унлилар ажратилади. Ўзбек тилидаги у,у, рус тилидаги о,у лабланган унлилар ҳисобланади. 4. Юкорида кўрсатилган белгилар унлиларнинг сифат белгилари ҳисобланади. Бундан ташкари унлиларга микдор белгиси хам хосдир. Талаффўзда унлилар чўзик, ярим чўзик, қисқа булиши мумкин. Бу уларнинг микдор белгиси. Чўзик ва қисқа унлилар инглиз, олмон, француз тилларига хос. Ўзбек ва рус тилида бу нарса кўзатилмайди.

Унли товушлар монофтонглар, дифтонгларга ажралади.

Тилшунослик фани 4- семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси:Тил ва ёзув.

Дарснинг мақсади: Талабаларга ёзувнинг кишилик жамиятидаги ўрни унинг турлари, тараққиёти тўғрисидаги дастлабки билимларни бериш.Ёзув турлари ҳақида маълумотлар бериш орқали уларнинг ёзув соҳасида билимларини чуқурлаштириш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:

1. Ёзувнинг тараққиёт босқичлари.
   -пиктографик ёзув
   -иероглифик ёзув
   -бўғинли ёзув
2. Орфоэпия ва орфография.
3. Транскрипция ва транслитерация.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.

Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- *Ёзувнинг қандай босқичларини биласиз?*
- *Қандай ёзув пиктографик ёзув дейилади?*
- *Нима учун пиктографик ва логографик ёзув жамиятнинг талабига жавоб бера олмайди?*
- *Ёзувнинг махсус турларига нималар киради?*

3-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух

- Пиктографик ёзув қачон пайдо бўлган?
- Пиктографик ёзувнинг камчилиги нимада?

2 - гурух

- Иероглифик ёзув.
- Иероглифик ёзув хусусиятлари.

3-гурух

- Бўғинли ёзув.
- Алифбели ёзув.

1

Ўқув материали:

Инсон товушли тили сўнгги минг йилликларда ёзув тарихи ва ёзув билан боғлиқ.

Ёзув олдин қандай бўлгани ва эндиликда қандай кўриниш касб этгани илк танишувини терминлардан бошлаш кулайрок.

Тил ҳақидаги замонавий фан «товушли нутқни белгилаб кўрсатиш учун кулланадиган чизма белгилар тизимини» ёзув деб атайди. Хат билан ёзувни фарқлаш лозим, иккинчи термин муайян ёзув кўриниши ёрдамида бажарилган кулёзма ва босма шаклдаги асарлар, хужжатлар мажмуасини англатади.

Товушли тилга караганда ёзув нисбатан ёш: унинг пайдо бўлганига икки-уч минг йил бўлган булса, товушли нутқ пайдо бўлганига камида 400-500 минг йил бўлган деб фараз қилинади.

Кишилардаги замон ва макон жиҳатдан олис, масофавий мулокатга бўлган эхтиёжнинг ортиб бориши ёзув пайдо булишига сабаб булди. Шу нарса аниқки, товушли нутқ, агар махсус чизма белгилар (яъни ёзув ёрдамида) маълум бир материалда ўз аксини топмаса,

замонда мулокат воситаси бўла олмайди. Мисол учун, кета туриб, огзаки кўрсатма бериш ва кўрсатма бир йилдан сунг эълон этилиши ва бажарилиши лозим, деб айтиш мумкин эмас; лекин ушбу вазифанинг ўзи, мабодо ёзиб куйилган ва конвертга жойлаб куйилган булса, ушбу конверт муаллиф жунаб кетгач бир йилдан сунг хат йуналтирилган шахс - адресат тамонидан очилса, осонгина хал бўлади.

Шунингдек, хабарни огзаки тарзда масофадан туриб, айтайлик, беш қилометр ўзокликдан айтиб булмайди: агар сўзловчи ва тингловчи бир-биридан шунчалар олисда жойлашган булса, товушли нутқ хатто жуда баланд овозда айтилса хам, эшитилмаслиги, мазмун мохиятига етиб бормаслиги, тушунарли булиши мумкин эмас.(Телефон, радио ва алоқа техник воситаларини, албатта, назарда тутмаяпмиз).

Шундай булсада, мехнат фаолиятининг тухтовсиз мураккаблашуви, денгизда сўзиш ва савдо тараккиёти, давлатлараро муносабатларнинг мураккаблашуви- бунинг хаммаси замон ва макондаги масофавий мулокотга бўлган одамлар эхтиёжини кучайтирди. Ушбу кучли эхтиёжга жавоб тарзида ёзув яратилди.

Фан тарихий жиҳатдан бир-бирини алмаштириб келган (алоҳида конкрет тиллар эмас, балки бутун тил тараккиёти жараёни назарда тутилади) ёзувнинг учта турини билади.

Пиктография. Термин лотин тилидан олинган pictus (шакли чизилган) сўзидан ва грекча grapho (ёзаяпман) сўзидан хосил бўлган. Ушбу термин воситасида, белгилари (улар пиктограммалар деб аталади) борликдаги предметлар ва ҳодисаларни (инсон, куш, балик, дарахт, уй расми ва б.) кургазмали акс эттирувчи чизмали расмларини намоён этувчи ёзув номланиб, белгиларнинг турли бирикмалари, ушбу белгилар воситасида тасвирланган буюмлар ва ҳодисалар ҳақидаги турли маълумотларни баён этган.

Пиктографик хатлар билан алмашишга кадар яшаган икки замонавий дустларни тасаввур қилайлик. Улардан бири осмоннинг коронгу кисмига ярим ой, кутарилиб келаётган куёш, одам утирган кайик, балик ва кармоқ суратларини чизди. Жавоб хати қуйидаги суратларда ифода этилди: уфкка туташган куёш, коронгуликдаги ярим ой, паравоз ва учта вагон, уларнинг бири ёнида турган одам, Москва Кремли куббаси, вагонни куёш тасвири билан бирлаштирувчи чизик. Афтидан, биринчи хат қуйидагиларни англатади: «Эртага эрталаб балик овлашга дарёга бораман». Иккинчи хат қуйидагини англатади: «Бугун кечкурун поездда мен Москвага кетяпман».

Мисолимиз 3 тўла шартли маъно касб этади. Лекин у пиктографик ёзув хусусиятлари тўғрисида етарли аниқ тасаввур бермайди. Ушбу аломатлар қаторида нима учун пиктография вакт утиши билан анча мукаммал ёзув билан алмашганлигини англаб етиш учун нихоят муҳим икки аломат мавжуд: мана ушбу аломатлар:

а) пиктограмма бирикмаси гап мазмунини ҳар холда тўла баён этади, Лекин унинг (гапнинг) тил структурасини англатмайди (сўзлар, уларнинг шакллари, уларнинг айтилиш изчиллиги);

б) гапнинг мазмуни канчалик мавхумлашса, уни пиктограммалар туплами воситасида «тасаввур этиш» шунчалик мураккаб бўлади; мавхум тушунчалар ифодаси учун пиктограммалар ожизлик қилади, ярамайди.

Идеография. Термин грекча idea (гоя, тушунча) ва grapho (ёзяпман) сўзларидан келиб чиккан. Ушбу термин купинча бошқа термин - логография (грекча logos-сўз grapho) билан алмаштирилади. Идеографик ёзув белгилари идеограммалар деб аталади (ёки бошқачасига логограммалар). Агар пиктограмма предметни тасвирласа, идеограмма эса (логограмма) сўз мазмуни, маъносини номлайди. Пиктограммада, албатта, предмет суратини чизиш лозим. Идеограмма муайян бир предмет билан албатта ухшаш булиши шарт эмас, у предметнинг бевосита тасвири булишдек хусусиятини йўқотиб, сўз маъносининг шартли белгисига айланади. Идеограмма (логограмма) мохиятини янада аниқрок тасаввур этиш учун, замонавий ракамлар ва арифметик белгиларга (купайтириш,

булиш, айриш ва баробар) мурожаат қиламиз. Ушбу белгилар идеограммаларга караганда анча мукаммал. Улардан ҳар қайсиси хеч қайси тамони билан тасвирланаётган «предметни» эслатмайди: 3 раками уч сўзи воситасида англатиладиган реал микдорга хеч қандай ухшамайди, « : » булиш белгиси булиш феъли воситасида номланадиган реал ҳаракатга хеч бир тамони билан ухшамайди. Шундан идеографиянинг пиктографиядан шубхасиз ва равшан устунлиги келиб чикади:
а) идеографик ёзув ҳар қандай сўзли хабарнинг унинг конкретлик ёки абстрактлик даражасидан катъий назар махмунини етарли даражада тўлиқ ва аниқ баён этади;
б) ушбу ёзув (гарчи тўла булмасада) гап структураси элементларини (жумладан, сўз тартиби, сўз таркиби, грамматик формаларнинг баъзи элементлари) ифода этади;
в) ушбу ёзув чизма шаклига кўра катъий белгиланган, баркарор белгилар мажмуасидан фойдаланади.Идеография (логография) ривожланиб борган сари, у нафақат тўлиқ сўзларни, шунингдек, уларнинг бўлакларини, морфемаларни ифода этиш учун анча мослашган ҳисобланади. Мисол учун, хитой ёзуви худди шунака. Хатто сўз товуш бўлакларини ёки сўзлар ўртасидаги товушли фарқларни англатувчи идеограммалар вужудга келмоқда, бу идеографик ёзувнинг ўзида уни фонографик ёзувга айлантирувчи элементлар пишиб етилганлигидан далолат беради.Идеографиянинг алоҳида кўриниши бўлиб идеографика деб аталувчи ёзув, мисол учун, Кадимги Мисрда ва Кадимги Шаркдаги бошқа мамлакатларда хамда хозирги Хитойда кулланувчи ёзув ҳисобланади. Иероглифлар (грекча hieroglyphoi- сўзма- сўз «илохий уйма», «илохий ёзув», «рухонийлар уймаси») - бу шундай идеографик белгиларки, уларнинг чизмасида тасвирланаётган предмет билан шакл ўртасидаги баъзи алоқа хеч булмаганда символик жиҳатдан сакланади, мисол учун, миср ёзувида оёкларнинг чизма тасвири «бормоқ» ни англатган, ўртасида нукта бор доира «куёш» ни, кушларнинг чизма расми «учмоқ» ни англатган ва б.

3-босқич:
Якуний - 10 мин.

Тилшунослик фани 5 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт:[1]2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Лексика ва лексикология.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга лексика ва лексикология ҳақида билимлар бериш орқали уларнинг лексик билимлар ҳақидаги тасаввурини пайдо қилиш ва фикр билдира олиш кўникмасини шакллантириш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Лексикологияда сўз муаммоси.
2. Лексема -тил бирлиги, сўз-нутқ бирлиги.
3. Лексеманинг икки томони: номема ва семема.
4. Мустақил ва ёрдамчи лексемалар.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.

Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- Лексема деганда нимани тушунасиз?
- Лексема атамаси маъносини очиб беринг.
- Лексемага барча тиллар учун бир хил таъриф бериб бўладими?

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух

- Номемалар ҳақида маълумот беринг ва мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

2 - гурух

- Семемалар ҳақида маълумот беринг ва мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

3-гурух

- Мустақил лексемалар.

4-гурух

- Ёрдамчи лексемалар

Ўқув материали:

Лексикология грекча «лексика» сўзидан олинган бўлиб, тилнинг луғат таркибини ўрганади. Тилда мавжуд бўлган сўзларнинг ҳаммаси луғат таркиби ёки лексика деб юритилади. Луғат таркибининг қуйидаги аспектлари мавжуд:

а) тилнинг асосий бирлиги бўлган сўз муаммоси;
б) тил луғат таркиби қурилиши;
д) луғавий бирликларнинг қўлланилиши;
э) луғат таркибининг бойиши, тараққиёти ва бошқалар.

Ушбу масалалар кейинги мавзуларда батафсилроқ таҳлил қилинади. Демак, сўз муаммоси лексикологиянинг асосий ўрганиш манбайидир. Ўзбек тилшунослигида лексема ва сўз атамасининг ҳозиргача ёнма-ён қўлланаётганлиги ва лексемани лисоний сатҳ бирлиги атамаси, сўзни нутқий сатҳ бирлиги сифатида қарашга интилиш каби зиддиятли нуқтайи назарлар[1] яшаб келаётганлигини айтиш жоиздир. Тилшунослар Арасту давридан бошлаб лексикага таъриф бериш устида бош қотирганлар. Уларнинг барчаси сўзнинг алоҳида-алоҳида қирраларига берилган таорифлар бўлиб, лексеманинг барча жиҳатларини қамраб олишга қодир эмас. «Бугунги кунда синтаксис бўйича тилшунослик назариясида яратилган кесим ҳақидаги янги таолимотга таянган ҳолда ўзбек тилшунослигида ўзбекча кесим тушунчасини ишлаб чиқиш мумкин экан, бунга бевосита методологик омил сифатида таяниб, уни умумий ва хусусий лексема назариясига ҳам тадбиқ қилиш лозим»,- дейди профессор Ҳ. Неъматов. Дарҳақиқат, лексемага таъриф берилар экан, ҳар бир тилнинг ички табиатидан келиб чиқиш зарура-ти мавжуд бўлиши керак. Маълумки, европа тилшунослигида лексемага морфема орқа-ли таориф берадилар, чунки флектив тиллар, жумладан, рус ва араб тилларида ўзаклар мустақил қўлланишга эга эмас, ўзак морфеманинг бир тури сифатида қаралади. Чунончи, *пишу, читаю, дрўзья, уши* каби русча, *кто, қро* каби арабча сўзларда ўзак қўшимчалар билан қоришиб кетган, ўзак билан аффикс орасида чегара аниқ эмас. Туркий тилларда ўзак ва қўшимча орасида чегара аниқ бўлганлиги туфайли, лексемага морфема орқали эмас, балки лисоний сатҳнинг алоҳида бир бирлиги сифатида қараш лозим.

Лексема нима? Бу саволга шундай жавоб қайтариш мумкин: Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташқил топган воқейликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллан-тирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир. Маълумки, формал тилшуносликда тил ва нутқ ҳодисалари, бир-ликлари фарқланмас эди. Шунга кўра, лексема ва сўз ҳам бир-биридан фарқланмаган. Систем тилшунослик нуқтайи назаридан бевосита кўзатишда берилган матн ва луьатларда қайд этилган сўзлар нутқ бирликлари ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, тил бирликлари бевосита кўзатишда берилмаган бўлиб, улар жамият аозолари учун тайёр ва мажбурий бўлади.

Тил бирликлари (фонема, морфема, лексема, конструксия)дан фонеманинг тўла таорифи билан танишмиз. Морфемаларни кейинги маърузаларимизда атрофлича ўрганамиз. Лексеманинг нутқдаги воқелиги сўздир. Лексемалар конструкцияларда мустақил ўрин эгаллай олиш ёки эгаллай олмаслигига кўра, мустақил ва ёрдамчи лексемаларга бўлинади.

Мустақил лексемалар нутқда алоҳидалик хусусиятига, ўзидан кейин грамматик морфемаларни эргаштириш қобилиятига эга. Бироқ лексемалар ичида шундайлари ҳам борки, улар гапда мустақил ўринни эгаллай олмайдилар. Бундай лексемалар сирасига ёрдамчи сўзлар (боғловчилар, соф от, феол, равиш, кўмакчи, юклама, нисбий сўзлар ва б.: *ҳам, ҳамда, бироқ, лекин; учун, билан, сари, сайин; таг, ост, бўй, олд; қара; бошла, юбор, бўл, сўнг, каби, янглиғ, бурун….)* киради. Моҳиятан ушбу ёрдамчи лексемалар грамматик морфемалардир. Улар лексемаларга ўхшаб, алоҳидалик хусусиятига ҳам эга бўлади. Бошқача айтганда, ёрдамчи сўзлар лексемалар ва қўшимчалар орасида « оралиқ учинчи» бўлиб, ҳам лекмемалар, ҳам грамматик морфемалар хусусиятини ўзига мужассамлаштиради. Аммо улар на лексемаларга, на грамматик морфемаларга тўлиқ тенг бўла олмайди.

Лексема жамиятнинг барча аозолари учун тайёр, умумий ва мажбурий саналиши билан бир қаторда яна бир қанча хусусиятларга эгадир.

Жамият аъзоси лексемани ясамайди, уни тайёр ҳолда қабул қилади.

Жамият аъзосининг онгида ҳар бир лексема бошқа лексемалар билан ўхшашлик қаторларида (парадигмаларда) яшайди. Масалан: *[дафтар] ~ [блокнот]; [дафтар] ~ [ойнома] ~ [рўзнома]; [дафтар] ~ [қисса] ~ [роман]; [дафтар] ~ [муқова] ~ [варақ] ~ [бет] ~ [боб]* каби. *Дафтар* сўзи шу муносабатлар асосида турлича маоно беради.

Лексемалар инсон онгида қўшничилик муносабатларида (синтагматик) ҳам яшайди. Масалан: *[дафтар] ~ [ёз] ~ [ол] ~ [сифатли] ~ [математика] ~ [она тили]; [дафтар] ~ [сон қўшимчалари] ~ [егалик қўшимчалари] ~ [келишик қўшимчалари]….*

Бу ўхшашлик ва қўшничилик муносабатлари, маоно ва вазифа имкониятлари нутқда ойдинлашади, аниқлашади. Демак, лексемалар тил эгалари онгида воқелашган ва воқелашадиган нутқий имкониятлар йиғиндиси ҳамдир.

Лексема тил бирлиги сифатида турлича имкониятлар мажмуаси бўлса, сўз унинг воқеланиши, рўёбга чиқиши, аниқ шакл, мазмун ва вазифа кашф этган моддий кўринишидир. Ҳар бир лексема нутқда муайян сўз сифатида намоён бўлади. Лексема икки томонга эга бўлган тил бирлигидир. Аниқроьи, у шакл ва мазмун томонларидан иборат рамздир. Систем тилшуносликда лексеманинг шакл томони **номема** дейилади. Номема фақат лексеманинг шаклига (моддий қобиғи, ташқи томонига) нисбатан ишлатилади. Лексеманинг мазмун томони (маъноси, ички томони….) эса **семема** номи билан юритилади. Демак, лексема= номема+семемадир.

Номема лексеманинг тилга хос томонидир. У онгимизда муайян фонемалар тизмаси сифатида мавжуд. Номеманинг фонемалар тизмасидан иборатлиги ички нутқ жараёнида (киши фикр юритганда, маолум матнни ичида ўқиганда) аниқ сезилади. Чунки одам ички нутқ жараёнида сўзларни, қўшимчаларни кетма-кет тизиб, худди гапираётгандек, уларни грамматик жиҳатдан шакллантиради. Демак, инсон фақат овоз чиқарганда эмас, балки овозсиз ҳам фонемаларга моддий шакл бера олади. Ташқи муҳитда номема товушлар (ёки ҳарфлар) тизмаси сифатида воқелашади. Субстанционал тилшунослик лексемаларнинг моддий томонига – номемаларга кўп аҳамият бермайди. Чунки номема лексеманинг моҳиятига таосир кўрсатмайди. Лексеманинг моҳияти эса унинг ички томони – семема орқали ва шунга кўра лексеманинг бошқа тил бирликларига муносабати, алоқага киришуви орқали белгиланади.

Номеманинг аҳамияти назмий нутқда беҳад катта бўлади (қофия, радиф, тажнис турлари, сажо….). Шу сабабли шеъриятда номемага асосий эотибор қаратилади. Лингвистика нуқтайи назаридан эса асосий эотибор фақат сememага қаратилади. **Семема** лексеманинг ички томони, унинг мазмуни, маоноси, нимани ифодалаб келишидир. Сememалар кўпинча онгимизда муайян бир тушунча билан боьлиқ бўлади. Тушунча – онг, мантиқ бирлиги, семема эса лексемага хос бирликдир. Масалан, *[ўрик]* лексемасининг сememаси қуйидаги тушунчаларда намоён бўлади:

ҳўл мева тури;
шу меванинг қуритилгани;
шу мевани берадиган дарахт.

Семеманинг тушунчалар билан боьлиқлигини фақат мустақил лексемалардагина кўзатиш мумкин. Ёрдамчи лексемаларда, олмошларда эса бундай боьланишни кўрмаймиз. Тилшуносликда сememани ҳосил қилувчи маоно бўлаклари **сема** дейилади. Масалан: *[дарахт]* лексемасининг семалари қуйидагилар:

1) предмет; 2) ўсимлик; 3) ерда ўсувчи; 4) танали; 5) илдизли; 6) шохли; 7) баргли.

Систем тилшуносликнинг асосий вазифаларидан бири лексемаларни тизим сифатида таҳлил қилишдир. Лексемаларни шу нуқтайи назардан ўзаро ички муносабатлар асосида муайян қаторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга бирлаштириш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, лексема «ўзида тайёрлик, мажбурийлик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик хусусиятларини мужассамлаштирган, шакл ва денотатив маоно бирлигидан иборат мустақил англаниш ва қўлланиш табиатига эга бўлган лисоний бирлик» деб тарифланар экан, бу таориф фақат мустақил лексемалар учун хосдир. Чунки ёрдамчи лексемалар денотатив хусусиятларга эга эмас. Ёрдамчи лексемалар учун грамматик маоно хосдир.

3-босқич:
Якуний - 10 мин.

Мавзуга доир адабиётлар

1. М.Э. Умархўжаев. Умумий тилшунослик. Андижон, 2010.
2. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.
3. Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1979.
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик. -Тошкент, 2005.
5. ШерматовА., Чориев Б. «Умумий тилшунослик» курсидан мустақил ишлар. -Тошкент, 1989.
6. Мадвалиев А., Тўхлиева Г. Қиёсий тарихий тилшунослик// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-том, 638-639-бетлар.

Тилшунослик фани 6 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.
Дарснинг мавзуси: *Лексикография*
Дарснинг мақсади: Талабаларга лексикография соҳаси ва тил луғатларини ту-зиш назарияси ва амалиёти тўғрисида янада чуқурроқ билимларни эгаллашига кўмак-лашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Лексикография соҳаси.
2. Луғат ва луғат турлари:
   - таржима луғатлари
   - изоҳли луғатлар
   - терминологик луғатлар
   - фразеологик луғатлар
3. Луғатчиликдаги муаммолар.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.
Тезкор сўров (Блиц-сўров)
- Луғатчилик ва луғатшунослик орасида фарқ борми?
- Жаҳон лексикографиясидан қандай манбаларни ва қайси лексикограф олимларни биласиз?

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар
1-топшириқ: Таржима луғатларини тушунтиринг ва изоҳланг.
2-топшириқ: Бир ва икки тилли луғатлар тўғрисидамаълумот беринг.
3-топшириқ: Қомусий луғатларни тушунтиринг ва шарҳланг.
4-топшириқ: Частотали луғат турини тушунтиринг ва мисол келтиринг.
5-топшириқ: Терминологик луғатлар ҳақида маълумот беринг.

Ўқув материали:

Л Е К С И К О Г Р А Ф И Я П Р Е Д М Е Т И В А О Б Ъ Е К Т И .

Лексикология ва фразеология лексикография (грекча - lexis сўз ва grapha - езаяпман) билан ўзвий боғланган.

Лексикография - хозирги замон тилшунослигига мансуб амалий фанлардан бири. Бу турли тил луғатларини тўзиш назарияси ва амалиети, демак, бу луғатлар ҳақидаги фан, уларни қандай қилиб самарали тўзиш, шу билан бир қаторда бу луғатларни тўзиш амалиети хамдир.

Шу нарса аён-ки, сўзнинг ўзи нима, у қандай яшайди ва нутқимизда қандай фаолият кўрсатади, деганларни англаб етмай туриб луғатларни тўзиш мумкин эмас. Лекин биз биламиз-ки, сўзлар лексикологияда урганилади. Шу боисдан хам лексикография лексикология билан жуда ўзвий боғланган ва унга боғлиқ. Айни чогда, луғат тўзувчилар сўзлар, уларнинг маънолари, уларнинг нутқдаги "хулки" ҳақида уйлаб куриб сўз ҳақидаги фанни янги кўзатувлар ва умумлаштирувлар билан бойитмоқдалар. Бу шу маънони англатади-ки, нафақат лексикография лексикологияга боғлиқ, шунингдек, лексикология хам лексикографияга боғлиқ. Бу икки фан бир-бирини токазо этади.

Лексикографлар (луғат тўзувчилар) нима билан шугулланишини тўла ва тўғри тушуниб етиш учун уларнинг мехнати намуналари, яъни луғатлар билан танишиш лозим.

Т У Ш У Н Ч А Л А Р В А Л Е К С И К О Н Л А Р Л У Г А Т И. Барча луғатлар тушунчалар ва лексиконлар (сўз луғатлари)га ажратилиши мумкин. Биринчи туркумдаги луғатларни (тушунчалар луғатлари) купинча, гарчи унча аниқ булмасада, энциклопедик луғатлар деб номланади. Энциклопедия - тушунча луғатларининг кўринишларидан бири холос. Тушунча луғатлари лексиконлар луғатидан қандай фарқ қилади? Энг аввало шу билан фарқ қилади-ки, тушунча луғатларда сўзларга изоҳ берилмайди, балки улар ифода этган илмий, ишлаб чиқариш, сиесий, адабий ва бошқа тушунчалар ва улар замирида етган борлиқ пердметлари, ҳодиса ва воқеалари мўзмунига ихоз берилади. Мисол учун, фалсафа луғатида китобхон фалсафа, мантик, сабаб, окибат, макон, замон, диалектика ва бошқа тушунчаларга изоҳ топади. Ушбу терминларни изоҳловчи луғат маколаларида ушбу терминлар мазмунига бўлган карашлар, ушбу мазмунни илмий ўрганиш тарихи, фанда ўзаро кўраш олиб бораетган илмий тахминлар ва бошқалар баён қилинади. Қисқа қилиб айтганда тушунча луғатлари илмий маълумотларни сўз ҳақида эмас, балки сўзлар ифода этган тушунчалар ва тушунчаларда аксини топган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва шахслар ҳақида беради. Тушунча луғатларининг энг маълум тури икки хил кўринишда маълум бўлган энциклопедик луғатлар ҳисобланади:

а) универсал энциклопедия, бу жамият ва фаннинг турли тармоқлар, турли сохаларидан тупланган илм мажмуасини китобхонга етказади;

б) махсус ёки тармоқ энциклопедияси, бу фан, техника, ишлаб чиқариш ёки маданиятнинг бир тармоги бўйича (медицина энциклопедияси, математик энциклопедия, мусика энциклопедияси) китобхонга тизимлашган билимлар мажмуасини баён қилади. Ўзбек тилида ва бошқа тилларда чикарилган энциклопедиялар бунга мисол бўла олади.

Тушунча луғатлари (ёки биз уларни номлаганимиздек, энциклопедик луғатлар)нинг тилшуносликнинг амалий сохаси булмиш лексикографияга билвосита алоқаси бор.

Лексикографларни энг аввало тушунчалар луғати эмас, балки сўз луғатлари кизиктиради. Ҳар қайси тил лексиконининг вазифаси - сўзлар англатадиган предметлар ёки фан-техника, ишлаб чиқариш ва маданият тушунчалари эмас, балки бевосита сўзлар изоҳи ва талқинидир. Тил луғатида (лексиконида) китобхон, масалан, юлдўз (звезда) сўзининг турли маънолари ҳақида, унинг грамматик формалари ва хусусиятлари ҳақида, унинг урғуси ва езилиши ва бошқалар ҳақида маълумот топади. Юлдўз сўзининг ўзи энциклопедик луғатда маколанинг сарлавхаси бўлиб, унда юлдўзлар ҳақида илмий маълумотлар - у таркиб топган моддалар, ёруглиги, ҳарорати, ер билан куешгача масофаси ва бошқалар ҳақида баён этилади.

ЛЕКСИКОНЛАР ТУРЛАРИ. Мабодо биз кўпгина турли лексиконлар билан (тил луғатлари билан) танишгудек бўлсак, у холда биз шунинг гувохи бўламиз-ки,

лексикогорафия уларнинг бир-биридан йуналиши билан фарқ қиладиган, шунингдек, луғат маколаларни, яъни лексиконда бериладиган изоҳлов текстларини мазмуни ва қурилишига кўра бир биридан фарқ қиладиган уларнинг бир неча турларини яратди. Жумлдан, замонавий лексикография бир тилли ва икки тилли (ёки таржима) луғатларини фарқлайди. Бир тилли луғатларда маълумотлар бир тилнинг ўзида - одатда маълумотлар баён этилган тилда - берилади. Таржима луғатларида бир тилдаги сўз бошқа тилдаги сўз билан киёсланади, ўзга тилга таржима қилинади. Бундай луғатлар китобхонларга маълум, жумладан, мисол учун, инглизча -русча, инглизча - Ўзбекча, немисча - русча, немисча - Ўзбекча, французча - русча, французча - Ўзбекча, итальянча - русча ва бошқалар.

Бир тилли луғатлар мулжалланишига, шунингдек, луғат маколалари мазмуни ва тўзилишига кўра изоҳли ва тарихий, тўла ва қисқа, умумий ва хусусий (дифференциал), адабий ва шева, фразеологик ва терминологик, орфоэпик ва орфографик ва бошқа турларга ажралади.

Изоҳли луғатларда сўзлар ҳақида, уларнинг муайян даврда тилда кулланадиган маънолари ҳақида маълумотлар мужассамлашган.

Бу одатда замонавий адабий тиллар луғатларидир. Бундай луғатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: В.И.Даль."Толковый словарь живого великорусского языка", "Толковый словарь русского языка" (Д.Н.Ушаков тахрири остида чиккан 4-томли).

Изоҳли луғатнинг бош вазифаси - сўзлар маъноларини ва уларни нутқда қўллашни талқин этиш, тўғрини нотўғридан ажратиш, сўзларнинг тил услубиёти билан алоқасини кўрсатиб бериш, сўзнинг келишик, род, тус, даража ва бошқа грамматик формалари хусусиятлари ҳақида китобхонга маълумот бериш, йул-йулакай сўзнинг қандай езилиши ва талаффўз этилишини кўрсатиб беришдир. Изоҳли луғатлар одатда норматив бўлади, яъни адабий тил нормалари талабларига монанд равишда сўзларни изоҳловчи луғатлардир. Тилда тадбикига кўра норма - бу адабиет иштирокида ишлаб чиқилган ва сўзнинг нутқда қўлланиши, унинг ёзуви, талаффўзи ва урғусини кўрсатиб берувчи, жамият томонидан кабул қилинган мажбурий коидалар мажмуидир.

Тарихий луғатлар тарихга, яъни муайян тил сўзлари тараккиётига алоқадор маълумотларга эга. И.И.Срезневскийнинг "Материалў для словаря древнорусского язўка" (уч томли) луғати тарихий луғатнинг алоҳида кўриниши сифатида хизмат қилади. Тарихий луғатларнинг алоҳида кўринишларини этимологик луғатлар ташқил этади, уларни тўзувчи муаллифлар турли сўзларнинг энг кадимги маънолари ва формалари ҳақида маълумотларни китобхонга беришдек ута мураккаб вазифани хал этадилар. А.Преображенскийнинг "Этимологический словар русского язўка" луғати китобхонга яхши маълум. Албатта, бошқа тарихий, хусусан, этимологик луғатлар мавжуд. Мисол учун, М.Фасмернинг "Этимологический словарь"(уч томли) нашрдан чикди. Москва Давлат Университети олимлари томонидан тайерланиб, Н.М.Шанский тахрири остида этимологик луғат чоп этилди. Инглиз, немис, француз, итальяан, поляк ва бошқа тилларнинг яхши тарихий ва этимологик луғатлари мавжуд.

Маълум даражада луғатларни тўлиқ ва қисқа турларига ажратиш шартлидир.

Адабий тил ва унинг шевалари бутун лексикасини имкон борича камраб олган луғатлар тўлиқ луғатлар деб аталади. Тўлиқ луғатга 17 томли "Словарь современного русского литературного язўка" мисол бўла олади. Адабий тилнинг қисқа луғатига С.И.Ожеговнинг бир томли луғати мисол бўла олади. Бу луғат 52872 сўз изоҳига эга.

Бир томли ёки "қисқа" луғатлар нутқда энг фаол, яъни энг зурур ва энг куп кулланувчи сўзлар изоҳини беради.

Тўла ва қисқа луғатлардан ташкари "уртача" - уч, беш томли луғатлар маълум бўлиб, улар ижтимоий ва илмий эътирофга сазовор бўлган луғатлардир. Бундай луғатлар қаторига фанда оммалашган Д.Н.Ушаков тахрири остида чиккан "Толковўй словарь русского

язўка" киради. Умумий луғатлар лексиканинг булинишидан катъий назар тўла кўринишни ўз ичига олади. Аксинча, хусусий (дифференциал) луғатлар аломати - барча сўзларни бир лахжага, касбга, услубга, сўз туркумига мойиллиги бўйича ажратади.

Одатда луғатларда адабий тил лексикаси тупланади ва изоҳланади. Лекин шевалар луғатлари хам мавжуд, уларда бир ёки бир неча шеваларга мансуб сўзлар тупланган ва изоҳланган. Сунгги йилларда лексикографлар ёзувчилар луғатларига янада кизикиш билан карамоқдалар. Адабий тил деб аталмиш соха, яъни бадиий ижод, сўз санъатига хизмат қилувчи услуб қандай равожланаётганини тўла ва тўғри англаб етиш учун бундай луғатлар жуда зарур. Энг аввало маданият тараккиетида илмий ахамият касб этган энг йирик ёзувчилар ва шоирлар асарлари бўйича луғатлар тўзилмоқда. Хорижда Шекспир, Гёте ва бошқа адабиетшуносларнинг луғатлари тўзилган. Рус тилда 4 томли "Словарь язўка Пушкина" мавжуд. Ўзбек тилида «Навоий асарлари изоҳли луғати» чоп этилган.

Фан луғатларнинг кутилмаган турларини асослаб яратмоқда. Жумладан, якиндан буен лексикографлар инверсион ёки "тескари" луғатларни ярата бошладилар-ки, бунда сўз охирида жойлашган ҳарфлар алфавит тартибида жойлаштирилган. Демак, бошланишда -а га тугаган, кейин -ба га тугаган, сунг -ва га ва -га га тугаган сўзлар келади. Бундай луғат лексикограф кунгил хуши бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бундай эмас. Бундай луғат тилни укитишда жуда фойдали, хусусан унинг сўз ясалишини, морфологиясини ўрганишда зарур. Жумладан, -ка, -тель, -ение суфикслари билан туговчи сўзлар бир жойга мужассам қилинган.

3-босқич:

Якуний - 10 мин.

Адабиётлар

1.Азизов О. Тилшунослик. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
2.Реформатский А. Введение в языкознание. М., 1967 стр.465-528.
3.Содиқов А. ва б. Тилшунослик. Т., “Ўқитувчи”, 1981.
4.Ирисқулов М. Тилшунослик. Т., 1992.
5.Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т., 2002.

Тилшунослик фани 7 - семинар машғулоти учун

[1]Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Морфемика.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга морфемика сатҳи, морфлар, морфема ва бўғин муносабати ҳақида билимлар бериш орқали уларни тилшунослик соҳасида янада чуқурроқ билимларни эгаллашига кўмаклашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:

1. Морфемика сатҳи ҳақида умумий маълумот.
2. Ўзак морфлар ва аффиксал морфлар.

3. Морфема ва бўғин муносабати.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.
Тезкор сўров (Блиц-сўров)
- Ўзак ва аффиксал морфларнинг боғлиқ ҳамда фарқли томонларини тушунтиринг.
- Бўғин ва морфеманинг фарқли жиҳатлари нимада?

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-топшириқ: Морф ва морфема деганда нимани тушунасиз?
2-топшириқ: Мустақил ишлата олиш нуқтаи назаридан морфларнинг қандай турларини биласиз?
3-топшириқ: Морфлар қайси хусусиятларига кўра турларга ажратилади?
4-топшириқ: Морфема ва фонема ўртасидаги умумийлик ва фарқларни тушунтиринг.
5-топшириқ: Аффиксал лексик ва аффиксал грамматик морфларнинг ўхшаш томонлари ва фарқларини айтинг.

Ўқув материали:
Нутққа хос бўлган энг кичик бирлик сўз (ёки сўз шакл) бўлиб, маълумки, мустақил сўзлар ҳам лексик, ҳам грамматик маъноларга, ёрдамчи сўзлар эса фақат грамматик маонога эгадир. Со`зшакллар грамматик маоно ифодалаш хусусиятига қараб маоноли қисмларга бо`линади. Ваҳоланки, ҳар қандай со`з материал (товуш) ва маоно томонларининг йиг`индисидан иборат.
Со`злар ёки со`зшакллар таркибида ажратиладиган энг кичик маоноли қисмлар морф (юнонча **морпҳе** – *шакл* демакдир)лар дейилади. Морфлар тил фанинг морфемика сатҳида о`рганилади. Демак, морфемика – со`знинг маоноли қисмлари ҳақидаги таолимот. Морфлар икки турга бо`линади: о`зак морфлар ва аффикслар морфлар. Чунончи, *тинчимоқ, меҳнаткашларнинг, китобхонларимиз, то`қимачилик.* Ушбу со`зшаклларнинг ҳар бирида то`рттадан морф бо`либ, уларнинг бош қисмлари *(тин, меҳнат, китоб, то`қи)* о`зак морфлар, о`закларга қо`шилган қисмлар ([-ч], [-и], [-моқ], [-каш], [-лар], [-нинг], [-хон], [-имиз], [-ма], [-чи], [-лик]) эса аффиксал морфлар ҳисобланади.
Ҳар бир со`зшаклда иштирок этиши шарт бо`лган, луг`авий маоно ифодаловчи қисм **о`зак** дейилади. Со`зга турлича аффикслар қо`шилганда ҳам о`зак морф о`з маносини ё`қотмайди ва со`зшаклнинг умумий маноси о`зак морфнинг маноси билан зич бог`ланган бо`лади. Масалан, *тинч, тинмоқ, бетиним, тинчи* каби со`злар *тин* о`загидан, *бошла, бошлиқ, бошчи, бошоқ, бошсиз, бошқалар* со`злари *бош* о`загидан; рус тилидаги *опқтник (тажрибачи), опқтничество (тажрибашилик), опқтнқй (тажрибали)* со`злари *опқт* о`загидан; *братание (биродарлашув), брататься (ака-ука тутинмоқ), братва (биродарлар), братец(ог`айни)* со`злари *брат* о`загидан; инглиз тилидаги *worker (ишчи), working (ишлайдиган), workшоп (ишхона)* со`злари *work (иш)* о`загидан ясалган.
Аффиксал морфлар мустақил равишда ишлатилмайди, фақат со`зшакл таркибидагина грамматик маоно ифодалайди, о`зак асосида янги лексик маоноли со`знинг юзага келишига хизмат қилади. Ифодалайдиган маоно моҳиятига ко`ра аффиксал морфлар уч турга бо`линади:
со`з ясовчи аффикслар;
алоқа-муносабат шаклларини ҳосил қилувчи аффикслар;

луг`авий шакл ҳосил қилувчи аффикслар.

**Со`з ясовчи аффикслар** турли со`зларга қо`шилиб, унинг маноси билан боғ`лиқ янги со`злар ҳосил қилади. Ясовчи аффикслар бир со`з туркуми доирасига мансуб янги со`злар ясашга: *мулк ~ мулкдор, саноат ~ саноаткор, ўзум ~ ўзумзор, зина ~ зинапоя, одам~ одамгарчилик* (от)*; киоск (до`конча) ~ киоскёр (до`кончи), кран – крановўик (кранчи), глаз (ко`з) ~ глазница (ко`з косаси)* (от) ва бир туркуьдан бошқа туркум со`зларини ясашга ҳам хизмат қилади. Жумладан, *гул* (от) – *гулли* (сифат) – *гулла* (феол), *кенг* (сифат) - *кенгай (моқ)* (феол), *о`йин* (от) – *о`йна* (феол), *йелпи* (феол) – *йелпиг`ич* (от), *чида* (феол) – *чидам* (от); *грубо* (*қо`пол*-сифат) – *грубость* (*қо`поллик*-от), *грўз* (*юк*-от) – *грўзить* (*юкламоқ*-феол), *ах* (*оҳ*-ундов) – *аханье* (*оҳламоқ* - феол) каби.

О`закка бирдан ортиқ ясовчи аффикслар қо`шилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда со`з таркиби мураккаблашади: *чой-хона-чи-лик, суво-қ-чи-лик, бе-г`араз-лик.*

Со`з ясовчи аффикслар нинг со`з ясаш даражаси ҳам бир хил эмас. Жуда ко`п миқдорда янги со`з ясашга хизмат қилувчи аффикслар унумли аффикслар ҳисобланади. *Жанг**чи**, тарих**чи**, ақл**ли**, г`айрат**ли**, оқ**ла**, тўз**ла**, мосла**ма**, қатла**ма**, ёш**лик**, бола**лик*** со`злари таркибидаги [-чи], [-ли], [-ла], [-лик] аффикслари шулар жумласидандир. Миқдоран камроқ со`з ясовчилар камунум аффикслар дейилади. Чунончи, *қамоқ, тирноқ, тошқ**ин**, қирг`**ин**, эк**ин**, туг**ун*** каби.

Тарихан янги со`з ясашга хизмат қилган, ҳозирда эса бундай хусусиятини ё`қотган аффикслар унумсиз аффикслардир. Масалан, [-вул], *(қоровул)*, [-дак] *(кекирдак)*, [-чил] *(епчил)*…

Алоқа-муносабат аффикслари со`з бирикмаларида со`зларни бир-бирига боғ`лашга, шунингдек, гап бо`лакларини шакллантиришга хизмат қилади. Алоқа-муносабат қо`шимчалари гуруҳига 1) эгалик аффикслар; 2) келишик аффикслар; 3) кесимлик категорияси қо`шимчалари (замон, майл, шахс-сон) киради. Масалан,

*Бу гап**ни** ҳеч кимг**а** айт**маганингиз** жуда яхши бо`либ**ди**, бу**ни** ҳозирча сир тутган**имиз** маоқул.*

**Луг`авий шакл ҳосил қилувчи аффикслар** сирасига отлардаги сон шакли, кичрайтириш-еркалаш шакллари, сифатлардаги даража луг`авий шакллари, феоллардаги нисбат, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи ва ҳаракат тарзи шакллари киради. Бундай шакллар о`закларга қо`шилиб, уларнинг луг`авий маносига қо`шимча маоно беради. Луг`авий шакл ҳосил қилувчи[1]аффикслар деярли барча агглютинатив тиллар учун хосдир. Масалан, *китобча, қизалоқ, кичикроқ, о`қиган, юриб; книжка (китобча), домик (уйча), девчонка (қизалоқ); смаллер (кичкинароқ), море комфортабле (қулайроқ).*

Нутқий босқичда со`зларда бо`лгани каби қо`шимчаларда ҳам шакл ва маоно муносабати асосида омонимия, синонимия, полисемия антонимия каби ҳодисалар учрайди. Аффиксал омонимия, яони қо`шимчаларнинг бир хил бо`либ қолиши фақат нутқий босқичга хос, лисоний босқичда ҳар бир аффиксал морф алоҳида зот сифатида мавжуд бо`лади. Қо`шимчаларда омонимлик икки ёки уч со`з туркуми доирасида ро`й беради. Жумладан, *тўздон* (от) – *билимдон* (сифат), *бостирма* (от) – *ясама* (сифат) – *югурма* (феолнинг бо`лишсиз шакли), *укам* (егалик шакли) – *о`қидим* (шахс-сон шакли) – *то`плам* (от).

Аффиксал полисемия деганда со`з ясовчи аффикслар нинг бир со`з туркумига хос бо`лган хилма-хил маоноли со`зларни ясаши тушунилади: *тортма* (жой оти), *иситма* (мавҳум от), *сурма* (нарса оти); *супурги* (нарса оти), *севги* (мавҳум от) каби.

Адабиётчи – адабиётшунос, бадавлат – давлатли – сердавлат – бодавлат – давлатманд, чилдирмачи – чилдирмакаш кабилар аффиксал синонимияга; *бахтли-бахциз, ноумид-умидвор, серташвиш-беташвиш, итоаткор-итоациз* кабилар эса аффиксал антонимияга мисол бо`ла олади.

Аффиксал морфлар о`закка нисбатан жойлашиш о`рнига ко`ра уч хил ко`ринида бо`лади: Олд қо`шимчалар (префекслар). О`зак-негиз олдидан қо`шилиши мумкин бо`лган бундай қо`шимчалар, одатда, со`з ясовчи аффикслар бо`лади. О`збек тилида префекслар форс-тожик тили ва рус тили таосирида пайдо бо`лган. [ба-], [бо-], [бе-], [но-], [сер-], [бад-], [хуш-], [ҳам-] аффикслари форс-тожик тилидан о`злашган: *баҳайбат, боадаб, бефаросат, ноинсоф, серчиқим, бадбо`й, хушбичим, ҳамфикр.* [анти-], [пан-], [ултра-], [екс-] кабилар эса рус тили таосирида о`злашган аффикслардир: *антидемократик, антифашист, пантуркизм, панисломист, ултратовуш, ултрабинафша, эксчемпион, экспрезидент; безграмотнқй, безопасно, изгнать, починить, наилучший, перечитать* (русча); *pewite, импоссибле* (инглизча), *беенден, Ворганг* (немисча); *сомбаттре, оссасион* (франсўзча).

Инфикслар. Инфиксал морфлар о`закнинг ичига жойлашган бо`лади. Масалан, *гултожихо`роз, ишқибоз, ундан.*

Постфикслар. О`закдан кейин қо`шиладиган қо`шимчалар ко`пчилик тилларга хосдир. Чунончи, *синфдош, пахтадан, ойнадек; спутник, белқй* (русча)*; беаутифул, ловелй, таблес* (инглизча)*; weифҳеит, Фреундс чафт* (немисча).

Бир аффиксал морфеманинг турли ко`ринишлари, вариантлари алломорфлар дейилади. Жо`налиш келишиги қо`шимчаси [-га], унинг вариантлари [-ка], [-қа], [-г`а] алломорфлардир ёки сифатдош шакли қо`шимчаси [-ган], унинг вариантлари [-кан], [-қан], [-г`ан] алломорфлар ҳисобланади.

Морфемаларни бо`гинлар билан аралаштирилмаслик керак. Биринчидан, морфлар тилнинг энг кичик маноли бирлиги бо`либ, улар ҳамма вақт бо`г`инларга то`г`ри келавермайди ва бо`г`инлар ҳам доимо морфемаларга мос бо`лавермайди. Масалан, о`збек тилидаги *шароит* со`зи уч бо`г`индан, лекин бир морфемадан ташқил топган, *болам* со`зи эса икки бо`г`ин ва иккита морфемадан ташқил топган бо`лса ҳам, уларнинг чегараси бир-бирига то`г`ри келавермайди. Фонетик жиҳатдан *бо-лам* тарзида бо`г`инларга ажратилади, морфемаларга эса қуйидагича ажратилади: *бола-м*. Баози ҳолатларда морфемалар бо`г`инларга тасодифан мос келиб қолиши ҳам эҳтимол: *синф-дош-лар, гул-лар-нинг* каби.

Маолумки, бо`г`ин бир ёки бир неча товуш (ҳарф)лардан таркиб топадиган, бир ҳаво зарби билан талаффўз этиладиган бо`лакдир. Ҳар бир бо`г`инда битта унли иштирок этиши шарт. Бо`г`ин маноли англатилиши ҳам, англатмаслиги ҳам мумкин. Морфема эса маноли (лексик ва грамматик маноли назарда тутилмоқда) ифодалаши шарт. Уларнинг бири фонетик бирлик, иккинчиси эса морфемикага хос бирлик сифатида фарқланади.

3-босқич:

Якуний - 10 мин.

Адабиётлар

1.Азизов О. Тилшунослик. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
2.Реформатский А. Введение в языкознание. М., 1967 стр.465-528.
3.Содиқов А. ва б. Тилшунослик. Т., “Ўқитувчи”, 1981.
4.Ирисқулов М. Тилшунослик. Т., 1992.
5.Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т., 2002.

Тилшунослик фани 8 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Грамматик маъно ва грамматик маъно ифодалаш усуллари.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга грамматик маъно ҳақида билимлар бериш орқали уларни тилшунослик фанининг грамматика соҳасини янада чуқурроқ билимларни эгаллашига кўмаклашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:

1. Грамматик маъно ва унинг талқини.
2. Умумий маънони очиш йўллари.
3. Грамматик маъно ифодаловчи воситалар.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.

Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- Грамматик маъно деганда нима тушунилади?
- Хусусий грамматик маъно нима?
- Умумий грамматик маъно нима?

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух

- Грамматик маънонинг формал талқини нимадан иборат?
- Оралиқ грамматик маъно нима мисоллар келтиринг.

1

2 - гурух

- [- лар] нинг ХГМларини сананг.
- [о] шакнинг ХГМларини сананг.

3-гурух

- Ички флексия нима? Унинг товуши алмашинувидан фарқли томонларини изоҳланг.
- Ёрдамчи сўзларни қўшимчалар билан нималар яқинлаштиради ва ажратади? Улар қандай грамматик маъноларни ифодалайди?

4-гурух

- Шакл ва маъно муносабатига кўра: маънодош, шаклдош, қарама- қарши маъноли сўзлар ва паронимлар.
- Қўлланишига кўра: актив ва пассив.

Ўқув материали:

Грамматик маъно деганда нима тушунилади?

Грамматик маъно деганда ҳар бир тилнинг қурилиш тизими нутқда ифодаланишини зарурий ва мажбурий деб талаб этадиган ва турли хил шаклий ко`ринишлар билан

бериладиган умумлашган маънолар тушунилади. Чунончи, *"Болалар қизиқарли китобни ўқийдилар"* гапини олсак, *"Болалар"* сўзида 2 хил маъно ажралиб туради:
1) луғавий маъно, яъни бу сўзнинг борлиқдаги одам жинсига мансуб бўлган, ёш жиҳатдан вояга етмаган шахсни ёки вояга етган кимсанинг фарзанди, авлодини атаб келиш; 2) кўплик сонда, бош келишикда, гапда эга вазифасида келган турдош от. Бу маънолардан биринчиси луғавий, лексик маъно бўлса, иккинчиси грамматик умумлашган маънодир. Грамматик маънолар ҳар бир тил учун шу тил учун ўзига хос бўлади ва ранг-баранг шаклий усуллар билан (биз бўларни навбатдаги мавзуда кўриб ўтамиз) ифодаланади.

Грамматик маънони янгича талқин қилишда ҳам тил ва нутқ фарқланиши мезонида ёндашилади. Зоҳирий нарса тез - тез йўқолиб, ўзгариб туради. Лекин у моҳиятнинг яшаш усули сифатида аҳамиятлидир. Нутқ ҳеч қачон тил ҳақида тўлиқ маълумот беролмайди. Бизнинг тил ҳақида нутқ орқали олган маълумотларимиз ҳамиша нотўлиқ. Назариётчи уларни умумлаштирар экан, тил ҳақида маълумотга эга бўлади.

Грамматик маъно (ГМ)нинг анъанавий талқини нутқий ҳодисаларга таянадиган эмпирик талқиндир. Анъанавий талқиндаги /ГМ/ ни /ХГМ/ десак тўғри бўлади.

УГМ ХГМга қарама-қарши туради. УГМ ХГМ орқали воқеланади. УГМ ҳамма ХГМларни ўз ичига олади. УГМ ва ХГМлар ҳақида гапиришдан олдин, биз умумийлик ва хусусийлик нима, умумий ва хусусий маънонинг ўзи нималиги ҳақида баҳс юритайлик.

Биз кўра оладиган, сеза оладиган, ўлчай оладиган, кўзата оладиган нарса, белги, воқеа - ҳодиса хусусийликдир. Масалан; *дарахт*ни биз кўра оламиз, пайпаслаймиз, шохлари ва баргларини, мевасини санай оламиз. *Дарахт*нинг моддийлиги унинг илдизи, танаси, шох-шаббасида. Ҳар бир *дарахт* такрорланмас, чунки бир йилда эқилган *2 та олма дарахти* 2 та алоҳидаликдир- меваси, танаси бир хил бўлса-да, барглар миқдори билан фарқланиши мумкин. Демак, ер юзида нечта *дарахт* бўлса, шунча хусусий *дарахт* бор. Уларнинг ҳисоби нисбий, чунки санагунча нечтаси қурийди, нечтаси ёниб кетади ва ҳоказо...

Бир ашулани санъаткор 2 марта айтар экан, бу бир эмас, икки хусусийликдир. *"Мен маъруза ўқияпман"* гапини 2 марта такрорласак, бунда икки хусусийлик воқеланган бўлади. Чунки бу икки гап ҳеч бўлмаганда замонда фарқланади.

Умумийлик нима? Хоҳлаган хусусийликда умумийликнинг белгиси ётади. Минглаб дарахтлар учун *(олма, анжир, чинор... дарахтлари)* умумий бўлган томон - танаси, шохи бор ўсимлик. Бизнинг онгимизда *дарахт* худди шу маъно билан яшайди. "Умумийлик - бевосита кўзатишда берилган алоҳида хусусийликлардаги белгиларнинг онгимиздаги образи" [1,8;]. Умумийликлар майда - чуйда белгиларни ўз ичига олмайди, умумийлик хусусийликларда такрорланиб туради. Демак, хулоса шуки, хусусийлик - такрорланмас, чегараланган; умумийлик - такрорий, чегараланмаган.

Исталган бутунлик шакл ва маъно томондан иборат бўлади. Яна *дарахт* мисолига қайтамиз. *Дарахт*нинг шакл томони бизга маълум: қаттиқ танали о`симлик.

Дарахт нима учун керак?

а) соя солади;

б) мева беради;

в) ёғоч беради... Мана шу вазифалар *дарахт*нинг мазмун томонидир, яъни вазифаси.

Нутқий ҳосилаларнинг мазмуни турли нутқий шароитда қанчалик хилма - хил бўлмасин, маълум бир лисоний умумийлик маъносининг тажаллисидир. Масалан, бир оддий *пиёла* ҳам ичиш қуроли, ҳам ўлчов андазаси, ҳам айлана чизиш мумкин... Лекин *пиёла*нинг умумий мазмуни-чой ёки бошқа суюқлик ичиш учун мўлжалланган ўзбек миллий рўзғор буюми. Онгимизда *пиёла* мана шундай яшайди. Чунки "нутқдаги хусусий маънолар лисондаги умумий маъноларнинг тажаллиси" [1,11;]. Умумий маъно

маълум бир фонема, морфема, лексеманинг парадигмадаги ўрни,мавқеидан очилади. Масалан, лексемалардаги умумий маъно шу лексеманинг ўзи муносабатдош бўлган лексемалар қаторидан англашилади. *"Ота"* лексемаси онгимизда қуйидаги парадигмада яшайди ва УГМси о`шандан очилади:

/бобо/: /буви/
/она/ : /ота/
:
/бола/
:
/невара/ :

Ушбу парадигмадан *"ота"* со`зининг УГМси келиб чиқади: биринчи авлод, бевосита қон-қариндош, катта, эркак. Лексемалардаги УГМ с э м э м а дейилади. Демак, умумийликнинг моҳияти маълум бир умумийликни ўзига ўхшаш ва фарқли умумийликлар билан муносабатидагина очилиши мумкин.

Ш. Шаҳобиддинова ишида ХГМ ва УГМлар атрофлича талқин қилинган. Жумладан, сон категорияси шаклларининг ХГМ ва УГМлари.

[-лар] нинг ХГМлари:

а) кўплик - *Унда ширин - ширин бананлар бор* (Ш. Юл.);

б) жамлик - *ишчилар синфи - ишчи синфи;*

д) боғлиқлик ва ўхшашлик - *Аввалги сарвигуллар ўқишни тугатишди* (Ш. Юл.);

э) тахмин - *Соат бешларда келди;*

ф) кучайтирилган маъно - *Тилларимга кўчолмайди бўғзимдаги азобим...* (У. Азимов).

[*о*] шакл ХГМ лари:

а) жамлик - *Гадонинг душмани гадо бўлади* (А.О.);

б) кўплик - *Мажлисга йигирма киши келди* (аниқ кўплик); *У қишлоқда уч - тўрт кун қолди* (ноаниқ кўплик);

д) бирлик ифодалаш - бунда кўрсатиш олмошлари, *"бир"* сўзи кўпроқ иштирок этади: *Ушбу ёдгорликка мурожаат қилар эканман, менинг мақсадим битта...* (О.Матжон).

Демак, сон категорияси шакллари учун қуйидаги УГМларни кўрсатиш мумкин: *[-лар]* УГМси—бўлинувчан/ бўлинмас сифат ва ноаниқ миқдор ифодалаш. [*о*] УГМси — бўлинмас ва аниқ/ ноаниқ миқдор ифодалаш.

Бўлинувчанлик/ бо`линмаслик деганда, қуйидагини тушуниш керак: ҳар бир хусусийлик алоҳидалик эканлигини кўриб ўтдик. *"Қовунлар"* деган сўзшакли бир неча қовунларни атаб келади.*"Қовунлар"* сўз шакли бир тўпламни ифодалайди ва у бир неча алоҳидаликларга бўлинади. *"Аҳмадлар"* деганда *Аҳмад ва унуинг ўртоқлари,* оиласи... тушунилади. Яъни *Аҳмадлар* бир тўпламни ифодалайди ва бу тўплам бўлинувчан. "*Сувларни столга қўйди"* деганда кола, минерал сувлар... тишунилади. *"Тошкентларни кезиб чиқди"* сўз шакл Тошкентни бўлиб беряпти, туманлари ҳисобга олинган. *"Тилларимга ко`чолмайди бўғзимдаги азобим"* мисрасида тил, гап, сўз, оғиз ажратиб берилган. Шунинг учун *"ишчи синфи"* ва *"ишчилар синфи"; "ўқитувчи одати"* ва *"ўқитувчилар одати"* каби сўз бирикмаларида бирлик ва кўплик сон маънолари яқинлашса ҳам, орасида нозик фарқ бор. *"Ишчилар"*да сифатий бўлинувчанлик сезилиб туради. Бирлик сонда яхлитлик маъноси кўпроқдир. Демак, бир жиҳатдан бирлик ва кўплик сон кўплик соннинг бўлинувчанликни таъкидлаши, бирлик соннинг эса яхлитликни кўрсатиши билан қарама-қарши туради. Миқдорий жиҳатдан эса бирлик сон бирлик, аниқ/ноаниқ миқдорни ифодалай олиши билан ҳамиша ноаниқ миқдорий кўпликни ифодаловчи кўплик сон шаклига қарама - қарши туради. Шунинг учун "*Бу китобни ол", "Стол устида тўрт китоб бор", "Китоб - билим манбаи"* гапларида 3 хил

маъно воқеланган: *Китоблар* сўзшакли ҳеч қачон аниқ миқдорни ифодалай олмайди. Қуйидаги гапларни қиёсланг:

Уч кун (уч кунлар)дан кейин келди;

Ўнинчи йил (йиллар)да туғ`илди.

Шунинг учун бирлик соннинг умумий грамматик маъноси қуйидагича кўрсатилиши мумкин: бирлик ─ аниқ ё ноаниқ миқдорни бўлинувчан/ бўлинмас маънода бериш. Кўплик соннинг маъноси ─ ноаниқ миқдорий кўпликни бўлинувчан сифатда бериш. Мана шу умумий грамматик маънолар билан бирлик ва кўплик морфологик сон шакллари тил тизимида, онгимизда яшайди. Бу умумий маънолар нутқда муайян моддий шаклларда чексиз ранг-барангликда воқеланади.

Кўриб ўтдикки, *дарахт* умумийлиги ўта содда ва у "ўсимлик + тана + шох"дан иборат, холос. Лекин борлиқдаги миллиард *дарахт* беҳад ранг - баранг. Худди шундай кўплик соннинг маъноси "миқдорий ноаниқ кўплик + сифатий бўлинувчанлик" каби соддадир. Нутқда эса у миллиард хусусий кўринишларда воқеланади. Бирлик сонининг маъноси "миқдорий аниқ/ноаниқ кўплик + сифатий бўлинмас" кабидир. Лекин юқорида кўрсатилган УГМ нутқда ХГМ сифатида воқеланар экан, у умумийлик билан хусусийлик орасида оралиқ маънолар ётади. Оралиқ маънолар хусусий маънолар учун маъно типлари, яъни "ўхшаш маънолар мажмуаси", УГМ учун эса "умумийликнинг кўринишлари", турлари мавқеида бо`лади. Чунончи, бирлик соннинг УГМси "аниқ / ноаниқ ва бирлик" каби маъноларни ўз ичига олади. Ва УГМ ХГМ сифатида воқеланганча юқорида кўрсатилган аниқлик, ноаниқлик, бирлик каби уч ОГМ маънонинг биридан ўтади. Чунончи,

ХГМ	ОГМ	УГМ
Бу китобда	бирлик	аниқ/ноаниқ
Уч китобда	аниқ	сифатий бўлинмас
Китобда	кўплик	миқдор
шундай ёзилган.	ноаниқ	

ОГМ ҳамиша сўзнинг луғавий маъноси, матн, қуршов билан алоқадор бўлади. Чунончи, [*-лар*] кўплик соннинг умумий маъноси -"сифатий бўлинувчан, миқдорий ноаниқ кўплик" УГМси бир неча ОГМга эга. Бўлардан асосийлари:

1. Бир ёки турли жинсдаги предметларнинг НМК(ноаниқ миқдорий кўрсаткичи)ни ифодалаш *(китоблар, одамлар...);*
2. Ўлчанмас моддаларни алоҳидаликларга ажратиб ноаниқ миқдорий ко`пликни кўрсатиш *(Тошкент сувлари...)*;
3. Турли тур ва жинслардан иборат НМКни кўрсатиш *(ёғлар-сариқ ёғ, пахта ёғи; ичимликлар-ароқ, минерал сув, кола)*;
4. Нарсани ёндошлари билан биргаликда НМК сифатида ифодалаш *(Аҳмадлар келди; Тошкентларни айландик.)*;
5. Тахмин ифодалаш: *70- йиллар;*
6. Бо`линмасни бўлинувчан этиб кўрсатиб, экспрессив маъно бериш *(Юракларимга тўқилди).* Мана шундай ҳар бир морфологик шаклда ХГМ, ОГМ ва УГМлар мавжуд бўлади. Сиз 1940-80-йилларда нашр этилган дарсликларда танишган грамматик шаклларнинг маънолари асосан ХГМ ва ОГМлардир. УГМларни очиш босқичига ўзбек тилшунослиги энди кўтарилмоқда. Жумладан, ушбу мавзулар мана шу УГМларни очишга бо`лган илк қадамлардан биридир.

Тилшунослик фани 9 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Гап ва гапнинг актуал бўлиниши.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга гап, унинг лисоний синтактик қолиплари ва актуал бўлаклар тўғрисида янада чуқурроқ билимларни эгаллашига кўмаклашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Гап - фикр ифодалаш воситаси.
2. Гапнинг лисоний синтактик қолиплари.
3. Гапнинг асосий белгилари.
4. Содда ва қўшма гап.
5. Актуал бўлаклар ҳақида.
6. Тема-рематик бўлиниш ва гапдаги сўз шакллар тартиби.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.
Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- Гап ва ҳукмнинг ўзаро боўлиқ ва фарқли жиҳатлари нимада?
- Гапнинг асосий вазифалари ҳақида гапиринг.

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-топшириқ: Қуйидаги синонимларни субститутция услуби ёрдаида маънолари-нинг яқинлик даражасини аниқланг.
юз, бет, башара, турқ, ораз, чеҳра; уй, том, кулба;юрак, дил, қалб.

2-топшириқ: *Катта байрам концертини тамоша қилдик гапи неча хил маъно англатади?* Буни трансформацион услуб асосида тушунтириб беринг.

3-топшириқ: Қуйидаги сўзларнинг грамматик ва лексик дистрибуциясини аниқланг. 1) *қуёш, таъзим, пахта, кеч, тун, чақмоқ, диёр*; 2) *оқ, қизил, мусаффо, сокин, қудратли*; 3) *чалмоқ, чекмоқ, ёзмоқ, қовжирамоқ.*

4-топшириқ: Қуйидаги сўз бирикмалари қайси гапларнинг транформацияси натижаси эканини аниқланг. а) *очиқ ҳаво, болаларнинг баланд овозда куйлаши*;
б) *поезднинг тўхтамаганлиги.*

5-топшириқ: Қуйидаги гапларни трансформацион услуб билан отлашган сўз бирикмаларига айлантиринг.
Назаров ташаккур айтди. Осмонда булут қалинлашди. Мактаб болалар билан тўлди.

Ўқув материали:

Нутқ фаолияти учун энг асосий бирлик гапдир. Чунки ижтимоий ҳаётда сўзловчининг фикр ифодалаши, ахборот ўзатиши, тингловчининг ахборот қабул қилиши, яъни кишиларнинг ўзаро фикр алмашуви сўз ёки сўз бирикмаси орқали эмас, балки гап орқали амалга ошади. «Тил ~ нутқ ~ нутқ қобилияти»дан асосий мақсад гап тўза олиш ва уни баён этишдан иборат. Инсон тилида нимаики бўлса, барча-барчаси гапни турфа шакл ва мазмунда қуриш учун хизмат қилади. Зероки, гап маълум фикрни, ҳукмни ифодалайди. Фикрнинг манбаи эса реал борлиқ ёки туйғу-ҳиссиётлардир. Масалан, *Дарахт гуллади* гапини олайлик. Ушбу гап бизнинг онгимизда икки тасаввур – предмет (*дарахт* ҳақидаги тасаввур) ва унинг ҳолати (*гулламоқ* ҳақидаги тасаввур)ни жонлантиради ва оўаро яқин икки тасаввурнинг қўшилишидан ҳукм (фикр) юзага келади. Ҳукм эса гап орқали ифодаланади. Тилдан мақсад – гап қура олиш, гапдан мақсад эса фикр ифодалашдир. Шу ўринда тил билан тафаккурнинг чамбарчас бог`лиқлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Гап ҳар бир тил системасида коммуникатив моҳиятга молик бўлган энг асосий бирлик бўлиб, ўзига хос тўзилишга эга. Тил ўзининг коммуникатив функсияси (жамиятда алоқа воситаси вазифаси)ни фақат гап орқалигина бажаради. Тилнинг асосий вазифаларидан яна бири психик (руҳий) функсияси бўлиб, фикрни шакллантиришга хизмат қилади ва бу вазифа ҳам гап орқали юзага чиқади. Демак, гапда ҳам ижтимоий, ҳам руҳий мақсад бўлади. Шунинг учун тилнинг барча сатҳлари – фонология, фонетика, лексика, семантика, морфология, синтаксис, стилистика – битта мақсадга гапни шакллантиришга ва алоқани амалга оширишга хизмат қилади.

Гапнинг табиати, моҳияти, унинг конструктив-грамматик белгилари, гапнинг сўз, сўз бирикмаси ва турғун бирикмалардан фарқи каби масалалар ҳар бир тилнинг грамматикасида ўрганилиши билан бирга жаҳон умумий тилшунослиги учун ҳам ғоят муҳим масалалардандир. Тилшунослик тарихида бу масалалар турлича талқин этилган бўлиб, ҳозиргача гапга уч юздан ортиқроқ таъриф берилган. Чунончи:

«Нутқнинг шу тилнинг грамматик қонун-қоидаларига мос равишда то`ла шакллантирилган бирлиги гапдир» (рус тилшунос олими В.В.Виноградов). «Гап – нутқнинг тугалланган фикр ифодалайдиган бўлаги» (ўзбек тилшунос олими А.Ғуломов). Ҳар иккала таъриф ҳам бевосита кўзатишда берилган нутқий ҳосила хоссаларига таянади. Нутқ бирликлари хусусийликлар сифатида шу қадар хилма-хилки, уларни оддий йўл билан бир-бирига қўшиб умумлаштириш ёки уларга умумий таъриф бериш моҳиятга бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Тилни тизим сифатида ўрганувчи тилшунослик гапга нутқ бирлиги сифатида берилган таърифларни рад этади, шунингдек, гапга лисоний босқичда таъриф бериш мумкинлигини эътироф этади.

Сизга маълумки, «лисон ~ нутқ» аспектида гап нутқ бирлиги, унинг қолипи (модели) тил бирлиги сифатида тан олинади. Хўш, гап қолипи нима ўзи? Сиз лисоний синтактик қолипларнинг бевосита кўзатишда берилмаган, умумийлик, моҳият, зарурат, сабаб, имконият эканлигини биласиз. Лисоний синтактик қолиплар ўз ичида моддийликка ишорани мужассамлаштирган бўлади. Гапнинг лисоний синтактик қолипи ҳам гапнинг асосий грамматик ва структур хусусиятларини ўз ичига олган мавҳум чизмадир. Гапларга хос бўлган зоҳирий (нутқий) ва умумий (лисоний) қолиплар мавжуд. Нутқий қолиплар турлича бўлиши мумкин. Масалан, *Қизим мактабга боряпти* гапининг зоҳирий қолипини чизиб кўрайлик.

1-қолип: От $э^{к.}$ + от $^{ж.к.}$ + ф $^{ҳ.замон}$

2-қолип: эга + ҳол + кесим.

Нутқда воқеланган гапларнинг тўзилиши беҳад хилма-хил бўлгани каби юқоридаги нутқий қолиплар ҳам ниҳоятда турли-тумандир. Бироқ гаплар асосида қолиплар тўзиш – лойнинг шаклига қараб ғишт қолипини ясашдек гап. Бу мантиқан нотўғридир. Шуни

эслатиб ўтиш лозимки, ҳосилалардан қолип келиб чиқмайди, аксинча, гаплар гапнинг лисоний синтактик қолипидан чиққан турли-туман кўринишдаги, аммо умумий моҳи-ятга бориб бирлашувчи ҳосилалардир.
Гапнинг лисоний синтактик қолипи шакл ва мазмун томонларидан иборат. Унинг мазмун томони фикр ёки ҳукм ифодалашидир. Хўш, гап лисоний синтактик қолипининг шакл томони нимадан иборат?
Ўзбекча гапларнинг ички табиатидан келиб чиқсак, ҳар бир гапда – қайси сўз туркуми ва унинг қандай шаклда бўлишидан қатъий назар – шаклланган кесимнинг такрорланганлигини кўзатамиз. Ўзбекча гапларда кесим ҳамиша шахс/сон қўшимчалари билан келади. Шахс/сон қўшимчалари эса эгасининг шахси ва сони ҳақида маълумот бериб туради ва уни яна алоҳида гап бўлаги билан қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳеч зарурат қолмайди. Чунончи, *Ўқидим*; *Югурдим*; *Кечикдик* каби ихчам гапларда (*Мен*; *Сен*; *Биз* каби) эгаларни ишлатишга зарурат йўқ. Гапни «лисон ~ нутқ» аспектида илмий текшириш натижаларига таянган ҳолда айта оламизки, ўзбек тилида умумий гап қолипи эгасиздир. Ўзбек тилида гапнинг умумий қолипи [WПм], яъни «атов бирлиги [W]га кесимлик қўшимчалари [Пм] қўшилган қурилма» сифатида белгиланган. Демак, гап лисоний синтактик қолипининг шаклий томони [WПм] ёки [АК қ = ҳукм] ([Атов бирлиги+Кесим қўшимчаси = ҳукм]га тенгдир.
Ўзбекча гаплар учун гапнинг асоси кесим бўлиб, у тасдиқ\инкор, замон, майл/модаллик, шахс\сон маъноларини ифодалаб келади, ҳукмни ифодалайди ва гапнинг бошқа бўлакларини ўз атрофида бирлаштиради. Кесим вазифасида келган атов бирлигининг нутқ талаби ва эҳтиёжига кўра кенгайиш қобилияти, яъни гапнинг зарурий бўлакларини ўз атрофида бирлаштира олиши кесим вазифасида келган сўзнинг семантик-синтактик валентлигига боғлиқдир.
[WПм] қолипига эътибор берсак, қолипнинг луғавий маъно ифодалайдиган қисми [W] билан, кесимлик категориясининг кўрсаткичлари қисми (тасдиқ\инкор, …) [Пм] билан ифодаланганлигини кўрамиз. Қолипнинг биринчи қисми содда туб, содда ясама, қўшма, жуфт сўзлар, ажралмас бирикма, ибора билан ҳам ифодаланиши мумкин ва у яна кенгайиш имкониятига ҳам эга. Бироқ бунинг қолипга дахли ё`қ. Чунончи:
Онамни қувонтирдим (*қувон* – [W] *-тирдим* [Пм]).
Карим китоб сотиб олди (*сотиб ол* – [W] *-ди* [Пм]).
У майда гапларга қулоқ солмайди (*қулоқ сол* – [W] *-майди* [Пм]).
Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, гапга лисоний босқичда шундай таъриф бера оламиз: **«Атов бирликларининг кесимлик категорияси ко`рсаткичлари билан шаклланган ко`риниши гап дейилади».**

3-босқич:
Якуний - 10 мин.

Тилшунослик фани 10 - семинар машғулоти учун

Д А Р С И Ш Л А Н М А С И

Дарс ўтиладиган гурухлар: Олмон (инглиз, француз тиллари) йўналишидаги гурухлар

Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат

1-босқич: Кириш - 5 мин.

Дарснинг мавзуси: *Дунё тиллари.*

Дарснинг мақсади: Талабаларга гап, унинг лисоний синтактик қолиплари ва актуал бўлаклар тўғрисида янада чуқурроқ билимларни эгаллашига кўмаклашиш.

Ўқитиш услуби: Мунозарали семинар

Машғулот режаси:
1. Тилларни таснифлаш асослари.
2. Генеологик тасниф.
3. Морфологик ёки типологик тасниф.
4. Ареал ва функционал тасниф.

2- босқич: Билимларни фаоллаштириш - 10 мин.

Тезкор сўров (Блиц-сўров)

- Тилларни таснифлашнинг аҳамияти нимада?
- Тиллар қариндошлиги ва асос тил деганда нимани тушунасиз?

2-босқич: Асосий қисм - 55 мин.

Гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1-топшириқ: Хинд-европа тиллари оиласини тарихийлиги, қонқариндошлиги бўйича таснифланг.

2-топшириқ: Август Шлейхер хинд-европа тилларини ўрганиш ва таснифлашда қандай метод ва ғоялардан фойдаланган?

3-топшириқ: Ўзингиз биладиган тиллар доирасида ўхшаш, генетик алоқадор тил бирликларидан мисоллар келтиринг. Фонетик, лексик ва грамматик бклгиларнинг умумийлиги ва фарқларини тушунтиринг.

4-топшириқ: Туркий тилларни ўрганишда Махмуд Қошғарийнинг хизматлари ҳақида сўзланг.

5-топшириқ: Туркий тилларнинг қиёсий-типологик хусусиятлари ҳақида гапиринг.

Ўқув материали:

Тасниф (арабча - *синф* демакдир) ёки классификация (латинча классис – *синф, туркум, гуруҳ*) атамалари ҳодисаларни, тушунча ва кўринишларни бир синфга, гуруҳга ёки тизимга бирлаштириш деган маънони билдиради. Воқеликдаги барча нарса ва ҳоди-салар муайян тизим (система)нинг таркибида яшайди, шунингдек, маълум бир синф-ларга, гуруҳларга бирлашади. Шу жиҳатдан қараганда, тасниф ёки таснифлаш илм-фан ва инсоний билиш жараёнида жуда муҳим рол ўйнаши аниқлашади. Илмий тасниф воқеликнинг маълум кўринишни тадқиқ этишда ифодаланувчи илмий қонуниятларга асосланади. Одатда, табиий классификация ҳамда сунъий классификация ажратилади: масалан, кимёвий элементларни системалаштириш ёки биологик ҳодисаларни гуруҳлаштириш табиий тасниф бўлса, ёрдамчи классификациялар, библиография соҳасидаги алифбо асосидаги ҳамда ном асосидаги, соҳа ҳамда йўналиш бўйича каталоглар сунъий таснифлардир. Дунёда 2,5 мингдан ортиқ тил борлиги тахминий ҳисоблаб чиқилган; буни аниқ-лашнинг, ҳисоблашнинг қийин томони шундаки, баъзи бир тиллар етарли даражада ўрганилмаганлиги туфайли мустақил тилми ёки диалектми, ноаниқ бўлади. Зеро, бунда муайян тилда сўзлашувчиларнинг сони эътиборга олинмайди, чунки шундай диалект-лар борки, 100 минг ва, ҳатто, кўпроқ аҳолига хизмат қилади, шунингдек, шундай тиллар ҳам борки, бир неча минг киши ва баъзан ундан ҳам озроқ кишилар фойдаланишади. Баъзи бир тиллар борки, жуда тор доирадаги инсонлар гуруҳига хизмат қилади. Масалан, Африка, Полинезия, Америка ҳудудлари, Доғистондаги баъзи элат ва қабилалар тили мисол бўла олади. Бир хил тиллар фақат бир халқнинг тили ҳисобланади. Масалан, дунган тили (Қирғизистон, Қозоғистон), манси

тили (Шимолий Зауралйе) муайян халқ тили бўлса, чеш, поляк, болгар тиллари миллат билан боғлиқ. Тилларнинг яна бир синфи – бир неча миллатларга хизмат қилувчи тил бўлиб ҳисоб-ланади. Бунга мисол қилиб, португал тилининг Португалия ва Бразилияда, франсўз тилининг Франсия ва Швейцарияда, инглиз тилининг Англия ва АҚШ, немис тилининг Германия ва Австралияда, шунингдек, испан тилининг Испания ҳамда Жанубий ва Марказий Американинг 20 та республикасида қўлланилишини келтириш мумкин. Дунёда икки тилли халқлар ҳам бор, шу билан бирга икки ва ундан ортиқ халқнинг тилига айланганлари ҳам мавжуд. Шундай тиллар борки, уларда адабий тилдан фарқ қилувчи бир неча вариантлар, тиллар мавжуд. Масалан, коми-зирян ва кома-пермяс тиллари ёхуд араб тили. Сомий тиллар гуруҳининг жанубий тармоғига мансуб бу тил – Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Африка шимолидаги йигирмадан ортиқ мамлакатнинг расмий давлат тили ҳисобланади. Унда 200 миллиондан зиёд аҳоли гаплашади (1997). Миср, Судан, Сурия, Ироқ, Мағриб, Ҳасания (Мавритания), Шоа (Нигерия, Камерун, Нигер) лаҳжаларига бўлинади. Шу ва шу каби ҳодисалар, тилларни системалаш-тиришнинг муҳим масалалари саналади. Умумий тилшуносликнинг долзарб вазифаси – тилларни таснифлаш, уларни таснифлаш асосларини текширишдан иборат. Тилшунослар ҳамда тадқиқотчилар орасида тилларни таснифлаш бўйича ҳар хиллик мавжуд. А.Реформацкий ҳам, Б.Головин ҳам тилларнинг классификациясини 2 гуруҳга – генеологик ва типологик (ёки морфологик)ка бўлсалар[1-2], В.Кодухов ҳамда А.Содиқовлар дарслигида тиллар таснифи 4 гуруҳга ажратилади: ареал (географик), типологик, генеологик, функционал[3-4].

Ареал таснифда дунё тилларининг харитаси, турли мамлакатларнинг тил томонидан табиати, айрим тиллар қўлланиш доирасининг кенгайиши каби масалалар ўз ифодасини топади. XX асрнинг 80-йилларида динёда 130 га яқин миллат ва элат вақиллари ҳисобга олинган бўлиб, рус, украин, белорус, ўзбек, татар, қозоқ, озарбайжон, арман, грўзин, литва, молдаван халқлари энг кўп сонли миллатлар ҳисобланади. Шимолдаги хант, чукча, эвенеск, ненес, нанай, макси, коряк халқлари (Кавказ), Доғистонда рус, қумиқ ва озарбайжонлардан ташқари яшовчи: авар, даргин, лазгин, лак, табасаран, чечен ва нўғай каби 30 га яқин элат ва этник гуруҳлар яшайди. Собиқ СССРнинг ареал лингвистик таснифи шуни кўрсатадики, унда, асосан, ҳинд-европа, туркий, фин-угор, кавказ, мўғул, тунгус-манжур, палеоазит манжур тиллари кенг тарқалган эди.

Тилларнинг **функционал** таснифи кўп қиррали бўлиб, 3 асосий жиҳатга кўра ажрати-лади:

тилнинг ўзи мансуб бўлган этник жамият билан алоқаси;
тилнинг жамиятдаги вазифалари;
асосий этник област доирасида тилнинг тарқалганлиги.

Тилнинг халқ тарихи билан алоқасига кўра, асосан, 3 тилга ажратилади: қабила тили, элат тили, миллий тил. Тиллардаги ижтимоий функцияларни таснифлаш турли нутқ услуб (стил)ларининг, тиллар ихтисослашувининг пайдо бўлишига олиб келади. Дастлаб меҳнат фаолиятининг, ижтимоий жараённинг воситаси бўлган тил, бадиий-насрий тилга эга миллий ва халқ тилларининг вужудга келиши билан полифункционал, яъни кўп вазифали бўлади, чунки бу алоҳида тилларнинг вазифавий ихтисослашувига ҳамда услубларнинг юзага келишини ифодалайди.

[1-2] Реформатский А.А. Введение в языкознание. М.1955. стр. 299
Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., «Высшая школа», 1977. стр.251
[3-4] Кодухов В.Н. Введение в языкознание. М., «Просвещение», 1987. стр.248
Содиқов А. ва б. Тилшуносликка кириш. Т., «Ўқитувчи», 1981. 190-б.

ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1-маъруза: Тилшунослик фанининг мақсад ва вазифалари

Маъруза машғулоти технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 63 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш маъруза
Маъруза машғулоти режаси	1.Тилшунослик фани мақсад ва вазифалари. Тилнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси. 2.Тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назария ва фаразлар. 3.Тил қурилиши ва у ҳақидаги фан хусусида умумий маълумотлар. 4.Тил ва тафаккур. Тил ва нутқ.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларнинг мавзу бўйича умумий тасаввурларни шакллантириш, тилнинг жамиятдаги ўрни ва тилнинг пайдо бўлиш ҳақидаги назариялар билан таништириш.	
Педагогик вазифалар: ✓ Тилнинг юзага келиш ва ривожланиш тараққиёти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш. ✓ Тилнинг пайдо бўлиши назариялари ҳақида маълумот бериш. ✓ Тилнинг пайдо бўлишига оид тилшунос олимларнинг фикрлари билан таништириш. ✓ Тилнинг қўлланиш вазифалари ҳақидаги талабанинг билим малакасини ошириш. ✓ Тилнинг табиати ва моҳияти ҳақида тушунча бериш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари*: ✓ Тил ва унинг ривожланиш тараққиёти ҳақида тасаввурга эга бўлади. ✓ Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий ва диний назарияларни ўрганади ва изоҳлай олади. ✓ Гумбольдт, К.И.Аксаков, Л.Ельмслев каби тилшунос олимларнинг тил борасидаги фикрлари билан танишади ва таҳлил қила олади. ✓ Тилнинг қўлланиш сфераларини ўрганади ва шарҳлай олади. ✓ Тилнинг табиати ва моҳияти ҳақида умумий тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали маъруза, концептуал жадвал, блиц сўров, Т-жадвал.
Ўқитиш шакли	Фронтал, гурухий, жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, графикли дизай-нерлар, доска, бўр.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гу-рухларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

1-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич Кириш (5 мин.)	1.1. Машғулот аввалида талабаларга маъруза матни ва ўқув топшириқларни тарқатади. 1.1. Машғулот мавзусини эслатади ва кутилаётган натижани ва дарсни олиб бориш тартибини маълум қилади.	1.1. Эшитадилар ва маъруза матнини оладилар.
2 - босқич Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1.Жуфтликка ажралишларига топшириқ беради. Маъруза матн ва ўз нуқтаи-назаридан, тилнинг пайдо бўлишига доир фикрларни жуфтликда муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказади.	2.1. Топшириқларни бажарадилар, муаммони жуфтликда муҳокама қилади, саволларга жавоб беради.
2 - босқич Асосий (55 мин.)	2.2. Маъруза матнидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволни ўйлаб кўришни тавсия этади: • Тил қандай ҳодиса ҳисобланади? Жуфтликда саволни муҳокама қилишни тавсия этади. 2.3.Концептуал жадвал асосида тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияларни қиёсий ўрганиб ўз муносабатини билдириш вазифасини топширади. • Тилни илмий ўрганиш жараёнидаги энг муҳим хусусиятлар нимада? Саволга жавоб беришни таклиф этади. 2.4. Одам ва тилнинг пайдо бўлишидаги сабабларни мулоҳаза қилишни таклиф этади. Савол юзасидан камчиликларни тўлдиради, хатоларни тўғрилайди ва хулоса чиқаради. 2.5. Тилга берилган таърифларга таянган ҳолда ўз таърифини беришни таклиф этади. Тилнинг асосий вазифаларини шарҳлаб беради. 2.6. Субстрат ва суперстрат ҳодисалари нима? саволига мисоллар ёрдамида жавоб беришни сўрайди.	2.2. Маъруза матнидаги тил ҳодисаси ҳақидаги фикрларга эътибор беради. Саволни жуфтликда муҳокама қилади. 2.3. Концептуал жадвални чизадилар ва тўлдирадилар. 2.4. Одам ва тилнинг пайдо бўлиш сабаблари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирадилар. 2.5. Тилга берилган таърифларни ўрганадилар ва муҳокама қиладилар. Т-жадвални тўлдирадилар. 2.6. Иккала ҳодисани тушунтиради ва мисоллар келтиради.
3 - босқич Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. 3.2.Талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва рағбатлантиради. 3.3. Уйга топшириқ беради.	3.1. Тинглайдилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.

1-семинар машғулоти: Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
Семинар машғулоти технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билим кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, чуқурлаштирувчи ҳамда ривожлантирувчи семинар.
Семинар машғулоти режаси	1.Тилшунослик фани тарихи. 2.Тилшунослик соҳалари ва унинг тўзилиши. 3.Тилларнинг шаклланиши ва тараққий қилиши. 4.Тилнинг пайдо бўлиш назариялари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга тилнинг пайдо бўлиши, тилларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотлар бериш орқали таянч билимларни эгаллашишига кўмаклашиш.	
Педагогик вазифалар: • Тилнинг табиати, унинг пайдо бўлиши ҳақида маълумот бериш. • Буюк тилшуносларнинг бу борадаги фикрлари билан талабаларни таништириш. • Талабалар томонидан тилнинг пайдо бўлиш назарияларига холисона ёндашилишига эришиш. • Тилларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини тушунтириш. • Субстрат ва суперстрат ҳодисасини ёритиб бериш. • Талабаларнинг кейинги семинар мавзусига қизиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилиш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари*: • Талабалар тилнинг табиати, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги билимларга эга бўладилар. • Талабалар буюк олимлар тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги теран фикрларини ўрганадилар. • Тилнинг пайдо бўлиш назарияларига холисона ёндашишни ўрганадилар. • Тилларнинг шаклланиши, миллий тиллар тараққиёти ҳақида маълумотга эга бўладилар. • Субстрат ва суперстрат ҳодисаларини мисоллар ёрдамида тушунтира олиш малакасига эга бўладилар. • Талабалар орасидаги қарама қарши фикрлилари эркин мунозарага киришишлари орқали қолган талабаларда мавзуга бўлган қизиқишларини ортишига эришадилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, савол-жавоб, тезкор сўров, тақдимот.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий, кичик гурухларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Формат қоғоз, маркерлар, скотч, асосий маълу-мот ва таянч тушунчалардан иборат тарқатма материал.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гу-рухларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

1-семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар,	Фаолият мазмуни

вақти	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади. 1.2. Ўқув машғулотининг шакли, ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.3. Мавзунинг режаси ва асосий тушунчаларни эшиттиради ва қисқача изоҳ беради.	1.1. Тинглайди. 1.2. Мавзу номи ва режаси билан танишади.
2 - босқич Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1.Тезкор сўров техникасини қўллаб талабаларни фаоллаштиради, маърузада олган билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлайди.	2.1. Саволларга жавоб беради.
2 - босқич Асосий (55 мин.)	2.2.Талабаларни 4та кичик гурухларга бўлади ва ҳар бир гурухга топшириқларни тарқатади. Гурухлар тилнинг пайдо бўлиш тўғрисидаги назарияларни ёритиб беришларини сўрайди. (25 мин.) 2.3. Талабаларни керакли воситалар билан таъминлайди ва топшириқни бажариш йўлини тушунтиради. 2.4. Гурухлар фаолиятини кўзатади, назорат қилади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.5. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гурух фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун ҳар бир гурухга 6 дақиқадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. 2.6. Субстрат ва суперстрат ҳодисаларини мисол ёрдамида тушунтириб беришларини сўрайди. 2.7. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тўзатишлар киритади.	2.2. Топшириқлар билан танишадилар. 2.3. Тинглайдилар ва керакли маълумотни ёзиб оладилар. 2.4. Гурухлар фаолиятини бошлайди. 2.5. Топшириқни ўрганадилар, фикр алмашадилар, жавобларни топадилар, формат қоғозга гурух томонидан танланган шаклда туширадилар. Топшириқ юзасидан тақдимотни бошлайдилар. Бошқалар тинглайдилар, савол берадилар ва баҳолайдилар. 2.6. Иккала ҳодисани ўрганади ва тушунтиради. 2.7. Тинглайдилар, хатоларни тўзатадилар.
3 - босқич Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади. 3.2.Гурухларга қўйилган баҳоларни эълон қилади. Семинар машғулоти натижаларини шархлайди. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: Ўрганилган мавзуни мустақил равишда мустаҳкамлаш.	3.1. Тинглайдилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.

2-маъруза: Фонетика ва фонология ҳақида тушунча
Маъруза машғулоти технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 63 нафар

Ўқув машғулотининг шакли	Мавзуий – кўргазмали маъруза
Маъруза машғулоти режаси	1. Фонетика фани объекти. Товушлар ва фонема, фонетика ва фонология. 2. Нутқ аппарати ва товушлар ҳосил бўлиши. Артикуляция, нутқ товушлари артикуляцияси ва таснифи. Унли ва ундошлар. 3. Бўғин ва бўғин турлари. 4. Урғу ва унинг турлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга фонетика ва фонология тушунчалари ҳақида чуқур билим бериш билан билим доирасини кенгайтириш.	
Педагогик вазифалар: ✓ Фонетика фанининг ўрганиш объектлари ҳақида маълумот бериш. ✓ Товушлар ва фонема, фонетика ва фонология ҳақида маълумот бериш. ✓ Нутқ аппарати ва артикуляцияга оид билим кўникмасини ҳосил қилиш. ✓ Унли ва ундош фонемалар ҳақида маълумот бериш. ✓ Бўғин ва бўғин турлари, урғу, унинг турлари билан таништириш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари*: ✓ Фонетика фани объектлари, мақсад ва вазифалари билан танишади. ✓ Товуш ва фонемаларни фарқлаш, фонетика ва фонология тушунчаларини ўрганадилар ва таҳлил қиладилар. ✓ Нутқ аппарати ва товушлар ҳосил бўлиш ҳолатларини ўрганадилар ва фикр билдира оладилар. ✓ Унли ва ундош фонемалар ҳақида мукаммал билимга эга бўладилар. ✓ Бўғин ва унинг турлари, урғу ва унинг турлари билан яқиндан танишадилар ва ўрганадилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали маъруза, концептуал жадвал, кластер, блиц сўров.
Ўқитиш шакли [1]	Фронтал, гурухий, жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, графикли дизай-нерлар, доска, бўр.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гу-рухларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

2-маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич Кириш (5 мин.)	1.1. Машғулот аввалида талабаларга маърўза матни ва ўқув топшириқларни тарқатади. 1.1. Машғулот мавзусини эслатади ва кути-	1.1. Эшитадилар ва маъруза матнини оладилар.

	лаётган натижани ва дарсни олиб бориш тартибини маълум қилади.	
2 - босқич Билимларни фаоллаш-тириш (10 мин.)	2.1.Жуфтликка ажралишларига топшириқ беради. Маъруза матни ёрдамида фонетика ва фонологияга доир саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказади.	2.1. Топшириқларни бажа-радилар, муаммони жуфт-ликда муҳокама қилади, саволларга жавоб беради.
2 - босқич Асосий (55 мин.)	2.2. Маъруза матнидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги саволни ўйлаб кўришни тавсия этади: • Фонетика қандай масалалар билан шу-ғулланади? Жуфтликда саволни муҳокама қилишни тавсия этади. “Нима учун?” схемасини тўлдиришни таклиф этади. 2.3.ББББ жадвали нутқ аппарати, нутқ товуш-ларининг артикуляцияси, нутқ товушлари-нинг таснифини ўрганиш вазифасини топ-ширади. 2.4. Унли ва ундош товушлар ҳақида мулоҳаза қилишни таклиф этади. Савол юзасидан камчиликларни тўлдиради, хато-ларни тўғрилайди ва хулоса чиқаради. 2.5. Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлини-шини тушунтиради ва шарҳлаб беради. 2.6. Нутқ товушларининг ўзгариши ва бошқа фонетик жараёнларини мисоллар ёрдамида тушунтиради ва изоҳлайди.	2.2. Маъруза матнидаги тилшунослик тарихи ва ри-вожланиш босқичлари ҳақи-даги маълумотга эътибор бе-ради. Саволни жуфтликда муҳокама қилади. 2.3. ББББ жадвалини тўлди-радилар. 2.4. Унли ва ундош товуш-лар тизимини ўрганадилар ва ўз мулоҳазаларини билдира-дилар. 2.5. Энклитика ва проклити-ка ҳодисаларини фарқлайди-лар ва ўрганадиларю 2.6. Комбинатор ўзгаришлар, ассимиляция ва диссимиля-ция ҳодисалари билан тани-шадилар ва ўрганадилар.
3 - босқич Якуний (10 мин.)	3.1. “?” белгиси қўйилган ноаниқ қолган саволларга жавоб беради. 3.2. Мавзуга хулоса қилади ва фаол тала-баларни рағбатлантира ди. 3.3. Уйга топшириқ беради.	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.

2-семинар машғулоти: Фонетика ва фонология
Семинар машғулоти технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 25 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билим кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, чуқурлаштирувчи ҳамда ривожлантирувчи семинар.
Семинар машғулоти режаси	1. Фонетика ва фонологиянинг ўрганиш объекти. 2. Нутқ аппарати. 3. Нутқ товушларининг артикуляцияси. 4. Нутқ товушларининг таснифи. 5. Урғу ва унинг турлари. 6. Нутқ товушларининг ўзгариши. 7. Бошқа фонетик жараёнлар.

	8. Фонема.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга фонетика ва фонологиянинг ўрганиш объектлари, бугунги кундаги долзарб муаммолари ҳақида батафсил маълумот бериш орқали билим малакаларини ошириш.	
Педагогик вазифалар: • Фонетика фанининг ўрганиш объектлари ҳақида маълумот бериш. • Товушлар ва фонема, фонетика ва фонология ҳақида маълумот бериш. • Нутқ аппарати ва артикуляцияга оид билим кўникмасини ҳосил қилиш. • Унли ва ундош фонемалар ҳақида маълумот бериш. • Бўғин ва бўғин турлари, урғу, унинг турлари билан таништириш. • Талабаларнинг кейинги семинар мавзусига қизиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилиш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари*: • Фонетика фанининг ўрганиш соҳалари билан танишади ва фикр билдира олади. • Нутқ органлари ва уларнинг вазифаларини айта олади. • Товуш ҳосил бўлишидаги асосий босқичлар ҳақидаги билимларини кенгайтиради. • Тилдаги унлилар ва уларнинг парадигмаси билан танишадилар ва мунозара юрита оладилар. • Унли фонемаларнинг нутқий хусусиятлари билан танишадилар. • Ундош фонемалар ва улар ўртасидаги зиддиятларни ўрганади ва таҳлил қилади. • Бўғин ва унинг турлари билан танишадилар, мисоллар ёрдамида фикрларини асослай олиш малакасига эга бўладилар. • Талабалар орасидаги қарама қарши фикрлилари эркин мунозарага киришишлари орқали қолган талабаларда мавзуга бўлган қизиқишларини ортишига эришадилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, савол-жавоб, тезкор сўров, тақдимот.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий, кичик гурухларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Формат қоғоз, маркерлар, скотч, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат тарқатма материал.
Ўқитиш шарт-шароити 1	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория.

2-семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1- босқич Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади. 1.2. Ўқув машғулотининг шакли, ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.3. Мавзунинг режаси ва асосий тушунчаларни эшиттиради ва қисқача изоҳ беради.	1.1. Тинглайди. 1.2. Мавзу номи ва режаси билан танишади.
2 - босқич	2.1.Тезкор сўров техникасини қўллаб та-	2.1. Саволларга жавоб бе-

Билимларни фаоллаш-тириш (10 мин.)	лабаларни фаоллаштиради, маърузада олган билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлайди.	ради.
2 - босқич Асосий (55 мин.)	2.2.Талабаларни 3та кичик гурухларга бўлади ва ҳар бир гурухга топшириқларни тарқатади. Гурухлар нутқ аппарати, нутқ товушларининг артикуляцияси, нутқ товушларининг таснифи каби масалаларни ёритиб беришларини сўрайди. (25 мин.) 2.3. Талабаларни керакли воситалар билан таъминлайди ва топшириқни бажариш йўлини тушунтиради. 2.4. Гурухлар фаолиятини кўзатади, назорат қилади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.5. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гурух фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун ҳар бир гурухга 6 дақиқадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. 2.6. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тўзатишлар киритади. 2.7. Талабалар гурухларга бўлинади: урғу ва унинг турлари, бўғин ва уларнинг турлари, фонетик жараёнлар каби масалалар устида ишлайдилар ва тақдимотга тайёргарлик кўрадилар.	2.2. Топшириқлар билан танишадилар. 2.3. Тинглайдилар ва керакли маълумотни ёзиб оладилар. 2.4. Гурухлар фаолиятини бошлайди. 2.5. Топшириқни ўрганадилар, фикр алмашадилар, жавобларни топадилар, формат қоғозга гурух томонидан танланган шаклда тушурадилар. Топшириқ юзасидан тақдимотни бошлайдилар. Бошқалар тинглайдилар, савол берадилар ва баҳолайдилар. 2.6. Тинглайдилар, хатоларни тўзатадилар. 2.7. Тақдимотга тайёргарлик кўрадилар ва тақдим этадилар.
3 - босқич Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади. 3.2.Гурухларга қўйилган баҳоларни эълон қилади. Семинар машғулоти натижаларини шархлайди. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: Ўрганилган мавзуни мустақил равишда мустаҳкамлаш.	3.1. Тинглайдилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.

3-маъруза: Ёзув
Маъруза машғулоти технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 63 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза
ВАРВАРИЗМ *(юн.* ЬагЬапзтоз). Она тилига ўзлашмаган. ўзга тил Ҳодисаси сифатида қўлланган сўз ёки ибора. Варва- ризмлардан, одатда ўзга ерга *кос* расм-одатларни тасвирлашда, маҳаллий колоритни яратишда фойдаланилади: *мадам, миссис* ва б.: *Ич мадам, потом гулятга борамиз* (Ойбек).

ВАРИАНТ *(лот.'* уапапз, уапапНз'— ўзгарувчи). Тил бирлй- гининг турли-туман ўз^ришлар натижасида ҳосил бўлган шакли. Мае., а ф ф и кс н и и г в ари а нти (*қ.*), е ў з н ин г в а р и а н т и &•)• ■

ВЕЛЯРИЗАЦИЯ *(лот.* уе1опз — орқа танглай). Тил орқа қйсмининг юмшоқ .т^нглайга яқинлашувй аоосидаги оврз ,ра шовқиннинг кескин пасайиши натижасида товўшнинг каттикла- шуви. *Қ.* Веляр ундошлар. *Қиёс.* Палатализация.

ВЕЛЯРИЗАЦИЯЛАНГАН УНДОШ. Асосий артикуляцияга веляризация қўшилган ундош, Тил орқа қ, ғ, х ундошларидан бошқа ҳамма ундошлар веляризацияланган бўлиши мумкин. *Қиёс.* Палаталанган ундош.

ВЕЛЯР УНДОШЛАР — *айн.* Орқа танглай ундошлари.

ВЕРГУЛ. Тиниш белгиларидан бири (,). Бу белги, масалан, қуйидаги ҳолларда қўйилади: а) қўшма гап компонентлари ора- сида: *Кун ботиб, осмон қорайган* (П. Турсун); б) ундалмаларни ажратиш учун: *Уртоқлар, бир оз кутамиз;* в) уюшиқ бўлаклар- ни ажратишда: *Сен куйчи, пахтакор, олим...* (Г. Гулом) ва б.ВИБРАНТ *(лот.* уйзгапНз-*• титроқ)— *қ.* Титроқ ундош.

ВИД — *қ.* Вид категорияси.

1ВИД КАТЕГОРИЯСИ — *қ.* Туе категорияси.

ВИДЕРЖКА. Товуш артикуляциясининг ўрта фазаси. Бунда нутқ аъзолари худди шу товушнинг талаффузи учун зарур ҳолатда бўлади. *Қ.* Приступ. Отступ.

ВОКАБУЛА *(лот.* уосаЬи1ит— сўз). 1. Лексикология ва лек- сикографиянинг ўрганиш манбаи сифатидаги алоҳида олинган сўз.

[2] Луғат мақоласининг бош сўзи.

ВОКАЛИЗМ *(лот.* уосаНз— унли)—*қ.* Унлилар тизими.

ВОКАТИВ (лот. уосаНз — ундаш келишиги). 1. *айн.* 1Ун- даш келишиги. 2. *ойн.*

Ундалма.

ВОКАТИВ ГАП — *қ.* Ундаш гап.

ВОЛАПЮК (уо1арйк<ыкгл. \уог1<1 —- дунё, зреак — гапир- моқ, яъни дунё тили). 1880 йилда немис католик руҳонийси Шлейхер томонидан тавсия этилган сунъий халқаро тил.

ВОСИТАЛИ КЕЛИШИК. Бош ва қаратқич келишикларидан бошқа келишиклар воситали келишиклар гуруҳини ташкил эта- ди. Булар сўз бирикмаси ва гап таркибида синтактик тобеликни ифодалашига кўра бир гуруҳга бирлаштирилади.

ВОСИТАЛИ ОБЪЕКТ — *айн.* Воситали тўлдирувчи.

ВОСИТАЛИ ТЎЛДИРУВЧИ. Тушум, қаратқич, бош кели- шиклардан бошқа келишикдаги сўз билан ёки кўмакчи олган сўз билан ифодаланиб, ҳаракат-ҳолат бевосита йўналмаган объектни кўрсатадиган тўлдирувчи: *Ҳовузни су в га* тўлдирдик (И. Раҳим). *Биламан, бу гап Ҳафиздан чиқан<* (А. Қаҳҳор). *Ҳамма учун эрмак бўлди бу китобчалар* (М. Исмои- лий). *Сизга ҳали Умри тўғрисида гапиришди* (А. Қаҳҳор). *Қиёс.* Воситасиз тўлдирувчи.

ВОСИТАСИЗ ТЎЛДИРУВЧИ. Тушум келишигидаги сўз билан ифодаланиб, ҳаракат бевосита йўналган объектни кўрсатадиган тўлдирувчи: К ампир чархнинг ғув-ғувидан қизларнинг гапи ни эшитмас эди (Ойбек). ...Тантибойвачча чап томондаги кичкина к ў ч а н и кўрсатди. (Ойбек). Қиёс. Воситали тўлдирувчи.

ВОСИТА ТИЛ. Миллатлар, элатлар орасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тил.

ВУЛЬГАРИЗМЛАР *(лот.* уи1§апз — оддий, содда)— *қ.* Дағал сўз, Дағал ибора.

Г

ГАЛЛИЦИЗМ *(лот.* даШсиз). Француз тилидан ўзлашган, лекин ёт элемент экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора: *мерси, пардон* каби. *Қ.* Варваризм.

ГАП. 1. Тил қонунлари асосида грамматик ва оҳанг жиҳат- дан шаклланган, фикрни ифодалаш учун хизмат қиладиган нутқ бирлиги. Гапнинг грамматик асосини предикативлик— замон категорияси, модаллик категорияси ва хабар оҳанги таш- кил этади. Гаплар тузилиши, коммуникатив вазифаси ва б. бел- гиларига кўра бир неча турларга бўлинади. *Қ.* Гап турлари.

4. Қўшма гапнинг предикатив бирликка тенг қисми (мае., эргаш гап).

ГАП БЎЛАҚЛАРИ. Гап таркибида маълум бир сўроққа жа- воб бўлиб, маълум бир синтактик вазифада келувчи сўз ёки сўз бирикмалари.

Гап бўлаклари гап таркибидаги ролига қараб, икки асосий турга бўлинади: 1) бош б ў л а к л а р *(қ.)* ,2) и к к и н ч и д а - р а ж а л и б ў л а к л а р *(қ.).*

Тузилишига кўра гап бўлаклари икки турга бўлинади: 1) с о д д а б ў л а к *(қ.),* 2) м у р а к к а б б ў л а к *(қ.).*

ГАП БЎЛАҚЛАРИНИНГ ТАРТИБИ. Гап бўлакларининг ўзаро маълум грамматик қонун-қоида асосида, маълум синтактик, мазмуний, услубий қиймати билан боғлиқ ҳолда жойла- шуви. Гап бўлаклари тартибининг икки тури бор: 1) т ў ғ р и т а р т и б *(қ.),* 2) т е с к а р и т а р т и б ё к и и н в е р с и я (»{.).

ГАПЛОЛОГИЯ, *(юн.* ^ар1оз — оддий; 1о§;оз — тушунча, таълимот). Ясама сўзларда қатор келган бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бўғинлардан бирининг тушиши: *минералогия (мине- ралология* ўрнига); *қайна<қайнана<қайнона, қайни<қайни- ни<.қайн ини* каби.

ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ. Гапнинг муайян нутқий матндаги мундарижасидан келиб чиқиб, мазмун жиҳатдан бў- линиши. Бундай бўлинишда гап икки қисмдан иборат бўлади: [2]

1) сўзловчи ва тингловчи (ўқувчи) учун маълум нарсани ифодаловчи қисм (тема), 2) сўзловчи билдирмоқчи, айтмоқчи бўлган қисм, яъни янги ахборот, маълумот қисми (рема): *Бу йилги ре- жалар яна ҳам катта.* Бу гапнинг актуал бўлинишида тема: *бу йилги режалар;* рема: *яна ҳам катта. Қ.* Тема. Рема.

ГАПНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Гапнинг ўзаро фикр олишувда бажарадиган вазифалари. Гапнинг икки асосий вазифаси фарқланади: 1) нутқий алоқа вазифаси *(қ.* Гапнинг нутқий алоқа вазифаси); 2) эстетик вавифа *(қ.* Гапнинг эстетик вазифаси).

ГАПНИНГ ГРАММАТИК ТУЗИЛИШИ. Гапнинг уни ҳосил этган синтактик унсурлардан иборат тузилиши: *Гули Сабоҳат опа билан Дилмуродни кузатиш учун эрталаб барвақт автостан- цияга чиқди* (У. Юсупов). *Турли-туман гуллар бирин-кетин очилгач, бутун ҳовли гул ҳидига қопланди-ю, дам олиш соат- лари яна ширин ва яна мазали туюларди.* Биринчи гап содда гап бўлиб, унинг таркибидаги бўлаклар шу гапнинг синтактик тузилишини ташкил этади. Иккинчи гап эса қўшма гап ва унинг таркибий унсурлари (ҳосил қилувчи гаплар) шу қўшма гапнинг грамматик тузилишини ташкил этади.

Г А П Н И Н Г МАЗМУНИЙ ТУЗИЛИШИ. Гапнинг мазмун жи- ҳати, мавҳум мантиқий-грамматик маъноси («фикр предмети ва унинг белгиси» каби), субъект, фикрий объект каби мазмуний категориялар асосида келтириб чиқариладиган мазмун.

ГАПНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА БЎЛАКЛАРИ. Гапнинг актуал бўлинишида унинг тема ва ремалардан иборат тузилиши. *Қ.* Тема, Рема: Гапнинг актуал бўлиниши.

Г А П Н И Н Г НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Гапнинг фикр ифодалаш воситаеи сифатида (бажарадиган вазифаси. *Қ.* Гапнинг вазифалари. Нутқий алоқа вазифасига кўра гаплар бир неча турга бўлинади. *Қ.* Гап турлари.

ГАПНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ТУЗИЛИШИ. Гапнинг ўзаро мазмун муносабатида бўлган қисмлардан (нутқий алоқа бўлак- ларидан) иборат тузилиши. *Қиёс.* Гапнинг

синтактик тузилиши. /(..Гапнинг актуал бўлиниши. Гапнинг нутқий алоқа бўлаклари^

ГАПНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Гапнинг фикр мазму-. нипа қўшимча тарзда турли ҳис-эмоция, таъсирчанлик ифодалаш вазифаси. Эстетик вазифа бажариш ёки бажармаслигига кўра гаплар икки турга бўлинади: 1) э м о ц и о н а л г а п, 2) н р э м о ц и о н а л ёки и н т е л л е к т у а л г а п. Гап турлари.

ГАП ТУРЛАРИ. Гапнинг таснифига кўра турлари. Гаплар турли нуқтаи назардан тасниф, қилинади ва унинг турлари ҳам шу тасниф нуқтаи назаридан белгиланади. Гаплар қуйидаги нуқтаи «аэардан таониф қилинади:

1. Таркибида предикатив бирликнинг миқдорига кўра. Буиг,, да гапларнинг икки тури фарқланади: 1) с о д д а г а п *(қ.),* 2) , қ ў ш м а г а п (/{.). ■ э

■ 2. Нутқий алоқа вазифасига кўра *(қ.* Гапнинг ком му ни катив вазифаси); Бунда гапларнинг уч тури фарқланади: 1) д а р а к; г а п (^.)! 2) с ў р о қ г а п (*?•); 3) б ў й р у қ *(қ.).*

5. Эстетик вазифасига кўра *(қ.* Гапнинг эстетик вазифаси) ; .

1) э м о ц и о н а л г а п *(қ.)* 2) н о э м о ц и о н а л ёки и н т е л л е к т у а л г а п *(қ.).*

Уз навбатида гапнинг бу турлари турли нуқтаи назардан ўз ичида яна бир неча турларга бўлиниши мумкин.

ГЕМИНАТА — *қ.* Қўш ундош.

ГЕМИНАЦИЯ — *ҳ.* Қўш ундошлик.

ГЕРМАНИЗМ *(лот.* ^егшапиз — герман). Герман тилларн- дан ўзлашган, лекин ёт унсурлар экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора: *денди, мисс* ва б.

ГИДРОНИМ *(юн.* Ьуйог — сув; опута.— ном). Дарё, суз, ҳапзалари кабиларнинг номлари.

ГИПЕРБОЛА *(юн.* ЬурегЬо1е — муболаға). Нарса, ҳодиса,. жнраёнларнинг белги-хусусиятини, ҳола тин и ўта бўрттириб тас- вирлаш: *Қил устида турибди. Сариқ чақага олмаЦди. Сарҳо- вуздан катта эди косаси (Фольклор)* .

ГИПОТАКСИС, *(юн.* Ьуро— ости+^ах!§ — жойлашув). *Қ.* Тобе алоқали тузилма. *Қиёс.* Паратаксис.

ГЛОССАРИЙ, Бирор асар, айниқса кадимги асарлардаси эскирган ва кам қўлланадиган, тушунилиши, қийин бўлган сўзлар йзоҳлаиадигаи луғат.

ГЛОТТОГОНИК ЖАРАЁН. Тилнинг пайдо бўлищ ва тарақ- киёт жараёни. . .

ГЛОТТОГОНИЯ *(юн.* 01оМа — тил+^опоз— туғилиш).

1. Тилнинг келиб чиқиший.
2. Тилнинг келиб чиқиший ва тараққиёти ҳақидаги таълимот.

ГРАДАЦИЯ *(лот.* §га<1а1ю —- босқичма-босқич кучайтирищ) Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмуни- ни) кучайтириб боришидан иборат услубий жараён:

КУрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир Парча нонинг,
Керак бўлса ному с, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Қўлингга қурол ол! ■

(Ҳ. Олимжон.)

ГРАДУАЛ ОППОЗИЦИЯ *(лот.* дгайиз — қадам, босқич)—• *Қ.* Даражали оппозиция.

ГРАММАТИЗАЦИЯ— *айн.* Грамматикализация. ,, л

ГРАММАТИКА *(юн.* ^гаттаМке — ҳарф ўқиш ва ёзищ санъати). 1. Тилшунослйкнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Урганиш манбаи, материали ва вазифаси нуқтаи назаридан грамматиканинг бир неча тури фарқланади: 1) т а р и х и й г р а м м а т и к а *(қ.)* 2) т а с в и- р и й г р а м м а т и к а (%); 3) ф о р м а л г р а м м а т и к а (»{.), Узаро қардош ёки қардош бўлмаган тиллар грамматик қури- лишни солиштириб урганишига кўра грамматиканинг икки тури фарқланади: 1) ч о ғ и ш т и р м а г р а м м а т и к а (/$.); 2) қ и- ё с и й г р а м м а т и к а. (/{.).

2. айн. Грамматик қурилиш: ўзбек тилинцнг фонетика ва грамматикаси.
3. Сўз шакллари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапдаги ўзаро боғланиши ҳақида қоидалар мажмуи: *ўзбек тили грамматика,- сини ўрганиш.*

ГРАММАТИКАЛАШИШ. 1. Сўзнирг мустақил луғавий маъносини йўқотиб, ёрдамчи вазифа да қўлланишга ўтиши, ёрдамчи сўзга айлаиши. Мае., *кўра, қараганда, асосан* сўзлари- нинг ёрдамчи вазифада қўлланиши; *билан, эди* кабиларнинг бу- тунлай ёрдамчи сўзга айланиши.

2. Сўз бирикмасининг аналитик шаклга айланиши. Бунда ҳам сўз бирикмасини ҳосил қилувчи қисм (сўз)лардан бири ўз мустақиллигияи йўқотади. Мае., ўзбек тилидаги *ўқий бошла- моқ, ёзиб кўрмоқ* каби бирикувлар аслида сўз бирикмаси бўл- тан. Ҳозирда эса, улар таркибидаги *бошламоқ, кўрмоқ* феъл- лари мустақил луғавий маънога эга эмас, шу туфайли улар аналитик шакл ҳисобланади.

ГРАММАТИКАЛИЗАЦИЯ — *Қ.* Грамматикалашиш.

ГРАММАТИК АЛОҚА — *айн.* Синтактик алоқа.

ГРАММАТИК АНТОНИМИЯ . Грамматик бирликларнинг ўзаро антоним бўлиши, антонимик муносабати.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ. Асосида ётувчи умумий маъно- сига кўра бирлашувчи шакллар тизими. Грамматик категория - нииг одатда икки тури фарқланади: 1)

морфологи к категория (>(.); 2) синтактик категория *(қ.).*

ГРАММАТИК КЕСИМ — *айн.* Кесим. *Қиёс.* Логик кесим.

ГРАММАТИК МАЪНО. Сўзнинг шаклий қисми, грамматик шакли ифодалайдиган маъно. Мае., *-лар* қўшимчаси отга хос кўплик маъносини *(дўстлар, боғлар* каби), — *яп* аффикси феъл- га хос ҳозирги замон маъносини (*келяпти, сўраяпти* каби) ифо- далайди. *Қиёс.* Лексик маъно. Лексик-грамматик маъно. *Қ.* Грамматик форма.

ГРАММАТИК ОМОНИМИЯ. Грамматик бирликлар орасидаги омонимия. *Қ.* Омоморфемалар.

ГРАММАТИК СИНОНИМИЯ. Грамматик бирликлариинг (сўз шакли, сўз бирикмаси ёки гапларнинг) ўзаро синоним бўлиши. *Қ.* Синтактик синонимия.

ГРАММАТИК СОН — *айн.* Сон категорияси.

ГРАММАТИК УСЛУБИЯТ. Сўз туркумлари ва уларга хос шаклларнинг таъсирчанлик хусусиятлари, синтактик тузилма- ларнинг услубий имкониятлари, шунингдек, нутқда грамматик воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

ГРАММАТИК ФОРМА — *ц.* Грамматик шакл.

ГРАММАТИК ШАКЛ. Грамматик маънони ифодалаш учуй хизмат қиладиган тил воситалари. Мае., *ёздиряпман* феъли таркибида орттирма нисбат,ҳозирги замон, биринчи шахе бирлик маъносини ифодаловчи шакллар қатнашган. Грамматик шакл аффикслар ёрдамида ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил қилинади. Шунга кўра грамматик шаклнинг икки тури ўзаро фарқланади: 1) синтетик шакл *(қ.);* 2) аналитик шакл *(қ.).* Грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра грамматик шаклнинг икки тури фарқланади: 1) категориал шакл (»{.); 2) нокатегориал шакл ёки функционал шакл (/{.).

ГРАММАТИК ЭГА — *айн.* Эга. *Қиёс.* Логик эга.ГРАММАТИК ҚУРИЛИШ. Тилга хос сўз шакли, сўз бирикмаси ва гап қурилиши.

ГРАФЕМА *(юн.* ^гарЬе— шакл, сурат). Ёзув бирлиги. Бундай бирлик сўздаги, гапдаги ўрнига кўра, услуб ва ҳ. га қараб, катта ва кичик шаклига (А, а), қора ва курсив шаклига (а, о) эга ва ҳ. Графема бир товушнинг ҳам, икки ёнма-ён товушнинг ҳам ифодаси бўлиши мумкин. Мае., ё (й+о), е (й-(-э), ю (й-^-у)., я (й+а) графемалари.

ГРАФИКА *(юн.* §гарЫке —ёзма). 1. Нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизими: *рус графикаси, араб графикаси.*

2. Тилшуносликнинг ллифбодаги ҳарфлар таркибини, шак- лини, ҳарф ва нутқ товушлари орасидаги муносабатни белгилаш билан шуғулланувчи амалий соҳаси.

ГРЕЦИЗМ. Грек (юнон) тилидан ўзлашган, лекин ёт унсур экани сезилиб турадиган бирликлар (сўз, ибора ва б.). *Қ.* Варваризм.

ГУМОН ОЛМОШЛАРИ. Предмет, белги кабилар ҳақида НО аниқ тасаввур англатувчн, уларга тахминли ишора қилувчи, олмошлар: *аллаким, аллақандай, қандайдир, бир нима* кабилар: *Бунина бадалига унга б и р о в битта-яримта нон, яна б и р о в чойчақа бериб кетади* (Ҳ. Гулом). *Аллаким қаер бадир* кўрганига тақлид қилиб, бинокорлик бригадаси Тўлаган аканинг ёрдами 'билан пўчтахона ташкил қилди (А. Қаххор).

ГУМОН ЮКЛАМАСИ. Узи алоқадор сўзнинг ёки бутун гапнинг мазмунига ноаниқлик (гумон) маъносини берувчи юкла: ма: -дир (қаердадир), балки: Бола, «укдим» дегандай бошини қимцрлатиб, қаергадир ўқдай учди (Ойбек). Балки завод қуриш учун овора бўлищга тўғри келмас... (Ойбек).

Д

2

ДАРАЖА КАТЕГОРИЯСИ. 1. Белшнинг бир-бирига қиёсан даражасини кўрсатадиган грамматик категория. Асосан сифат туркумига, қисман равиш туркумига хос. Бу грамматик катего- риянинг уч тури бор: 1) бош даража *(қ.);* 2) озайтир- ма даража *(қ.)*; 3) орттирма даража *(қ.): гўзал— гўзалроқ —жуда гўзал* каби.

2. *қ.* Нисбат категорияси.

ДАРАЖАЛИ ОППОЗИЦИЯ. Қарама-қарши қўйилувчилар- нинг ҳар бирида бор белгининг турли даражада бўлиши асоси- даги зидланиш. Мае., *чиройли — сулув — барно — гўзал.*

ДАРАКГАП. Воқеа-ҳодисани тасдиқ ёки инкор йўли билан қайд этувчи, хабар этувчи гап: Уша солдат тўғрисида бironта- сига мирикиб ҳикоя қилиб бергим келади (А. Мухтор). Бир неча минутдан кейин бу кўчага одам сиғишмай қолди (А. Қаххор).,

ДАҒАЛ ИБОРА. Адабий тил, одатдаги (мақбул) муомала учун хос бўлмаган, қўпол муносабатни ифодаловчи ибора: *қуюшқондан чиқмоқ, думига челак боғламоқ* каби.

ДАҒАЛ СЎЗ. Адабий тилга кирмайдиган қўпол сўз. Мае., *емоқ, чайнамоқ* сўзлари ўрнида қўлланувчи *кавшамощ, ғажимоқ* сўзлари: *Қанча сўксанг, шунча шилқим, турфа суллох бач- чағар* (Муқимий).

ДЕКОРРЕЛЯЦИЯ (*лот.* с!е — «олиш», «ажратиш» маъноли олд қўшимча+соггеШю— ўзаро алоқа, муносабатдорлик). Сўзда морфемалар миқдори сақлангани ҳолда уларнинг маъноси, хосса-хусусияти ва ўзаро муносабатининг ўзгариши. Мае:, *унинг* сўзи асли ул — олмош ва -Инг — қаратқич келишиги қў- шимчаеидан таркиб топган. Кейинчалик морфемаларга ажра- лиш ўзгарган: у — олмош ва -нинг — келишик қўшимчаси. ҚЭ Морфологик қайта бўлиниш.

ДЕМИНУТИВ (лот. ёетшийдз—кичрайган)— айн. Кичрай- тиш шакли: қизча, столча, тугунчак каби.

ДЕНОТАТ *(лот.* йепо1аге—белгиламоқ). Тил бирлиги (мае., сўз) ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм. Мае., *юз, афт, башара, чеҳра, турқ* сўзлари бир предмет (денотат) нинг турли номларидир. *Қиёс.* Сигнификат.

ДЕНОТАТИВ МАЪНО. Денотат билан бевосита боғлиқ, уни бевосита билдирувчи маъно. *Қ.* Денотат. *Қиёс.* Коннотатив маъно.

ДЕНОТАЦИЯ. Тил бирлигининг асосий, денотатив маъно ифодаси. *Қиёс.* Коннотация.

ДЕПРЕДИКАЦИЯ. Предикатив синтагмани нопредикатив синтагма тарзида трансформациялаш. Мае., *Делегация Тош- кентга келди.— Делегациянинг Тошкентга келиши. Қ.* Трансформация. Номинализация.

ДЕРИВАТОЛОГИЯ—*айн.* Сўз ясалиши 1.

ДЕРИВАЦИОН МАЪНО — *айн.* Сўз ясалиш маъноси.

ДЕРИВАЦИОН МОРФЕМА — *айн.* Сўз ясовчи формант. *Қ.* Формант.

ДЕРИВАЦИЯ *(лот.* йетаНо,—^ясалиш)—*айн.* Аффиксал сўз ясалиши.

ДЕСЕМАНТИЗАЦИЯ *(лот.* йе — «айириш» маъноли олд қўшимча: *юн.* аешапШоз — ифодаловчи) — *қ.* Маъносизланиш.

ДЕСКРИПТИВ ЛИНГВИСТИКА *(инглз.* йезсг1рйуе — тас- вирий). Ҳозирги тилшуносликда америка структурализми деб номланувчи йўналиш. Бу йўналиш тил тузилиши шаклий унсур- ларини дистрибутив метод асосида ўрганади. *Қ.* Структурализм. Дистрибутив метод.

ДЕТЕРМИНАНТ. Тапнинг бошланишида мустақил таркибий қисм сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун ҳолда таалл^қли бўлиб, уни яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи да- ражали бўлак. Мае., *Қеча ҳаво булут бўлиб, бир оз ёмғир ёғди.*

ДЕФИС *(нем. Ье\18<.лот.* <3тзю — бўлиниш). Жуфт ва такрорий сўзларда, сўз ва унга қўшиладиган айрим унсурлар ўртасида ва б. бир неча ҳолатларда ярим қўшиб ёзишни кўрса- тиш учун қўйиладиган чизиқча (-): *аста-секин, паст-баланд, жажжи-жажжи, бора-бора, келди-кў* /саби.

ДЕЭТИМОЛОГИЗАЦИЯ *(лот.* с!е — «айириш» маъноли олд қўшимча+этимология). Сўзда этимологик боғланишнинг йўқо- лиши, яъни сўз ясалишига асос бўлган қисм билан сўз ясовчи формант маъно муносабатининг йўқолиши. Деэтимологизация турли ҳодисалар туфайли, мае., товуш ўзгаришлари, морфема- ларнинг истеъмолдан чиқиши ва ҳ. натижасида юз беради. Мае., ўзбекча *юксак, юксал, юқорц* сўзлари *юк-11юқ-* сўзи билан боғлиқ. Лекин ҳозирги тилда бу сўзлар ясама деб қаралмайди.

ДИАКРИТИК БЕЛГИ *(юн.* сНакгШкоз— фарқловчи). Ҳарф- га қўшимча равишда биркитилиб, бошқача товушни кўрсатувчи ҳарф ҳосил қилишда қатнашадиган белги. Мае., ё ҳарфидаги инки нуқта, қ ҳарфидаги остки белги ва б.

ДИАЛЕКТ *(юн.* (На1екюз—шева, лаҳжа). Умумхалқ тили- нинг сон жиҳатдан нисбатан кам бўлган, бироқ ҳудудий. касб- ҳунар ва б. жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар томонидан қўлланадиган кўриниши. *Қ.* Касб-ҳунар лексикаси. Со- циал диалект, Маҳаллий (ҳудудий) диалект. *Қиёс.* Лаҳжа, Шева.

ДИАЛЕКТАЛ ЛУҒАТ. Тилнинг диалект ва шеваларига хос— фонетик ёки маъно жиҳатдан адабий тилдагидан фарқ қила- диган сўзларни қайд этадиган луғат (мае., «Ўзбек халқ шева- лари луғати». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971).

ДИАЛЕКТИЗМЛАР. Бирор диалектга хос бўлган тил бир- ликлари. Диалектизмлар сўз, ибора ёки бошқа бирликлар бўлиши мумкин. Мае., *жаман* (ёмон), *чоч* (соч) — фонетик диалектизм; *патинжон* (помидор), *болиш* (ёстиқ)—лексик диалектизмлар; *кўчага кўрдим* (кўчада кўрдим)—грамматик диалектизм ва ҳ.

ДИАЛЕКТОГРАФИЯ *(юн.* сНа1ек{о&— шева, лаҳжа+дгар- Ьо — ёзаман), Маҳаллий диалект, лаҳжа ва шеваларни тасви- рий йўл билан ўрганувчи соҳа; тасвирий диалектология.

ДИАЛЕКТОЛОГИК АТЛАС — *қ.* Лингвистик атлас.

ДИАЛЕКТОЛОГИК ЛУҒАТ — *қ.* Диалектал луғат.

ДИАЛЕКТОЛОГИК ХАРИТА. Бирор тилнинг диалект, лаҳжа ва шеваларининг географик жойлашувини кўрсатувчи ха- рита.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ *(юн.* сНа1ек1о5—шева, лаҳжа+Ь^оз— тушунча, таълимот). Тилшуносликнинг диалект, лаҳжа ва шеваларни ўрганувчи бўлими.

ДИАЛОГ *(юн.* <На1одоз—суҳбат). Суҳбатдошларнинг бевосита бир-бирига қаратилган нутқи. Нутқнинг бу тури ўзига хос бир қатор белги-хусуоиятларга эга. Мае., унинг синтактик қурилиши нисбатан содда бўлади, ҳар бир шахснинг гапи одатда қисқа бўлади ва ҳ.:

— Шу ерго чақира қолай?
— Келармикан?
— Илтимос қилиб кўрамиз-да.
— Ҳа, майли... (Уйғун).

ДИАХРОНИЯ *(юн. На—* орқали+сЬгопоз— вақт). Айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик ўрганиш манбаи сифатида. *Қиёс.* Синхрония.

ДИВЕРГЕНТ *(лот.* сИуег§еге— турли томонга тарқалувчи). Дивергенция йўли билан бир фонеманинг вариантларидан та- раққий этган (келиб чиққан) фонема. Мае., ўзбекча тил орқа а унлисидан келиб чиққан о (э) унли фоиемаси *(қишлоқ* сўзидаги) .

ДИВЕРГЕНЦИЯ. 1. Ўзгаришга сабаб бўладиган позицион шароитларнинг йўқолиши натижасида фонема вариантларининг фонологизацияланиши, бир фонеманинг икки фонемага ажра- лиши.

2. Товушларнинг позицион ҳолатга кўра бирдан ортиқ товуш- га бўлиниши.

ДИЕРЕЗА *(юн.* сНаеге515 — бўлиншд). Қатор ундошлардан бирининг ассимиляция ёки диссимиляция натижасида тушиб қолиши. Мае., *арслон>аслон.*

ДИНАМИК УРҒУ. Товуш кучининг ўзгаришига (интенсив- лигига) асосланадиган урғу. Динамик урғуда интенсивлик етак- чи бўлади. *Қиёс.* Квантитатив урғу.

ДИССИМИЛЯЦИЯ *(лот.* шз^ипИГз — ноўхшаш). Сўздаги бир хил ёки бир-бирига қисман ўхшаш товушлардан бирининг артикуляцион жиҳатдан фарқ қиладиган бошқа товуш томон ўзгариши. Диссимиляция жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан сўзлашув нутқида юз беради: *транвай (трамвай* ўрнига), *зарал (зарар* ўрнига) ва ҳ. Уз хусусиятига кўра диссимиляция- нинг икки тури фарқланади: к о н т а к т д и с с и м и л я ц и я *(қ.),* д и с т а н т д и с с и м и л я ц и я *(қ.). Қиёс.* Ассимиляция.

ДИСТАНТ АССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён бўлмаган ундошлар ассимиляцияси. Мае., *мошкичири — мочкичири каби. Қиёс.* Контакт ассимиляция.

ДИСТАНТ ДИССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён бўлмаган ундошлар диссимиляцияси. Мае., *зарал* (ад. -орф. *зарар). Қиёс.* Контакт диссимиляция.

ДИСТАНТ ҲОЛАТ *(лот.* сНз^апНа — оралиқ). Тил бирлик- ларининг бир-биридан ажралган, узоқлашган ҳолда жойлашуви. Мае., эга ва кесимнинг дистант ҳолати: *А з и з ўша купи ярим тунгрча у х л о л м а д и* (У. Уомонов). *Қиёс.* Контакт ҳолат.

ДИСТРИБУТИВ МЕТОД. Структурал лингвистикада тил унсурларини муайян тилга хос қонун-қоидалар асосида бўлиш метод и.

ДИСТРИБУЦИЯ (лог. сНз{пЬи1ю — ажратиш, тарқатиш). Бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршови- да ишлатила олиш ўринлари. Дистрибуциянинг қуйидаги турлари бор: 1) қ ў ш и м ч а д и с т р и б у ц и я *(қ.);* 2) *э р қ и н* а л м а ш и н и ш д и с т р и б у ц и я с и *(қ.);* 3) к о н т р а с т д и с т р и б у ц и я *(қ.)* ва б.

ДИФТОНГ *{юн.* сН(з)—икки карра+рЫоп^оз — овоз, товуш). Икки товушдан таркиб топган унли бир бўғин таркибида келувчи, шунга кўра бир товушга яхлитланувчи унли. Дифтонг ўзбек тилида деярли йўқ. *Қиёс.* Монофтонг.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ СЕМА *(лот.* сННегепз— фарқловчи) — *айн.* Фарқловчи сема.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВАЗИФА—*қ.* Фарқлаш вазифаси.

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ *(лот.* (ШҒегепИа—фарқланиш). 1. Тил бирликларининг шакл, мазмун ва бошқа жиҳатдан ўзаро ажра- лиши, қатламланиши. Мае., *артмоқ* ва *арчмоқ* феълларининг фонетик ва маъно жиҳатдан ўзаро алоҳидаланиши; *ишлар, ке- лар* феъл шаклининг гумон ифодаловчи шаклга айланиши унинг *ишлайди, келади* шакли билан дифференцияланиши натижаси- дир.

2. Тил эволюциясининг хусусиятларидан бири бўлиб, бунинг таъсирида тил лаҳжалари ўртасида ноўхшашликлар вужудга келиб, улар мустақил тилларга айланади. *Қиёс.* Интеграция.

ДИФФУЗ ТОВУШЛАР. Бир-биридан ажралмас, бир-бирига сингиб кетган товушлар.

ДОМИНАНТА *(лот.* йоштапз, йоттагШз— ҳоким). Сино- нимик қатордаги бош сўз: бу сўз синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган денотатив маънони ифодалайди. Мае., *юз — бет — афт — башара — чеҳра — жамол — дийдор — ораз — узор — рухсор* синонимик қаторида *юз* сўзи доминанта ҳисобла- нади.

ДОНА СОН. Предметнинг миқдорини доналаб кўрсатувчи миқдор сонлар. Соннинг бу тури *-та* қўшимчаси ёрдамида яса- лади: Мае., *бешта, тўқизта* каби.

ДУБЛЕТЛАР *(фран.* (кшЫеКскшЫе — ИККИЛИ). Бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил бирликлари. Мае., *тилчи — тилшунос, адаб — одоб, арзийдиган —• арзирли* ва б. *Қ.* Абсолют синонимлар, Вариант.

Е

ЕТАКЧИ ФЕЪЛ. Аналитик феъл шаклларида ўз мустақил маъносини сақловчи феъл. Мае., *ўқиб чиқди, эзиб ташлади,*
бора қол, йиқилиб кетди каби аналитик шаклларда *ўқи, эз, бор., йиқил* феъллари етакчи феъл ҳисобланади. *Қ.* Ердамчи феъл- лар. Аналитик шакл. *Қиёс.* Кўмакчи феъл.

Ё

ЕЗМА НУТҚ. Нутқ товушларини махсус график белгилар воситасида ёзиш билан ифода этиладиган нутқ. *Қиёс.* Оғзаки нутқ.

ЕЗУВ. 1. Нутқни қоғозда (ёки бошқа нарсада) акс эттириШ учун хизмат қиладиган ҳарфий график шакллар тизими, шу тизимга асосланувчи алоқа воситаси.

2. *айн.* Графика.

ЕИИҚ ГАП. Бош ва иккинчи даражали бўлаклардан таш- кил топган гап: Қизлар звеноси Дилшоднинг уйида ўйин-кулги билан кўнгил очишди (Ойбек). Низомжон опасининг гапларини чин юракдан эшитиб ўтирарди (Саид Аҳмад). Қиёс. Иигиқ гап.

ЕИИҚ БЎЛАҚ — *қ.* Мураккаб бўлак.

ЕНДОШ АССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён ундошлар ассимиля- цияси. Мае., лн>лл: қўлни — қўлли, тд>тт: кетди — кетти каби. Қиёс. Дистант ассимиляция.

ЕНДОШ ДИССИМИЛЯЦИЯ. Ёнма-ён ундошлар диссими- ляцияси. Мае., *транвай* (ад. -орф. *трамвай). Қиёс.* Дистант диссимиляция.

ЕНДОШ ҲОЛАТ. Тил бирликларининг бевосита ёнма-ён (орада бошқа бирликлар бўлмай) жойлашуви. Мае., эга ва ке- симнинг ёндош ҳолати: *Меҳмонлар келишди. Қиёс.* Дистант ҳолат.

ЕН УНДОШ. Тил учининг юқори милкка жипелашуви натй- жасида ҳаво оқими пастга тушган тил орқа қисмининг икки ёнидан ўтиши билан ҳосил бўладиган л сонор товуши.

ЕПИЛГАН БЎҒИН. Ундош билан бошланадиган бўғин: *бола, тилак* каби. *Қиёс.* Епилмаган бўғин.

ЕПИЛМАГАН БУҒИН. Унли билан бошланадиган бўғин: *ойна, албатта, илҳом* сўзларининг биринчи бўғини. *Қиёс.* Епил- ган бўғин.

ЕПИҚ БУҒИН. Ундош билан битган бўғин: *қат-тщ, ўр-тоқ, мак-таб* каби. *Қиёс.* Очиқ бўғин.

ЕПИҚ УНЛИ— *қ.* Тор унли.

ЁРДАМЧИ СУЗЛАР. Мустақил ҳолда гап бўлаги вазифа- сида кела олмайдиган, турлича ёрдамчи маъно ва вазифаларда қўлланадиган сўзлар. Узбек тилида ёрдамчи сўзлар маъно ва вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) кўмакчи *(қ.);* 2) боғловчи *(қ.);* 3) юклама *(қ.).*

ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР. Ёрдамчи вазифасида қўдланиб, қўш- ма феъл ҳосил қилиш, феълнинг аналитик шаклини ясаш учун хизмат қилувчи, шунингдек, боғлама вазифасини бажарувчи феъллар. Улар ўз вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) қўшма феъл ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар: *қил, айла, эт, бўл: қабул қилмоқ, рухсат этмоқ* каби; 2) феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар (булар одатда кўмакчи феъллар деб юритилади): *бошла, чиқ, юбор* ва б.: *кела бошлади, ўқиб чиқдим. сўраб кўр, йиқитиб юборди* каби; 3) боғлама вазифасини бажарувчи кўмакчи феъллар. Мае., *бўл: инженер бўлмоқ.*

Ж

ЖАМЛОВЧИ ОТ. Бир хил предметларнинг тўдасини, жа- мини билдирувчи отлар: *халқ, армия* каби.

ЖАМЛОВЧИ СОН. Предмет миқдорини жамлаш йўли билан билдирувчи сон: *учов, тўртала* каби.

ЖАРАНГЛИЛИК. Ун (товуш) пайчаларининг тебранишидан юзага келувчи тон. *Қиёс.* Жарангсизлик.

ЖАРАНГЛИ УНДОШЛАР. Шовқинга овоз қўшилган ундошлар. Мае., б,'в, г, з ундошлари. *Қиёс.* Жарангсиз ундошлар.

ЖАРАНГСИЗЛИК. Ун (товуш) пайчаларининг тебранмас- лиги, тоннинг йўқлиги.

ЖАРАНГСИЗ УНДОШЛАР. Таркиби шовқиннинг ўзидан иборат бўлган ундошлар: п, ф, к, ш, с, т каби. *Қиёс.* Жарангли ундошлар.

ЖАРГОН *(фран.* ^агдоп). Бирор гуруҳ вакилларининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. Мае., *новча* (арақ), *қизил* (вино) -г- ичувчилар нутқига хос; *тоғамнинг ўғли* (милиционер, инспектор)—шофёрлар нутқида.

«Ж»*ЛА111. й товуши ўрнида ж товуцгани айтиш. Бу ҳодиса айрим туркий тилларга (мае., қозоқ ва қорақалпоқ тилларига) хос. Узбек тилининг эса қипчоқ шеваларида учрайди *жўл* (йўл), *жўқ* (йўқ) каби.

. ЖОНЛАНТИРИШ. Жонсиз предмет, мавҳум нарсаларга жонли предметларга, инсонга хос хусусиятлар бериб тасвирлаш- дан иборат усул: *Нашвати дер кўзинг сузиб, Мен сиз учун, кў- рингиз баҳам. Ҳеч кимда йўқ менинг олтин тусим. Тилла билан баравар баҳом* (Уйғун). *Қ.* Персонификация.

ЖОНЛИ ТИЛ. 1. Бирор халқнинг алоқа қуроли сифатида хизмат қилиб турган тили. *Зид.* Улик тил.

2. Оддий сўзлашув (/$.).

ЖУФТ СОН. Бирдан ортиқ соннинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, тахминий миқдорни билдирувчи сон: *беш-олти киши, уч-тўрт соат* каби. ЖУФТ СУЗ. Мустақил лексик маъноли ёки лексик маънога эга бўлмаган икки қисмнинг тенг боғланиши асосида ташкил тониб, умумлаштириш, жамлик каби маъноларни ифодаловчи сўз; сўзнинг жуфт шакли. Жуфт сўз қисмлари ўртасидаги тўх- там (пауза) қисқа бўлади; *бахт-саодат, хат-хабар, яхши-ёмон, боғ-роғ, аланг-жаланг, апоқ-чапоқ* каби.

ЖУФТ УНДОШЛАР. Жарангли ва жарангсизлик жиҳатдан фарқланиб, артикуляция ўрни ва усули жиҳатдан бир хилли- гига кўра ўзаро зидлик ҳосил қилувчи ундошлар: б-п, т-д, г-к, з-с ва б.

ЖУНАЛИШ КЕЛИШИГИ. Ҳаракат йўналган нуқтани бил- дириб, ўрин, вақт, сабаб каби маъноларни ифодалашга хизмат қиладиган келишик. Бу келишик шакли *-га (-ка, -қа)* аффикси ёрдамида ясалади: *уйга, капалакка, қатища* каби: *Тошмамат курсива ўтирганча бетоқат бўлиб, шифтга қаради* (У. Усманов). *Тўйку зга белгиланди. Дўстининг бе пар во лиги, га хафа бўлди.*

З

ЗАМОН — *қ.* Замон категорияси.

ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтига муно- сабатини билдирувчи грамматик категория. Ҳаракатнинг нутқ пайтига бўлган муносабатига кўра феълнинг уч замон тури бор: 1) ўтган замон *(қ.); 2) ҳозирги замон- (^.У;* 3) келаси замон *(қ.).* Ҳаракатнинг нутқ пайтига муноса- батини бевосита ёки бавосита ифодалашига кўра замоннинг икки тури фарқланади: 1) мутлақ замон *(қ.);* 2) ниобий замон *(қ.)* .

ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Маънолари бир-бирига қарама-қарши (зид) бўлган уюшиқ бўлакларни, шунингдек, қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар: лекин, аммо, бироқ, ҳолбуки каби: Ғуза суғориш- ни жуда яхши биладилар, лекин амал қилмайдилар (Ойбек) . Хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон буни таъна деб тушунди (А. Қаххор). Уктам меваларни

саралайди, б ир о \ егиси келмайди (Ойбек).

и

ИБОРА. 1. *айн.* Фразеологии бирлнк.

2. Узига хос услубий, диалектал ва б. хусусиятга эга бўлган сўз, сўз бирикмаси ва ш.к. нинг умумий номи: *Болаларга хос ибора. Образли ибора* каби.

ИДЕОГРАММА. Идеографик ёзуйда Сўз англатадиган ту- шунчани ифодалаш учун қўлланадиган шартли белги — символ.

ИДЕОГРАФИК ЁЗУВ. Идеограммалар асосидаги ёзув. *Қ.* Идеограмма.

ИДЕОГРАФИК СИНОНИМЛАР. Денотатив маъно нозик- лигига кўра ўзаро фарқланадиган синонимлар: *ёрдамлашмоқ— кўмаклашмоқ— қарашмоқ* каби. *Қиёс.* Услубий синонимлар.

ИДИОМА *(юн.* Мюта — ўзига хос ифода, ибора) — *айн.* Фразеологик чатишма.

ИДИОМАТИКА. 1. Бирор тилнинг идиомалари мажмуи.

2. Тилшуносликнинг идиомаларни ўрганувчи бўлими; ибора- шунослик.

ИДИОМАТИК ИБОРАЛАР — *қ.* ИДИОМА.

ИДО. 1907 йилда француз Луи де Бофрон томонидан эспе- рантанинг варианта сифатида яратилган халқаро сунъий тил.

ИЕРОГЛИФИК ЁЗУВ — *айн.* Идеографик ёзув.

ИЕРОГЛИФЛАР *(юн.* ЫегодНерЬо! — муқаддас ёзувлар). Бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қила- диган график ифодалар.

ИЖ-РО МАЙЛИ. Ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилиши (иж- роси) билан, ҳар уч замондан бирида ифодалайдиган майл. Бу майлнинг махсус ясовчиси йўқ бўлиб, у феълнинг замон ва шахс-сон шакллари орқали шаклланади: *ўқиди, ўқияпти, ўқий-* ди каби. *қ.* Майл категорияси. *Қиёс.* Буйруқ-истак майли. Шарт майли. Мақсад майли.

ИЖРОЧИ МАЪНОСИ.. Ясама сўзл^рда ифодаланадиган ҳа- • ракатнинг бажарувчиси маъноси. Мае., *пайвандчи, уйсоз, кйбоб- паз* сўзларида ижрочи маъноси *-чи, -соз, -паз* аффикслари ёрдамида вокеланади.

ИЖТИМОИЙ ДИАЛЕКТ. Муайян ижтимоий гуруҳ кйши- лари фойдаланадиган диалект.

ИЗОГЛОССА *(юн.* 1305 — бир, ўхшаш+21^{085а}~~^{тил}, нутқ). У ёки бу тил ҳодисасининг тарқалиш ҳудудини кўрсатиш учун географик хариталарда тортилган чизиқлар. *Қ.* Лингвистик ■география.

ИЗОФА. Форс ва бошқа баъзи тилларда аниқловчи ва аниқ- ланмиш муносабатини ифодаловчи воситалардан бири. Мае., *таржимаи ҳол, дарди бедаво, балоси нафс* каби бирикмалар- даги тартиб ва -и, -йи изофани таъминловчи воситалар ҳисоб- ланади. Бу турдаги бирикмалар форс-тожик тилларидан ўтган.

ИЗОФАЛИ БИРИКМА. Изофа воситалари ёрдамида ҳосил бўлган бирикма: *онайи зор, фас ли баҳор* каби. *Қ.* Изофа.

ИЗОҲЛАНМИШ. Бирикманинг изоҳловчи *(қ.)* тобе бўлган қисми: *...зукко олим М у ҳ и д д и н Ж а б б о р о в и ч . . .* (У. Ус- монов).

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ. Луғавий бирликнинг маъноси (маънола- ри) кенг нзоҳланадиган, грамматик, услубий ва б. белгилари
ҳам қайд этиладиган луғат. Мае., 1980 йилда иашр этилган икки жилдли «Узбек тилининг изоҳли луғати».

ИЗОҲЛОВЧИ. Аниқловчининг бир тури бўлиб, у предмет- нинг бошқача номини билдиради. Бу ном предметнинг белги- хусусияти бўлади: *... и ж р о и я к о м и т е т н и н г р а и с и Зар- еаров идорадан чиқди* (А. Қаххор).

ИЗЧИЛ АФФИКСЛАР. Маълум бир тизим тарзида сўз ясайдиган, сўз ясалишининг маълум типини ҳосил қилувчи аффикслар. Мае., от ясовчи *-чи* (ишчи, спортчи, бетончи), феъл ясовчи *-ла* (ўйла, сўзла), сифат ясовчи *-ли* (кучли, ақлли» мазали) аффихслари изчил аффикслардир. *Қиёс.* Ноизчил аффикслар.

ИККИЛАМЧИ ЧУЗИҚЛИК. Ендош ундошнинг тушиб қо- лиши натижасида ҳосил бўлган чўзиқлик. Мае., *ша:ар* (шаҳар), *су:* (сув) каби.

ИККИЛАНИШ. 1. Унлиларда товуш чўзиқлигиининг икки ҳисса ортиши: *узоқ, балаанд* каби.

2. *айн.* Қўш ундошлик.

ИККИ НУҚТА. Устма-уст қўйиладиган нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси (:) бўлиб, асосан қуйидаги ҳолларда қўйилади: 1) уюшиқ бўлаклар олдидан қўлланган умумлашти- рувчи бўлакдан сўнг: *Сув очиш тантанасига Қорабулоқнинг бутун аҳолиси: чоллар, хотинлар, болалар чиқишди* (М. Исмои- лий); 2) боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гапларнн ажра- тишни кўрсатиш учун: *Я кун қилдим: кўз ёшларига цкки доис бор экан асли* (Уйғун); 3) кўчирма гапдан олдин қўлланган муаллиф гапидан сўнг: *Қиз ўйлайди: шундай ойдинда не сабаб- дан ётишим керак?* (Уйғун) ва б.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР. Бош бўлаклар билан ёки ўзаро бир-бири билан тобе алоқада бўладиган ҳоким бў- лакнинг маъносини аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келадиган гап бўлаклари. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари асосий хусу- сиятларига кўра уч турга бўлинади: 1) а н и қ л о в ч и *(қ.)* 2) т ў л д и р у в ч и *(қ.);* 3) ҳ о л *(қ.).* Гап бўлаклари. *Қиёс.* Бош бўлаклар.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ УРҒУ (ёрдамчи урғу). Кўп бўғин- ли сўзларда асосий урғуга нисбатан ёрдамчи сифатида қатна- шадиган кучеиз даражали урғу. Мае., *кўзойнак* сўзида асосий урғу охирги бўғинда бўлиб, биринчи бўғин иккинчи даражали урғу олади. *қ.* Урғу. *Қиёс.* Бош урғу.

ИККИНЧИ ШАХС. Тингловчи. Бу маъно қуйидагича ифода- ланади: 1) II шахе кишилик олмошлари билан: *сен, сиз, сизлар* каби; 2) эгалик категориясининг II шахе шакллари билан: *китобинг, ўқитувчингиз* каби; 3) шахс-сон категориясининг
II шахе шакллари билан: *келдинг, ўйнаяпсиз* каби.

икки ТАРКИБЛИ ГАП. Предикатив асоси эга ва кесим бўлакларидан иборат бўлган гап: *Салқин шамолларгина қизнинг*сочлари билоан ўйнашади... (Ойбек.) Кўкда танҳо ой кезмоқда (И. Раҳим). Қиёс. Бир таркибли гап.

икки тиллилик. Икки тилда бемалол фикрлаша олиш; икки тилни бир хилда эгаллаганлик; зуллисонайнлик.

ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТ. Бир тилнинг луғавий бирликлари бошқа тилга таржима қилиб бериладиган луғат. Мае., русча- ўзбекча луғат, ўзбекча-русча луғат. *Қ.* Таржима луғати. *Қиёс.* Бир тилли луғат.

ИЛМИЙ ГРАММАТИКА. Назарий фикр-ғояларнинг сўнгги ютуқларига мувофиқ яратиладиган грамматика. *Қ.* Грамматика.

ИЛМИЙ УСЛУБ. Функционал услубнинг бу тури термино- логик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмалар- нинг қўлланиши, сўзларнинг асосан конкрет, тўғри маънода қўлланиши, махсус ибораларга эгалиги ва ш.к. билан ажралиб ту- ради. Илмий услуб ўз ичида қуйидаги майда услубларга бўлинади: илмий-техник услуб, илмий-иш услуби, илмий-оммабоп услуб, илмий-публицистик услуб.

ИМЛО. Сўз ва унинг маъноли қисмларини ёзиш (қўшиб езиш, ажратиб езиш, чизиқча билан ёзиш), бош ва кичик ҳарф- ларни ишлатиш, шунингдек, бўғин кўчириш қоидалари тизими. Сўз ва унинг маъноли қисмларининг ёзилиши бир неча принцип асосида қоидалаштирилади. *Қ.* Имлонинг морфологик принци- ии. Имлонинг фонематик принципи. Имлонинг фонетик принципи. Имлонинг анъанавий принципи.

ИМЛО ЛУҒАТИ (орфографик луғат). Сўзларнинг мавжуд нмло қоидаларига биноан тўғри ёзилишини қайд этувчи луғат. Мае., мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб тузилган «Имло луғати» («Ўқитувчи» нашриёти, 1964); С. Иброҳимов, Э. Бегматов ва А. Аҳмедовлар тузган «Ўзбек тилининг имло луғати» («Фан» нашриёти, 1976).

ИМЛОВИЙ ТАҲЛИЛ. Сўздаги орфограммаларни ажратиш, уларнинг турини аниқлаш, қайси қоида асосида ёзилишини бел- гилаш ва ш.к. нуқтаи назаридан бўладиган таҳлил.

ИМЛОНИНГ АНЪАНАВИЙ ПРИНЦИПИ. Имлонинг морфологик ёки фонетик асосга эга бўлмаган, фақат анъанага, яъни аввалги ёзилишига асосланувчи принцип. Мае., *каптар, невара* ёзиш билан бир қаторда, анъанага кўра, *кабутар, набира* ёзиш ҳам бор.

ИМЛОНИНГ МОРФОЛОГИК ПРИНЦИПИ. Бу принципга кўра, сўзлар аффикслар (қўшимчалар) талаффузига қараб эмас, аслига мувофиқ ёзилади. Мае., *учта (ушта* эмас), *айтди (айтти* эмас), *борибди (боripти* эмас).

ИМЛОНИНГ ТАРИХИЙ ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг анъанавий принципи.

ИМЛОНИНГ ФОНЕМАТИК ПРИНЦИПИ. Имлонинг бу принципига кўра, алифбо ҳарфлари билан у ёки бу позицияда талаффуз этилувчи товушлар эмас, балки бу товушларни бирлаштирувчи фонеманинг ўзи тасвирланади. Мае., *тил, бил, қил* сўзларидаги унлининг *(и)* талаффузи (товуш томони) ўзаро фарқли бўлеа-да, лекин бир' фонема ҳисобланади ва фонематик принципга асосан ҳар уч сўздаги унли бир ҳарф билан ёзилади.

ИМЛОНИНГ ФОНЕТИК ПРИНЦИПИ. Имлода сўзларни талаффузига кўра ёзиш принципи. Мае., алломорфлар *(қ).* одатда, шу принципга амал қилиб ёзилади: бир бўғинли сўз- ларда' жарангсиздан кейин' *-тир,* жаранглидан кейин *-дир* ёзиш каби: *чоптир, сездир* ва б.

ИМО-ИШОРА ТИЛИ. Турли имо-ишора, тана аъзолари ҳа- ракатидан алоқа воситаси ецфатида фойдаланиш; шундай вазифа бажарувчи имо-ишора, ҳатти-ҳаракатлар. *Қ.* Кинетик нутк. Кўл нутки.

ИМПЕРАТИВ УНДОВЛАР — *қ.* Буйруқ-хитоб ундовлари.

ИНВАРИАНТ *(фран.* шузпап! — ўзгармас). Тилнинг кури- лиш бирлигининг (фонема, морфема, лексема ва ш.к.) нутқдаги муайяН воқеланишидан ажратиб, майҳум олинган ҳолати.

ИНГЕРЁНТ КОННОТАЦИЯ. Нутқий матн (контекст) дан ташқарида ҳам воқеланадиган, сўзнинг мавжуд бўлган коннота- тив маъноси. Мае., *турқ* сўзи «юз» маъносидан ташқари сўзлов- чининг салбий муносабатини ҳам ифодалайди. *Қ.* Коннотация. Коннотатив маъно. *Қиёс.* Адгерент коннотация.

ИНДИКАТИВ — *айн.* Ижро майли.

ИНКОР. Предмет, белги, ҳаракат кабиларнинг реал ҳолатда йўқ эканлигининг ифодаси. Мае., ўзбек тилида инкор *ҳеч, йўқ* сўзлари ёрдамида, *-ма* аффикои ёрдамида ифодаланади: *ҳеч киши, олгани йўқ, билмайди, келмади* каби.

ИНКОР БОҒЛОВЧИЛАР И. Уюшиқ бўлаклар ёки айрим гаплар олдида такрор қўлланиб, инкор маъносини таъкидлаб кўрсатувчи боғловчилар. Мае., *на.., на... Унинг эсига н а севги, н а истироҳат келди* (Ойбек).

ИНКОР СЎЗЛАР. Ўзича мустақил ёки айрим сўзлар билан биргаликда инкор маъносини ифодаловчи сўзлар: *йўқ, асло, ҳеч* кабилар. Бундай инкор сўзлар иштирок этган гаплар инкор гап дейилади: *Сидиқжон бунга м у т л а қ о ишонмаса ҳам...* (А. Қаҳ- ҳор) . *...тоғ қазувчилар шиддати з а р р а ч а* ҳам бўшашмади (М. Исмоилий). *Сендан ҳеч сиримни яширмайман* (А. Қаҳҳор).

ИНКОР ШАКЛИ — *айн.* Бўлишсиз шакл.

ИНТЕГРАЛ СЕМА — *қ.* Умумий сема.

ИНТЕГРАЦИЯ *(лот.* т1е§га{ю — -бутунлашиш, бирлашиш). Тиллар, шунингдек, диалектларнинг ўзаро ноўхшашликлари йўқола бориб, бир умумий тилга бирлашиши. *Қиёс.* Дифференциация.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ГАП. Фақат фикрнинг ўзини (ҳеч қандай эмоцияларсиз) ифодалайдиган, коммуникатив вазифагина бажарувчи гап: *Азиз институтга хурсанд кайфиятда кириб бврди.* (У. Усмонов). *Қ.* Гап турлари. *Қиёс.* Эмрционал гаплар,

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ НУТҚ. Интеллектуал информацияни ифодаловчи нутқ. *Қиёс.* Эмоционал нутқ.'

ИНТЕНСИВ ШАКЛ — *қ.* Кучайтирма шакл.

ИНТЕРВОКАЛ УНДОШ (лог. Мег — ора-НосаНз — унли) — *қ.* Унлилараро ундош.

ИНТЕРЛИНГВА *(лот.* Мег— ора-^Пп^иа — тил). 1903 йил- да Жузеппе Пеано томонидан тақдим этилган халқаро ёрдамчи тил.

ИНТЕРЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг халқаро алоқа- аралашув воситалари сифатида турли ёрдамчи тилларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганувчи бўлими.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ЛЕКСИКА *(лот.* Мег — ора+па1юш$ — халқ) — *қ.* Байналмилал лексика.

ИНТЕРПОЗИЦИЯ *(лот.* Мег — ора+розШа — ҳолат). Тобе компонентнинг ҳоким компонент қисмлари орасида жойлашуви. Мае., кўчирма гапнинг муалЛиф гапи қисмлари орасида кёли- ши! *Шу сабабдан Азиз гоҳ-гоҳда: ...# х ш и я м к и б у ц н с т и - т у т, а с п и р а н т у р а л а р д а ў қ и б, б а ъ з и а ёл л а р г а ў х ш а б к а н д и д а т, д о к т & р б ў л м а г а н! Унда... х у д о к ў р с а т м а с и н-е й! —деб ўйлар...* (У. Усмонов.)

ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ *(лот.* Мег—ора+^егепз, Ғегепиз — ўтказиш). Она тилига хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш. (Бу тил одатда қариндош тил бўлмайди.) Мае., рус тилида фикрловчи кишининг *карандаш упал* гапини. ўзбекча нутқда *қалам йиқилди* тарзида ифодалаши.

^ИНТЕРЪЕКТИВАЦИЯ (лог. Меп'есКо— ундов). Мустақил сўзнинг ундовга кўчиши. Мае., рус.: *батюшки! беда!;* ўзб.: *қаёқ- да! қойил!* кабилар.

ИНТОНАЦИЯ (лог. Мопаге— баланд товуш билан талаф- фуз этаман). Нутқнинг синтактик маъноларни ва экспреосив- эмоционал бўёқларни ифодалаши учун хизмат қилувчи ритмик- мелодик томони; овознинг баланд-пастлиги; оҳанг. Қуйидаги- лар интонациянинг таркибий унсурлари ҳисобланади: 1) н у т қ м е л о д и к а с и *(қ.)* ; 2) н у т қ р и т м и *(қ.)*; 3) н у т қ и н т е н - с и в л и г и (?{.); 4) н у т қ т е м п и *(қ.)',* 5) н у т қ т ё м б р и *(қ.)* ; 6) м а н т и қ и й у р ғ у в а ф р а з а у р ғ у с и *(қ.)* .

ИНТРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг тил ички тизи- мини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг тузилишини нолисоний омилларга мурожаат қилмай ўрганувчи соҳаси. *Қиёс.* Экстралингвистика. Компаративистика. Интралиягвистиканинг асосий бўлимлари фонология, лексикология ва граммётикадир/

ИНФИНИТИВ (лог, тосЗиз МтШуиз — ноаннқ). Феълнинг Муайян ҳаракатни бажарувчи шахе, замон, майлдан ташқари ҳолатда ифодалайдиган, ҳаракатнинг ўзинигина атайдиганщак- ли. Мае., рус. *говорить, бежать, обнимать;* ўзб. *олмоқ, кулиш, борищ* каби ҳаракат номи шакли. *Қ.* Ҳаракат номи.ИНФИНИТИВ ОБОРОТ — *қ.* Инфинитив ўрам.

ИНФИНИТИВ УРАМ. Ҳаракат номи ва унга тобе сўзлардан иборат ўрам: Виз, ҳамкишлоқларинг, д у ш м а н н и Б е р л и н - г а ч а қ у в и б б о р и ш и н г н и, у н и у я с и д а я н ч и б т а ш - л а ш и н г н и истаймиз (Саид Аҳмад). Қ. Урам.

ИСТОРИЗМЛАР — *қ.* Тарихий сўз.

ИФОДА. Тилга хос қонунлар асосида шаклланган (оғзаки ёки ёзма кўрииишдаги) ҳар қандай нутқ бирлиги.

ИФОДА ЖИҲАТИ. Муайян лингвистик бирликнинг ифода томони, яъни тил (нутқ) бирлигинилг ташқи томони (ифода- ловчиси). *Зид.* Мазмун жиҳати. *Қ.* Ифодаловчи.

ИФОДАЛАНУВЧИ (ифода мазмуни). Тил (нутқ) бирлиги- нинг ички томони. Мае., сўздаги ифодаланувчи — унинг луғавий маъноси. Гапдаги ифодаланувчи — унинг мазмуни. *Зид.* Ифодаловчи. *Қ.* Мазмун жиҳати.

ИФОДАЛОВЧИ (ифода шакли). Тил бирлигининг ташқи шаклий томони. Мае., сўздаги ифодаловчи — унинг товуш қоби- ғи. Гапдаги ифодаловчи — гапга хос модель ва схемаларнинг муайян воқеланиши ва ҳ. *Зид.* Ифодаланувчи. *Қ.* Ифода жиҳати.

ИФОДА ПЛАНИ — к. Ифода жиҳати.

ИЧКИ НУТҚ. Талаффуз этилмайдиган, товуш чиқармай (ичда) бўладиган нутқ.

ИШ-ҲУЖЖАТ ЛЕКСИКАСИ. Иш-ҳужжат қоғозларида қўлланадиган сўзлардан иборат лексика. Мае., ариза, рапорт, тил- хат кабиларга хос лексика: *гувоҳлик бермоқ, тавсия қилмоқ,* (рухеат беришни) *сўрамоқ,* (имзосини) *тасдиқламоқ* ва б.

О

й

ЯИҒИҚ БУЛАҚ — *Қ-* Содда бўлак.

ИИҒИҚ ГАП. Бош бўлаклар (эга ва кесим) дангина таш- кил топган содда гап: *Терим бошланди. Режа бажарилди. Улар келишяпти. Қиёс.* Ейиқ гап.

«Иэ-ЛАШ. ж (дж) эмас, й талаффуз этиш: *йўл* (жўл), *йил* (жил) ва б. *қиёс.* «ж»-лаш.

К

КАКОГРАФИЯ *(юн.* каков — ёмон+дгарЬо — ёзаман. Онг- ли равишда хатолар қолдирилган матнни ўқувчиларга тузатиш- га бериш билан имлони ургатиш усули. Бу усул педагогик жиҳатдан асосланмаган.

КАЛАМБУР *(фран.* са!ешЬоиг — сўз ўйини) — *айн.* Сў» ўйини.

КАЛЛИГРАФИЯ, *(юн.* каШ^гарЬІа — чиройли дастхат) — *қ.* Хуснихат.КАЛЬКА *(фран.* саЦие — копня, тақлид). Узга тил материа- лидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан

ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин. *Қ.* Лексик калька, Семантик калька, Фразеологик калька.

КАЛЬҚАЛАШ. Узга тилнинг лексик, фразеологик бирликла- рининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш. *Қ.* Калька.

КАММАҲСУЛ АФФИКСЛАР. Унчалик кўп бўлмаган миқ- дорда сўз ясовчи, ҳозирги вақтда янги сўз яратишда кам ишти- рок этувчи аффикслар. Мае., от ясовчи *-дош (курсдош, суҳбат- дош),* сифат ясовчи *-ма (қовурма, чийратма, терма)* аффиксла- ри. *Қиёс.* Сермаҳсул аффикслар, Маҳсулли аффикслар.

КАММАҲСУЛЛИК. Кам миқдорда сўз ясаш хусусияти.

КАНЦЕЛЯРИЗМ. Қўлланиши расмий иш услубига, ай- никса, идора иш услубига хосланган сўз, турғун бирикма, грамматик шакл ва тузилма.

КАСБ-ҲУНАР ЛЕКСИКАСИ. Маълум касб-ҳунар кишилари гуруҳига хос, шулар нутқида ишлатиладиган лексика: *бигиз, сари, соғи, пошна, дастак, дазгил* сўзлари косибликка оид сўзлардир.

КАСР СОН. Бутуннинг қисмини билдирувчи сон. Совнинг бу тури, мае., ўзбек тилида, чиқнш ва бош келишикдаги икки саноқ соннинг бирикуви орқали ифодаланади: *ўндан бир бешдан уч* (~|—) каби.

КАТАХРЕЗА (*юн.* ка{асЬгез1з — нотўғри қўллаш, суиис- теъмол қилип!). Қарама-қарши тушунчаларни боғлаш, сўзни ўз асл (этимологик) маъносига мувофиқ бўлмаган ҳолда қўллаш. Мае., *ойдин кеча, оқ тунлар, қизил сиёҳ* каби.

КАТЕГОРИАЛ МАЪНО. Маълум бир сўз туркумидаги сўзлар учун умумий бўлган маъно. Мае., *уй, дарахт, сув, тош, уйқу* сўзлари учун умумий бўлган предметлик маъноси; *гўзал, аччиқ, узун, ёруғ, яшил* сўзлари учун умумий бўлган белги маъноси; *кел, ўйна, югур, ўрган, чиниқ* сўзлари учун умумий бўлган ҳаракат маъноси категориал маънолардир.

КАТЕГОРИАЛ ШАКЛ. Маълум бир грамматик категорияга хос маъноня ифодаловчи сўз шакли. Мае., келишик шакллари, феълнинг замон шакллари категориал шакллардир. *Қиёс.* Нокатегориал (функционал) шакл.

КАТТА ҲАРФ — *қ.* Бош ҳарф.

КАУЗАТИВ. Ҳаракатнинг бажарилиши учун сабаб, қўзғаш маъносига эга бўлган. Мае., каузатив феъл *(ҳайдамоқ, мажбур қилмоқ).*

КВАНТИТАТИВ УРҒУ *(лот.* ^иапШо5 — миқдор) —*Қ.* Миқдор ий урғу.

КЕЛАСИ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бажа- рилиши. Шундай маъноии билдирувчи феъл «келаси замон феъли», «келаси замон шакли» дейилади: *қиёс.* Утган замон. Ҳозирги замон.

Узбек тилида келаси замоннинг икки тури бор: 1) аниқ келаси замой феъли (*қ.*); 2) келаси замон гумон феъли (*қ.*).

Узбек тилида келаси замон маъноси ҳозирги-келаеи замон шакли билан ифодаланади: *келади, сўрайди* каби. *Қ.* Ҳозирги- келаеи замон феъли.

КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ. Иш-ҳаракатнинг кёлгу- сқда бўлиш-бўлмаслишни гумон тарзида ифодалайдиган феъл шакли: *Эртага юборар. Вақтим бўлса, хабар олиб ўтарман. Қ.* Ҳозирги-келаеи замон гумон феъли.

КЕЛИШИК — *Қ.* Келишик категорияси.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ. От ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бир туркум сўзига муносабатини ифо- далаб, тобелишии кўрсатувчи шакллар тизюми. Узбек тилида келишикнинг олти тури бор: 1) бош келишик (>(.); 2) қаратқич келишиги *(қ.);* 3) тушум келишиги *(қ.);*

4) гқ ў и а л иш к е л ишиги (/{.); 5) ўрин-пайт келишиги *(қ.);* 6) чикишкелищиги (/(.).

КЕЛИШИКЛИ БОШҚАРУВ. Келишик шакли воситасида воқе бўладиган бошқарув: *уйга бормоқ, режани бажармоқ. Қ.* Бошқарув алоқаси. *Қиёс.* Кўмакчили бошқарув.

КЕЛИШИКЛИ ТУЗИЛМА. Келишик шакли ёрдамида ҳосил бўлган тузилма. *Қ.* Тузилма. *Қиёс.* Кўмакчили тузилма.

КЕНГ УНЛИ. Тил танглай томон бир оз кўтарилиб, оғиз бўш- лиги кенг очилиши билан ҳосил бўладиган унли. Мае., а унлиси. *Қиёс.* Қуйи кўтарилиш унлилари.

КЕСИМ. Гапда предикация ифодалаб келувчи бош бўлак. Икки таркибли, .гапларда эга билан ифодаланган шахе, предмет, ҳодисанинг белгасини тасдиқ ёки инкор йули билан англатувчи бош бўлак: *У роппа-роса бир соат деганда маърузасини туғат-* ди (У. Усмонов). *Йўлдош ҳам унинг мақсадини билолмай ҳай- рон эди* (У. Усманов). Кесимлар ифода материалига кўра от- кесим *(қ.)* ва феъл-кесим *(қ.),* тузилишига кўра содда кесим *(қ.)* ва мураккаб кесим *(қ.)* турларига бўлинади.

КЕСИМ ГУРУҲИ — *айн.* Кесим таркиби.

КЕСИМ ТАРКИБИ. Кесим ва унга тобе бўлган иккинчи даражали бўлаклар (икки таркибли гапларда тобе саналувчи тар- киб): *Оғир гавдаси эгарга сирачлаб қўйгандай ки-мир этмай кетяпти* (С. Аиорбоев).

КЕСИМ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдаги кўроатиш ёки сўроқ олмоши билан ифодаланган кесимни изоҳлаб, аииқлаб келувчи эргаш гап: *Ҳаво си қандайбўлса, навоси ҳам шундай* (М. Исмоилий). *Ҳамма касал шундаки, рай сяна шу камликларни бирдан тугатишга ожизлик қилмоқ-да (Р. Файзий).*

КЕСИМСИЗ ГАП. Тузилиш асоси фақат эга ва унинг тар- кибидан иборат (бўлган бир таркибли гап; номинатив гап *(қ.)* шу турга киради: *Қ о п-қ о р а тун. Кўкда на ой кўринади, на юлдуз бор* (И. Раҳим). *Ой... Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади* (Ойбек). *Зид.* Эгасиз гап.

КЕСИМ ЭРГАШ ГАП. Бош гапнинг кўрсатиш ёки сўроқ олмоши билан ифодаланган

кесимини изоҳлаб, аниқлаб келувчи эргаш гап: Ҳавоси қандай бўлса, навоси ҳам шундай (М. Исмо- илий). Ҳамма қасал шундаки, раис яна шу камчиликларни бир- дан тугатишга ожизлик қилмоқда (Р. Файзий).

КЕТМА-КЕТ ЭРГАШИШ. Эргаш гапларнинг ўзаро бирин- кетин тобеланиб, сўнгра бош гапга боғланиши: Бир куни бозорт га тушиб, узум олмоқчи бўлган экан, узумфуруш анграйиб>. тарозиси қўлидан тушиб кетибди (А. Қаҳҳор). Қиёс. Биргалик. эргашиш.

КИНЕМА *(юн.* ктета — ҳаракат). Бир нутқ аъзосининг муайян товуш ҳосил қилишдаги талаффуз фаолияти, артикуляция жиҳатдан фарқловчи белги. Мае., п товуши бир кинемадан (лаб) иборат, м товуши эса уч кинемадан иборат (лаб, томоқ ва бурун).

КИНЕСИКА. Кишиларнинг фикр олишувида нутқ аъзолари- дан ташқари барча тана аъзоларининг ҳаракатини, имо-ишора ҳаракатларини ўрганувчи фан.

КИНЕТИК НУТҚ *(юн.* ктеИкоз — ҳаракатга оид)—*қ.* Имо-ишора тили.

КИНОЯ. Тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига нисбатан бошқа ёки қарама-қарши маънода, кесатиқ, қочириқ, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим: *Хўш, сизча нима қилиш ке- рак, ўқимишли акам! — дед и киноя билан Йўлчи* (Ойбек).

КИРИТМА ГАП. Худди киритма сўзга ўхшаш вазифани бажарувчи гап: Олтинчи бригаданинг ғўзаси, м а н а м е н ҳ о з и р - г и н а й л а н и б к е л д и м, сира авж олмаяпти (Ойбек). Ел- ғиз боришга, т ў ғ р и с и н и а й т с а м, қўрқаман (Ойбек). Зо- кир қўнғироқ чалди (у к а т т а - к и ч и қ ҳ а м м а м а ж л и с - л а р н и қ ў н ғ и р о қ б и л а н о л и б б о р а д и) ва қовоғини солиб деди (П. Қодиров). Қ. Киритма сўз.

КИРИТМА СЎЗ. Гап бўлаклари бялан шаклий-грамматик боғланмаган, асосий фикрга қўшимча, йўл-йўлакай қўшимча факт баён қилувчи, тўлдириш, аниқлик киритиш ва ш. к. мақ- садда қўлланувчи сўз. Киритма сўз, кириш сўздан фарқли ҳолда, модал маъно ифодаламайди, гап бошида келмайди: *...алла- қандай бир терговчини чақиртириб (ч а қ и р и б э м а с), хўп сўккан эмиш* (А. Қаҳҳор).

КИРИТМА СЎЗ БИРИКМАСИ. Худди киритма сўзга ўхшаш вазифага (хусусиятга) эга бўлган сўз бирикмалари: *Одатда хотин-қизларга чирой бағишловчи нарсалар ҳам (с о ч и н и н г ж и н г а л а к л и г и) Сорахонга ярашмайди (М. Султанова).*

КИРИТМА ТУЗИЛМА. Г 'ап бўлаклари билан шаклий-грам- матик боғланмаган, асосий гапдаги фикрга қўшимча, йўл-йўла- кай янги факт баён қилувчи, тўлдириш, аниқлик киритиш мақ- садида қўлланувчи тузилма. Киритма тузилмалар, кириш тузил- малардан фарқли ҳолда, модал маъноларни ифодаламайди, гап бошида келмайди. Киритма тузилмалар сўз бирикмаси ва гап шаклида бўлади. *Қ.* Киритма сўз. Киритма сўз бирикмаси. Киритма гап.

КИРИШ БИРИКМА. Худди кириш сўз каби вазифа бажарувчи сўз бирикмаси: *Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас, М е н и н г б и л и ш и м ч а, сенинг элингга* (Ҳ. Олимжон) *. Ш у н д а й қ и л и б, тарихий* шартномага қўл қўйилди (Яшин). *Қ.* Кириш сўз.

КИРИШ ГАП. Худди кириш сўз каби вазифа бажарувчи гап: Қандингни ур, ю л д у з л а р и н г ж у ф т т ў ш г а н б ў л- с а-ч и, одам боласи сенларни ажрата олмайдиI (Ойбек). М а ст- лик қ у р с и н, тоза машмаша қилибман... (Ойбек). Қ. Кириш сўз.

КИРИШ СУЗ. Гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, пап бўлаги вазифасида бўлмаган, гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг турлича муносабатини ифодаловчи сўз: *Зокир ота, ш у б ҳ а с и з, жуда тажрибали пах- такор* (А. Қаҳҳор). *Лекин, м е н и м ч а, ўртоқ Жалолов, ҳақсиз... Биласизми, шу сафар у машинист, мен ёрдамчи бўлиб юрдим* (Ойдин).

КИРИШ ТУЗИЛМА. Гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гап бўлаги вазифасида бўлмаган, гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг турлича муносабатини ифодаловчи тузилма. Кириш тузилмалар сўз бирик- маси ва гап кўринишида бўлиши мумкин. *Қ.* Кириш бирикма. Кириш гап.

КИТОБИЙ ЛЕКСИКА. Китобий услубга хос, илмий адаби- ёт, публицистик асар, расмий-иш ҳужжатлари ва ш. к.ларда қўлланадиган лексика. Мае., *иборат, қайд этмоқ, мазкур, капитал, модда* ва б.

КИТОБИЙ НУТҚ. Китобий лексика асосига қурилган нутқ: *Шуни алоҳида қайд этиш лозимки...* каби.

К И Ч И К ҲАРФ. Имло қоидаларига кўра бош ҳарф ёзилади- ган ҳоллардан бошқа ҳар қандай ҳолатда ишлатиладиган ҳарф. *Қиёс.* Бош ҳарф.

КИЧРАЙТИШ ШАКЛИ. Предметнинг кичиклигини билдирувчи сўз шакли. Бу шакл - ча, -чоқ (-чиқ) аффикслари ёрдамида ясалади: уйча, стулча, кўзичоқ каби: Оппоқ к а п а л а к- ч а л а р ёру кўкни тўлдириб тўзиб кетган, кумуш қ а нот чала р и н и оҳиста силкитиб чарх уришарди (Э. Усмонов). Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган т о й ч о ғ и н и эслаб кишнаяпти (М. Муҳамедов). Қ. Субъектив баҳо шакли.

ҚИШИЛИҚ ОЛМОШЛАРИ. Шахе билдирувчи олмошлар, Бу олмошларнинг шахе ва сонга кўра қуйвдаги турлари бор;

1 шахе бирлиги ва I шахе кўплиги олмоши: *мен — биз;* II шахе бирлиги ва II шахе кўплиги олмоши: *сен — сиз;* III шахе бир ли' ги ва III шахе кўплиги олмоши: *у — улар.*

КОММУИИКАТИВ БИРЛИК — *қ.* Нутқий алоқа бирлиги.

КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯ — *Қ-* Нутқий алоқа вазифаси.

КОММУНИКАЦИЯ *(лот.* соттишсаНо — хабар, алоқа), Бирор мазмун нинг тил воситалари билан берилиши, хабар қили' ниши.

КОМПАРАТИВИСТИКА *(лот.* сошрага!ıУıз — қиёсий)—*қ.* Қиёсий-тарихий тилшунослик.

КОМПОЗИТА *(лот.* сошрозНиш — ташкил этилган, боғлан-. ган) — *айн.* Қўшма сўз.

КОМПОЗИЦИЯ *(лот.* сошрозйю — тузиш). Сўз қўшиш, Қўшма сўзлар. Композиция орқали ҳосил қилинади деб тушу- нилади. *Қ.* Қўшма сўз.

КОМПОНЕНТ *(лот.* еошропепз — ташкил этувчи). Бирон тил (нутқ) бирлигининг таркибий қисми: *Сўз бирикмасининг компонент лари. Қўшма сўзнинг компонентлари.* Мае., *белбоғ* сўзидаги *бел* ва *боғ* шу қўшма сўзнинг компонентлари (тарки-- бий қисмлари) ҳисобланади.

КОМПОНЕНТЛИ ТАҲЛИЛ. Бцр сатҳга мансуб тил бир^ ликларини ўзаро фарқлайдиган компонентларни — фарқловчи белгиларни топиш, шундай компонентларга, ажратиш. Мае., семемани семаларга ажратиш (семеманинг семалар таркибини белгилаш).

КОНВЕРГЕНТЛАР *(лот.* сопуег^епз— бирлашувчи). Тил* нинг тарихий тараққиёти жараёнида бир товушга бирлашиб қолган нутқ товушлари. Мае., *в/о, у/у* кабн.

КОНВЕРГЕНЦИЯ *(лот.* сопуег^еге— яқинлашмоқ, бирлапь моқ). Бирдан ортиқ товушнинг тарихий тара|ққиёт натижасида бир товушга бирлашиши. Мае., 0+о>о, у-+-у>у. *Қиёс.* Дивер' генция.

КОНВЕРСИЯ *(лот.* сопуегзш— айланиш, ўзгариш). Сўз* нинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз тур-* кумидаи бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

КОНКРЕТ ОТ — *қ.* Аниқ от.

КОННОТАТИВ МАЪНО. Денотатив маънога қўшимча ра- вишда экспреесив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг 1маъно. *Қиёс.* Денотатив маъно.

КОННОТАЦИЯ *(лот.* сип, соп — бирга+шйаге — белгила^ моқ). Тил бирлигининг коннотатив маъно (экспрессив, услубий муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг) ифодаси. *қ.* Денотация.

КОНСОНАНТ. Бўғин ҳосил қилмайдиган ундош. *Қиёс.* Сонант.

КОНСОНАНТИЗМ, *(лот.* сопзопапз, сопзопапИз— ундош товуш). *Қ.* Ундошлар тизими.

КОНСТРУКЦИЯ *(лот.* сопзкисМо — тузилиш) — *қ.* Тузилма.

КОНТАКТ АССИМИЛЯЦИЯ — *Қ-* ёндош ассимиляция.

КОНТАКТ ДИССИМИЛЯЦИЯ — *к.* Ендош диссимиляция.

КОНТАКТ ҲОЛАТ *(лот.* соп1асИ^ — туташиш) *қ.* Ендош ҳолат.

КОНТАМИНАЦИЯ *(лот.* соп^атшаНо — туташтириш, ара- лаштириш). Бирор муносабат, тасаввурга кўра ўзаро боғлиқ бўлган икки сўз ёки иборани бирлаштириш йўли билан янги сўз ёки ибораниНг ҳосил бўлиши. Мае., *эрга тегмоқ* ва *турмуш- га чиқмоқ* иборалари асосида *эрга чиқмоқ* ибораси юзага келган.

КОНТЕКСТ *(лот.* соп1ех!из — яқин алоқа, бирикиш, қўши- лиш) — *қ.* НутқийматН.

КОНТЕКСТУАЛ МАЪНО — *қ.* Матний маъно.

КОНТЕКСТУАЛ СИНОНИМЛАР — *қ.* Матний синонимлар.

КОНТРАСТ ДИСТРИБУЦИЯ. Тил унсурларининг (товуш- ларнинг) бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиеннинг кела олиши ва бунда бошқа-бошқа маъноли бирликларни фарқлаб туриши. Мае., *бош — қош* ка бил а рд а биринчи ундошлар, *бош — бўш* кабиларда унлилар, *бош — боғ* кабиларда иккинчи ундошлар контраст дистрибуция ҳолатидадир.

КООРДИНАЦИЯ *(лот.* со (сит)—бирга, биргаликда + огсНпа1ю — тартиблашиш). Икки таркибли гапларда кишилик олмоши билан ифодаланган эга ва кесимнинг ўзаро семантик- грамматик мувофиқлашуви. Мае., ўзбек тилида бундай эга ва кесим координацияси шахе ва сонда кўринади: *мен бордим, сен бординг; биз борамиз, сиз борасиз* каби.

КОРРЕЛЯТ. Узаро боғланган, муносабатдор бўлган икки ёки ундан ортиқ тил бирликларидан бири. Мае., бўлишли ва бўлиШсиз шакллар ўзаро бири иккинчисига нисбатан коррелят ҳисобланади. *Қ.* Корреляция.

КОРРЕЛЯЦИЯ *(лот.* соггеЫю — ўзаро алоқа, муносабат). Икки ёки ундан ортиқ тил (нутқ) бирлигининг ўзаро боғлиқли- ги, муносабатдорлиги. Мае., феълларда бўлишли ва бўлишеиз шакллар ўзаро корреляция ҳосил қилади.

КРИПТОГРАФИЯ *(юн.* кгур1оз — махфий, яширин+^гарНо — ёз^ман). Махфий хат турларидан бири (шифр қўллашга асос-г| ланган езув тури)...

КРИПТОЛОГИЯ. Махфий тиллар, уларни тузиш қонуният- ларини, ўқиб тушунтирйб бериш усулларини ўрганувчи фан.

КУНДАЛИК ЛЕКСИКА. Кундалик ҳаётга оид нарса-ҳодисаларни билдирувчи сўзлар: уй, кўча, чой, пичоқ, яхши, чиройли катта, ишламоқ, ўйламоқ, емоқ ва б.

КУРСИВ *(лот.* сигзпга Шега — тез ёзув). Типографик ҳарф-' нинг (қўлёзма ҳарфга яқин бўлган шакли. Курсив матннинг бирор қисм и ни тўғри ҳарфлар билан ёзилган қисмдан ажратипг учун ишлатилади: *Сергей эшик олдида турган соқчига буюрди: Хотинларни киритинг!-* (Х. Ғулом).

КУЧАЙТИРМА ШАКЛ. Белгининг меъёридан ўта кучли эканини ифодаловчи шакл. Узбек тилида кучайтирма шакл мах- сус модель асосида ҳосил қилинади: *қип-қизил, сап-сариқ, дум- думалоқ* каби.

КУЧАЙТИРУВ ва ТАЪКИД ЮКЛАМАЛАРИ. Узи алоқа- дор бўлган гап бўлаги маъносига диққатни тортиш учун, уни ку- чайтириш учун қўлланадиган юкламалар: ҳам, ахир, -ку, -оқ кабилар: Тушунтир а х и р менга, бир нима дедими... (А. Мух- тор). Ҳотиржам бўлган ҳожи кечкурунги овқатга қизининг чиқ- магани билан ҳам иши бўлмади«(Шуҳрат). ...шу ерда ҳам ик- кининг бири, колхозимизнинг кўрки эдинг-ку1 (А. Қаҳҳор).

КУЧЛИ позиция. Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун қулай позиция. Бу позиция максимал *дифференциация позицияси* деб ҳам юритилади. Мае., *зўр* ва *сўр* сўз- ларининг аилаутидаги (бошидаги) ундош кучли позициядадир.

КУЧСИЗ позиция. Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун ноқулай позиция. Бу позиция *минимал дифференциация позицияси* деб ҳам юритилади. Мае., *ризқ* сўзидаги
з ундоши кучеиз позицияда, уни с ундошидан фарқлаш қийин.

КУМАКЧИЛАР. От ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, сингари, сайин, қадар* ва б. Узбек тилидаги кўмакчилар, уч турга бўлинади; 1) асл кумакчилар (к.); 2) от кўмакчилар *(к.);* 3) феъл кўмакчилар *(қ.).*

КУМАКЧИЛИ АЛОҚА. Сўзлар ўртасида кўмакчилар воситасида юзага келадиган алоқа: *қалам билан ёзмоқ, уйга қадар- югурмоқ* каби. *Қиёс.* Келишикли алоқа.

КУМАКЧИЛИ БИРИКМА. Қисмлари кўмакчилар воситасида алоқа,га киришган сўз бирикмаси: *дўсти учун куюнмоқ, қуш каби енгил, тоғ қадар юксак* каби. *Қиёс.* Келишикли бирикма.

КУМАКЧИЛИ БОШҚАРУВ. Кўмакчилар воситасида воқе' бўладиган бошқарув: дўстлар билан учрашмоқ, телефон орқали сўзлашмоқ, кун сайин гўзаллашмоқ каби. Қ. Бошқарув алоқаси. Қиёс. Келишикли бошқарув.

КУМАКЧИЛИ ТУЗИЛМА. Кўмакчи воситасида ҳосил бўлган тузилма: У ҳозиргина Расул Оллоёрович айтган гаплар- асосий фикр и учун даромад эканлигини ҳам ҳис этиб, маколанинг қолган қисмини ўқий бошлади (У., Уемонов) _ Қ. Кўмакчили бирикма. Қиёс. Келишикли тузилма.КУМАКЧИ ОТ. Луғавий маъносини йўқотмаган, кўмакчи паэифасида ҳам қўлланадиган от: ост, ич, олд каби отлар: бу мавзу у с т ид а одамлар бир-бирлари билан қизщиб, музокара қилОилар (Ойбек). Шу жимжит кеча қ ў й н и д а Саломатнинг хаёли ёшлигини излаб кетди (Саид Аҳмад).

КУМАКЧИ ФЕЪЛ. Феълнинг турли грамматик ва модал маъно ифодаловчи аналитик шаклларини ясовчи ёрдамчи феъллар: *қўй (айтиб қўй), ёз (йиқила ёзди), кет (ғовлиб кетди), кўр (ола кўрма)* ва б. *Қ.* Ердамчи феъллар. Феълнинг аналитик шакли.

КУПАЙТМА СОН. Қисмлари билдирган миқдорнинг йиғин- дисидан эмас, балки кўпайтмасидан иборат бўлган миқдорни билдирувчи мураккаб сон: *беш минг* (5Х1000), *уч юз* (3Х100), *ўн миллион* (10х1000000) каби. *Қиёс.* Қўшилма сон.

КУПЛИК — *айн.* Кўплик сон.

КУПЛИК СОН. I. Сон категориясининг (бирлик сонга қарама-қарши ҳолда) предметнияг бирдан ортиқлигини, кўплигини билдирувчи шакли. СонниНг бу шакли *-лар* аффикси ёрдамида ясалади: *китоблар, дарахтлар, пионерлар* каби. *Зид.* Бирлик сон. *Қ.* Сон категорияси.

2. Предметнинг бирдан ортиқ (кўп) шахсга оидлиги маъноси ва шу маънони ифодаловчи сўз шакли: *мактабимиз, макта- бингиз, мактаблари. Қ.* Сон категорияси. *Қиёс.* Бирлик сон 2.
3. Олмошларда: шахснинг бирдан ортиқ (кўп)лигини билдирувчи тури: *биз, сиз, (бизлар, сизлар), улар Қ.* Кишилик олмошлари. *Қиёс.* Бирлик сон 3.
4. Феълларда: ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахе бажариши (бирдан ортиқ шахсга оидлиги) маъноси ва шу маънони ифодаловчи шакл: *олдик, олганмиз, оламиз; берсак, берсангиз* каби. *Қ.* Шахс-сон категорияси. *Киёс.* Бирлик сон 4.

КУП МАЪНОЛИЛИК. Тил бирликларининг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши; полисемия. Мае., *бош* сўзининг ўндан ортиқ маънога эгалиги: *боши катта, кучанинг боши, кўпчиликка бош* ва б.

КУП НУҚТА. Уч нуқта билан ифодаланадиган тиниш белгиси (...) бўлиб, мазмуни тугамаган гаплар охирида, цитата ёки олинган мисолларнинг тушириб қолдирилган қисмлари ўрнида ва б. ҳолларда қўлланади: *Фақат ўзингга ишонардинг...*

КУРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ. Шахе, предмет, белги ва ш. к. ларни кўрсатишни, таъкидлашни билдирувчи олмошлар: *бу, шу, у, ўша* кабилар.

КУРСАТКИЧ. Грамматик маъно ифодаловчи тил бирлиги; формант. Мае., *уйни, уйга, уйнинг, уйда, уйдан* сўзларида *-ни, -га, -нинг, -да, -дан* — келишик кўрсаткичлари; *ўқидим, ўқияп- ман* сўзларида *-ди, -яп* — замон кўрсаткичлари. *Қ.* Формант.

КУТАРИЛУВЧИ ДИФТОНГЛАР. Қейинги унли товуши бў- гин ҳосил қилувчи дифтонг. *Қ.* Дифтонг.

КУЧ ИМ. Бадиий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги; рамз билан қўлланган сўз, ибора. Аллегория, киноя, метафора, метонимия, синекдоха,, эпитет ва ўх- шатиш кучимнинг энг тарқалган, кенг қўлланувчи турлари ҳисобланади.

ҚУЧИРМА ГАП. Луғавий ва грамматик хусусиятлари ўз- гартирилмай, айнан ўзича берилган ўзганинг гапи: *Ғў за лар аллақачон г у л га кирди, — деди Ойқиз. Тўғри, қолоқ- дан чўлоқяхши и, —*деди қовоғини солиб Дилшод (Ойбек). *Қиёс.* Узлаштирма гап.

КУЧ ИРМА ГАПЛИ ТУЗИЛМА. Муаллиф гапи билан кўчир- ма гапдан ташкил топган синтактик тузилма. Бундай тузилмалар қўшма гапнинг алоҳида тури деб қаралади. «Жуда тўғри, ҳақ гап, — деди боши билан тасдиқлаб Болтабоев, — ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасидан келаётир» (Ойбек). Сумбула сапчиб ўрнидан турди-да, ёнидаги онасини кўриб: «Хайрият, тушим экан», — деди ҳаҳсираб, кейин: «Нега кунлар тошбақадек имилларкин, қачон Ориф қулоғимга ғалати сўзларни шивирлар- кин?» — деб ўйлади-да, чеҳраси ёришиб, ҳовлидаги сўрига чицди. (А. ЭшоНов) . Қ. Муаллиф гапи, Кўчирма гап.

КУЧИШ. Бирор туркумга оид сўзнинг бошқа туркумга оид сўзга айланиши: *сифатнинг отга кучиши* (субстантивация).

КУЧМА МАЪНО. Сўзни тўғри маъносини англатган нарса- ҳодисалардан бошқа нарса-ҳодисаларга ном сифатида кўчириш асосида ҳосил бўлган маъно. Мае., *қоплон* сўзининг «қайтмас, эпчил йигит» маъноси. *Қиёс.* Тўғри маъно.

КУЧМА УРҒУ. Сўзда бўғинлар сони ортиши билан ўз ўрни- ни ўзгартирадиган урғу. Мае., ўзбек тилида сўз урғуси шундай: *ўқйт — ўқитўв — ўқитувчй — ўқитувчилйк. Қиёс.* Боғли (кўчмас) УРҒУ-

Л

ЛАБИАЛИЗАЦИЯ *(лот.* 1аЫаНз — л а б) — *қ.* Лабланиш.

ЛАБИАЛ УНДОШЛАР — *айн.* Лаб ундошлари.

ЛАБ-ЛАБ УНДОШЛАРИ. Икки лабнинг фаол ҳаракат билан бир-бирига яқинлашуви ёки жипелашуви натижасида ҳосил бўладиган ундошлар: п, б, м каби. *Қиёс.* Лаб-тиш ундошлари. *Қ.* Ундош товуш.

ЛАБЛАНГАН УНЛИЛАР. Лабланиш билан ҳосил бўлувчи унлилар. Мае., ў ва у унлилари. *Қ.* Лабланиш.

ЛАБЛАНИШ. Товушлар артикуляциясида лабларнинг ол- динга чўччайиб, думалоқ шакл олиши.

ЛАБЛАНМАГАН УНЛИЛАР. Ҳосил бўлишида лабнинг ҳа- ракати иштирок этмайдиган унлилар: и, э, а.

ЛАБ-ТИШ УНДОШЛАРИ. Пастки лабнинг юқори тиш билян бирлашишк ёки унга яқинлашиши орқали ҳосил бўлувчи ундошлир. Мес., ı, ф ундошлари.

ЛАБ ТОВУШЛАРИ. Лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳосил йўлуичи товушлар.

ЛАБ УНДОШЛАРИ. Лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳо- СИЛ бўладиган ундошлар. Булар икки хил: л а б - л а б у и дошли ри (қ.) на л а б - т и ш у н д о ш л а р и (қ.).

ЛАБ УНЛИЛАРИ — *қ.* Лабланган унлилар.

ЛАТЕРАЛ УНДОШ *(лот.* ЫегаНзСкМз, 1а1ёпз— ён, томом) — *айн.* ён ундош.

Л А Т И Н И З М *(лот.* Ытиз— лотинча). г. Лотин тилидан ўз- лашгам, лекин ёт унсур экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора.

2. Умуман лотин тилидан ўзлашган сўз ёкн ибора.

ЛАҲЖА. Маҳаллий диалектшшг бир неча шсвадан иборат гуруҳи. *Қиёс.* Шева.

ЛЕКСЕМА *(юн.* 1ех1з — ибора, нутқ ўрами). Тилнинг луғат таркибига хос бирлик; тил қурилишининг луғавий маъно англа- тувчи унсури.

ЛЕКСИКА *(юн.* 1ех1коз — сўзга оид, луғавий). 1. Тилнинг луғат таркиби: *Узбек тили лексикаси.*

2. Луғат таркибшшнг қўлланйш. соҳаси, услубий белгиси, келиб чиқиши каби турли жиҳатлардан ёндашиб ажратиладйган туруҳларй. *Оғзаки нутқ лексикаси. Ижтймоий-сиёсйй лексика. Узлашма лексика. Экспрессив лексика. Ойбек асарлари лексикаси* ва б.

ЛЕКСИКАЛИЗАЦИЯ. Синтактик бирлик (сўз бирикмаси еки гап) нинг лексик бирликка (луғавий бирликка), яъни 1 сўз ёки турғун иборага айладшии. Мае., *иш ҳақи, те мир йўл, минг- 4ошй* бйрикмаларининг лўғаВий бирликка айланиши.

ЛЕКСИК АНТОНИМИЯ. Луғавий бирликлар (сўзлар) Орасидаги антонимия: *кенг-тор, олд-орқа, баланд-паст, аччиқ-чучук* каби. *Қ.* Антонимлар.

Л Е К С И К АНТОНИМЛАР. Қарама-қарши (зид) маъноли сўзлар: *яхши-ёмон, каттакичик, ширин-бемаза* ва б.

Лексик б и р л и к — *қ.* лексема.

ЛЕКСИКгГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ — *қ.* Сўз туркумлари.

Л Е КС И К-ГРАММАТИК МАЪНО. Бирор грамматик шаклга эмас, балки сўзнинг лексик маъносига, боғлиқ равишда (арос- ■ланган ҳолда) белгиланадиган маъно. Мае., от туркумига оид сўзларнинг предметлик маъноси, атоқли отлик ёки турдош о't- лик маъноси каби. *Қи&р.* Лексик маъно. Грамматик маъно.

ЛЕКСИК КАЛЬКА. Узга тил луғавий бирлигидан қиемма- қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз; луғавий калька. Мае., *устқурма, кўрсаткич, қўлёзма* сўзлари рус тилидаги *надстройка, указатель, рукопись* сўзларини калькалаш йўли билан ҳосил қилинган сўзлардир. *Қ.* Калька.

ЛЕКСИК МАЪНО. Сўзнинг материал қисми (лексема) бил- дирадиган маъно: маълум товушлар комплексини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун-мундарижа; луғавий маъно. Мае., *уй* сўзининг лексик маъноси — «киши яшайдиган бино», *югурмоқ* сўзининг лексик маъноси — «бир жойдан иккинчи бир жойга шиддат билан ҳа- ракатланмоқ, катта-катта ва тез-тез қадам ташламоқ» ва б. *Қиёс.* Лексик-грамматик маъно. Грамматик маъно.

Л Е К С И К МАЪНО ТУРЛАРИ. Лексик маъно бир неча нуқтаи назардан ёндашиб турларга ажратилади. Жумладан: 1) ясалиш муносабатига кўра; 2) объектни ифода этишига кўра; 3) нутқда воқелашиш ҳолатнга кўра.

Ясалиш (ҳосил бўлиш) муносабатига кўра лексик маъно икки турга бўлинади: 1) а с о с маъно *(қ.)*[m], 2) я с а м а (ҳо- с и л а) м а ъ н о *(қ.)*.

Объектни қандай ифода этишига кўра лексик маъно икки турга бўлинади: 1) н о м и н а т и в маъно *(қ.)*; 2) ф и г у р а л маъно *(қ.)*.

Нутқда воқелашиш ҳолатига кўра лексик маъно икки турга бўлцнади: I) з р қ и и маъно (/{.); 2) б о ғ л и маъно (*{.).

ЛЕКСИК МЕЪЁР; Лексик бирликларйинг адабий тил қойда- талабларига мос ҳолда, намунали тарзда фойдаланилишйнй белгиловчи меъёр. Мае., ҳозирги ўзбек адабий тили

нуқтаи' назаридан *овоз* сўзининг Қўлланиши меъёрий, лекин *сас* сўзининг қўлланиши меъёрнй эмас *(сас* — диалектал) — буйинг қўлланиши лексик меъёрнинг бузилиши ҳисобланади.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ *(юн.* 1ех1коз луғат+^гарЬо — ёза- ман) — *қ.* Луғатшунослик. ЛуғЗтчилик.

ЛЕКСИКОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Лексик би.рликларнинг тари- хий-этимологик қатламлар (ўз қатлам ёки ўзлашган қатлам- га оидлиги), замонийлик (архаизм, историзм, неологизм), шакл ва маъно муносабатига кўра (омоним, синоним, антоним) ва ш.к. нуқтаи назарлардан бўладиган таҳлили.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ *(ЮН.* 1ех1ко8 — луғатга, сўзга оид, луғат ҳақидаги+1одоз — таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибинц ўрганувчи бўлими. Ургаииш объекти, вазифаси нуқтаи назаридан лексикология уч турга бўлинади: 1) тарихий лексикология (»$.) ;2) тасвирийлексикология *(қ.);* 3) қиё.сий лексикология *(қ.).*

ЛЕКСИК ОМОНИМИЯ. Лексик бирликлар орасидаги омонимия; луғавий омонимия. *Қ.* Омонимия.

ЛЕКСИК ОМОНИМЛАР — *қ.* Омонимлар.

ЛЕКСИКОН. 1. *эск.* Бирор адабий оқим, ёзувчи ёки айрим бадиий асар учун хос бўлган сўзлар йиғиндиси.

2. Жаргонга тааллуқли сўзлар захираси.

ЛЕКСИК СИНОНИМИЯ. Луғавий бирликлар орасидаги синонимия. *Қ.* Синонимия.

ЛЕКСИК СИНОНИМЛАР — *қ.* Синонимлар.,

ЛЕКСИК УСЛУБИЯТ. Турли лексик қатламларнинг услубий имконият па хусусиятлари, сўзларнинг функционал-услубий, эмо- ционал-эксиреесив бўёғи, шунингдек, нутқда лексик воситалар- ни мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

ЛЕКСИК СУЗ. Лексикологиянинг объекта сифатидаги сўз. *Қиёс.* Фонетик сўз. Морфологик сўз.

ЛЕКСИК УЗЛАШМАЛАР—*қ.* Узлашма сўзлар.

ЛИГАТУРА *(лот.* Н§а{иге<;Н§аге — боғлаш, боғланиш). Икки ҳарф (ёки транскрипцион белги) унсурларидан ҳосил қилинган бир ҳарф (ёки транскрипцион белги).

ЛИНГВИСТИКА *(фран.* Нп§шз11яие<лот. Нгщиа — тал)— *айн.* Тилшунослик.

ЛИНГВИСТИК АНАЛИЗ — *қ.* Лингвистик таҳлил.

ЛИНГВИСТИК АТЛАС. Махсус дастур — сўроқлик асосида тайёрланган, маълум тил ёки шеваларга хос хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини акс эттирадиган лингвистик хариталар- нинг альбом шаклидага тартибланган тўплами. *қ.* Лингвистик харита.

ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ. Тилшуносликнинг ҳар бир алоҳида тил ҳодисаларинпнг ҳудудий тарқалишини ўрганувчи бўлими. Бу соҳанинг ўрганиш объекта диалект (лар) ҳисобла- нади.

ЛИНГВИСТИК ИҚТИСОД. Нутқий алоқа жараёнида кам куч сарф этишга, тил бирликларини, биринчи навбатда, фонетик жиҳатдан ўзгартишга, қисқартишга интилиш. Бу ҳодиса тил тизимининг барча соҳаларида (фонетика, сўз ясалиши, синтаксис ва б.) учрайди. Мае., фонетикада: сўз бошида ундошнинг тушиши (йўқолиши): *узум<йузум, узук<,йузук;* сўз охирида жаранглининг жарангсизлашуви: *китоп<китоб* ва б.; морфологияда: *бора оламан* -шаклинимг *бороламан* шаклига, *олиб бор* шаклининг *обор* шаклига келиши ва ҳ.

ЛИНГВИСТИК ЛУҒАТ[2]. Луғавий бирликларнинг маъноси, қўлланиши ва бошқа лингвистик хусусиятлари талқин этилади- ган луғат. Мае., изоҳли луғатлар, имло луғатлари, таржима лу- ғатлари лингвистик луғатлардир. *Қиёс.* Қомусий луғат.

ЛИНГВИСТИК ТАЖРИБА. Бирор тил унсурининг ўзига хос хусусиятларини, қўлланиш имконияти чегарасини, фойдаланиш- даги қулай вариантларини, умуман, иш кўриш (фаолият) ша- роитини шу қоидани татбиқ қилган ҳолда турли-туман жумла- лар тузиб текшириш.

ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ. Тил, нутқ бирликларини уни ташкил этувчи қисмлари, мазмуни, вазифаси ва б. хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, шу нуқтаи назардан тил бир- ликларининг аниқ ҳолатини белгилаш. Лингвистик таҳлилнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) лексикологик таҳлил *(қ.);* 2) фразеологик таҳлил (қ.); 3) сема- сиологик таҳлил *(қ.)* 4) фонетик таҳлил *(қ.);* 5) имловий таҳлил *(Қ-)*> б) орфоэпик таҳлил *(қ.);* 7) морфем таҳлил *(қ.);* 8) сўз ясалиш т а ҳ- лгали (қ.); 9) морфологик таҳлил *(қ.);* 10) синтактик таҳлил *(қ.);* 11) пунктуацион таҳлил Шгр 12) услубий таҳлил *(қ.);* 13) э т и м о л о г и к т а ҳ л и л *(Ч)*-

ЛИНГВИСТИК УНИВЕРСАЛИЯЛАР *(лот.* ишуегзаНз— умумий). Барча тиллар учун умумий бўлган (барча тилларда учрайдиган) тил ҳодисалари. Мае., от, феъл туркумлари, грамматик сон, шахс-сон категориялари ва б.

ЛИНГВИСТИК ХАРИТА. Тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳу- дуди акс эттирилган харита. »

ЛИНГВИСТИК ХАРИТАЛАШТИРИШ. Тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудудини харитада белгилаш, тарқалишини харитага тушириш. *Қ.* Лингвистик харита, Лингвистик атлас.

ЛИНГВИСТИК ЭКОНОМИЯ — *қ.* Лингвистик иқтисод.
ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРИМЕНТ — *қ.* Лингвистик тажриба.
ЛИНГВОГЕОГРАФИЯ—*Қ.* Лингвистик география.
ЛИТОТА (юн. П1о1ез — оддийлик). Нарса, ҳодиса ёки бел- гининг ҳажми, кучи кабиларни камайтириб тасвирлаш. Мае., *кўп* сўзи ўрнида *кам эмас, яхши* сўэи ўрнида *ёмон эмас* шаклининг қўлланиши.
ЛОГИК КЕСИМ — *қ.* Мантиқий кесим.*
ЛОГИК СУБЪЕКТ —*ш,* Мантиқий эга.
ЛОГИК УРҒУ — *қ.* Мантиқий урғу.
ЛОКАЛ МУНОСАБАТЛАР *(лот.* 1осаНз — ўрин, ўрин-жойга алоқадор)—*айн.* Макон муносабатлари.
ЛУҒАВИЙ БИРЛИК — *қ.* Лексик бирлик, Фразеологик бирлик.
ЛУҒАВИЙ КАЛЬКА—■ *қ.* Лексик калька.
ЛУҒАВИЙ МАЪНО — /?. Лексик маъно.
ЛУҒАТ. 1. *айн.* Лексика 1.
2. Луғавий бирликлар алифбо тартибида жойлаштирилган, турлича изоҳлар берилиб, китоб шаклига келтирилган тўплам. Луғатлар турли мақсадларда тузилади, шунга кўра унинг турлари ҳам кўп. Аввало луғатлар икки асосий турга бўлинади:
1) лингвистик луғат (қ.); 2) комусий луғат *(қ.).*
ЛУҒАТ МАҚОЛАСИ. Луғатларда бош сўзни изоҳлаш, таржима қилиш учун тузилган мақола.
ЛУҒАТЧИЛИҚ. Луғат тузиш ишлари; лексикография: *Лу- ғатчиликни ривожлантириш.*
ЛУҒАТШУНОСЛ ИК. Тилшуносликнинг луғат тузиш ишла- рининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланувчи бўлими; лексикографии.

М

МАВҲУМ ОТ. Мавҳум тушунчани ифодаловчи от: *ёшлик^ севги, қайғу, уйқу* ва б.
МАЖОЗ. Мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ образ орқали ифодалаш. Мае., *бўри* сўзининг ёмонлик (ёвузлик), очкўзлик ифодаси учун, *тулки* сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши.
МАЖҲУЛ НИСБАТ. Асосий эътиборни ҳаракатни бажарув- чига эмас, балки объект билан ҳаракатнинг ўзига қаратувчи нисбат. Бу нисбат шакли *-(и)л, -(и)н* аффикслари ёрдамида ясалади: *келтирилди, тозаланди* каби. Бу шакл объектсиз (ўтим- сиз) феъллардан ясалганда, шахссизлик маъноси ифодаланади:. *борилди, ўтилди, қочилди* каби.
МАЖҲУЛ ОБОРОТ — *қ.* Мажҳул тузилма.
МАЖҲУЛ ТУЗИЛМА — *қ.* Нофаол тузилма.
МАЖҲУЛ ФЕЪЛ — *қ.* Мажҳул нисбат.
МАЗМУН ЖИҲАТИ. Муайян лингвистик бирликнинг маъно томони, яъни тил (нутқ) бирлигининг ички (мазмун) томони (ифодаланувчи). *Зид.* Ифода жиҳати. *Қ.* Ифодаланувчи.
МАЗМУН ПЛАНИ — *қ.* Мазмун жиҳати.
МАЙЛ КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг воқеликка муносаба- тини сўзловчи нуқтаи назаридан белгилайдиган грамматик категория. Ўзбек тилида майлнинг қуйидаги турлари бор: 1) буй- рук-истак майли (қ.) 2) шарт майли *(қ.); 3)* шартли майл (қ.); 4) мақсад майли (/{).; 5) ижро майли *(қ-)-*
МАКТАБ ГРАММАТИКАСИ. Мактабларда ўқитиш учун мўлжалланган анъанавий грамматиканинг шартли номи.
МАКТАБ ЛУҒАТИ. Ҳажм ва мазмуни мактаб талабларига мослаштирилган луғат.
МАНТИҚИЙ КЕСИМ. Ҳукмда субъект ҳақида хабар бе- рувчи бўлак. Мае., *Буйруқ д и р е к т о р т о м о н и д а н берилди. Қиёс.* Кесим, Грамматик кесим.
МАНТИҚИЙ СУБЪЕКТ — *қ.* Мантиқий эга.
МАНТИҚИЙ УРҒУ. Гапдаги бирор сўзни, бўлакни (маъносини таъкидлаб, кучайтириб) ажратувчи урғу; маъно урғуси (фразанинг интеллектуал томонига оид урғу). Мае., *Мен эртага музейга бораман* гапидаги ҳар бир сўзни мантиқий урғу билан айтиш (ажратиш) мумкин: 1) *Мен эртага музейга бораман;*
2) Мен э р т а г а музейга бораман; 3) Мен эртага м у з е й г а бораман; 4) Мен эртага музейга б о р а м а н. Қиёс. Эмфатик урғу.
МАНТИҚИЙ ЭГА. Гайда фикр юритилаётган нарса (шахе еки предмет). Мантиқий эга ўз ифодасига кўра грамматик эга билан тенг келавермайди. Мае., мантиқий эга грамматик эга ва иккинчи даражали бўлак гуруҳидан иборат бўлиши мумкин. Чунки мантиқ (логика) фикрнинг иккинчи даражали бўлакла- рини фарқламайди. Шунййгдек, бош келишикдаги сўздан бошқа келишикдаги сўз ҳам мантиқ'ий эга бўла олади.
МАТАЛ. Ҳаётий воқеликни ихчам шаклда эмоционал-экс- прессив баҳо билан тасвирловчи ифодалар. Маталлар нутқда ҳукмнинг қисми вазифасида бўлиши, ҳамма вақт кўчма маъно англатиши каби хусусиятлари билан мақоллардан фарқланади: *Туянинг думи ерга тегканда.*
МАТЕМАТИК ЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг тилни тадқиқ этиш ва ўрганишда математик методларни қўллаш им- кониятларини ўрганувчи соҳаси.
МАТЕРИАЛ МАЪНО — *айн.* Моддий маъно.
МАТН. Внма-ён ҳарфлар,- ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст.
МАТНЙЙ МАЪНО. Сўзнинг нутқий матнга боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган (юзага

чиқадиган) маъноси. Мае., қавақ, кўр сўзларининг қуйидаги нутқ'парчаларидаги маъноси матний маъно ҳисобланади: Тавба, ажойиб. Ешим шунчага етиб, бундайларни энди эшитдим. Бутун умр к а в а к д а ўтди... Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирар- мидим? Қизим, кечир, бу адйшган кўр дадангни кечир/ (Ой- бек).

МАТНИЙ СИНОНИМЛАР. Нутқий матн асосида белгила* йадиган синонимлар.

МАХСУС ЛЕКСИКА. Меҳнат фаолиятининг турли соҳала* рига оид нарса-ҳодисаларни номловчи сўзлар. Термин ва касб- ҳунарга оид сўзлар махсус лексикага киради. *Қ.* Термин. Касб- ҳунар лексикаси.

МАХСУС ЛУҒАТ. Маълум соҳага, маълум қатламга оид сўзлардан иборат бўлган луғат. Бундай луғатларнинг номида қай жиҳатдан чегараланганликни ёки қайси қатламга оидликни кўрсатувчи сўзлар бўлади. Мае., «Физика терминлари луғати», «Диалектологик луғат», «Фразеологик луғат» ва б.

МАХФИЙ ТИЛ. Алоҳида ижтимоий гуруҳларга хос, шу гуруҳга оид кишилар тушунадиган ва фойдаланадиган тил.

МАШИНА ТАРЖИМАСИ. Матн (текст) ни берилган дастур асосида электрон машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга автоматик таржима қилиШ.

МАЪНО КЕНГАЙИШИ. Тарихий тараққиёт жараёнида маъно ҳажмининг кенгайиши, лексик маънонинг аввалгисига ние- батан кенгроқ воқеликни билдирншн. Мае;, *ўқ* энг аввал камон- нинг ўқини билдирган, ҳозирда эса ҳар қандай қуролдан отила- диган ўқни билдиради.

МдрНО нозиклиги. Сўзнинг лексик маъносидаги умумий қц^мдан ташқари, ҳар бирига хос бўлган фарқли белги- хусуеии'ГЛар. Мае., *вазифа, бурч* сўзлари бир хил маънога (зим- мадагн ^ш-мажбурият маъносига) эга бўлгани ҳолда, *бурч* сўзи- да «муҳим», «масъулиятли» (вазифа) ифодаси бор. *Қасал, бетоб* сўзларн/Дан *касал* лексемаси инсон ва бошқа жонли нарсаларга нисбата*[1] қўлланган ҳолда *(касал одам, касал қуён), бетоб* лексема[сининг] Ф[а]Қ[ат] инсонга нисбатан қўлланиши.

МД^НОСИЗЛАНИШ. Сўзнинг ўз луғавий маъносини йўқо- тиши. М[ас]-> *мен уйда бўламан* гапи билан *хом мева тахир бўлади* г[а]^идаги *бўл* феълини қиёсланг: биринчи гапда мустақил феъл, [и]ккинчи гапда эса луғавий маъносини йўқотиб, ёрдам- чига ^й^анган (маъносизланишга учраган) феъл қатнашган.

МАЪ[НО] ТОРАЙИШИ. Тарихий тараққиёт жараёнида лексема ма^[носи] Ҳажми (кўлами)нинг торайиши; лексик маънонинг аввалги![3] нисбатан торроқ воқеликни билдириши. Мае., умуман ҳайвонл^Р маъносидаги *йилқи* сўзининг ҳозирда фақат отни билдипи^н-

МАт,НО УРҒУСИ —*қ.* Мантиқий урғу.

МАқОЛ. Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида рит- миқ-мел^Д[ик] хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри. Мақол- ларда х^лқнинг кўп йиллик тажрибалари, ҳаёт ҳодисаларининг маълуш баҳоси (унга муносабат) акс этади: *Дарё сувини баҳор тоширир, Одам қадрини меҳнат оширар. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво б^[та]Р' Бесабрлар ўз оёғидан йитар.*

МАқСАД майли. Ҳаракатни бажариш-бажармаслик мақ- садини)*иятини, ҳаракатни бажариш мўлжал қилинганини билдирувчи майл. Мақсад майли шакли *-моқчи* аффикси ёрдамида ясалади: *кўрмоқчиман, бормоқчиман, институтга кирмоқчи* каби: *Биз... ўз фикр-мулоҳазаларимизни атрофлича баён этмоқчимиз* (Д. Нур^й).

МАҚСАД РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан бажарил^[шини] билдирувчи равиш: атайлаб, қаеддан каби: Қора- той билн[н] Ур[оз] йигитни авайлаб кўтариб, ушланиб қолмаслик учун жР Р [т т а г а ха]Щ ичига шўнғиди (Ойбек).

МАҚСАД эргаш гап. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳо,И[исанинг] қандай мақсад билан юз беришини билдирувчи эргаш[гап:] *Ойимхон уйғонмасин у ч у н, Холмурод оёқ учидР бориб, ўз ўрнига ётди* (П. Турсун).

МАҚСАД ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдирувчи ҳол: У одамлар о рас ига т е з р о қ к и р иш г а ҳар нарсани б и ли ш г а, и ш л а ш г а шошди (Ойбек).

МАҲАЛЛИЙ ДИАЛЕКТ. Ишлатилиши маълум ҳудуд билан чегаралаР[ган] диалект: *Хоразм диалекти.* Тошкент *диалекти.* Маҳаллий диалектлар шева ва лаҳжа ҳолатида бўлади. *Қ.* Шева, лаҳжа.

МАҲбУЛДОР АФФИКСЛАР — *айн.* Маҳсулли аффикслар.

МАҲСУЛЛИ АФФИКСЛАР. Сўз ясаш вазифасини тўхтатма- ган, озми-кўпми миқдорда сўз ясаш учун хизмат қилаётган аффикслар.

МАҲСУЛСИЗ АФФИКСЛАР. Озми-кўпми миқдорда сўз яса- ган, лекин ҳозирда сўз ясаш вазифаси тўхтаган (сўз ясамайди- ган) аффикслар. Мае., истак, курак сўзларидаги к аффикси.

МЕЛОДИК УРҒУ — *айн.* Мусиқий урғу.

МЕНТАЛИНГВИСТИКА *(лот.* шбпз, тепШ— онг, тафак- кур+лингвистика). Тилшуносликнинг тил билан тафаккурнинг алоқасини ва шунга боғлиқ масалаларни ўрганувчи бўлими.

МЕТАТЕЗА (юн. теШЬезГз— ўрин алмаштнриш). Сўздаги товушларнинг ўрин алмашинуви. Мае., бўйра — бўрйа, киприк— кирпик, тупроқ — турпоқ, тўғрамоқ — тўрғамоқ, мизож—мижоз ва б.: Шукр этай, нозик м и з о ж им бирла маржам иттифоқ (Ҳабибий). Эрининг феъли, м и ж о з-табиати кун сайин унга равшанлашди (Ойбек).

МЕТАФОРА *(юн.* те^арЬога — кўчириш). Бир предметнинг номини бошқа предметга бирор томондан ўхшашлигини эъти- борга олиб кўчириш. Метафора сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида қатнашадиган омиллардан Ч5иридир. Мае., *қанот, косо, арафа* сўзларининг. *самолёт қаноти, тарвузнинг ко- саси, байрам арафаси* бирикмаларидаги маъноси метафора асосида ҳосил бўлган. *Қ.* Метономия.

МЕТОНИМИЯ *(юн.* те^опулна — қайта номлаш). Бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш; шундай қўллаш асосида бир предмет, ҳаракат, белги номининг бошқа предмет, ҳаракат ёки белгига кўчиши. Метонимия сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Мае., *кулги* сўзининг «мазах», «масхара» маъноси, *самовар* сўзининг «чойхона» маъноси метонимия асосида ҳосил бўлган маънолардир. *Қ.* Метафора.

МЕЪЁР. Тил бирликларини у ёки бу кўринишида жамият томонидан аниқланган, белгиланган ишлатилиш имконият ва қонуниятлари. *Қ.* А д а б и й м е ъ ё р. Л е к с и к м е ъ ё р. М о р ф о л о г и к м е ъ ё р. С и н т а к т и к м е ъ ё р. О р ф о э- п и к м е ъ ё р. Ф о н е т и к м е ъ ё р. С ў з я с а л и ш м е ъ ё р и.

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚА ТИЛИ. Бир давлат (мамлакат) доирасида турли миллат вакиллари томонидан алоқа воситаси сифатида фойдаланиладиган, миллатлараро алоқа воситаси хизматини ўтайдиган тил. *Қ.* Миллий тил.

М И Л Л И Й ТИЛ. Миллат бўлиб шаклланган жамоанинг умумий тили.

М И М Е М А — *қ.* Тақлид сўз.

МИҚДОР-ДАРАЖА РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг миқдор-да- ража жиҳатидан белгисини, шунингдек, белгининг даражасини билдирувчи равиш: *ниҳоятда, сал* каби: *Сидиқжон п и ч а ўтирди-ю, энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида, Ўрмон- жон келиб қолди (А. Қаххор).*

МИҚДОР-ДАРАЖА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашил- ган ҳаракат-ҳодисанинг миқдор-даражасини билдирувчи эргаш гап: И н е о н г а ҳаво нечоғ л и к з а р у р б ў л с а, ҳ а л қ қ а т и н ч л и к, о з о д л и к в а б а х т-с а о д а т ҳам ш у н ч а л и к з а р у р д и р.

МИҚДОР-ДАРАЖА ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиши- даги миқдор-даражани белгиловчи ҳол: Шакарни қ о п и б и л а н олди. Бугун қурилишда одам кундагидан ик к и-у ч м а р т а кўп эди (А. Мухтор). К ў п ўйла, оз сўзла (Мақол).

МИҚДОРИЙ УРҒУ. Товуш талаффузишнг ортишига (да- вомлилигига) асосланадиган урғу. Миқдорий урғуда чўзиқлик етакчи бўлади. *Қиёс.* Динамик урғу.

МИҚДОР СОНЛАР. Предметнинг миқдорини билдирувчи сонлар. Узбек тилида миқдор сонлар оЛти турга бўлинади: 1) с а н о қ с о н (*қ.);* 2) д о н а с о н (/{.); 3) ч а м а с о н *(қ.);* 4) ж а м л о в ч и с о н (/{.); 5) т а қ с и м с о н *(қ.);* 6) к а с р с о н (^)-

МОДАЛЛИК *(фран.* тойаШ<лог. тойиз —майл). Сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грам- м;ати к-сем антик категория. У орқали фикр мазмуни реал ёки нореал, қатъий ва ш. к. тарзда тасаввур этилиши мумкин. Мо- даллик сўз, қўшимча, юклама ва оҳанг орқали ифодаланиши мумкин. Мае., *ёза олмоқ {ол* ёрдамида ясалган шакл қодирлик маъносини билдиряпти), *албатта келади (албатта* сўзи қатъий ишонч ифодалаяпти), *кўрганов* (-ов юкламаси гумон билдиради) ва б. *Қ.* Модал сўз. Модал шакл. Модал маъно.

МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Фикрнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маъноларнинг ифода- ланиш тизими. Модал маъно, масалан, модал сўз ёки модал шакллар орқали ифодаланади. *Қ.* Модал сўз, Модал шакл, Модал маъно.

МОДАЛ МАЪНО. Сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрга муносабатини билдирадиган маъно. Мае., фикрнинг чин ёки гу- монлиги маъноси, афсусланиш, қониқиш, имконият, мамнунлик каби маънолар модал маънолар ҳисобланади. Модал маъно турли тил бирликлари (мае., сўз, сўз шакли) ёрдамида ифодаланади. *Қ.* Модал сўз, Модал шакл.

МОДАЛ СУЗ. Сўзловчининг ўзи ифодалаётган фикрга турли муносабатини билдирувчи, фикрнинг аниқлиги, ноаниқлиги каби маъноларни ифодаловчи сўз туркуми ва шу туркумга оид сўз: *ҳақиқатан, албатта, чамаси, дарвоқе* кабилар: *Бу хатни бир вақтлар, ҳақиқатан, Гулнор ёздирган эди* (Ойбек). *Эҳтимол, кетмон билан ер ағдаришга ҳам тўғри келар* (А. Қаххор).

МОДАЛ ШАКЛ. Сўзнинг модал маъно ифодаловчи шакли. Мае., ўзбек тилидаги отнинг кичрайтиш-эркалаш шакллари *(қизалоқ, қўзич о қ* ваби), феълнинг модал маъно ифодаловчи кўмакчи феъллар ёрдамида ясалувчи шакллари *(айта қ о л, бора кр м а* каби). *Қ.* Модал маъно.

МОДДИЙ МАЪНО. Маълум бир нарса-ҳодиса, ҳаракат, бел- гн кабилар ҳақидаги тушунчага мае келувчи материал маъно; сўзнинг материал •қисми (асоси) билдирадиган

маъно. Мае., *шининг* сўзидаги *иш* қисмига хос маъно; *ишчиларимиз, ишладик* сўзларининг *ишчи* ва *ишла* қисмларига хос маъно моддий маъ- нодир. *Қ.* Лексик маъно.

МОДЕЛЛАШТИРИШ. Бирон тил (нутқ) бирлигининг схе- маси ёки моделини тузиш: *Эргашган кўшма гапни моделлаш- тириш.*

МОДЕЛЬ *(фран.* шо(1е1е<;игал. шойеНо — намуна, қолип). Бирон тил ҳодисаси (нутқ бирлиги) таркибий қисмларининг жойлашиш ҳолатини кўрсатувчи схема ёки намуна: *Сўз ясалиш модели:* ясалиш асоси + ясовчи.

МОДУЛЯЦИЯ *(лот.* шос1и1а(ю — ўлчаш, ўлчам). 1. Нутқ тузилйшида суперсегмент фонетик ҳодисалардан фойдаланиш.

2. Фраза урғуси, паузалар гапнинг синтактик воситаларк ва. просодик (суперсегмент) характеристикаси сифатида. •

МОНОЛОГ *(юн.* гаопоз — бир+1одо8 — сўз, нутқ). Сўзлов' чвнинг ўзига қаратилган, бошқа шахенинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ. *Қиёс.* Диалог.

МОНОСЕМИЯ *(юн.* топоз — бир+зета — белги)—*қ.* Бир маънолилик.

МОНОСИЛЛАБИЗМ — *қ.* Бир бўғинлилик.

МОНОТОНИК УРҒУ — *айн.* Экспиратор урғу.

МОНОФТОНГ *(юн.* шопов — бир+рЬІоп§оз — овоз, товуш). Таркиби бир товушга тенг унли, содда унли; якка унли. *Қиёс.* Дифтонг.

МОРФ — *қ.* Морфа.

МОРФА *(юн.* шогрЬе — шакл). Морфеманинг сўзшакл тар-- кибида қатнашаётган кўриниши. Турли сўзшаклларда иштирок этувчи бундай морфлар мажмуи морфемани ташкил этади. Мае., *уйга, эшикка, ётоққа* сўзшаклларида иштирок этаётган уч шакл *(~га, -ка, -қа)* бир морфема ҳисобланади. Морф(а)лар ўзаро алломорф (а) *(қ.)* ёки морфеманинг варианти *(қ.)* ҳолатида бўлади.

МОРФЕМА (*юн.* тогрЬе — шакл). Тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик бирлиги. Асосий хусусиятига кўра, морф ем ал ар икки турга бўлинади: 1) лексик морфема *(қ.*); 2) аффиксал морфема *(қ.).* Мае., *ишчи* сўзида икки морфема бор: *иш* ва *чи. Иш* — лексик морфема, *чи* — аффиксал морфема.

МОРФЕМАНИНГ ВАРИАНТИ. 1. *айн.* Алломорфа.

2. Морфеманинг ҳар қандай қуршовда ҳам бири ўрнида ик-; кинчисини қўллаш мумкин бўлган морфалари. Мае., *-дай, -дек* морфалари эркин қўшилаверади, демак, вариант ҳолатида: *гул- дай — еулдек* каби. *Зид.* Алломорфа 2.

МОРФЕМИКА. Морфемаларнинг моҳияти, тузилиши, турлари ва б. хусусиятлари ҳақидаги таълимот. *Қ.* Морфема.

МОРФЕМ ЛУҒАТ. Сўзларнинг морфема таркиби қайд эти- ладиган луғат. Мае., А. Ғ. Ғуломов, А. Н. Тихонов, Р. Қўнғуров- ларпинг «Узбек тили морфем луғати» («Уқитувчи» нашриёти, 1977).

МОРФЕМ ТАҲЛИЛ. Сўзнинг морфема таркибини, морфемаларнинг турларини, ҳар бир турнинг маъно ва вазифасига кўра турларини белгилаш.

МОРФОЛОГИК КАТЕГОРИЯ. Бир-бирига қиёсан олинади- ган икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно, ва шу маъноларни ифодаловчи шакллар тизими. Мае., ўзбек тилида отлардаги сон категорияси *(китоб* — бирлик, *китоблар* — кўплик), феълнинг замон категорияси *(ўқиди* — ўтган замон, *ўқияпти* — ҳозирга замон, *ўқийди* — келаси замон) ва б.

МОРФОЛОГИК МЕЪЕР. Сўз шаклларидан ҳозирги адабий тил қонун-қоидаларига мое ҳовда фойдаланишни белгиловчи меъёр. Мае., ҳозирш адабий тил нуқтаи назаридан *олади, ўрга- нади, ишлайдиган* шаклларининг қўлланиши — меъёрий, аммо *олгуси, ўргангуси, ўрганажак, ишлаяжак* тарзида ишлатилган- да, меъёр бузилади (улар архаик ва диалектал шакллардир)..

МОРФОЛОГИК СЎЗ. Морфологиянинг объекта сифатидаги сўз. *Қиёс,* Фонетик сўз, Лексик сўз.

МОРФОЛОГИК СУЗ ЯСАЛИШИ. — *қ.* Сўз ясалишининг морфологик усули.

МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Сўзларнинг умумкатегориал маъ- ноларга кўра (сўз туркумлари нуқтаи назаридан) турларини, сўзнинг морфологик тузилишини, бу тузилишдаги қисмларийнг хусусиятларини (турлари, маъно ва вазиф.аларйни) белгилаш.

МОРФОЛОГИК ҚАЙТА БЎЛИНИШ. Сўз морфологик таркибидаги дастлабки бўлиниш чегарасининг ўзгариши. Мае., *уники* сўзи аслида *у(л)* олмоши, *-инг* қаратқич келишиги кўр- саткичи ва тегишлиликни ифодаловчи *-ки* аффиксидан иборат бўлган. Ҳозирда эса у икки компонентдан иборат: *у-\-ники. Қиёс*, Синтактик қайта бўлиниш.

МОРФОЛОГИЯ *(юн.* тогрЬе — шакл-]-1одо5— таълимот).

1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади: *Узбек тили лексикологияси ва морфологияси.*
2. Тилнинг морфологик қурилиши: Узбек тилининг лексикаси ва морфологияси.

МОРФОНОЛОГИЯ *(юн.* тогрЬе — шакл+рЬопе— товуш4- 1одоз — таълимот). Тилшуносликнинг морфология билан фонетиканинг алоқаларини ўрганувчи бўлими.; морфемаларнинг фонологик тузилишини ҳамда морфемаларнинг қўшилиши натижаси- да уларнинг тузилишида юз берадиган товуш ўзгаришларини ўрганувчи соҳа.

МОСЛАШУВ АЛОҚАСИ. Тобе алоқанинг бир тури бўлиб, бунда тобе сўз ўз шаклини ҳоким сўзнинг шаклига мослайди, шу тарзда ҳоким сўзга боғланади, ҳоким сўзнинг шакли ўзгари- ши билан, тобе сўз ҳам унга мос ҳолда шаклини ўзгартиради. Узбек тилида мослашув асосан қаратқич-қаралмиш ва эга- кесим алоқасида кўринади: *мен айтяпман, сен айтяпсан, у ай- тяпти; менинг илтимосим, сенинг илтимосинг* каби. *Қиёс.* Бошқарув алоқаси, Битишув алоқаси.

МОТИВЛАНУВЧИ СУЗ — *қ.* Асосланувчи сўз.

МОТИВЛОВЧИ СУЗ — *қ.* Асословчи сўз.

МУАЛЛИФ ГАПИ. Кўчирма гапли тузилмаларда муаллиф- иинг ўзи айтган (кўчирма гапдан ташқари) гап: Ростдан ҳам амирни осмоқчимисиз? — деб с ў р а д и д о к т о р (А. Эшонов). Ж ў р а, б о е в ўтиришга жой кў р &атиб, м е ҳ р и б о н л и к билан мурожаат қилди: «Келганингга хурсандман, Ой- қиз». Қиёс. Ўзга гапи.

МУВАҚҚАТ МАЪНО. Сўзнинг маъно тузилишида шаклла- ниб етмаган, маълум индивидуал қўлланишда юзага чиқадиган маъно: *Фан, санъатнинг г у л л а р и бутун, тўпланғакди суҳбати учун* (Ойбек). *Кун ҳалиям иссиқ бўлса-да, ҳар ҳолда шабада й ў р ғ а л а р д и* (М. Мусаев).

МУЗ И КАЛ УРҒУ — *қ.* Мусиқий урғу.

МУЛЬТИПЛИКАТИВ СОН — *қ.* Кўпайтма сон.

МУРАККАБ БЎЛАК. Бирдан ортиқ луғавий бирлиқ (мустақил сўз ёки турғун сўз бирикмаси) билан ифодаланган гап бў- лаги. Мураккаб бўлак содда ёки мураккаб сўз бирикмаси ёки бошқа турдаги синтактик бирликлар, масалан, ўрамлар билан ифодаланиши мумкин: *Деҳқон/келаси кузда оладиган ҳосилнинг г.амини/шу куздан/кўради* (М. Исмоилий). *Тўрт томони баланд уй-айвонлар билан ўралган ҳовлида* /нафас/ бўғила бошлади (Ойбек). *Нонушта пайтида/Жўрахон ҳақида китоб ёзмоқчили- еимни /айтдим* (С. Аҳмад). *Яна касалхонага бориши кераклиги/уйлаб/ҳаракатида сустлик йўқолди* (С. Анорбоев). *Қиёс.* Содда бўлак.

МУРАККАБ ГАП. Уюшиқ бўлак, ажратилган бўлак, ундал- ма ва киритмалар иштироки билан мураккаблашган содда гап: *Ой, сув бетида қалқиб бораётган тарвуз палласи, бекинмачоқ ўйнаб, гоҳ кўринади, гоҳ яширинади* (Ҳ. Ғулом). *Ҳой, қизи туш- магур, нима деб алжираяпсан?* (А. Қаҳҳор).

МУРАККАБ КЕСИМ. Бирдан ортиқ мустақил сўз билан ифодаланган кесим: *Биз ҳаммамиз э л ф а р з а н д л а р и м и з!* (У. Юсупов). *Олифтанамо бу йигит й и г и р м а б е ш ё ш л а р- д а э д и* («Муштум»).

МУРАККАБЛАШГАН ГАП — *қ.* Мураккаб гап.

МУРАККАБ СИНТАКТИК БУТУНЛИК. Фикран, айни вақт- да лексик, грамматик ва бошқа тил воситалари ёрдамида ўзаро борлиғиган мустақил гаплар гуруҳи: Янги Тошкентнинг кўчала- рини, осмонўпар биноларини, сўлим хиёбонларини завқ билан томоша қилиб, ажиб қошона қаршисида бир зум тўхталаман. Оппоқ мармардан тикланган чиннидай қаср. Б у бинони қўли гул усталар, мўъжизакор наққошлар яратишди. Қадоқ қўл имо- ратсозлар ва моҳир муҳандислар унга кўрк ва фусун бахш эт- дилар... Бу бино пойтахтимнинг айни марказида ■—Тошкент юрагида қад кўтарди. У Шарқ қуёши нурларига кўмилиб, оппоқ товланиб турибди (Р. Файзий). Қиёс. Период.

МУРАККАБ СОН. Кўпайтма сон ва қўшилма сонга (қўшил- ма сон ва кўпайтма сонга) хос боғланишли сонлардан тузилган сонлар: *икки юз беш* (2х100+5), *икки юз беш минг* (2Х100+ 5Х1000), *ўн беш минг олти юз қирқ* (10+ 5х1000+ 6Х100+ 40) ва б.

МУРАККАБ СЎЗ БИРИКМАСИ. Компонентлари ёки улар- дан бири бирдан ортиқ сўз билан ифодаланган бирикма: Мирза- каримбой ўз ўғлига ўқрайиб, б о ш и н и қ у й и с о л г а н и н и ҳамма сезди (Ойбек). М о ш р а н г д у ҳ о б а д ў п п и л и бола болаларнинг энг каттаси эди (Ойбек). Қиёс. Содда сўз бирикмаси.

МУСИҚИЙ УРҒУ. Товуш кучи в а баландлиги эмас, балки тон баландлиги ўзгариши билан характерланувчи урғу. Мае., хитой, япон, корейс тилларида лексик урғу шундай. *Қиёс.* Экспиратор урғу.

МУСТАҚИЛ ГАП. Грамматик жиҳатдан бошқа гап билан боғланмаган, коммуникатив жиҳатдан тугалликка эга бўлган гап: *Тошмамат ўзи астойдил берилиб ўйлаётган бу фикрларидрр бирдан даҳшатга тушиб кетди* (У. Усмонов).

МУСТАҚИЛ МАЪНОЛИ СЎЗЛАР — *айн.* Мустақил сўзлар.

МУСТАҚИЛ МАЪНОСИЗ СЎЗЛАР — *айн.* Ердамчи сўзлар.

МУСТАҚИЛ СЎЗЛАР. Луғавий маънога эга, номинатив вазифа бажарадиган, яъни предмет, ҳодвса, белги, ҳаракат ка- биларни атайдиган ёки унга ишора қиладиган ва гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела оладиган сўзлар; мустақил сўз туркумларига оид сўзлар. Мае., от, сифат, феъл каби туркумга оид *одам, дарахт, сув; яхши, кенг, аччиқ; ёзмоқ, кўрмоқ, сўра- моқ* каби сўзлар мустақил сўзлардир. *Қ.* Мустақил сўз туркум- лари.

МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ: Мустақил сўзлардан иборат сўз туркумлари. Бўлар қуйидаги сўз туркумларидир: 1) от *(қ.); 2)* с и ф а т *(қ.);* 3) с о н (қ.); 4) о л м о ш *(қ.);* 5) ф е ъ л *(қ.);* 6) р а в и ш (қ.). *Қ.* Сўз туркумлари.

МУСТАҚИЛ БЎЛМАГАН СЎЗ ТУРКУМЛАРИ. Мустақил сўз туркумларидан бошқа сўз туркумларининг — ёрдамчи сўз, ундов, тақлид сўз ва модал сўзларнинг умумлашма номи.

МУТЛАҚ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабати бевосита ифодаланадиган замон. Мае., и ж р о м а й л и *(қ.)* шакллари ифодалайдиган ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замон мутлақ замондир: *сен айтдинг, сен айтяпсан, сен айтасан* каби. *Қиёс.* Нисбий замон.

МУТЛАҚ ИНКОР. Гап мазмунига бир бутун ҳолда оид бўлган инкор. Мае., *Йўқ, мен у томонларга бормайман* дейилганда, *йўқ* сўзи ифодалаётган инкор гап мазмунига бир бутун ҳолда тегишлидир, *-ма* аффикси ифодалаётган *(бормайман)* инкор эса *бор* феъли билдирган ҳаракатнинг ўзигагина тааллуқлидир.

МУТЛАҚ СИНОНИМЛАР. Маъноси, қўшимча оттенкаси ва б. жиҳатлари бир-бирига тўла тенг келувчи сўзлар. Бундай синонимлар тилда жуда саноқли бўлиб, асосан, терминларда уч- райди: *тилшунос — тилчи, лексикография — луғатчилик* каби. *Қ.* Дублетлар.

МУҚОБИЛ БИРЛИК. Бир нутқ бирлигига хос маънони ифо- далай оладиган, унга хос вазифани бажара оладиган бошқа нутқ бирлиги. Мае., *оғзи қулоғида, илоннинг ёғини ялаган* фра- зеологизмлари *хурсанд, айёр* сўзларининг муқобилларидир.

Н

НАЗАЛИЗАЦИЯ *(лот.* паэаНз *— бурун, бур унга оид) — қ.* Бурунланиш.

НАЗАЛИЗАЦИЯЛАНГАН ТОВУШ — *қ.* Бурунланган товуш.

НАТИЖА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг натижасини, хулосасини билдирувчи эргаш гап: *Бу ўйлар шу даражада чувалиб кетдики, бор а-б о р а у ҳеч б и р и н и р а е и г а н т а с а в в у р қ и л о л м а й қ о л д и* (Шуҳрат).

НАТУРАЛИСТИК ОҚИМ. Тилни табиий организм сифатида қаровчи лингвистик оқим.

НАТУРАЛИСТЛАР. Халқаро ёрдамчи тилни табиий миллий тиллар асосида яратиш зарур деб қаровчи оқим.

НЕЙТРАЛ ЛЕКСИКА — *қ.* Бетараф лексика.

НЕОЛОГИЗМ *(юн.* неоз — янги+1одоз — сўз). Янги нарса, тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган, ҳали одатдаги луғавий бирликка айланиб кетмаган сўз ёки иборалар. Мае., *космодром, фазогир* сўзлари космосни забт этишнинг дастлабки босқичида неологизм бўлиб, ҳозир одатдаги сўзга айланган.

✓ НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини билдирувчи грамматик категория. Мае., *кўрди*— ҳаракат бевосита субъектнинг ўзи томонидан бажарилиши ифода лЗнади; *кўрсатди* — ҳаракатнинг (кўринишнинг) бевосита ба- жарувчиси бошқа шахе эканлиги ифодаланади; *кўринди* — ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилгани ифода- ляпали; *кўрилди*— >ракатнинг бажарувчиси ноаниқ тарзда ифодалаиади на ҳ. Узбек тилида нисбатнинг беш тури бор:

1) «б о ш н и с б а т (/Ъ.); 2) ў з л и к н и с б а т и *(қ.)*\ 3) о р т- т и р м а н и с б а т *(қ);* 4.) м а ж ҳ у л н и с б а т *(қ.);* 5) б и р г а л и к н и с б а т и *(қ.).*

НИСБИЙ ЗАМОН. Ҳаракатнинг бажарилиш вақтини баво- сита, ияни бошқа ҳаракатнинг бажарилиш вақтига ёки, умуман, қандайдир бошқа вақтга нисбатан белгилайдиган замон. Мае:, сифатдош ва равишдошларнинг замони: *К е л а ё т г а н ўқув- чига айтди. Институтга к и р а д и г а н ёшларга консультация беряпти. Ишларни б и т и р г а ч , тезда қайтамиз. Қиёс.* Мутлақ замон.

НИСБИЙ СИФАТ. Предмет белгисини бошқа предметга нисбатан бериб ифодалайдиган сифатлар: *деворий газета, кечаги суҳбат* каби. Ч

НИСБИЙ СЎЗ — *айн.* Боғловчи сўз.

НОИЗЧИЛ АФФИКСЛАР. Сўз ясалишида бирор модель* сўз ясалиш типи *(қ.)* ҳосил қилмайдиган, бир-икки сўз ясалиши- дагина учрайдиган аффикслар. Мае., *ўсимта, кўрк, ичак* каби сўзлардаги *-та, -к, -ак* аффикслари. *Қиёс.* Язчил аффикслар.

НОКАТЕГОРИАЛ ФОРМА — *қ.* Функционал шакл.

НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР. Тил тараққиётига таъсир кўрсатувчи объектив воқеликка дойр (тил қонуниятларидан таш- қари) шарт-шароитлар. Бундай шарт-шароитларга биринчи нав- батда ижтимоий-сиёсий омиллар киради.

НОЛЬ КУРСАТКИЧЛИ ШАКЛ. Товуш ифодасига эга бўлмаган ҳолда грамматик маъно ифодалайдиган ва грамматик вазифа бажарадиган тил ҳодисаларининг умумий номи. Мае.,

китоблар — кўплик шакли (кўплик кўрсаткичи*лар* аффикси),

китоб — бирлик шакли (бирликни ифодаловчи махсус аффикс йўқ, демак, у ноль кўрсаткичли шакл).

НОМИНАЛИЗАЦИЯ —[93]қ. Номлашиш.

НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАР — *қ.* Номловчи бирликлар.

НОМИНАТИВ ГАП — *қ.* Номловчи гап.

НОМИНАТИВ МАЪНО — *қ.* Номловчи маъно.

НОМИНАТИВ ФУНКЦИЯ — *Қ.* Номлаш вазифаси.

НОМИНАЦИЯ *(лот.*, потшаШ) — аташ, ном қўйиш). Тилда номлаш вазифасини бажарувчи бирликларни (сўз, сўз бирик- масн кабиларни) ҳосил қилиш.

НОМЛАШ ВАЗИФАСИ — *қ.* Сўзнинг номлаш вазифаси.

НОМЛАШИШ. Трансформациянинг бир усули; предикатив синтагманинг номловчи синтагмага айлантирилиши. Мае.', *Акба.р келди—Акбарнинг келиши. Акбар келди, бошқа одам келма- ди — Акбардан бошқа одам келмади. Қ.* Трансформация, Дейре- дикация.НОМЛОВЧИ БИРЛИКЛАР. Номлаш вазифасини бажарувчи бирликлар (сўз ва сўз бирикмаси) —*қ.* Номлаш (аташ) вазифаси.

НОМЛОВЧИ ГАП. Бош келишикдаги сўз ёки от бирикма билан ифодаланадиган бир таркибли гап: *Ана совуқ, мана қор! Мана Усаржоининг боласи...* (Ойбек). *Қандай кўкрак- дор майдон!* (Р. Файзий).

. НОМЛОВЧИ МАЪНО. Воқелик билан бевосита#боғланади- ган, предмет, белги, ҳаракатнинг атамаси бўлиб хизмат қила- диган маъно. Мае., *олма* сўзининг «мева турларидан бири» маъноси, *сакрамоқ* сўзининг «юқорига ёки олдинга зарб билан отилмоқ» маъноси, *ширин* сўэининг «мазаси ёқимли» маъноси номловчи маънодир. *Қиёс.* Фигурал маъно.

• НОРЕГУЛЯР АФФИКСЛАР — *қ.* Ноизчил аффикслар.

НОРМАТИВ ГРАММАТИКА. Сўз шакллари ва синтактик қурйлиш моделларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгиловчи грамматика.

НОФАОЛ НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Товуш ҳосил бўлишида асо- свй иш бажармайдиган, нофаол қатнашадиган нутқ аъзолари. Мае., тиш, қаттиқ танглай, бурун бўшлиғи. *Қиёс,* Фаол нутқ аъзолари.

» ' НОФАОЛ ТУЗИЛМА. Ҳаракат субъекти тўлдирувчи орқали, ҳаракат объекти эса эга орқали ифодаланган тузилма: *Бу буй- руқ раҳбар томонидан иМзоланган* (нофаол тузилма) — *Бу буй- руқни раҳбар имзоламаган* (фаол тузилма). *Қиёс.* Фаол тузилма.

НУМЕРАТИВЛАР — *қ.* Улчов сўзлари.

НУТҚ. д Тилнинг амалиёт шакли, воқеланиши; сўзловчи- нцнг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жара- ён натижасида юзага қеладиган ҳодиса.

2. Нутқнинг коммуникация мақсади ва шароитига қараб лёксик ва грамматик воситалардан мувофиғини сайлаб ишлатиш билан хйрактерланувчи тури: *Расмий нутқ. Сўзлашув нущи. Қиёс.* Тил 2.

3. Синтактик ифбданинг тури: *Муаллиф нущи. Узга нущи.*

НУТҚ АППАРАТИ. Нутқ аъзолари мажмуи (лаб, тиш, тил, танглай, кичик тил, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи, бўғиз усти бўшлиғи, ўПка, бронхлар. диафрагма, бўғиз, нафас йўли). *Қ.* Нутқ аъзолари.

[1] НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Нутқ товушлари ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзолар. Нутқ товушлари ҳосил бўлишида иштирок этиш даражасига кўра нутқ аъзолари икки асосий турга бўлинади: фаол нутқ аъзолари *(ц.),* нофаол нутқ аъзолари *(қ.).*

НУТҚ БИРЛИГИ. Тил бирликлари асосида нутқнинг ўзида юзага Келувчи бирлик. *Қ.* Фонетик бирлик, Синтактик бирлик.

НУТҚИЙ АЛОҚА БИРЛИГИ. Мустақил ҳолда фикр ифо- далай оладиган путь; бирлиги. Асосий нутқий алоқа бирлиги га иди р.

НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ — *қ.* Сўзнинг нутқий алоқа пазифаси, Гапнинг нутқий алоқа вазифаси, Тилнинг нутқий алоқа вазифаси.

НУТҚИЙ МАТН. Мазмун жиҳатдан тугалликка эга бўлган, ўз таркибидаги сўз ёки ибораларнинг маъноларини белгилашга имкон берадиган нутқ парчаси. Бундай нутқ парчаси таркибидаги сўзлар (иборалар) бири бошқаси учун қуршов вазифасини бажаради. *Қ.* Матний маъно.

НУТҚ ИНТЕНСИВЛИГИ. Талаффузнинг нафас чиқаришнянг кучайиши ёки пасайиши билан боғлиқ бўлган кучли-кучсизлиги.

НУТҚ МАДАНИЯТИ. Г. Филология фанининг жамият тарйқ- қиётининг маълум даврида нутқдан фойдаланиш жараёнини ўр- ганиш, кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қоидаларини илмий асосда белгилаш билан шуғуллана- диган бўлими.

2. Нутқнинг меъёрийлиги, унинг маълум тарихий тараққиёт даврида шу тилда сўзлашувчи жамоа томонидан қўйиладиган талабларга мослиги; талаффуз, урғу, сўз қўллаш, сўз ясалиши, шакл ясалиши, сўз бирикмаси ва гап тузиш меъёрларига амял қилиш. Нутқнинг меъёрийлиги фикрнинг аниқ, равшан ва соф- лигини ҳам ўз ичига олади.

НУТҚ МЕЛОДИКАСИ — *қ.* Нутқ оҳанги.

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК БИРЛИКЛАРИ. Ритмик-интонаци- он жиҳатдан нутқ оқимининг табиий ва муайян қонуниятлар асосида ажраладиган қисмлари.

Ритмик-интонацион жиҳатдан нутқ турли ҳажмдаги бўлак- ларга ажратилади: 1) фраза *(қ.)* 2) такт *(қ.);* 3) фонетик сўз *(қ.);* 4) бўғин *(қ.);* 5) товуш *(қ).*

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК БЎЛИНИШИ. Нутқнинг ўзаро боғлиқ бўлган фонетик бирликларга ажралиши. *Қ.* Нутқнинг фонетик бирликлари.

НУТҚ ОРГАНЛАРИ — *қ.* Нутқ аъзолари.

НУТҚ ОҲАНГИ. Фраза (жумла)да овознинг тон баландлиги бўйлаб ҳаракати (кўтарилиши ва тушиши).

НУТҚ РИТМИ. Урғулуи ва урғусиз, чўзиқ ва қисқа бўғинлар- нинг бирин-кетин келиши.

НУТҚ СУРЪАТИ. Нутқ оқимининг тез-секинлиги ва нутқ парчалари орасидаги пауза (тўхтам).

НУТҚ ТЕМБР И. Нутққа эмоционал-экспрессив оттенка , бе- рувчи товуш оҳанги. ,

НУТҚ ТЕМПИ *(итал.* 1етро<лог. Ишроз'—вақт)— *қ.* Нутқ суръати.

НУТҚ ТОВУШИ. Нутқ аъзоларининг артикуляцияси билан ҳосил бўлувчи энг кичик нутқ бирлиги.

НУТҚ УСЛУБЛАРИ. Тил услубларининг нутқнинг муайян кўринишларида иамоёи бўлиши. *Қ.* Услуб 2. Услуб 3.

НУТҚ ФЕЪЛЛАР И. Инсоннинг нутқ фаолиятини билдирадиган феъллар. Мае., *сўзламоқ, демоқ, мШтанмоқ, сўрамоқ, вайсамоқ* кабилар.

НУТҚ ФИГУРАСИ. Ифоданинг таъсирчанлигини кучайтириш учун қўлланадиган нутқ ўрами, синтактик қурилиш. Нутқ фигу- расининг энг кенг тарқалганлари: анафора, антитеза, градация инверсия, параллелизм, риторик сўроқ ва б.

НУТҚ ШАКЛЛАРИ. 1. Нутқнинг ташқи ифода воситаларига кўра фарқланувчи турлари: оғзаки нутқ *(қ.),* ё« м а нутқ *(қ.).*

2. Нутқнинг адабий тил меъёрларига амал қилиш даражаси билан фарқланувчи турлари: китобий нутқ *(қ.)*\ сўзла- шувиутқи *(қ.).*

НУҚТА. Дарак гап ва тинч оҳанг билан айтиладиган ундов гап охирида, шартли қиекартмаларда қўлланадиган тиниш белгиси *(.) : Кўёш тобора юқорига интилмоқда. Бахтли, эркин умримиз миллионча йил қилсин давом* (Ғ. Ғулом).

НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ. Устма-уст жойлашган нуқта ва вер- гулдан ташкил топган тиниш белгиси (;) бўлиб, таркиби мураккаб гап бўлаклари орасига, қўшма гапларнинг мазмунан

бир- бирига яқин бўлган қисмлари орасига, рақамлаш I билан санал- ган парчалар орасига қўйилади.

О

ОБЕРТОН *(нем.* ОЬег1опе—юқори, баланд тон). Асосий оҳанг (тон) га алоҳида туе берувчи қўшимча (анча юқори) тон (оҳанг).

ОБОРОТ — *қ.* Урам.

ОБРАЗГА ТАҚЛИД СУЗ. Иясон, ҳайвон ёки нарсаларнинг ҳаракат-ҳолатини, кўриниш-ифодасини тақлидан билдирувчи сўзлар: *живир-живир, лип-лип, диринг-диринг, лов-лов* ва б. *Қиёс.* Товушга тақлид сўз.

ОБЪЕКТЛИ МУНОСАБАТ. Сўз бирикмасида ҳаракатни ифодаловчи ҳоким ва ҳаракат йўналган предметни ифодаловчи тобе қисм (воситасиз тўлдирувчи) орасидаги муносабат: *сабабини сўриштирмоқ, ерни ҳайдамоқ* каби.

ОБЪЕКТЛИ ФЕЪЛ. Ҳаракатнинг воситасиз тўлдирувчи ифодалайдиган предметга йўналишини билдирадиган феъл. Мае., *жойламоқ* (юкларни), *ҳозирламоқ* (асбобларни) каби. *Қиёс.* Объектсиз феъл.

ОБЪЕКТСИЗ ФЕЪЛ. Воситасиз тўлдирувчини бошқара ол- майдиган феъл. Мае., *кел, юр, қол, ухла* кабилар. *Зид.* Объектен феъл.

О ВОЗ. Товуш пайчаларининг титраши билан боғлиқ ҳолда оғиз бўшлиғида ҳоюил бўладиган товуш.

ОДАТДАГИ ТАРТИБ—*қ.* Тўғри тартиб.

ОДДИЙ СУЗЛАШУВ. Воқеликни одатда қўполроқ, паст характеристика билан ифодалаш хусусиятига эга бўлган, адабий нутқ меъёрларидан четга чиқадиган сўз, грамматик шакл ва тузилмалар кенг ишлатиладиган нутқ тури.

ОДДИЙ СУЗЛАШУВ ЛЕКСИКАСИ. Оддий сўзлашув нут- қига хос, бетакаллуф суҳбатда ишлатиладиган сўзлар: *валщла- мОқ, каллали* (ақлли) кабилар: *Ери кучли экан, бирам экик бўлдики, ҳавасингиз келади* (Ойдин).

ОДДИЙ ТАКРОР — *қ.* Такрор 2.

ОЗАЙТИРМА ДАРАЖА. Белгининг меъёрига нисбатан оэ (кучсиз) эканинн ифодаловчи даража. Бу даража шакли ўзбек тилида *-роқ-* аффикси билан ясалади: *дурустроқ, қоронғироқ* (хона) каби.

ОККАЗИОНАЛИЗМ. Маҳсулдор бўлмаган модель асосида ясалган ва фақат шу нутқий матннинг ўзида қўлланган сўз, ин- дивидуал-услубий неологизм.

ОККАЗИОНАЛ МАЪНО *(лот.* оссазюпаПз — тасодифий) — *Қ.* Муваққат маъно.

ОКСИДЕНТАЛЬ. 1922 йилда Эдгар де Баал томонидан ‘асосий Ғарбий Европа тиллари учун умумий, байналмилал бЎДган лексика асосида яратилган халқаро сунъий тил.

ОКСЮМОРОН *(юн.* охушогоп —фаросат билан, лекин бе- маъни). Мантиқан бири иккинчисиня инкор этадиган, бир-би- рига қарама-қарши бўлган икки тушунчани (маъноси бир-бирига зид икки сўзни) ўзаро қўшишдан иборат услубий фигура; бадиий адабиётда образлилик, ифодалилик каби мақсадларда

КРнг К'&лляняли- КРяаАип Яиянт»ап ГшиШ и иг.тидп Хлап г)н и И*тилида ОЛ.МОШНИНГ қушадаги турлари бор: 1) киши лик олмошлари* (к.); *2) кўрсатиш олмошлари* (К.)/

з) сўроқ олмошлари *(қ.);* 4) ўзлик олмоши (/{.); 5) бўлишсизлик олмошлари *(қ);* 6) гумон олмошлари *(қ.)* 7) белгилаш олмошлари *(қ.).*

ОЛМОШЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг олмошга ўтиши: *Баъзилар раиснинг келишига шубҳа билан қарар эдилар* (А. Қаххор).

ОМОГРАФЛАР *(юн.* Ьотоз— бир хил+^гарЬо— ёзаман). Халаффузи фарқли, ёзилиши бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзлар: *ток* (узум бутаси)—*ток* (электр қуввати) каби. *Қиёс.* Омонимлар, Омофонлар.

ОМОМОРФЕМАЛАР *(юн.* Ьошоз — бир хил+шогрЬе — шакл). Маъноси бошқа-бошқа, товуш томони бир хил бўлган бирдан ортиқ морфема. Мае., -ма: бўлишеиз шакл ясовчи аф- <фикс *(ухлама);* -ма: от ясовчи аффикс *(чўзма, сузма* — овқат номлари) ва -ма: сифат ясовчи аффикс *(ясама: ясама сўз).*

ОМОНИМИКА. 1. Тилшуносликнинг омонимларни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилдаги омонимлар мажмуи.

ОМОНИМИЯ. Бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиши жиҳатдан бир хил бўлиши ҳодисаси. Омонимиянинг лексик омонимия *(қ.);* фразеологик омонимия *(қ.);* грамматик омонимия *(қ.)* ва б. турлари бор.

ОМОНИМЛАР *(юн.* Ьотоз — бир хил+опута — ном). Та- лаффузи ва ёзилиши бир хил бирдан ортиқ сўзлар: *боғ* (турли мева, гул ва б. дан иборат майдон) — *боғ* (боғлайдиган нарса), *от* (исм) —*от* (иш ҳайвони) каби.

ОМОФОНЛАР *(юн.* Ьотоз — бир хил+рЬопе — товуш, овоз). Талаффузи бир хил, лекин ёзилиши фарқли бўлган сўзлар: *бод — бот, боб — боп, мард — март* ва *^миёа* каби сўзлир ва улардан *қўқуламоқ, миёвламоқ* сўзлари- нинг ҳосил бўлиши.

ОППОЗИЦИЯ *(лот.* ррозШо — қарама-қарши қўйиш). Икки ?ки ундам ортиқ бир турдаги тил ҳодисаларини қарама-қарши қўйиш, қарама-қаршилик ҳолати. Мае., жарангли ва жаранг- сизлир оппозицияси. Оппозициянинг қуйидаги турлари бор: м р и в а т и в оппозиция *(қ.);* эквиполент оппозиция *(қ.)* даражали оппозиция *(қ.).*

ОРТИҚЧАЛИК. Нутқда бир-бирига яқин маъноли ёки деяр- ли бир хил маъноли бирликларнинг (ортиқча ҳолатда) қўлла- иши, бир информациянинг бирдан ортиқ восита (бирлик) билан ифодаланиши: *Улар билан 12 ёшлар чамасидаги қизча ҳам бор эди*

(«Узбекистан маданияти»). Бу мисолда *чамаси* сўзи ортиқча қўлланган. Чунки *ёшлар* сўзидаги *-лар* қўшимчасининг ўзи чама (тахмин)ни ифодалайди *(12 ёшлардаги). Музейда кулолчилар томонидан яратилган ноёб буюмлар бўлимида ҳам рус ва Ғарбий Европа заводлари тайёрлаган мингга яқин буюмлар бор* («Тошкент оқшоми»). *Кулолчилар* сўзидаги *-чи* аффик- си ортиқча, чунки *кулол* сўзининг ўзи касб эгасини билдиради.

«Ортиқчалик» сўзи лингвистик ҳодисани ифодаловчи термин сифатида «кераксиз», «бутунлай ортиқча» деган маънони бил- дирмайди. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) айни информация- ни билдирувчи восита (бирлик)нинг бири ҳақиқатда ҳам ортиқча; кераксиз бўлиши мумкин: *Илгари одамлар мозористонга ғоят эҳтиром... тавозе билан муносабатда бўлишган* (Газета- дан): *мозористон* сўзидаги *-истон* қўшимчаси ортиқча, кераксиз;. 2) бундай қўллаш маълум мақсад билан, мае., алоҳида қайд этиш, таъкидлаш ва ш.к. сабаблар билан боғлиқ бўлади:; *Шу десангиз, сал ёруғроқда Келмоқ учун тополмадим вақт* (Ҳ. Ша- рипов). *Сал ёруғроқда* бирикмасидаги *сал* сўзи ҳам, *-роқ* қў- шимчаси ҳам озликни, пастроқ даражани билдиради. Лекин бу мисОлда *сал* сўзини ёки *-роқ* қўшимчасини бутунлай ортиқча,. кераксиз қўлланган деб бўлмайди.

ОРТТИРМА ДАРАЖА. 1. Белгининг меъёрдан ортиқ дара- жаси ва шу маънони ифодаловчи шакл (сифатларга хос маъно- ва шакл). Ўзбек тилида бу маъно *жуда, ўта* каби сўзлар ёрдамида ифодаланади: *жуда хурсанд, ўта ақлли, ғирт ёлғон* каби.

2. *айн.* Орттирма нисбат.

ОРТТИРМА НИСБАТ. Объектсиз феълни объектли феълга айлантирувчи, объектли феълдан ясалганда эса унга яна объект қўшилганини билдирувчи феъл шакли, феъл нисбатининг шун- дай тури. Бу шакл *-дир, -ир, -т* каби аффикслар билан ясалади: *кулдир, ичир, ўқит* каби.

ОРФОГРАММА *(юн.* оНЬоз — тўғри+дгашша — ёзув). Имло қоидаларига мос ҳолдаги ёзув.

ОРФОГРАФИК ТАҲЛИЛ . *айн.* Имловий таҳлил.ОРФОГРАФИЯ *(юн.* оННоз — тўғри+дгарНо—ёзаман) — *айн.* Имло.

ОРФОГРАФИЯНИНГ МОРФОЛОГИК ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг морфологик принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ТАРИХИЙ ПРИНЦИПИ — *айн.* Ор- фографиянинг анъанавий принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ АНЪАНАВИЙ ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг анъанавий принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ФОНЕМАТИК ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг фонематик принципи.

ОРФОГРАФИЯНИНГ ФОНЕТИК ПРИНЦИПИ — *айн.* Имлонинг фонетик принципи.

ОРФОЭПИК ЛУҒАТ — *қ.* Талаффуз луғати.

ОРФОЭПИК НОРМА — *қ.* Талаффуз меъёри.

ОРФОЭПИК ТАҲЛИЛ. Сўз фонетик қурилишининг талаффуз нуқтаи назарвдан таҳлили.

ОРФОЭПИЯ *(юн.* огШоз— тўғри+ероз— нутқ). 1. Тилшу- ноеликнинг меъёрий адабий талаффузни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилда қабул қилинган талаффуз меъёрларига мос ҳолда бир хил талаффузни белшловчи қоидалар тизими.

ОРҚА ТАНГЛАЙ УНДОШЛАРИ. Тил орқа қисмининг юм- шоқ танглай томон кўтарилиши натижасида ҳосил бўлувчи ундошлар. Мае., х, ғ ва б. *Қ.* Тил орқа ундошлари.

ОРҚА ҚАТОР УНДОШЛАРИ—*айн.* Тил орқа ундошлари*

ОРҚА ҚАТОР УНЛИЛАРИ— *айн.* Тйл орқа унлилари.

{ ОТ. Предметлик маъносини билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз. Предметлик грамматикада жуда' кенг тушунча бўлиб, киши (одам, инсон), нарса (пахта, сув), ҳодиса (тўполон, кураш) ва шу кабиларни ўз ичига олади. От- лар маъно жиҳатдан ва ифодалайдиган тушунчан'йнг хусуоияти- га кўра атоқли от *(қ.)* ва турдош от *(қ.)*; а н^гқ от (/{.), ва мавҳум от *(қ)* \ якка от ва жамловчи от *(қ.)* каби турларга бўлинади.

ОТ БОШҚАРУВИ. Ҳоким компоненти феълдан бошқа (от, сифат, равиш каби) туркумга оид сўз билан ифодаланадиган бошқарув алоқаси: *юртга садоқат, ваъдага вафо, мансабга маг- рур, колхозга яқин* каби. *Қиёс.* Феъл бошқаруви.: .

ОТ-КЕСИМ. Феълдан бошқа сўз туркумлари, шунингдек, ҳаракат номи ва отлашган сифатдош шакллари орқали ифода-, ланган кесим: *Ҳаммасига сабабчи — а к а м. Командирнинг мен- га меҳрибончилиги айниқса я х ш и* (Ғ. Ғулом). *Энди марра б из- ни к и* (М. Исмоилий). *Мақсадим — мал а ка о ш и р и ш. От кимники — м и н г а н н и к и.*

ОТ ҚЎМАКЧИЛАР. Феъл бўлмаган сўздан келиб чиққан (келиб чиқаётган) кўмакчилар: *томон, ташқари, кейин, олд, орқа, ён, ич, ора* ва б. *Қ.* Кўмакчилар.

ОТЛАР. 1. Феъл бўлмаган сўзлар, мае., от, сифат, сон кабиларнинг умумий номи (Араб грамматикаларида бу гуруҳ сўзлар «исмлар» деб юритилади).

2. От туркумига оид сўзлар.

ОТЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзларнинг отга кўчиши. *К а с а л н и н г тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади* (Мақол).

ОТНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ. Отнинг маълум бир грамматик маъно ва вазифага эга бўлган, лекин бирон грамматик категориага мансуб бўлмаган шакллари. Узбек тилида отнинг қуйидаги функционал (нокатегориал) шакллари бор: 1) кичрайтиш шакли *(қ.)*; 2) эркалаш шакли (/{.); 3) ҳурмат шакли *(қ.)*;

4) қарашлилик шакли ('{О; 5) ў р и н *б* е л г и с и шакли *(қ.)*; 6) ўхшатиШ шакли *(қ.)*.

ОТСТУП (рекурсия). Товуш артикуляциясининг учинчи (охирги) 'боскичи, нутқ аъзоларининг товуш талаффузидан кейин одатдаги ҳолатига қайтиши. *Қиёс.* Приступ.

ОТ СУЗ БИРИКМАЛАРИ- Ҳоким компоненти феълдан бошқа туркумга оид сўз билан ифодаланган сўз бирикмалари: *юк машинаси, барча ўқувчилар, гўзал қишлоқ* ва б. *Қиёс.* Феъл сўз бирикмалари.

0 4 ИҚ БУҒИН. Унли билам тугайдиган бўғин: *бо-ла-га, ҳа- во-да* каби. *Қиёс.* Ёпиқ бўғин.

4 ИҚ ИФОДАЛИ ТУЗИЛМА. Ифодаси аниқ, очиқ бўлган тузилма. Мае., равищдрщ ўрамларга нисбатан эргаш гаплар очиқ ифодали тузилма ҳисобланади. *Қиёс.* Яширин ифодали тузилма.

О Ч И Қ УНЛИ — *қ.* Кенг унли.

ОҒЗАКИ НУТҚ. Товуш (талаффуз) билан ифодаланган нутқ. *Қиёс.* Езма нутқ.

П

ПАЙТ РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи равиш: илгари, ҳозир, кейин каби: Э р т а-и нд ин бу ерлар ҳам чамандек яшнайди. С. Раҳматуллаев Аммажон билан Салтанат опадан ҳ ал и-б ери жавоб ола билшиига ишонмади... (С. Анорбоев).

ПАЙТ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш пайтини (вақтини) билдирувчи эргаш гап: Бир к у п и қ ў ч а д а к ё т а ё т с а м, Умри бир бош узум кўтариб келяпти (А. Қаххор). Г у л н о р а й в о н д а Қ У Р У Қ б ў й р а у с т и д а, ў т и р и б м а ҳ с и к и й и ш б и л а н о в о р а э к а н, Унсин кириб келди (Ойбек).

П А Й Т Ҳ О Л И. Иш-ҳаракатнинг рўй бериш вақтаи билдирувчи ҳол: Ҳайдар ота бир кун и Ултармага бориб, тегирмондан хабар олди (А. Қаххор). Саёҳатчилар к е ч қ у р у н Бурчмуллага етиб келишди (В. Шукуров).

ПАЛАТАЛИЗАЦИЯ *(лат.* ра1а1иш — танглай). Тил ўртаси- нинг қаттиқ танглайга томон қўшимча тарзда кўтарилиши, бу- нинг натижасида овоз ва шовқиннинг кучэйиши билан товуш-: нинг юмшаши. *қ.* Палатал товуш. *Қиёс.* Веляризация.

ПАЛАТАЛЛАНГАН ТОВУШ; Асосий артикуляцияга палатализация |қўшилгаи товуш. *Қиёс.* Велярланган ундош.

ПАЛАТАЛ ТОВУШ. Тил орқа қисмининг қаттиқ танглай ‘ томон кўтарилиши билан ҳосил бўлувчи товуш: й ундоши.

ПАЛЕОГРАФИЯ *(юн.* ра1аюз — қадимги+ЦгарЬо — ёзаман). Қадимги қўлёзмаларнинг ташқи томонини, қандай нарсага ёзил-. ганини, ёзув усуливи, ҳарфларнинг ёэилиш шаклларини ўрганиш . орқали қўлёзманинг ёзидиш пайти ва ўрнини белгилаш билан шуғўлланувчи фая.

ПАРАДИГМА *(юн.* рагас1е1дта — мисол, намуна). Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бир- лашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими. Мае., феълнинг шахс-сон парадигмасИ; отнинг келишик парадигма- си ва б.

ПАРАДИГМАТИКА. 1. Тил бирликларини тил тиздмига ' мансуб парадигмаларнинг унсури сифатида текширйш аспекта. *Қиёс.* Синтагматика.

2. Парадигмалар тизими — *қ.* Парадигма.

ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТ. Бир парадигмага бирла-. шувчи тил б ир л и кл а р ининг ўзаро муносабати. *Қ.* Парадигма.

ПАРАДИГМАТИК ҚАТОР. Маълум умумийлик хусусияти асосида бирлашиб, айрим фарқли (ўзига хос) хусусияти билан қарама-қарши турадиган ва нутқий алоқа талабларига кўра , бири иккинчиси билан алмашина оладиган бирликлар (унсур- лар).

ПАРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуосликнинг ўзаро алоқа-арала- шувда имо-ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ *(юн.* рага11е1оз — ёнма-ён борувчи). Ёнма- ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Мае.,

Ухлолмасдан кўзғолдим. нега?
У бомбалар портламоқчими?
Снарядлар дод солмоқчими? \
Муз қоплаган деразаларга Асколкалар ёғилмоқчими?
(Ҳ. Олимжон).

ПАРАТАКСИС *(юн.* рага1ах)8— қатор тизиш) — *қ.* Тенг алоқали тузилма.

ПАРАФРАЗА *(юн.* рагарЬга518 — тасаирий ифода, тасвир). Карса, ҳодисапя ўз номи билан эмас, уларни характерли белги- хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш; шундай ифода. Мае., *дала малакаси* (маккажўхори), *зангари олов* (газ) каби.

ПАРОНИМИЯ. Фонетик тузилиши «бошқа-бошқа сўзларнинг талаффузи ўхшаш, яқин бўлиб қолиш ҳодисаси. *Қ.* Паронимлар.

П А Р О И И М Л А Р *(юн.* рага — ёнида)+опуша — ном). Фонетик таркиби бошқа-бошқа, талаффуздагина ўхшаш, яқип бўлиб қо- ладиган сўзлар: *факт — пакт, абзал — афзал, амр — амир* каби.

ПАРОНОМАЗИЯ *(юн.* рагопоша81а-<рага — ёнида+опота- 81о — номлайман). Талаффузи ўхшаш, фақат бир-икки товущи- га кўрагина фарқланувчи, лексик маънолари бир-биридан узоқ сўзларни ёнма-ён қўллашдан иборат услубий фигура. Бадиий адабиётда парономазиядан ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик эффект яратиш, сўз ўйини

қилиш каби мақсадларда кенг фойдаланилади. Мае., *Кечалардан кўчага, Кўчалардан кечага кўчилар* (Шайхзода).

ПАРТИТИВ МАЪНО. *(лот.* рагз, рагИз — қисм). Чиқиш келишиги шаклининг ҳаракат предметга (қисман ўтишини билдирадиган маъноси: *нондан олинг* (бир қисмини) — *нонни олинг* (ҳаммасини) каби.

ПАРЦЕЛЛЯЦИЯ *(фран.* рагсе1е<Слог. рагНсПе — бўлакча). Гапнинг экспрессив мақсад билан бўлакланиши бўлиб, унда гапнинг бир қисми айирувчи тўхтамдан кейинга, гапнинг ташқа- рисиға чиқарилади. Мае., *Қўллари бўлмаса ҳам, ўз тирикчили- гини ўзи қилиб юрибди. Халолмеҳнат қилиб* (Т. Ашуров). *У Тошкентда ўқийди. Институтда* (А. Жўраев).

ПАСАЮВЧИ ДИФТОНГ. Олдинги унлиси бўғин ҳосил қи- ладиган дифтонг. *Қ.* Дифтонг.

ПАССИВ НУТҚ АЪЗОЛАРИ — *қ.* Нофаол нутқ аъзолари.

ПАУЗА *(лот.* раиза<ю«. раиз^з — тўхтатиш)—*қ.* Тўхтам.

ПЕРИОД *(юн.* репоскэз—айланиш, дойра, дойра ҳосил қи- лиш). Иккидан ортиқ предикатив тузилмадан иборат бўлган, қисмлари мазмун, туэилиш ва оҳанг жиҳатдан ўзаро гармоник боғланган ўта ёпиқ синтактик бутунлик: *Мен омад сўзига ишон- майман, лекин омад келиши рост бўлса, шу сафар менинг ома- дим юришган экан* (О. Еқубов).

ПЕРМУТАЦИЯ *(лот.* рег — орқали+гшШю — ўзгартириш, алмаштириш). Трансформациянинг бир усули; гап бўлаклари- нинг бир хил синтактик тузилишда ўрин алмаштириши. Мае., *Мен мактабдан келдим — Мактабдан мен келдим. Қ.* Трансфор- мация.

ПЕРСОНИФИКАЦИЯ *(лот.* регзопа—киши, шахс+1асю — қиламан) —*қ.* Шахслантириш.ПЕРЦЕПТИВ ВАЗИФА *(лот,* регсерИа — сезгилар била» қабул қиламан). Нутқ товушларининг эшитиш сезгисининг объекта.бўлиш вазифаси.

ПИКТОГРАФИК ЁЗУВ *(лот.* р1с1иа — бўёқлар билан тас- вирланган+ &[ra]рЬо — ёзаман). Нутқ мазмуни раем, шартли тасвир тарзидаги график шакллар асосида ифодаланадиган ёзув.

ПЛЕОНАЗМ *(юн.* р1еопазгаоз — ортиқчалик)— *қ.* Ортиқчалик.

ПОЛИСЕМИЯ *(юн.* ро1у — кўп + $еша — белги)—*қ.* Кўп маънолилик.

ПОЛИТОНИК УРҒУ — *айн.* Музикал урғу.

ПОЛУПРЕДИКАЦИЯ, яримпредикация. Бош сўзи сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шаклида бўлган синтактик тузилма- ларга хос предикатив гап бўлаги. Ажратилган иккинчи даражали бўлак вазифасида келган бундай тузилмаларга хос полу- предикацияли бўлаклар асосий предикация фонида аниқ та- саввур этилади, мае.: *Онам ҳам яқин йилларгача ёлғиз укаси- нинг омон қайтишини кутарди* (Ш. Ҳолмирзаев).

ПОМЕТА *(рус,* — белги, аломат). Луғат мақолаларида сўзнинг луғавий, грамматик, услубий хусусиятларини кўрсатиш учун қўлланадиган қисқартмалар. Мае., *с. т.* (сўзлашув тили), *эск.* (эскирган) ва б.

ПОРТЛАШ. Жипслашган фаол ва нофаол нутқ аъзоларининг ҳаво оқими босими таъсирида оний ёрилиши (очилиши).

ПОРТЛОВЧИ УНДОШ. Нутқ аъзоларининг жипелашуви ва ҳаво оқими босимининг шу аъзоларни ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўладиган ундош. Мае., п, б, т, д, к, г ва б.

ПОСТПОЗИЦИЯ *(лот.* роз! — кейин+розШо — ҳолат)— Сўнг жойлашув.

ПОЭТИК ЛЕКСИКА. Поэзия тилига хос лексика. Поэтик лексика (бадиий нутқни мустасно қилганда) бошқа нутқ тур- ларида қўлланмайдиган ёки жуда кам миқдорда учрайдиган соф поэтик сўзлар, поэтик сўзшакллар, поэтик қисқартмалар* поэтик неологизмлар, окказионализмларни қамраб олади:

На б ў лғ а й бир нафас мен ҳам Еноғинг у з р а хол бўлсам... (Ҳ. Олимжон).

Муҳаббат ҳаётдир, б а ғ и ш л а р с у р у р (ё. Мирзо).

ПРЕДИКАТ *(лот.* ргаесИсайип — айтилган) — 1. *айн.* Логик кесим.

2. *айн.* Кесим. Грамматик кесим.

ПРЕДИКАТИВ АЛОҚА. Эга ва кесим ўртасидаги алоқа.

ПРЕДИКАТИВ БИРИКМА. Икки таркибли гапнинг тузи- лиш асосини, грамматик марказини ташкил этувчи эга билан кесим боғланмаси; *Мажлис кеч тугади (мажлис тугади* — предикатив бирикма).

ПРЕДИКАТИВЛИК. Гап мазмунининг воқеликка муносаба-
тики тил носите л ери билан ифодаланиши. Замон, шахс-сон ва модаллик катсгориялари предикативликни ифодаловчи грамматик носнталар бўлиб, хабар оҳанги билан бирга гапнинг умумий характерли белгилари ҳисобланади.

ПРЕДИКАТИВ МУНОСАБАТ. Эга билан кесим ўртасидаги муносабат.

ПРЕДИКАЦИЯ *(лот.* ргаесИсаШт — баён қилиш, фикр бе- риш). Ганда фикр мазмунининг объектив воқеликка нисбат бе- рилиши.

ПРЕПОЗИЦИЯ *(лот.* ргаерозШо — олдига қўйиш)—*қ.* Олд жойлашув.

ПРЕФИКС *(лот.* ргаеНхит — олдига ёпиштирилган)—*қ.* Олд қўшимча.

ПРИВАТИВ ОППОЗИЦИЯ *(лот.* рпуаШ — узвий). Қарама- қарши қўйилувчилардан бирида маълум фарқловчи белги бор-у,. иккинчисида бўлмаган оппозиция. Мае., жарангли ва жарангсиз ундошларда овознинг бор ва йўқлигидаги оппозиция.

ПРИСТУП. Нутқ аъзоларининг тинч ҳолатдан ёки аввалги товушнинг талаффуз ҳолатидан эндиги товушнинг талаффуз этилиши учун зарур бўлган ҳолатга ўтиши, муайян товуш та- лаффузининг биринчи босқичи. *Қиёс.* Отступ.

ПРОГРЕССИВ АССИМИЛЯЦИЯ *(лот.* рго^геззю —олдинга қараб ҳаракатланиш). Олдинги товуш таъсирида кейинги товушнинг ўзгариб, у билан

ўхшашлик касб этиши: *отти (отни). кетти (кетди)* каби. *Қиёс.* Регрессив ассимиляция.

ПРОКЛИТИКА *(юн.* ргокНпо — олдинга эгаман). Урғули сўздан олдин келиб, урғу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган ур- ғусиз сўз. Бу ҳодиса ўзбек тилида деярли учрамайди! *Қиёс.* Энклитика.

ПРОКОПА *(юн.* ргокоре — олдиндан қисқариш). Сўз бошч- даги товушнинг тушиши: *ирок<йирок* каби.

ПРОНОМИНАЛИЗАЦИЯ *(лот.* ргопошеп — олмош)—*қ.* Олмошлашиш.

ПРОСОДИЯ *(юн.* ргозосВа — нақарот, урғу). Нутқнинг тон баландлиги, давомлилиги каби ритмик-интонацион томонларига берилган умумий ном.

ПРОТЕЗА *(юн.* ргоШе818 — олдида турувчи). Маълум талаффуз қулайлиги учун сўзнинг бошида товуш орттирилиши (товуш пайдо бўлиши). Мае., *стол — устол, рўмол — ўрамол, стакан — истакон* каби. *Қиёс.* Эпентеза.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ *(лот.* рго!еззю — касб-кор, мутахас- сислик). Бирор касб-ҳунар эгалари нутқига хос сўз ёки ибора. Мае., *хат* (сопол идишларга бўёқ билан солинадиган тўғри чизиқ).

ПРОФЕССИОНАЛ ЛЕКСИКА — *қ.* Касб-ҳунар лексикаси.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг нутқфаолиятинн нутқ акти мазмуни билан сўзловчининг мақсад-нияти орасидагиалоқадорлик нуқтаи назаридан ўрганувчи соҳаси. Психология билан лингвистиканинг синтези сифатида юзага келган бу соҳа нутқни идрок этиш, тилни эгаллаш каби масалаларни ўрганади.

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ. Функционал услубнинг бир тури бўлиб, у ижтимоий-сиёсий сўз ва ибораларнинг қўлланиши билан, жанрларнинг хилма-хиллиги ва буиинг натижасида тил восита- ларидан услубий фойдалаиишнинг ранг-баранглиги ва шу каби белгилари билан характерланади. Публицистик услуб ижтимоий- сиёсий адабиётларда, вақтли матбуотда, сиёсий чиқишларда, мажлислардаги нутқлар ва ш. к. ларда ўз ифодасини топади.

ПУНКТОГРАММА *(лот.* рипс!иш — нуқта ва *юн.* дгатта — ёзув). Езма нутқда пунктуация қоидаларига мувофиқ ҳолда қўлланган тиниш белгиси.

ПУНКТУАЦИОН ТАҲЛИЛ. Гапда тиниш белгиларининг пунктуация қоидаларига мос ҳолда ё унга зид ҳолда ишлатил- ганлиги, шунингдек, пунктуация қоидалари талаб этадиган у ёки бу тиниш белгисининг қўлланмаганлигини белгилаш нуқтаи назаридан бўладиган таҳлил.

ПУНКТУАЦИЯ *(лот.* рипс1иаНо<рипк^иш — нуқта). 1. Тиниш белгиларини қўллаш қоидалари тўплами: *Ўзбек пунктуа-* цияси. *Қ.* Тиниш белгилари.

2. Текстда тиниш белгиларининг қўйилиши: Ойбек асарлари пунктуациясининг ўзига хослиги.

ПУРИЗМ, *(лот.* ршп'8 — соф). Тилнинг софлигини сақлашга, чет тиллардан сўз ўзлаштиришга қарши чиқиш.

Р

РАВИШ. Ҳаракатнинг ўрин, пайт, сабаб ва ш. к. ларга кўра белгисини билдирувчи сўзлар туркуми: *тез* (гапирмоқ), *беҳос- дрн* (келмоқ), *эртага* (бошламоқ), *атайлаб* (қилмоқ) ва б. Ўзбек тилида равишларнинг қуйидаги турлари бор: 1) *ҳолат* (тарз) р а виши *(қ.);* 2) ўрин р а виши *(қ.);* 3) пайт р а виши (қ.); 4) миқдор-дара жа р а виши *(қ.);* 5) мақсад равиши *(қ.);* 6) сабаб р а ваши *(қ.).*

РАВИШДОШ. Феълнинг равишга хос вазифага хосланган, ҳаракатнинг белгисини кўрсатувчи функционал шакли: *кулиб, юра-юра, келгач* кабилар. Равишдошлар ҳаракатнинг белгисини турли жиҳатдан, мае., пайт нуқтаи назаридан, ҳолат, мақсад нуқтаи назаридан ва ҳ. аниқлаб келади: *У окопдан и р ғиб юқорига чиқди-да, қоронғида ғойиб бўлди* (А. Убайдуллаев). *Элмурод ўрнига ё т г у н ч а дераздан қоронғу ҳовлига қараб хаёл сурди* (П. Турсун). *Сиз билан м а с л а ҳ а т л а ш - г а н и келдим* (Б. Раҳмонов).

РАВИШДОШ УРАМ. Ҳоким сўзи равишдош шаклидагифеъл билан ифодаланган ўрам (қ. ўрам): Шу пайт чорбоғдан э ч к и с т а к л а б Дилдор кириб келди (Сайд Аҳмад).

РАВИШЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг равишга кў- <ш111п. Мае., кунда, яқинда, бирдан кабилар: Яна тойиб-пойиб кстмасин д е б , э ҳ т и ё т д а н оёғи тагига ғишт териб ҳам қўйди (Ш. Саъдулла).

РАВИШ СЎЗ БИРИКМАЛАРИ. Ҳоким компоненти равиш билан ифодаланган сўз бирикмалари. Мае., *уч йил илгари, овоз- дан тез* каби.

РАВИШ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат- ҳодисанинг қандай тарзда юзага келишини билдирувчи эргаш гап: *Н а и м и й н и н г б и р о р и ш и ў н г и д а н к е л м а с - дан, б и р о р м а қ с а д и ю з а г а ч и қ м а с д а н, умри бекор- га ўтиб кетди* (А. Мухтор).

РАЗБОР — *қ.* Таҳлил.

РАСМИЙ-ИШ УСЛУБИ. Функционал услубнинг бир тури бўлиб, у расмий (иш-идорага хос) лексика ва фразеологияга эгалиги, сўзларнинг тўғри, номловчи маъносида қўлланиши, бир қолипдаги ибораларнинг, амал-мансаб атамаларининг кенг ишлатилиши, экспрессив нутқ воситаларининг деярли йўқлиги каби белгилари билан ажралиб туради.

РЕГРЕССИВ АССИМИЛЯЦИЯ *(лот.* ге^геззю—орқага қараб ҳаракатланиш). Кейинги товуш таъсири билан олдинги то- вуш ўзгариб, у билан ўхшашлик касб этиши: *туссиз (тузсиз), йигичча (йигитча)* каби..

РЕГУЛЯР АФФИКСЛАР — *қ.* Изчил аффикслар.

РЕДУКЦИЯ *(лот.* гес!ис1ю<гес1исеге — қайтармоқ, орқага силжитмоқ, қисқартмоқ). Товуш артикуляциясининг кучеизла- ниши натижасида товуш (овоз)нинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан уррусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади). Мае., *бўйин* сўзига эгалик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги и редукция- га учрайди, шу сабабли айтилмайди ва ёзилмайди *(бўйни* каби).

РЕДУКЦИЯЛАНГАН УНЛИ. Редукцияга учраган унли; жуда аниқ артикуляцияга эга бўлмаган, чўзиқлик, миқдор ва сифат нуқтаи назаридан кучеизланган (пасайган) унли. Мае., *неча* сўроқ олмоши охиридаги а бир қатор шеваларда қисқа и (ъ) тарзида талаффуз этилади: *неччь* каби.

РЕДУПЛИКАЦИЯ *(лот.* гейирНсаИо — иккиланиш). Сўзни такрор шаклда қўллаш, такрорий сўз ҳосил қилиш усули: *қатор- қатор* (дарахтлар), *кенг-кенг* (хоналар*), яйраб-яйраб* (ўйнамоқ) каби. *Қ.* Такрорий сўз.

РЕЛЯТИВ МУНОСАБАТ *(лот.* геЫйгиз—нисбий). Ҳол *(қ.)* билан ҳолЛанмиш *(қ.)* ўртасидаги муносабат: *Эрта қийинди. Қийин ўрганди* каби.

РЕМА. Гапнинг актуал бўлинишида темадан кейин янги ха- барни билдирадиган қисм: *Қадимий ва ҳамиша навқирон Бу- /'*
хоро замини санъат о л а м и га Д о м л а Ҳалим И б о- д о в, от а Ж амо л, уста Ш о д щ Левина, М у хт о р Ашрафий, О л им Хўжае в.., в а бошқа етук и с- т еъд од эгаларини ет к аз и б б ерган («Ўзбекистан маданияти»). Қиёс. Тема. қ. Гапнинг актуал бўлиниши.

РЕПЛИКА *(фран.* гер^ие). Диало^ик нутқда ҳар бир суҳ- батдошинг гапи.

РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ *(фран.* гергезепШюп—тиклаш, кўрса- тиш). 1. Тил фактларини эиг ишонарли шарт-шароитларда на- мойиш қилиш.

2. Нутқда тушириб қолдирилган сўзга хос семантик компо- нентнинг сақланиб қолган сўзга юклатилиши. Мае., *Бизнинг ёрни кўрган* (одам) *борми?*

РЕФЕРЕНТ *(лот.* геГегепз, геГегепИз — хабар берувчи). Тил бирлиги ифодалайдиган тушунча, фикр предмета. *Қ.* Денотат.

РИТОРИКА *(юн.* гЬе!опке). Нотиқлик санъати назарияси ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан.

РИТОРИК СУРОҚ. Фақат сўроқ шаклида ифодаланиб, ку- чайтиришдан иборат услубий санъат; жавоб талаб қилмайдиган сўроқ:

Айтиб бер-чи, шунча севганлар
Бўлганмикан менча бахтиёр? (Ҳ. Олимжон.)

РИТОРИК СУРОҚ ГАП. Узида тасдиқ ёки инкор мазмуни бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гап- Катталарнинг ўрнини кичиклар олмаса, дунёда одам яшармиди? (П. Турсун). Уйлаб қара, эртадан кечгача қанча одам билан муомала қиламан? (Ойбек.) Кўз бўямачилик, хушомадгўйлик йўлига ўтиб олиб, қанча раҳбарларни издан чиқармадик, жа- миятга қанча зарар етказмадик (Э. Юсупов). Қиёс. Соф сўроқ гап.

РОД (ЖИНС) КАТЕГОРИЯСИ. Баъзи тилларда, жумла- дан, рус тилида отларга хос грамматик категория бўлиб, унинг уч тури бор: женский род, мужской род, средний род. Бу тур- ларнинг ҳар бири ўзига хос парадигмасига, сўз ясалиш тузили- шига ва баъзи лексик-семантик хусусиятларига эга. Узбек тилида отнинг бундай категорияси йўқ. Араб тилидан ўзлашган *муаллим — муаллима, Салим — Салима* каби сўзларда, шу- нингдек, рус тили таъсирида ҳосил бўлган *Аҳмедов — Аҳмедова, Эргашев — Эргашева* каби шакл ясалишида эркак ёки аёл ки- шининг исми, фамилияси эканини кўрсатувчи унсур бор.

С

САБАБ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Эргаш гапни бош гапга сабаб, натижа каби мазмун билан боғлаш учун хизмат қиладиган боғ*ловчилар: чунки. ш у нинг учун каби: Хўжайинлардан ҳеч нарса сўрамади, чу н ки *Р**ат б у кунларда уларнинг башарасига қарашни истамас ў &и (Ойбек). ...Асрорқул Ултармага бороломай юооди. с а б а б К и бу қишлоқ босмачиларнинг уяси бўлиб*-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдирувчи равиш: ноило$_{ж>}$ чорасизликдан каби: Қош қорайиб қолган, у аҳоли яшайди*$_{ан}$ ^$_{ир}$ пУНКТНи, қай бир шаҳар- чани мўлжаллиб, У^{нга} ^{т}$ғри йўл бошламасин, бир оздан кейин и л о ж с и з тўхтарди (ОДбек).

САБАБ ЭРГАШ 1АЦ.Гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага Келиш сабабини билдирувчи эргаш гап: У йд а меҳмонлар $_{қўп}$ б ў лд и, ш у сабаб ли қизлар ён қўшн^{иниКио}а бир хонани эгалладилар (Ойбек). Номусни ҳеч нОР^{сага} Ф^{и}&о қилиш мумкин эмас, ч у нки ному с жондан Ҳ$^{а'м}$ қимматлидир («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).

САБАБ ҲОЛИ- ^{иш}"Х^ракатнинг бажарилиш сабабини билдирувчи ҳол: У Р У иг х у ф а и л и ҳаммамиз асабиилашиб қолганмиз (УИғУ^{н})- ^{з}лмурод х у р с а н д л и гид а н тез- тез қадам босиб, ^Риб кетди. (П. Турсун).

САНАШ ИЙТОпАЦИдсИ. Кетма-кет келувчи қисмларни айтишда қўллана$Д^{иган}$ ицтонаЦия (нотугал интонациянинг бир кўринниши). Мае., *Қ^{иш} У^{т}ди, баҳор келди, далалар майса билан қопланди.*

САНОҚ СОН. Предм^тнинг саноғини билдирувчи миқдор сонлар: *бир, икни, беш, тдщ$_{из}$ каби қ,* Миқдор сонлар.

САҲНА НУТҚИ* Бади^й $_{аса}$р $_{ти}$лининг актёрлар томонидан саҳна, экран ва радиоэши^иришдагл ифодаланиши.

СЕГМЕНТ *(Л$^{от'}$ ^{8}1^{е}&^{т}^п1шп — қирқим, бўлак). Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлак^$_{а}$р$_{га}$ бўлиниши (сегментланиш) натижасида ҳосил бўлган бўд$_{ак}$. Мае., фраза, такт, бўғин.

СЕГМЕНТЛАНИШ- Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлаклар- га (сегментларга) *К*-Сегмент.

СЕГМЕНТ ФОНЬМА. *-1утқ занжирида бирин-кетин келадиган ҳар бир фонема. *Қиес.* Суперсегмент фонема.

СЕГМЕНТ ФОНОЛОГИЯ. Сегмент фонемаларни ўрганувчи фонология. *Қиёс.* Суперсегц,ент фоноология.

СЕМА *(юн.* зепта — бе^ги). Лексик маъно (семема) ни ташкил топтирувчи компонент (қйсм)лар. Мае., *атроф* лексемаси- нинг маъноси (сememаси) «хаммаа» ва «томон» семаларидан иборат. Маълум лексик-се\1антик гуруҳга оид семемалардаги се- маляп иш гемемалар учун умумий ёки хусусий эканига кўра

СЕМАНТИКА *(фран.* 8ешапЫяие<ю«. зетапИкоз— ифода- ловчи). 1. Тил бирлинларининг мазмун, маъно томони.

икю Ф а 2.*айн.* Семасиология.

ССшАшст'* –ч»» 3.СЕМАНТИҚ КАЛЬКА. Узга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилдаги сўзга шу маъ- нонинг берилиши. Мае., *йўлдош* сўзининг *Ер йўлдоши* бирикма- сидаги маъноси, *ғилдирак* сўзининг *тарих ғилдираги* бирикма- сидаги маъноси, *оқим* сўзининг *сиёсий оқим* бирикувидаги маъноси семантик калька натижасида ҳосил бўлган маънолардир. *Қиёс.* Лексик калька.

СЕМАНТИК МАЙДОН. Маълум бир архисема асосида бир- лашувчи сўз ва иборалар мажмуи. Мае., вақт семантик майдо- ни. Бу семантик майдон *йил, ой, ҳафта, кун* ва ш.к. лексик, фразеологик бирлйклардан ташкил топади.

СЕМАНТИК СУЗ. Семасиологиянинг ўрганиш объекти си- фатидаги сўз. *Қиёс.* Фонетик сўз. Лексик сўз. Морфологик сўз.

СЕМАСИОЛОГИ К ТАҲЛИЛ. Луғавий бирликларнинг се- мантикаси ва у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар нуқтаи назаридан бўладиган таҳлил.

СЕМАСИОЛОГИЯ *(юн.* зетазга — ифодалаш -Нодоз— ту- шунча, таълимот). Тил бирликларининг, биринчи навбатда, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ ма- салаларни ўрганувчи соҳа. *Қиёс.* Ономасиология.

СЕМЕМА — *айн.* Лексик маъно.

СЕМИОЛОГИЯ *(юн.* зета—белги+1о^оз— тушунча, таълимот) — *айн.* Семиотика.

СЕМИОТИКА *(юн.* 8етюНке<8ещ1оп — белги). Турли-туман белгилар (рамзлар) тизимининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан.

СЕРМАҲСУЛ АФФИКСЛАР. Кўп миқдорда сўз ясайдиган, ҳозирги сўз ясалишида фаол бўлган аффикслар. Мае., от ясой- чи *-чи,* сифат ясовчи *-ли,* феъл ясовчи *-ла* аффикслари.

СЕРМАҲСУЛЛИК. Кўп миқдорда сўз ясалишида қўлланиш хусусияти.

СЕРУНУМ АФФИКСЛАР — *айн.* Сермаҳсул аффикслар.

СИГНИФИКАТ. Тил бирлиги ифодалайдиган тушунча. *Қиёс.* Денотат.

СИГНИФИКАТИВ ВАЗИФА *(лот.* з^пШсаНуйз — ншора этувчи, аён этувчи) — *айн.* Дифференциал вазифа.

СИЛЛАБЕМА. Фонологик бирлик бўлган бўғин.

СИЛЛАБИК ЁЗУВ *(юн.* зуНаЫкоз — бўғинга тенг)—*айн.* Бўғинли ёзув.

СИНГАРМОНИЗМ *(юн.* зуп — бирга+Ьагтоша — оҳангдошлик). Сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунлашуви, гармонияси. Бу ҳодиса айрим туркий тиллар учун, ўзбек тилининг эса айрим шеваларига хос хусусиятдир. Мае., узбек тилининг қипчоқ тип шеваларида учинчи шахе эгалик аффиксининг и, ы, у каби вариантларга эгалиги сингармонизм белгиеидир: *иши, аты, озу* (ўзи) каби.

СИНЕКДОХА, *(юн.* зупекдосЬе— бирга иазарда тутмоқ). Кир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муноса- бати асосида кўчиши, бутуининг номи қиемиинг номи ва ак- синча бўлиб қолиши. Мае., *олма:* 1) меванинг бир тури ва

2) шу меванинг дарахти; ёки *Беш қўл баравар эмас* жумласида *қил* сўзи «бармоқ» маъносидадир. *Қиёс.* Метонимия.

СИНКОПА *(юн.* зупкоре— орадан қисқариш). Сўз тарки- бндан товуш ёки товушлар гуруҳининг тушиши. Мае., *арслон> аслон, бирлан>билан* каби. *Қиёс.* Апокопа.

СИНОНИМИКА. 1. Тилшуносликнинг синонимларни ўрганувчи бўлими.

2. Бирор тилнинг синонимлари мажмуи: *Узбек тилининг бой синонимикаси.*

3. *айн.* Синонимия.

СИНОНИМИК УН — *айн.* Синонимик қатор.

СИНОНИМИК ҚАТОР. Узаро синоним бўлган сўзлар ;*гу- руҳи. Мае., *кўп, анча, талай, сонсиз, саноқсиз, беҳисоб, мўл,* ■*сероб, беадад, бисёр* сўзлари бир синонимик қаторни ташкил этади.

СИНОНИМИЯ *(юн.* зупопут^а — бир хил номга эгадик). Тил бирликларининг (сўзлар, иборалар ва б.) бир хил денотатив маънога эга бўлиши: *Лексик синонимия. Фразеологик Синонимия. Аффиксал синонимия. Синтактик синонимия.*

СИНОНИМЛАР *(юн.* зупопутоз — бир номли). Бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча маъно оттенкаси, услубий бўёғи, қўлланишдаги хусусияти ва ш.к. белгилари билан фарқланадиган сўзлар. Мае., *одат, раем, удум, таомил, урф, анъана* сийонимлари бир хил маънога эга бўлиш билан бирга, турли жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга.

СИНОНИМЛАР ЛУҒАТИ. Сўзлиги синонимлардан иборат бўлган, шу синонимларни тавсифлайдиган луғат. *(қ. А.* Ҳожиев, •«Узбек тили синонимларининг изоҳли луғати», Тошкент, 1974).

СИНОНИМ ТУЗИЛМАЛАР — *айн.* Синтактик синонимлар.

СИНТАГМА *(юн.* зугйадта — бирлашган нарса). Нутқнинг мазмун ва ритмо-мелодик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи семантик-синтактик бирлиги. Синтагма бир ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши, ҳатто гапга тенг бўлиши мумкин: *Жамоамиз/пахта планини/ муддатидан илгари/ ошириб бажа- ради.*

СИНТАГМАТИКА. Тил бирликларини нутқ занжиридаги унсурлар сифатида текшириш аспекти. *Қ.* Синтагматик муносабат. *Қиёс.* Парадигматика.

СИНТАГМАТИК ГРАММАТИКА. Сўз, сўз бирикмаси, гап- ларпи синтагматик планда, нутқ унсурлари сифатида ўрганувчи грамматика. *Зид.* Ассоциатив грамматика. *Қ.* Синтагматика. Парадигматика.

СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТ. Тил бирликлариниНг нутқ оқимида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари. Мае., аллофонлар— фонеманинг синтагматик хусусиятлари, сўз- ларнинг валентлилиги эса уларнинг синтагматик хусусиятлари- дир.

СИНТАКСЕМА. Сўз билан ифодаланган минимал синтактик релевант бирлик.

СИНТАКСИС *(юн.* зуп1:ах15—тузиш). 1. Грамматиканинг ўзаро боғланишли нутқ қурилишини ўрганувчи бўлими. Бу бўлим икки асосий қисмдан иборат: 1) сўз бирикмалари ҳақида таъ- лимот қисми (сўз бирикмалари синтаксиси); 2) гап ҳақида таълимот қисми (гап синтаксиси).

2. Сўз туркумларининг нутқдаги вазифалари ҳақидаги тат^- лимот (феъл синтаксиси).

СИНТАКТИК АЛОҚА. Сўз бирикмаси ҳамда гап қисмларининг ўзаро боғланиши. Синтактик алоқанинг икки тури фарқланади: 1) тенг алоқа *(қ.); 2)* тобе алоқа *(қ-)-*

СИНТАКТИК БИРЛИК. Синтаксиснинг ўрганиш объекти бўлган бирлик, яъни сўз бирикмаси *(қ.)* ва гап *Ш.).*

СИНТАКТИК БОҒЛИ СУЗ БИРИКМАСИ. Синтактик таҳ- лилда компонентлари ажратилмаган ҳолда бир синтактик бўлак деб олинадиган, ички боғланиши нуқтаи назаридан эса синтактик компонентларга ажратиладиган сўз бирикмаси. Мае., *беш қаватли* (бино) каби тузилмалар. *Қиёс.* Синтактик эркин сўз бирикмаси.

СИНТАКТИК КАТЕГОРИЯ. Асосида ётувчи маъносига кўра бирлан!иб, синтактик муносабатни кўрсатиш учун хизмат қилувчи шакллар. Мае., келишик категорияси.

СИНТАКТИК МЕЪЕР. Синтактик бирликларнинг (сўз бй- рикмалари ва гапларнинг) ҳозирги тил (нутқ) қонун-қоидала- рига мос келиш-келмаслигини белгиловчи кўриниши.

СИНТАКТИК МУНОСАБАТ. Сўз бирикмаси таркибий қисмлари ва .гап бўлаклари орасидаги муносабат. Сўз бирикмасида бундай муносабатларнинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) атрибутив муносабат (/{.); 2) объектли муносабат *(қ.);* 3) релятив муносабат ^.). Гапда эса, бу- лардан ташқари, предикатив муносабат *(қ.)* ҳам бўлади. Синтактик муносабатлар қуйидаги воситалар ёрдамида ифодаланади: 1) аффикслар *(қ.)* 2) ёрдамчи сўзлар *(қ.);* 3) сўз тартиби *(қ.);* 4) интонация *(қ.).*

СИНТАКТИК СИНОНИМИЯ. Синтактик бирликлар ўрта- сидаги ейнонимлик ҳодисаси. *Қ.* Синтактик бирлик. Синтактик синонимлар.

СИНТАКТИК СИНОНИМЛАР. Мазмуни бир хил, шаклий қурилиши ўзаро фарқли бўлган синтактик тузилмалар: *Ҳаммани* хабарлаган, буни аниқ биламан — ҳаммани хабарлаганлигини аниқ биламан. Одамга лиқ тўла— одам билан лиқ тўла ва б.

СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ. Синтактик ҳодисалар, синтактик бирликлар, уларнинг типлари, ифода материали ва шу каби- ларни белгилаш. *Қ.* Синтактик бирлик.

СИНТАКТИК ТУЗИЛМА. Грамматик қонун-қоидалар асосида сўзлар, сўз бирикмалари, шунингдек, гаплар бирикувидан иборат бутунлик: *Сўз бирикмаси тузилмаси. Қўшма гап тузил- маси.*

СИНТАКТИК ЭРКИН СУЗ БИРИКМАСИ. Синтактик таҳ- лилда ҳар бир компоненти бевосита мустақил қисмларга ажра- тиладиган сўз бирикмаси: *ям-яшил дала, баҳодир йигит, янги шаҳар* ва б. *Қиёс.* Синтактик боғли сўз бирикмаси.

СИНТАКТИК ҚАЙТА БЎЛИНИШ. Синтактик тузилмалар- да бўлган асл бўлиниш чегарасининг ўзгариши. Мае., ҳозирги ўзбек тилидаги *мен келишим мумкин* типидаги (эга-кесим типи- даш) гаплар аслида *менинг келишим мумкин.* типидаги, яъни қаратқич+эга + кесим типидаги гап бўлган. Унинг ҳозирги ҳолати *(мен келишим мумкин* шакли) синтактик қайта бўлиниш натижасидир.

СИНТЕТИК ТИЛЛАР *(юн.* зупШеМкоз ~ бириктирилган, қў- шилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муно- сабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мае., рус ва немис тиллари синтетик тиллар жумласи-дандирДмёс. Аналитик тиллар.

СИНТЕТИК УСУЛ. Аффикслар ёрдамида ҳосил бўлиш (ясалиш) усули. *Қиёс.* Аналитик усул.

СИНТЕТИК ШАКЛ. Аффикслар ёрдамида ҳосил бўлувчи шакл. Мае., отларнинг аффикслар ёрдамида ясалувчи келишик шакллари *(уйни, уйдан, уйда, уйнинг),* феълнинг аффикслар ёрдамида ясалувчи замон шакллари *(кўрдим, кўряпман, кўра- ман)* ва б. *Қиёс.* Аналитик шакл.

СИНТЕТИК ҚУРИЛИШ. Грамматик маънонинг синтетик шакл билан ифодаланишига асосланадиган қурилиш. *Қиёс.* Аналитик қурилиш.

СИНХРОНИЯ *(юн.* зуп — бирга+сЬгопоз — вақт, яъни бир вақтлилик). Айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизими- нинг маълум бир тарихий ривожланиш босқичидаги ҳолатини лингвистик ўрганиш предмета сифатида шартли ажратиб олиш. *Қиёс.* Диахрония.

СИРҒАЛУВЧИ УНДОШЛАР. Нутқ аъзолари бир-бирига яқинлашиб, ҳаво оқими шу тор ораликдан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган ундошлар. Мае., в, ф, з, с, ж, ш, х ундошлари.

СИСТЕМА *(юн.* зуз!ета —бир бутунлик, қисмлардан тузил- • ган нарса) — *қ.* Тизим.

СИТУАЦИЯ *(фран.* зЦиаНоп — вазият, шароит, ҳолат). Нутқ акти юз бераётганда унга таъсир кўрсатувчи шароит.

СИФАТ. Предмет белгисини билдирувчи сўзлар туркуми. Грамматикада *белги* сўзи кенг тушунчали бўлиб, у ранг, маза- таъм, ҳажм, хусусият ва шу кабиларни билдиради: *қизил, ширин, кенг, севимли, қудратли* ва б.

СИФАТДОШ. Феълнинг сифатга хос вазифага хосланган, предмет белгисини кўрсатувчи функционал шакли: келган (киши), гапираётган (ўқувчи), келадиган (меҳмонлар) каби: Сочи- га битта-иккита оқ о р а л а г а н хотин чиқиб эшикни очди (А. Қаҳҳор). У ч р аш ад и г а н одамининг номи нима? (Шуҳ- рат.) Элмурод бу ерга к е л у в ч и меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди (П. Турсун).

СИФАТДОШ ОБОРОТ — *қ.* Сифатдош ўрам.

СИФАТДОШ УРАМ. Бош сўзи сифатдош шаклидаги сўз би- ' лан ифодаланган ўрам: Д ў к о н ҳ о н а н и н г к ў ч а г а қ а р а- г а н, о й н а ў р н и д а ш и л д и р о қ қ о ғ о з ё п и ш т и р и л г а н кичкина деразаси хира ялтираб кўринади (Ойбек). Йигит қ о р а қ у ш л а р п а с т л а ё т г а н тамонга қараб чопди (П. Қодиров).

СИФАТЛАНМИШ. Бирикманинг сифатловчи *(қ.)* тобе бўлган (ҳоким) компоненти.

СИФАТ/ПАШ. Предметнинг сифатини тасвирли, образли ифодалаш учун ишлатиладиган сўз, тропнинг бир тури: *олтин водий, зумрад бошоқ* каби. *Қ.* Троп.

СИФАТЛАШИШ. Бошқа туркумга оид сўзнинг сифатга кў- чиши. Мае., *келишган* (йигит), *меҳнатсевар* (қиз) каби.

СИФАТЛОВЧИ. Аниқловчининг тури бўлиб, предметнинг белги-сифати, сон-миқдори, тартиби каби белгиларини билди- рувчи бўлак: Нрсир аканинг ҳ а й б а т л и, я л т и р о қ столи дўраза пойига қўйилган. (Ғ. Ҳотамов). Баъзан яғринини доғ сув куйдирарди: қуролидан айрилган амир сарбозлари б а л а н д - б а л а н д деворларда туриб, у л к а н дошқозонларда қайнаб турган сувни аскарларнинг устига сепишарди (А. Эшо- нов). К. Аниқловчи, Қиёс. Изоҳловчи, қаратувчи.

СОДДА АНИҚЛОВЧИ. Биргина мустақил сўздан иборат бўлган аниқловчи, шунингдек, турғун сўз бирикмаси билан ифодаланган аниқловчи: *К е н г водийнинг қ о р а м т и р тупроғи ёмғирдан кейин бўкиб ётарди* (И. Раҳим).

СОДДА АФФИКС. Қисмларга бўлинмайдиган аффикс: *-чи,* (ишчи), *-ла* (ишла), *-ли* (ақлли) каби. *Қиёс.* Қўшма аффикс.

СОДДА БЎЛАК. Биргина луғавий бирлик (мустақил сўз ёки турғун сўз бирикмаси) билан ифодалаягш бўлак: *Б о т и н - > к а м н и к о с и б г а тиктирдим* (П. Турсун). *Бош кўтарган халқни м а р д л и к к а етаклаган қосиб Санжар Маликнинг н а ф а с и п о қ шаб ад ага қанот бўлмоқда* (Ш. Тошматов). Тузилиш жиҳатидан оодда бўлиш гап бўла'кларининг барчасига
хос. *Қ.* Содда эга. Содда кесим. Содда аниқловчи. Содда тўлдирувчи. Содда ҳол. *Қиёс.* Мураккаб бўлак.

СОДДА ГАП. Уз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган, грамматик ва ин- тонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик: *Сен космо- нчпт бўлмоқчимисан?* (Саид Аҳмад). *Тоғ тепасида тўпланаёт- сан булутлар тушга бориб қуюқлаша бошлайди* (П. Қодиров). *Мен сизга бир машқ чалиб берай* (А. Қаҳҳор). *Қиёс.* Қўшма гап.

Содда гаплар тузилиш асосининг миқдорига кўра икки турга/бўлинади: 1) я к к и т а р к и б л и г а п *(қ.);* 2) б и р т а р к и б л и г а п- (?$.). Содда гаплар ёйиқ ёки йиғиқ бўлиши мумкин. *Қ.* Ёйиқ гап. Йиғиқ гап.

СОДДА КЕСИМ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган кесим: Қаттакон еръчоқ олдида бир қарич чирсиллаб ёнаётган ўтга қараб, жимгина ўтирибди. (Саид Аҳмад). Сени душман қў- лига ташлаб кётгандан кўра, ўлим я х ш и р о қ (Уйғун). Киши тиришиб укиса, у кўп нарсани билади. Қиёс. Мураккаб кесим.

СОДДАЛАШИШ. Сўзнинг морфема таркибида ўзича муста- қил 'бўлган морфемаларнинг ўз мустақиллигини йўқотиб (ясама сўз, ясама шакл хусусиятини йўқотиб), бўлинмас ҳолга ке- лиши. Мае., *илгари, илгор, илдам* сўзларининг ҳаммаси ҳам ас- лида *ил* сўзидан ясалган бўлиб, соддалашиш натижасида улар- даги ўзак ва қўшимчалар, ажралмас ҳолга келган.

СОДДА ОТ-КЕСИМ. Таркибида биргина мустақил сўз бўлган от-кесим: *Кифоятхон бу кишидан уч-тўрт ёш қ а т т а р о қ* (А. Қаҳҳор), *қ.* От-кесим. *Қиёс.* Мураккаб кесим.

СОДДА СОН. Биргина сўздан ифодаланган сон: *бир, уч, беш, ўн, йигирма, тўқсон* каби.

СОДДА СУЗ. Таркибида биргина луғавий маъноли қисм бўлган сўз. Содда сўз туб ёки ясама бўлади: *бош, тез, кўр; кўк- лам, терим, бошла, ўйнай* ва б. *Қиёс.* Қўшма сўз.

СОДДА СУЗ БИРИКМАСИ. Узаро тобе+ҳоким муносабат- даги икки мустақил сўздан тузилган сўз бирикмаси: *кенг майдон, кучли шамол, тез ҳаракат, гул барги* ва *б. Қиёс.* Мураккаб сўз бирикмаси.

СОДДА ТЎЛДИРУВЧИ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган тўлдирувчи: *Эртасига бир солдат келиб, ме ни комен- датурага олиб борди* (А. Қаҳҳор).

СОДДА ФЕЪЛ-КЕСИМ. Таркибида биргина мустақил феъл бўлган кесим: *Қаттакон еръчоқ олдида бир қария чирсиллаб ёнаётган ўтга қараб жимгина ў т и р и б д и* (Саид Аҳмад). *Қ.* Феъл кесим. *Қиёс.* Мураккаб кесим.

СОДДА ҲОЛ. Биргина мустақил сўз билан ифодаланган ҳол: Умурзоқ ота ҳам, Ойқиз ва Олимжон ҳам кеч қайтарди- лар.

СОН. Предметнинг миқдорини, саноқ жиҳатдан тартибини

билдирувчи сўзлар туркуми: *беш, йигирма, олтита, ўнинчи* каби. Сонлар маъно хусусиятига кўра аввало икки асосий турга бўлинади: 1) ми|Қдар сонлар *(қ.)*\ 2) тартиб сонлар *(қ.)*. Тузилишига кўра сонлар тўрт турга бўлинади: 1) содда сонлар *(қ.);* 2) мураккаб сон *(қ.);* 3) жуфт сон *(қ.);* 4) такрорий сон *(қ.)*.

Компонентларининг бирикиш усули ва билдирадиган маъносига кўра соннинг икки тури бор: 1) кўпайтма сон *(қ.)*;

2) қўшилма сон *(қ.)*.

СОНАНТ *(лот.* зопапв— жаранглович). 1. Бўғин ҳосил қила оладиган ундош.

2. *айн.* Сонор ундош.

СОН КАТЕГОРИЯСИ. Грамматик миқдор маъносини ифодаловчи шакллар тизими. Сон категориясининг икки тури бор: 1) бирлик сон (/?.); 2) кўплик сон (^.).

СОНОР *(лот.* 50П0П5 — жарангдор)—*қ.* Сонор ундош.

СОНОР УНДОШ. Таркибида шовқинга нисбатан овоз устун бўлган ундош: м, н, иг, л, р.

СОФ БОҒЛАМА. Лексик маъносини йўқотган, соф грамматик вазифа бажарувчи боғлама. Мае., *эди, экан* тўлиқсиз феъл- лари: *ўқитувчи — ўқитувчи эди. Қ.* Боғлама. *Қиёс.* Ярим мавҳум боғлама.

СОФ СУРОҚ ГАП. Тингловчидан жавоб талаб қиладиган сўроқ гап. *Олимжонни қачондан бери би'ласиз'? Қиёс.* Риторик сўроқ гап.

&0Ф ЭМОЦИОНАЛ ГАП. С одир бўлаётган воқеа-ҳодисага фақат сўзловчининг эмоционаЛ^ муносабатини ифодаловчи гаплар. *Ҳе аттанг... Ҳе пищмаган хом калла.* (Ҳамза) *Падарингга лаънат сени...* (Г. Ғулом).

СОХТА ЭТИМОЛОГИЯ. Эски сўз ёки ўзлащган сўзнинг морг фологик тузилиши ва б. хусусиятини нотўғри тушуниш натижасида юзага келган изоҳ. Мае., *зонтик* сўзининг *зонт+ик* каби аж- ратилиши сохта этимология бўлиб, бу сўз асли голландча гоппесНк—■ «қуёшдан соябон» маъносини. билдиради. *Қиёс.* Халқ этимологияси.

СОЦИАЛ ДИАЛЕКТ — *қ.* Ижтимоий диалект.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА *(лот.* зос1(е{ав)—жамият+линг- вистика). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаеи. Социология ва ли'нгвистиканинг синтеэидан иборат бўлган бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт факт лари алоқаси; нолисоний омиллар таъ- сирида тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнийг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсатини юритишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммаси нутқ мада- ниятини кўтариш каби муаммолар билан шуғулланади.

СПИРАНТ *(лот.* арйгапз, зркапШ — пуфловчи, кафас чи- қарупчп) — *айн.* Сирғалувчи ундош.

СТИЛИСТИКА — к.Услубшуносликк. Услубият.

СТИЛИСТИК АНАЛИЗ — *қ.* Услубий таҳлил.

СТИЛИСТИК БЕЛГИ — *қ.* Услубий белги.

СТИЛИСТИК БУЁК — *қ.* Услубий буёк.

СТИЛИСТИК НОРМА — *қ.* Услубий меъёр.

СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР — *қ.* Услубий синонимлар.

СТИЛЛАРАРО ЛЕКСИКА — *қ.* УслубларарО лексика.

СТИЛЬ (юн. з1у1оз — ёзув (хат) таёқчаси) — *қ.* Услуб.

СТРУКТУРА — *қ.* Тузилиш.

СТРУКТУРАЛИЗМ *(лот.* 8{хис1ига — тузилиш, қурилиш). Тилшуносликда тил компонентларининг ички муносабатларини, ўзаро боғлиқлигини, тилнинг тузилиш томонини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган йўналиш. Структурализмнинг асосий йўналишлари қуйидагилар: 1) Прага лингвистик мактаби; 2) Америка етруктурализми; 3) Копенгаген мактаби; 4) Лондон лингвистик мактаби.

СТРУКТУРАЛ ЛИНГВИСТИКА. 1. *айн.* Структурализм.

2. Тилшуносликнинг ўз текшириш предметини тил тизими- даги ички муноеабатлар ва алоқалар билан чегараловчи, тил ва тафаккурининг ўзаро муносабати, тилниг жамият билан алоқаси каби масалаларни четлаб ўтувчи соҳаси.

СУБСТАНТИВАЦИЯ (лот. Ношеп 8иЪз1:атуит— от)—*қ.* Отлашиш.

СУБСТИТУЦИЯ *(лот.* зиЪзШиНо — алмаштириб қўйиш). Трансформациянинг бир усули; синтактик тузилма таркибидаг» бир сўзни бошқа сўз билан алмаштириш. Мае., *ёрдамчилар келди — санъаткорлар келди. Қ.* Трансформация.

СУБСТРАТ *(лот.* виЪ—ост4-81га1ит — қатлам). Тилларнинг чатишиши натижасида мағлуб тилнинг ғолиб тилда қолдирган излари.

СУБЪЕКТ *(лот.* зиЬ]ес1ит). 1. Ҳукм предмета, мантиқий эга. Субъектга нисбатан предикат белгиланади.

2. *айн.* Грамматик эга.

СУБЪЕКТИВ БАҲО ШАКЛИ. Сўзловчининг нарса-предмет- га бўлган субъектив муносабатини (баҳосини) ифодаловчи (от туркумига хос) сўз шакли. Мае., отларнинг эркалаш шакли: *ўртоқжон, сингилгинам.* каби. *Қ.* Эркалаш шакли. Кичрайтиш шакли.

СУНЪИЙ ТИЛ. Табиий (бор бўлган) тиллар унсурларидан халқаро алоқа учун ёрдамчи восита сифатида яратиладиган тил: э с п е р а н то (к.), интерлингва (»(.), идо (»{.) ва б.

СУПЕРСЕГМЕНТ ФОНЕМА. Сегмент фонемалар қаторига қўшимча равишда ҳамроҳ бўладиган ва маънони фарқлаш учун хизмат қиладиган прооонк бирлик (товушнинг тони, баландлиги ва кучининг ўзгариши). *Қиёс.* Сегмент фонема.

СУПЕРСЕГМЕНТ ФОНОЛОГИЯ. Суперсегмент фонемалар- ни ўрганувчи фонология.

СУППЛЕТИВИЗМ *(лот.* зиррЫшз— тўлдирувчи, қўшимча). Айни бир сўзга мансуб икки сўз шаклининг алоҳида-алоҳи- да сўзларда ифодаланиши. Мае., биринчи ва иккинчи шахе бирлик кишилик олмошларининг *мен, сен* сўзлари билан, кўплигининг эса *биз, сиз* сўзлари билан ифодаланиши.

СУФФИКС *(Лот.* зиШхиз— қадалган, қоқилган). Сўзда унинг охирига қўшиладиган аффикс. *Қиёс.* Префикс. Инфикс. *Қ.* Аффикс.

СУЗ. Лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўршшши. Уз товуш қобиғига эга бўлган, объектив нарса-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртааидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги.

СУЗ БИРИКМАСИ. Бир^бири билан тобеланиш асосида бириккан, маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, ях- лит, бироқ қисмларга ажраладиган тушунчани ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ сўзлар боғланмаси: *узоқ йўл, ўн қаватли бино, бир йиллик режа, қаламда ёзмоқ* каби. Сўз бирикмалари бир. неча нуқтаи назардан таснif қилинади:

1. Қисмлари орасидаги синтактик алоқанинг эркинлик дара- жасига кўра. Бунда сўз бирикмасининг икки тури фарқланади: 1) синтактик эркин сўз бирикмаси *(қ.)'*, 2) синтактик боғли сўзбирикмаси *(қ.)*.
2. Тузилишига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки тури фарқланади: 1) содда сўз бирикмаси *(қ.)*; 2) мураккаб сўз бирикмаси *(қ.)*.
3. Таркибидаги ҳоким қиемнинг қайси сўз туркумидан бўли- шига кўра. Бунда сўз бирикмаларининг икки катта тури фарқланади: 1) от сўз бирикмалари (/?.); 2) фе^л сўз бирикмалари *(қ.)*.

СУЗ-ГАП. Бир сўз ёки қисмларга бўлинмайдиган ибора билан ифодаланадиган гап: *Ҳа... — деб жавоб берди Йўлчи* (Ойбек) . *Азамат экансан-ку, болам, баракалла!* (М. Исмоил-лий). <г*Жим!»* ■— *муштини кўтарди Ермат* (Ойбек).

СУЗ КУЧИРИШ. Ёзувда сўзнинг қаторга сиғмай қолган қисмини маълум қоида асосида кейинги қатордан ёзиш.

СУЗЛАРНИНГ ТУРҒУН БИРИКМАСИ. Нутқнинг ўзида тузилмай, тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, нутққа яхлит- лигича киритиладиган бирликлар. Мае., *омонат кассаси, меҳнат дафтарчаси, игнадайни туядай қилмоқ* каби. *Қиёс.* Сўзларнинг эркин боғланмаси.

СУЗЛАРНИНГ ЭРКИН БОҒЛАНМАСИ. Нутқнинг ўзида тузилиб, компонентлари ўз луғавий маъно мустақиллигини сақ-
лаган синтактик бирликлар. Бундай бирикмалар одатда тўғри- дан-тўғри сўз бирикмаси *(қ.)* деб юритилаверади..

СУЗЛАШУВ НУТҚИ. Нутқнинг, одавда, китобий нутққа қарама-қарши қўйилувчи тури. Сўзлашув нутқи ўзига хос бир қатор белгилари билан, жумладан, олдиндан ўйлаш ва тил ма- териалини олдиндан сайлашнинг бўлмаслиги, нутқий алоқанинг суҳбатдошлар орасида бевосита бўлиши, нутқ жараёнининг эр- кинлиги, расмийли'кдан холи бўлиши ва ш, қ. билан ажралиб туради. Тилнинг барча соҳалари (фонетика, морфология, лексика...) бўйича ҳам сўзлашув нутқивинг ўзига хос хусусиятлари бор. Мае., фонетика бўйича бу варса ўзига хос талаффузда кўринса, лексикада унинг ўзига хос сўзларга эгалигида яамоён бўлади ва ҳ. Яна *қ.* Сўзлашув нутқи лексикаси. Сўзлашув услуби.

СУЗЛАШУВ НУТҚИ ЛЕКСИКАСИ. Сўзлашув нутқида қўл- ланувчи (китобий нутқда учрамайдиган) сўзлар: *ўнғай, қиттай, алай-балай, валақламоқ* ва б. Сўзлашув нутқи лексикаошинг уч хил еемантик-услубий тури фарқланади: 1) оддий сўзлашув лексикаси *(ц.)'*, 2) дағал сўз ва жаргон *(қ.)*; 3) диалектизмлар *(қ.)*.

СУЗЛАШУВ УСЛУБИ. Функционал услубнивг бу тури ўзига хос иш кўриш шароити (фикр олишувнинг бевоситалиги, тил воситаларини сайлаб ишлатишнинг йўқлиги) билан, интонация воситалари, мимика, имо-ишора кабилардан кенг фойдаланиши билан, оддий лексик ва фразеологик бирликларнинг, экспрессив-эмоционал воситаларнинг кенг ишлатилиши ва ш. к. хусусиятлари билан ажралиб туради.

СУЗЛИК. Луғатга киритиладиган сўзларнинг алифбо тарти- бидаги рўйхати (таржима луғатлари ва изоҳли луғатларда бу сўзлар таржима қилинади, изоҳланади).

СУЗЛОВЧИ — *қ.* Биринчи шахе.

СУЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Сўзни (лексик бирликни) нутқда ишлатишдан кузатилган мақсад ва вазифалар. Сўз нутқда қуйидаги вазифаларга эга бўлади: 1) нутқий алоқа вазифаси *(қ.* Сўзнинг нутқий алоқа вазифаси); 2) номлаш вазифаси *(қ.* Сўзнинг номлаш вазифаси); 3) эстетик вазифа *(қ.* Сўзнинг эстетик вазифаси).

СУЗНИНГ ВАЛЕНТЛИГИ. Сўзнинг муайян сўз билан би- рика олиш имкониятн. Мае., *ўргатмоқ* феъли ҳаракат объекти- ни ва адресатни ифодаловчи сўз билан бирика олади (сўз бирикмаси ҳосил қила олади): *дўстига сузишни ўргатмоқ.*

СУЗНИНГ ВАРИАНТЛАРИ. Сўзнинг бирор жиҳатдан ўзга- чаликка эга бўлган кўринишлари. Сўз турли жиҳатдан вари- антларга (фонетик, орфоэпик, морфологик ва б. вариантларга) эга бўлиши мумкин. Мае., *думалоқ — юмалоқ* (фонетик вариант) , *гулдай — гулдек* (морфологик вариант), *изла — иста* (диалектал вариант) ва б.

СУЗНИНГ ГРАММАТИК ШАКЛИ. Сўзнинг шаклий қисми; шу ҚШ'МНИИГ мазмун ва ифода бир бутунлиги.

СУЗНИНГ ИЧКИ ТОМОНИ. Сўзнинг мазмун томони. *Қиёс.* Су шиш ташқи томони.

СУЗНИНГ ИЧКИ ШАКЛИ. Сўзнинг нега шундай маъно ифоДЙЛашнни иэоҳлаш имкониятини берадиган морфологик тар- кмГ)И. Мае., *қишлоқ* («қишлаш» тушунчаси билан алоқадор), *кунвабоқар* (қуёшга боқиб туриш тушунчаси билан алоқадор) каби.

СЎЗНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИФАСИ. Сўзнинг фикр (хибнр) ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилиши.

СЎЗНИНГ МАТЕРИАЛ ТОМОНИ — *айн.* Сўзнинг ички томони.

СЎЗНИНГ МАТЕРИАЛ ҚИСМИ. Сўзнинг луғавий маъно билдирадиган қисми.

СЎЗНИНГ МАЪНОСИ. Сўзга хос лексик, лексик-грамматик ва грамматик маънолар. *қ.* 1) лексик маъно; 2) лексик-грамматик маъно; 3) грамматик маъно.

СЎЗНИНГ МОРФЕМ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг морфемалар- дан иборат (морфема л ардан ташкил топган) тузилиши. Мае, *теримчиларимизга* сўзининг морфем тузилиши: *тер-им-чи-лар- имиз-га. Қиёс.* Сўзнинг морфологик тузилиши, Сўзнинг сўз ясалиши тузилиши.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг шакл ясалиши қисмларидан иборат тузилиши. Мае., *пахтакорлари- мизни* сўзининг морфологик (шакл ясалиш) тузилиши: *пахтакор- лар-имиз-ни*; *ишлаяптилар* сўзининг морфологик тузилиши: *иш*-ла-яп-ти-лар. *Қиёс.* Сўзнинг морфем тузилиши, Сўзнинг сўз ясалиш тузилиши.

СЎЗНИНГ НОМЛАШ ВАЗИФАСИ. Сўзнинг предмет, белги, ҳаракат кабиларни аташ вазифаси. *Қ.* Сўзнинг вазифалари.

СЎЗНИНГ НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Сўзнинг фикр» ифодалаш, хабар вазифаси. *Қ.* Сўзнинг вазифалари.

СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг лексик маъно (маънолар), маъно оттенкаси, қўшимча оттенкалардан ибо-- рат тузилиши. *Қ.* Лексик маъно, Маъно оттенкаси, Қўшимча оттенкалар.

СЎЗНИНГ СЎЗ ЯСАЛИШ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг сўз яса- лишига асос бўладиган қисми (сўз ясалиш асоси) билан ясовчи қисмдан иборат тузилиши. Мае., *терим* сўзининг сўз ясалиш тузилиши *тер+им* қисмларидан, *теримчи* сўзининг сўз ясалиш тузилиши *терим+чи* қисмларидан иборат.

СЎЗНИНГ ТАШҚИ ТОМОНИ. Сўзнинг товуш қобиғи, сўзл нинг ифода жиҳати. *Қиёс.* Сўзнинг ички томони.

СЎЗНИНГ ТАШҚИ ШАКЛИ. Сўзнинг товуш томони, урғу ва бошқа воситалар туфайли фонетик яхлитлиги, бўғин хусусиятлари.

СЎЗНИНГ ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг фонема, морфема, сўз яса- лиши, шакл ясалиши, шунингдек, семантик нуқтаи назардан "бўлган тузилиши. *Қ.* Сўзнинг фонетик тузилиши, СўзиинГ морфем тузилиши, Сўзнинг сўз ясалиши тузилиши, Сўзнинг морфологик тузилиши, Сўзнинг семантик тузилиши.

СЎЗНИНГ ФОНЕТИК ТУЗИЛИШИ. Сўзнинг товушлардан иборат тузилиши. Мае., *шу* сўзида *у* унлиси ва *ш* ундошининг шундай тартибда жойлашуви унинг фонетик тузилишини ташкил этади.

СЎЗНИНГ ФОРМАЛ ҚИСМИ. Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи қисми. *Қиёс.* Сўзнинг материал қисми.

СЎЗНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Сўзнинг номлаш вази- фаевга қўшимча тарзда турли хис-х'аяжон, таъсирчанлик ифодалаш вазифаси.

СУЗ СОСТАВИ — *қ.* Сўзнинг тузилиши.

СУЗ ТАРКИБИ — ^. Сўзнинг тузилиши.

СУЗ ТАРТИБИ — *қ.* Гап бўлакларининг тартиби.

СУЗ ТУРКУМЛАРИ. Сўзларнинг умумий лексик-граММатик хусусиятларига кўра бўлиниши. Мае., от туркуми, феъл туркуми ва б. Сўз туркумлари аввало икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) мустақил сўз туркумлари; 2) мустақил бўлмаган сўз туркумлари. Биринчи гуруҳга мустақил сўзлар, иккинчи гуруҳга эса ёрдамчи сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар ва модал сўзлар киради. *қ.* Мустақил сўзлар. Ёрдамчи сўзлар. Ундов. Тақлид сўз. Модал сўз.

СУЗ УРҒУСИ. Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда шу бўғинлардан бирини ажратиб, кучли талаффуз қилиш. Сўзнинг қайси бўғинида бўлишига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) турғун (барқарор) урғу (қ.); 2) эркин урғу *(қ.)*.

Сўзнинг бирор бўғинига биркитилган-биркитилмаган бўлишига кўра ҳам урғунинг икки тури фарқланади: 1) кўчма урғу (*.); 2) боғли урғу (/{.).

СУЗШАКЛ. Сўзнинг нутқда қатнашадиган муайян кўри- нитпи. Мае., *тоғ хавоси. тояНашШ/шШйшшЯШ*

-\.Ю*..Ю..Л.А^УЛл

2. Тилда бор бўлган маълум усул, модель асосида янги сўз ҳосил қилиниши.

СУЗ ЯСАЛИШ ЛУҒАТИ. Ясама сўзлар ва уларнинг сўз ясалиш тузилишини қайд этувчи луғат.

СУЗ ЯСАЛИШ МАЪНОСИ. Айни бир сўз ясовчи воситасида маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан ҳосил ки- лишан сўзлар учун умумий бўлган маъно. Мае., *ўрим, терим* сўзлари учун умумий бўлган, у'ларии *ўр, тер* сўзларидан фарқловчи маъно.

СУЗ ЯСАЛИШ МОДЕЛИ. Сўз ҳосил бўлиш (сўз ҳосил ки- лиш) схемалари. Мае., *ақлли, кучли, мазали, ширали* сўзлари сўз ясалиш асоси + ясовчи аффикс модели асосида ҳосил бўлган (аффиксация усули билан сўз ясалиш модели).

СУЗ ЯСАЛИШ МОТИВАЦИЯСИ —*қ.* Сўз ясалиш асосла- нишл.

СУЗ ЯСАЛИШ МЕЪЁРИ. Сўз ясалишининг адабий тил қо- нун-қоидаларига мослиги — мос эмаслигини белгиловчи меъёр. Мае., *-вий, -ий* аффикси ёрдамида *партиявий, кимёвий, танқидий* сифатларининг ясалиши меъёрий, аммо, *чизиқий, тумшуқий, зид- дщащий* .ясалшнлари меъёрий эмас.

СУЗ ЯСАЛИШ ТАРКИБИ. Ясама сўзнинг уни ҳосил қилувчи қисмлардан иборат тузилиши: ясама сўзнинг таркиби. Мае., *терим* сўзининг сўз ясалиш таркиби *тер + им, теримчи* сўзининг сўз ясалиш таркиби *терим + чи* қисмларидан иборат.

СУЗ ЯСАЛИШ ТАҲЛИЛ И. Ясама сўзнинг таркибини, қан- дай усул билан ҳосил бўлганини ва ш.к. ни аниқлаш, ўрганиш; шу нуқтаи назардан бўладиган таҳлил. Бунда ясама сўз ком- понентларининг хусусияти, маъно муносабати, шунингдек, сўз ясалиш асоси билан ясалманинг ўзаро муносабатлари белгила- нади (ўрганилади).

СУРОҚ ЮҚЛАМАЛАРИ. Гап ёки унинг бирор бўлагига оид сўроқни ифодаловчи юклдмалар. Мае., *-ми, -чи* юклама- лари: *Вақт эртами? Рози бўлмаса-чи?*

СУЗ ЯСАЛИШ ТИПИ. Сўз ясалишининг қуйидаги уч умумий белгиси билан характерланувчи, яъни: 1) сўз ясалиш асосилигига кўра икки турга: 1) маҳсулли аффикслар *(қ.)* ва 2) маҳсулсиз аффиксларга, кам ёки кўп миқдорда сўз ясашга кўра: 1) кам маҳсул ва 2) сермаҳсул аф- ф п к с л а р г а *(қ.)* бўлинади.

СУЗ ЯСОВЧИ ФОРМАНТ. Янги сўз ҳосил қилувчи бирлик, сўз ясалиши бирлиги. Формант аффикс, аффиксоид ёки ёрдамчи сўзга тенг бўлиши мумкин: *ишчи, (-чи* — аффикс), *ишхона (■хина* — аффиксоид), *тасдиқ қилмоқ (қил*— ёрдамчи феъл).

СУЗ УЗГАРИШИ. 1. Шакл ясалишининг барча турлари. *Қ.* Шакл ясалиши.

2. Синтактик муносабат ифодалайдиган шакллар ясалиши тушунилади. Мае., келишик шаклларининг ясалиши.

СУЗ УЗГАРТУВЧИ АФФИКС. Шакл ясовчиларнинг синтактик муносабат ифодалайдиган тури тушунилади. Мае., келишик аффикслари, шахс-сон аффикслари. *Қ.* Шакл ясовчи аффикс.

СУЗ УИИНИ. Кўп маънолилигига, фонетик тузилиши бир хиллиги ёки бир-бирига яқинлигига асосланадиган нутқ фигу- раси. Мае., *босволди* сўзини аскияда қовун ёки ҳаракат (босиб олди) маъносида қуллаш.

СУЗ ҚУШИШ. Икки сўзни қўшиб, янги сўз ҳоеил қилиш усули. *Қ.* Композиция.

СУНГ ЖОЙЛАШУВ. Узаро боғланган (алоқадаги) унсур- лардан бирининг кейинда жойлашуви: *Келди у* (эганинг кейин жойлашуви). *Қиёс.* Олд жойлашув.

СУНГ ҚУШИМЧА. Сўзга сўнг (кет) томондан қўшиладиган қўшимча (аффикс): *хизматчи, пахтакор, чиройли, кучеиз* каби. *Қиёс.* Олд қўшимча.

СУРОҚ. Тингловчини бирор нарса-ҳодиса ҳақида маълумот беришга қўзғатувчи ифода. *Қ.* Сўроқ гап.

СУРОҚ БЕЛГИСИ. Сўроқ гаплар охирига қўйилувчи тиниш белгиси (?): *Энди кетиб қолмайсизми?* (Ғ. Ғулом).

СУРОҚ ГАП. Бирор номаълум нарса-ҳодисани билиш учун мурожаатни ифодаловчи, сўроқ мазмунли гап: *Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади?* (А. Қаххор). *Олимжон- ни сиз қачондан бери биласиз?* Асосий хусусиятига (вазифасига) кўра сўроқ гаплар икки турга бўлинади: 1) жавоб талаб қиладиган сўроқ гаплар ёки соф сўроқ гаплар, 2) жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гаплар ёки риторик сўроқ гаплар. *Қ.* Соф сўроқ гап. Риторик сўроқ гап.

СУРОҚ ОЛМОШЛАРИ. Номаълум шахе, предмет, белги кабилар ҳақида сўроқни

билдирувчи олмошлар: *Ким, нима, қан- дай, қачон, қанча* кабилар.

СУРОҚ ОҲАНГИ. Сўроқни ифодаловчи оҳанг; ўзига хос тонга, юқори тонга эга оҳанг:

— Устингиздан шикоят тушди.
— *Шикоят?* (Яшин).

ТАБИИЙ ТИЛ. Ҳақиқий маънодаги, яъни фикр алишув қуроли сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тил. *Қ.* Сунъий тил.

ТАБУ. Диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва шу кабилар таъ- сирида сўзнинг ишлатилишини чеклаш ёки ман этиш; ишла- тилишида шундай чекланган, ман этилган сўз. Мае., *чаён* сўзи ўрнида *эшак, оти йўқ* сўзларининг қўлланиши. *Қ.* Эвфемизм.

ТАВСИФИЙ ГРАММАТИКА. Грамматик ҳодисаларни — сўз шакли, маъноси ва бошқа грамматик бирликларни тав- сифловчи грамматика.

ТАВСИФИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ — *айн.* Диалектография.

ТАВСИФИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Сўзнинг маъноси, услубий тавсифи, луғат таркибининг ҳажм ва тузилиши каби масала- ларни тавсифий планда ўрганувчи лексикология.

ТАВСИФИЙ ЛИНГВИСТИКА. ТилниНг ҳолатини тавсифий планда ўрганувчи лингвистика.

ТАВСИФИЙ ФОНЕТИКА. Тилнинг товуш томонини тавсифий планда ўрганувчи фонетика.

ТАВТОЛОГИЯ *(юн.* 1аиЬIо§1а<{аи1:о— айнан ўша + 1о§05— сўз). Бир фикр (мазмун)ни бошқа сўз ёки сўзлар билан так- роран ортиқча ифодалаш, сўзни ортиқча ишлатиш. Мае., *гапирмоқ* ўрнида *гап гапирмоқ, тепмоқ* ўрнида *оёқ билан теп- моқ* деб қўллаш тавтология ҳисобланади, чунки *гап, оёқ билан* қисмлари янги информация бермайди *(гапирмоқ, тепмоқ* сўзларидаги информацияни такрорлайди)., , ,

ТАКРОР. 1. *айн.* Такрорий сўз.

2. Айни сўзнинг синтактик бирлик сифатида икки ва ундан ортиқ ҳолда қўлланиши, оддий такрор: *Э, келинг, келинг* (С. Зуннунова). *Қўрқма, қўрқма*,— *деб такрорлади Арслон ака* (Е. Шукуров).

ТАКРОРИЙ СУЗ. Айни сўзни такрор ҳолда қўллаш билан тузилиб, кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодаловчи сўз; сўзнинг такрорий шакли. Такрорий сўзда пауза оддий так- рордагидан жуда қисқа бўлади: *дона-дона, ёш-ёш, тез-тез, ўй-лаб-ўйлаб, ҳўнг-ҳўнг* каби: *Қуюқ япроқлар орасидан ш о д а - ш о д а осилиб, мўралаб турган олчалар яшил гиламга ну қ т а - н у қ т а қизил гулчалар тикиб қўйганга ўхшаб товланади* (Ҳ. Назир).

ТАКРОРЛАНУВЧИ БОҒЛОВЧИ. Гап бўлаклари, шунингдек, қўшма гапнинг предикатив компонентларини боғлашда такрорланиб қўлланадиган боғловчилар: *Каромат опа гўзал- ликда ҳам ш ў ҳ л и к д а ҳ а м, ўйинда ҳ а м, ўйинга уста- ликда ҳам уртоқларидан қолишмайди (Ойбек). У ҳам кўп !)тмай ё инженер, ё ўқитувчи бўлиши мумкин (Ойбек).*

ТАКТ. Ну гқнинг талаффуз жиҳатдан яхлитланган ва пауза (паузалар) бмлан ажраладиган парчаси.

ТАКТ УРҒУСИ. Нутқ такта таркибидаги мазмунан муҳим сўзни ажратувчи урғу.

ТАЛАФФУЗ. 1. Нутқ товушларининг айтилиши: *тўғри талаффуз, адабий талаффуз.*

ТАЛАФФУЗ ЛУҒАТИ. Сўзларницг адабий талаффузи қайд этиладиган луғат; орфоэпик луғат. Мае., «Узбек тилининг орфоэпик луғати» («Ўқитувчи» нашриёти 1977).

ТАЛАФФУЗ МЕЪЕРИ, Адабий тилга хос талаффузни бел- гиловчи меъёр; орфоэпик меъёр: *ока* эмас, *ака; эна* эмас, ока талаффуз қилиш каби.

ТАНГЛАЙ-ТИШ УНДОШЛАРИ. Ҳаво оқими оғиз бўшли- ғида икки тўсиқдан (тил билан милк орасидан ва тил орқа қисми билан юмшоқ танглай орасидаги тўсиқдан) сирғалиб утиши билан ҳосил бўладиган тил олди ундошлари. Мае., ж, ш ундошлари.

ТАНГЛАЙ ТОВУШИ — *қ.* Палатал товуш.

ТАНЛАМА СУРОҚ ГАП. Сўралаётган икки эҳтимолдан би- рини тасдиқлашни талаб қиладиган сўроқ гап: *Эртага кела- сизми ёки келмайсизми. Вақтингиз зиқми ёки кутиб тура ола- сизми?*

ТАРЖИМА ЛУҒАТИ. Бир тилнинг (таржима қилинаётган тилнинг) луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан эквивалента бериладиган, узга тилнинг луғавий бирлиги таржима этиладиган луғат. Бундай луғатлар икки тилли ёки кўп тилли бўлиши мумкин: *русча-ўзбекча луғат, инглизча-русча- ўзбекча луғат* ва б.

ТАРЗ РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш усуливи, қай тарзда юз беришини билдирувчи равиш: бирдан, аста, тўсатдан каби: Шу пайт т ў с а т д а н кўча эшиги тарақлаб очилди-ю, Зуннунхўжа ҳаллослаганича кириб келди (А. Қаххор). Матқо- вул ака се кин келиб, чеккадаги одамлар ёнида тўхтади (М. Исмоилий).

ТАРЗ ҲОЛ И (Р А В И Ш ҲОЛ И). Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдирувчи ҳол: *Элим, юртим, болам-чақам деб қ а ҳ р а м о н л а р ч а курашдилар* (Яшин). *Саид кўл- ларини оси л т и р ган ҳ о л д а ўтирар эди* (А. Қаххор).

ТАРИХИЙ ГРАММАТИКА. Грамматик ҳодисаларни (сўз шакли, сўз бирикмаси ва гапларни) турли тарихий босқичлар- даги тараққиёти буйича (диахроник) қиёслаб ўрганувчи грамматика.

ТАРИХИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ. Диалектга хос ҳодиса ва хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши ва бу хусусиятларнинг ташкил топишида бошқа тил- ларнинг иштироки каби масалалар билан шуғулланадиган диа-лектология.

ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Тилнинг луғат таркибини тарихий тараққиётида (дйахроник планда) ўрганувчи лексикология.

ТАРИХИЙ ЛУҒАТ. Луғавий бирликларнинг тараққиёт та- рихи тасвирланадиган луғат.

ТАРИХИЙ МОРФЕМА. Ҳозирги тилда маъносини йўқотган (тил бирлиги сифатида йўқ), тарихан маъиоли бўлган морфема. Мае., *ялпоқ, яйлов* каби сўзларнинг *ял-, яй-* қисми тарихан луғавий маъноли морфема бўлган.

ТАРИХИЙ СУЗ. Утмишга оид воқеа-ҳодисаларни ифодалайдиган, бу воқеа-ҳодисаларни номлаш мақсадида ҳозирги ггилда ишлатиладиган сўз: *қулоқ (қулоқ қилмоқ), бўнак* ва б. *Қиёс.* Архаизм.

ТАРИХИЙ ФОНЕТИКА. Тилнинг товуш томонини тарихий тараққиётида (диахроник планда) ўрганувчи фонетика.

ТАРТИБ. Таркибий қисмларнинг ўзаро бирикишда (боғла- нишда) жойлашув сираси: гап б ў л а к л а р и н и н г. т а р т и б и *(қ.);* с ў з т а р т и б и *(қ.).* Тартибнинг икки тури бор:

1) т ў ғ р и тартиб *(қ.);* 2) т е с к а р и тартиб ёки и н в е р с и я *(қ.).*

ТАРТИБ СОНЛАР. Предметнинг саноқ жиҳатдан тарти- бини билдирувчи сон. Соннинг бу тури *-(и)нчи* аффикс ёрдамида ясалади: *иккинчи, олтинчи, ўнинчи* каби.

ТАСВИРИЙ СУЗ — *қ.* Тақлид сўз.

ТАСВИРИЙ ФОРМА — *айн.* Аналитик шакл.

ТАШҚИ НУТҚ. Ҳақиқий маънодаги нутқ, яъни товуш ифо- дасига эга бўлган нутқ. *Қиёс.* Ички нутқ.

ТАШҚИ ФАКТОРЛАР — *айн.* Нолисоний омиллар.

ТАҚЛИД СУЗ. Инсон, ҳайвон ва бошқа нарсаларнинг то- вушини, ҳаракат-ҳолат образини тақлидан ифодаловчи сўз: *царс-қурс, таре, миёв; лип-лип, лов-лов, ғиз-ғиз* ва б. Тақлид сўзларнинг икки тури фарқланади: 1) т о в у ш г а т а қ л и д с ў з (^.); 2) о б р а з г а т а қ л и д с ў з (к.) .

ТАҚСИМ СОН. Предмет миқдорини тақсимлаш, гуруҳлаш йўли билан билдирувчи сон. Соннинг бу тури *-тадан* аффикси ёрдамида ясалади: *бештадан, тўщизтадан* каби.

ТАҲЛИЛ — *қ.* Лингвистик таҳлил.

/ТЕЗАУРУС *(юн.* Шезаигоз — хазина). Тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат.

ТЕКСТ *(лот.* {ех{ц8—боғланиш, қўшилиш)—*қ.* Матн.

ТЕМА *(юн.* {Бета — асос бўлган нарса). Гапнинг актуал бўлинишида маълум (таниш) бўлган нарсани ифодаловчи, янги нарсани ифодалашга ўтиш учун асос хизматини қилувчи қисм: ... с ш л и р ў р т а с и д а ўтказилаётган Европа *ш а х м а т ч ч м п и о н а т и д а ҳамон пешқадамлик қилмоқда.* /ў Гапнинг иктуал бўлиниши. *Қиёс.* Рема.

ТЕНГ АЛОҚА. Тенг ҳуқуқли синтактик бирликлар (гап бў- лаклари, қўшма гапнинг предикатив қисмлари) орасидаги синтактик алоқа: *Т о м л а р О а н, и в и, г а н д е в о р л а р д а н буғ кутарила бошлади* (Саид Аҳмад). *Адирлар ранг-баранг ,'уллар билан ясанди, сойликда сувлар тошиб ҳайқиради* (Ойбек).

ТЕНГ АЛОҚАЛИ ТУЗИЛМА. Узаро эргаштирувчи боғловчилар ёрдамисиз боғланган тузилма; гапларнинг ўзаро шундай йўд билан боғланиши. *Қ.* Тенг алоқа, тузилма.

ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР. Гап бўлаклари ва қўшма гап таркибидаги тенглик муносабатида бўлган предикатив қисмларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилувчи боғловчилар. Қандай муносабатни ифодалашига кўра тенг боғловчилар уч турга бў- линади: 1) б и р и к т и р у в б о ғ л о в ч и л а р и *(қ.);* 2) з и д- л о в б о ғ л о в ч и л а р и *(қ.)* 3) а й и р у в б о ғ л о в ч и л а р и *(қ-)-*

ТЕНГЛАНИШ. Тенг синтактик муносабатда бўлиш, сўзлар, шунингдек, қўшма гапнинг предикатив қисмлари орасидаги бири иккинчисига бўйсунмаган, тенг алоқани кўрсатувчи муносабат: *Уқитувчи ва ўқувчилар. Қўнғироқ чалинди ва даре бош- ланди. Қ.* Тенг алоқа. *Қиёс.* Тобеланиш.

ТЕРМИН *(лот.* {еггшпиз — чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспреосивлик ва эмоционалликка эга бўлмас- лиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Мае., лингвистик терминлар: *гап, эга, от, сон, товуш...;* геометрияга оид терминлар: *айлана, учбурчак...;* физика- га оид терминлар: *жисм, босим, ҳаракат, майдон;* кимёга оид терминлар: *сув, кумуш, ишқор, тўзлар* ва б.

ТЕРМИНОЛОГИИ ЛЕКСИКА. Терминлардан иборат лексика.

ТЕРМИНОЛОГИИ ЛУҒАТ. Маълум бир соҳага оид сўз- терминларни қайд этувчи луғат. (Мае., Ҳ. Ю. Бекмуҳаммедов- нинг 1978 йилда нашр этилган «Тарих терминлари луғати»).

ТЕРМИНОЛОГИЯ (1егтш'+к>§о8 — сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мажмуи. Мае., грамматик терминология, санъат терминологияси ва б.

2. Тилшуносликнинг терминларии ўрганувчи бўлими.

ТЕРРИТОРИАЛ ДИАЛЕКТ — *айн.* Маҳаллий диалект.

ТЕРС ЛУҒАТ (теокари луғат). Сўзлар охирги ҳар.флари бўйича алифбо тартибида жойлаштириладиган луғат; *муддат* бемуддат

солдат

одат.. каби *(қ.* Р. Қўнғуров, А. Тихонов. «Узбек тилининг чаппа луғати», Самарқанд, 1969).

ТЕСКАРИ ТАРТИБ. Маълум услубий, семантик мақсад ва Ск>шқа сабаб билан синтактик тузилма тўғри (одатдаги) тартибйнинг ўзгаршщи; инверсия. Мае,, *у кетди* (тўғри тартиб) — *кетди у* (тескари тартиб); *кеча келди* (тўғри тартиб) —« *келди кеча* (тескари тартиб).

ТИЗИМ. 1. Узаро муносабатлар билан боғланган, бир бутун бўлиб уюшган тил унсурлари мажмуи: *Тил тизими. Сўз ясалиш тизими%*

2. Маълум бир грамматик категорияга хос ички бўлиниш- ларнинг бир бутунлиш: *Келишиклар тизими*, *Майллар тизими.*

ТИЛ. 1. Нутқ ташкил этиб, фикр, ҳис-туйғу, истак кабилар- ни ифодалащда хизмат қиладиган фонетик,. лексик ва грамматик воситалар тизими; кишилар орасида асосий ва энг муҳим а лоқ а чар ал ашу в, фикрлашув қуроли бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса.

2. Нутқнинг у ёки бу услубий белгилари билан ажралиб турувчи тури: *Сўзлашув тили. Газета тили. Адабий тил. Қиёс.* Нутқ 2.

ТИЛ БИРЛИГИ. Бир-биридан вазифаси, ифода материали, тузилиши ва тизимдаги ўрни билан фарқланадиган тил ҳодиса- си: фонетик бирлик — фонема *(қ.*); морфодогик бирлик—-морфема *(қ.)*; лексик бирлик — лексема *(қ.)*.

ТИЛЛАРНИНГ ГЕНЕАЛОГИИ ТАСНИФИ — *қ.* Тилларнинг шажаравий таснифи.

ТИЛЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАСНИФИ. Тилларни грамматик шакл ҳосил қилиш усулларида фарқ қилишга кўра гуруҳларга ажратиш. Бу таснифга кўра тилларнинг қуйидаги турлари ажратилади: 1) а м о р ф т и л л а р *(қ); 2)* а г г л ю- т и н а т и в т и л л а р *(қ.);* 3) ф л е к т и в т и л л а р *(қ.)* 4) п о л и с и н т е т и к т и л л а р *(қ.)*. Яна *қ.* Аналитик тиллар, Синтетик тиллар.

ТИЛЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАСНИФИ — *айн.* Тилларнинг морфологик таснифи.

ТИЛЛАРНИНГ ЧАТИШУВИ. Узаро таъсир этувчи икки тилдан бирининг ғолиб чиқиши ва.иккинчи тилнинг эса ғолиб тилда бирор фонетик. лексик, синтактик излар қолдириши. Мае., кельт тили билан франк тили.

ТИЛЛАРНИНГ ШАЖАРАВИЙ ТАСНИФИ. Тилларни келиб чиқиш манбаининг бирлиги, умумийлигига кўра гуруҳларга ажратиш. Бундай умумий манбадан келиб чиққан тилларнинг катта гуруҳлари қариндош .тиллар оиласини ташкил этади. Мае., ҳинд-европа тиллари оиласи, мўғул тиллари оиласи, туркий тиллар оиласи ва б.

ТИЛЛАРНИНГ ҚАРИНДОШЛИГИ. Тилларнинг бир асос тилдан келиб чиққанлиги ва уларнинг фонетик, лексик ва грамматик қурилишида бир аоос тилдан келиб чиққанлигини кўрсатувчи умумийлнк, изчил мосликларНинг мавжудлиги.

ТИЛЛАР ОИЛАСИ. Узаро ўхшашликлари келиб чиқиш асо- сининг умумийлиги билан изоҳланадиган тиллар гуруҳи (тил шохобчаси): *Туркий тиллар оиласи.*

ТИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Нутқда турли мақсадларда тил воситаларининг потенциал хусусиятларидан фойдаланиш. *Қ.* Тилнинг нутқий алоқа вазифаси. Тилнинг эстетик вазифаси.

ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ. Тилдаги барча сўзлар мажмуи. Луғат таркибига асосий луғат фонди ҳам киради. *Қ.* Асосий луғат фонди.

ТИЛНИНТ НУТҚИЙ АЛОҚА ВАЗИФАСИ. Тилнинг алоқа- аралашув воситаси сифатидаги асосий вазифаси *Қ.* Тилнинг вазифалари. Тилнинг нутқий алоқа вазифасида икки ҳодиса фарқланади: 1) фикр о лишу в (а л оқа-а р а л а шу в) вазифаси; 2) хабар вазифаси (бирор мантиқий мазмунни етказиш вазифаси).

ТИЛНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ. Тилнинг ўз ички қонуниятлари ва нолисоний омиллар таъсирида ўзгариб бориши.

ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ВАЗИФАСИ — *айн.* Тилнинг астетик вазифаси.

ТИЛНИНГ ФИКР ОЛИШУВ ВАЗИФАСИ. Тилнинг асосий вазифаси. Тил жамоаси аъзоларининг ўзаро фикр олишувидан иборат нутқий алоқа вазифаси. *Қ.* Тилнинг нутқий алоқа вазифаси.

ТИЛНИНГ ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ. Тилнинг алоқа-арала- шувда турли ҳис-ҳаяжон, таъсирчанликни ифодалаш вазифаси.

ТИЛ ОЛДИ УНДОШЛАРИ. Тил олди қисмининг фаол иш- тирокида ҳосил бўладиган ундошлар. Мае., б, п, д, т ундош- лари.

ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАРИ. т ил олди қисмининг фаол ишти- рокида ҳосил бўладиган унлилар. Мае., и, э, а унлилари. *Қиёс.* Тил орқа унлилари.

ТИЛ ОРҚА УНДОШЛАРИ. Тил орқа қисмининг фаол ишти- рокида ҳосил бўлувчи ундошлар. Мае., к, г ундошлари.

ТИЛ ОРҚА УНЛИЛАРИ. Тил орқа қисмининг фаол ишти- рокида ҳосил бўладиган унлилар. Мае., о, ў унлилари. *Қиёс.* Тил олди унлилари.

ТИЛ САТҲЛАРИ. Тилни текширвш жараёнида, уни таҳлил этишнинг турли усулларада белгиланадиган қатламлари (қатор- лари). Тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонологик, морфологик, синтактик ва лексик сатҳлар фарқланади.

ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЧКИ ҚОНУНЛАРИ. Тилнинг ўз табиати асосида (ўз моҳиятидан) келиб Чиқадиган тараққиёт жараёнларини ифодаловчи қонунлар. Жуда кўп тиллар учуй умумий бўлган қоиунлар (мае., луғат таркибининг тез, грамматик қурилишининг аста-секин ўзгариши ва б.) билан бирга айрим тилларнинг ўзига хос ички ривожланнш қонунлари бўлади. Мае., ўзбек тилида сингармонизмнинг йўқолиши, бунинг натижасида унлилар сонининг камайиши; *-лар* аффикси вазифа доі- расининг кенгайиши, сўз бирикмалари тузилишида янги тур- ларнинг пайдо бўлиши ва х.

ТИЛ УНДОШЛАРИ. Нутқ аъзоларидан тилнинг фаол ишти- роки билан ҳосил бўладиган ундошлар. Ҳосил бўлишида тилнинг қайси қисми фаол иштирок этишига кўра ундошларнинг тўрт тури фарқланади: 1) тил о лди у ндошлари (>{.); 2) тил орқа ундошлари (қ.); 3) тил ўрта ундоши *(қ.);* 4) ч у қ у р тил орқа ундошлари (ф). <

ТИЛ УСЛУБЛАРИ - *қ.* Услуб 1.

ТИЛ ШОХОБЧАЛАРИ. Генетик жиҳатдан яқинлик белги- ларига эга бўлган тил оилаларининг ички гуруҳлари, шу оила ичидаги тил гуруҳлари. Мае., ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи ҳинд тили, славян тили шохобчалари.

ТИЛШУНОСЛ И К. Тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи ҳақидаги; муайян тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонунлари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва ш. к.га кўра тилшуносликнинг бир неча йўналишлари (соҳалари) бор: у мумий тил- шуносл ик *(қ.);* а малий т илшуносл ик *(қ.);* ҳусу- ей ий т илшуносл ик *(қ.)* с труктурал лингвистика *(қ-);* м атематик лингвистика *(қ.)* ва б.

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ. Умумий тилшуносликнинг тил ҳақида дастлабки маълумот берувчи, тилшуносликда қўллана диган асосий илмий термин ва тушунчалар билан таништирув чи, тилшуносликнинг асосий қисмларини ва хусусий тилшунос-ликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий аоос берадиган қисми.

ТИЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ — *қ.* Тилнинг тадрижий тараққиёти.

ТИЛЬДА (*исп.* Ш<1е— ҳарф устига қўйиладиган белги). Тўлқинсимон кичик чизиқдан иборат диакритик белги (~). Бу белги лингвистик транскрипцияда турли маъноларда, жум- ладаи, луғатларда қайтарилувчи сўз ёки унинг қиши ўрнида қўлланади.

ТИЛ ЯРУСЛАРИ — қ. Тил сатҳлари.

ТИЛ УРТА УНДОШИ. Тил ўрта қисмининг фаол иштироки- да ҳосил бўладиган й ундоши.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ. Бирор тилнинг умумий график ти- зимида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи ва ёзма нутқда ҳарф- лар ёки бошқа ёзув ифодалари билан бериб (ифодалаб) бўл- майдиган томонларни (нутқнинг синтактик қурилиши ва маз- мунаи қисмларга бўлиниашши) ифодалаш учун хизмат қилувчи белгилар. Тиниш белгилари қуйидагилардан иборат: н у қт а (қ.); сўроқ белгиси (/{.); ундов белгиси *(қ.);* ну қта- ливер гул (/$.); кўп нуқта (/{.); вер гул (?{.); икки нуқ- та *(қ.)* тире *(қ.)* қавс *(қ.)* қўштирноқ *(қ.).*

ТИПОЛОГИЯ *(юн.* 1уроз — из, шакл, намуна-(-1о§оз — таъ^ лпмог. 1. Тнлшуносликнинг тилларни типологик тасниф қилиш принципи ва усулларини ўрганувчи бўлими.

2. Тил бирликларини бирон умумий белгиси асосида тасниф қилиш.

ТИРЕ *(фран.* 1ке1 — чизиқча, Игег^тортиш, узайтириш). Дефисга ниобатан узунроқ чизиқ билан ифодаланадиган тиниш белгиси (—). Бу белги гаплар, қўшма гап қисмлари, гап . бўлаклари орасидаги синтактик муносабатларни кўрсатиш учун ишлатилади: *Поёнсиз пахта далаларининг ҳусни ва баракати, сўлим боғларнинг шарбати ва гулларнинг минг товланган ранг- лари—барчаси сув туфайли* (Ойбек). *Қўшнинг тинч — сен тинч.*

— Кеча қаёрга бординг?

— *Кинога* ва б.

ТИТРОҚ УНДОШ. Тил учвнинг юқори милкка тегиб-тегмай титраши натижасида ҳосил бўладиган р ундоши.

ТОБЕ АЛОҚА. Синтактик жиҳатдан бири иккинчисига бўй- сунадиган, бири иккинчисига тобе бўлган бирликлар орасидаги алоқа. Тобе алоқада бир компонент иккинчисига нисбатан тобе, иккинчиси эса унга нисбатан ҳоким вазиятда бўлади. Мае., аниқловчи — аниқланмиш, тўлдирувчи — кесим, эга — кесим алоқа лари тобе алоқадир: *гўзал ҳаёт, ҳунарни севмоқ, далалар яшнамоқда* каби. Эга — кесим муносабатида ҳоким компонент, қолган типдати бирикувларда эса тобе компонент олдин келади. Тобе алоқанинг уч хил тури бор: 1) бошқарув алоқаси (/$.); 2) мос лашув алоқаси (к.); 3) битишув алоқа,- си *(қ.)*. Қўшма гапларда тобе алоқа эргаш гап билан бош гап ўртасида мавжуд. *Қиёс.* Тенг алоқа.

ТОБЕ АЛОҚАЛИ ТУЗИЛМА. Гапларнинг ўзаро эргашти- рувчи воситалар ёрдамида тобеланиши.

ТОБЕ БЎЛАК. Сўз бирикмасининг тобе қиСми *(қ.)*. Мае., *эртага ҳашарга чиқмоқ* бирикмасида *эртага, ҳашарга* сўзлари тобе бўлак. *Зид.* Ҳоким бўлак.

ТОБЕ ГАП — *айн.* Эргаш гап.

ТОБЕДОШ АЛОҚА. Бир-бирига нисбатан ҳоким-тОбелик ҳо- латидаги синтактик алоқа. Бу ҳодиса тобе алоқанинг бир тури ҳисобланади. Узбек тилидаги қаратқич-қаралмиш муносабаТи- даги алоқа тобедош алоқа ҳисобланади: *студентнинг жавоби, шаҳарнинг кўрки, сенинг маслаҳатинг* каби.

ТОБЕЛАНИШ. Тобе синтактик муносабатда бўлиш; сўз бирикмаси ёки гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро тенг бўлмаган, синтактик жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунувчи муносабати. *Қ.* Тобе алоқа. *Қиёс.* Тенгланиш.

ТОБЕЛИК. Узаро алоқа (боғланиш)да бошқа компонентга нисбатан тобе вазият. Мае., *яшил дала, чаққон ҳаракат қилмоқ* 'бирикмаларида *яшил* ва *чаққон* сўзларининг ҳолати. *қ.* Тобе сўз. *Қиёс.* Ҳокимлик.

ТОБЕ СЎЗ. Сўз бирикмаси да синтактик жиҳатдан бошқа сўзга тобе вазиятдаги сўз. Мае., *ширин мева, ўрнидан турмоқ* бирикмаларида *ширин* ва *ўрнидан* сўзлари тобе сўз ҳисобланади. *Қиёс.* Ҳоким сўз.

ТОБЕ ҚИСМ. Узаро алоқа (боғланиш)да синтактик жиҳатдан тобе бўлган, бошқа (ҳоким) қисмнинг маъноси (мазмуни) - ни турли нуқтаи назардан аниқлайдиган, тўлдирадиган, изоҳ- лайдиган қисм: тобе сўз, тобе бўлак, эргаш гап. *Зид.* Ҳоким қисм.

ТОВУШ — *қ.* Нутқ товуши.

ТОВУШ БАЛАНДЛИГИ. Товушнинг ун пайчаларининг тебраниш частотаси билан белгиланадиган сифати: маълум вақт ўлчовида тебраниш қанча кўп бўлса, товуш шунча баланд ва, аксинча, тебраниш қанча оз бўлса, товуш шунча паст бўлади.

ТОВУШГА ТАҚЛИД НАЗАРИЯСИ. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимти назариялардан бири. Бу назарияга кўра, инсон табиатдаги турли товушларга тақлид қилган ва шу йўл билан тил пайдо бўлган.

ТОВУШГА ТАҚЛИД СЎЗ. Инсон, ҳайвон ва бошқа нарса- лар товушини тақлидан ифодаловчи сўз: *гумбур, ғийқ, мў, инга- инга* каби. *қ.* Тақлид сўз. *Қиёс.* Образга тақлид сўз.

ТОВУШ КУЧИ. Товуш тўлқинининг амплитудасига, яъни юқори кўтарилиш нуқтаси ва қуйи тушиш нуқтаси оралиғига боғлиқ бўлган сифати: тебраниш кенглиги қанча катта бўлса, товуШ ҳам шунча кучли бўлади.

ТОВУШЛАРНИНГ АЛМАШИНУВИ. Морфема ифода пла- нидаги айни бир товушнинг турли ҳолатларда бошқа товуш билан алмашинуви: *онг-англа, юрак-юраги* каби.

ТОВУШЛАРНИНГ КОМБИНАТОР УЗГАРИШИ. Позицион товуш ўзгаришининг товушларнинг ўзаро таъсири натижасида юз берадиган тури. *Қ.* Ассимиляция. Метатеза. Диссимиляция.

ТОВУШЛАРНИНГ МИҚДОР УЗГАРИШИ. Чўзиқлик жиҳатдан бўладиган товуш ўзгариши.

ТОВУШЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН УЗГАРИШИ. Айрим фонетик шароитлар (ёндош товушларнинг таъсири, сўз бошидаги ёки охиридаги ҳолат) туфайли юз берадиган товуш ўзгариши: *бирта>битта (рт>тт), тилакга>тилакка (кг>кк)* каби.

ТОВУШЛАРНИНГ СИФАТИЙ УЗГАРИШИ. Товушнинг тембрига, унинг артикуляцион ва акустик характеристикасига таъсир этадиган фонетик ўзгариш. Мае., жаранглилашиш, жа- рангсизлашиш ва б.

ТОВУШЛАРНИНГ СПОНТАН УЗГАРИШИ *(лот.* 8роп*а- пиз — ўз-ўзича). Товушларнинг бирор фонетик позиция таъси- рила эмас, балки бошқача сабаб билан воқе бўладиган ўзга- риши: *хардор* (ад.-орф. *харидор). Қиёс.* Товуш ўзгариши.

ТОВУШ ОРТТИРИЛИШИ. Фонетик ёки морфологик шарт- шароитлар таъсири билан сўзда янги (аввал бўлмаган) товуш- иинг пайдо бўлиши: иси — иссиқ, ачи— аччиқ, дойр — дойир/ ;>,!алламоқ (эга+ла) каби. Товуш орттирилиши кўпроқ ўзлашма сўзларнинг оғзаки талаффузида учрайди: қоида — қойида, осон — онсон, фикр — фиқир, ҳукм — ҳукум каби: Шундан кейин тахтга ўтирган ёш амир Музаффархон Шаҳрисабз устига я й г и т д а н босқин қилади (Ш. Холмирзаев). Келгандан кейин эса эгасининг этагига суркала-суркала эркаланарди-да, яна б о я г инд а й аста юриб чиқиб кетарди (Ж- Абдулл ахонов). Қ. Протеза. Эпентеза.

ТОВУШ ПАЙЧАЛАРИ— *айн.* Ун пайчалари.

ТОВУШ ТЕМБРИ. Товушнинг асосий тонига қўшиладиган ёрдамчи тон — обертонЛарга боғлиқ ҳолда юзага келадиган ўзига хос сифати-

ТОВУШ ТИЛИ. Эшитиш билан қабул этиладиган тил. *Қиёс.* Имо-ишора тили.

ТОВУШ ТУШИШИ. Сўзнинг ўзида, сўз ясалиши ва шакл ясалишида маълум фонетик шароит (сабаб) билан унли ёки ун- дошнинг талаффуз этилмаслиги. Мае., *ке* (<кел), *дўс (<с.дўст), хурсан* (<Схурсанд), *оғзи (<Соғиз + и), биларкан (<билар экан*) каби. *Қ.* Апокопа. Синкопа. Диереза. Элизия.

ТОВУШ ЧУЗИҚЛИГИ. Товуш тўлқини тебранишининг да- вомдилиги. *қ.* Чўзиқ унли.

ТОВУШ УЗГАРИШИ — *айн.* Фонетик ўзгариш.

ТОВУШ ҚОБИҒИ. Сўзнинг ташқи томони (шакл плани).

ТОВУШ ҚОНУНЛАРИ — *қ.* Фонетик қонун.

ТОН *(юн.* 1опоз — таранглашиш, урилиш; урғу). Товушнинг таранглашган ун пайчаларининг бир маромда тебраниш часто- таси билан белгиланадиган сифати.

ТОНЕМА. Овоз тонининг баландлиги тил бирликларини фарқлаш учун хизмат қилувчи ҳодиса сифатида.

ТОПОНИМИКА *(юн.* к>роз — жой+опуша — ном). 1. Лек- сикологиянинг жой номларини ўрганувчи бўлими.

2. Маълум бир ҳудуддаги жой номлари мажмуи.

ТОПОНИМИЯ — *айн.* Топонимика 1.

ТОР УНЛИ. Тил юқорига кўтарилиб, оғиз бўшлиғи (тор) очилиши билан ҳосил бўладиган унли. Узбек тилида и в а у унлилари тор унлилардир. *Қиёс.* Юқори кўтарилиш унлилари.

ТРАДИЦИОН ЛИНГВИСТИКА — *қ.* Анъанавий тилшунослик.

ТРАНСКРИПЦИЯ *(лот.* 1гапзспр{ю — кўчириб ёзув).

1. Узга тил сўзи таркибидаги товушни она тилн алифбоси асосида ёзиш.

2. *айн.* Фонетик транскрипция.

/ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ *(лот.* 1гапб — орқали+Шега— ҳарф). Бир тил алифбосйга оид матнни бошқа бир тил алифбоси^ан фойдаланиб, ёзувда аниқ акс эттириш. Бунда ўз тилида талаффуз қилинмайди^ан ёки ўзича талаффуз қилинадиган товушнинг ҳарфи ўзича сақланади.

ТРАНСПОЗИЦИЯ *(лот.* {гапзрозШо— ўрин алмаштирикп). Грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада қўлланиши. Мае., бир туркум сўзининг матнда бошқа туркум сўзи каби қўлланиши. *Қиёс.* Конверсия.

ТРАНСФОРМ. Трансформация натижасида ҳосил бўлган тузилма. Мае., аниқ тузилманнг ўзгариши билан ҳосил бўлган мажҳул тузилма. *Қ.* Трансформация.

ТРАНСФОРМАЦИОН ТАҲЛИЛ. Турли-туман синтактик тузилмаларни қайта тузиб, содда (оддий, ядровий) тузилмалар- га келтириш қоидалари ва усули.

ТРАНСФОРМАЦИЯ *(лот.* ЧгапзГогшаНо — қайта тузмоқ). Асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўз- гартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш. Мае., аниқ туз'нл- манинг мажҳул тузилмага айлантирилиши: *Қизча шеърни уқи- ди—Шеър қизча томонидан ўқилди* каби.

ТРОП *(юн.* Ъгороз — кўчирма оборот, киноя)—*қ.* Кўчим.

ТУБ АСОС. Морфемаларга бўлинмайдиган (ясалмаган) асос. Мае., *сувчи, дарахтзор, кечаги* сўзларининг *сув, дарахт, кеча* қисми. *қ.* Асос. *Қиёс.* Ясама асос.

ТУБ СЎЗ. Ясовчи қисмларга ажралмайдиган сўз: *тош, нон, ош, тарих*, *ол, яхши, кеча, мен* ва б. *Қиёс.* Ясама сўз.

ТУЗИЛИШ. Тилнинг ёки-айрим тил бирликларининг (сўзлар, гаплар ва ҳ.) қурилиш тарҳи: *Гапнинг тузилиши. Семантик тузилиш. Сўз ясалиш тузилиши.*

ТУЗИЛМА. Тил бирликларининг нутқда грамматик хусусиятлари асосида ўзаро бирикиши билан ташкил топган синтактик бутунлик: *Кўмакчили тузилма. Кўчирма гапли тузилма.*

ТУРДОШ ОТ. Бир турдаги предметларнинг умумий номи бўлиб хизмат қиладиган от: *тош, гул, қовун, дарахт, ғалла* ва б. *Қиёс.* Атоқли от.

ТУРЛАНИШ. Отнинг келишик шакллари билан ўзгариши: *китоб — китобнинг — китобни — китобга — китобда — китоб- дан* каби.

ТУРЛОВЧИ АФФИКСЛАР. Келишик шаклларини ҳосил қилувчи аффикслар: *-ни* (дўстни), *-нинг* (дўстнинг), *-га (дўст- га), -да (дўстда), -дан (дўстдан). Қ.* Турланиш.

ТУРҒУН СЎЗ БИРИКМАСИ — *қ.* Сўзларнинг тургун бирикмаси.

ТУРҒУН УРҒУ. Сўзнинг маълум қисмидаги бўғинга туша- диган урғу. Мае., ўзбек тилида урғу одатда сўзнинг охиридаги бўғинга тушади. *Қиёс.* Эркин урғу.

ТУС КАТЕГОРИЯСИ. Феълларга хос грамматик категория бўлиб, ҳаракатнинг бажарилшпи маълум замон доирасиДа чек- лжиим.тк бки чекланмаганлик хусусиятини билдиради. Ўзбек тилида феълнинг бундай категорияси йўқ. Рус тилида туе (вид) категориясининг тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) турлари бор.

ТУСЛАНИШ. Феълнинг шахс-сон шаклларида ўзгариши: ўқинпман, ўқияпсан, ўщяпти(лар); шарт майлининг тусланиш шакли: келсам, келсанг, келса, келсак, келсангиз, келса(лар) ва ҳ.

ТУСЛАНИШЛИ ФЕЪЛ — *қ.* Феълнинг тусланишли шакли.

ТУСЛАНИШСИЗ ФЕЪЛ — *Қ.* Феълнинг тусланишсиз шакли.

ТУСЛОВЧИ АФФИКСЛАР (тусловчилар). Феълнинг шахс- сон шаклларинЦ ҳосил қилувчи аффикслар. *қ.* Тусланиш.

ТУШУМ КЕЛИШИГИ. Ҳаракат йўналган объектни (ҳаракат объектини) билдирувчи келишик. Бу келишик шакли *-ни* аффикси ёрдамида ясалади: *рубобни, китобни, ерни* каби. Ту- шу.м келишигадаги от белгили ёки белгисиз ҳолатда бўлиши мумкин: *Кеча китоб ўқидим* (белгисиз) — *Китобни кеча ўқидим* (белгили). Бу келишик шаклидаги сўз гапда воситасиз тўлдирувчи *(қУ)* вазифасида келади.

ТУЛДИРИЛМИШ. Бирикманинг тўлдирувчи тобе бўлган (ҳоким) қисми.

ТУЛДИРУВЧИ. Уз ҳоким сўзига бошқарув йўли билан боғ- ланиб, бу сўз англатган ҳаракат, предмет, белгига нисбатан объект бўлиб келадиган бўлак. Ҳаракат билан объект орасидаги муносабатнннг турига кўра тўлдирувчилар икки асосий турга бўлинади: 1) воситали тўлдирувчи *(қ.);* 2) воситасиз тўлдирувчи (?{.).

ТУЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАП. Бош гапнинг олмош билан ифодаланган ёки назарда тутилган (қўдланмаган) тўлдирувчи- сини изоҳлайдиган, бош гап кесимини тўлдирадиган эргаш гап: *...сиз шуни яхши билингки, сизнинг жуда кўп самимий дўстларингиз бор* (А. МуХтор).

ТУЛИҚ АССИМИЛЯЦИЯ. Сўзда бир товуш бошқа товушни ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам акустика- си жиҳатидан бир хил қилиб олиши. Мае., *бир+та>битта, тус- сиз<стузсиз каби. Қиёс.* Тўлиқсиз ассимиляция.

ТУЛИҚ ГАП. Матн ва нутқ шароитисиз ҳам фикрнинг тўла (аниқ) ифодаланиш имкониятини берадиган бўлаклари мавжуд бўлган гап: *Чиндан ҳам табиат жуда сокин, чиройли эди* (У. Ус- монов). *Қадим-қадимдан авлодларга боғ мерос қолдириш анъанавий одат бўлиб келган* (Д. Нурий).'.Қиёс. Тўлиқсиз гап.

ТУЛИҚСИЗ АССИМИЛЯЦИЯ. Сўзда бир товушнинг иккин- чисини артикуляция ўрнига кўра >.(сунбул>сумбул) ё артикуляция усулига кўра (йўқса>йўхса), ёки акустикасига кўра (кетган>,кеткан) бир хил қилиб олиши. ТУЛИҚСИЗ ГАП. Грамматик тузилиши ёки таркиби нуқтаи назаридан тўлиқ бўлмаган (таркибида бир ёки бир неча бўлаклари иштирок этмаган), лекин *ўу* нотўлиқлик нутқий матн ёки вазият (шароит)дан аниқ сезилиб турадиган гап: *Канал. Катта канал. Утган йили чиқардик* (А. Қаххор). *О лам қу~ ёш билан* ёруғ — *одам илм билан* (Мақол). *Қиёс.* Тўлиқ гап.

ТУЛИҚСИЗ ФЕЪЛ. Луғавий маъносини тамомила йўқот- ган, ҳозирги ўзбек тилида .маълум бир грамматик маъно ва вазифа лар да қўлланувчи феъл: *эди, экан, эмиш: Нима бўларди, Хўжа Али эди, Алихўжа бўлади-да!* (Н. Сафаров). *Бу бир ға~риб мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан...* (С. Айний).

ТУСИҚСИЗЛИҚ ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг рўй беришига тў- оиқ бўла олмайдиган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи ҳол: *...кун- нинг иссиғига қарамай Шербек культивация қиларди.*

ТУСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП. Мазмуни бош гапнинг мазмунига зид !бўлса ҳам, бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳодисанинг юз беришига тўсиқ бўлмайдиган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи 'эргаш гап: *Кумушбиби уни боя йўл устида йи-. гитлар орасида қурган бўлса ҳам, бироқ даҳ- шат ичида ўрдага қараб югурган эди* (А. Қодирий). *Олим- жон узоқда бўлса ҳам, фикри-зикри Ойқизда, Олтин- сойда бўларди* (Ш. Рашидов).

ТУХТАМ. Турли мақсад' ва вазифа билан нутқ оқимининг тўхташи, узилиши; пауза.

ТУҒРИ-МАЪНО. Воқелик билан бевосита боғланадиган, уни бевосита ^аНглатиш хусусиятига эга бўлган маъно. Мае., *қоплон* сўзининг бош маъноси. *Қиёс.* Кучма маъно.

ТУҒР,И. ТАРТИБ. Синтактик тузилма қисмларинияг (гап бўлакларининг, қўшма гап предикатив қисмларининг ва ҳ.) маълум қонун-қоидалар адасида одатдагича жойлашуви. Мае., ўзбек тилида аниқловчининг аниқланмишдан, эганинг кесимдан олдин жойлашуви тўғри тартиб ҳисобланади: *Баҳаво ерлар. Агроном топШирди* каби. *Қиёс.* Тескари тартиб.

УВУЛЯР УНДОШ (лог. шги1а — кичик тил). Ҳосил бўлишида кичик тил фаОл иштирок этадиган ундошлар.

1УЗУАЛ МАЪНО (лоТ; йзиз — одат, қоида). Сўзда луғавий сифатида бор, умум томонидан қабул этилган, умум қўлланиш- даги маъно. Мае., *бош* сўзининг «тананинг бўйиндан юқори қисми», «йбошлиқ», «раҳбар» маънолари; *катта* сўзининг «ҳажм, ўлчами нисбатан ортиқ, улкан», «ёш жиҳатдан ортиқ» маънолари узуал маънолардир. *Қиёс.* Окказионал маъно.

УЗУС *(лот.* йзиз —од ат, қоида). Сўзшакд, фразеологизм, тузилма ма ш. к.!гипг тил эгалари томонидан тўғри ва мақбул деб топилган қўлланиши.

УМЛАУТ *(нем.* 11т1аи1;— унлини алмаштириш). Сўздаги унлиларнинг грамматик шакл ясаш воситаси сифатида алма- ШИНуви. Бу ҳодиса, мае., немис тилида а, о, у унлиларйнинг юмшашида кўринади. Узбек тилининг айрим шеваларида, мае., Наманган вилоятидаги шеваларида умлаут ҳодисаси уч- райди.

УМУМ ЗАМОН (УМУМИЙ ЗАМОН). Ҳаракатнинг заМон нуқтаи назаридан, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонга нисбатан умумий тарзда бўлиши. Бунда ҳаракатнинг бажарилиши бирор замон (ўтган, ҳозирги ёки келаси замон) билан чегара- ланмайди. Узбек тилида бу маъно ҳозирги-келаеи замон шакли ррқали ифодаланади: *севади, сезилмайди* каби: *Қўрщанга қуша кўринади* (Мақол). *Тентак тўрини бермайди* (Мақол). *Қинғир иш қирқ йилда ҳам бил ин ад и* (У. Усмонов). *Қ.* Ҳозирги-келаеи замон феъли.

УМУМИЙ КАТЕГОРИАЛ МАЪНО — *қ.* Категориал маъно.

УМУМИЙ ЛУҒАТ. Сўзлигида адабий тилнинг барча кўри- нишларига оид ҳамма лексик қатламлар акс этадиган луғат. Бундай луғатларнинг номида бирон жиҳатдан чегараланишни кўрсатувчи сўзлар бўлмайди. Улар ўз вазифасига (мақсадига) кўра номланади: *русча-ўзбекча луғат, изоҳли луғат, имло луғати* ва б. *Қиёс.* Махсус луғат.

УМУМИЙ СЕМА. Бир семантик' майдондаги семемаларйинг туташтирувчи семаси. Мае., *новча, бақалоқ, чўзиқ* кабилардаги «меъёр» семаси; *чопмоқ, оқмоқ, сакрамоқ* кабилардаги «ҳара- кат» семаси.

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг, хусусий тил- шуносликдая фарқли ҳолда, тилни умуман иноонга ҳос ҳодиса сифатида ўрганувчи бўлими. Умумий тилшуносликнинг асосий вазифаси дунё тилларига хос энг умумий белги-хусусиятларни аниқлаш ва ёритишдир. *Қ.* Тилшуносликка кириш. *Қиёс.* Хусусий тилшунослик.

УМУМИЙ ФОНЕТИКА. Тилшуносликнинг турли тиллар материали 'асосида нутқ товушларининг ҳосил бўлиши, урғунинг табиати, бўғин тузилиши, тил товуш томонининг грамматик тизимига муносабати каби умумназарий маеалаларни ўрганувчи бўлими.

УМУМЛАШТИРУВЧИ БУЛАК. Уюшиқ бўлаклар учун умумий бўлган тушунчани ифодаловчи, уларни умумлаштирувчи бўлак (сўз ёки сўз бирикмаси): *Ҳамма нарса: жонли, жонсиз уйқуда* (Саид Аҳмад)*: Тўрт отлиқ: Ботирали, Бў- ронбек, Қамчи, Утап араваларни кузатиб бордилар* (Ҳ. Ғулом).

УМУМЛАШТИРУВЧИ СЎЗ — *қ.* Умумлаштирувчи бўлак.

УНДАЛМА. Сўзловчининг нутқи қаратилган бошқа бир шахеёки дредметни билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. Ундалмд гап бўлаклари билан грамматик алоқада бўлмайди. Бу вазифада киши номлари, кишиларнинг лавозими, унвони, қариндошлиги ва ш. к.ларни билдирувчи атамалар, географик номлар ва б, келади: *Хуш, Те мир Мардонов, бу гапга сиз нима дейсиз?* (Яшин). *Ур тоқ раис, менинг ёшим сизбан беш ёш кичик.*

УНДАШ ГАИ. Бош бўлаги ёки гапнинг ўзи шахе номи билан; ифодаланган ундалма-гап. Бундай гапларни қўллаш орқалқ сўзловчи нутқ қаратилган шахски аташ (чақириш) билан бирга,, шодлик, ғазаб, дўқ, пичинг, ўпкалаш каби маъноларни ҳавд ифо- далайди: *Мадумар, Мадумар қаллоб! Чиқ бу ёққа* (М. Исмоилий). *Гула сал, Гулим!* (К. Яшин). *Маҳмуд* Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!* (А. Қодирий).

УНДОВ. Ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, ҳайдаш, чақириш каби- .маъноларни билдирувчи, гап бўлаклари билап грамматик боғ- ланмайдиган сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз: *оҳ, вой, бе, ҳай-ҳай, ура, ҳай, беҳ-беҳ* кабилар. Ундовлар асосий хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) эмоционад ундов (к.); 2) буйруқ-х-итобундовлари (^.).

УНДОВ БЕЛГИСИ. Бу тиниш белгиси (!) асосан қуйидаги ҳолларда қўйилади: 1) ундов гаплар охирида: *Унсин учун, бе- чора қиз учун бу қандай фалокат, бу қандай мудхиш мотам!* (Ойбек); 2) буйруқ гаплар охирида: *Онангни қўлингда тутсанг, сйнглингни бошингда тут!* (Ойбек); 3) гап бошида келиб, ҳис- ҳаяжон билан айтилган ундалмалардан сўнг: *Жамила! Бас, тур ўрнингдан!* (Ҳ. Ҳакимзода).

УНДОВ ГАП. Фикр билан бирга сўзловчининг воқеликка бўлган турлича эмоционал муносабатини, ички ҳис-ҳаяжонини ифодаловчи гап. Ундов гаплар ўзига хос конструктив унсурларт, га, мае., ўзига хос ундовлар, олмошлар, ундов оҳанги кабиларга эга бўлади: *Эркимиз, озодлигимиз йўқолмасин* (Ҳ. Ғулом)., *Кечки салқин тушиши билан бошланган шабадада боғни кезиш нақадар нашъали! О, нақадар юракка яқин ва қимматли ажойиб ўлка!..* (З. Фатхуллин).

УНДОВЛАР НАЗАРИЯСИ. Тилнинг пайдо бўлиши тўғри-- сидаги қадимги назариялардан бири бўлиб, бу назарияга кўра, тил ғайриихтиёрий эмоционал қичқириқлар асосида пайдо бўлган.

УНДОШЛАРНИНГ ЖАРАНГЛИ ЛАЩУ В И. Маълум фоне* тик сабабга кўра, жарангсиз ундошнинг ўзи билан жуфтлик ҳЬт сил қилувчи жарангли ундошга

алмашиниши. Мае., к нинг г га ўтиши; *юраги (юрак+и);* қ нинг ғ га ўтиши: *қишлоғимиз (қишт лоқ+имиз)* каби. *Қиёс.* Ундошларнинг жарангсизлашуви.

УНДОШЛАРНИНГ ЖАРАНГСИЗЛАШУВИ. Маълум фоне- тик сабабга кўра, жарангли ундошнинг ўзи билан жуфтлик ҳосил қилувчи жарангсиз ундошга алмашиниши. Мае., б ундопиь нинг *китоб, бориб* каби сўзларда п талаффуз этилиши *(китоп< борип);* жарангли д ундошининг т га айланиши: *дот (дод), март (мард)* каби. *Қиёс.* Ундошларнинг жаранглилашуви.

УНДОШЛАРНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ. Палатализадиянинг йўқлигндан товуш тембрнинг юмшоқ ундошлардагига нисбатан анча настлиги.

УНДОШЛАР ТИЗИМИ. Тилнинг ундош товушлар мажмуи, уларнинг хусусият ва муносабатлари.

УНДОШ ТОВУШ. Оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шов- қиндан иборат товуш. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сир- ғалиб ёки портлаб чиқади. Бу ҳаво оқими ун пайчаларини тит- ратиб ёки титратмай ўтади ва ҳ. Ана шулар натижасида турли жиҳатдан бир-биридан фарқли ундош товушлар ҳосил бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундошлар 25 та: б, в, г, д, ж, қо- ришиқ ж, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, Х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.

Ундош фонемалар қуйидаги нуқтаи назарлардан тасниф қилинади: 1) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра; 2) ҳосил бўлиш ўрнига (нутқ аъзоларининг иштирокига) кўра; 3) ҳооил бўлиш усулига кўра; 4) палатализацияга кўра.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундош икки асосий турга бўлинади: 1) сонорлар — *қ.* Сонор ундош; 2) шов- қинлилар — *қ.* Шовқинли ундошлар.

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра ундошлар учга бўлинади: 1) лабундошлари *(қ.);* 2) тил ундошлари (қ.)\ 3) бўғиз ундоши *(қ.).*

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар тўртга бўлинади:

1) порт ловчилар *(қ.* портловчи ундош); 2) сирғалув- чилар *(қ.* сирғалувчи ундошлар); 3) титроқтовуш *(Қ-)',*
4) аффриката *(%■)■*

УНЛИЛАРАРО УНДОШ. Икки унли орасида келган ундош: *ота, она* каби.

УНЛИЛАР ГАРМОНИЯСИ — *айн.* Сингармонизм.

УНЛИЛАР ТИЗИМИ. Тилнинг унли товушлар мажмуи, уларнинг хусусият ва муносабатлари.

УНЛИ ТОВУШ. Оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учра- май ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товуш. Узбек адабий тилида 6 та унли фонема бор: и, э, а, о, у, у, Унлилар дастлаб тилнинг ҳаракати ва лабнинг ҳолати (иштироки) нуқтаи назаридан турларга ажратилади. Тилнинг ҳаракатида икки ҳодиса фарқланади:

1) тилнинг ётиқ (ёнлама) ҳаракати; 2) тилнинг тик ҳаракати. Тилнинг ётиқ (ёнлама) ҳаракатида хрсил бўлиш ўрнига кўра унлилар икки турга бўлинади: 1) тил олди ёки олд қатор унлилари (/?.); 2) тил орқа ёки орқа қатор.уили- лари *(қ.).*

Тилнинг тик ҳаракатига кўра унлилар уч турга бўлинади: юқори кўтарилиш унлилари *(қ.);* 2) ўрта кўтарилиш унлилари *(қ.);* 3) қуйи (паст) кў- тарилиш уйлилари *(қ.).*

Лабнинг ҳолати (иштдроки) га кўра унлилар иккига бўлинади: 1) лабламган унлилар *(қ.)* 2) лабланмагав унлилар *(қ.).*

Ҳосил бўлишида оғиз бўшлиғининг кенг ёки тор бўлишига қараб унлилар уч турга бўлинади: 1) кенг унли (%.);

1) ўрта (ўрта-кенг) унлилар (^.); 3) тор унлилар (/?.).

Товушнинг ҳосил бўлишида кетадиган вақтнинг миқдорнга кўра унлилар икки турга бўлинади: 1) чўзиқ унли *(қ.);*
2) қисқа унли *(ц.).*

УН ПАЙЧАЛАРИ. Бўғизда горизонтал (кўндаланг) тортил- ган икки эластик мускуллар боғлами. Ун пайчалари эластик бўлиб, узайиши ёки қисқариши, шунингдек, таранглашиши ёки бўшашиши мумкин. Ун пайчаларининг титраши натижасида овоз ҳосил бўлади.

УНУМЛИ АФФИКСЛАР —/$. Маҳсулли аффикслар.

УНУМСИЗ АФФИКСЛАР—*қ.* Маҳсулсиз аффикслар.

УРҒУ. Турли фонетик воситалар (мае., овозни кучайтириш) орқали бўғин ёки сўэви ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) сўз урғуси (/{.); 2) фраза урғуси (^.). Акус* тик-артикуляцион хусусиягига кўра урғунинг икки тури фарқланади: 1) экспиратор урғу (»$.);. 2) мусиқий урғу *(Қ-)*

Кўп бўғинли сўзларда, бош урғудан ташқари, иккинчи даражали урғу ҳам бўлади.

УРҒУЛИ УНЛИ. Сўздаги урғу тушган унли.

УРҒУСИЗ БУҒИН. Урғу тушмаган (урғу олмаган) бўғин.

УРҒУСИЗ УНЛИЛАР. Урғули бўғин олди ёки кетидаги, турли даражадаги редукция билан талаффуз этиладиган унлилар.

УСЛУБ. 1. Тил унсурларянинг маълум вазифа бажаришига боғлиқ ҳолда бирлашадиган, тил бирликларининг ўзаро танла- ниши, бирикиши ва ш. к. билан ажралиб турувчи тизимлар; *Тил услублари. Функционал услублар.*

2. Тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун хос бўлган усуллари мажмуи: *Ойбек услуби. Фельетонлар услуби.*

3. Тил воситаларининг экспрессив-услубий белги асосида танланиши (сайланиши);

нуткнинг сўз қўллаш ва синтаксис меъёрларига мос ҳолда тузилиши: *Расмий услуб. Китобий услуб. Оддий услуб. Академик услуб.*

УСЛУБИЙ БЕЛГИ. Тил бирлигининг услубий жиҳатдаш ўзига хослигйни кўрсатувчи белги-аломати.

УСЛУБИЙ БУЕҚ. Сўзнинг луғавий маъносига услубий жиҳатдан қўшимча тарздаги маъно нозиклиги. Мае., *дўндирмоқ* сўзининг *бажармоқ* сўзидан, *кетворган* сўзининг *келишган сў-*зндан фарқли маъно нозиклиги шу сўзларга хос услубий бўёқдир.

УСЛУБИЙ МЕЪЁР. Услубий талабларга :мос ҳолда, аффикс танлашни, сўзларни ўзаро боғлашни белгиловчи меъёр. Мае., *ўқимоқда, ўқияжак* каби шакл ясалиши умумнуткда эмас, балки расмий нуткдагина ўринли бўлади.

УСЛУБИЙ СИНОНИМЛАР. Маълум бир услубга оидлиги, услубий бўёғи билан ўзаро фарқланадиган синонимлар. Мае., *нур, ёғду, зиё* синоним лари. *Қиёс.* Идеографик синонимлар.

УСЛУБИЙ ТАҲЛИЛ. Матннинг, унинг қисмларининг нутқ услубларидан қайси бирига оидлиги, бу оидликни белгиловчи омиллар ва шу кабиларни белгилаш нуқтаи назаридан бўладиган таҳлил.

УСЛУБИЯТ. Тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда тил воситаларини мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот. /(. Услуб.

УСЛУБЛАРАРО ЛЕКСИКА. Турли услубларда қўлланадиган, одатда услубий ейнонимларига эта бўлмайдиган сўзлар. Мае., *китоб, тош, қоғоз, уч. олти, сен* ва б. *Қиёс.* Бетараф лексика.

УСЛУБШУНОСЛИК. Тилшуносликнинг турли услубларни ўрганувчи соҳаси.

УЧИНЧИ ШАХС. Сўзловчи ва тингловчидан ўзга шахе. Бу маъно қуйидагича ифодаланади: 1) III шахе кишилик олмошлари билан: *у,* улар; 2) эгалик категориясининг шакллари билан: *дўсти, уйи, укаси;* 3) шахс-сон категориясининг III шахе шакллари билан: *келди, тамомлади, билади, ишлайди, келяпти* каби.

УЮШИҚ АНИҚЛОВЧИЛАР. Предметларнинг бир турдаги белгиларини (ранг-тусинм ё маза-таъмини, ёки сон-миқдорини ва ҳ.) ёки турли белгиларини билдирувчи бирдан ортиқ уюшиқ ҳолдаги аниқловчилар. Аниқловчининг учала тури (сифатловчи, Қаратувчи ва изоҳловчи) уюшиқ ҳолда қўллана олади, яъни ‘бир гапда уюшиқ сифатловчилар ё уюшиқ қаратувчнлар, ёки уюшиқ изоҳловчилар бўлиши мумкин: *Остонада паст бўй- ли, ёзғин, ювадатўнли, оёғига эски калиш кийиб олган, оқ сурп иштони тиззасидан пастга тушиб турган бир чол* турарди (Ҳ. Ғулом). *На Шаҳодат муфти ва на шоир- нинг қўлидан бир пуллик иш келса...* (А. Қодирий).

УЮШИҚ БЎЛАКЛАР. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб, тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги билан боғланган бўлаклар (гапнинг бир хил бўлаклари). Гапнинг барча бўлаклари уюшиқ бўла олади. *Қ.* Уюшиқ эгалар, Уюшиқ кесимлар, Уюшиқ тўлдирувчилар, Уюшиқ аниқловчилар, Уюшиқ ҳоллар.

УЮШИҚ КЕСИМЛАР. Б ;гр ёки бир неча эгага баравар тобе бўлган кесимлар: *Нигорхоним Қўқоннинг кўп хотинларига қа- раганда сабрли ва қаноатли экан* (А. Қодирий).

УЮШИҚ ТУЛДИРУВЧИЛАР. Тўлдирилмишга бир хил маъно ҳамда бир хил грамматик алоқа усули ва воситаси билан боғланган тўлдирувчилар: *Бек Кўршермат келганин и, унинг қишлоқ йўлига чщиши ҳақидаги буйруғи ни Раҳмонқулга сўзлаб берди* (Ҳ. Ғулом).

УЮШИҚ ЭГАЛАР. Бир содда гап таркибида бирдан ортиқ келган эгалар: *Ишчилар, деҳқонлар... халқнинг эркин нафас олиши учун қон тўкдилар* (Ҳ. Ғулом).

УЮШИҚ ҲОЛЛАР. Бир[116] мазмун муносабатини (мае., ўрин, пайт, мақсад ва ҳ.) билдирувчи бирдан ортиқ ҳол: *Томлар- дан, ивиган деворлардан буғ кўтарила бошлади* (Саид Аҳмад).

Ф

ФАЗАЛИ ФЕЪЛ — *қ.* Боскичли феъл.

ФАМИЛЬЯР ЛЕКСИКА *(лот.* ҒашШапз— оила, уй шарой* тидаги). Бетакаллуф, эркин суҳбатда (муомалада) ишлатила- диган лексика.

ФАОЛ ЛУҒАТ. Муайян тилда сўзлашувчилар тушунадиган ва ишлатадиган, фаол равишда қўллайдиган сўзлар.

ФАОЛ НУТҚ АЪЗОЛАРИ. Товуш ҳосил бўлишида асосий ишни бажарадиган, фаол ҳаракат қиладиган аъзолар: тил, лаб, юмшоқ танглай ва *б. Қиёс.* Нофаол нутқ аъзолари.

ФАОЛ ТУЗИЛМА. Ҳаракат субъекта эга орқали, ҳаракат объекта эса тўлдирувчи орқали ифодаланган тузилма: *Тўғонбек қамчин дастаси билан унинг суякдан иборат елкасини туртди* (Ойбек). *Додҳо дарчани зичлаб ёпди* (А. Қаххор). *қ.* Тузилма. *Қиёс.* Нофаол тузилма.

ФАРИНГАЛ УНДОШ *(юн.* рЬагупх, рЬагупдоз — бўғиз). Тил негизи билан бўғизниинг орқа қисми оралиғида ҳаво йўли- нинг торайиши билан (бўғиз бўшлиғининг фаол иштироки билан) ҳосил бўладиган ундош. Мае., ўзб. ҳ ундоши.

ФАРҚЛАШ ВАЗИФАСИ. Тил бирлигининг (фонеманинг) ифодалаш ва фарқлаш вазифаси. Мае., *кел — кул, от—ит, бол— бор* ва б.

ФАРҚЛОВЧИ СЕМА. Кўп маъноли сўз сememаларидан ҳар бирининг ўзига хос бўлган, улар семемасини бир-биридан фарқ- лайдиган сема. Мае., *ака, ука* сўзлари катта-кичиклик семаси билан; *опа, ака* сўзлари. жинс семаси билан фарқланади. *Қиёс.* Интеграл сема.

ФЕЪЛ. Ҳаракат билдирувчи сўзлар туркуми. Грамматнкада ҳаракат жуда кенг тушунчага эга бўлиб, у *югурмоқ, сакрамоқ, ухламоқ, йиғламоқ, севмоқ, ўйламоқ, тинчимоқ, кўпаймоқ, қу- римоқ, совимоқ* ва шу каби феъллар билдирадиган ҳаракат-ҳодисаларни мазарда тўпади.

ФЕЪЛ БОШҚАРУВИ. Ҳоким қисми феъл билан ифодаланган бошқарув алоқаси: *далага чиқмоқ, меҳмонларни кузатмоқ, пичоқ билан кесмоқ* каби. *Қ.* Бошқарув алоқаси. *Қиёс.* От бошқаруви.

ФЕЪЛ ВИДЛАРИ — *қ.* Вид категорияси.

ФЕЪЛ ЗАМОН И — *қ.* Замон категорияси.

ФЕЪЛ-КЕСИМ. СодДа гапларда тусланишли феъл шакли билан «фодаланган кесим: Қонкрет тадбирларингизни а й т и н г, нима қилаётибсиз, нима қилмоқчисиз (С. Анорбоев). Эъзозхон Қумрига ёшли кўзлари билан т и к и л д и (Ҳ. Ғулом). Қиёс. От-кесим.

ФЕЪЛ КЎМАКЧИЛАР. Феълнинг бирор функционал шакли- дзн келиб чаққан (келиб чиқаётган) кўмакчилар: қараб, тор- тиб, бошлаб, қараганда ва б.: Унинг мўлжалига к ў р а Сиддиқ- жон яна қасам ичиши, юр деб қисташи керак эди (А. Қаххор). Деҳқонлар тўдаси қишлоққа қ а р а б югурди (С. Айний). ...кўп ҳам ҳашаматли бўлмаган залга киришдан б о ш л а б кучли равишда сезила боиiаган бир фикр чулғаб олган эди ^П. Турсун).

ФЕЪЛ МАЙЛИ —*қ.* Майл категорияси.

ФЕЪЛНИНГ БИРГАЛИК ШАКЛИ — *қ.* Биргалик нисбати.

ФЕЪЛНИНГ ОТ ШАКЛИ. Феълнинг ҳаракат номини билдирувчи, атрибутив вазифада қўлланувчи тусланишсиз шакли (ҳаракат номи, сифатдош).

ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШЛИ ШАКЛИ. Тусланиш тизимига мансуб бўлган, яъни майл, замон, шахс-сон маъноларшш ифо- далайдиган ва гапда кесим вазифасида келадиган феъл шакли: ■*ёзяпман, ёзяпсан, ёзяпти; ёзмоқчиман, ёзмоқчисан, ёзмоқчи ёзай, ёз, ёзсин; ёзсам, ёзсанг, ёзса* каби. *Қиёс.* Феълнинг тусла- яишсиз шакли.

ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАНИШСИЗ ШАКЛИ. Тусланиш тизимига эга бўлмаган, майл, шахс-сон каби маъноларни ифодала- майдиган феъл шакли. Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош кабилар феълнинг тусланишсиз шакллари ҳисобланади: *ёзмоқ, ёзадиган, ёзгунча* каби. *Қиёс.* Феълнинг тусланишли шакли.

ФЕЪЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ. Феълнинг маълум грамматик маъно ифодалайдиган ва маълум синтактик вазифага эга бўлган шакллари. Феълнинг асосий функционал шакллари қуйидагилар: 1) с и ф а т д о ш *(қ.)\2)* р а в и ш д о ш *(қ.);* 3) ҳ а р а к а т н о м и *(қ.)*.

ФЕЪЛ НИСБАТИ — *қ.* Нисбат категорияси. ,

ФЕЪЛ СУЗ БИРИКМАЛАРИ. Ҳоким қисми феъл билан ифодаланган сўз бирикмалари. Мае., *паркни айланмоқ, пахта термоқ, тез юрмоқ, яхши тушунтирмоқ* каби. *Қиёс.* От сўз бирикмалари.

ФИГУРАЛ МАЪНО. Воқелик билан бевосита боғланмайди- ган, нарса, белги, ҳаракатнинг номига айланмаган маъно. Фи- гурал маъно воқелик билан номловчи маъно орқали боғла- нади. Мае., *шира, тил* еўзларининг қуйидаги гаплардаги маъно- ск фигурал маъно ҳисобланади: *Овознинг ш и р а с и қочган, кексалик...* (А. Мухтор.) *Рустам деҳқончиликнинг т и л и ни. яхши ўрганган* (Ойбек). *Қиёс.* Номловчи маъно.

ФИЛОЛОГИК ЛУҒАТ — *қ.* Лингвистик луғат.

ФИЛОЛОГИЯ *(юн.* рНПео — севаман + 1о^оз — сўз, билим). Бирор халқнинг тил ва адабий ижодда ўз ифодасини топган маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи: *Антик филология. Ўзбек филология.*

ФЛЕКСИЯ (лог. Пехю — эгиш, буриш; ўзгариш). Бир неча грамматик маънони бир йўла ифодалайдиган шакл ясовчи морфема (Рус тилшуносligида «окончание» деб юритилади). Узакнинг морфонологии ўзгариши. Ички флексия деб ҳам ата- лувчи бу ходисада сўз ўзагидаги фонемаларнинг алмашиниши грамматик шаклларнинг ҳосил бўлишига, ҳатто сўз ясалишига хизмат қилади. Мае., араб тилидаги *мактаб, мактуб, китоб, котиб* сўзларини қиёсланг.

ФЛЕКТИВ ТИЛ. Грамматик маънолар флексия йўли билан ифодаланадиган тил. Флектив тилларга ҳинд-европа ва сом тиллари оилалари киради. *Қиёс.* Агглютинатив тиллар.

ФОН — *қ.* Фона.

ФОНА. Фонеманинг сўзшакл таркибида қатнашаётган кўри- ниши. Турли сўзшаклларда иштирок этаётган бундай фоналар аллофонани ташкил этади. Мае., *келади* сўзшакли таркибида олтита фона иштирок этиб, булардан ҳар бири бошқа-бошқа фонеманинг шу сўз таркибида қатнашувчи ва.килидир.

ФОНЕМА *(юн.* р Ь о п е т а т о в у ш). Тил моддий томонининг знг кичик бирлиги, фарқловчи фонологик белгиларнинг барка- рор йиғиндиси.

ФОНЕМАНИНГ ВАРИАНТИ. Фонеманинг нутқ сьқимида ёндош товушлар таъсирида пайдо бўладиган кўриниши. Фонеманинг вариантлари маъноии фарқламайди ва шу тилда сўзлашув- чиларнинг айни сўз маъносини тушунишига халал бермайди. Мае., ўзбек тилидаги *билди, ичди* еўзларининг биринчи бўғинидаги и билан иккинчи бўғинидаги и нинг талаффузи бир хил эмас. *Қиш, қизғин* сўзларидаги и товуши *билди, ичди* сўзлари- дащ и товушвдан фарқланади. Лекин буларнинг ҳаммаоидаги и бир фонема, бир фонеманинг вариантлари ҳисобланади. *Қ.* Аллофона.

ФОНЕМАНИНГ КОНСТИТУТИВ БЕЛГИЛАРИ. Фонема- иинг сўэдагн позициясига боғлиқ бўлмаган, доимий белгилари.

Ф О Н Е М А Н И Н Г ФАРҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАРИ. Бир фонеманинг бошқа фо'иемага қарама-қарши қўйилувчи фаркли белгиси. Мае., фонеманинг жарангли-жарангсизлик, лабланган-лаблан- маганлик каби белгилари.

ФОНЕМАТИК ТРАНСКРИПЦИЯ. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция. *Қиёс.* Фонетик транскрипция.

ФОНЕМА ҚАТОРИ. Айван бир морфемада фонеманинг кучли ва унга эквивалент бўлган кучеиз вариантларидан иборат қатори. Мае., рус. *вода* (сув) сўэидаги о фанемасининг *воды — вода — водяная* сўзларидаги кучли ва кучеиз вариантлари бир фонема қаторини ташкил этади.

ФОН ЕМ И КА. 1. Фонологиянинг фонлар ва уларнинг сегмент қатори бирлиги сифатида фонемаларга бирлашувини ўрганувчи қисми.

2. айн. Фонология.

ФОНЕТИКА *(юн.* рЬопеШсе — товушга оид<рНопе — товуш).

1. Тилшуносликщшг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усулла- рини ва акустик хуеусиятларини; бўғин, нутқнинг пауза билан ажралувчи қисмлари ва ш. к. ларни ўрганувчи бўлими. Тилнинг товущ таркибини ўрганишда ўз олдига қўйган мақсадига кўра фонетиканинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) у м у м и й ф о н е т и к а *(қ.*); 2) т а р и х и й ф о н е т и к а (/$,); 3) қ и ё с и й ф о н е т и к а *(қ.);* 4) э к с п е р и м е н т а л ф о н е т и к а

2. Маълум тилга хос товушларнинг артикуляцион (физиологик) ва акустик хусусиятлари, муайян тилнинг фонетик тузи- ли'Ши: *Узбек тили фонетикаси. Рус тили фонетикаси.*

ФОНЕТИК АЛМАШИНИШ. Тилдаги фонетик қонуниятлар асосида 'бўладиган товуш алмашиниши. Бундай алмашиниш то- вущнвнг позицияси билан боғлиқ бўлади ва морфеманинг фонема таркибини ўзгартирмайди. Мае., *тес (тез), тук (туг)* ва б.

ФОНЕТИК БИРЛИК. Нутқ товуши ва шунга асосланадиган ҳодисалар: *бўғин (Қ-), урғу (қ.)* ва б.

ФОНЕТИК ВОСИТАЛАР. Суз, мазмун кабиларни фарқлаш учун хизмат қилувчи фонетик ҳодисалар. Қуйидагилар шундай хусусиятга эга: 1) нутқ товушлари (қиёс.: сув—сев); 2) сўз ўр- ғуси (қиёс.: қушчй—қўшча, янгй—янги); 3) фраза урғуси (қиёс.: дўстим келди—дўстим келди); 4) интонация (қиёс.: *сен борасан — сен борасан?).*

ФОНЕТИК МЕЪЁР. Фонетик бирликнинг (фонеманинг) адабий тил қоида- талабларига мос ҳолда фойдаланишшш бел- гиловчи меъёр.

ФОНЕТИК РАЗБОР — *қ.* Фонетик таҳлил.

ФОНЕТИК СУЗ. 1. Мустақил сўз билан ёрдамчи сўзндаг бир урғу остига бирлашиб, бир сўздек айтилиши. Мае., *ўзиям, (ўзи ҳам), самминам (сен билан), борганакан (борган экан.) ва б.*

2. Сўз фонетиканимг ўрганиш объекта сифатида. Сўзщакл- нинг ифода планн. *Қиёс.* Лексик сўз. Морфологик сўз. Фонологик сўз.

ФОНЕТИК ТАҲЛИЛ. Сўзнинг фонетик тузилиши, фонетик тузилишда юз берадиган ўзгаришлар, фонетик жараёнлар, товуш ва ҳарф, сўз урғуси, бўғин ва ш. к. нуқтаи назарлардан бўладиган таҳлил.

ФОНЕТИК ТРАНСКРИПЦИЯ. Нутқни ёзишнинг махсус усули бўлиб, нутқнинг товуш том они унинг талаффузига тўла мос ҳолда акс эттириладй. Бундай ёзув усулидан илмий мақ- садларда фойдаланилади. Мае., ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятлари,ни акс эттириш учун щундай ёзув усулидан фой- даланилади: *соғъп холэнг, эбдьнь, энэсь... рэйс волдь. Қиёс.* Фонологик транскрипция.

ФОНЕТИК УЗГАРИЩ. Сўзнинг фонетик тузилшдида бўладиган ўзгариш; фонетик ўзгачалик юз бериши. Мае., *сарғаймоқ* сўзи асли *сарғармоқ* бўлган, яъни *сарғармоқ* сўзида фонетик ўзгар-иш— р нинг й га айланиши (ўзгарищи) юз берган.

ФОНЕТИК КОН УН. Фонетик мувофиқликлар, фонетик ўзга- рншларнинг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги. Мае., урғусиз унли- нинг редукцияга учраши қонуни, сўз охирида жарангли ундош- нинг жарангсизланиши қонуни ва б.

ФОНИКА *(юн.* рЬошкоз— овозли, жарангдор). Услубшунос- ликнинг бир бўлими. У нутқ товўшларининг ва тилдаш бошқа фонетик воситаларнинг эстетик ва эмоционал вазифаларини ўрганади.

ФОНОГРАММА *(юн.* —рЬопе—овоз + §гатша—ёзув, ёзиш). Сўз ва марфемаларнинГ товуш қобиғини фарқлашга хизмат қила олувчи нутқ товушлари учун олинган шакл. *Қиёс.* Идеограмма.

ФОНОГРАФИК ЁЗУВ. Товушларни ҳарфлар ёрдамида акс эттирадиган ёзув.

ФОНОЛОГИЗАЦИЯ. Фонема вариантшшнг фонологик хусу- сиятларга эга бўлиши, фонема вариантининг тил товуш тизими- нинг семиологик релевант унсурига айланиши.

ФОНОЛОГИК БИРЛИК — *Қ.* Фонема.

ФОНОЛОГИК ОППОЗИЦИЯ. Фонемаларяинг фарқловчи белгилари асооида бир-бирига қарама-қарши қўйилиши.

ФОНОЛОГИК позиция. Фонеманинг унинг семиологик (днфференциациялаш) вазифасини белгилашда асос бўлувчи ҳолати. Фонологик позициянинг кучли ва кучеиз типлари фарқ- ланади. *Қ.* Кучли позиция. Кучеиз позиция.

ФОНОЛОГИК СУЗ. Фонологиянинг ўрганиш объекта бўлган (фонологик жиҳатдан ўрганиш объекти қилиб олинган) сўз. *Қиёс.* Морфологик сўз. Фон?тик сўз.

ФОНОЛОГИК ТИЗИМ. Тилдаги барча фойемаларнинг ўза- ро алоқа ва богланишига асосланувчи тизим.

ФОНОЛОГИЯ *(юн.* рЬопе— товуш, овоз + 1о§оз — сўз, таъ- лимот). Тилшуносликнинг нутқ товушларини сўз ва морфема- лариниг товуш қобиғинл фарқловчи вооита сифатида ўрганувчи соҳаои.

ФОНОСТИЛИСТИКА. Услубшуносликнинг нутқ товушлари- нинг тилнинг таъоирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усул- лари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

ФОНОТАКТИКА. Фонемаларнинг сўз ёки морфема таркиби- даги турли позицияларда ёнма-ён кела олишини белгиловчи қоидалар.

ФОРМАЛ ГРАММАТИКА. Гап қурилишида шаклий ифода- га эга бўлган муносабатларнигина ўрганувчи грамматика.

ФОРМАНТ *(лот.* Гоггпапз, {огтапИз— ясовчи). Сўз ясовчй ва шакл ясовчи бирликгаинг (аоосан аффикснияг) умумий номи. Мае., *камхреил, қамчатное* сўзларидаги *кам; шахматчи, ҳосил- дор* сўзларидагй *-чи, -дор* формант ҳисобланади. *ц.* Сўзнинг сўз ясалиш тузилиши. Сўз ясовчи аффикс. Шакл ясовчи аффикс.

ФОРМАТИВ. Сўз шаклини ҳооил қилувчи аффикс ёки ёр- дамчи сўз. Мае., сифатнинг озайтирма даража шаклини ясовчи *-роқ* аффикси *(яхшироқ, кенгроқ),* феълнинг «қодирлик» маъ- носини ифодаловчи аналитик шаклини ясовчи *ол* кўмакчи феъли *(ўта олмоқ, бажара олмоқ)* ва б. *Қ.* Формант. Ердамчи сўзлар.

ФРАЗА *(юн.* рЬгаз15 — ифода, нутқ ўрами). 1. Нутқнинг алоқа қилиш бирлиги сифатидаги энг кичик мустақил бирлиги. Бундай бирлик одатда гапга тенг бўлади ва бунда «фраза» терминя «гап» термиййга мос келади.

2. Энг катта фонетик бирлик — фикр тугаллигига эга, ало- ҳида оҳанг ёрдамида бирлашган ва ўзига ўхшаш бирликлардан тўхтам орқали ажратилган жумла.

ФРАЗА УРҒУСИ. Маъио жиҳатидан муҳим бўлган нутқ тактики (оинтагмайи) урғу ёрдамида ажратиш. Фраза урғуси айни вақтда фонетик-синтактик вазифа бажаради; сўзларни такт ва фразаларга бирлаштиради.

ФРАЗЕОГРАММА *(лот.* рЬга51з —- ибора, нутқ ўрами-Ь дгатша — ёзув белгиси) — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИЗМ — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК. Туз илишига кўра сўз бирикма- сига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадигаи, нутқ жараёнида яратилмай, нуткка тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кучма маънога эга тури. Мае., *томдан тараша тушган- дай, оёғини қўлига олмоқ, сичқоннинг ини минг танга* ва б. Фразеологик бирликларнинг одатда уч хил тури кўрсатилади:

1) фразеологик қўшилма *(қ.); 2)* фразеологик бутунлик *(қ.);* 3) фразеологик чатишма (^.).

2) ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ. Фразеологик бирликларнинг таркибидаги сўз, маълум грамматик шаклларнинг айнан бир маъно сақлагани ҳолда ўзгариши билан юз ага келадиган кўринишлари. Мисол: кўнглидан чиқар- моқ — кўнгилдан чиқармоқ, юрагидан чиқармоқ — юракдан чиқармоқ, кўнглидан чиқмоқ — кўнгилдан чиқмоқ, юрагидан чиқмоқ—юракдан чиқмоқ; тилга олмоқ — тилига олмоқ, тилга олинмоқ; қайдан шамол учирди — қандай шамол учирди ва б.

ФРАЗЕОЛОГИК БУТУНЛИК. Маъносини таркибидаги сўз- ларнинг маъно лари асооида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликлар. Мае., *миси чиқди, хамир учидан патир* каби- лар.

ФРАЗЕОЛОГИК КАЛЬКА. Узга тил фразеологик бирлиги- дан қиемма-қием нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик. Мае., *бармоқ орасидан қарамоқ* фразеологизми русча *смотреть сквозь пальцы* фразеолошзмини калькалаш на- тижасида ҳосил бўлган. *Қ.* Калька.

ФРАЗЕОЛОГИК ЛУҒАТ.[1] Тилнинг фразеологиясини акс эттирувчи, фразеологик бирликлардан тузилган луғат. (/?. Ш. Раҳматуллаевнинг 1978 йилда нашр этилган «Узбек тили- нинг изоҳли фразеологик луғати»). *К.* Лингвистик луғат.

ФРАЗЕОЛОГИК ОБОРОТ. — *айн.* Фразеологик бирлик.

ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИЯ. Фразеологик бирликлар ўртасидаги омонимия. *Қ.* Фразеологик омонимлар.

ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМЛАР. Талаффузи ва ёзилиши бир хил биттадан ортиқ фразеологик бирлик: *бошига кўтармоқ* (қаттиқ шовқин қилмоқ) —*бошига кўтармоқ* (юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ).

ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ. Фразеологик бирликлар орасидаги синонимия. *Қ.* Фразеологик синонимлар.

ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАР. Бир хил маънога эга бўлган, маъно нозиклиги, услубий бўёғи ва б. жиҳатдан ўзаро фарқланадиган фразеологик бирликлар. Мае., *оғзига толқон солмоқ — мум тишламоқ* каби.

ФРАЗЕОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Фразеологик бирликларнинг лу- ғавий бирлик сифатидаги таҳлили. *Қ.* Лексикологик таҳлил.

ФРАЗЕОЛОГИК ЧАТИШМА. Маъноси таркибидаги сўзлар- нинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифо- далайдиган фразеологик бирликлар. Мае., *оёғини қўлига олмоқ* (жуда тез юрмоқ, югурмоқ) каби.

ФРАЗЕОЛОГИК ҚУШИЛМА. Таркибидаги сўзларнинг лек- сик маъноси оақланадиган, бири иккинчисининг боғли маъноси-, ни реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган синтагма. Мае., *қўл кўтармоқ, иштаҳаси очилмоқ* каби.

ФРАЗЕОЛОГИЯ *(юн.* рЬгаз^з — ибора+ 1одоз — тушунча, таълимот). 1. Тилшуносликнинг фразеологик бирликларни ўрганувчи бўлими.

2. 'Тилимиг фразеологик бирликлар мажмуи*: Узбек фразео- лосияси.*

ФРИКАТИВ УНДОШЛАР (*лот.* 1пса1ю — ишқаланиш) — *қ.* Сиргалувчи ундошлар.

ФУЗИЯ *(франц.* Гизюп— кўпшлиш, туташишслог. Гизю-— қуйиш, қуйма). Фонема таршбишшг ўзгариши (ёнма-ён фоне- маларииг сингишуви) натижаеида фонемалар чегарасининг, ноаниқлашуви, бир фонеманинг ҳар икки морфема таркиби учун умумий бўлиб қолиши. Мае., *ўқиётирман (ўқий+йотирман)* каби

ФУНКЦИОНАЛ КЎЧИРИШ. Бир предмет номини бошқа предметга бажарадиган вазифаеидаги ўхшашлик асосида кўчи- риш. Мае., *ўқ, қанот* сўзларинивг *замбаракнинг ўқи, самолёт- нинг қаноти* бир икм ал ар ид аги -маъноси функционал кўчириш. асюсида ҳосил бўлган.

ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИКА. Сўз семантикашнинг ўзга- ришини улар англатган нарсаларнинг бир хил вазйфа бажа- риши билан и'зоҳловчи наэария. Мае., рус. *перо* (куш пати) — *перо* (ёзув қуроли).

ФУНКЦИОНАЛ СЎЗЛАР. Ердамчи сўзлар ва модал сўзларнинг умумий атамаси.

ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАР. Тилнинг инсон фаолиятининг у ёки бу соҳаеи билан боғлиқ вазифаларига кўра ажратилади- ган услублар. *Қ.* Расмий иш услуби, Илмий услуб, Пубдицис- тик услуб, Бадиий услуб, Сўзлашув услуби.

ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБШУНОСЛИК. Усл убшу носликнинг функционал услубларни ўрганувчи бўлими. *Қ.* Функционал услублар.

ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛ. Сўзнинг маълум бир грамматик маъно (грамматик категорияга хос бўлмаган маъно) ифодалов- чи шакли. Мае., отлардаги субъектив баҳо шакллари *(укаги- нам, укажон)* каби, феълнинг еифатдош, - равишдош, ҳаракаг номи- шакллари ва б. *Қ.* Отнинг функционал шакллари. Феъл— нинг функционал шакллари. *Қиёс.* Категориал шакл.

Х

ХАЛҚАРО ТИЛ. Миллатлараро алоқа воситаси сифатида тавсия этиладиган оунъий тал.

ХАЛҚ. ЭТИМОЛОГИЯСИ. Узлашма ёки ўз тилга оид ҳали ўзлашиб кетмаган сўзни товуш томодадан яқин бўлган ўз сўзга боғлаш; реал фактларга асосланмаган ҳолда, фақат товуш томо- нининг таводифий ўхшашлнгига кўра ўзича қисмларга ажратиб изоҳлаш. Мае., *қорақат* (бута) сўзини *қора қандга; олхўри* сў- зини *о л + х ў р и* (тожикча' *хўрдан* — емоқ, ичмоқ)га боғлаш. *Қиёс..* Сохта этимология.

ХАТ БОШИ. Матн (текст)ни янги йўлдан бир оз ўрин (уч ҳарф ўрни) ф'лдириб бошлаш: *хат бошидан ёзмоқ.*

ХОСЛИК ШАКЛИ — *қ.* Қарашлилик шакли.

ХУСУСИЙ ТИЛШУНОСЛИК. Айрим бир тил ҳақидаги фан. Мае., русистика —рус тили ҳақидаги фан. *Қиёс.* Умумий тил- шунослик.

ч

ЧАМА СОН. Ноаниқ миқдорни билдирувчи сонлар. Миқдор соннинг бу тури икки усул 'билан: аффиксация ва композиция усули билан ҳосил қилинади. Аффиксация усулида чама сонлар саноқ сонларга *-лаб, -тача, -ларча* аффиксларидан бирининг қўшилиши билан ҳосил қилинади: *ўнлаб, юзлаб, саккизтача, йигирма бештача, ўнларча, мингларча* каби. Композиция усулида чама маъноси сонларни жуфт ҳолда қўллаш билан (жуфт сон .Шакли орқали) ифодаланади: *беш-ўн* (кун), *ўн-ўн беги* (киши) каби: *Арслонқул ў н б е ш- й и г и р м а қадам олдинроқ кириб кетди* (Ойбек).

ЧАП ПА ЛУҒАТ — *қ.* Терс луғат.

ЧАСТОТА. Лингвистик ҳодисанинг нуткда оз-кўп учраши.

ЧАСТОТАЛ И ЛУҒАТ. Сўзларнинг қўлланиш миқдори, фоизи ҳақида маълумот берувчи луғат (Мисол учун қаранг: И. А. Кис- •сен: «Словарь наиболее употребительных слов современнного узбекского литературного языка», Ташкент, 1972).

ЧЕГАРА ШАКЛИ. Отнинг ҳаракат-ҳодисанинг вақт, ма- •софа ёки объект нуқтаи назаридан чегарасини билдирувчи шакли. Бу форма -гача 1аффи,кои ёрдамида ясалади: стадион- гача, қишгача, тиззагача каби: У станциядан О л т и н с о й г а ч а бўлган узоқ йўлда бир сўз ҳам айтмай, жим ва маъюс келди. Наҳотки пуктда шу в а қ т г а ч а иш бўлса? (Ҳ. Ғулом). Оқ куйлагининг енгларини б и л а г и г а ч а шимарган Аҳмаджон кабинага эгилиброқ кирди-да, рулга ўтириб, машинани ҳайдаб кетди (Ҳ. Ғулом) .

ЧЕГАРА ҲОЛИ. Ҳаракат-ҳолатнинг вақт ёки масофа нуқтаи назаридан чегарасини билдирувчи ҳол. Ҳолнинг бу тури отнинг *-гача* аффикси ёрдамида ясалувчи чегара шакли орқали ифодаланади: *Тўғрисини айтсам, баҳордан кеч к у з г а ч а қишлоқ кишиси учун шароитнинг ўзи топилмайди* (О. Мухторов). *Бу атрофларга автобус келмас экан, мар каз г а ч а пиёда кетиш- га тўғри келади* (Х. Тўхтабоев).

ЧЕТ СЎЗЛАР — *қ.* Варваризм.

ЧИЗИҚЧА — *айн.* Дефис.

Ч И Қ И Ш КЕЛИШИГИ. Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни, манбаи, сабаби каби маъноларни билдирувчи келишик. Бу ке- лишни шакли *-дан* аффикса ердамида ясалади: *уйдан* (кетди), *тоғдан* (келади), *кувончдан* (энтикмоқ) каби.

ЧОҒИШТИРМА ГРАММАТИКА. Қариндош бўлмаган тил- ларнинг грамматик қурилишини солиштириб ўрганувчи грамматика. Мае., рус ва ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматика- си. *Қиёс.* Қиёсий грамматика.

ЧОҒИШТИРУВ БОҒЛОВЧИЛАРИ. Эргаш гапни бош гапга чоғиштириш, қиёслаш мазмуни билан боғлаш учун хизмат қи- лувчи боғ ловчилар: *гўё, гўёки: У қизга шундай тикилдики, г ў ё шу қарашдаёқ бир-бирларининг ичларида нима борлигини кўрдилар* (П. Турсун).

ЧУҚУР ТИЛ ОРҚА УНДОШЛАРИ. Тилнинг энг орқа қис- мининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган ундошлар. Мае., қ, ғ, х ундошлари.

ЧЎЗИҚ УНЛИ. Чўзиқ (давомли) та!лаффуз этиладиган ун- лилар. Бу ҳодиса турюий тилларнинг баъзиларида, шунингдек, баъзи ўзбек шеваларида учрайди. Мае., туркман тилида *а:ч* (қорни оч) ва *ач* (эшикни оч), *ба:р* (менда бор) ва *бар* (ишга бор), *а:т* (ном, ием) ва *ат* (йилқи) ва б. *Қ.* Товуш чўзиқли- ги. *Қиёс.* Қисқа унли.

Ш

ШАКЛ БУТУНЛИГИ. Тил бирликларининг яхлитлигича шакл ўзгаришига (шакл ясалишига) эга бўлиши, қисмларга ажралмаслик ва унинг қисмлари орасига тилнинг бошқа бир- ликларини киритиб бўлмаслик хусусияти. Мае., қўшма сўзлар шакл бутунлигига эгалиги туфайли уни қисмларга ажратиб бўлмайди, унинг қисмлари орасига бошқа бирлик (мае., сўз ёки аффикс) киритиб бўлмайди.

ШАКЛ ЯСАЛИШИ. Сўзнинг у ёки бу грамматик маъно ифо- даловчи шаклининг ҳосил қилиниши, шундай шаклнинг ҳосил бўлиши. *Қ.* Сўз шакли, Форматив. *Қиёс.* Сўз ясалиши. Узбек тилида шакл ясалишининг махсус усуллари бор.

ШАКЛ ЯСАЛИШИНИНГ АНАЛИТИК УСУЛИ. Ёрдамчи сўзлар воситасида шакл ясалиш усули. Мае., *ўқиб кўрмоқ, гов- даб кетмоқ, кун сайин* сўз шакллари *кўр, кет, сайин* ёрдамчи- лари воситасида ясалмоқда. *Қиёс.* Шакл ясалишининг синтетик усули.

ШАКЛ ЯСАЛИШИНИНГ СИНТЕТИК УСУЛИ. Аффикслар ёрдамида шакл ясалиш усули: *китоблар (-лар* аффикси ёрдамида кўплик шакли ясаляпти), *кўрсатяпман (-сат, -яп, -ман* аф- фикслари ёрдамида нисбат, замон, шахс-сон шакллари ясаляпти) ва б. *Қиёс.* Шакл ясалишининг аналитик усули.

ШАКЛ ЯСАЛИШ (УСУЛИ. Сўз шакли ясалишининг йўли. Узбек тилида сўз шакллари қуйилаги усуллар билан ясалади:

1) синтетик усул *(Қ.* Шакл ясалишининг синтетик усули);
2) аналитик усул *(қ.* Шакл ясалишининг аналитик усули).

ШАКЛ ЯСОВЧИ АФФИКС. Сўз шаклини ҳосил қилу.рчи аффикс. Мае., *-лар (китоблар, ўқувчилар)* — кўплик шаклини ясовчи аффикс; *-яп (келяпти, ўрганяптц)* — ҳозирги замон шаклини ясовчи аффикс ва б. *Қиёс.* Сўз ясовчи аффикс.

ШАРТЛИ МАЙ Л. Бажарилиши шарт эргаш гапдан англа- шдолган ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқ бўлган ҳаракатни билдирувчи майл. Бу майл .шакли ўзбек тилида *-а (р) эди, -мае эди* ёрдамида ясалади ва бу шаклдаги феъл бош гапнинг кеси- ми бўлиб келади: *Кун ошандан сўнг жўнасанг, бир манзилга. е т и б о л а р д и н г* (Ғайратий).

ШАРТ МАЙЛ И. Бошқа бирор ҳаракат бажарилиши учуге бу ҳаракатнинг бажарилиши шарт эканини билдирувчи майл.. Бу майл шакли *-са* аффикси ёрдамида ясалади: *келса, сўраса ёқтирса* каби. Шарт майладаги феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Меҳнат қилсанг, бахтинг очилади. Агар розилик берилса, ғўзапояларни юлар эдик* (Саид Аҳмад).

ШАРТ ФЕЪЛ И. Шарт майлидаги феъл. *Қ.* Шарт ма^лц;.

ШАРТ ШАКЛИ. Шарт майлининг шакли. *Қ.* Шарт майли.

ШАРТ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, вақеа-ҳодисанинг юэага келиш шартини билдирувчи эргаш гап: Д а л а д а н п а х т а н о б у д қ и л и н м а й й и ғ и б - т ё р у б о л и н ё а, йиллик режа ва мажбурият ортиғи билан бажарцщ- дц. М а н а б у к а н а л б и т с а, я н г и е р о ч и л с а, пцхта ҳрм кўпаяди (А. Қаххор).

ШАРТ ЮКЛАМАЛАРИ. Шарт ва тўсиқсиз эргаш ганли қўдома гапларда шарт ва тўсиқсизлик маъносини таъкидлаш учун қўлланувчи юкламалар: агар, борди-ю, мабодо, башарти каби: А г а р кўчада бўлмаса эди, Йўлчи игу онда бу гўзал, туза юракли... қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди (Ойбек). Мизғимоқчи бўлсанг м а б о д о, бошларингга мен болиш қўйсам (Уйғун). Б а ш а р т и булар катта бўлса, ҳар бири дадасининг ўрнини босади (Ҳ. Ғулом). Б о р д и - ю келиб қолса, менга тез- оа хабар беринглар (Сўзлашувдан).

ШАХСИ АНИҚ ГАП. Эга қатнашмайдиган, лекин ҳаракатни бажарувчи шахе гапнинг тузил ищ асоси бўлган кесим томоидац аниқ кўрсатиб туриладиган гап: *Шу ёруғ йўлда сизга зўр бахт-> лар тилайман* (П. Турсун).

ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАП. Эга қатнашмайдиган, шу бадан бирга учинчи шахе шаклидаги феъл-кесим бажарувчи шахени аниқ ифодаламайдиган гап: *Жўжани кузда еанайдилар* (Мақол) *

ШАХСИ УМУМЛАШГАН ГАП. Эга қатнашмайдиган, кеев> ми аниқ шахе шаклида бўлса-да, лекин маэмунан умумга қара- тиладиган гап: *Деҳқон бўлсанг шудгор қил, мулла бўлсанг так- рор қил* (Мақол). *Мўл ҳосилни қисқа муддатларда териб одай-, лик.*ШАХСЛЛНТИРИШ. Қишига хос нарса, белги, ҳаракат ка- биларни жонсиз предметга кўчирилишидан иборат услубий қўллашш: *Саҳархез хўрозлар уйқусираган қишлоқни хуштёр торттириши билан чол ҳам ўрнидан туради...* (Н. Раҳмат).

ШАХСЛИ ГАП. 1. Кесими тусланишли феъл билан ифода- ланган гап: *...сиз қирга чиқинг, кўкрагингизга тоза шамол тега- ди* (Ойбек).

2. Эгаси грамматик ифодаланган гап: *Салқн шамолларгина Қизнинг сочлари билан ўйнашади...* (Ойбек.) *Қиёс.* Шахссиз гап.

ШАХСЛИ ФЕЪЛ — *қ.* Тусланишли феъл.

ШАХС ОЛМОШЛАРИ — *қ.* Кишилик олмошлари.

ШАХССИЗ ГАП. Фақат кесим таркибидан иборат бўлиб, бажарувчи шахе маъноси умуман ифодаланмайдиган гап: *Тўрт- беш кундан кейин теримга тушилади* (С. Зуннунова).

ШАХССИЗ ФЕЪЛ — *қ.* Туслаиишсиз феъл.

ШАХС-СОН КАТЕГОРИЯСИ. Ҳаракатнинг уч шахедан (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан) бирига оидлиги маъносини ифо- даловчи грамматик категория. Бу грамматик категориянинг шахе ва сонга кўра қуйидаги турлари ва шакллари бор: I шахе бирлиги ва Г шахе кўплиги: *келдим—келдик* каби; II шахе бир-» лиғи ва II шахе кўплиш: *келдинг — келдингиз* каби; III шахе бирлиги ва III шахе кўплиги: *келди — келдилар* каби.

ШЕВА. Маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик умумийликка зга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига блувчи кичик бир қисми, гуруҳй. Мае., ўзбек тилининг Қорабу- Лоқ шеваси; ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси. *Қиёс.* Диалект. Лаҳжа.

ШИПИЛДОҚ ТОВУШЛАР. Сирғалувчи ж, ш ва аффрикат ч товушлари талаффузида ўзига хос оҳанги борлигига кўра щипилдоқ товушлар деб юритилади.

ШОВҚИН. Лаблар, тил ва кичик тилнинг норитмик тебра- виши, шунинвдек, ўзаро яқинлашган, юмилган нутқ аъзоларй орасидан ҳаво оқимининг ишқаланиб, портлаб ўтиши натижа- сида юзага келадиган акустик таъсир.

ШОВҚИНЛИ УНДОШЛАР. Фақат шоақиндан ёки шовқин- га овоз қўшилишидан ҳосил бўладиган ундошлар. Сонорлардан бошқа ҳамма ундошлар шовқинли ундошлар қаторига киради. Овознинг қатнашиши ёки қатнашмаслишга кўра шовқинли ундошлар икки турга бўлинади: 1) *жарангли ундошлар.* (қ.); 2) *жарангсиз ундошлар-* (/{.).

- ШТАМП *(итал.* б!ашра — муҳр). Луғавий м1аъноси хиралаш- ган, зкспресоивлик хусусияти йўқолган, сийқаси чиққан, тилда ёки нутқда ўэгармас қолип шаклнга келган ифода, Мае., *Хуло- са қилиб айтганда.*

э

ЭВФЕМИЗМ *(юн.* еирЬегшзтоз<еи — яхши+рЪегт — га- пираман). Нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора) ни қўллаш. Мае., *иккиқат, бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомиладор, оғир оёқли* сўзларини қўллаш.

ЭВФОНИЯ *(юн.* еирЬоша<еи— яхши + рНопе — товуш). Нутқнинг хушоҳанглиги. Бу ҳодиса турли фонетик усулларни қўллаш билан юзага келтирилади. Мае., товушлар такрори, *анафора* (/{.), *эпифора* (қ.) ва б.: *Қаро қошинг, қалам қошинг, қиёқ қайрилма қошинг қиз* (Э. Воҳидов).

ЭГА. Икки таркибли гапларда фикрнинг кимга, нимага қа- рашли эканини англатувчи, белгиси кесим томонидан аниқлана- диган, грамматик жиҳатдан мутлақ ҳоким вазиятга эга бўлган бош бўлак. Эта бош келишик шаклидаги от, олмош, отлашган сўз, сўз бирикмаои 'билан ифюдаланади: У халат *кийган қиз билан чиқиб кетмоқчи бўлди* (А. Мухтор). *Билмаганни сў- раб ўрганган олим, орлани бсўрамаган ўзига золим* (Мақол). *И* ш *иштаҳа очар, дангас а ишдан қочар* (Мақол).

ЭГА ГРУП ПАСИ — *қ.* Эга гуруҳи.

ЭГА ГУРУҲИ. Эта ва унга тобе бўлган иккинчи даражали бўлаклар (икки таркибли гапларда унинг ҳоким саналувчи щеми): *Чўққиларнинг этакларид а в а сойларнинг тубид ақо лган қо рлар* қуёш нурида кумушдек товла- ниб, кўзларни қамаштиради.

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ. Предметнинг уч шахе (сўзлов- чи, тингловчи, ўзга) дан бирига оидлишни кўрсатувчи (отларга хос) грамматик категория. Бу категориянинг шахе ва сонга кўра қуйидаш тури ва шакллари бор: I шахе бирлиги ва I шахе кўплиги: *-(и)м* ---------- *(и)миз (дўстим — дўстимиз);* II шахе бирлиги ва II шахе кўплиги: *-(и)нг* ---------- *(и)нгиз (дўстинг — дўстин-*
гиз); III шахе -и, -си (баъзан -лари): дўсти, укаси (укалари).

ЭГАСИЗ ГАП. Предикатив асоои фақат кесим таркибидан иборат бўлган бир таркибли гап. Бундай бир таркибли гапнинг қуйидаги турлари бор :1) *шахеи аниқ гап* (қ.); 2) *шаҳ- си номаълум гап (Қ-)',* 3) *шахеи умумлашган (қ.);* 4) *шахссиз гап (қ.). Зид.* Кесимсиз гап.

ЭГАСИ ТОПИЛАДИГАН ГАП. Таркибида эга қатнашмайдиган, лекин бажарувчи шахени кееимдан англаб олиш мумкин бўлган бир таркибли гап: *шахеи аниқ гап (қ.), шахеи номаълум гап (қ.), шахеи умумлашган (қ.).*

ЭГАСИ ТОПИЛМАЙДИГАН ГАП — *айн.* Шахссиз гап.

ЭГА ЭРГАШ ГАП. Бош гапдаги олмош орқали ифодалан- ган ёки назарда тутилган («тушиб қолган») эгани изоҳлаб, *ким?, нима?* сўроғита жавоб бўладиган Э'ргаш гап: *Шуниси ҳаяжон- лики, мен унинг кўзларида заррача ҳам ёш кўрмадим (П. Турсун).*

ЭКВИВАЛЕНТ — *қ.* Муқобил бирлик.

ЭКВИПОЛЕНТ ОППОЗИЦИЯ. Қарама-қарши қўиймувчи- лардан ҳар бирида бор бўлган қўш.ймча фарқловчи белги асо- сиДаги оппозиция. Мае., ундошларнинг тил олди,'тил ўрта, тйл орқа ундошларига ажратилюши ■ка'би.

ЭКЗОТИҚ ЛЕКСИКА *(юн.* ехоИкоз— ёт, келгинди). Узга тиллардан ўзлашган, яутққа алоҳида бир ўзига хослик бериш учун қўлланадиган сўз ва иборалар.

ЭКСКУРСИЯ *(лот.* ехеигзю— олдинга югуриб чиқиш) — *айн.* Приступ.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФОНЕТИКА- Нутқ товушларинн мах- сус асбоблар ёрдамида ўрганадиган фонетика.

ЭКСПИРАТОР УРҒУ. Тон баландлигинияг эмас, балки товуш кучи ва чўзиқлигининг ўзгариши билан характерланувчй урғу. Экспиратор урғу ҳаво оқимининг кучи ва чўзиқлигига кўра икки турга бўлвнади: 1) динамик урғу (^.); 2) миқдо- рий урғу *(қ.)*. *Қиёс.* Мусиқий урғу.

ЭКСПИРАЦИЯ *(лот.* ехр1гаге — нафас чиқариш). Товушлар ҳосил бўлшшшинг асосий шароити (воситаси) бўлмиш ҳаво оқимининг овоз канали бўйлаб ҳаракаги.

ЭКСПЛИЦИТ КОНСТРУКЦИЯ *(франц.* ехрНсаН — аниқ, очиқ ифодалислог. ехрНсНит). *Қ.* Очиқ ифодали тузилма.

ЭҚСПРЕССИВ ЛЕКСИКА. Экспрессия ифодалаш хусуси- ятига эга бўлган сўзлар мажмуи: *Хумпар, тентак* кабилар. *Қ.* Экспрессия. *Қиёс.* Эмоционал лексика.

ЭКСПРЕССИВЛИК. Тил экспрессив вазифасининг турЛй шакллар билан шмоён бўлиши, намоён бўлган ҳолати.

ЭКСПРЕССИВ ШАКЛ. Сўзнинг экспрессия ифодаловчй шаклй: *қизалоқ, болакай* каби. *Қ.* Экспрессия.

ЭКСПРЕССИЯ *(лот.* ехргеззю— ифода). Нутқнинг таъейр- чанлйк хусусияти. Бу хусуоият лекенк, грамматик ва б. восита- лар ёрдамида юза га келади. *Қ.* Экспрессив лексика. Субъектив баҳо Шакли.

ЭКСТРАЛИНГВИСТИКА. Тилшуносликнинг этник, ижтимо- йй-тарихий, жуғрофий ва бошқа омилларни тилнинг тараққиётИ ва вазифаси билан боғлиқ ҳодисалар сифатида ўрганувчи соҲаси.

ЭКСТРАЛИНГВИСТИҚ ОМИЛЛАР *(лот.* ех1га — ташқйЧ- *фран.* НпдшзНфде — тилга хос) — *қ.* Нолисоний омиллар.

ЭЛАТИВ *(лот.* е1аИуиз — кўтарилган, юқори). Сифатларнйнг белгининг ортиқ даражасини кўроатувчи шакли. Бу шакл маз- мунан орттирма даража ша<клига ўҳшаса- да, белгини нисбат бермай ифодалайди. Мае., *ўта аҳмоқ, ғирт ёлғон, сап-сариқ* қа- биЛар. *Қ.* Кучайтирма шакл.

ЭЛИЗИЯ (лог. еНзю — сиқмоқ, итариб чиқармоқ), Унли товуш билан тугаган сўзга унли билан бошлайган сўзнинг қўши- лиши натижасида бир унли товушнинг тушиши. Мае., *борола- ди<.бора олади* каби.

ЭЛЛИПСИС *(юн.* е11е1рз15 — тушиш, туширилиш). Нутқ ун- суринииг тушиб қолшпи. Нутқда эллипсис турли мақсадлар биЛйн (мае., иқтисод талаби билан) юз беради. Ундан одатда услубий фигура сифатида фойдаланилади. Тилда эса турли са- баблар билан юз беради. Мае., *угра оши* (угра билан тайёрлан- ган Ош) бирикмаеидапи *ош* сўзининг эллийсиога учраши (тушиши) натижасида *угра* сўзи янги маънога эга бўлган (овқат но- мнга айланган): *Бозордан қайтишга тайёрланган овқат серқа- тиқ угра экан.* Нутқий эллипсис жуда кўп учрайдиган ҳодиса. Мае., *Яхшилар кўпайсин, ёмок қолмасин (одам* сўзи эллипсисга учраган). *Қ.* Лингвистик иқтисод.

ЭЛЛИПТИК ГАП — *қ.* Тўликсиз гап.

ЭМОЦИОНАЛ ГАП. Сўзловчининг турли ҳис-ҳаяжонини, эмоционал муносабатларини ифодаловчи гап. Ифодаланадиган эмоционалликнинг даражаеига кўра эмоционал гаплзр икки турга бўлйиади: 1) эмоционал-интеллектуал гап (қ.); 3) соф эмоционал гап (к.).

ЭМОЦИОНАЛ-ДАРАК ГАП. Маълум бир факт ҳақида хабар билан бирга сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ифодаловчи гап- лар: *Оҳ, қандай чиройли бу кўзлар!* (З. Фатхуллин.) *Эй ишқ, мунча ҳам қудратлисан* (Ғ. Ғулом).

ЭМОЦИОНАЛ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ГАП. Маълум бир фикр билан бирга сўзловчининг эмоционал муносабатларини (хур- ейндлик, кўрқинч ва ш. к.) ифодаловчи Гайдар. Бу турдаги гаи- лар ўз ичида қуйидаги турларга бўлинади: 1) эмоционал- дарак гап *(қ.)*\ 2) эмоционал-сўроқ гап (к.); 3) ционал-уидовгап *(қ.)*.

ЭМОЦИОНАЛ ЛЕКСИКА. Сўзловчининг ҳис-эмцияларини ифодалаш хусусиятига эга бўлган сўзлар; эмоционал бўёқдор сўзЛ&р. Мае., *жилМаймоқ, чеҳра, табассум, ўктам, дўноирмоқ* сўзлари ижобий бўёқдор; *устомон, итялоқ, мечкай, имонсиз* сўз- лари салбий бўёқдор сўзлар.

ЭМОЦИОНАЛ НУТҚ. Турли эмоцияларни ифодалаш хўсу- ейятига эга бўлган нутқ. *Қ.* Эмоционал гап. *Қиёс.* Интеллектуал нутқ.

ЭМОЦИОНАЛ-СУРОҚ ГАП. Мавжуд бир факт ҳақида сў- роқ билан бирга эмоционал муносабат ифодаловчи гаплар: *Нима қилади гапни чўзиб? — энсаси қотиб ўйлади Шерзод* (У. Қошимов). *Вой ўлмасам, қанақа кишисиз ўзи* (Шуҳрат).

ЭМОЦИОНАЛ УНДОВ. Сўзловчининг ҳис-туйғуларини (хур- сандлик, кўрқув, ғазаб, жирканиш ва ҳ.) ифодаловчи ундов. Мае., *оҳ, вой, эй, аттанг, бай-бай-бай* ва б.

ЭМОЦИОНАЛ-УНДОВ ГАП. Буйруқ, ундов кабилар билан бнрга сўзловчининг эмоционал муносабатларини ифодаловчи гап: *Қани, энди бир жўнаб қол-чи* (Ғ. Ғулом). *Қизим, жон жон қизим... сен кўп ўртанма* (Ойбек).

ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БУЕҚ. Асосий маъно (маз- мун)га қўшимча тарздаги эмоционал-экспрессив маъно. *Қ.* Эмоционал лексика.

ЭМФАЗА *(юн.* етрЬаз18 — ифодалилик). Нутқнинг кўтарин- ки руҳда бўлиши, эмоционал таъсирчанлйгининг кучайиши, интонация, такрор ва бошқа воситалар билан ифоданинг бирор унсурини ажратиш. Мае., *Амр эт, Тожихон, амр эт...* (Уйғун).— Эмфаза такрор билан юзага келяпти.

ЭМФАТИҚ УРҒУ. Гап таркибидаги бирор сўзнинг таъсир- чанлигини кучайтириш мақсадида уни алоҳида (ажратиб) та- лаффуз этиш, шундай вазифадаш урғу; фразанинг эмоционал томонига оид урғу. *Қиёс.* Мантиқий урғу.

ЭНАНТИОСЕМИЯ *(юн.* епагШоз— қарама-қарши + зета — белги). Бир сўзнинг семантик тузилишида зйд маъноларнинг тараққий этиши, антонимик маъноларнинг юзага келиши. Мае., рус тилидаги *наверно* сўзининг эскирган «албатта», «шубҳа- ойз» маъноси

билан ҳозирги «балки», «эҳтимол» маъноси; ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феъли аслида «ичкаридан ташқарига ҳаракат- ланиш»ни билдиради. Шу билан бирга (транспорт воситалари- дан фойдаланишда) «ташқаридан ичкарига ҳаракатланиш»ни ҳам англатади.

ЭНКЛИТИКА *(Юн.* епк1Шке<епкППо — эгиламан, энгаша- ман). Урғули сўздан кейин келиб, урғу жиҳавдан унга қўшилиб кетадиған урғусиз сўз. Мае., рус.: *за ночь, под руки* (энклитика- лар: *ночь, руки);* ўэб.: *эрта билан* (энклитика — *билан)* ва б. *Қиёс.* Проклитика.

ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ— *қ.* Қомусий луғат.

ЭПЕНТЕЗА *(юн.* ерепШез18 — киритиш). Сўз ичида товуш орттирилиши. Мае., *синиф (синф* ўрнига) каби. *Қиёс.* Протеза. Эпитеза.

ЭПЕНТЕТИК ТОВУШ. Сўзда аввал бўлмаган, маълум сА- баб-шароитлар билан пайдо бўлган товуш. *Қ.* Эпентеза.

ЭПИТЕЗА *(юн.* ер1 —• кейин+ Шез15 — ҳолат). Маълум фонетик сабабларга кўра сўзнинг охирида товуш орттирилиши: *отпуска (отпуск* ўрнига), *киоска (киоск* ўрнига) каби. *Қиёс.* Протеза. Эпентеза.

ЭПИТЕТ *(юн.* ерШшкт — илова, қўшимча)—*қ.* Сифатлаш.

ЭПИФОРА *(юн.* ер1рЬога<ер1 — кейин+рЬогоз — келувчи), Параллел тузилган нутқ парчалари (мае., миералар) охирида айни 'бир элементнинг такрор л а н ишид а н иборат нутқ фигураси;

Орзу билан тирикдир одам Иши билан буюкдир одам.
(Шуҳрат).

ЭПОНИМ *(юн.* еропушоз — ўз исмини берувчи). Исми (фа- милияси) халқ, жой ва бошқаларга қўйилган, уларнинг атама- оига айланган шахе. *Колумб (Колумбия), Жомбул* ва б.

ЭРГАШГАН ҚУШМА ГАП — *қ.* Эргаш гапли қўшма гап.

ЭРГАШ ГАП. Эргаш гапли қўшма гап таркибидаги тобе қисм. Бош гапга эргашиб, бу гапнп ёки унинг бирор бўлагини қандайдир жиҳатдан аниқлаб, белгилаб келувчи гап. Эргаш гаплар мазмун, вазифаларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) зга эргаш гап *(қ.);* 2) кесим эргаш гап *(қ.);* 3) аниқ ловчи эргаш гап (*(.); 4) тўлдирувчи эргаш гап *(қ.);* 5) пайт эргаш гап *(қ.);* 6) ўрин эргаш гап *(қ.)-,* 7) сабабэргашгап *(қ.)* 8) мақсад эргаш гап (>{.); 9) шарт эргаш гап (/{.); 10) тўсиқсиз эргаш гап (/{.); 11) натяжа эргаш гап (>{.); 12) ўхшатиш эргаш гап (/{.); 13) миқдор-д аражаэргаш гап *(қ.);* 14) равишэргашгап *(қ.). Қиёс.* Бош гап.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАП. Таркибидаги предикатив бирликлар бош ва аргаш гап ҳолатида бўлиб, бири иккинчисини аниқлаш, тўлдириш каби вазифаларяи бажарадиган қўшма гап: *Арғимчоқ тахтасига бир оёғинц қўйиб, энди кўтарилган эди, кўча эшиги очилиб, бирдан тақиллаб қолди* (М. Исмоилий). *К...* Бош гап. Эргаш гап. *Киёс.* Боғланган қўшма гап.

" ЭРГАШ СУЗ — *қ.* Тобе сўз.

ЭРГАШТИРУВЧ И БОҒЛОВЧИЛАР. Асосан эргаш гапни бош гапга боғлаш ва улар ўртасидаги турли муяосабатларни кўрсатувчи боғловчилар: *яъни, -ки, чунки, гўё* ва б. Эргашти- рувчи боғловчилар эргаш гап билан бош гап ўртасидаги қандай муносабатларни ифодалашига кўра уч турга бўлинади: 1) аниқ лов боғловчилари *(қ.);* 2) сабаб боғлов- ч и л а р и *(қ.);* 3) чоғиштирув боғловчилари *(қ).*

ЭРКАЛАШ ОТЛАРИ — *айн.* Эркалаш шакли.

ЭРКАЛАШ ШАКЛИ. Отнинг эркалаш, суйишни ифодаловчи шакли. Бу шакл *-жон, -хон, -ой* аффиксоидлари ёрдамида ясалади: *Акажоним дўппим қоқиб, силар эди бошимни* (А. Кўчи- мов). *Қ.* Субъектив баҳо шакли.

ЭРКИН АЛМАШИНИШ ДИСТРИБУЦИЯСИ. Тил унсурла- рининг (товушларнинг) ҳар хил позицияда бири ўрнида иккин- чисининг кела олиши. Мае., *челак-челай* каби. *Қ.* Дистрибуция.

ЭРКИН МАЪНО. Нарса, белги, ҳаракат билан бевосита боғланадиган, реаллашуви маълум матнга, сўз қуршовига боғлиқ бўлмаган маъно. Мае., *ўйин* сўзининг «рақс» маъноси, *ўч- моқ* сўзининг «ёнишдан тўхтамоқ» маъноси эркин маънолардир. *Қиёс.* Боғли маъно.

ЭРКИН СУЗ БИРИКМАСИ. — *қ.* Синтактик эркин сўз би- рикмаси.

ЭРКИН УРҒУ. Сўзнинг маълум қисмидаги бўғинга эмас, балки ҳар хил бўғинларга тушиши мумкин бўлган урғу. Мас.^ рус тилида урғу сўзнинг бош, ўрта ёки охирги бўғинига тушиши мумкин (демак, урғунинг ўрни эркин). *Қиёс.* Турғун урғу.

ЭСПЕРАНТО. 1887 йилда варшавадик врач Л. Л. Заменгоф томонидан яратилган, лексикаси эеа кенг тарқалган европа тил- лари учуй умумий бўлган, сўз ясалиши ва грамматик қурилиши агглютинация принципига асосланган халқаро сунъий тил.

ЭТИМОЛОГИ К ЛУҒАТ. Луғавий бирликларнинг келиб чи- қиши, этимологиями ҳақида маълумат берувчи луғат..

ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛ. Сўзнинг қадимги морфологик ту- зилишини, келиб чиқиш асосини, тарихини, келиб чиқиш йўлла- рини белгилашга қаратилган таҳлил. Мае., *юксак* сўзи ҳозирги тил нуқтаи назаридаи туб сўз, тарихан эеа ясама сўз бўлган. Этимологик таҳлил асосида унинг *юк, са* ва *к* қисмларндан ту- зилганлиги, ҳар бир қиемнинг қандай бирлик бўлганлиги, улар- нинг вазифаси ва маъноси белгиланади.

ЭТИМОЛОГИЯ *(юн.* е1уто1од1а<е1утод — ҳақиқат, сўзнинг ҳақиқий маъноси + 1о§оз— тушунча, таълимот). 1. Тилшуносликнинг сўз ва морфемаларииг келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи бўлими.

2. Сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқищи ва Ши: *«Қиш- лоқ» сўзининг этимологияси.*

ЭТИМОН *(юн.* е1ушоп — ҳақиқат; сўзнинг ҳақиқий маъноси). Ҳозирги тилда бор бўлган сўз ёки морфеманинг келиб чй- қишига асос бўлган сўз ёки морфема. Мае., *қаттиқ* сўзининг юзага келиш асоои *қот (қотмоқ* феъли) ва *-(и) қ* аффикси бўлган; *-яп* аффикси *-йатип (ётиб)* дан юзага келган.

ЭТНОЛИНГВИСТИКА. Макролингвистиканинг тил билан халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фаолияти ва тараққ- қиётида лингвистик ва этник омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи бўлими.

ЭТНОНИМ. Халқ, қабила номлари.

ЭТНОНИМИКА *(юн.* еШпозт -қабила, халқ+опута— ном). Тарихий лексикологиянинг этнонимларни, уларнинг келиб чиқи- ши, тарқалиши, тузилиши каби томонларини ўрганувчи бўлййи. *Қ.* Этноним. , . *Г*

Ю

ЮКЛАМА. Айрим гап бўлагига ёки гапга бир бутун ҳолда қўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. Узбек тилида юкламаларнинг қуйидаги турлари бор: 1) с ў р о қ ю к л а м а л а р и (/{.); 2) к у ч а й т и р у в в а т а ъ к и д ю к л а м а л а р и *(қ.);* 3) а й и р у в-ч е г а р а л о в ю к л а м а л а р и ()(.); а н и қ л о в ю к л а м а с и *(қ.).*

ЮҚОРИ КУТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тилнинг танглай то- мон баланд кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган унлилар: и ва у унлиси. *Қиёс.* Тор унли.

я

ЯККА БОҒЛОВЧИ. Якка ҳолда, такрорлаимай қўлланади- ган боғловчи. Узбек тилидаги боғловчиларнинг асосий қисми якка боғловчилардир: *ва, ҳамда, лекин, гўё, ҳолбуки* ва б. *Қиёс.* Такрорланувчи боғловчи.

ЯККА ОТ. Бир турдаги предметларни якка-якка билдирувчи от: *нок, стул, бармоқ* каби. *Қиёс.* Жамловчи от.

■ ЯРИМ МАВҲУМ БОҒЛАМА. Луғавий маъносини тамомила йўқотмаган (маълум даражада еақлаган) боғлама. Мае., *ҳисоб- ланади, дейилади, бўл* сўзлари луғавий маъноларини маълум даращада еақлаган ҳолда боғлама вазифасида қўллана олади: *...диссертацияни ёқлади, фан кандидат б ў лд и* (Ҳ. Ғулом). *Бу йигит илғор механизаторлардан ҳ и с об л а н ад и* («Тош- ке#т оқшоми»).,*Қ.* Боғлама. *Қиёс.* Соф боғлама.

ЯРУС — Тил сатҳлари.

ЯСАЛИШ. Бирон тил (нутқ) бирлигининг маълум воситалар ёрдамида ҳосил қилишшш: *Сўз ясалиши. Шакл ясалиши.*

ЯСАЛМА. Ясалиш «атижасида ҳосил қилинган бирлик (сўз). Мае., *терим* сўзида: *тер* — сўз ясалиш асоси, *-им* — ясовчи аффикс, *«терим»*нинг ўзи эса ясалмадир.

ЯСАМА АСОС. Маълум воситалар ёрдамида ясалгаи ва бошқа сўзнинг ясалишига асос бўладиган асос. Мае., *теримчи* сўзининг ясалишига асос бўлган қисм *(терим)* ясама асосдир. *Қ.* Асос. *Қиёс.* Туб асос.

ЯСАМА МАЪНО — *айн.* Ҳосила маъно.

ЯСАМА СУЗ. Сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг бириқуви- дан ҳосил бўлган бирлик, сўз ясалиши бирлиги: *ишчи, чирой- АЦ, сер ҳосил, қўлқоп* каби. *Қ.* Сўз ясалиши тузилиши.

ЯШИРИН ИФОДАЛИ ТУЗИЛМА. Бирор жиҳатдан аниқ, очиқ бўлмаган тузилма. Мае., эргаш гапларга нисбатан равиш- дош ўрамлар яширин ифодали тузилма ҳиобланади. *Қиёс.* Очиқ ифодали тузилма.

УЗАҚ ТИЛЛАР — *айн.* Аморф тиллар.

УЗГА — *қ.* 'Учинчи шахе.

УЗГА ГАП И. Узга шахоининг муаллиф баёнига киритилган гари. Лвксик-синтактик воситалари ва берилиш усулларига кўра ўзга гапи икки турга бўлинади: 1) к у ч и р м а г а п (/{.);

2) ў з л а ш т и р м а г а п *(қ.). Қиёс.* Муаллиф гапи.

УЗГАРМАЙДИГАН СУЗ ТУРКУМЛАРИ. Бирон парадиг- мага эга бўлмаган сўз туркумлари. Ўзбек тилида от, феъл ва олмошдан бошқа барча сўз туркумлари ўзгармайдиган сўз тур- кумла1ригa киради.

УЗГАРУВЧИ СУЗ ТУРКУМЛАРИ. Шакл ясалиши тизимига, маълум парадигма (парадигмалар)га эга бўлган сўз туркумлари. Мае., от ва феъл туркумлари.

УЗИ НИКИ БУЛ МАГАН КУЧ ИРМА ГАП. Муаллиф кўчирма гапдаги сўз ловчи сифатида иштирок этган гап. Бунда муаллиф персонаж тилидан ўзи гапиради ёки воқеага ўз мулоҳазасини кнритади: Муротали даромад тўғрисида уйларкан, биттаю, бит- та арзанда қизи эсига тушди. Ах ир у б ў й ет и б қо лд и. У й а н ж о м л а р и, к и й и м-к е ч а к л а р х а р и д қ и л и и г в а қ т и к е л д и. Т ў й к ў р и ш қ а н д а й б а х т (Ш. Рашидов) .

УЗЛАШМА СУЗ. Узга тилдая қабул қилинган сўз. Мае., рус тилидан ва рус тили орқали қабул қилинган *телефон, майка, кабинет, адрес, газета, планета* каби сўзлар. *Қиёс.* Уз сўз.

УЗЛАШТИРИШ. Уэаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унеурлариияиг бошқа тилга утиши (қабул қилиниши).

УЗЛАШТИРМА ГАП. Мазмунн сақланган ҳолда шакли ўз- тартирилиб берилган ўзга гапи: *Р азз о қ шу т о п д а ё қ қи игла ққа от лиқ ж ў н а б, д а р ҳ о л а р а в а ю б о р и ш н и айтди* (Ҳ. Ғулом). *Қиёс.* Кўчирма гап.

УЗЛИК ДАРАЖА — *қ.* Узлик нисбати.

УЗЛИК НИСБАТИ. Ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилганини ёки субъектнинг ўзи доираоида юзага келкшини (бажа|рилишини) билдираднган нисбат. Бу нисбат шакли ўзбек тилида *-(и)н, -(и)л* аффикслари ёрдамида ясалади: *кўринмоқ, мақтанмақ, туғилмоқ* каби.

УЗЛИК ОЛМОШ И. Аниқ, муайян яккаликни белгиловчи, киш или к о л маши ёки от билан келиб, уни таъквдлаб кўрсатув- чи олмош — *ўз: сиз ўзингиз, акамнинг ўзи* каби. Бу олмош бар- ча 1келишик ва эгалик шаклларида қўллана олади: *ўзим, ўзинг, ўзи; ўзимиз, ўзингиз, ўзларщ ўзимни, ўзимнинг, ўзимга, ўзимда, ўзимдан* каби.

УЗЛИК ФЕЪЛ И — *қ.* Узлик нисбати.

УЗ СУЗ. Тилнинг аслада ўзига мансуб бўлган (бошқа тил- дан ўзлашмаган), тилнинг ўз қатлами асосида ясалган сўз: *бош, беш, қуш, ўн, ўт, бошла, бугун, боғла, сўзла* ва б. *Қ.* Узлашма сўз.

УЛИК ТИЛ. Жонли истеъмолдан чиққан (табиий сўзлаШув тили бўлмаган), ёзма ёдгорликларда сақланган тил. Мае., лотин тили.

УЛЧОВ СУЗЛАРИ. Саноқ соң билан бирга ишлатилиб, пред- метнинг миқдорий ўлчовинн муайянлаштнрадиган сўзлар. Мае., *дона, кило, литр* каби: *уч н а ф а р йигит, бир х о в у ч сув, икки б о ғ пиёз* ва б.

УРАМ. Феълнинг функционал шаклларидан бири ва унга тобе бўлган муетақил сўздан ташкил топган сиитактик бутуя- лик. Ҳоким қисми феълнинг қандай функционал шаклндан бўлиши га кўра ўрамнинг уч тури фарқланади: с и ф а т д о ш ў р а м (/{.); Р[а] в и щ д о ш ў р а м (({.); и н ф и н и т и в ў р а м

УРИН БЕЛГИСИ ШАКЛИ. Отнинг нарса-ҳодисанинг ўрнига кўра (ўрингa оидлик) белгисини, пайт маъноли сўзларда эса пайтга кўра (пайтга оидлик) белгисини билдирувчи шакли. Бу сўз шакли ўзбек тилида *-даги* аффикси ёрдамида ясалади: *уйдаги, қирдаги, ёздаги* каби: *Шамол м а й с а л а р д а г и шаб- намни ҳам, ш а б н а м д а г и изларни ҳам бирпасда ялаб кетди* (А. Мухтор).

УРИН КЕЛИШИГИ (УРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ). Иш-ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш ўрнини, вақтини билдирувчи келишик. Бу келишик шакли отларга *-да* аффиксининг қў- шилиши билан ҳосил бўлади: *акам уйда, ҳамма ҳашарда, те- римда илғор, ёзда иссиқ бўлади* каби.

УРИН РАВИШИ. Иш-ҳаракатнинг юз бериш, йўналиш ўрнини билдирувчи равиш: аллақаерда, илгарига каби: Узига ўхшаган ўртоқларининг ўсишлари, о л д и н г а интилишлари йўлида тўсқинлик қилмоқчи бўлган бир куч борлигини сезди (П. Турсун). Олға босиш ҳар ҳолда о р қ а г а қайтишдан ха- тирли эмас (А. Қаххор).

УРИН ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, во- қеа-ҳодисанинг бажарилиш (юзага келиш, бошланиш ёки йўна- лиш) ўрнини билдирувчи эргаш гап: *Қае р д а ў қиш га та- лаб к ў п а й с а, у ерда янги мактаб солиш ҳсч гап эмас* (П. Турсун).

УРИН ҲОЛИ. Иш-ҳаракатнинг бўлиш, йўналиш, бошланиш ўрнини билдирувчи ҳол: Мени в о кз а л г ач а акам, ўртоқла- рим кузатиб чиқдилар (Ғ. Ғулом). Д а в р а ў р т а с и д а Ба- рот полвоннинг чинордек баланд, бақувват гавдаси пайдо бўлди (М. Исмоилий). Мезбон и ч к а р и у й д а н бир вазада конфет олиб чиқди (А. Қаххор).

УРТА КУТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тилнинг танглай томон ўртача кўтарилиши билан ҳосил бўладиган унлилар: э ва ў ун- лилари. *Қиёс.* Урта (ўрта-кенг) унлилар.

УРТА (УРТА-КЕНГ) УНЛИЛАР. Тил танглай томон ўртача кўтарилиб, оғиз бўшлиғи ҳам ўртача очилиши билан ҳосил бўладиган унлилар: э, ў унлилари. *Қиёс.* Урта кўтарилиш унли- лари.

УТГАН ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ пайтидан олдин бажарилиши. Шундай ҳаракатни билдирувчи феъл «ўтган замон феъли», «ўтган замон шакли» дейилади. *Қ.* Утган замон феъл- лари. *Қиёс.* Ҳозирги замон. Келаси замон.

УТГАН ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтидан олдин (нутқ пайтигача) бажарилишини билдирувчи феъл, феълнинг шундай маъноли шакллари. Узбек тилида ўтган замон феълинийг аффикслар ёрдамида, шунингдек, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи бир неча тури бор: *келди, келибди, кёлган; келган эди, келаётгаи эди, келар эди каби. Бу шаклларнинг ҳар бири муаПянлик, эшитилганлик, давомлилик каби ўзига хрс қўшимча маънолари билан бир-биридан фарқланади: Офицер йиқилди ва ётган ерида қўлини к ў т а р д и (А. Қаххор). ...Қўчқор туман марказига кетганича қ а й т и б к е л м а б д и. (С. Анорбоев). Уз юртига қайтишга бир йил қолганда, хўжайин билан аччиқлашиб, бошқа бир ер эгасига қарол ё л л а н г а н (Ойбек). У қийноқдан, қайгудан... аз г а. н э д и,. Соч-соқоллари- нинг оқи ҳам к ў п а й г а н э д и (Ойбек). Опа-сингил ҳовлини кўтариб к у л и щ ар, тоза ҳавони зирқиратиб ч и н қ и р и щ а р э д и (М. Исмоилий). Тунги смена танаффусга ч и қ қ а н, ҳамма бир-бирини янги йил билан т а б*

р ик лаё т г а н э д и (Саид Ахмад). Афтидан, Сафаров иккови оғилга томон к е т м о қ д а э д и (А. Каххор). *4*у.

УТИМЛИЛИК, ОБЪЕКТЛИЛ ИҚ. Феълринг тўлдирувчи бил- дирган объектга йўналишини (шундай объектга эгаликни ифодаловчи лексик-синтактик хусусияти. *Қ.* Объект л и феъл. ..., УТИМЛИ ФЕЪЛ. ^-*қ.* Объектли феъл.

УТИМСИЗ ФЕЪЛ. *-г- қ.* Объектсиз феъл.

УХШАТИШ ШАКЛИ. Бир предметнннг белги, ҳаракат мш.- ҳатдан бошқа предметга ўхонащ .эканинқ билдирувчи шакл, Бу шакл *-дек, -дай* аффикси ёрдамида ясалади: *тошдек, ипакдек* каби: *Баҳор қуёшининг заррин шуъласи аксида с имо б д ^ к йилтираб, о й н а д а й ярқираб оқмоқда* (И> Раҳим). ■, , к

УХШАТИШ ЭРГАШ ГАП. Бош гапдан англашилган ҳаракат, белги-хусуеиятни бошқа бир ҳаракат, белги-хусусиятга ўх- шатишни билдирадиган Э|ргаш гап: *Т ўй н и н г б ў л д и- б ў л д и- с и қ и з и қ т у ю л г а н д а й, улур ишнинг ҳам бошланиш ара- фаси қизиқ бўлади.* - . ,

УҚУВ луғати. Бевосита ўқиш-ўқитиш мақсади билан ту- зилган, талабалар ёки ма^таб ўқувчилари учун м ў л ж а л л а нг ан турли типдаги (таржима, изоҳли, терминологии ва ҳ) луғатлар. Бундай луғатлар танланган лексик материалнинг ҳажми, танлаш йўли, муайян ўқув дастурини назарда тутиши, ўқувчи — китоб- хонларнинг билим даражаоини ҳисобга олқши каби хусусиятлар билан ажралиб туради. Мае., А. Рустамов, .Қ. Каримов, Э. Умд- ровларнинг «Форсча-ўзбекча ўқув луғати» (Тошкент, 1975) талабалар учун мўлжалланган.

Қ

ҚАВС. Цитаталарнинг манбаиви, киритмаларни ажратишда ва б. ўринларда қўйиладиган икки (очилувчи ва ёцилувчи) қисмли тиниш белгиси: ( ).

ҚАЙТА БУЛИНИШ. Тил бирликлари (мае., сўз, гап) асл тузилишининг ўзгариши, қисмларшшнг бошқача бўлинишга эга бўлиши. *Қ.* Морфологик қайта бўлиниш. Сннтактик қайта бў- лнннй.

ҚАРАЛМИШ. Б и,рикман инг қаратувчи (к.) тобе бўлган (ҳоким) қисми.

ҚАРАТУВЧИ (ҚАРАТҚИЧ). Аниқловчининг турй: бирор нарса-предмет тегишли (қарашли) бўлган шахе ёки предметни билдирувчи бўлак. Бу бўлак белгили ва белгисиз қаратқич ке- лишиги шаклидаги сўз билан ифодаланади: *Нега? — дея бепар- вогина сўради у, қайлиг и н и н г кўзидаги ёшни совимаган ке л и н н и н г нози, деб ўйлаб* (А. Эшонов). *Саҳна олдидаги оппоқ п а х т а чаноқлари тасвирланган зангори парда п роже к т о р л а р н у р и д а ял-ял товланар эди* (Ғ. Ғулом). *Қ.* Аниқловчи. *Қиёс.* Сифатловчи. Изоҳловчи.

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Қаралмишдан англашилган предмет ёми белги шу келишикдаги сўз аиглатган предметга қарашли эканини (хослигини) ифодаловчи келишик. Бу келишик шакли -«инг .аффикси ёрдамида ясалади: *раҳбар ходимларнинг ўқиши* каби. Қаратқич келишигидаги от белгили ёки белгисиз шаклда бўлиши мумкин: *колхознинг боғи* (белгили)*—колхоз боғи* (беЛ- гисиз) каби. Бу келишик шаклидаги сўз қаратувчи *(қ.)* вази- фасида келади.

ҚАРАШЛИЛИК ШАКЛИ. Предметнинг бирор шахе «кн нарсага қарашли эканини билдирувчи сўз шакли. Бу шакл ўзбек тилида *-ники* аффикси ёрдамида ясалади: *совхозники, укйМ- ники* каби: *Бу нокни экканда ярми к ў ч а н и к и, деб ният қил- ганман* (Л. Махмудов).

ҚАРИНДОШ ТИЛЛАР. Келиб чщқиш манбаи бир (умумий) бўлган, шунга кўра фонетика, лексика ва гра.мматикада умумий фактлар ва хуоусиятлар муштарак равишда намОён бўладиган тиллар.

ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКА. Қариндош тилларнинг грамматик қурилишини бир- бирига қиёслаб ўрганувчи грамматика: *ТўрҚий тилларнинг қиёсий грамматикаси. Қиёс.* Чоғиштирма грамматика.

. ҚИЁСИЙ ДАРАЖА — *к.* Озайтирма даража.

ҚИЁСИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ. Қариндош тиллар лексиқаои- ни қиёслаб ўрганувчи лексикология: *Туркий тилларнинг қиёсий лексикологияси.*

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД. Нисбатан кейинги вақтлар- даги ёзма манбалар ва жонли тил фактларини қиёслаб ўрганиш асосида ана шу жонли тил ва ёзма манбаларда учрамайдигай (қайд зтилмаган) қадимги тил фактлариии тиклашдан иборат лингвистик метод. Бу метод қариндош тилларнинг маълум бир даврдаги тараққиёт қонуниятларини аниқлашга, ўз тилга оид ва ўзлашма бирликларни белгилашга хизмат қилади, шунинг- дек, тил л арии қиёсий-тарихий ўрганишнинг айрим муаммолари учун замин ҳозирлайди.

ҚИГСИЙ ТАРИХИЙ ТИЛШУНОСЛИҚ. Тилшуносликнинг қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида ўрганувчи бўлими. *Қ.* Қиёсий-тарихий метод. *Қиёс.* Компаративистика.

ҚИЁСИЙ ФОНЕТИКА. Қариндош тиллар товуш тизимини ўрганувчи фонетика: *Туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси.*

ҚИСҚАРИШ. Қисқартириш йўли билан янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши. Мае., *килограмма* сўзидан *кило* сўзи ҳосил бўлиши.

ҚИСҚАРТМАЛАР. 1. *Қ.* Қисқартма сўзлар.

2. Сўзнинг маълум бир шаклда қисқартиб берилган ифода- си—шартли қисқартмалар: *ва б.* — ва бошқалар, *А. Қ.*—Абдулла Қодирий.

ҚИСҚАРТМАЛАШ. Қисқартма сўз ҳосил қилиш. *Қ.* Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚАРТМА ОТЛАР — *қ.* Қисқартма сўзлар.

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР. 1. Сўз бирикмаси компонентлари- нинг маълум қисмларини олиб қўшиш билан ҳосил қилинган сўзлар: ХДП (Халқ демократии партияси), УзМУ (Узбекистан миллий университета), АТС (автомат телефон станциясн) ва б.

ҚИСҚАРТМА ҚУШМА ОТЛАР — *қ.* Қисқартма сўзлар..
ҚИСҚАРТМА ҚУШМА СУЗЛАР — *қ.* Қисқартма сўзлар.
ҚИСҚА ТАКРОР. Узбек тилидаги *кап-катта, дум-дума- лоқ* кабилар қисқа такрор деб қаралади. *Қ.* Кучайтирма шакл.
ҚИСҚА УНЛИ. Талаффузига қисқа (нисбатан қисқа) вақт кетадиган унли. Бу унлилар чўзиқ унлига нисбатан белгиланади. *Қиёс.* Чўзиқ унли.
ҚОИДА. Тил ҳодисаларига хос маълум қонуниятни акс эт- тирувчи, тил воситалариви ёзма ва оғзаки нутқда меъёрий ҳолда ишлатишни белгиловчи тавсия: *Имло қоидалари. Грамматик қоидалар.*
ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ. Луғат мақоласинивг бош сўзи сифатида сўз ёки сўз бирикмалари чиқарилиб, ана шулар билдирлан воқелик ҳақида (киши «омлари, муҳим воқеа-ҳодисалар ва б. ҳақида) батафеил маълумот берадиган луғат. *Қ.* Луғат. *Қиёс.* Лингвистик луғат.
ҚУЙИ КУТАРИЛИШ УНЛИЛАРИ. Тиш танглай томон *оз* даражада .кўтарилиши билан ҳосил бўладиган унлилар: а ва о унлилари. *Қ.* Кенг унлилар.
ҚУЛ НУТҚ И. Қўл, бармоқ ҳаракатлари билан ифодалана- диган нутқ. *Қ.* Имо-ишора тили.
ҚУШ БОШҚАРУВ. Икки бошқа-бошқа шаклдаги сўзнинг бир сўз (бўлак) томонидан бошқарилуви: *Ҳикояни ўқувчиларга айтиб бермоқ; мажбуриятни ортиғи билан бажармоқ* каби.
ҚУШИЛМА. Синтактик бирликлар сифатида сўз б и р и к- м а с и *(қ.)* билан гап *(қ.)* учун умумий ном. Яна *қ.* Боғланма.
ҚУШИЛМА СОН. Қисмлари билдирган миқдорнинг йиғин- дисндан ибер а т бўлган одшфдорми билдирувчи сон: *ўн беш* (10+
5)., *эллик етти* (50+7) каби. *Қиёс.* Кўпайтма сон, *Қ.* Мураккаб сон.
ҚУШИМЧА. Аффиксал морфема нинг нутқ бирлиги сифати- даги номи. *Қ.* Аффикс.
ҚУШИМЧА ДИСТРИБУЦИЯ. Тил унеурларининг (товуш- ларнинг) бир хил позицияда бири ўрнида иккинчисиникг кела олмаслиги. Мае., к товушидан «ейин к кела олади, лекин к кела олмайди: *нокка* каби. *Қ.* Дистрибуция.
ҚУШИМЧА ОТТЕНКАЛАР. Сўзнинг семантик тузилишидаги м а ъ н о о т т е н к а с и *(қ.)*, э м о ц и о н а л-э к спр е сс и в бў- ёқ *(қ.)* в а у с л у б и й б е л г и *(қ.)*. *Қ.* Сўзнинг семантик тузилиши.
ҚУШ ИНКОР. Бир гапда инкор (бўлишеизлик) нинг икки марта ифодаланиши: *Ишонмаслик мумкин эмас* каби. Узбек тилида аналитик феъл шаклида бўлишеизлик кўрсаткичи *(-ма)* етакчи ва кўмакчи феълга қўшилиши мум.кин. Буни «инкорни инкор» деб аталади. Инкорнинг инкор и эса қатъий тасдиқ (бў- лишлилик) маъносини келтириб чиқаради: *айтмай қўймайди* — албатта айтади.
ҚУШМА АФФИКС. Бирдан ортиқ аффиксларнинг қўшилиб бир аффиюога айлаиишидан юзага келган аффикс. Мае., *-гарчи- лик (лойгарчилик), -лан (завқланмоқ)* каби. *Қиёс.* Содда аффикс.
ҚУШМА ГАП. Тузилиш жиҳатидан содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап. Узбек тилида қўшма гаплар қандай мазмун муносабатларини ифодалаши, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра уч асосий турпа бўлинади: 1) б о г л о в ч и с и з қ ў ш м а г а п (/{.); 2) б о ғ л а н г а н қ ў ш м а г а п (қ.); 3) э р г а ш г а н қ ў ш м а г а п (қ.).
ҚУШМА КЕСИМ — *айн.* Мураккаб кесим.
ҚУШМА СУЗ. Таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисм бўлган сўз: *белбоғ, откулок, гултожихўроз, эрксевар, киноаппарат, ишлаб чиқариш* каби.
ҚУШТИРНОҚ. Икки (очилувчи ва ёпилувчи) қисмли тиниш белгиои бўлиб, ёзувда кўчирма гап ва цитаталарни, бадиий асар, газета, журнал ва .муассасаларнинг номлариии, қесатиқ, қочириқ каби маънюларда қўлланган сўзларни ажратиш учун ишлатилади. Езув ифодасига кўра қўштирноқ икки шаклга эга: „ ” ва « ».
ҚУШ УНДОШ. Кетма-кет келган айнан бир типдаги ундош; гемината: *катта, омма, аччиқ* каби.
ҚУШ УНДОШЛИК. Икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага «елиши: *уччиба, теппасида* каби.
Ҳ
ҲАРАКАТ КОМИ. Феълнинг иш-ҳаракатнинг номинигина билдирувчи, замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмай- диган функционал шакли. Феълнинг бу шакли *-(и)ш, -(у)в,, -моқ* аффикслари ёрдамида ясалади: *чопиш, борув, айтмоқ* каби.
ҲАРАКАТ СУБЪЕКТИ — *қ.* Субъект.
ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ. Макондаги силжишни, ҳаракатни билдирувчи феъллар. Мае., *юрмоқ, эмакламоқ, учмоқ, термоқ, йиғмоқ* ва б.
ҲАРФ. Нутқ товушларини (фонемаларни) ёзувда ифодалаш учун хизмат қилувчи шакллар. Ҳар бир ҳарф а сосан бир товуш (фонема) ни ифодалайди. Баъзи ҳарф л ар икки товушни ифода- лаши мумкин: я, ю, е каби. Шуиингдек, бир товуш (фонема) бирдан ортиқ, ҳарф билан ифодаланиши мумкин. Мае., ўзбек алнфбоендаги иг ҳарфлари билан битта бурун товущи кўрсати- лади. Ҳарфлар икки хил бўлади: 1) бош х а р ф (қ.); 2) кичик х а р ф *(қ.)*.
ҲАРФ ИИ ЕЗУВ. Ҳар бир график шакл билан алоҳида нутқ тдэуши кўрсатиладиган ёзув.
ҲАҚОРАТЛИ СУЗЛАР. Қўпол муносабат, ҳақорат ифода- ловчи сўзлар: *аблаҳ, ўлакса, касофат, кўппак* ва б.
ҲИКМАТЛИ СУЗ. Аниқ ва ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллиф и аниқ гап: *Оз демак хикматга боис, оз емак сиҳатга боис* (А. Навоий).
ҲОЗИРГИ ЗАМОН. Ҳаракатнинг нутқ найтида бажарилиши, давом этиши. Шундай ҳаракатни билдирувчи феъл «ҳозирги замон феъли», «ҳозирги замон шакли» дейилади. *Қ.* Ҳозирги замон феъллари. *Қиёс.* Утган замон. Келаси замон.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ АНАЛИТИК ШАКЛИ. Ҳозирги замон феълцнинг *ёт, тур, юр, ўтир* кўмакчи феъллари ёрдамида ясалувчи шакли. Бу шакл шу феълларнинг *-(и)б* аф- фиксли равишдош шаклини шахс-сон билан туслаш ва айни шу шаклдаги етакчи феълга қўшиш орқали ҳосил қилинади: *ишлаб ётибман, ишлаб юрибман, ишлаб турибман, ишлаб ўти- рибман* каби. Бу тўрт кўмакчи феъл ёрдамида ясалувчи шакл-. нинг ҳар бири давомлилик, такрорийлик ва ш. қ. қўшимча маъ- нолари билан бир-биридан фарқланади: *Ҳеч кимга хор-зор бўл- май деб, т и р и ш и б - т и р м а ш и б ё т и б м а н* (Ойбек). *Нима гап, қандай жанжал бўлганини ҳам п а й қ а б т у р и б м а н* (А. Мухтор). *Кўк гумбазига худди найзадай санчилган шимол томондаги тоғ чўққиси устида бир парча булут с у з и б ю р и б- ди* (С. Анорбоев). *Ҳали келишгани йўқ, ўзим ҳам ха во т ир б ў л и б ўтирибман* (А. Қаҳҳор). *Қиёс.* Ҳозирги замон феълининг синтетик шакли.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛИНИНГ СИНТЕТИК ШАКЛИ.

Ҳозирги замон феълининг -яп, -ётиб, -ётир, -моқдй аффикслари ёрдамида ясалувчи шакли: келяпти, ишлаётибдй, ишл'аётир, ай- ланмоқда каби: Қишилар айрим участкаларда алоҳида парва- риш, алоҳида эътибор билан зўр ғайрат орқасида юқори ҳосил о л иш я п т и... (Ойбек). К ейинги вақтларда м а н а т у нйрса с е з и л а ё т и б д и, с е з и л а ё т и б д и эмас, аниқ қ ў р инае- т и б д и (А. Қаҳҳор). К ў р ойдин минут сайин х и р а л а ш м о қ - д а, ой бетини сутдай қуюқ туман пардаси қ о п л а б о л м о қ д а (Ҳ. Назир). Қиёс. Ҳозирги замон феълининг аналитик шакли.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФЕЪЛЛАРИ. Ҳаракатнинг нутқ пайтида бажарилишда давом этаёГганини, тугамаганлигини билдирувчи феъл, феълнинг шундай маъноли шакллари. Ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги замон феълининг ясалиш усулига кўра икКи тури бор: 1) синтетик шакл: *ўқияпти, келмоқда* каби; 2) аналитик шакл: *ўқиб юрибди, келиб турибди* каби. *Қ.* Ҳозирги замОн феълининг синтетик шакли, Ҳозирги замон феълинйИг аналитик шакли.

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН АНИҚЛИК ФЕЪЛИ. Нутқий матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги замон ёки келаси замонга оидлигини аниқ тарзда ифодаловчи феъл шакли. Бу шакл *-а, -й* аффиксли равишдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *келади, ишлайди* каби: *Йигит ниҳоятда исиб кетган. Пешонаси, юзларидан тинмай тер қ у я д и* (Саид Аҳмад). Ин- *ститутнинг сиртқи бўлимига қ и р а м а н.*

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ. Матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги эамонда ёки келаси замонда бажарилиши- ни гумон тарзда ифодаловчи феъл шакли. Бу шакл *-(а) р* аффиксли сифатдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинади: *билар, келар, тузалиб қолар,* каби: *Йўқ, ая, чой бўлса бошқа пайт ича р ми з...* (У. Назаров.).

ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ. Матнга кўра ҳаракатнинг ҳозирги замонда ёки келаси замонда бажарилишини ифодалайдиган феъл шакли. Узбек тилида ҳозирги-келаси замон феълининг икки тури бор: 1) ҳ о з и р г и - к е л а с и з а м о н а н и қ л и к ф е ъ л и *(қ.)\ 2)* ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ *(қ.).*

ҲОКИМ БЎЛАК. Сўз бирикмасининг ҳоким қисми *(қ.).* Мае., *Эрталаб ҳашарга чиқамиз* гапида *чиқамиз* феъли ҳоким бўлак. *Қиёс.* Тобе бўлак.

ҲОКИМЛИК. Узаро алоқа (боғланиш)да бирор қисмнинг ҳоким вазияти. Мае., *баланд иморат, бешта студент* бирикмалари- даги *иморат* ва *студент* сўзларининг вазияти. *Қиёс.* Тобелик.

ҳоким СУЗ — *айн.* Ҳоким бўлак.

ҲОКИМ ҚИСМ. Узаро алоқа (боғланиш)да синтактик жи- ҳатдан тобе бўлмаган, бошқа (тобе) қисмни эргаштирувчи,унга нисбатан ҳоким вазиятдаги компонент: ҳ о к и м с ў з *(қ.),* ҳ о к и м б ў л а к *(қ.),* б о ш г а п *(қ.). Зид.* Тобе компонент.

ҲОЛ. Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, унинг ба- жарилиш сабаби, мақсади, ўрни, пайти ва шу каби белгиларини билдирадиган иккинчи даражали бўлак. Маъноларига кўра ҳол- лар қуйидаги турларга бўлинади: 1) т а р з ҳ о л и *(қ.);* 2) ў р и н ҳ о л и *(қ.)* ; 3) п а й т ҳ о л и (/(.); 4) с а б а б ҳ о л и *(қ.);* 5) м а қ с а д ҳ о л и *(қ.);* 6) м и қ д о р - д а р а ж а ҳ о л и *(қ.);* 7) т ў с и қ с и з л и к ҳ о л и *(қ.).*

ҲОЛАТ РАВИШИ — *айн.* Тарз равиши.

ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ. Маълум маконни ҳаракатланмаган ҳолда ишғол қилишни билдирувчи феъллар. Мае., *турмоқ, ётмоқ, ўтирмоқ* феъллари жўналиш келишигини бошқариб келганда— ҳаракат феъли, ўрин келишигидаги сўзни бошқариб келганда — ҳолат феъли ҳисобланади: *жойига турмоқ — жойида турмоқ, ўрнига ётмоқ — ўрнида ётмоқ, ўрнига ўтирмоқ — ўрнида ўтирмоқ* каби.

, ҲОЛЛАНМИШ. Бирнкманинг ҳол тобе бўлган (ҳоким) қисми. Мае., *Қўққисдан сўраб қолди* гапвда *қўққисдан* — ҳол, *сў- раб қолди* — ҳолланмиш.

ҲОСИЛА МАЪНО. Маълум бир маъно асосида юзага келган маъно. Мае., *аъзо* сўзининг *партия аъзоси* бирикмасидаги маъноси ҳосила маънодир. *Қиёс.* Асос маъно.

ҲУРМАТ ШАКЛИ. Қариндошлик билдирувчи от сўз тарки- бида *-лар* аффиксининг эгалик қўшимчасидан кейин қўллашшш билан ҳосил бўлувчи шакл. Қиёсланг: *акаларим (кўплик) — акамлар (ҳурмат)* каби: *Оға, соғ борсангиз, аввал д а д а м - л а р г а салом айтинг* (Ҳамза).

ҲУСНИХАТ. Аниқ ва чиройли ёзиш санъати; шундай ёзув.

ИЛОВА

НАМУНАВИЙ ВА ИШЧИ ДАСТУРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тасдиқланди:
Ўқув ишлари бўйича проректор:
_____ доц. А.Ш. Маматюсупов
2020 йил ____ август

ТИЛШУНОСЛИК ФАНИНИНГ

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси – 100 000 – Гуманитар соха
Таълим соҳаси – 110 000 – Педагогика
Таълим йўналиши - 5111400 - Хорижий тиллар ва адабиёти (немис, инглиз, француз тили ва адабиёти)

умумий ўқув соати: 60 соат
шу жумладан:

маъруза: - 14 соат (1 семестр – 14 соат)
семинар: 16 соат (1 семестр – 16 соат)
мустакил таълим: 30 соат (1 семестр – 30 соат)

Андижон - 2020

Ишчи укув дастури Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил “14” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган фан дастури асосида тузилди.

Ишчи укув дастури Андижон Давлати университети илмий кенгашининг 2020 йил 26 августдаги № 1 мажлисида куриб чикилган ва тасдикланган

Тузувчи: М. Абдурахимов – немис тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: Умархўжаев М. Э. - немис тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Хорижий тиллар факультети декани: _____ доцент Д.Р,Рустамов

Немис тили ва адабиёти кафедраси мудири: _____ проф. М.Э.Умархўжаев

Фан/модуль коди TILSH3025
Ўқув йили: 2020-2021;
Семестр: 1 ECTS –
Кредитлар: 5
Фан/модуль тури: Мажбурий
Таълим тили: Ўзбек
Ҳафтадаги дарс соатлари: 2
Фаннинг номи: Тилшунослик
Аудитория машғулотлари: -30 соат.
Мустақил таълим: 30 (соат)
Жами юклама: 60 (соат)

Фаннинг мазмуни - Фанни ўқитишдан мақсад – тилшунослик фани, унинг бўлимлари, ўрганиш объекти, бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида маълумот бериш, талабаларни тилшунослик фанининг асосий тушунчалари, категориялари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, талабаларда олинган билимларни амалда қўллай олиш малакасини шакллантириш каби вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади.
Фаннинг вазифалари – тил ва жамият, тил тизими ва тузилиши, унинг сатҳлари, бирликлари ва уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари, тилшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқаси, дунё тилларининг таснифи

“Тилшунослик” фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши:

№	Мавзулар номи	Ажратилган соат					
		Жаъми	маъруза	Амалий	лаборат.	семинар	мустақил таълим
	Тилшунослик 2019-2020 укув йили 1- семестри учун						
1	**1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.**	8	2			2	4
2	**1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.**	8	2			2	4
3	**3-мавзу. Лексикология**	8	2			2	4
4	**4-мавзу. Грамматика**	8	2			2	4
5	**5-мавзу. Синтаксис**	8	2			2	4
6	**6-мавзу. Ёзув Ёзув**	8	2			2	4
7	**7-мавзу. Тиллар таснифи.**	12	2			4	6
	Жами:	**60**	**14**			**16**	**30**

3. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши. Тилшунослик фан сифатида. Тилшунослик фанининг объекти ва предмети. Умумий ва хусусий тилшунослик. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик.

Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. “Тилшуносликка кириш” курсининг мақсад ва вазифалари. Тил – асосий алоқа воситаси. Тил – ижтимоий ҳодиса. Тилнинг моҳияти. Тилнинг асосий вазифалари. Вербал ва новербал мулоқот. Тилнинг паралингвистик белгилар ва сунъий белгилар тизими билан алоқаси. Тилнинг табиати. Тил ва нутқ. Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний, антик давр ва замонавий фаразлар. Тиллар интеграцияси ва дифференциацияси. Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Интерлингвистика. Миллатлараро ва халқаро алоқа тиллари. Сунъий тиллар. Классик тиллар. Аралаш тиллар (пижин ва креол).

2-мавзу. Фонетика Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Тилнинг артикуляцион базаси ва акцент. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: фраза, такт (синтагма), бўғин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг вариантлари ва вариациялари. Редукция. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Фонемалар тизими ва унинг миллий ўзига хослиги.

3-мавзу. Лексикология Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида. Лексикология ва унинг асосий бўлимлари. Сўзнинг хусусиятлари. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Тилнинг луғавий қатламлари. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Луғат заҳирасининг бойиш усуллари: сўз ясаш, сўз ва ибораларни ўзлаштириш. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Эскирган ва тарихий сўзлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Лексикография.

4-мавзу. Грамматика Грамматика фан сифатида. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари: аффиксация; агглютинация ва фузия; товуш алмашишлари ва ички флексия; такрор (редупликация); сўз қўшилиши; гапда сўз тартиби; урғу кўчириш; ёрдамчи сўзлар; оҳанг (мелодика); супплетивизм. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби.Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркумлари.

5-мавзу. Синтаксис Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.

6-мавзу. Ёзув Ёзув тараққиётининг асосий босқичлари. Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари. Алфавит. Графика. Орфография ва унинг асосий тамойиллари: фонетик, морфологик, анъанавий. Ёзувнинг махсус турлари.

7-мавзу. Тиллар таснифи. Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи: флектив, агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тиллар. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ҳодисаси. Функционал тасниф.

Тилшунослик фани бўйича маъруза машғулотларининг календар-тематик режаси

№	Мавзулар номи	Соатлар
	1 курс, 1-семестр	
1.	**1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.**	
1.1	Тилшунослик фан сифатида. Тилшунослик фанининг объекти ва предмети. Умумий ва хусусий тилшунослик. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. “Тилшуносликка кириш”	2

	курсининг мақсад ва вазифалари. Тил – асосий алоқа воситаси. Тил – ижтимоий ҳодиса. Тилнинг моҳияти. Тилнинг асосий вазифалари. Вербал ва новербал мулоқот. Тилнинг паралингвистик белгилар ва сунъий белгилар тизими билан алоқаси. Тилнинг табиати. Тил ва нутқ. Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний, антик давр ва замонавий фаразлар. Тиллар интеграцияси ва дифференциацияси. Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Интерлингвистика. Миллатлараро ва халқаро алоқа тиллари. Сунъий тиллар. Классик тиллар. Аралаш тиллар (пижин ва креол).	
2.	**2-мавзу. Фонетика**	
2.1	Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Тилнинг артикуляцион базаси ва акцент. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: фраза, такт (синтагма), бўғин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг вариантлари ва вариациялари. Редукция. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Фонемалар тизими ва унинг миллий ўзига хослиги.	2
3.	**3-мавзу. Лексикология**	
3.1	Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида. Лексикология ва унинг асосий бўлимлари. Сўзнинг хусусиятлари. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Тилнинг луғавий қатламлари. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Луғат заҳирасининг бойиш усуллари: сўз ясаш, сўз ва ибораларни ўзлаштириш. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Эскирган ва тарихий сўзлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Лексикография.	2
4.	**4-мавзу. Грамматика**	
4.1	Грамматика фан сифатида. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари: аффиксация; агглютинация ва фузия; товуш алмашишлари ва ички флексия; такрор (редупликация); сўз қўшилиши; гапда сўз тартиби; урғу кўчириш; ёрдамчи сўзлар; оҳанг (мелодика); супплетивизм. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби.Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркумлари.	2
5.	**5-мавзу. Синтаксис**	
5.1	Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.	2
6.	**6-мавзу. Ёзув Ёзув**	
6.1	**Ёзув** тараққиётининг асосий босқичлари. Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари. Алфавит. Графика. Орфография ва унинг асосий тамойиллари: фонетик, морфологик, анъанавий. Ёзувнинг махсус турлари.	2
7.	**7-мавзу. Тиллар таснифи.**	
7.1	Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи: флектив, агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тиллар. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ҳодисаси. Функционал тасниф.	2
	Жами:	14

Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:
1-модуль. Тилшуносликка кириш
1. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.
2. Фонетика ва фонология.
3. Лексикология ва унинг бўлимлари.
4. Грамматика. Морфология ва морфемика.
5. Синтаксис.
6. Ёзув ва унинг ривожланиш босқичлари.
7. Тилларни таснифлаш: функционал, ареал, типологик ва генеалогик таснифлар.
8. Тилларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш қонуниятлари.

Семинар машғулотлари мавзулари

1-бўлим. Тилшунослик. 1-курс, 1-семестр

1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши. Тилшунослик фан сифатида. Тилшунослик фанининг объекти ва предмети. Умумий ва хусусий тилшунослик. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. “Тилшуносликка кириш” курсининг мақсад ва вазифалари. Тил – асосий алоқа воситаси. Тил – ижтимоий ҳодиса. Тилнинг моҳияти. Тилнинг асосий вазифалари. Вербал ва новербал мулоқот. Тилнинг паралингвистик белгилар ва сунъий белгилар тизими билан алоқаси. Тилнинг табиати. Тил ва нутқ. Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний, антик давр ва замонавий фаразлар. Тиллар интеграцияси ва дифференциацияси. Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Интерлингвистика. Миллатлараро ва халқаро алоқа тиллари. Сунъий тиллар. Классик тиллар. Аралаш тиллар (пижин ва креол).
2-мавзу. Фонетика Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Тилнинг артикуляцион базаси ва акцент. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: фраза, такт (синтагма), бўғин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг вариантлари ва вариациялари. Редукция. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Фонемалар тизими ва унинг миллий ўзига хослиги.
3-мавзу. Лексикология Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида. Лексикология ва унинг асосий бўлимлари. Сўзнинг хусусиятлари. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Тилнинг луғавий қатламлари. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Луғат заҳирасининг бойиш усуллари: сўз ясаш, сўз ва ибораларни ўзлаштириш. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Эскирган ва тарихий сўзлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Лексикография.
4-мавзу. Грамматика Грамматика фан сифатида. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари: аффиксация; агглютинация ва фузия; товуш алмашишлари ва ички флексия; такрор (редупликация); сўз қўшилиши; гапда сўз тартиби; урғу кўчириш; ёрдамчи сўзлар; оҳанг (мелодика); супплетивизм. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби.Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркумлари.

5-мавзу. Синтаксис Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.

6-мавзу. Ёзув Ёзув тараққиётининг асосий босқичлари. Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари. Алфавит. Графика. Орфография ва унинг асосий тамойиллари: фонетик, морфологик, анъанавий. Ёзувнинг махсус турлари.

7-мавзу. Тиллар таснифи. Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи: флектив, агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тиллар. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ҳодисаси. Функционал тасниф.

Тилшунослик фани бўйича семинар машғулотларининг календар-тематик режаси

	Мавзулар номи	Соатлар
	1 курс, 1-семестр	
1.	**1-мавзу. Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилнинг пайдо бўлиши.**	
1.1	Тилшунослик фан сифатида. Тилшунослик фанининг объекти ва предмети. Умумий ва хусусий тилшунослик. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. “Тилшуносликка кириш” курсининг мақсад ва вазифалари. Тил – асосий алоқа воситаси. Тил – ижтимоий ҳодиса. Тилнинг моҳияти. Тилнинг асосий вазифалари. Вербал ва новербал мулоқот. Тилнинг паралингвистик белгилар ва сунъий белгилар тизими билан алоқаси. Тилнинг табиати. Тил ва нутқ. Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги диний, антик давр ва замонавий фаразлар. Тиллар интеграцияси ва дифференциацияси. Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Интерлингвистика. Миллатлараро ва халқаро алоқа тиллари. Сунъий тиллар. Классик тиллар. Аралаш тиллар (пижин ва креол).	2
2.	**2-мавзу. Фонетика**	
2.1	Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Тилнинг артикуляцион базаси ва акцент. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушлар таснифи. Ундош товушлар таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: фраза, такт (синтагма), бўғин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг вариантлари ва вариациялари. Редукция. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Фонемалар тизими ва унинг миллий ўзига хослиги.	2
3.	**3-мавзу. Лексикология**	
3.1	Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида. Лексикология ва унинг асосий бўлимлари. Сўзнинг хусусиятлари. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Тилнинг луғавий қатламлари. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Луғат заҳирасининг бойиш усуллари: сўз ясаш, сўз ва ибораларни ўзлаштириш. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Эскирган ва тарихий сўзлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Лексикография.	2
4.	**4-мавзу. Грамматика**	
4.1	Грамматика фан сифатида. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари: аффиксация; агглютинация ва фузия; товуш	2

		алмашишлари ва ички флексия; такрор (редупликация); сўз қўшилиши; гапда сўз тартиби; урғу кўчириш; ёрдамчи сўзлар; оҳанг (мелодика); супплетивизм. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби.Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркумлари.	
	5.	**5-мавзу. Синтаксис**	
	5.1	Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.	2
	6.	**6-мавзу. Ёзув Ёзув**	
	6.1	**Ёзув** тараққиётининг асосий босқичлари. Ёзув пайдо бўлишининг сабаблари. Алфавит. Графика. Орфография ва унинг асосий тамойиллари: фонетик, морфологик, анъанавий. Ёзувнинг махсус турлари.	2
	7.	**7-мавзу. Тиллар таснифи.**	
	7.1	Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи: флектив, агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлаштирувчи тиллар. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ҳодисаси. Функционал тасниф.	2
	8.	Тилларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш қонуниятлари	2
		Жами:	16

3. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1-модуль. Тилшуносликка кириш

1. Тилшунослик тил тўғрисидаги фан сифатида, унинг бошқа фанлар билан алоқаси.
2. Тилнинг ижтимоий хусусияти. Тилнинг вазифалари.
3. Тил ва маданият.
4. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги назариялар.
5. Турли тиллардаги фонетик ҳодисалар.
6. Турли тиллардаги фонемалар системаси.
7. Грамматика ва унинг предмети. Грамматик категория, грамматик маъно ва грамматик шакл.
8. Турли тизимли тилларда сўз ясаш усулларининг умумий ва фарқли жиҳатлари.
9. Турли тилларда сўз туркумларига таснифлаш тамойиллари.
10. Морфема. Морфеманинг турлари.
11. Сўзларнинг синтетик ва аналитик шакллари.
12. Лексикология ва семасиология. Сўз тилнинг марказий бирлиги сифатида.
13. Этимология. Илмий этимология, халқ этимологияси ва “ёлғон этимология”. 14. Лексикография. Луғат турлари.
15. Фразеология. Фразеологик эквивалентлик ҳодисаси.
16. Гап турлари.
17. Гапнинг актуал бўлиниши. Синтактик инверсия.
18. Ёзувнинг тарихий ва замонавий турлари.
19. Ёзувнинг махсус турлари.
20. Тилларнинг генеалогик таснифи.
21. Дунёнинг лисоний харитаси.

Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми
1-семестр учун

№	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажарилиш муддати	ҳажми (соатда)
1	Тил алоқалари: билингвизм ва диглоссия	Тилшунослик фани манбалари асосида конспектлар тайёрлаш. Индивидуал топшириқларни бажариш.	2-хафта	3
2	Тил алоқалари: интерференция	Манбалар асосида конспектлар тайёрлаш. Индивидуал топшириқларни бажариш	3-хафта	3
3	Инглиз тили ва Ҳинд-Европа оиласи	Тилшунослик фани манбалари асосида конспектлар тайёрлаш. Индивидуал топшириқларни бажариш	4-хафта	3
